ФАРҒОНА ИЛМИЙ МАРКАЗИ

ҚУВАСОЙ ТАДБИРКОРЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ

УСМАНОВ С., ДОДОБОЕВ Ю. Т., АХМЕДОВ Д: Қ:, ГАДОЕВ Э: Ф:,
УСМАНОВ А. С.

МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТ

(УҚУВ ҚУЛЛАНМА)

ТОШКЕНТ — 1999

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим Вазирлиги.

Фарғона илмий маркази.

Қувасой Тадбиркорлик ишлаб чиқариш маркази.

Усманов С., Додобоев Ю.Т., Ахмедов Д.Қ., Гадоев Э.Ф., Усманов А.С.

Молиявий менежмент

(ўқув қўлланма)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҚУВАСОЙ ЎҚУВ ИЛМИЙ - ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАДБИРКОРЛИК МАРКАЗИ.

С.Н. УСМАНОВ, Д.Қ.АХМЕДОВ, Ю.Т.ДОДОБОЕВ, А.С.УСМАНОВ, Э.Ф.ГАДОЕВ.

МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТ

Олий ўқув юртлари, коллеж, бизнес мактаб талабалари учун ўқув қўлланмаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тавсия этилган.

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 28 августдаги 344-сонли қарорига асосан Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Муаллифлар: иқтисод фанлари доктори, профессор академик С. Н. Усмонов, иқтисод фанлари доктори Д. К. Ахмедов, иқтисод фанлари доктори профессор академик Ю. Т. Додобаев, А. С. Усмонов, Э. Ф. Гадиев.

Ушбу қўлланма олий ўқув юртлари, коллеж, бизнес-мактаб талабалари ҳамда аспирантлар. Докторлар. Молия ташкилотлари раҳбарлар, тадбиркорлар,бизнесменлар учун мўлжалланган.

Тақризчилар :иқтисод фанлари номзодлари Б. Холмирзаев, М. Рахматов, иқтисод фанлари доктори, профессор А. Г. Гадиров, Т. М. Хайдаров.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган бозор иқтисодиётига ўтиш ислоҳотлари, энг аввало, молия-кредит соҳасига тааллуқлидир. Ислоҳотлар молияни бошқариш соҳасидаги туб ўзгаришлар йўналишини ҳамда хўжаликни бошқаришнинг янги муҳитига мослашиш шароитларида туб ўзгариш қонуниятларини ўрганиш заруратини белгилаб беради.

Иқтисодиётнинг илдам ривожланиши учун йиғилган тажрибани англаш, бозор шаклларига ўтиш учун амалга оширилган эволюцион жараёнлар ва паст-баланд қадамлар, тадбиркорлик фаолиятини молиялаш усуллари ва тамойилларини аниқлаш зарурдир. Бозор шароитларида ишлаш учун мутахассислар тайёрлаш молия фани олдига қўйилган жиддий вазифадир. Назарий қонуниятлар, хорижий ва мамлакатимиз тажриба амалдаги қонунчилик ва меъёрий негизлаш тўғрисидаги билимлар молиячиларга юклатилган хизмат вазифаларининг самарали бажарилишига имконият беради.

Ушбу қўлланмада, энг аввало, жамият иқтисодий негизи — мулкчилик муносабатларининг ўзгариши билан боғлиқ молия кредитни бошқариш соҳасидаги ўзгаришларнинг холисона ва қонуний йўналишларини тарихий нуқтаи-назардан баҳолаш ва англашга имконият берувчи мамлакатимиз молия фанининг ривожланиш босқичлари кўриб чиқилган. Молия пул муомаласи кредит муаммолари беҳад кенг ва кўп қирралидир, бу соҳадаги изланишлар билан кенг доирадаги мутахассислар шуғулланади. Айни вақтда, холисона сифатидаги омилларни умумлаштирувчи концептуал ва таҳлилий йўналишлар мутлақо етарли эмасдир. Ўқув адабиётлари эса кўп жиҳатдан, хорижий тажрибага асосланган.

Мазкур қўлланмада Ўзбекистон иқтисодиётидаги ислоҳотлар даври ва барқарор мол ва сармоя бозорларининг шаклланишига тааллуқли бўлган тадбиркорлик фаолиятининг молиявий таъминланишини бошқариш яхлит *концепцияси* тақдим этилган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида ва собиқ СССРнинг бошқа давлатларида уининг кўп жиҳатлари ҳали ўрганилмаган. Тадбиркорлик фаолиятининг молиявий таъминланишини бошқариш яхлит концепцияси тақдим этилган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида ва собиқ СССРнинг бошқа давлатларида кўп жиҳатлари ҳали ўрганилмаган тадбиркорлик фаолиятининг янгича иқтисодий муҳити шаклланмоқда. Биринчи навбатда бу такрор ишлаб чиқаришни таъминловчи маблағлар умумий қиймати баҳоланишини, тадбиркорликнинг молиявий таъминланишида иштирок этувчи умумий пул сармояларини бошқариш муаммолари мажмуасидир.

Молиявий муносабатлар ривожланиши ғоялари ва сабабларини фақат молиялашнинг турли жиҳатлари юзасидан янгича концепция ва услубларга таянган қўлланмалар асосида назарий томондан тушунтириб бериш мумкин.

«Молиявий менежмент» курсида сармоя бозори молиявий инфратузилмаси шаклланиши даврига тааллуқли корхона ва тижорат ташкилотларида молияни бошқариш жараёни билан боғлиқ иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий ва ижтимоий масалалар ўрганилади.

Ўрганиш объекти — такрор ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи маблағлар умумий қиймати баҳоланишини ҳамда амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар чегарасида турли ташкилий ҳуқуқий шаклдаги корхоналарнинг пул сармояларини давлат томонидан мувофиқлаштириш ва бошқариш соҳасида йиғилган амалий тажриба.

Ўрганиш мақсади — молиявий менежмент корхона ва тижорат ташкилотларида молияни бошқариш жараёни юзасидан назарий ва амалий таҳлил, шунингдек, қонунчилик, меъёрий ҳужжатлар, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги бозор ўзгаришлари тажрибаси умумлаштирилиши асосида такрор ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи маблағлар умумий қиймати баҳоланиши ва умумий пул сармояси ўзаро муносабатларининг холисона ғояларини ва қонуниятларини асослаб бериш учун ўрганилади.

Умумий мақсадлардан келиб чиққан ҳолда қўлланмада қуйидаги аниқ вазифалар кўриб чиқилади:

молиявий менежментнинг назарий мазмуни ва у билан боғлиқ тушунчалар;

молия бозори инфратузилмаси шаклланаётган шароитда такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминловчи маблағлар умумий қиймати ва баҳоланиши ва корхона, тижорат ташки-

лотлари пул сармояларини бошқариш турли омилларнинг бир-бирига таъсир кўрсатиши;

амалдаги давлат томонидан мувофиқлаштириш ва бозор иқтисодиёти қонунчилик негизи мавжудлигида тадбиркорлик фаолиятининг молиявий таъминланиши тамойиллари, услублари, шакллари;

Ҳукумат ва бошқариш давлат идоралари, молия ва солиқ идоралари, соҳа инвесторлари, тижорат банклари билан корхоналар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ўзгаришининг ғоялари турли ташкилий ҳуқуқий шаклларга тааллуқли молиявий менежмент хусусиятлари;

такрор ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этувчи маблағлар умумий қиймати баҳолашни ва корхоналарнинг умумий пул самараларини мувофиқлаштирувни омиллар ва хусусиятлар;

тадбиркорлик фаолиятини молиявий таъминлаш диверсификациясининг устивор йўналишлари;

молиявий менежментларнинг хизмат вазифалари ва ҳуқуқлари, уларнинг мулкдорлар ва тадбиркорлар олдидаги масъулияти.

Молиявий менежмент такрор ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этувчи маблағлар умумий қиймати баҳоланишини ва тадбиркорлик фаолиятининг молиялашни таъминлаб берувчи умумий пул сармоясини бошқариш мураккаб тизимини амалга оширади. Молиявий менежмент билан корхона, банкларнинг стратегияси ва тактикаси ҳамда уларнинг мижозлар, рақиблар, таъминотчилар, истеъмолчилар, акциядорлар, молия ва солиқ идоралари суғурта компаниялари, соҳа инвестициялари билан ўзаро муносабатлари ҳақидаги жами маълумотларга эга бўлган моҳир мутахассислар шуғулланиши лозим.

Корхона ва молия - кредит компаниялари учун молиявий менежерлар тайёрлаш ушбу ўқув мавзуси ўрганилишининг муҳим амалий жиҳатидир. Иқтисодиётдаги ўзгаришлар шароитида молиявий менежерлар фаолияти юзага келаётган муаммоларни ҳал қилишда ва бунда тўлов қобилиятини, рентабелликни, маблағ айланувн бошқарилишини сақлаб қолган ҳолда ҳал қилишда одатдагидан ташқари йўл излашни талаб этади.

Тадбиркорлар, аксарият ҳолларда, ҳозирги фойдани

кўллайдилар, бу эса барқарор бўлмаган ҳолатдаги жамиятга хосдир. Ваҳоланки, бундай вазият муваффақиятли ва давомий ривожланишга олиб келмайди. Албатта, муаммонинг ечими юксак ишчанлик фазилатлари, амалий тажриба ва тижорат кўникмаларини талаб этади.

Стратегик қарорлар анчагина узоқ вақтдан сўнг баҳоланади ва бундай қарорлар қабул қилинишидан ўз корхонасига ишонч билан қараган тадбиркорлар ва ишчилар манфаатдор бўладилар. Бунда, хусусийлаштириш жараёнида акциядорлаштириш ўрнини таъкидламасдан иложи йўқ. Тадбиркорлар ва ишчиларнинг мулкчиликда акциядорлаш сифатида иштирок этишлари уларнинг манфаатларини яқинлаштиради, фирманинг манфаатлари, яхши номи ҳамма нарсадан юқори қўйилади, демакки, келажакдаги барқарорлиги кўзланади. Давлатнинг молия-кредит сиёсатидаги муваффақиятлари, жамиятнинг барқарорликка эришиши иқтисодий ўсиш имкониятлари хусусийлаштириш суръатлари ва сифатига, унинг молиявий таъминланиши шароитларига боғлиқдир.

Кўриб чиқаётган молиявий менежмент концепциясининг асоси — жамият иқтисодий негизидаги ўзгаришлардир. Мулкчилик муносабатларининг ўзгаришигина давлат молияси ва корхона молияси тушунчаларини аниқ чегаралаб бериш имкониятини таъминлай олиши мумкин. Молия менежментининг асосий концепцияси — давлат бюджети ва корхона бюджети алоҳидалигига асосланади. Ўтиш даврида, бозор муносабатлари фаолият жабҳаларининг барчасига сингиб бормаган ва қонунчиликнинг аниқ доирасига киритилмаган бўлади. Бу эса тўловлар ва ҳисоб-китоблар ҳамда маблағ айланувчи ҳолатини белгилайди. Шунинг учун ушбу концепция, айниқса ўтиш даври учун долзарбдир.

Молиявий менежментни ўрганиш ва амалий ривожлантириш долзарблиги тадбиркорлик тузилмалар доирасида маблағлар ва сармояларнинг мувозанатли ҳаракатга молиявий таъсир кўрсатиш ягона тизимини барпо этиш; маблағ айланувни бошқарилишига нисбатан янги бозор қонунчилигини қўллаш; ишдаги фаолиятни, иқтисодий ўсишни, сармоя тўпланиши, самарали такрор ишлаб чиқариш жараёнларини молиялаш ва рағбатлантириш учун мақсадли манбалар шакллантириш заруратидан келиб чиқади. Молиявий менежмент

нафақат маблағ айланувини меъёрга келтириш ва тиклаш, балки бозор шароитларида ўз сарф-харажатларини ўзи қоплаш ва ўз-ўзини молиялаш тамойилларини амалга ошириш имкониятини беради.

Молиявий менежмент ягона қийматли ёндашув билан ажралиб туради ва сармоя айланувчи хусусиятларда, такрор ишлаб чиқариш жараёнлари, эмиссия ва сармоя фаолиятига хизмат кўрсатишда акс этувчи тармоқли хусусиятларга эга.

Иқтисодий фикрлашда, маълум изланишларда, хўжалик юритиш тажрибасида бозор тушунчасига асосланган дунёқарашсиз ривожланиш бўлиши мумкин эмас, шунинг учун бундай дунёқарашни шакллантириш ҳозирги босқичда айниқса долзарбдир. Маълумки, ҳозирги вақт шароитларига мос келадиган тадбиркорлик фаолиятини молиялаш ва мувофиқлаштириш ҳамда маблағ айланувини бошқариш шакллари ва услубларини қўллаш учун уларни синчиклаб ўрганиш зарур. Ўйламасдан тадбиқ этилган хорижий тажрибалар, кўп ҳолларда, мамлакатимиз иқтисодиётини барқарорлик ва иқтисодий ривожлантиришга яқинлаштирмасдан, балки узоқлаштирмоқда.

Бизнинг Вазифамиз — молия соҳасида рўй бераётган ўзгаришларнинг умумийлигини ва ўзаро боғлиқлигини, уларнинг умумий йўналишини ва мақсадларини, тадбиркорликнинг ривожланиши учун молиявий менежмент аҳамиятини, такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг бозор нуқтаи назаридан молиявий мувофиқлаштириш ишларини амалга оширишда мавжуд имкониятларни кўрсатиб беришдан иборат.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнларини таъминловчи маблағлар умумий қиймати баҳоланишини ва умумий пул самарасини бошқариш борасида кўриб чиқилган услубиёт негизлари иқтисодий ўсиш имкониятларини кенгайтиради ва молиявий фаолликни оширади.

Молиявий менежмент нисбатан қисқа вақт ичида барқарор *молиявий ҳолатни ва банкротликдан сақлашни таъминлаб*, корхона ва молия кредит компанияларини бозор шароитларида ишлаш учун мослаштиришга, молиявий фаолият шаклининг доимий ўзгариб турган қонунчиликка мувофиқ ўзгартирилишига имконият яратади.

Молиявий менежментни ўрганиш-молиялаш, банк ва тижо-

рат кредитларини бериш масалаларини янада муваффақиятлироқ ҳал қилишга имконият беради, шу жумладан, молиявий амалиётлар диверсификацияси орқали ҳам.

Эгалланган билимлар молиявий ахборотлар, қонунчиликдаги ва меъёрий ҳужжатларни ўзгаришлар оқимида тўғри йўналиш топишга ёрдамлашади.

«Молиявий менежмент» курсининг асосий мазмуни бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги молиявий менежмент концепциясини тушунтириб берувчи назарий қоидалар; турли ташкилий - ҳуқуқий шаклдаги корхона ва тижорат ташкилотлари молиявий менежментнинг хусусиятлари, молиявий менежмент вазифаларини бажарилиши учун зарур бўлган холисона шарт-шароитлар; тадбиркорлик фаолият молиявий таъминлашни бошқариш учун зарур бўлган тамойил ва услублар, шакл ва шарт-шароитлар тўплами; такрор ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи маблағлар умумий қиймати баҳолашни ва умумий пул самарасини бошқариш амалиётига молиявий менежментнинг таъсир кўрсатиши; хусусийлаштириш жараёнида молиявий менежментнинг ўрни ва аҳамияти; жорий сарф-харажатлар ва инвестицияларни молиялаш амалиётига диверсификация нуқтаи назаридан ёндошиш; йироқ ва яқин вазифалар ечимини ҳисобга олган ҳолда молиявий менежмент вазифаларини аниқлаш;

бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги молиявий менежмент билан боғлиқ ягона тушунчалар тўпламига кирувчи ва бозор нуқтаи назаридан молиянинг бошқарилишини таъминлаб берувчи категорияларнинг иқтисодий мазмуни;

такрор ишлаб чиқариш жараёнларини таъминлаб берувчи маблағлар умумий қийматини баҳолаш ва тадбиркорлик фаолиятининг молиявий таъминланишига қаратилган умумий пул самарасини бошқариш тизимини; ҳозирги ва истиқболдаги мақсадларни кўзлаган ҳолда фойдали фаолият ва ликвидликни сақлаб туришга йўналтирилган эммиссион ва инвестицион фаолиятни амалга ошириш ва сармоя жамғариш учун имконият яратувчи услубларни асослаб бериш;

тадбиркорлик фаолиятининг молиявий таъминланишини бошқариш, янги бозор шакли яратилиши ва ушбу шакл ёрдамида қуйидаги вазифалар ечими сармоя бозорининг ривожланишига кўмаклашувчи молиявий менежерлар ижтимоий қат-

ламини яратиш: кенг ва кўп қиррали сармоя бозори инфратузилмасини рағбатлантириш учун тадбиркорлар тузилмаси ўртасида молиявий ўзаро муносабатлар алоҳида тизимини яратди; молиявий менежерлар вазифаларидан келиб чиқувчи ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва уларга нисбатан қўйиладиган талаблар.

Молия соҳасида бораётган холис жараёнлар ва сармоя бозори шаклланиши билан боғламасдан сармоя, маблағ жамғармалари, маблағ айланувини маъмурий услубда соддалик билан ёндошиш нотўғри йўналишлар кўпайишига ва иқтисодиётни бошқаришнинг кучсизланишига олиб келади. Молияга менежерларни малакали тайёрлаш даражаси акциядорлик сармояларининг қарзга олинган ва жалб қилинган самарали бошқарилишига катта таъсир кўрсатади;

корхона ва банклар молияси давлат томонидан мувофиқлаштириш юзасидан олиб борилаётган такомиллаштириш ишларининг асосий йўналишлари;

Шундай қилиб, молиявий менежмент бу — йирик пул маблағлари оқимини бошқаришга ва энг қулай молиявий ечимлар топишга имконият яратувчи тадбиркорлик фаолияти молиявий таъминлашнинг стратегияси ва тактикасидир.

МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЖИҲАТЛАРИ.

1. МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТНИНГ БОШҚАРИШ ШАКЛЛАРИ, МОҲИЯТИ ВА ЭВОЛЮЦИЯСИ.

Юз йиллик тарихга эга менежмент шу давр ичида қандай ривожланган;

МДҲ мамлакатларида молиявий менежмент қандай вужудга келган;

социалистик ривожланиш даврида молиявий менежмент мактабларининг қайси бирлари етакчи ўринларни эгаллаган;

нима учун молиявий менежмент тадбиркорлик фаолияти доирасида амалга оширилади;

бизнесдаги бош шахслар — мулкдор, тадбиркор, молиявий менежерлар ўзаро муносабатлари қандай тамойиллар асосида ташкил топади;

фаолиятнинг айрим турларини рензиялаш тадбирлари қайси мақсадлар учун хизмат қилади;

молиявий бошқариш объектларига нисбатан нима учун дифференциялашган ҳолда ёндошиш зарур;

мулкдорчилик муносабатлар молиявий менежментда қандай ўрин эгаллайди;

1.1. МЕНЕЖМЕНТ ТУШУНЧАСИ

Менежмент муаммоларига оид масалалар кўп қирралиги билан ажралиб туради ва бу борадаги изланишларнинг мураккаблиги ҳамда кўп мазмунлигида акс этади. Менежмент кўп жиҳатларга эгадир. Шу ҳисобда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, молиявий, фалсафий, психологик, техник, ташкилий каби жиҳатларга эгадир. Буларнинг ҳар бири нисбатан мустақил концепцияларга асосланган бўлиб, амалда улар билан турли

мутахассислар шуғулланади. Ҳозирча менежментнинг барча жиҳатларини бирлаштирувчи ягона назария мавжуд эмас. Ваҳоланки, менежментнинг махсус назарияси ғоя юзасидан ўзаро боғлиқ бўлиб, бу боғланиш тадбиркорликни ривожлантириш мақсадлари ва йўналишларида аксини топади.

Собиқ СССР мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам менежмент ўзининг турли жиҳатлари билан фан сифатида ўрганилмаган, чунки социалистик ишлаб чиқаришни бошқариш тамойиллари, шакллари ва услубларига зид ҳисобланган, аслида эса менежментнинг инкор этилиши хўжалик юритишнинг самарали йўналишлари, меҳнат унумдорлигининг имкониятлари, бошқариш тузилмасини рационаллаштириш, маблағларни моддий молиявий мувозанатлаштиришдан воз кечмоқ билан тенг бўлган. «Менежмент» атамаси Америкадан келиб чиққан бўлиб, фақат бизнес тўғрисида гапирилганда ишлатилади. Қолаверса, бу сўз фанни, инсон фаолиятининг аниқ жабҳасини ва аниқ вазифаларини англатади. Менежмент турлича тушунтириб берилади. Биз, менежментни корхона ва тижорат ташкилотларининг фаолияти доирасида ва шу орқали ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш шакли сифатида кўриб чиқамиз. Менежмент назарияси узоқ революцион ривожланиш йўлини босиб ўтган ва пайдо бўлганлигидан буён анчагина ўзгарган. Менежмент эволюцияси жараёнини кўриб чиқайлик.

1.2. МЕНЕЖМЕНТ ЖАҲОН ЭВОЛЮЦИЯСИ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ

Менежмент эволюциясида учта асосий босқични ажратиб кўрсатиш ҳақли деб ҳисобланади.

Биринчи босқич (XIX охири XX асрнинг 30- йиллари) — менежмент фан ва фаолиятнинг мустақил тури сифатида ўз ўрнини топган ҳамда мулкдорчиликдан ажралиб чиққан. Фредриг Уинслоу Тейлюрнинг етакчи мактаби илмий бошқариш концепциясига асос солган.

Иккинчи босқич (30-60 йиллар) — менежмент «юқ.ридан пастга» тартибига асосланган буйруқбозлик - маъмурий турдаги бошқариш услуби устунлигининг тарафдори сифатида

чиқади. Мумтоз ёки маъмуриятчилик мактабига Анри Файол, Линдал Урвиг, Жеймс Д.Муни каби олимлар бош бўлишган. Худди шу босқичда инсоний муаммолар мактаби номини олган янги мумтоз мактаб юзага келган. Бу мактаб Элтон Мейон, Дуглас Мак-Грегор, Фредриг Герцбергларни асарларида намоён этилган.

Учинчи босқич (60 йиллардан ҳозирги вақтгача) — кўп ҳолларда бўлиш ва бўлимларга ажратиш усуллари қўлланган горизонтал шаклдаги қолипга асосланган менежментнинг норасмий тез мослашувчи тизими устунлик қозонган. Ушбу босқичнинг энг кўзга кўринган вакиллари Игор Ансофф, Жеймс Томсон, Вилиам Сучи, Майкл Портер, Жон Каттер, Том Петерс, Франклинг Хедоури, Майкл Мескон ва бошқалар. Ушбу босқичларнинг ҳар бири бўйича менежментнинг етакчи ғояларини кўриб чиқамиз.

Ф.Тейлор илмий бошқариш ғоясини тарғиб қилган. Меҳнатни тиклиплаш юзасидаги барча масалаларнинг ечимида фанинг етакчи ва ҳал қилувчи ўрни ишчиларга сингдирилган. Илмий тиклиплинган бошқаришнинг асосий сифатларини Ф.Тейлор қуйидагиларда кўрган:

Биринчидан — корхонада қўлланилаётган меҳнатнинг барча турлари кўринишни ҳар бир алоҳида жараёнга тегишли эски, анъанавий, қўпол, амалий услублар ўрнига илмий негиз ишлаб чиқариш вазифасини маъмурият ўз зиммасига олади.

иккинчидан — маъмурият илмий белгиланган аломатларга асосланиб ишчиларни синчковлик билан танлаб олади ва ҳар бир ишчини ўргатиб, ривожлантириб талаб қўяди. Илгари эса ҳар бир ишчи ўзига-ўзи мутахассислик танлаб билганича ўрганган.

учинчидан — маъмурият ўзи ишлаб чиққан илмий тамойилларга ишлаб чиқаришни барча алоҳида жабҳаларини мослаштириш мақсадида ишчилар билан дилдан ҳамкорлик ўрнатади.

тўртинчидан — меҳнат ва масъулият тақсимоти корхона маъмурияти ва ишчилари ўртасида деярли тенг тақсимланади. Илгари, деярли барча меҳнат тўлиқлигича ва масъулиятнинг катта қисми ишчилар зиммасига юклатилган, эндиликда эса ишчилардан кўра маъмурият кўпроқ мослашган барча меҳнат жабҳаларини маъмурият ўз зиммасига олади.

— «Корхона маъмурияти томонидан амалга оширилаётган янги турдаги вазифалар ва ишчилар ташаббусининг бирикмасидан иборат ҳамоҳанг илмий ташкиллаш тизимини барча эски тизимлардан кўра унумдорлиги жиҳатидан анча юқорига қўяди».

Ф.Тейлорнинг илмий бошқариш тамойиллари менежментнинг юқори аҳамияти тан олинишига катта таъсир кўрсатди.

Франциялик тадбиркорлик Анри Файон XX аср бошланишида менежментни режалаштиришни ташкиллаш, фармойиш, мувофиқлаштириш ва назорат каби хизмат вазифаси аломатлари бўйича ўрганишни таклиф қилган маънавий муҳитни ва ишчилар меҳнатининг унумдорлигини белгиловчи маъмурият ва маъмур шахсга биринчи даражали эътибор берилган. Файон бўйича бошқаришнинг энг муҳим тамойиллари бу меҳнат тақсимоти, маъмурият, интизом ва тартиб, бир бошлиққа ва Марксга бўйсуниш, рағбатлантириш ва ташаббус, ягона мақсад ва манфаатларга тобелик.

Меҳнат асослари ва инсон омилларига доир муаммолар менежмент идеологлари томонидан XX асрнинг 30 йилларидан бошлаб диққат билан ўрганилган. Ушбу муаммо юзасидан изланишларга Америка мактаби катта ҳиссаси қўшган. Ўзаро ҳамкорлик асосидаги ижтимоий тизим тушунчасини илмий муомалага Элтон Мейон киритган бўлиб, унинг фикрича бошқариш услубларининг самарадорлиги моддий самара билан эмас, маънавий омиллар билан баҳоланиши лозим бўлган.

Ишлаб чиқаришдаги ижтимоий муҳит кўп вақт давомида менежерларнинг эътиборидан ташқарида қолиб келган. Э.Мейон ишлаб чиқаришдаги ижтимоий тузумнинг аҳамиятини аниқлаб берган. Ушбу аҳамият қуйидагиларда акс этади: муносабатларда шахсият муносабатларининг вужудга келиши, ижтимоий таъсир ҳаракатига ундаш ва ижтимоий талаблар қондирилиши учун қўлланиши.

Ижтимоий соҳадаги ҳамкорлик энг юқори ишлаб чиқариш самарасини таъминлаб бериши лозим. Япон менежменти тажрибаси бунга яққол намуна бўла олади. Ваҳоланки, назария томонидан ушбу далилий фикрларни Америка менежменти назариётчилари мукаммаллаштирганлар. Кейинчалик менежментнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари К.Девис, Ч.Бернард, Л.Урвиг, Д.Мак-Грегор асарларида мукаммаллаштирил-

ган. Мак-Грегор жамиятда ўзини тутиш асосларини ўз ичига олган қарорлар қабул қилиниши жараёнига алоҳида эътибор берган. Ишчиларга тегишли қарорлар қабул қилинниши жараёнида ҳар бир ишчининг тажрибаси ҳисобга олиниши лозим ва ишчиларнинг бошқаришда иштирок этишлари фақат меҳнат унумдорлигининг ўсишига кўмаклашувчи ҳамда мақбул маънавий муҳит яратувчи маълум чегара доирасида мумкин, деб ҳисоблаган. Бироқ, Мак-Грегор ижтимоий зиддиятлар муаммосига эътибор қаратмаганлиги учун Т.Питерс ва Р.Уотермен томонидан танқид қилинган.

Ҳозирги вақтгача кенг тарқалган концепциялар давридан бири «Ишлаб чиқариш демократияси» номли концепция бўлиб, унинг доирасида, хусусан, бошқариш ва қарор чиқариш маъмуриятда вакил сифатида иштирок этиш учун ишчиларни жалб қилиш имкониятлари аниқлаб берилган. Бу ғояни А.Горс, Ж.Коул, Р.Уотермен, П.Друкерлар фаол тарғибот этганлар ва ишчиларни қуйидаги жабҳаларда иштирок этишлари учун жалб қилишни таклиф этганлар:

— айрим ишлаб чиқариш бўғинларидаги меҳнат тақсимоти ва бирлашган меҳнатни ҳамда меҳнат сифатини бошқаришда;

— мулкдорлар сифатида даромад ва фойдалар;

— ишчи ва менежерлар қўшма кенгашларида;

— компания директорлари кенгашида.

Ушбу концепциянинг асл маъноси ишчилар мулкининг шаклланишидадир.

Бу концепцияга қарши чиқувчилар ишчилар мулки хусусидаги қуйидаги камчиликларни кўрсатиб берганлар:

— сармоя тадрижий тузилмасини энг мувофиқ равишда ташкиллаш учун шароит йўқлиги;

— янги технологиялар борасидаги изланишлар ва фан ривожланишини таъминлашдан манфаатдорликнинг йўқлиги;

— асосий жамғармаларнинг паст суръатларда янгиланиши ва янги юуқларнинг секин тадбиқ қилиниши;

— ижтимоий муаммолар ечими борасида эскиликка тарафдорлик;

— ходимларни танлаш, жойлаштириш ва малака ошириш масалалари бўйича оқилона ечим йўқлиги;

— бошқариш ва ишлаб чиқаришни ташкиллашнинг ривожланиши учун рағбат йўқлиги.

Таъкидлаш жоизки, ишчилар мулки нораснй, тез мосланувчи ва самарали бошқариш услубларининг қўлланишни билдирмайди. Бошқариш услублари мустақил аҳамиятга ва алоҳида ривожланиш йўлига эга.

Менежмент ривожланишнинг энг самарали йўналишлари қуйидагилардир:

— йирик корпорацияларда менежментнинг сиёсий жиҳатларини кучайтириш;

— бўлиш, мослаштириш, қолиплаш шаклидаги ташкиллаш тузилмаларини қўллаш йўналишида бўлимларга ажратиш услубини такомиллаштириш;

— ривожланишнинг устивор йўналишларини танлашда стратегик йўналиш ўрнини кўтариш;

— Ҳар хилликни кенгайтириш;

— мослашувнинг янги шаклларини қўллаш;

— алоқа жараёнини илгарилаб ривожлантириш.

Замонавий менежерлар учун хос бўлган сифатлар:

— стратегик фикрлаш;

— халқаро рақобатчилик муҳитида тўғри йўл топа билиш;

— компьютер саводхонлиги;

— замонавий технологияларни биляиш,

— ижодкорлик;

— шахсий пешволик.

1.3. СОБИҚ СССР ИҚТИСОДИЁТИДА МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТ

Молиявий менежмент концепциясининг таянч нуқтаси унинг бозор иқтисодиётига айнан мос тадбиркорлик фаолиятини молиялаш жараёнини бошқариш шакли сифатида кўриб чиқилишидадир.

Молиявий менежмент фани ва тажрибаси юқори даражада ҳозиржавоб бўлиб, корхоналар фаолиятидаги фойдали ўзгаришлар ва қонунчилик ҳолатини акс эттиради. Молиянинг маъмурий буйруқбозлик тури бўйича бошқарилиши, ўз-ўзидан, эскиликка тарафдорликдир ва менежмент назарияси ҳамда тажрибасидан фарқли ўлароқ, даромадликни ошириш ва инвестицияларни амалга ошириш учун сармоя йиғишни раг-

батлантирмайди. Натижада, бу усул меҳнат унумдорлиги ўсишининг имкониятларини чеклайди ва ишлаб чиқариш ривожланишига қаршама-қарши чиқади.

Молиявий менежмент корхонани бошқариш борасидаги умумий мақсадларга эришиш учун йўналтирилган умумий вазифани бажарувчи тизимдир. Молиявий менежмент, бир тарафдан, аниқ қонуниятлар ва хусусиятларга эга бошқариладиган тизимдир, иккинчи тарафдан эса корхонани бошқариш умумий тизимининг бир қисмидир. Бошқариладиган тизим ҳисобидан молиявий менежмент солиқлар, корхоналар, иш ҳақи ва шу кабилар орқали катта даражада давлат томонидан мувофиқлаштиришга мойилдир. Бошқариладиган тизим деганда, молиявий менежмент бошқариш қарорлари оқимининг таъсири остида бўлган бошқариш объекти сифатида ҳисобланиши тушунилади. Бошқариш субъектларига Давлат бошқариш идоралари, солиқ ва молия идоралари, банклар, сугурта идоралари ва бошқалар киради. Бошқаришнинг бош субъекти мулкдордир. Бироқ, айнан мулкдор молиявий менежментнинг бошқа томони бошқариладиган тизим билан кўп тўқнашади, бу эса, кўпинча, зиддиятларга олиб келади.

Узоқ вақт давомида бошқариладиган тизимнинг етакчи механизми сифатида ўз ичига молия-кредит механизмини олган хўжалик механизми қурилган. Молия-кредит механизми бошқаришнинг ягона объекти кўринишида асосланган. Молия-кредит механизми деганда, кўзланган мақсадларга эришиш учун хизмат қилувчи барча таркибий унсурларнинг ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро таъсири тушунилган ва бунда бошқаришнинг тизимли ҳамда мажмуали бўлишига катта аҳамият берилган.

Молия-кредит механизмининг ҳаракати, энг аввало, корхоналар молиясини бошқаришга, хусусан, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ривожлантиришда қўшимча заҳираларни аниқлашга қаратилган. Молия-кредит механизми молия-кредит жараёнларини бошқариш қисмидаги ишчилар ва корхона раҳбарлари хулқ-атворига ҳамда қарорлар қабул қилинишига таъсир кўрсатувчи тизим остидаги мажмуани ўз ичига олган. Лекин, бундай таъсирнинг якуний мақсади умумдавлат миқёсидаги молия ва кредитларнинг нормал шароитда хизмат кўрсатишини таъминлашдир, яъни тақчилликсиз бюджетни

шакллантириш, режали тадбирларни молиялаш ва кредитлаш, пул жамғармаларини ташкиллаш ва улардан фойдаланиш хусусида белгиланган тартиб ва муносабатларга риоя этилаётган ҳамда режанинг бажарилишини назорат қилиш. Молия-кредит механизмининг таъсирчанлигини бошқаришнинг турли даражаларида қабул қилинаётган қарорларнинг ўзаро мувофиқлигига боғлиқ бўлган ва аниқ тобеликни талаб қилган. Бироқ, тобелик «юқоридан-пастга» алоқаларда бузиб қилинган. Бошқариш жараёнида қўлланган молия-кредит таъсир чоралари корхоналарнинг пул айланувчи узлуксизлиги ва такрорланиши ҳамда марказлашган маблағларнинг пул айланувидан нисбатан иқтисодий ажраганлигига асосланган. Молия-кредит механизми жамият иқтисодий негизини ўзгартирмаган ҳолда узлуксиз такомиллашиб келгани билан ажралиб турган. Бу, хусусан, ишлаб чиқариш бирлашмалари, умумиттифоқ ва республика бирлашмаларининг бошқариш объекти сифатида гавдаланганлигида аксини топган, яъни стратегик молиявий қарорларни қабул қилиш ва пул жамғармаларини бошқариш жараёнларининг қонуниятли марказлашиши рўй берган. Кейинчалик, марказлаштириш концерн, уюшма, давлат холдинглари ва бошқа корхона бирлашмаларини барпо этиш йўналишида амалга оширилган. Концернлар акциядорлик асосларида барпо этилиши таклиф қилинган ва бунда бошқариш назариясидаги катта ривожланиш акс этган. Бироқ, хусусийлаштириш ва акциядорлаштириш жараёнлари йўлдош бўлган бундан кейинги бозор ўзгаришлари даври марказлашган бошқариш тамойилини кучайтирмаган ва, аксинча, кучсизлантириб қўйган. Бунинг сабаблари қуйида кўриб чиқилган.

Молия-кредит механизми — социалистик иқтисодиёт шароитида молия, кредит, пул муомаласи соҳасидаги муносабатларни ташкилий шакли. Жамоатчилик ишлаб чиқаришни молиялаш ва кредитлаш шакллари, услублари ва шароитлари ҳамда режалаштириш борасидаги марказлашган тизим унинг асосини ташкил этади.

Иқтисодий жараёнларни бошқариш воситаси сифатидаги молия марказлашган ва марказлашмаган пул жамғармалари ўртасидаги ўзгаришлар ва ўзаро муносабатларга боғлиқ ҳолда ўзгаради. Молия иқтисодий бошқариш умумий мақсадларига эришиш учун кўмаклашади, шунинг учун унинг энг қулай

тарзда ташкил этилиши талаб қилинади. Бозор иқтисодиётида бундай ташкиллашга молиявий менежментнинг сифатли бўлишини белгилайди.

Молиявий менежмент вазифалари, унинг ўлчови ва ташкил этилиши тамойилларини аниқлаб олиш муҳим услубиётчилик омили ҳисобланади. Айни вақтда, молиявий менежмент корхоналар доирасида яккаланмаслиги ва бюджет, нобюджет жамғармалар, банклар ва бошқа кредитлар, молия-кредит ва суғурта ташкилотлари, соҳа инвесторлари билан доимий равишда ўзаро алоқада бўлишни ҳисобга олиши зарур.

Молиявий менежмент маълум даражада бошқаришни ташкил этиш умумий тамойиллари таъсири остида бўлиб, ушбу тамойиллар ичига режалаштириш, рағбатлантириш, алоҳида унсурларнинг уйғунлиги, ҳар хиллилик, мақсадга сари йўналиш ва бошқалар киради.

Бошқариш ахборот оқимларига таянади. Қарорлар қабул қилиниши ахборотлар йиғиндисига асосланади. Келаётган ахборотларнинг таҳлил қилиб борилиши қарор қабул қилинаётган пайт учун ҳам, бошқаришлик вазифаларининг бажарилиши борасидаги жараён учун ҳам муҳимдир.

Менежмент доимо мақсадли йўналишга эга бўлиб, бу, унинг барча жиҳатларида ўз изини қолдиради, шу жумладан молиявий жиҳатдан ҳам. Молиявий маблағларнинг тақсимланиши ва ишлатилиши бошқаришни ташкиллашни бирлаштирган. Молиявий менежмент жамиятдаги айрим табақаларнинг маълум ижтимоий сиёсий манфаатларига даҳлдордир. Бироқ у ўзининг фаоллигини рағбатлантиришга қаратилган.

Молиявий менежмент моҳиятини кўрсатиш учун молиявий фаолиятни бошқаришга оид ривожланиш эволюциясини кўриб чиқиш лозим.

1.4. ТАРИХ НУҚТАИ НАЗАРИДАН СОБИҚ СССР ДАГИ МОЛИЯ

Социализм қурилишининг биринчи йилларида солиқ шакллари ва услублари орқали ишлаб чиқариш ва мол сотувига таъсир кўрсатишни ҳамда маблағларни сафарбар этишга асосланган молия механизми мавжуд бўлган. Солиқлар молиявий

маблағларининг бюджетда энг юқори даражада тўпланишини таъминлаган корхоналарнинг тўлов қобилиятини ва бозор ҳажмини мувофиқлаштирган, хусусий шуъбани чеклаган. «Давлат мавжудлиги молиявий муносабатларни келтириб чиқарди» мазмунидаги концепция шу даврда холисона устиворликка эришган. Кейинчалик ҳам бу концепциянинг қатор тарафдорлари бўлган. Янги Иқтисодий Сиёсат (НЭП) даврининг биринчи йилларида Ф.А.Меньковнинг молиявий фан хусусиятидаги фикри кенг тарқалган ва ушбу фикр қуйидагича баён этилган: «на эркин рақобатга ва на талаб ҳамда таклиф қонуниятига ўрин йўқ, аксинча, бу ерда зўравонлик ҳукумати, якка ҳукмронлик тамойили, сиёсий ва ижтимоий асослар устунлиги амал қилмоқда».

Капиталистик тизимдан ўзлаштириб олинган молиявий фаолиятни бошқариш шакллари ва услубларини қўллашга йўл қўйилмаган. Совет давлатининг «молиявий қудратини мустаҳкамлаш» ҳамда «халқ хазинаси» манфаатлари биринчи ўринга қўйилган.

1930 йил ислоҳоти қуйидаги мақсадни кўзлаган давлат маблағларининг ўз вақтида ва тўлиқ сафарбар этилишини ҳисобга олган ҳолда соф даромад тақсимланиши ва бюджетга йўналтирилиши тизимини ўзгарди. Ислоҳотдан илгари 70 хилдаги солиқ ва носолиқ бюджет тўловлари мавжуд бўлган. Бу эса молиявий маблағларни марказлаштиришга, уларнинг жамлигини орттиришга, қайта тақсимлаш жараёнларининг кенгайишига, корхоналарнинг ҳисобидаги фаолиятларини чеклашга, уларнинг мустақил ва маъсулиятли бўлишига имкон берган. Ислоҳот қатъий фоиз тамойиллигини йўқ қилди. Бюджетга маблағ ажратиш миқдори корхоналарнинг марказлашган режаларда ҳисобга олинган молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжларига қараб табақалаштириш тарзида белгилана бошлайди. Тўловлар баланс бўйича фойданинг энг кам 10 фоизини ва энг юқори 81 фоизини ишоралари чегарасида белгиланган. Фойдадан маблағ ажратиш тарзида корхоналарнинг бюджет билан ҳисоб-китоб қилишлари марказлашмаган тизими 1930 йилдан то 1936 йилгача амал қилган. 1936 йилдан бошлаб марказлашган тизим жорий қилинган ва бу тизим Бош қўмиталарга бир корхонанинг кўрган зарарини бошқа корхонанинг кўрган фойдаси ҳисобига қоплаш имкониятини берган.

1955 йилдан бошлаб марказлашмаган ҳисоб-китоблар тизимига қайтилган ва бунинг натижасида молиявий тизимни ишлаб чиқариш ҳам мол сотуви жараёнларига фаол таъсир кўрсата билиши ва маҳаллий молия идоралари томонидан корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назорат ўрнатиш ишларининг ташкилланиши таъминланган. Бу даврда бюджет билан корхоналар ўртасидаги маблағ ҳаракатида ўринсиз қарама-қарши оқимлар кучайган ва оқибатда самарали хўжалик юритишга фойданинг таъсир кўрсатиши кучсизланган ҳамда фойдани кўпайтириш учун корхоналарнинг рағбати пасайган.

Нарх-наво чиқаётган маҳсулот хиллари, моддий-техник маблағлардан фойдаланиш устидан қаттиқ назорат қўлланганлиги сабабидан ушбу даврда фойдага жуда эҳтиёткорона муносабат билдирилган. Корхоналарнинг *хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатишларига* бўлган эътибор ўсган. 1930 йил ислоҳотидан илгари молиявий бошқаришнинг дастлабки объекти сифатида бир соҳанинг бир неча корхоналарини ўз ичига кирган трест бўлган бўлса, ислоҳот давомида хўжалик ҳисобида иш юритишни алоҳида корхоналар, ҳатто цехларга етказиш вазифаси қўйилган. Трестнинг молиявий фаолиятни бошқаришдаги асосий вазифаси безарар ишлаш учун шароит яратиб беришдан иборат бўлган. Хўжалик ҳисобида фаолият юритиш бу вазифани мураккаблаштирди. Бу хусусда социалистик молия таъминотининг асосчиси В.П.Дьяченко билдирган, фикр ўрнак бўла олади:

«Хўжалик ҳисобида фаолият юритишнинг тадбиқ этилиши, мустаҳкамланиши корхоналар ва хўжалик тармоқларида молиянинг тўғри ташкил қилинишини ҳамда ишлаб чиқаришнинг молиявий-иқтисодий томонларини эгаллашини талаб этган. Бу эса қуйдагиларнинг зарурлигини билдирган:

1. Ҳар бир корхонада, ҳар бир хўжалик ташкилотида ҳисоб юритиш ва ҳисоб ишларини йўлга қўйиш;

2. Молия ва тўлов интизомларига қатъий риоя этиш;

3. Қўшимча харажатларни энг кам миқдоргача камайтириш, тежамкорликни қатъий тартибда сақлаш;

4. Маблағ айланувининг энг юқори даражада тезлашишини таъминлаш;

5. Умуман таннархнинг пасайиши ва рентабелликнинг ўсишини таъминлаш.

Ушбу талаблар бозор иқтисоднёти ривожланиш даври учун ҳам муҳимдир.

Шу даврда бошқа молиявий концепция ҳам юзага келган. Бу концепцияга кўра молиявий муносабатлар ишлаб чиқариш доирасида вужудга келади. Яъни, 1930 йил ислоҳоти умумдавлат молияси билан бир қаторда корхоналар молияси ҳуқуқини мустаҳкамлаб берган ва молиявий концепцияларининг реалистик бўлишига сабаб бўлган.

Ўз-ўзидан корхоналар молиясининг мустақил фан сифатида вужудга келишига хўжалик ҳисобида фаолият юритишнинг тан олиниши ва ривожланиши сабаб бўлган. Кейинчалик корхоналар молияси корхоналарнинг хўжалик ҳисобида фаолият юритишлари доирасида ўрганилган. Шу даврдаёқ молиявий фан мазмуни анчагина кенгайган.

«Иссиқда молия» курсига қуйидагилар киритилган:

1. Социалистик такрор ишлаб чиқаришда молиянинг ўрни ҳақида таълимот.

2. Давлат сарф-харажатлари ҳақида таълимот. Шу ҳисобда давлат ижтимоий таъминоти ва ижтимоий суғурталаш ҳақида таълимот.

3. Давлат даромадлари ҳақида таълимот.

4. Давлат кредити ва жамғариш ишини ташкиллаш ҳақидаги таълимот.

5. Мулкий ва шахсий давлат суғуртаси ҳақидаги таълимот.

6. СССР давлат бюджети ҳақидаги таълимот.

7. Давлат молиявий назорати ва молиявий бошқариш ҳақидаги таълимот.

В.П.Дьяченко такрор ишлаб чиқариш жараёнида молиянинг ўрнини аниқлаш ҳамда корхоналар маблағ айланувини ўрганиш ишларига катта ҳиссаси қўшган ва қуйидагиларни таъкидлаган:

«Социалистик корхона ва хўжалик тармоқларининг молияси жами совет молия-кредит тизимининг асосини ташкил этади. Ушбу молия ишлаб чиқариш жараёни, жамоатчилик маҳсулотининг тақсимланиши ва ишлатилиши билан бевосита боғлиқ, шунинг учун ҳам тўғридан-тўғри ишлаб чиқаришнинг иқтисодий томонига тааллуқлидир. Бундай молиянинг муво-

фиқ равишда ташкил этилиши воситасида маблағларнинг узлуксиз айлануви, қиймат шаклларининг узлуксиз янгиланиши, пул маблағларининг корхоналарга ўз вақтида етказиб берилиши ва режаларни бажариш ҳамда ортиғи билан бажариш мақсадларида ушбу маблағларнинг тўғри тақсимланиши ва ишлатилиши таъминланади.»

В.П.Дьяченко адолатли равишда қуйидаги фикрни билдирган: «Корхоналар молияси қиймат шаклларининг янгиланиши билан узлуксиз боғлиқ ва нафақат даромадлар ҳамда пул жамғармаларининг тақсимланиши орқали жамоатчилик маҳсулотининг тақсимланишига, балки корхонанинг хўжалик маблағ *айланувидаги маблағлар айланишига ҳам хизмат қилади.* Айнан шу маблағлар айланиши корхоналар жамғармаларининг кенгайган тарзда янгиланишга асос бўлади».

В.П.Дьяченко молиянинг аҳамиятини унинг табиати ва вазифалари билан боғлаган ҳамда маблағлар ҳаракати жараёнининг англанилиши ва ўрганилиши заруратини кўрсатган.

У молиянинг моҳиятини ва тўлиқ таърифлаб берган. Бу таърифда ушбу категориянинг энг муҳим сифатлар тавсифи жамланган. Мазкур таърифнинг кўп сонли издошлари мавжуд бўлиб, социалистик жамият учун мумтоз бўлиб қолган.

«Совет молияси иқтисодий муносабатлар тизимини ташкилантиради. Ушбу муносабатлар воситасида кенгайтирилган социалистик такрор ишлаб чиқариш заруриятлари ва бошқа жамоатчилик эҳтиёжлари қондирилиши учун маблағ жамғармалари режа асосида ташкил этилади ва улардан фойдаланилади. Совет молиясининг вазифаси қуйидагилардан иборатдир: даромад ва пул жамғармаларининг ўз вақтида ва тўғри ташкил этилиши, тақсимланиши, сарфланиши орқали ҳамда таъсирчан назорат воситасида рубл ёрдами билан халқ хўжалигидаги жами маблағларнинг энг оқилона, самарали сарфланиши ва совет халқининг моддий ва маданий эҳтиёжлари янада тўлароқ қондирилишига имкон яратиш».

Даромадларнинг давлат миқёсида яхлит ва давлат корхоналарида бир бутун яратилиши жараёни сифатида кўп кўриб чиқилиши ушбу даврмолия концепцияси учун хос бўлган. Корхоналарнинг алоҳида ажралган маблағ айланувини ўрганиш, ҳатто мустақил тармоқ молияси мавжудлигини тан олган молиячилар томонидан ҳам ножоиз, деб ҳисобланган.

60-йил ислоҳоти хўжалик ҳисобида фаолият юритишнинг янада ривожланишига қаратилган. Бу ривожланишга бошқариш, режалаштириш, иқтисодий рағбатлантириш жабҳаларида йирик тадбирлар амалга оширилиши киритилган. Фойдани тақсимлаш механизмида катта ўзгаришлар рўй берган корхоналар фойдасидан бюджетга тўлов ўтказиш ҳажмининг 1965-йилдаги 71 фоиздан 1975 йилдаги 58 фоизгача қисқаргани бундан далолат беради. Ушбу даврдан кенгайган такрор ишлаб чиқариш ва иқтисодий рағбатлантириш манбаси сифатидаги фойданинг ўрни ўзаро алоқадор равишда фаоллашди. Фойданинг ишлаб чиқаришга кучлироқ таъсир кўрсатиши қуйидаги молиявий услублар ёрдамида таъминланган:

— корхоналарда учтадан иқтисодий рағбатлантириш жамғармаларининг яратилиши;

— ишлаб чиқаришни ривожлантириш жамғармаси, моддий рағбатлантириш жамғармаси, ижтимоий-маданий тадбирлар жамғармаси;

— капитал қуйилмаларни молиялаш, айланма маблағларни кўпайтириш ва бошқа харажатлар манбаи сифатида фойдадан фойдаланиш;

— бюджетга ўтказиладиган биринчи навбатли меъёрий тўловлар жорий қилиниши; ишлаб чиқариш жамғармалари учун ҳақ, тайин тўловлар фойданинг бўш қолдиғидан бадаллар.

Фойда молиявий режалар тизими орқали марказлашган равишда тақсимланган ва бўш қолдиқдан бюджетга бадал тўлаш йўли орқали батамом тартибга келтирилган. Қатъий молиявий режалаштириш тизимига асосланган қолдиқ бўйича фойдани тақсимлаш номини олган тамойил қўлланилган. Молиявий режалаштиришнинг аҳамияти қуйидагилардан иборат бўлган.

— корхоналар билан бюджет ўртасида молиявий маблағлар тақсимланиши мутаносиблигининг аниқланиши;

— бюджет олдидаги мажбуриятларнинг биринчи навбатли тартибда бажарилиши;

— бюджетдан ажратилган пулларнинг корхона маблағ айланувн - ишлатилиш имкониятларининг ҳисобга олиш;

— бюджет ажратмаларининг қай мақсадда ишлатилишига қараб, бюджет ҳисобидан молиялаш услубларининг табақалаштирилиш;

— капитал қуйилмалар учун, айланма маблағларнинг ўсиши учун амалиёт сарф-харажатлари;

— бюджетга ўтказиладиган тўловларнинг ўз вақтида ва тўла меъёрда амалга оширилиши устидан молиявий назоратнинг таъминланиши.

Режалаштириш иши рағбатлантириш тизими билан чамбарчас боғлиқ социалистик иқтисодиёт бошқарилишининг асоси сифатида кўрилган. Д.А.Алахвердян бу хусусда шундай ёзган:

«Моддий ишлаб чиқариш учун зарур бўлган пул маблағлари молиявий режаларда назарга олинган. Бу орқали молиянинг кенгайган ишлаб чиқаришда иштирок этиши ифодаланади. Режаланган ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг бажарилиши уларнинг молиявий таъминлангани ва молиявий режасининг ижро этилиши билан бевосита боғлиқ. Молиявий режалар тизими орқали молиявий маблағлар ҳаракатида уларнинг белгиланган мақсадларига мувофиқ иқтисодий асосланган мутаносибликка эришилади. Молиявий режани энг мақбул ҳолга келтириш учун иқтисодий асосланган боғланиш ва бозор шароитларининг ўзгариши, ишлаб чиқаришнинг такомиллашиши, талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши муносабати билан жадалкор тарзда кўрсаткичларнинг тузилишини талаб этади. Буларнинг ҳаммаси режаланган фойда катталигига ва ҳоказоларга таъсир кўрсатади. Режанинг тузатилиши қонуниймдир ва дастлабки қабул қилинган режа энг равишда мувозанатга келтирилмаганидан далолат бермайди».

Ушбу даврда иқтисодга олимларнинг эътибори қуйидаги усуллардан ташкил топган иқтисодий механизмни ўрганишга қаратилган:

— режалаштириш ва тахмин қилиш тизими;

— жамоатчилик ишлаб чиқариш тузилмасининг ташкил этилиши;

— иқтисодий рағбатлантириш тизими;

— нарх-наво ташкил топиш тизими;

— ҳисоб-китоблар тизими ва бошқалар.

1975-1980 йилларда бошқариш, режалаштириш, иқтисодий рағбатлантириш ишларининг такомиллашуви жамоатчилик ишлаб чиқаришнинг бирламчи бўғини сифатида ишлаб чиқариш бирлашмаларини ҳамда бошқаришнинг ўрта бўғинида

умумиттифоқ ва республика бирлашмаларини ташкиллаш хўжалик ҳисобида фаолият юритишнинг вазирликлар номидан тармоқларга ёйилиши, ишлаб чиқариш йириклашуви ва ихтисослашувнинг кучайтириш орқали субъектлар ва объектлар ўзгариши негизида амалга оширилган молия-кредит механизми доирасидаги ўзгаришлар қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилган:

— истиқболли молиявий режалаштириш ишларини такомиллаштириш;

— фойдани тақсимлаш меъёрларининг қўлланилиши орқали бюджетга тўловлар ўтказиш тизимининг такомиллаштирилиши ва иқтисодий рағбатлантириш жамғармаларининг шакллантирилиши;

— сарф-харажатларни молиялаш тартибининг такомиллаштирилиши;

— илмий-техник тараққиёт ютуқларининг тадбиқ этилишини рағбатлантириш;

— иқтисоддаги тузилмаларнинг халқ истеъмол молларини ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари фойдасига силжитиш мақсадида молиявий маблағларни устивор объектларга жамлаш.

Корхона молиясининг ривожланишига А.М.Бирман улкан ҳисса қўшган. У, адолатли равишда, қуйидагиларни кўрсатган:

«Афсуски, охирги ўн йилликларда режалаштириш, рағбатлантириш, бошқариш тизими корхоналарнинг режа бажарилишига имконият топиб ва тегишли моддий мукофот олиш учун ўз имкониятлари ва заҳираларини оширишга ҳамда ташаббус билдирмасликка мажбур этган».

«Биз шунга аминмизки..., иқтисоднёт бошқарилишини ташкиллаш ишларининг янада такомиллаштирилиши биз учун хўжалик ислоҳотини тезроқ ва самаралироқ юргизишимизга имкон берувчи бўғиндир. Чунки ислоҳот жараёнида сезилаётган қийинчиликларнинг мавжудлигига биринчи навбатда ва энг катта даражада бошқаришга тегишли қарор муаммоларининг ечимсиз келаётгани сабаб бўлмоқда».

А.М.Бирман молияни иқтисодиётини самарали бошқариш воситаси сифатида текшириб чиққан ва шу билан бирга катта хизмат кўрсатган. Келажак истиқболларини тадбиркорликнинг ривожланишида кўрган ва унинг социалистик иқтисодиётида намоён бўлишнинг хусусиятларини аниқлаб берган:

«Биринчи. Ҳар бир муҳимроқ тадбир учун раҳбарлик қилаётган идоранинг рухсати ёки камида розилиги талаб этилади. Розилик бериш ўз зиммасига маълум маъсулият юклашни билдиради; масалани ҳал қилишдан бош тортиш кўпинча кўнгилсиз оқибатларга олиб келмайди, айниқса бу қадам тегишли равишда «расмийлаштирилган» бўлса.

Иккинчи. Тадбиркорликни юзага чиқариш учун ишчилар, моддий ва молиявий маблағлар зарурдир. Бугун буларнинг барчаси режада тўлиқ ҳисобга олинган, қолаверса, режадан ортиқ маблағлар ҳам батамом тақсимланган.

Учинчи. Тадбиркорлик рағбатлантиришга муҳтождир».

Корхоналар молиявий фаолият бошқарилишининг такомиллантирилиши хусусидаги А.М.Бирманнинг таклифлари хўжалик механизмида молия ўрнини ўзгартириш зарурлиятига бориб тақалган:

«Хўжалик механизмини яхлит тавсифламоқчи бўлсак, шуни айтиб ўтишимиз керакки, унинг турли мустақил механизмлари бир хилда мукаммал эмасдир. Ишлаб чиқарувчининг шу қадар вазифаларини белгилаб берувчи қисми пухта ишланиб, тобига етказилган. Нима ишлаб чиқариш лозимлиги маълум, режанинг ортиғи билан ва муддатидан илгари бажарилиши рағбатлантирилади, ишлаб чиқариш харажатлари тартибга солинади, ишлаб чиқариш жараёнидаги сарф-ҳаражатлар тежами рағбатлантирилади.

Тадбиркорликка ва асосланган таваккалчилик хавфига ундовчи ҳамда ишбуларни рағбатлантирувчи хўжалик механизмининг бўғинлари, шунингдек, умумдавлат манфаатларини қўриқловчи жазо чоралари анча кучсизроқ ишланган. Корхона ва фуқаро, яъни истеъмолчиларнинг талаблари ва таклифлари эса жуда кучсиз акслана дади.»

А.М. Бирман қуйидагиларга шубҳасиз амин бўлган:

«Молия механизми беҳад ихчам, жадалкор, жозиб бўлса тадбиркоронароқ бўлиши лозим... Халқ хўжалиги тармоқларида юз минглаб кишилар молиявий иш билан бандлар. Улар турлича лавозимларда ишлайдилар: бош бухгалтернинг молия бўйича ўринбосари, режалаш бўлими бошлиғининг ўринбосари, нозирлар ва муҳандислар, деб аталадилар. Бироқ, буларнинг барчаси — молиячилардир. Айнан шу одамлар молия ва-

зифаларини биринчи навбатда амалга оширадилар. Уларнинг уддабурролиги ва саводхонлигига жуда кўп нарсалар боғлиқдир. Холбуки, ушбу молия қўшинлари ягона услубиёт қўлланмалар орқали бошқарилмайди... Молия ва кредитнинг тадбиркорлиги уларнинг табиати билан белгиланган. Бу холисона хусусиятдан охиригача фойдаланиш зарур».

Бунга қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, услубиёт борасида ягона раҳбарликнинг йўқлиги молиявий интизом, ҳисоб-китоблар тартиби, тўлов муддатларининг бузилишига олиб келади. Ҳозирги замонда бозор тўғрисидаги, шу ҳисобда молия тўғрисидаги қонунларнинг жўшқин шаклланиш жараёни муносабати билан мазкур муаммо янада кескин тус олмоқда, А.М.Бирманнинг асарларини таҳлил қилиб ва умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, у молиявий менежмент концепциясида ўз аксини топган корхона молиявий фаолиятини бошқаришда сифат жиҳатидан янги ҳолатга жуда яқинлашган.

Аксарият молиячи олимлар халқ хўжалигини бошқаришда корхона молияси ўрнининг тўғри баҳоланмаганига рўкач қилишган ва бу муаммо ечимларини таклиф этишган. Д. А. Алахвердян қуйидагиларни таъкидлаган:

«Марказлашган ва марказлашмаган молиянинг ягона жараёнда бажарилиши бўйича илмий ишлаб чиқилган кўрсаткичлар негизида улар ўртасида иқтисодий асосланган алоқалар таъминланиши ва молия-кредит механизмининг такомиллашиши режалаштириш ҳамда бошқариш жараёнида молия-кредит воситасидан янада кенг ва таъсирчан фойдаланиш ўлчовчи бўлиб хизмат қилади. Иқтисодий ўсиш жадалкор омилларини рағбатлантиришда молия ўрнининг кучайтирилиши — хўжалик ҳисобидаги корхоналар ўзлари яратган маблағларнинг мувозанатга солинишини, ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида корхоналар ўзлари яратган маблағлар ҳисобига хўжалик ҳисобида молиялаш амалиётининг кенгайишини билдиради».

Д.А.Алахвердян тутган йўл А.М.Бирманнинг фикрларидан анча фарқ қилади. У бошқариш тизими ривожланишининг икки йўналишини ажратиб кўрсатган:

1) энг оқилона иқтисодиётни бошқаришнинг тасвирли ифодасини ишлаб чиқиш, шу ҳисобда хўжалик ҳисобидаги бир-

лашмалар кўринишда ишлаб чиқариш мажмуаларини барпо этиш;

2) бир бутун яхлитлик сифатида социалистик иқтисодиёт барча томонларининг бажарилишини қамраб олиш.

Бирлашмаларнинг барпо этилиши уларнинг таркибига кирувчи корхоналар иқтисодий мустақиллигининг чекланиши ва хўжалик ҳисобида фаолият юритиш ҳуқуқининг торайиши билан боғлиқ эканлиги кўпчилик иқтисодчилар томонидан тан олинган. Бу эса хўжалик механизмининг етарли ишлаб чиқилмаганидан ва корхоналар молиявий фаолияти бошқарилишида бир қатор муҳим муаммолар ечимсиз қолдирилганидан далолат берган. Хўжалик ҳисобида фаолият юритиш ҳуқуқининг торайиши аслида пул муомаласининг бузилишини ва корхоналар маблағ тўплаши миқдорининг энг кам даражагача етказилишини билдирган. Молиявий маблағларни ҳаракатлантириш йўли орқали бирлашмалардаги ички бўлинмаларнинг ишлаб чиқариш молиявий фаолиятлари учун тенг шароит яратиб берилиши иқтисодиётни бошқариш жабҳасидаги ютуқ деб билинган. Хўжалик ҳисобидаги бирлашмалар фойдани, амортизацияни, моддий маблағларни қайта тақсимлаганлар ҳамда белгиланган меъёрлардан ошиқча айланма маблағларни муаммолардан олиб қўйганлар.

Хўжалик ҳисобининг тармоқларга ёйилиши молиявий фаолият бошқарилишининг ривожланишида кейинги босқич бўлди. Вазирликлар хўжалик ҳисобида фаолият юритишлари ҳақидаги масала кўтарилишининг ҳуқуқийлигини бир қатор иқтисодчилар гумон остига олганлар. Вазирликлар хўжалик фаолияти билан шуғулланмаган ва корхоналарнинг ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти натижалари учун моддий жавобгар бўла олмаганлар. Бошқа иқтисодчилар эса, аксинча, бунинг кўп яхши томонларини кўрганлар. Тармоқ хўжалик ҳисоби аломатларига қуйидагиларни киритса бўлади:

— режалаштириш ва бошқаришда вазирликлар ҳуқуқини кенгайтириш;

— бюджет пул ажратмаларидан воз кечиш;

— марказлашган фойда ҳисобига капитал қўйилмаларни молиялаш ва узоқ муддатли қарзларни қоплаш;

— илмий-текширув, тажриба: конструкторлик, лойиҳа-изланиш ишларини молиялаш;

— марказлашган иқтисодий рағбатлантириш жамғармаларини ташкил этиш;

— корхонанинг ўз айланма маблағлари меъёрларини марказлашган манбалардан тўлдириш;

— бюджет тўловларини тажрибага солиш ҳамда молиявий ёрдам кўрсатиш учун заҳиралар ва марказлашган жамғармалар ташкил этиш;

— марказлашган фойда ҳисобига зарарларни қоплаш;

—банклар билан кредит шартномалар тузиш йўли орқали кредитларни жалб қилиш.

Тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи молиялашга асосланган концепция ушбу даврда етакчи молиявий концепция бўлиб қолди. Тўла хўжалик ҳисоби қуйидаги аломатларга эга бўлган:

— сарф-харажатларнинг тўла қопланишини таъминлаш;

— фойда ва амортизация ажратмалари ҳисобига хўжалик ҳисоби молиялашни амалга ошириш;

— хўжалик шартномалари ўрнини кўтариш ва уларнинг бажарилишига оид иқтисодий жавобгарликни кучайтириш.

Ушбу молиявий концепция бошқариш объектлари ва субъектларининг ҳуқуқ ҳамда вазифаларини қонуний расмийлаштириш талабини келтирди. Корхоналар бошқарилишининг ривожланишида 1987 йил 30 июндаги «Давлат корхонаси (бирлашмаси) ҳақида»ги СССР қонунининг қабул қилиниши муҳим босқич бўлди. Бу қонун давлат корхона ва бирлашмаларнинг ҳуқуқий мавқеини ҳамда уларнинг фаолиятини бошқариш тартиби ва шаклларини белгилаб берди. Тўла хўжалик ҳисоби ўзини ўзи молиялаш фаолиятининг асосий тамойиллари деб белгиланган. Хўжалик ҳисобининг икки кўриниши амалий тажрибадан мустаҳкам ўрин эгаллади: *фойданинг меъёрий тақсимланиши ва даромаднинг меъёрли тақсимланишига асосланган хўжалик-ҳисоби.* Белгиланган меъёрлар корхона ва бюджет ўртасида фойда (даромад)нинг мутаносиб тақсимланишини таъминлаб берди. Бироқ, бунинг ҳам ўз камчиликлари мавжуд бўлиб, ҳар йили тўғриланиши мумкинлиги ва табақаларга ажралганлигида акс этади. Фойда (даромад)дан бюджетга ажратилиши лозим бўлган меъёрлар катталиги ҳақидаги қарор юқори бошқариш идораси томонидан қабул қилинган. Шундай қилиб, тўла хўжалик ҳисоби тармоқ даражасида давом этиб ишлаб келган.

Биринчи хўжалик ҳисоби нусхаси соф маҳсулот меъёрлари бўйича ташкил топувчи иш ҳақи жамғармасининг маълум миқдорини кафолатлаган. Қолдиқ ёки соф фойда ҳисобига ҳам марказлашган тарзда белгиланган меъёрлар асосида қуйидаги пул жамғармалари шаклланган: ишлаб чиқариш, фан ва техника ривожланиши; ижтимоий ривожланиш; моддий рағбатлантириш.

Пул жамғармалари меъёрларининг бош мақсади истеъмол ва жамғариш ўртасида мутаносиблик ўрнатишдан иборат бўлган. Ишлаб чиқариш ривожланиши фан-техника тараққиётини, маҳсулот сифатининг ажралиши, технология ва андозаларга риоя этилиши, техника жиҳатидан жиҳозлаш ва қайта таъмирлаш ишлари моддий ҳамда пул маблағларининг зарур даражадаги мувозанати орқали таъминланган.

Иккинчи хўжалик ҳисоби нусхаси бўйича иш ҳақи жамғармаси бюджет ва юқори ташкилот билан ҳисоб-китоб қилиб бўлингандан, кредит учун фоиз тўпланганидан ҳамда пул жамғармалари белгиланган меъёрлар бўйича шаклланганидан кейинги қолдиқ тамойили асосида ташкил этилган. Пул жамғармалари қуйидагилардан иборат бўлган: ишлаб чиқариш ривожланиши, фан-техника тараққиёти жамғармаси; ижтимоий ривожланиш жамғармаси. Савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат соҳаларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ижтимоий ривожланиш жамғармалари ташкил этилган. Ушбу даврда ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланиш марказлашган жамғармаси катта аҳамият касб этди. Мазкур жамғармага унча катта миқдорда бўлмаган пул маблағлари ажратилган, лекин фойда (даромад) ўсиши натижасида ушбу ажратмаларни бошқариш идораларида катта миқдорларгача етиб борган. Марказлашган жамғармалар, марказлашган режага киритилган умумтармоқ дастурлар ва маросимлар молияланиши учун мақсадли манба сифатида хизмат қилган.

Умуман, тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи молиялаш концепцияси ўзини оқлаган ва олимлар ҳамда амалиётчилар томонидан тан олинган сезиларли ижобий самара берган.

Бироқ, маблағ тўплаш ва инвестиция муаммоси ҳамон ўз ечимини топмаган. Молиявий маблағлар етишмовчилиги бун-

га асосий сабаб бўлган. Корхоналар маблағларини асосий истеъмолга йўналтирганлар, узоқ муддатли ривожланиш негизига асос солинмаган. Бу муаммо фақат мулкдорчилик муносабатларининг ўзгариши орқали ҳал этилиши мумкин эди.

Белгиланган меъёрлар бўйича фойдани тақсимлаш услуби меъёрларни белгилаб қўйиш орқали бошқариш субъектлари молиявий маблағлар ҳажми ва таркибий тузилмаснинг уларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжлари билан мувофиқлигини таъминлабгина қолмасдан, балки улардан фойдаланиш самарадорлигининг энг паст чегарасини аниқлаб олганлар. Молиявий режалашда илмий меъёрли негизнинг яратилиши белгиланган меъёрларнинг табақалашуви орқали таъминловчи корхоналар ишига оид аниқ шарт-шароитлар билан боғлиқ бўлган. Иқтисодий меъёрларни белгилаш муаммоси истиқболли режалаш ҳамда илмий асосланган нарх-наво, савдо ва улгуржи сотув чегирмалари ва устама нархлар белгиланиши мажмуасида ечилган.

XII беш йилликда меъёрлар миқдорини белгилаш тартиби тасдиқланган беш йиллик молиявий режаси асосида ҳисоб-китоб қилинган, яъни меъёрлар қозонилган ютуқлар даражасида белгиланган. Оқибатда эса, белгиланган меъёрлар ички заҳираларининг тўла ишлатилишига кўмаклашмаган ва кескин режали тоширириқлар қабул этилишига олиб келган.

Белгиланган меъёрлар қуйидаги нисбатларни мувофиқлаштирган:

— бюджет тўловлари;

— ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланиш жамғармаси ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаларига пул ажратмалари;

— ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланиш марказлашган жамғармалари ва бошқариш идораларининг заҳираларига пул ажратмалари;

— корхона таркибий тузилмаларининг меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаларига пул ажратмалари.

Шу билан бир вақтда, корхоналарда такрор ишлаб чиқариш жараёнларини рағбатлантиришга қаратилган ривожланиш стратегиясининг мавжуд эмаслиги, аслида, ўз-ўзини молиялаш тамойилининг тўла ҳажмда амалга оширилишига тўсқинлик қилган. Фойда (даромад)ни белгиланган меъёрлар бўйича тақсимлаш услуби молиявий маблағларни шакллантир-

ришдаги қолдиқ тамойилдан қаттиқ солиқлар тизимига ўтишда боғловчи бўғин бўлди.

Бюджет билан ҳисоб-китоблар ва тўловларнинг солиқ тамойили асосида амалга оширилиши белгиланган меъёрлар тамойилига қараганда қатор муҳим афзалликларга эга. Хўжалик фаолиятининг режаланган кўрсаткичлари ва натижалари фойда ва даромаддан олинадиган солиқ тўловлари миқдорига таъсир кўрсатмайди.

Солиқлар бошқариш субъектлари томонидан юқори идоралар томидан табақалаштирилмайди ва йил давомида ўзгартирилмайди. Солиқлар барқарор молиявий негизли корхоналар учун солиқлар корхоналарнинг фойда кўпайишидаги ва ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий ривожланиш мақсадларида ишлатилишидаги моддий манфаатдорликларини таъминлайди. Солиқлар корхоналарнинг ҳуқуқий ҳимояланишини кучайтиради ва бюджет билан ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейин қоладиган фойдадан тўла мустақиллик билан фойдаланишларини кафолатлайди.

Солиқларнинг жорий этилиши бир вақтнинг ўзида маҳаллий Шўролар эгаллаган ўрнини кўтаради ва тармоқ бошқариш идоралари марказлашган жамғармаларнинг марказлашган тарзда юқоридан шакллантирилиши тартибига барҳам берди. Шундай қилиб 1991 йил 1 январдаги «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар ҳақида»ги СССР Қонунининг қабул қилиниши ва жорий этилиши, аслида, тармоқ тўла хўжалик ҳисоби молиявий негизини йўқ қилди.

Маҳаллий Шўролар эгаллаган ўрнинг кўтарилиши, қонунчиликка мувофиқ *маҳаллий бюджетларга қўшилаётган солиқ* миқдорлари чегарасида корхоналардан олинаётган солиқлар бўйича имтиёзлар бериш, маҳаллий солиқларни маълум миқдорларда белгилаш, иқтисодиёт ривожланиши ҳудудий дастурларининг молияланиши учун бюджетдан ташқари маҳаллий жамғармалар ташкил этилиши ҳуқуқининг берилиши билан боғлиқдир.

Солиқ тизимининг жорий этилиши бюджет билан ҳисоб-китоблар ва тўловларнинг номарказлашишини, ҳисоб-китоб рақамларини очиш ҳуқуқи билан корхоналарга юридик шахс ҳуқуқи берилишини талаб этди. Биринчи босқичда, корхоналарнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва муомаласи ёки таннарх ҳисобига киритилувчи меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси-

нинг ўз ичига олган корхона истеъмол жамғармаси, солиқ тўланганидан кейинги фойдадан ҳамда дивидендлар ёки фоизлар шаклида меҳнат жамоаларининг акциялари ва омонатлари бўйича тўланган ва корхона мулкига қўшилган даромадлар солиқ орқали мувофиқлаштирилган. Истеъмол учун йўналтирилган маблағлар миқдори солиқдан ҳоли этилган миқдордан ортиб кетганлиги сингари маълум харажатлардагина мувофиқлаштирувчи солиқ кучга кирган. Истеъмол жамғармасининг солиқдан ҳоли этилган миқдорини ҳисоблашда меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг асос кўрсаткичи ва хўжалик ҳисоби даромадининг ўсиш суръатларини белгиловчи ўрин эгаллаганлар. Бундан ташқари, солиқдан ҳоли этилган маблағлар миқдори хўжалик ҳисоби даромадининг меҳнат учун ҳақ тўлашга нисбатан илгарилаб ўсишини таъминловчи коэффициент ёрдамида тўғриланган. Бу орқали қўшимча солиққа тортилмаган тўловларни кейинчалик ишчиларга бериш учун заҳира жамғармасига қўшилувчи истеъмол учун йўналтирилган маблағлар тежами рағбатлантирилган.

Корхоналар молиявий фаолиятини бошқариш борасидаги ушбу босқич *қатъий молия-кредит сиёсатида ўз сифатини* топган ва бу орқали бюджет тақчиллиги ҳамда пул эмиссияси устидан назорат ўрнатилиши, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий ривожланиш учун йўналтирилган маблағлар ҳажми билан иш натижалари ўртасида қатъий боғлиқликка риоя этилиши таъминланган. Солиқ тизими корхоналарга молиявий маблағ тўплаш имкониятини беради, лекин асосий муаммо — мулкдорлик муаммосини ҳал этмайди. Корхоналар мулки ҳамон давлатга қарар эди. Корхоналар пул айланувининг нисбатан иқтисодий ажралганлиги молиявий маблағларнинг эгасизлигини бартараф этмаган.

1. 5. МУЛКДОР-ТАДБИРКОР МОЛИЯ БЎЙИЧА МЕНЕЖЕР

Ўрганилаётган молиявий менежмент концепциясининг асоси тадбиркорлик фаолиятидир.

Тадбиркорлик фаолияти мустақил бўлиб, таваккалчилик хавфига эгадир. Ушбу фаолият мулкдан фойдаланиш, мол со-

тиш, иш бажариш ёки хизмат кўрсатишдан мунтазам фойда олишга қаратилган ва тадбиркор сифатида қайд этилган шахслар томонидан амалга оширилади.

Молиявий менежмент корхоналар иқтисодиётига янги қимматликлар тизимини олиб киради, ривожланиш ғояларини ва устиворликларни ўзгартиради. Молиявий ишга оид ва хўжалик юритиш самарадорлигига таъсир кўрсатиш янги шакл ва услублари молиявий менежментга боғлиқдир. Эркин тадбиркорлик орқали молиявий менежмент ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Р.Хизрич ва М.Питерсларнинг фикрича, хусусан, тадбиркорлик жараёни яққол ифодаланган тўртта босқичдан ташкил топади:

1) янги ғоя излаш ва уни баҳолаш;
2) бизнес-режа тузиш;
3) зарур маблағларни топиш;
4) ташкил қилинган корхонани бошқариш.

Молиявий менежментнинг юзага чиқиши ва амалга оширилиши мазкур босқичларнинг ҳар бирида аниқ шаклга эга. Қуйида уларни кўриб чиқамиз.

Тадбиркорлик фаолияти умумдавлат молияси ва корхоналар молиясини аниқ чегаралаб бера олади. ***Молиявий менежмент концепцияси давлат бюджети ва корхоналар бюджети алоҳида айримлигига асосланган.***

МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТ ЎЗ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРИШ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР:

— тадбиркорлик фаолияти;
— ўзини ўзи молиялаш;
— бозор нарх-навоси;
— меҳнат бозори;
— сармоя бозори;
— корхоналар фаолиятининг давлат томонидан мувофиқлаштирилишини бозор қонунчилиги тизимига асосланган аниқ тартибга келтириш.

Молиявий менежмент моҳиятини кўрсатиш учун мулкдорлик муаммоси ҳал этувчи аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда ушбу

муаммо хусусийлаштириш жараёнининг бориши билан яқиндан боғлиқдир. Молиявий менежмент фақат тўла ёки қисман нодавлат мулкчилиги шаклларига асосланган тадбиркорлик доирасида амалга оширилиши мумкинлиги туфайли унинг ривожланиши бевосита хусусийлаштириш суръатлари ва миқёсларига боғлиқдир.

Молиявий менежментни қўллаш учун мулкдорлик муносабатларининг ислоҳот қилиниши қуйидаги жиҳатларга кўра муҳимдир:

— мулкдор ўзига қарашли мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқига эга;

— мулкдор ўз мулкини бошқа шахслар қарамоғига бериб юборишга, мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини бошқа шахсларга топширишга ҳақлидир;

— мулкдорлигини сақлаб қолган ҳолда мулкни гаровга бериш ва бошқа усуллар орқали машаққатларга қўйиш, ўз мулкини ишончли бошқариш учун бошқа шахсга-ишончли бошқарувчига топшириш ҳуқуқига эга;

— мулкни бошқа усуллар орқали тасарруф этиш.

Молия менежмент билан мулкдорлик муносабатларининг ўзаро боғлиқлиги қуйидагиларда намоён бўлади: мулкдор ёки мулкдор томонидан унинг мулкини бошқаришга ваколатланган шахслар қонунга ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ равишда корхонани ташкил этиш масаласини ҳал этадилар, корхонанинг қайта ташкил этилиши ва тугатилиши ҳамда унинг фаолиятига доир мақсадларни белгилайдилар, мулкдан самарали фойдаланиш ва унинг бут сақланиши юзасидан назорат олиб борадилар, молиявий маблағларни ўз ихтиёрига кўра сарфлайдилар ва мустақил молиявий сиёсат юритадилар.

Тадбиркорлик фаолияти мулкдорнинг ўзи ва қонунли асосда унинг мулкини бошқараётган субъект томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Корхонани бошқараётган субъект билан мулк эгаси ўртасидаги муносабатлар тегишли шартнома орқали тартибга келтирилади. Тадбиркор билан мулк эгаси ўртасида тузилган шартнома томонларнинг ўзаро мажбуриятларини аниқлайди, мулкдан фойдаланиш ва айрим турдаги фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқидаги чегараларни, молиявий муносабатлар тартиби ва шартномаларни ҳамда томонларнинг моддий жавобгарликларини белгилайди. Тадбиркор билан

шартнома тузилганидан кейин корхона мулкининг эгаси корхона фаолиятига аралашмаслиги лозим, шартнома, корхона низоми ва қонунда белгиланган ҳолатлар бундан истисно. Тегишли шартномалар тузилмаслиги тадбиркор билан мулкдор ўртасидаги муносабатларда зарур ҳуқуқий негизнинг йўқлигига олиб келади ва томонларнинг бири ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолда иккинчи томон учун ўз манфаатларини ҳимоялашга йўл қўймайди.

Тадбиркорнинг фаолиятини кўриб чиқайлик. Тадбиркор корхона фаолиятига оид барча масалаларни шартнома, низом, бошқа таъсис ҳужжатлари ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ унга берилган ваколатлар доирасида мустақил ҳал этади.

Тадбиркор қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— корхона номидан ишончномасиз иш кўриш;

— корхона манфаатларини барча ҳокимият ва бошқариш идоралари, фирмалар, компаниялар ва ҳоказолар олдида ифода этиш;

— бутун маъмурий фаолиятни амалга ошириш, корхона номидан хат, ёзишмалар;

— битим, шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномаларини тузиш;

— ҳисоб-китоб, жорий ва валюта ҳисоб рақамларини банкларда очиш;

— корхона пул маблағларини корхона фаолияти билан боғлиқ молиявий харажатлар учун сарфлаш.

Тадбиркорнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

— корхона ишини, корхона бўлинмаларининг самарали ҳамкорлигини ташкил этиш ва бошқариш;

— жорий ва стратегик режавий топшириқларнинг бажарилишини ташкиллаш;

— корхона тўлов қобилияти ва маблағлар ликвидлилигини таъминлаш;

— молиявий-хўжалик фаолият натижалари ҳақида келишилган муддатларда мулкдорга вақти-вақти билан ҳисобот бериш;

— корхона фаолиятида қонунларга риоя қилиш;

— тижорат сирини сақлаш, корхона фаолиятига тегишли ахборотлар хусусида махфийликка риоя этиш;

— бухгалтерлик ҳисоботларини солиқ ва молия идораларига, банкларга, статистика идораларига, ҳокимият ва бошқариш идораларига ўз вақтида тақдим этиш;

— солиқ мажбуриятларини амалдаги қонунчиликда белгиланган тартиб ва миқдорларда бажариш;

— рекламага кўмаклашиш;

— низом, таъсис шартномаси ва битимда корхонага юклатилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

Тадбиркор томонидан ўз вазифаларининг бажарилмаслиги ёки тегишли тарзда бажарилмаслиги мулкдор ўз ташаббусига кўра битимни (муддатидан илгари) бекор қилиши учун асос бўла олади. Тадбиркор томонидан ўз мажбуриятларининг бажарилмаслиги ёки айбли хатти-ҳаракати оқибатида корхонага моддий зарар етказилган ҳолларда мулкдор ҳақиқатда кўрилган зарарнинг қопланишини талаб этишга ҳақли ва зарар чекланган ёки тўла миқдорда ундирилиши мумкин. Бундан ташқари, амалдаги қонунчиликда тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилган ҳолларда тадбиркор ўзининг айби билан корхонага етказган зарарнинг учун тўла ҳажмда моддий жавобгарликка тортиладилар. Шу билан бир вақтда, одатдаги ишлаб чиқариш тижорат таваккалчилик хавфи туркумига киритилувчи зарар ундирилмайди. Ушбу масалаларнинг ривожлантирилиши тадбиркор учун ҳам, мулкдор учун ҳам катта аҳамият касб этади.

Тадбиркор ва мулкдор бир шахс бўлган ҳолларда ушбу шахс корхонани асослаб ёки сотиб олиб тадбиркорлик фаолиятини юритиш, ишчиларни ёллаш ва бўшатиб юбориш, банклар ва бюджет олдидаги мажбуриятлари бажарилганидан кейинги фойда билан ўз ихтиёрига кўра тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Фаолият турлари ва сотилувчи моллар хили, нарх-наво белгилаш ва фойдани сарфлаш жараёнлари бўйича деярли ҳеч қандай чеклашлар йўқ. *Лицензиялаши* мажбурий бўлган фаолият турларигина бундан истисноли.

Айрим фаолият турларининг лицензияланиши ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорида амалга оширилиши учун лицензия бўлишини талаб этувчи фаолият

турларининг рўйхатини ҳамда лицензияланган фаолият олиб бориш ваколатига эга идоралар рўйхати тасдиқланган. Кўрсатиб ўтилган идоралар бўйича услубий раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси макро Иқтисодиёт Вазирлиги таъминлайди. Айрим фаолият турлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан тасдиқланган тегишли низомларга асосан лицензияланади.

Ҳудудий ижроия ҳокимлиги идоралари ва лицензияли фаолият олиб бориш ваколатига эга бўлган бошқа идораларга тегишли фаолият турлари учун лицензия бериш ваколатини Ўзбекистон Республикаси субъектларининг ижроия ҳокимлиги идораларига топшириш ҳуқуқи берилади. Бу ҳуқуқ маълум фаолият турини лицензиялаш ҳақидаги низом орқали таъминланади.

Айрим турлаги фаолият юритиш учун лицензиялар бланк шаклида берилади. Лицензия бланклари қимматли қоғозлар даражасида ҳимояланади ва қатъий ҳисобот ҳужжатлари қаторига киради.

Лицензияда қуйидаги мажбурий реквизитлар кўрсатилади:

— лицензия берган идоранинг номи;

— лицензия олувчининг номи ва юридик манзилгоҳи;

— лицензия орқали юритилиши рухсат этилган фаолият тури;

— лицензиянинг амал қилиш муддати;

— лицензияланган фаолиятни амалга ошириш шарт-шароитлари;

— лицензиянинг қайд рақами ва берилган санаси.

Лицензия олиш учун корхоналар лицензия берувчи идораларга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

— ариза;

— нотариус томонидан тасдиқланган таъсис ҳужжатларининг нусхалари;

— корхона давлат томонидан рўйхатга олинганини ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

— ариза кўриб чиқилиши учун ҳақ тўланганини тасдиқловчи ҳужжат;

— рўйхатга киритилгани ҳақида солиқ идорасининг маълумотномаси ёки тадбиркор сифатидаги жисмоний шахс кўри-

нишида давлат томонидан рўйхатга олинганлиги ҳақидаги гувоҳнома, солиқ идорасининг тўртбурчак муҳри қўйилган бўлиши шарт.

Аризанинг кўриб чиқилиши ва лицензия берилиши учун олинган ҳақ бюджет даромадига тушади ва ушбу маблағлар ҳисобига лицензияли фаолият юритишга ваколатли идоралар иши таъминланади. Аризада тадбиркор қуйидагиларни кўрсатади: юридик шахснинг номи ва ташкилий - ҳуқуқий шакли, манзилгоҳи, ҳисоб-китоб варақасининг рақамлари ва тегишли банкнинг номи, фаолият тури, лицензиянинг амал қилишига сўралган муддат.

Лицензия берилиши ёки лицензия бериш рад этилгани ҳақидаги қарор лицензия берувчи идораларга барча ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 30 кун давомида қабул қилинади. Лицензия беришда қўшимча экспертиза ўтказиш эҳтиёжи пайдо бўлиши мумкин. Бу ҳолда қарор чиқариш муддати 60 кунгача узайтирилади ва яна 30 кун қўшишга рухсат этилади. Шундай қилиб, лицензия олиш учун энг узоқ муддат 90 кунни ташкил этади.

Лицензиянинг амал қилиш муддати фаолият турига боғлиқ, бироқ тадбиркор томонидан лицензия олиш учун берилган аризада қисқароқ муддат кўрсатилмаган бўлса уч йилдан кам бўлиши мумкин эмас.

Лицензиянинг бошқа корхонага топширилиши тақиқланади.

Филиал ва ваколатхоналари мавжуд бўлган лицензия эгалари алоҳида бўлинмаларининг номи кўрсатилиб тасдиқланган лицензия нусхаларини оладилар.

Тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун берилган лицензиялар юридик шахснинг номи ўзгаргани ёки қайта ташкил топишида, шунингдек лицензия йўқотиб қўйилганида қайтадан расмийлаштирилиши мумкин. Лицензияни қайта расмийлаштириш тартиби лицензия олиш тартиби сингари амалга оширилади.

Лицензия Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида кучга эга. Лекин, лицензия эгаси қуйидаги шартга риоя этишга мажбур:

— лицензияланган фаолият тури билан фақат Ўзбекистон

Республикаси тегишли субъектларининг ижроия ҳокимлик идоралари томонидан лицензия рўйхатга олинганидан кейингина шуғулланиш мумкин.

Рўйхатга олиши муддати 30 кун деб белгиланган. Рўйхатга олувчи идоралар лицензиядаги маълумотларни текшириш ҳуқуқига эга бўлганликлари муносабати билан бу муддатга эҳтиёж туғилади.

Қуйидаги шарт-шароитларда лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб қўйилиши, шунингдек, лицензия берувчи идоралар томонидан лицензия бекор қилиниши мумкин:

— лицензия эгасининг аризасига кўра;

— лицензия берувчи идораларга тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларда сохталик аниқланганида;

— лицензия эгаси томонидан лицензиянинг амал қилиш шароитларига риоя этилмаганида;

— лицензия эгаси давлат идораларининг кўрсатмалари ва фармойишларини бажармаганида;

— лицензия эгасининг фаолияти давлат идоралари томонидан тўхтатиб қўйилганида;

— лицензияга эгалик қилувчи тадбиркор тугатилганида.

Лицензиянинг амал қилиши лицензия берувчи идоранинг қарорига асосан тикланади. Лицензияларнинг берилиши, рўйхатга олиниши, тўхтатиб турилиши ва бекор қилиниши рўйхатларда акс эттирилади. Бу рўйхатлар лицензияли фаолият олиб боришга ваколатланган идоралар томонидан юритилган. Мазкур идоралар лицензияли фаолиятни амалга ошириш шартномасига риоя этилиши устидан ҳам назоратни таъминлайдилар.

Тадбиркор билан мулкдор ўзаро муносабатларини кўриб чиқиш учун қайтайлик. Шартнома бўйича ишлаётган тадбиркор ўз фаолиятида чекланган бўлади, лекин унинг фаолияти юқоридан берилган буйруқ ва фармойишларга бўйсунмайди. Чегаланиш, биз аввало, шартномаларни ҳам белгилайди. Меҳнат учун ҳақ миқдори маоши, тушумидан фоиз белгилаш, фойдадан ҳисса бериш асосларида амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари, қўшимча ҳақ, мукофот, йил натижалари бўйича тадбиркор ўз зиммасига олган мажбуриятлардан келиб чиқади. Мулкдор тадбиркорга иш ҳақи тўлаш шакллари, тар-

тиби ва шартларини ҳам белгилайди. Меҳнат учун ҳақ мансаб маоши, тушумдан фоиз белгилаш, фойдадан ҳисса бериш асосларида амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари, қўшимча ҳақ, мукофот, йил натижалари бўйича мукофотлар белгиланиши мумкин. Шартнома тадбиркорнинг мустақиллигини ва ташаббусини бўғади, деб ҳисоблаш нотўғри. Аксинча, у мустақил тарзда қарорлар қабул қилади, ишлаб чиқариш ва ташкилий сифатларга эга турлича янгиликларни тадбиқ этади ва қўллайди, юқори даромад олиш мақсадида онгли равишда тавваккалчилик қилади, сиёсий ва ижтимоий вазиятни англай олади ва тезлик билан тўғри йўл топади, етарли даражада киришувчан ва билимдондир.

Тадбиркор ва менежер ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳам *шартнома* асосида ташкил этилиши лозим.

Тадбиркор томонидан молиявий менежерга нисбатан қўйиладиган асосий талаб, бу асос бўлувчи молиявий концепциянинг ишлаб чиқилишидир. Умумий концептуал ёндошиш — қўйилган мақсадларга эришишни, корхона пул айланувининг самарали бошқарилишини, пул жамғармаларининг белгиланган нисбатларда шаклланишини, молиявий маблағларнинг мақсадли сарфланишини таъминловчи молиявий ривожланиш

стратегияси аниқлаб олинишида мужассамланади. Бу, корхона молиявий концепция асосини амалга ошириш услубларининг биридир. Кўриб чиқилаётган концепция доирасида молиявий менежер, *аслида*, сармоя ҳаракатига, жорий фойдага, жамғармалар ва инвестицияларга таъсирини ўтказувчи санам мулкдордир.

МУЛКДОР, ТАДБИРКОР ВА МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖЕР ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ЧИЗМА РЕЖАСИ. РАСМ1.1

Мазкур расмда мулкдор, тадбиркор, ва молиявий менежер ўртасидаги муносабатлар тасвирланган. Бу шахсларнинг ўзаро муносабатлари *шартномаларга асосан* мувофиқлаштирилади. Ушбу мисолда мулкдор ва тадбиркор ўзга шахслардир. Шартномадан ташқари, шахсий алоқалар, ўзаро ишонч, ҳамкорликка интилиш ва компаниянинг равнақи катта аҳамият касб этади.

Тадбиркорнинг қаттиқ ҳаракати таъминотчилар, истеъмолчилар ва рақобатчиларнинг ўзларини тутишларига қараб шаклланади, молиявий менежернинг қаттиқ-ҳаракати эса инвесторлар ва кредиторларнинг, шу жумладан тижорат банклари, молиявий компаниялар, суғурта компаниялари ҳамда биржа келишув қондаларига боғлиқ ҳолда шаклланади.

Мулкдорнинг мақсадлари акциядорлар, ширкатлар, пайчилар номидан ифода этилиши мумкин. Бироқ, корхона бош менежери билан шартнома тузиш босқичидаёқ, акция эгалари мулкдор вазифасини тижорат ташкилотини бошқариш идораси орқали амалга оширадилар. Мулкдорлар номидан тадбиркор билан шартнома, орасидагидек, тижорат ташкилотининг Директорлар Кенгаши томонидан тузилади. Мулкка эгалик қилиш ва бошқариш вазифалари ўзаро бир-бирини тўлдиради.

Америкалик олим ва ёзувчи Ж.К.Гелбрейтнинг фикрича: «Бирлашмаларнинг катталиги ва шунга яраша режалаштириш ишлари бошқариш тузилмаларидаги ўзгаришлар билан узлуксиз боғлиқдир. Мулкдорлик ҳуқуқига эга бир киши ўз ташкилотида бирон-бир аҳамиятга молик ҳокимликни амалга ошира олмайди. Муҳим қарорлар қабул қилиш учун кўп сонли одамларнинг жамоа билимлари ва тажрибалари талаб этилади... Шу тариқа, тадбиркор йўқ қилинди. Билим ва уни қўллаш имконияти ҳокимлик қилиш учун янги манба бўлиб қолди. Бошқаришда иштирок этмаган кўп сонли акциялар эгаси ҳам, асосан, машҳур арбоб бўлиб қолди... ҳокимлик нисбий билимларга эга, жамоа бирлиги номини олган шахсларга ўтди ва мен ушбуларни технотузилма деб атадим».

Тадбиркор ва менежер ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳамда уларнинг вазифалари ва феъл-атворларини америкалик тадбиркор ва тадқиқотчи Роберт Хизрич ва Майкл Питерслар қуйидагича аниқлаганлар: «Тадбиркор ва менежерларга ҳаёт турлича талаб қўяди... — стратегик йўл танлаш тури, режани амалга ошириш йўли, маблағларни ҳаракатга келтириш услуби, маблағларни жалб (харид) қилиш шакли ва жиддий корхонани ташкиллаш тузилмасининг турлари.»

Мазкур талаблар тавсифи тадбиркор ва менежер фаолиятининг асосларини энг яққол равишда акс эттиради. Бундаги фарқ қуйидагиларда гавдаланади: **Стратегик йўл:** тадбиркор учун

— юзага чиқаётган имкониятларни ишлатиш; **Режани амалга ошириш:** тадбиркор учун — тез рўёбга чиқувчи натижаларга асосланган инқилобий тарзда; менежер учун узоқ муддатли истиқболларга асосланган эволюцион ривожланиш тарзида. **Маблағларни ишлатиш:** тадбиркор учун-кўп қадамли имконият борича эркин ҳаракат қилишга интилиш; менежер учун — якка қадамли, қўйилган вазифани бажариш учун зарур бўлган барча жамғармалар бирваракайига ажратилади. **Ташкилий тузилма:** тадбиркор учун — ясси, бир текисликдаги алоқаларни ишлатиш; менежер учун — расмий юқорига бўйсуниш.

Тадбиркор ва менежер ўртасидаги кўрсатиб ўтилган тафовутлар корхона умумий вазифаларини ечиш учун ҳар бир томон имкониятларини ишлатишга, шунингдек; улар ўртасидаги келишмовчиликларни ҳисоблашга ёрдам беради.

1.6. МОЛИЯВИЙ БОШҚАРИШ ОБЪЕКТЛАРИ.

Корхона ва ташкилотларда бошқариш объектлари:

мулк, шу ҳисобда кўчмас ва кўчар мулк;
мулк ҳуқуқи;
иш ва хизмат;
маълумотлар;
ақлий фаолият натижалари;
номоддий бойлик.

Ҳозирги вақтда амал қилаётган таснифлагичга кўра *кўчмас мулкка* қуйидагилар киради:

— ер майдони;
— ер ости бойликлар майдони;
— кўп йиллик дарахтзорлар;
— бино ва иншоотлар;
— мулк мажмуаси.

Кўчмас мулкка кирмайдиган нарсалар кўчар мулк ҳисобланади. Шу жумладан пул ва қимматли қоғозлар ҳам.

Кўчмас мулк давлат томонидан қайд этилиши талаб қилинади. Мулкдорлик ҳуқуқи, бошқа буюмларга эгалик қилиш

ҳуқуқи, ушбу ҳуқуқлардаги чекланишлар, уларнинг юзага келиши, бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши ва йўқ қилиниши қайд этилиши шарт.

Жами бошқариш объектларининг асосий сифат белгиси шундан иборатки, улар муомалада чекланган ва муомаладан чиқариб ташланмаган ҳолларда эркин тарзда бир шахсдан ажратиб олиниб, бошқа шахсга ўтиши мумкинлигидадир.

Кўрсатиб ўтилган бошқариш объектлари доирасида алоҳида ажралган бўлиб, қиймат ифодасига эгадирлар. Моддий ва номоддий объектларга сарфланган ёки бўнак тариқасида берилган пул маблағлари уларнинг ишлатилишига воситачилик ҳамда мулкчилик шаклларининг узлуксиз ўзгаришига хизмат қилади.

Бошқариш объекти ҳисобланган корхона ўзида ягона мулк мажмуасини акс эттиради ва бу мажмуада тадбиркорлик фаолиятини амалга оширин учун ишлатилади. Мулк мажмуаси гавдаланган корхона кўчмас мулк ҳисобланади.

Бутун мулк мажмуаси ёки унинг бир қисми олди-сотди, гаров, ижара ва ҳуқуқнинг олиб қўйилиши, белгиланиши, ўзгариши, тугатилиши билан боғлиқ бошқа битимлар объекти бўлиши мумкин ва корхонанинг пул айланувида тегишли аксини топади.

Тўлиқ ёки қисман ажралган корхона пул айлануви молиявий менежментнинг моддий негизини ташкил этади. *Чинакам пул айлануви бу қийматни ҳаракатга келтирувчи ва пул тўловлари ҳамда ҳисоб-китоблар* оқими билан борувчи иқтисодий жараёндир.

Корхонани бошқариш жараёнида унинг юридик шахс мавқеи, яъни алоҳида мулкка эгалик қилувчи, мулкни жадалкор бошқарувчи ва хўжалик юритувчи ташкилот ўз мажбуриятлари бўйича шу мулк билан жавоб бера олиши, мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни ўз номидан харид қилиб амалга ошира олиши, мажбуриятларини бажара олиши, содда даъвогар ва жавобгар бўла олиши катта аҳамиятга эгадир. Юридик шахс мустақил баланс ёки харажатлар ҳисоб-китобига эга бўлиши шарт.

Фаолияти фойда олишга қаратилган, юридик шахс ҳисобланган корхонанинг молиявий фаолиятини бошқаришда қуйидаги хусусиятлар мавжуд:

— ўз мажбуриятлари бўйича юридик шахс жавоб берадиган алоҳида мулкка асосланади;

— фаолият бўйича асосий кўрсаткичлар статистик, солиқ ва бошқа идораларга тақдим этиладиган мустақил молиявий ҳисоботда акс эттирилади;

— юридик шахс сармоя бозорида ўз номидан иш кўради, шартномалар тузади ва уларнинг бажарилишини таъминлайди.

— барча даромад юридик шахсга қарашли ҳисобланади ва солиқ ҳамда йиғиндилар қонунда белгиланган тартибда ундирилиши учун асос бўлади.

Юридик шахснинг муассислари ва иштирокчилари бўлади. Улар юридик шахс мулкининг ташкил этилишида иштирок этадилар ва шунинг учун мазкур юридик шахсга нисбатан мажбурий ҳуқуқларга ва унинг мулкига нисбатан буюм ҳуқуқига эга бўлишлари мумкин. Хўжалик ўртоқликлари ва жамиятлари, шунингдек, ишлаб чиқариш ва истеъмолчилик ширкат иштирокчилари мажбурий ҳуқуққа эгалар. Хўжалик ўртоқликлари ва жамиятлари, ишлаб чиқариш ва истеъмолчилик ширкатлари мажбуриятларига кўра муассислар ва иштирокчилар фойдаси учун қуйидаги ҳаракатларни бажаришлари шарт: мулкни топшириш, иш бажариш, пул тўлаш ва ҳоказо. Муассис ёки иштирокчи мажбуриятларнинг тегишли даражида ижро этилишини талаб қилишга ҳақлидир. Белгиланган мажбуриятлар одатдагидек шартномадан келиб чиқади.

Мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи ва бошқа буюм ҳуқуқларига давлат ва муниципал қўшма корхона муассислари ҳамда мулкдор томонидан молияланувчи тобе корхона ва муассаса таъсисчилари эгадирлар. Жамоатчилик ва диний ташкилотлар, хайр-эҳсон ва бошқа жамғармалар, уюшма ва иттифоқ кўринишдаги юридик шахс бирлашмалари ва шу кабиларага нисбатан муассислар мулкий ҳуқуқларга эга эмаслар.

Юридик шахс фаолиятининг мақсади унинг тижорат ёки нотижорат ташкилотига тегишлилигидан келиб чиқади. Фаолиятнинг асосий мақсади фойда олиш деб ҳисоблаш бу тижорат ташкилоти фаолиятининг хусусиятидир. Нотижорат ташкилоти бу мақсадни асосий деб ҳисобламайди ва кўрилган фойдани иштирокчилар ўртасида тақсимламайди.

Ҳозирги вақтда ***тижорат ташкилотлари*** қуйидаги шакллардан бирида ташкил этилиши мумкин:

— хўжалик ўртоқлиги;
— хўжалик жамияти;
— ишлаб чиқариш ширкати;
— давлат қўшма корхонаси.
— муниципал қўшма корхонаси.

Нотижорат ташкилотлари қуйидаги доирада ташкил этилиши мумкин:

— истеъмолчилик ширкати;
— жамоатчилик ташкилоти;
— диний ташкилот;
— мулкдор томонидан молияланувчи муассаса;
— хайр-эҳсон ва бошқа жамғармалар;
— бошқа шакллар, шу ҳисобда уюшма, иттифоқ ва ҳоказо.

Нотижорат ташкилотнинг ташкилий — ҳуқуқий шакли анча мосланувчанроқ ва қонун томонидан унчалик қаттиқ белгиланмаган.

Юридик шахснинг ташкил топиши, унинг давлат томонидан рўйхатга олинган пайтдан бошлаб ҳисобланади. Юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли маълумотлар киритилади.

Юридик шахснинг фаолияти унинг *таъсис ҳужжатларида* белгиланади. Бундай ҳужжатларга қуйидагилар киради:

— низом
— таъсис шартномаси;
— мазкур шаклдаги ташкилот ҳақида умумий қоидалар (нотижорат ташкилотлар учун).

Таъсис шартномаси юридик шахс муассислари томонидан тузилади, низом эса улар томонидан тасдиқланади. Ташкилий ҳуқуқий шаклига қараб, юридик шахс фақат низом, низом ва таъсис шартномаси, фақат таъсис шартномасига асосан иш кўриши мумкин.

Таъсис ҳужжатлари қуйидаги шарт бўлган маълумотларни ўз ичига олиши зарур:

— юридик шахснинг номи;
— юридик шахснинг жойлашган ўрни;
— фаолиятни бошқариш тартиби.

Таъсис шартномаси юридик шахснинг ташкил топиш босқичида керак. Унда қуйидаги асосий жиҳатлар акс эттирилади:

— юридик шахсни ташкил этишда муассисларнинг ҳамкорликдаги ҳаракатлар тартиби;

— барпо этилаётган корхонага муассисларнинг мулкини топшириш шартлари;

— юридик шахс фаолиятида муассисларнинг иштирок этиш тамойиллари;

— муассислар ўртасида фойда ва зарарларни тақсимлаш тартиби ва шартлари;

— юридик шахс фаолиятини бошқариш тартиби;

— муассисларнинг юридик шахс таркибидан чиқиб кетиш тартиби ва шартлари.

Юридик шахснинг номидан унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўрсатма мавжуд бўлиши шарт. Тижорат ташкилоти ўзига хос номланиши шарт. Нотижорат ташкилот ҳамда қўшма корхоналарнинг номланишида шахс фаолиятининг тавсифи мавжуд бўлиши зарур. Шу тариқа, юридик шахснинг номидан молиявий менежер учун зарур бўлган қатор муҳим хулосалар чиқариб олиш мумкин.

Юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиаллари бўлиши мумкин.

Ваколатхона юридик шахснинг алоҳида ажралган бўлинмаси бўлиб, юридик шахс манзилгоҳидан ташқарида жойлашади ва юридик шахс манфаатларини намоён қилади ҳамда ҳимоялайди.

Филиал бу — юридик шахснинг алоҳида ажралган манзилгоҳидан ташқарида жойлашган бўлиб, юридик шахснинг барча вазифаларини ёки бир қисмини, шу ҳисобда ваколатхона вазифасини амалга оширади.

Ваколатхона ва филиаллар юридик шахс ҳисобланмайди. Шунинг учун уларга, уларни яратган юридик шахснинг мулки берилади. Улар юридик шахс томонидан тасдиқланган қоидалар асосида фаолият юритадилар. Улар учун банкда жорий ҳисоб рақамлари очилади. Ваколатхона ва филиалларнинг раҳбарлари ҳам юридик шахс томонидан тайинланади ва улар юридик шахснинг ишончномаси асосида фаолият юритадилар. Юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида у томонидан яратилган барча ваколатхона ва филиаллар кўрсатилади.

Молиявий менежмент, кўп ҳолларда, юридик шахснинг қайта ташкилланиши билан боғлиқ ишларга алоқадор бўла-

ди. Қайта ташкилланиш қуйидаги шаклларда учраши мумкин: бир-бирига қуйилиш, бирлашиш, ажралиб чиқиш, шаклини ўзгартириш. Ҳар қандай қайта ташкиллаш ишлари фақат муассислар ёки таъсис ҳужжатларига кўра қарор чиқариш ваколати берилган юридик шахс идорасининг қарорлари бўйича амалга оширилади. Таркибидан бир ёки бир неча юридик шахслар ажралиб чиқиши ёки бўлиниши шаклида юридик шахснинг қайта ташкилланиши ҳам фақатгина ваколатли давлат идоралари ёки суд қарорларига кўра амалга оширилиши мумкин.

Бир-бирига қуйилиш, бўлиниш, ажралиб чиқиш, шаклини ўзгартириш орқали янги ташкил топган юридик шахслар давлат томонидан рўйхатга олиниши қайта ташкилланишининг амалга оширилганидан далолат беради. Бироқ, қўшилган юридик шахснинг фаолияти тўхтатилгани ҳақида ягона давлат реестрига ёзув киритилган пайтдан бошлаб қайта ташкилланган деб ҳисобланувчи қўшилишлар бундан истиснодир.

Янги юридик шахсларга ўтаётган ҳуқуқларнинг сақланиб қолиши учун юридик шахс қайта ташкилланиши амалиётини тўғри расмийлаштириш катта аҳамиятга эгадир. Бу нафақат юридик, балки молиявий жиҳатларга ҳам тегишлидир.

Мулк фуқаролар ва юридик шахслар, Ўзбекистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси субъектлари, муниципал тузилмалар эгалигида бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида *хусусий давлат ва бошқа* мулкдорлик шакллари мавжуд.

Икки ёки ундан кўп шахслар эгалигидаги мулк умумий мулк ҳуқуқига кўра ушбу шахсларга қарашлидир. Умумий мулкда ҳар бир мулкдорнинг улуши аниқланиб кўрсатилиши мумкин. Бу ҳолда мулк улуши бўлади Улушлар аниқланиб кўрсатилмаган умумий мулк қўшма мулк ҳисобланади.

Одатда, мулкка умумий эгалик қилиш улуши бўлади. Умумий мулк барпо этилиши ва кўпайтирилишида ҳар бир иштирокчининг қўшган ҳиссасига қараб, улушли мулк иштирокчилари улушларини белгилаш ва ўзгартириш тартибини келишув бўйича ўрнатишлари мумкин.

Ушбу ҳолатда молиявий менежер эришилган келишув ва шартномага мувофиқ иш юритади. Умумий улушли мулк иштирокчилари ўз ихтиёрига кўра улушларини сотиб юбориш,

совға қилиб бериш, васият қилиб қолдириш, гаровга бериб юбориш ҳуқуқига эгадирлар. Шу нарса муҳим аҳамият касб этадики, қонунда улушли мулк иштирокчиси учун умумий мулкнинг улушига яраша қисмига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган, эгалик қилиш ва фойдаланиш мумкин бўлмаганда эса у ўз улуши қўшилган мулкдан фойдаланувчи ва эгалик қилувчи бошқа иштирокчиларидан товон пулини талаб этишга ҳақлидир.

Молиявий менежер қуйидагиларни ҳисобга олиши зарур: ҳар бир улуш эгаси умумий мулк бўйича тўланадиган солиқ, йиғин ва бошқа тўловларда ҳамда умумий мулкни тутиш ва сақлаш учун қилинган сарф-ҳаражатларда ўз улушига тенг ҳажмда иштирок этади. Улуш эгалари бирори-бир иштирокчи томонидан сотилаётган улушни унинг сотув нархи ва бошқа тенг шарт-шароитлар бўйича имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Молиявий менежер қуйидагиларни белгилаши шарт:

умумий ёки қўшма мулк иштирокчисига кредит берган шахслар улуш эгасининг бошқа мулки йўқлиги тақдирида, қарзни ундириш учун қарздорнинг умумий мулкдаги улушини талаб қилиб олиш ҳуқуқига эгадирлар. Агар улушнинг соф шаклида ажратиб берилиши мумкин бўлмаса ёки қолган иштирокчилар бунга қарши бўлсалар, кредит берган шахс қарздордан ўз улушини қолган иштирокчиларга бозор нархида сотиб юборилишини ва сотувдан тушган маблағларни қарз тўлаш учун йўналтирилишини талаб этиши мумкин. Агар умумий мулк иштирокчиларига бу йўл ҳам маъқул келмаса, у ҳолда кредит берган шахс судга мурожаат қилиши ва қарздорнинг умумий мулкдаги улушни очиқ савдода сотиб қарзнинг ундирилишини талаб этиши мумкин.

Корхона мулкининг шаклланиш жараёни молиявий менежментга катта таъсир кўрсатади.

МУЛКНИ МОЛИЯЛАШ МАНБАЛАРИ

қуйидагилардир:

Муассислар ёки иштирокчиларнинг пул ва моддий бадаллари;

Фаолиятнинг барча турларидан олинган даромад;

Қимматли қоғозлар бўйича олинган дивидент ва фоизлар;

Банк кредитлари, бошқа кредиторлардан қарзга олинган ва жалб этилган маблағлар;

Капитал қўйилмалар, бюджет ва нобюджет жамғармалардан берилган ёрдам пуллари;

Ҳадя ва хайр-эҳсон бадаллар, садақа пуллари, валюталар нисбатидаги фарқдан олинган даромадлар;

Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар, шу ҳисобда бошқа корхоналарнинг мулки учун сарфланган маблағлар ва асосий воситаларнинг молияланган ижарасидан олинган даромад.

Тижорат ташкилотлари ва корхоналар мулки шаклланиш манбаларининг тузилмаси уларнинг ташкилий - ҳуқуқий шакли, фаолият тури, ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот сотиш ҳажми, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмига боғлиқдир. Шаклланиш манбалари молиявий менежер фаолиятига ва тадбиркор ёки мулкдор билан тузилган шартноманинг мазмунига катта таъсир кўрсатади.

Давлат ёки муниципал юритиш ёки жадалкор бошқариш ҳуқуқи асосида эгалик қилиш, фойдаланиш ва тассаруф этиш учун давлат ва муниципал корхона, муассасаларига берилади.

Хўжалик юритиш ҳуқуқи давлат ёки бошқа унитар корхонанинг мулкидан белгиланган чегараларда фойдаланиш ва эгалик қилиш имкониятини беради. Бундай мулк эгаси корхонани ташкил этиш, қайта ташкиллаш, тугатиш масалаларини ҳал қилади, корхона фаолиятининг мазмуни ва мақсадини аниқлайди, корхона раҳбарини тайинлайди, мулкнинг мақсадли сарфланиши ва бут сақланишини назорат қилади. Ўзаро муносабатларнинг молиявий жиҳати шундан иборатки, корхонанинг хўжалик юритишдаги мулк ишлатилишидан олинган фойданинг бир қисми мулкдор томонидан олиниши мумкин.

Давлат ва бошқа унитар корхона билан ҳуқуқий муносабатларга киришаётган ва шартнома молиявий менежер қуйидагиларни билиши зарур: корхона хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида эгалик қилаётган кўчмас мулкни сотмайди, ижарага ёки гаровга бера олмайди, хўжалик жамиятлари ва ўртоқликларнинг низомий сармоясига ҳисса қўшиш сифатида кирита олмайди ва мулкдорнинг розилигисиз ушбу мулкни бошқача тассаруф этолмайди. Бундай корхонага тегишли кўчар мулк

эса мулкдорнинг чеклашларисиз корхона томонидан мустақил равишда тасарруф этилади.

Давлатга қарашли корхоналарни алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. 1994-йилдан бошлаб давлат мулки жадалкор бошқариш ҳуқуқи асосида давлатга қарашли завод, фабрика хўжаликларга берилади. Давлатга қарашли корхоналарнинг ташкил этилиши тугатилган давлат корхоналари негизида ҳам амалга оширилади. Корхонани тугатиш тадбири шу корхонага ажратиб берилган маблағларнинг номувофиқ мақсадларда ишлатилиши сўнгги икки йил якунлари бўйича фойда кўрилмагани, кўчмас мулк амалдаги қонунларга зид ҳолда ишлатилиши каби сабабларга кўра амалга оширилиши мумкин. Давлат корхоналари уларнинг хусусийлаштирилиши тақиқлайган ҳолатидагица тугатилиши мумкин. Тугатилаётган корхонанинг кредиторлари билан ҳисоб-китоблар ҳамда тугатиш учун сарфланган харажатлар давлат бюджети ҳисобига қопланади. Давлатга қарашли корхоналар фақат Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг кафолати мавжудлигида кредит олишлари мумкин.

Давлатга қарашли корхона унга берилган мулкни фақатгина мулкдор розилиги билан бегоналаштиришга ёки ўзга усулда тасарруф этишга ҳақлидир. Давлатга қарашли корхона, муассасага берилган мулкнинг ортиқчаси ёки фойдаланмасдан турганн ёки номувофиқ мақсадларда ишлатилгани мулкдор томонидан олиб қўйилиши мумкин.

Давлат мулкнинг Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Автоном Республикаси, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари эгалигига ажратиб берилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, расмий матбуотда чоп этилган ҳужжатлар асосида амалга оширилган.

Вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари, Қорақалпоғистон Республикаси эгалигига қуйидагилар берилган: чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари; ушбу корхоналарнинг мол айлануви ва хизмат кўрсатиш ҳажмини таъминлаш учун зарур бўлган улгуржи-омбор қувватлари ва ишлаб чиқариш-техник мажмуали корхона, бўлинмалар. Шу билан бирга гап нафақат давлат ҳукмида ва бошқарувида бўлган ҳамда тегишли вилоят, шаҳар ҳудудида жойлашган, балки вазирликлар, идоралар давлат

корхоналарига қарашли (берк тармоқдан ташқари) объектлар ҳақида ҳам бормоқда...

Давлат эгалигидаги объектларга қуйидагилар киради: ялгуржи омбор иншоотлари, ғалла омбори, музлатиш қурилмалари, умумреспублика аҳамиятига эга мажмуали омборлар.

Давлат мулки, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари эгалигидаги объектларнинг таркибини аниқлаш ҳақидаги низомда қуйидагича аниқлик киритилган: мулкни бошқариш бўйича тегишли қўмиталар корхона низомини тасдиқлайдилар, давлат корхонасининг раҳбари билан шартнома тузадилар, давлат эгалигидаги ва маҳаллий ҳукумат идоралари эгалигидаги объектлардан фойдаланиш, ижарага бериш, ёллаш шартномаларини қайта расмийлаштирадилар.

Мулк эгаси сифатида ташкил этилган ва юридик шахс ҳисобланган тижорат ташкилотлари уларга иштирокчилар томонидан бадал ёки ҳисса қўшиш шаклида берилган, ўзларининг тадбиркорлик фаолиятлари натижасида харид қилинган ва қонунда йўл қўйилган мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ушбу вазиятда молиявий менежер тижорат ташкилоти иштирокчиларининг қўшган ҳиссалари ва бошқа бадаллари миқдори ҳамда шартларига мувофиқ тарзда фойда ва бошқа даромадлар тасдиқланишини таъминлаши шарт. Шу билан бирга молиявий менежер ўз хатти-ҳаракатларини мулк эгаси ҳисобланган шахс билан мувофиқлаштириш, уларнинг манфаатларини кўзлаб иш олиб бориш, ўз фаолиятининг натижалари ҳақида уларга ҳисобот бериши шарт.

Якун ясаб, қуйидагиларни таъкидлаш лозим.

Корхона молиявий фаолиятини бошқариш бу чинакам пул айланувини бошқариш демакдир. Молиявий менежмент — алоҳида ажралган пул айланувини бошқариш шакли. Мулк эгаларининг корхона мулкига нисбатан бўлган буюм ва мажбуриятҳуқуқлари уни кафолатлайди.

ҚАЙТАРИШ УЧУН АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

Менежмент Юқоридан пастга асосланган бошқариш тизими Ясси асосланган бошқариш тизими Илмий бошқариш Менежмент вазифасига тегишли аломатлар Меҳнатга ундовчи сабаблар.
Ижтимоий тизим
Ишлаб чиқариш демократияси
Ишчилар мулки
Бўлимларга ажратиш.
Молиявий менежмент.
Молиявий менежер.
Бошқарувчи тизим.
Пул маблағларининг марказлашган жамғармалари.
Пул маблағларининг марказлашмаган жамғармалари.
Иқтисодиётни бошқариш тизимларининг ривожланиши.
Тармоқ хўжалик ҳисоби.
Тўла хўжалик ҳисоби.
Ўзини-ўзи молиялаш.
Фойдани тақсимлашдаги меъёрий услуб.
Фойдани тақсимлашдаги солиқ услуби.
Хўжалик ҳисоби кўринишлари.
Тадбиркорлик фаолияти
Молиявий менежментни ташкиллаш тамойиллари
Ахборот оқимлари Ташкилий ҳуқуқий шакллар. Буюм ҳуқуқи. Тижорат ташкилоти. Нотижорат ташкилоти. Таъсис шартномаси, низом
Ваколатхона
Филиал
Қайта ташкиллаш
Молиялаш манбалари
Мулкдорлик шакллари
Бюджет тўловларининг эволюцияси. 30-йиллардаги молиявий ислоҳот. Корхона хўжалик ҳисоби.
60-йиллардаги молиявий ислоҳот. Молия-кредит механизми.
70-йиллардаги молиявий ислоҳот.
Мулкдорлик
Мулкдорнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари
Тадбиркорларнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари
Лицензиялаш
Бошқариш объектлари
Мулк
Пул айланувы
Чинакам пул айланувы
Юридик шахс

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Қайси жиҳатлар менежмент эволюциясида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган? Қайси мактаблар менежмент эволюциясининг асосий босқичларини таърифлаб беради?

2. Менежмент ривожланишининг ҳозирги замон йўналишларини санаб беринг.

3. Ҳозирги замон менежерига таъриф беринг.

Унинг қайси хислатларини менежерга хос деб ҳисоблаймиз ва нима учун.

4. Молиявий менежментнинг 1,5-бобда баён этилган концепцияси нимадан иборат?

5. Социалистик қурилишнинг дастлабки йилларида молиявий муносабатлар қандай хусусиятларга эга бўлган ва 30 йиллар ислоҳоти натижасида қандай ўзгаришлар юз беради?

6. Корхона хўжалик ҳисоби нима ва бозор ислоҳотини тайёрлашда унинг аҳамияти қандай?

7. Нима учун узоқ вақт давомида молиявий муносабатлар фақат давлат даражасида кўриб келинган?

8. 60 йиллар ислоҳотига нима сабаб бўлган, унинг ёрдамида қандай муаммолар ҳал этилган ва бу ислоҳот қайси молиявий муносабатлар доирасига алоқадор бўлган?

9. 70 йилларда молияни бошқариш жабҳасида қандай ўзгаришлар юз берган ва бу ўзгаришлар такрор ишлаб чиқариш жараёнига қандай таъсир кўрсатган?

10. Фойдани меъёрли тақсимлаш услуби нимадан иборат ва нима учун ушбу услуб солиқ услубининг ўтмишдоши бўлган?

11. Тадбиркорлик фаолияти нима ва молиявий менежментнинг ривожланишида унинг ўрни қандай?

12. Молиявий менежмент ўз вазифасини бажариши учун қандай шарт-шароит мавжуд бўлиши лозим?

13. Мулкдор, тадбиркор ва молиявий менежер ўртасидаги ўзаро муносабатлар қайси тарзда тузилган?

14. Тадбиркорлик фоалиятини лицензиялаш амалиёти нима учун хизмат қилади?

15. Мулкдорлик шакли молиявий менежментга қандай таъсир кўрсатади?

16. Корхона ва тижорат ташкилоти мулки шаклланишининг асосий манбаларини айтиб беринг.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУЛАРИ

Тижорат ташкилотлари ва корхоналар молиявий фаолиятини бошқариш шаклларининг эволюцияси.

Молиявий ислоҳотлар ва уларнинг иқтисодиётга таъсир кўрсатиши.

Молиявий менежмент фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароит сифатидаги тадбиркорлик фаолияти.

Мулкдор, тадбиркор ва молиявий менежер ўртасидаги ўзаро муносабат.

ХУЛОСА

1. МЕНЕЖМЕНТ - тадбиркорлик фаолияти воситасида ва доирасида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш шаклидир.

2. МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТ — тадбиркорлик фаолияти ва пул айланувини молиялаш жараёнларини бошқариш шаклидир.

3. МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТ — бир вақтнинг ўзида ҳам бошқарувчи, ҳам бошқарувчи тизимдир.

4. МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАР ЭВОЛЮЦИЯСИ — социализм даврида бюджет тўловлари, кредитлаш ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизими, пул муомаласи, режалаштириш ва рағбатлаш шаклларига тегишли лекин мулкдорлик муносабатларига алоқаси бўлмаган қатор ислоҳотлар билан боғлиқ бўлган.

5. МОДДИЙ НЕГИЗ — тадбиркорлик тузилмасининг пул айланувн молиявий менежментнинг моддий негизи ҳисобланади. Чинакам пул айланувн қиймат ҳаракатини юзага келтиради тўлов ҳамда ҳисоб-китоблар оқими унга йўлдош бўлади.

2. МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТ ВАЗИФАЛАРИ, ТАМОЙИЛЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ.

Молиявий менежмент қандай вазифалар бажаради:

Маблағлар қай тарзда бунак қилиб берилади ва инвестиция қилинади:

Корхоналарда тақсимлаш жараёнининг кетма-кетлиги:

Фойда борасидаги изланишларга тизимли ёндошишни қандай амалга ошириш лозимлиги.

Нима учун рубл ёрдамида назорат қилиш тадбири жорий ва стратегик молиявий менежментда амалга оширилади.

Департаментлаштириш (бўлимларга ажратиш) нима ва нима учун у рубл ёрдамида назорат қилиш шаклларини белгилаб беради.

Молиявий менежментни қандай тамойиллар ажратиб туради ва нима учун илгарилаб бошқариш устиворлиги тан олинади.

2.1. МЕНЕЖМЕНТНИНГ УМУМИЙ ВАЗИФАЛАРИ.

Иқтисодий туркум ҳисобланишмиш молиявий менежментнинг моҳияти унинг бажараётган вазифаларида гавдаланади. Вазифаларнинг илмий асослаб берилган тавсифи корхона ва тижорат ташкилотлари молиявий фаолияти бошқарилишининг самарали ташкил этилиши учун зарурдир. Дастлабки услубий нуқтаи назар шундан иборатки, корхона молияси ва молиявий менежмент бир хил вазифалар бажарганига қарамасдан улар ўртасида бошқарувчилик жиҳатининг муҳимлигини кўрсатувчи катта фарқ мавжуддир.

Қуйидаги вазифалар менежмент учун анъанавийдир:

Режалаштириш

Ташкиллаш

Асослаб бериш

Назорат

УШБУ ВАЗИФАЛАРНИНГ МАЗМУНИ:

РЕЖАЛАШТИРИШ ВАЗИФАСИ - мақсадларни шакллантириш ва бошқаришнинг ташкилий тузилмаси доирасида вазифалар чегараланиши асосида ушбу мақсадларга эришиш йўлларини танлашга вазифасига, одатдагида ривожланишнинг устивор йўналишлари ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, вақт нуқтаи - назардан чекланган ҳажмдаги маблағлар тақсимланишини ҳам киритадилар. Ушбу вазифа баланс тузиш ва меъёрлардан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Ташкиллаш вазифаси - вазифа бажарувчи бўлинмаларнинг ваколатлари, ҳуқуқлари ва вазифаларини белгилаш учун бошқариш объектини тузилмалаштириш заруриятига қаратилган.

Бошқариш ва назорат ички тизимининг ташкилий тузилишини бўлимларга ажратиш жараёни ҳам бу вазифа билан боғлиқдир. АСОСЛАБ БЕРИШ ВАЗИФАСИ- мақсадларни амалга ошириш учун йўналтирилган фаолиятга асосланади. Инсон эҳтиёжларини ҳисобга олувчи ва уларнинг ҳулқ-атворига таъсир этувчи жиҳатлар ушбу вазифа ёрдамида изоҳлаб берилади. Ишчанлик фаоллиги жараёни, меҳнат унумдорлиги ва сифати бу вазифаларнинг амалга оширилиши учун кўмаклашади. Сермазмун асослаб бериш назариялари инсон хулқ-атворини белгиловчи эҳтиёжлар ва шу эҳтиёжлар билан боғлиқ жиҳатларга асосланади. Жараёнларни ўрганувчи назариялар эса, турли мақсадларга эришиш учун инсон ўз кучини қандай тақсимлашини ва шунга яраша қандай хулқ-атвор турини танлашни кўриб чиқади.

НАЗОРАТ ВАЗИФАСИ - қўйилган мақсадларнинг амалга оширилиши учун кўмаклашишни билдиради. Бунга: натижаларнинг баҳоланиши учун мезон бўлувчи меъёр ва меъёрлаш ҳужжатларининг ишлаб чиқилиши, қўйилган мақсадлар ва белгиланган мезонлар билан эришилган натижаларнинг тақосланиши, фаолият шароитлари ва жиҳатлари хусусида зарур ўзгаришлар киритилишининг таъминланиши киради.

Бошқариш вазифаларининг ялпи амалга оширилиши учун ахборот таъминоти ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Ахборот таъминоти мақсадларга эришишдаги тенг кучли йўлларнинг энг қулай бўлганини танлаш ва фикрлар билан алмашишни

ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилишга имконият яратади.

Сармояни бошқариш билан боғлиқ бўлган фаолият молиявий менежмент вазифаларининг йиғиндисини амалга оширади. *Қуйидаги учта асосий вазифаларни ўрганиш* ва ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Такрор ишлаб чиқариш.

Тақсимлаш.

Назорат.

Ушбу вазифаларнинг мазмунини батафсил ўрганиб чиқайлик.

2.2. ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА МАБЛАҒ МУВОЗАНАТИ.

Молиявий менежментнинг такрор ишлаб чиқариш вазифаси оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги сармоя тўла айланувининг барча босқичларида моддий ва молиявий маблағлар мувозанатини таъминлаб беради.

Айланма, айланувдан ташқари ва молиявий активларнинг иқтисодий жиҳатдан ажралганлиги уларнинг алоҳида олинган корхона ёки тижорат ташкилоти доирасидаги тўла айланувини бошқариш заруратини келтиради.

Активларнинг тўла айлануви - вақт давомида узлуксиз амалга оширилаётган активларнинг тўла айлануви такрор ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи айланувдир. Тўла айланув сармоя айланувининг босқичидир. Сармоянинг тўла пул айлануви бўнак тўғрисида берилган пул маблағларидан бошланади. Бўнак тариқасида, энг аввало, ишлаб чиқариш воситалари учун берилади.

Пул маблағларини бошқариш жабҳасини кўриб чиқишда шуни назарда тутиш лозимки, бўнак нисбатан мустақил, молиявий маблағлар ҳисобига шакллантирилган пул маблағ жамғармалари ҳисобидан берилади. Пул маблағ жамғармаси қатъий мақсадларга мўлжалланганлиги билан ажралиб туради ва молиялаш қуроли ҳамда манбаи ҳисобланади. Пул маблағ жамғармалари мақсадли бошқариш тамойилини рўёбга чиқаради. БУНАК БЕРИШ — сарфланган пул маблағлари ишлаб

чиқарилган ёки сотиб олинган мол, иш, хизмат, маҳсулотларнинг сотиб юборилиши натижасида сотувдан олинган тушум кўринишида бир маротаба тўла айланув давомида корхонага қайтариб берилиши демакдир. Яъни доимо бунак бериш пул шаклида қарзнинг қопланишини келтириб чиқаради.

Пул маблағлари инвестицияси — бунак беришдан шу билан фарқ қиладики, пул маблағлари узоқ давр мобайнида айланувдан ташқарида қолади, уларни айланувга қайтариш эса, сотувдан олинган тушумдан қисмлаб амалга оширилади.

Молиявий менежментнинг такрор ишлаб чиқариш вазифаси корхона активлари ликвидлиги ва фойда кўришда гавдаланади. Молиявий маблағларнинг самарали бошқарилиши фойдани кўпроқ олиш ва узоқ муддатли инвестицияларни таъминлаш имкониятини беради. Юқори фойда ва ликвидлигни сақлаб туриш учун жалб қилинган ва ўз сармоясини бошқариш амали ҳал этувчи аҳамиятга эгадир. Мисол учун *дивиденд тўлаш сиёсати* ўз сармоясини бошқаришдан самарали қурол ҳисобланади. Бу сиёсат акцияларнинг бозор нархини тартибга солиш ва қўшимча чиқарилган акцияларни янада юқори нархда сотиш имкониятини беради. Бу ерда, дивиденд тўлаш учун йўналтирилган фойданинг қисми ва акциядорлик жамияти ўз сармоясининг кўпайиши учун йўналган қисми ўртасидаги нисбатнинг аҳамияти каттадир. Айрим вақт оралиқларида бу муносабатлик тебраниб туради. Тижорат ташкилотлари ўз фаолиятида сармоянинг ўсишига тарафдор бўладилар, сармоя ўз молиявий маблағлари ҳисобига ҳам ва асосан фойда ҳисобига, шунингдек, қўшимча акциялар ва облигациялар ҳисобига ҳам ўсиши мумкин.

Молиявий менежерининг вазифаси нормал такрор ишлаб чиқариш жараёнини ва инвестицион фаолиятни таъминлаб берувчи молиялаш манбаининг энг мақбулини танлаб олишдан иборатдир, бу орқали, бошқаришнинг турли шаклилиги тамойилининг амалга оширилиши таъминланади.

Молиявий менежментнинг такрор ишлаб чиқариш вазифаси *жамғаришни рағбатлантиришга* қаратилган. Жамғариш муаммоси давлат молия-кредит сиёсатига яқиндан боғлиқ бўлиб, бу муаммо бутун дунё молиявий менежменти учун долзарб бўлиб келмоқда.

Масалан, АҚШ да:

«Инфляция, солиқ сиёсати ва ижтимоий омиллар таъсири муносабати билан жамғаришларнинг ўсиш суръати турғунлик билан пасайиб борган. Японлар ва европаликларга қараганда, америкаликларга қараганда: америкаликлар ўз даромадидан жамғариш учун анча кам фоизда маблағ ажрата оладилар. Бу эса, корпорацияларнинг сармоя қўйилмалари учун, банкларнинг қарзга пул беришлари учун ишлатилиши мумкин бўлган узоқ муддатли барқарор сармоялар ҳажмининг анча қисқариб кетишни билдиради. Арзон сармоянинг кичик ҳажми пулнинг нархини кўтаради, бу эса ишлаб чиқариш ривожланиши учун сармоя қўйилмаларини қимматлаштиради ва бу хусусда қийинчилик туғдиради».

Корхоналарнинг нормал фаолият кўрсатишлари учун, яъни ҳисоб-китоб ва тўловлар ҳамда жорий мажбуриятларни бажариш учун корхоналарни пул маблағлари билан таъминлашга мўлжалланган *корхона молиясининг жадалкор вазифаси* молиявий менежмент такрор ишлаб чиқариш вазифасининг ўзига хос ўтмишдоши ҳисобланади. Жадалкорлик вазифаси корхона ривожланишининг узоқ муддатли стратегиясига унча катта таъсир кўрсатмайди ва узоқ муддатли инвестициялар муаммосини ҳал қилиш учун сармоя ўз олдига асосий вазифа қилиб қўювчи молиявий менежмент такрор ишлаб чиқариш вазифасидан шу билан фарқланади.

2.3. МАБЛАҒЛАР ТАҚСИМЛАНИШИ

Тақсимлаш вазифаси - молиявий менежментнинг тақсимлаш вазифаси такрор ишлаб чиқариш вазифаси билан яқиндан боғлиқ, чунки мол сотувдан олинган тушум тақсимланиши зарурдир. Марказлашган жамғармалар ва, асосан, бюджет орқали молиявий маблағларнинг қайта тақсимланишига асосланган давлат молиясидан менежментнинг фарқи шундан иборатки, тадбиркорлик фаолияти жараёнида, энг аввало, молиявий маблағлар тақсимланиши амалга оширилади.

Молиявий менежментнинг тақсимлаш вазифаси корхоналар ва тижорат ташкилотлари сармоясининг самарали тузилма-

сини ушлаб туриш, пул жамгармаларини шакллантириш ва уларни ишлатишдан иборатдир.

Тақсимлаш, эскириш муносабати билан қўшилган ва оддий такрор ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларнинг қопланишини таплаб берувчи *харажатларни қоплаш жамгармасини* шакллантиришдан бошланади. Бу амалиёт жорий молиялаш доирасига киради ва тезкор муносабат билдиришни талаб этади.

Ишлаб чиқариш ва муомала сарф-харажатларининг унсури ҳисобланувчи *ижара тўловлари молиявий менежмент нуқтаи* назардан эътиборга сазовордир. Ижара муносабатлари, одатдагидек, шартнома асосида хоналарни, асбоб ускуналарни ва бошқа кўчмас мулкни ёллаш шаклида мавжуд бўлиб келмоқда. У аниқ даврли *жорий ижарадир*. Ижара шартларига кўра, ижарага берилган мулк албатта ижара берувчига қайтарилиши шарт.

Ўзбекистонда хусусий ишлаб чиқариш воситалари йўқлиги шароитида ижара узоқ давр давомида муддатсиз бўлиб келган ва ижара учун жуда кам-ҳақ тўланган. Бозор муносабатларига ўтиш ва хусусий мулкдорлик унсурларининг тикланиши билан ижаранинг ривожланиши янги босқичга кирди. Бу босқич маълум хўжалик юритиш туридан иборат бўлган ижара корхоналарини барпо этиш даврини очди. Ва, ниҳоят, охирги йилларда *молиялашган ижара* кенг кўламда тарқалди. Бунда ижара муддати тугаши билан, ижарага олинган мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи ижарага берувчидан ижарачига ўтиш имконияти назарда тутилади:

Лизинг — узоқ муддатли, уч йилдан ортиқ муддатга.
Хайринг - ўртача муддатли, бир йилдан уч йилгача.
Рентинг - бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга.

Хайринг ва рентингда эгалик қилиш ҳуқуқи ижара мулкига тегишлилиги кўзланмайди. Эгалик қилиш ҳуқуқининг топширилиши фақат лизингда мумкин. Юқори суръатли инфляция мавжудлигида лизинг битимлар маъқул эмасдир. Шунинг учун 1991 йилда бундай келишувларга нисбатан уйғонган қизиқишдан сўнг охирги вақда улар анча кам учрамоқда. Бироқ, ташқи савдо фаолияти соҳасида лизинг энг қулай шартнома тури бўлиб келмоқда ва лизинг асосида четдан асбоб-ускуналар келтирилиши қатор афзалликларга эгадир.

Харажатларни қоплаш жамғармасининг учсури бўлмиш *амортизация ажратмаларига* алоҳида эътибор бериш лозим. Амортизация асосий воситаларнинг жисмоний ва маънавий эскирганн сари қўшиб ҳисобланади. Эскирган асосий воситалар (айланувдан ташқари активлар) янгисига алмаштирилиши ёки таъмирлаш, қайта таъмирлаш, янги шакл бериш орқали қисман тикланиши талаб этилади. Амортизация ушбу мақсад учун зарур молиявий маблағларни тўплашга хизмат қилади.

Амортизация амалдаги асосий воситаларни тўлиқ тиклаш учун амортизация ажратмалари меъёрларига асосан қўшиб ҳисобланади.

Амортизация ажратмалари меъёри асосий жамғарманинг дастлабки қийматига нисбатан фоиз ҳисобида белгиланади. Ҳисоб-китоб қуйидаги тенглик бўйича бажарилади;

$$Ма \frac{Дж + Хк + Хя + Ка}{Дж \times М} + 100$$

Ма — амортизация ажратмаси меъёри;

Дж — асосий жамғарманинг дастлабки қиймати:

Хк — асосий жамғарма қайта тиклаш ва ишлатиш харажатлари;

Хя — янги шакл бериш харажатлари;

Ка — асосий жамғарманинг қолдиқ қиймати;

М — асосий жамғарманинг меъёр бўйича хизмат қилиш муддати — амортизация даври.

Амортизация ажратмаларининг йиллик миқдори, ҳар бир асосий йиллик миқдори ҳар бир асосий жамғарма тури бўйича алоҳида уларнинг ўртача йиллик қийматига асосланиб қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади:

$$А + \frac{У \times Ма}{100}$$

А — йиллик амортизация ажратмаси миқдори. *У* — арифметик ёки геометрик асосда ҳисоб қилинган асосий жамғармаларнинг ўртача қиймати.

Амортизация ажратмасининг миқдори юқори бўлса, асосий

воситаларнинг хизмат қилиш муддати шунча қисқа бўлади ва аксинча.

Амортизация ажратмалари ҳисобига *эскириш миқдори* тўпланади ва бунинг ёрдамида асосий воситаларнинг одий қайта тикланишини молиялаш имконияти яратилади. То 1992 йилгача корхоналарда амортизация жамғармаси тузилар эди. Бозор муносабатларига ўтишдан илгариги даврда ушбу жамғарма қисман бюджетга тортиб олинар эди, бу эса такрор ишлаб чиқариш жараёнига халақит берарди ва сармоя тўплаш имкониятларини чеклаб турарди. Амортизация жамғармасини тузишдан воз кечиш- молиялаш мақсадли манбаининг йўқ бўлишига олиб келди. Ҳозирги вақтда корхона балансида фақатгина асосий воситаларнинг эскириши бўйича қўшиб ҳисобланган умумий катталик акс эттирилади. Амортизация жамғармасининг қайта тикланиши келгусида корхоналарнинг оддий такрор ишлаб чиқаришни молиялаш, солиқ имтиёзларини тўғри қўллаш учун маблағ сарфлашларини назорат ва молиявий маблағларнинг чиннакам тузилмасини ҳамда ўзини-ўзи молиялаш чегараларини аниқлашга имконият яратади.

1992 йилдан бери амалда бўлган қонунга кўра объектнинг дастлабки қийматти тўлиқ қоплангунига қадар амортизация ҳақи қўшилиб ҳисобланади. Илгари, эскириш учун ҳақ меъёрий хизмат қилиш муддати тугаганидан кейин ҳам ҳисоблаб келинган. Шунинг учун асосий воситаларга ортиқча амортизация ҳақи ҳисобланиши ҳоллари учраган. 1992 йил I июл ҳолатига кўра ортиқча қўшиб ҳисобланган амортизация миқдори корхоналар ва тижорат ташкилотларининг низомий сармоясини кўлайтиришга йўналтирилган. Асосий воситаларнинг жами хизмат қилиш муддати амортизация қўшиб ҳисобланиши маҳсулот, иш, хизмат таннархининг асоссиз орттириб юборилиши ва ҳақиқий хизмат қилиш муддатининг меъёрдагига нисбатан анча орттириб юборилишига олиб келган.

Асосий воситаларнинг хизмат қилиш муддатларини ва эскириш ҳақи ҳисобланишини мувофиқлаштириш ҳуқуқи борган сари кўпроқ корхоналарга берилмоқда. Корхоналар *тезланган амортизация* қўшиб ҳисоблаш ёки эскириш ҳақи бўйича ортириш коэффициентларини қўллаш ҳуқуқига эгадир. Бу ҳуқуқлардаги зарурият ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятининг алоҳида хусусиятлари, инвестиция қилиш дастурларини

молиялаш зарурати корхоналарнинг аҳволидан келиб чиқади.

Инфляция суръатларининг юқорилигини эътиборга олиб, *асосий воситаларнинг қийматини ҳисобга олиш мақсадларида* амортизация ажратмаларининг индексация қилиниши рухсат этилган. 1992 йил 1 июл, 1994 йил 1 январ ва 1995 йил 1 январ ҳолатлари бўйича амалга оширилган асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши ҳам эскириш учун қўшиб ҳисобланувчи ҳақ миқдорини анча орттиради. Йиғилган ёки тўпланиб қолган амортизация фақат белгиланган мақсадлар учун, хусусан, асосий воситаларнинг қайта тикланиши учун сарфланиши шарт, акс ҳолда, корхоналар ишдан чиқаётган асосий воситаларнинг узлуксиз қопланишини ҳамда замонавий илмий техника ва технологик ишланмалар ҳисобига уларнинг янгиланишини таъминлаб берувчи молиялар манбаини йўқотадилар.

Инновацион фаолият ҳамда венчурли молиялаш амалиёти асосий воситаларнинг қайта тиклаш жараёни билан яқиндан боғлиқдир. *Инновацион фаолиятни бошқариш* ва молиялаш, молиявий муносабатларни ташкиллашнинг энг янги шакллари асосида молиявий менежментнинг доимий илгарилаб бораётган ривожланиши киради. *Венчурли молиялаш* инновацион фаолиятни молиявий маблағ билан таъминлайди. У, энг аввало, илмий - техник ишланмалар ва кашфиётларнинг молиялашишини ўз ичига киритади. Бундай молиялаш анча катта сармоя тўплашни ва узоқ муддатли ривожланиш стратегиясининг танлаб олинишини талаб қилади. Венчурли молиялаш турлича хилдаги қарорлар қабул қилишга ва пул тушумларини дисконтлашга асосланган. Венчурли молиялашда қатъий мақсадга қаратилган бошқариш бўлиши шарт. Венчурли молиялаш жараёнида меҳнатнинг пудрат шаклида ташкил этилиши жаҳон тажрибасида яхши баҳоланади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси молиявий менежмент тақсимлаш вазифасининг амалга оширилишида муҳим унсур ҳисобланади. Таннарх, ишлаб чиқариш ва муомала сарф-харажатлари таркибига қуйидаги харажатлар киради: ҳақиқатда бажарилган иш учун ҳақ тўловлари, корхонада қабул қилинган меҳнат учун ҳақ тўлаш тизимига мувофиқ лавозим маоши, тариф бўйича ҳақ тўлаш миқдори, келишилган нарх бўйича қўшиб ҳисобланган пул миқдори;

Меҳнат учун ҳақ сифатида тўланган маҳсулотнинг бозор нархи бўйича қиймати;

Маош ва тариф бўйича ҳақ тўлаш миқдорига қўшимча ҳақ тўловлар;

Ишлаб чиқариш натижалари учун мукофотлар, рағбатлантирувчи тўловлар, йил якунлари бўйича мукофотлар ва ҳоказо.

Фойда ҳисобига акциядорлар қаторида ишчиларга дивидендлар, моддий ёрдам, мукофотлар, ижтимоий эҳтиёжлар учун фоизсиз қарз, нафақага қўшимчалар тўланади. Ишчилар учун рағбатлантирувчи тўловларга йўналтирилган фойда акциядорлар ўртасида тақсимланувчи ҳамда ишлаб чиқариш мақсадларига сарфланувчи фойдани камайтиради.

Ишчиларга бериладиган асосий тўловлар меҳнат учун ҳақ тўлаш жамғармасига қўшилиши шарт. Бу жамғарма таннарх қаторига киритилади, шунинг учун у нафақа жамғармаси, ижтимоий суғурта жамғармаси, мажбурий тиббий суғурта, жамғармаси, аҳоли бандлиги давлат жамғармаси ҳамда қатор солиқларга ажратилиши лозим бўлган миқдорларни аниқлаш учун ҳисоб- китоб негизи ҳисобланади.

Меҳнат учун ҳақ тўлашнинг ташкил этилиши. Фойда кўпайишини ва инновацион фаолиятни рағбатлантирувчи тўловлар шакли ва шартлари молиявий менежмент нуқтаи назаридан катта аҳамият касб этади. Бу муаммо бугун дунё менежерларининг диққат эътиборида бўлиб, *асосланиб бериш назарияси* доирасида ўрганилади. Америкалик менежерлар уни *янги шакл бериш жараёнига* киритадилар ва бу диққатга сазовордир ҳамда ўрганилиши лозим. Бошқариш ташкилий тузилмаларига янги шакл бериш жараёни ўз ичига қуйидаги йўналишларни киритади: ишлаб чиқариш ва сотиб юбориш амалиётларини ўз харажатини қоплаш ва тадбиркорлик фаолият эркинлиги асосларида марказлашдан четлатиш; инновацион муносабат ягона бошқариш объекти сифатида корхонанинг фаолият кўрсатишидаги мақсадли ўзгаришлар; ишчиларнинг ташаббускорлигини ошириш, уларнинг ижодий имкониятларини ривожлантириш. Меҳнат учун ҳақ тўлаш муаммоси америкалик менежерлар томонидан анча кенг ўрганилади ва бунга асос бор. Уларнинг фикри бўйича юқори даражадаги меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобат-

бардошлиги ва халқнинг ҳаёт даражаси иқтисодиётдаги хотиржамлик мезони бўла олади.

«Аср бўсағасида тадбиркор Генри Форд қуйидаги хулосага келган» Тўғри нарх-наво бозор кўтариши мумкин бўлган нарх эмасдир. Адолатли иш ҳақи инсон ишлашга рози бўлган энг паст миқдор эмасдир. Тўғри нарх-наво маҳсулотни доимо сотиш мумкин бўлган энг паст нархдир. Адолатли иш ҳақи тадбиркор доимо тўлаши мумкин бўлган энг юқори иш ҳақидир. Айнан шу заминда тадбиркорнинг ихтирочилиги саҳнага чиқади».

М. Мескон, М. Альберт, Ф. Хедуорининг фикрича:

«Барқарор юқори даражали ишлаб чиқаришнинг таъминлаш бошқариш тизимининг барча вазифаларига ва барча боғловчи жараёнлар — алоқа йўллар қарор қабул қилиниши ва пешқадамликнинг таъминланишига тааллуқлидир.»

Ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари ва хизматлар бозорида мустаҳкам ўрнини топиб, ишлаб чиқариш самарасини оширмоқчи бўлган ҳар бир корхона учун меҳнатга ҳақ тўлаш ташкилланиши ва меҳнат унумдорлиги ўртасидаги боғлиқлик муҳимдир.

«Ишлаб чиқариш ташкил этилишининг даражаси паст, сифати ҳамда ходимлар малакаси етарлича юқори эмас, бажарилаётган ишга масъулиятсизлик бўлган шароитда меҳнат унумдорлиги ва самарасининг ўсишини ҳаттоки энг замонавий жиҳозлар ёрдамида ҳам таъминлаб бўлмайди, яъни тегишли натижаларга эришилмайди... самарасиз фаолиятли тизимга маблағ сарфлаш — пулларни шамолга учириб юбориш билан тенгдир... инвестициялар етарлича юқори натижалар бермаслиги ва меҳнат унумдорлигига кучсиз таъсир кўрсатиш ҳоллари кўпинча ушбу инвестициялар ишчи кучи учун сарф қилинаётган харажатлар қисқаришига йўналтирилганлиги сабабли учраб келмоқда. Айни пайтда, бундай харажатлар кўпчилик тармоқларда 15 фоиздан ортгани йўқ, бевосита сарфлар ва моддий харажатлар, ускуна, жиҳозлардан фойдаланиш харажатларининг аҳамияти анча катта ўринга эгадир».

Демак, инвестицияларнинг мақсади меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларини қисқаришга қаратилган бўлса, бундай инвестициялар дастлабдан муваффақиятсизликка учрайди. Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ҳисобидан тежамкорлик қилиш

меҳнат унумдорлиги ўсишини рағбатлантириш тадбири билан зарурийтга киришади.

Амалдаги меҳнатга ҳақ тўлаш тизимининг асосий *камчиликларини* қуйидаги аломатларда кўришимиз мумкин:

Иш ҳақининг ўсиш суръати меҳнат унумдорлигини ўсиш суръатидан юқори, шу сабабли маҳсулот борлигига сарфланган ишчи кучи учун сарфланаётган харажат ўсади;

— Энг кам истеъмолчилик бюджетини қоплолмайдиган паст даражали иш ҳақи;

— ишчилар меҳнатига тўланаётган ҳақнинг самарадорликнинг ўсиши билан боғлиқ эмаслиги;

— меҳнатга ҳақ тўлаш тизими мосланувчанлик билан ажралиб турмаслиги ва хўжалик юритиш борасидаги ўзгарувчан шароитга мослашаолмаслиги даромад тақсимланиши ва фойдада иштирок этишга асосланган меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари алоҳида эътиборга лойиқ, бундай тизим Японияда кенг қўлланилади, бундай фойдада бевосита иштирок этиш шаклидаги мукофот тўловлари иш ҳақи ҳажмининг 50% гача етиб борши мумкин.

«Даромадларни тақсимлаш тизими унумдорлик ўсиши натижасида олинаётган қўшимча даромадларни тақсимлаш механизмининг барпо этилишини кўзда тутади, шу билан бирга ушбу механизм ўз ичига кўплаб турлича мукофот тизимларини қамраб олади. Ушбу тизимларда ҳар бир киши иш ҳақининг маълум қисми шу киши ишлаётган бўлинма ишининг самаралигига боғлиқдир. Даромадларда иштирок этиш тизими маълум ишчи гуруҳлари самарадорлигининг ўсишини рағбатлантиради: завод, бўлим ёки бутун компания. Бунда мукофот тўловлари ҳар бир ишчига берилади. Фойдада иштирок этиш тизимидан фарқ қилувчи даромадларни тақсимлаш тизими шундай ташкил қилинганки, бунда мукофот тўловлари унумдорли сифат, ашё тежами, истеъмолчилик қондирилиши, ишончли иш каби кўрсаткичларга боғлиқ бўлади.

Фойда ҳисобига иш ҳақи тўлашнинг юқори ҳиссаси Японияда шу билан боғлиқки, бу мамлакатда дивидендларнинг катта аҳамиятга эга эмаслиги анъанавийдир, бу ерда акцияларнинг курс қиймати муҳимроқдир. Дивидендларнинг кучсиз ўрни юқори даражали инфляция ҳамда тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш фаолиятини молиялаш муаммолари билан боғлиқдир.

Америка фирмаларида *умумий тақдир фалсафаси шуҳрат қозонмоқда. Гап шундаки,* Америка менежменти анъанага кўра акциядорлик манфаатини кўзлашга қаратилган. Акциядорлар АҚШ аҳолисининг кўпчилигини ташкил этади, шунинг учун улар биринчи ўринда туради, иккинчи ўринда истеъмолчилар ва учинчи ўринда фирма ишчилари. Японияда эса биринчи ўринда истеъмолчилар ва учинчи ўринда фирма, ишчилари иккинчи *ўринда ходимлар туради. Япон менежменти тизимида* акциядорларнинг манфаатлари фирма манфаатдорлари билан яқиндан боғлиқ бўлиб, фирма сармоясининг ўсиш имкониятлари ва бозордаги вазиятдан келиб чиқади.

«Умумий тақдир» фалсафаси қуйидаги кўрсаткичлардан ташкил топади — фирма муаммоларини тушуниш:

— янада катта масъулият ва таваккалчилик қилишга тайёргарлик, инновацион фаолиятга ҳозиржавоблик;

— фирмага тегишлик ҳиссиёти;

Шахсий манфаатларнинг фирма муваффақиятлари билан узлуксиз боғлиқлиги.

Мазкур фалсафа нафақат ишчилар, балки умумий манфаат ва рағбатлар орқали *улар билан бўлган менежерлар учун* ҳам қўл келади.

Юқорида кўриб ўтилган тақсимлаш жараёнлари натижасида корхона ва тижорат ташкилотларида зарар қопланади ва *фойда* ташкил топади. Фойда ҳам тақсимлаш жараёнида иштирок этади ва унинг объекти ҳисобланади. Қуйидаги расмда тақсимлашнинг иккита асосий йўли кўрсатилган. Бу орқали муомаладан ташқарида қолувчи ва корхона учун ишловчи фойда ўртасидаги муносабатлик аниқланади.

2.1. Тақсимлаш жараёнида фойданинг иштирок этиш тасвири.

Корхоналар ва тижорат ташкилотлари фаолиятида фойданинг аҳамиятини қуйидаги тарзда аниқлаш мумкин:

Умумлаштирилган шаклдаги фойда тадбиркорлик фаолияти натижаларини акс эттиради ва самарадорлик кўрсаткичларидан бири ҳисобланади;

сермаҳсул меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантирувчи омил сифатида қўлланилади;

кенгайган такрор ишлаб чиқаришни молиялаш манбаи бўлиб хизмат қилади ва корхонанинг энг муҳим молиявий заҳираси ҳисобланади.

Фойда кўп қиррали сифатларга эга, демак, уни *тизимли* тарзда ўрганиш зарур. Тизимли тарзда ўрганиш деганда — ташкил топиши, ўзаро таъсир кўрсатиши, тақсимланиши ва сарфланиши каби омиллар йиғиндисининг таҳлили назарда тутилади.



Ташкил қилувчи омиллар қаторига турлича хилдаги тадбиркорлик фаолиятидан, шу ҳисобда асосий салмоққа эга бўлган маҳсулот сотувидан, бошқа активлар ва асосий воситалар сотувидан олинган тушум киритилади. Асосий омилларнинг муҳим таркибий қисмини бошқа корхоналарда шу ҳисобда ўзига қарашли корхоналарда улушли иштирок этишдан

олинган даромад, қимматли қоғозлар келтирган даромад, бе-ғараз молиявий ёрдам тўланган ва олинган жарималар қолдиғи ташкил қилади. Ўзаро таъсир этувчи омиллар икки қисм-дан иборат: давлат молия-кредит сиёсатига боғлиқ ташқи омиллар, шу ҳисобда солиқлар ва солиқ миқдорлари, қарз бўйича белгиланган фоизлар, маълум ҳисобда нарх-наво, та-рифлар ва йиғимлар ҳамда ички омиллар, шу ҳисобда таннарх, меҳнат унумдорлиги, жамғарма фойда келтириш жамғарма таъминланганги, айланма маблағларнинг айланиш тезлиги.

Тақсимлаш омиллари: бюджет ва нобюджет жамғармалар-га, банк ва суғурта жамғармаларига тўланиши лозим бўлган мажбурий тўловлар ҳамда ихтиёрий тўловлар, шу ҳисобда хайр-эҳсон жамғармалари ва корхоналарда ташкил этилган пул маблағ жамғармаларига йўналтирилган фойда. Сарфлаш омиллари: фақатгина корхонада ёки тижорат ташкилотида қоладиган фойдага тегишли. Бу омиллар қуйидаги йўналиш-ларни ўз ичига киритади:

— истеъмол;
— жамғариш;
— ижтимоий ривожланиш;
— капитал ва молиявий қуйилмалар;
— зарар ва бошқа харажатларни қоплаш.

Кўпчилик иқтисодчилар фойдани тадбиркорлик фаолияти-нинг энг муҳим сабабчи аломати деб биладилар. Бироқ, бо-шқа фикрлар ҳам мавжуд. XX аср бошланишининг энг йирик мулкдори Генри Форднинг фикрича:

«Ёлғиз фойда олиш сабаби мустаҳкам ва қулай ҳисоблан-гани билан аслида ҳеч ҳам қулай эмас, чунки айтиб ўтгани-миздек, унинг мақсади — истеъмолчилар учун нарх-навони кўтариш ва иш ҳақини камайтириш. Оқибатда, бу сабаб со-тув бозорини торайтириб боради ва натижада ўзини ўзи бўғиб қўяди. Хорижда рўй бераётган кўп қийинчиликлар шу орқа-ли аён бўлади»

Шундай қилиб, нарх-наво ва фойда ўртасидаги боғлиқлик корхоналарнинг устивор молиявий сиёсатини белгилаб бера-ди. Такрор ишлаб чиқариш жараёнлари учун фойданинг аҳамиятини Г.Форд қуйидагича аниқлаб берган:

«Хизмат кўрсатиш тамойили — фойда миқдорларининг за-рур ҳажмдаги қайта тиклаш ва кенгайтириш ҳажмида белги-

ланишни талаб этади. Фойда ченаралари силжиб туради, лекин шунга қарамасдан, улар барибир чегарадир... Кенгайиб бораётган корхоналардан хадиксираш лозим; чунки бу-уларнинг хизмат кўрсатмаётганликларида далолат беради»

Америкалик иқтисодчи Д.К. Гелбрейтнинг фойда асосида сабаб муаммоси хусусидаги фикри ўзига хос ифодаланган. Саноатлашган жамият назариясида технотузилма фаолит кўрсатиш жараёни ўрганилади ва фойдани бошқариш муаммосига янгича консептуал нуқтаси назаридан қараш таклиф қилинган:

«Амалга киритилган янги мумтозназарияда фойда асосидаги аҳамият касб этади - бу сабаб бутун иқтисодиётини ҳаракатга *келтирувчи ва унга қувват берувчи ягона кучдир. Бироқ,* корпорациялар тизими камол топган сари ҳокимлик техно-тузимлага ўтиб боради. Ушбу жараёнининг муқаррарлиги шунчалик маълумки, ҳатто эскилик тарафдорлари томонидан ҳам, йирик замонавий корпорация устидан бошқарувчиларнинг нахорати тан олинган. Бунинг маъноси — фойда олмайдиган инсонлар ҳам, фойда олишга ва уни максималлаштиришга интилишларидан иборатдир»

Молиявий менежер фойда тақсимлаш соҳасида корхона сиёсатини, такрор ишлаб чиқариш жараёни ва рағбатлантиришда фойданинг аҳамиятини ва ўрнини белгилаб беради. Корхонада молиявий менежментнинг ривожланишига оид умумий концептуал нуқтаи назар ҳам шунга боғлиқдир. Амалга ошириш учун қабул қилинган дастурларнинг молиявий ишини таъминлаб берувчи пул маблағ жамғармаларининг ташкил этилиши, энг қулай сармоя тузилмасининг сақлаб турилиши, банкротлик хавфининг энг кам даражага туширилиши тақсимлаш жараёнларининг натижаси ҳисобланади.

2.4. МАБЛАҒ МАНБАЛАРИ ЮЗАСИДАГИ НАЗОРАТ

Молиявий менежментнинг назорат вазифаси — чиқим пул айлан ıчи устидан рубл орқали назорат ўрнатишдан иборатдир. Рубл орқали назорат икки усулда амалга оширилиши мумкин:

— молиявий кўрсаткичлар ўзгариши, тўловлар ва ҳисоб-китоблар ҳолати юзасидан назорат олиб бориш шаклида;

— молиялаш стратегиясининг амалга оширилиши юзасидан назорат олиб бориш шаклида.

Биринчи услубда молиявий менежер жазо-чоралар ва рағбатлантириш тизимига таянади ва мажбурлаш ёки, аксинча, рағбатлантириш чораларини қўллайди.

Иккинчи услубда стратегик бошқариш вазифаларининг амалга оширилиши ҳақида сўз юритилади. Бунда асосий эътибор ўзгаришларни олдиндан кўра билиш ва молиялаш тартиби ҳамда шароитларни ушбу ўзгаришларга қараб олдиндан мослаштиришга қаратилади. Бошқариш тизимидаги муттасил ўзгаришлар ва янгиланишлар корхонанинг барча ишчилари томонидан шунга яраша жавоб қайтарилишини талаб этади. Бунга, ишчиларнинг мустақиллигини кенгайтириш, фаол тадбиркорлик фаолиятининг зарурлиги ва мақсадга мувофиқлигининг тан олиниши орқали эришиш мумкин. Тадбиркорлик стратегиясининг ишлаб чиқилиши — иқтисодий фойда келтирувчи афзал жабҳаларга молиявий маблағларни жамлаб йўналтиришга имконият яратади.

Молиявий менежментнинг назорат вазифаси корхона молиясини назорат қилиш вазифасини сифат жиҳатидан янги даражада амалга оширилишининг давомидир. Бунда, бошқаришнинг аниқ субъектлари ва объектлари иштирокидаги маълум издошлик сақланиб қолади. Корхона молиясини назорат қилиш вазифасининг аҳамияти турлича баҳоланган. Қиёслаш учун 70-80 йилларда етакчи ўринларни эгаллаган иккита молиячиларнинг фикрларини келтирамиз:

А.М. Бирман таъкидлашича:

«Рубл орқали назорат қилиш энг самарали назорат туридир: унинг ёрдамида корхона хўжалик фаолиятининг барча томонларини умумлаштириш имконияти очилади: назорат узлуксиз автоматик тарзда амалга оширилади .. рубл орқали назорат қилиш— корхоналарни хўжалик юритишдаги камчиликлар натижасида вужудга келган молиявий қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида ўз ишини яхшилашга ундайди».

Бу эса назоратни амалга оширишдаги нисбатан мустақилликни билдиради. Шу хусусда Э.А. Вознесенский алоҳида фикр билдирган:

«Жами молиявий муносабатларнинг бирортаси ҳам, марказлашган ва номарказлашган пул жамғармаларининг шаклланиши ҳамда ишлатилиши устидан назорат ўрнатилиши билан боғлиқ бўлмасдан қолмайди. Бироқ, шу билан бир вақтда, фақатгина назорат вазифасидан иборат бўлган бирорта ҳам молиявий муносабат бўлиши мумкин эмас. Бошқача айтганда, молиянинг назорат вазифаси бошқа вазифалар билан узвий боғлиқликсиз мавжуд бўлмайди».

Назорат вазифаси хусусидаги бундай нуқтаи назар молия чегараларини торайтиради ва молиялаш жараёнидаги рубл орқали назорат ўрнатишнинг фаол аҳамиятини қатордан чиқариб юборади.

Молиявий менежментнинг назорат вазифаси доимо назорат шаклида юзага чиқади. Бу назорат ягона бошқариш объекти бўлган корхонага, филиалларга ёки таркибий бўлинмаларга, бўлимлар ёки хизматларга, алоҳида ҳар бир ходимга қаратилган бўлиши мумкин.

Назорат вазифасининг амалга оширилиши учун корхона томонидан қўлланувчи ***бўлимларга ажратиш тизими*** катта аҳамият касб этади. Жаҳон тажрибасида вазифага кўра ва қисмларга ажратиб бўлимларга ажратиш амалиёти кенг тарқалган.

Вазифага кўра ажратиш амалиёти бўлимлар ва хизматлар ечимидаги хизмат вазифаларининг, фаолият ва вазифа доираларининг аниқ чегаралаб берилишига асосланади. Асосий ташкилий бирикмалар: ишлаб чиқариш бўлими, маҳсулот сотиш бўлими, молиявий бўлим, маркетинг бўлими ва ҳоказо. Бўлимлар янада кичик қисмларга ажратиш ва янада тор ихтисос бўйича ишлашлари мумкин.

Қисмларга ажратиш туридаги бошқариш тузилмаси алоҳида қизиқиш уйғотади. Унинг унсурлари ва бирикмалари мол ва хизмат турлари, истеъмолчи гуруҳлар, фаолият ҳудудлари бўйича бўлинади. Бундай тизим жаҳондаги энг йирик компаниялар: «Женерал моторс», «Проктер энд Гембл», «Дюпон» ва шу кабиларда қўлланилади. Қисмларга айриб бўлимларга ажратиш мисолида молиявий менежмент назорат вазифасининг амалга оширишини кўриб чиқамиз.

Қисмларга ажраган тузилишнинг умумий тасвири бошқариш иерархиясининг тўрт погонасидан ташкил топади. Энг

юқоридаги бўгин — Директорлар кенгаши. Бошқарув ва Президент. Директорлар кенгаши раҳбар ходимлар билан шартномалар тузади, уларнинг ҳуқуқларини, вазифаларини, жамият олдидаги масъулиятларини, иш ҳақи шаклларини ва хоказоларни белгилайди. Директорлар рубл назоратининг амалга оширилишига имконият яратувчи ички ҳисобдорликни ўрнатадилар, дивидендлар ҳар чоракда ёки ярим йилда бир ёки ярим йилда бир марта тўланса оралиқ дивидендни эълон қиладилар, шунингдек, йил натижалари бўйича якуний дивиденднинг энг юқори катталигини эълон қиладилар. Акциядорлар умумий мажлиси йиллик дивиденднинг миқдорини тасдиқлашда Директорлар кенгаши таклиф этган катталикка нисбатан унинг миқдорини камайтиришлари мумкин, холос.

Бинобарин, тақсимланган фойда миқдори ва сармоя жамлаш суръатлари Директорлар кенгашига боғлиқдир. Директорлар кенгаши компаниянинг ривожланиш стратегиясини белгилайди, барча бўлинмаларнинг ишини мувофиқлаштиради, инвестицион қарорларни қабул қилади ва уларнинг ижро этилишини назорат этади. Корхонанинг молиявий сиёсати мосланувчан бўлиши лозим, шунинг учун уни, аввалгидек, амалдаги қонунчилик ва жорий молиялаш шароитларининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда тез-тез тўғрилаб ўзгартириб туриш зарур. Директорлар кенгаши молиявий барқарорлик ва қўйилган мақсадларнинг амалга оширилиши учун акциядорлар олдида жавобгардир.

... «Корпорациядаги назоратнинг шакли қабул қилинаётган қарорнинг муҳимлигига боғлиқ. Кўпинча, янги тузилган корпорацияларда жами ишларни тадбиркорларнинг ўзи бошқарадилар, бироқ фирма ўсиб бориши сари, одатдагича, хўжалик бошқариш ва мулкни тасарруф этиш вазифалари ажраб кетади. Ўзларига яқин нуқтаи назарга эга бўлган ходимларни Директорлар кенгашига сайлаш орқали акциядорлар фирма сиёсатига бевосита таъсир этишлари мумкин. Олий менежерлар тайинланишида иштирок этувчи Директорлар кенгашининг мазкур аъзолари шу тариқа корхонанинг кундалик фаолияти ва унинг бошқарилишига таъсир кўрсатадилар». ... Корхонанинг тегишли моллар бозоридаги эгаллаган ўрни Директорлар кенгашининг шаклланиши — ходимлар билан ишлашга оид сиёсатда энг муҳим ўрин эгаллайди.

Бошқаришнинг кейинги поғонаси вице президентлар бошқарган хизматлар ва бўлимлардир. Улар фаолият турларини ташкил қиладилар ва назорат этадилар, шу ҳисобда бухгалтерлик ҳисоб, режалаштириш ва рағбатлантиришларни. Ушбу поғонада барча масъулиятлар умумлаштирилади, ҳисоботлар тузилади, жазо чоралар ёки рағбатлантириш ҳақида қарорлар қабул этилади, тўловлар ва ҳисоб-китоблар ҳамда мажбуриятларнинг бажарилиши назорат қилинади.

Учинчи босқич — фаолият маълум ҳудуд ва маълум маҳсулотга қаратилган ишлаб чиқариш бўлинмалари. Ишлаб чиқариш бўлинмалари мустақил баланс тузадилар, ажратилган молиявий маблағлар чегарасидаги харажатлар ва пул маблағ жамғармалари сарфларининг ҳисобини чиқарадилар, жорий молиялаш масалаларини ҳал этадилар, рентабелликни ва ўз чиқимларининг қопланишини таъминлайдилар. Сарф-харажатлар ҳисоб-китобги бажарилиши жараёнлари назорат остига олинади.

Энг кейинги босқич — топширилган вазифаларни ижро этувчи ва қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши учун жавобгар бўлган таркибий бирликлардир. Улар ишлаб чиқаришни ташкиллайдилар ва унга хизмат кўрсатадилар, ишлаб чиқариш узлуксизлигини ва сифатини назорат қиладилар, молиялаш шарт-шароитларига риоя этилиши учун моддий жавобгарлик бўладилар.

Қисмларга айриб бўлимларга ажратиш тизими — молиявий манбалардан фойдаланиш, ҳисоботдорлик тизими, ҳуқуқ ва мажбуриятларга доир қоидалар белгиланиши, рағбатлантириш масалалари юзасидан ҳар бир бошқариш поғонасининг ўрганиб чиқарилишини талаб этади. Молиявий менежментнинг назорат вазифаси такрор ишлаб чиқариш ва тақсимлаш вазифалари билан боғлиқдир. Назорат вазифаси у ёки бу қарор қабул қилинишида катта роль ўйнаши, ёҳуд пул маблағларини тақсимлаш ва такрор ишлаб чиқариш жараёнининг натижаларини пассив акс эттириши мумкин.

Назорат вазифаси қуйидагиларда намоён бўлади:

— Молиявий менежер олинган даромадларнинг ва пул маблағ жамғармалари таркибининг ишлаб чиқариш ва сотув ҳажмларини кенгайтириш юзасидан белгиланган топшириқларга мувофиқлик даражасини аниқлайди.

— Нафақат пул маблағлари, балки моддий манбалардан фойдаланишдаги корхонанинг даромадлари ва сарф-харажатлари ўртасидаги комунофиқликни тўғрилайди.

Моддий ва молиявий манбалар, корхона даромадлари ва сарф-харажатлари ўртасида мувозанат ўрнатишга оид чора-тадбирлар хом ашё ва материаллардан фойдаланишни маъқул даражага келтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, хом ашё етказиб берувчилар ва банк олдидаги қарздорликни қисқартириш, дивидендлар даражасини ўзгартириш ва шу каби топшириқларни ўз ичига олади.

Молиявий менежментнинг назорат вазифаси қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади:

— жами белгиланган молиялаш манбалари бўйича корхона жамғармаларига маблағларнинг тўғри ва ўз вақтида ўтказилиши устидан назорат;

— ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланиш эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда белгиланган жамғарма тузилмасига риоя этиш юзасидан назорат;

— молиявий манбаларнинг мақсадга мувофиқ ва самарали сарфланиши юзасидан назорат.

Назорат вазифасининг амалга оширилиши учун корхоналар пул маблағ молиялаш манбаларини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқаришлари зарур. Бу ерда, ички фойдаланиш учун меъёрий ҳужжатлар тўғрисида, шу жумладан таркибий тузилмалар ва филиаллар билан молиявий муносабатларни тартибга келтириш ҳақида айтилган.

Молиявий маблағларнинг мақсадга мувофиқ ва самарали сарфланиши пул жамғармаларининг ташкил топиши ва ишлатилиши бўйича ҳисобот берилиши лозим бўлган ва режадаги сарф-харажатлар ҳисоб-китоби асосида назорат қилинади. Жаҳон тажрибасида корхона бюджети кенг тарқалган. Менежмент соҳасидаги мутахассисларнинг фикрича:

«режалаштириш вазифасини ҳам амалга оширишга имкон берувчи бюджет-молиявий маблағлар юзасидан дастлабки назоратнинг энг муҳим воситаси ҳис қилинади. Ташкилотда нақд маблағлар зарур бўлиб қолганида, бундай маблағлар топилишига ишонч бера олишлиги туфайли бюджет дастлабки назоратнинг механизми сифатида кўрилади. Шунингдек, бюджетлар сарф-харажатларнинг энг юқори чегарасини белгилаб бе-

радилар ва шу орқали бутун ташкилот ёки бирор бир бўлимнинг ўз нақд маблағларини охиригача тугатиб қўйишига йўл қўймайдилар».

Америка ва Япон менежменти бюджетлар тўғрисида яхши фикрдадирлар. Европа давлатларининг менежерлари ҳам режалаштиришнинг ушбу воситасидан фойдаланадилар. Бюджет тузишнинг асосий маъноси қуйидагилардан иборат: корхонанинг ҳар бир бўлинмаси маблағ манбаларининг ҳажмини ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш ва мол сотувчи эҳтиёжлари билан солиштиради, ҳар бир бўлинманинг таклиф-мулоҳазалари юқоридаги бошқариш тузилмаси томонидан кўриб чиқилади, мувофиқлаштирилади ва умумий мақсад ҳамда имкониятларга мослаб тўғриланади.

Молиявий менежментнинг назорат вазифаси ўз ичига қуйидагиларни ҳам киритади:

— Маҳсулот ва хизматлар сотувидан олинган тушумнинг топширилиши устидан назорат;

— ўз-ўзини молиялаш, фойда келтириш, рентабеллик даражаси юзасидан назорат.

Японияда ги «Масусита» компаниясининг иш тажрибаси бу борада фойдалидир. Бу компанияда масъулият ва омилкорликнинг икки шакли, яъни фойдани тасарруф этиш ва жамғармаларни бошқариш ҳар бир филиал бошқарувчисига топширилган. Бошқарувчиларнинг энг асосий вазифалари эса дебиторлик қарзлар бўйича пул маблағларининг тез ва тўғри олиниши ҳамда кредиторлик қарзларнинг тўғри ва тез тўланишидан иборатдир.

Ички сармояни бошқариш тизими молияни бошқаришдаги энг муҳим нуқтадир. Ички сармоя — бизнесни юргизиш учун ҳар бир филиалга зарур бўлган пул маблағ жамғармалари ҳамда асосий айланма сармоянинг йиғиндисидир. Айланма сармояни баҳолашда «Масусита» компанияси режадаги топшириқлар, сотув ҳажми ва ишлаб чиқариш даражасига нисбатан жорий актив ва пассивларнинг ҳар бир моддаси бўйича филиаллар томонидан ҳақиқатда сарфланган миқдорларни солиштириш учун белгиланган меъёрлардан фойдаланади. Ички сармоя учун ҳақ тўлаш лозим бўлиб, бунинг учун марказий офисга тўланадиган қарз фоизи ўрнатилади. Бундан ташқари, марказий офиснинг сарф-харажатларини қоплаш

учун ҳар бир филиалдаги сотув ҳажмига нисбатан олинувчи қатъий қайд қилинган фоиз миқдори йўналтирилади. Ушбу миқдор тўлаб бўлинганидан кейинги соф фойда меъёр ҳам қатъий қайд қилинган фоиздан кам бўлмаслиги шарт, чунки шу орқали ишлаб чиқаришни молиявий маблағлар билан таъминлаш имконияти яратилади. Соф фойданинг тақсимланиши белгиланган мутаносибликкка асосан амалга оширилади. Солиқлар ва дивидендлар тўлови учун 60 фоиз, маблағ тўплаш жамғармасига 40 фоиз йўналтирилади. Маблағ тўплаш жамғармаси ҳисобига айланма сармоя ўсишининг молияланиши таъминланади. Жами ички сармоя учун ҳақ тўланади. Бу нафақат ўз ички сармояси етишмаслиги ҳолатида қўшимча сармоя жалб қилинишига, балки марказий офис ҳисобига қўшилаётган фоизга ҳақ тўлаш учун маблағ мавжуд бўлишига ҳам таалуқлидир.

Демак, марказий офиснинг молия хизмати филиалларга тижорат кредитларини беради. Мазкур тамойиллар асосида ташкил этилган молиявий назорат тизими беқиёс афзалликларга эгадир ва Ўзбекистон корхоналарининг иш тажрибасида муваффақиятли қўлланиши мумкин.

Корхонанинг ўзини ўзи молиялаш даражаси юзасидан назорат ички молиялаш манбалари, шу ҳисобда тақсимланмаган фойда, амортизация, заҳирадаги ва суғурта жамғармалар ҳамда акция ва облигациялар сотувидан олинган (эмиссион даромад): тижорат кредитлари ва банкдан қарзга олинган (мол етказиб бериш бўйича корхоналарнинг ўзаро қарзлар) маблағлар мутаносиблигини аниқлаш асосида амалга оширилади. Айланма сармоя ва қисқа муддатли мажбуриятларнинг мутаносиблиги бўйича ликвидлик назорат қилинади. Сотув ҳажми ҳамда асосий ва айланма сармоя йиғиндиси ёки балансдаги валютанинг мутаносиблиги бўйича сармоя айланувчи тезлиги назорат қилинади. Сотув ҳажми, ишлаб чиқариш ва муомала харажатлари; компания активлари, корхонанинг ўз сармоясига нисбатан бўлган мутаносибликлар бўйича фойда келтириш даражаси назорат қилинади. Ўзини ўзи молиялаш ва фойда келтириш даражалари ҳисобга олинган ҳолда молиявий таваккалчилик хавфи даражаси аниқланади.

Молиявий менежер фаолиятининг асосий тамойили — турли тадбиркорлик фаолият соҳалари учун бўнак тариқасида пул

маблағларининг берилишидан келиб чиқувчи таваккалчилик хавфини бартараф этиш имкониятини фойда олиш имконияти билан тенглаштиришдан иборатдир.

2.5. МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Молиявий менежмент бозор ислоҳотларида фаол ўринни эгаллайди. Бу ўринни аниқлаш учун молиявий менежментнинг асосий тамойилларини кўриб чиқамиз. Уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

— режа ва тизим асосида ишлаш;
— мақсад сари интилиш;
— диверсификация асосида ишлаш;
— *стратегик йўналишдан оғишмаслик.*

Молиявий менежер моддий, молиявий ва меҳнат манбаларининг мувозанатини таъминлаб, уларнинг режаланишини боғлайди. Мазкур мисолда молиявий режалаш ички доирага қаратилган бўлиб, унда давлат томонидан ташқи мувофиқлаштириш амали қўлланади. Режалаштириш юзасидан тўпланган тажрибалар яқин кунларгача бошқаришнинг юқори қаватларида амалга ошириб борилган. Мисол учун, корхоналарда мустақил молиявий режалар 1979- йилдан буёнгина тузила бошлаган, яъни тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи молиялаш амалиёти олгар сурилганидан сўнг. Бунгача молиявий режалар бошқариш тизимининг ўрта бўғин раҳбарлари ва мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Молиявий режалашнинг маъноси — бюджет фойдасига олиб қўйилиши лозим бўлган бўш пул маблағларни аён этишдан иборат бўлган. Маблағ етишмаслик ҳолларда корхоналарга бюджетдан маблағ ажратиб берилган. Катта миқдордаги молиявий маблағлар эгасизлантирилган ва марказлашган режага киритиб қўйилган тадбирларни молиялаш учун бюджет тизими орқали йўналтирилган.

Умумдавлат марказлашган пул маблағ жамғармаси ҳисобга нувчи бюджет даромадларининг шаклланишида ҳар бир алоҳида

корхонанинг иштирокини рад этиб бўлмайди. Давлат бюджетининг ҳолати — иқтисодиётнинг барқарорлиги ва ижтимоий тизимнинг мукаммаллигини намоён этувчи асосий кўрсаткичлардан биридир. Энг муҳим инвестиция дастурлари, экология ва мудофаа ишлари бюджетдан молияланади. Социалистик давлат бюджети ва бозор тизимига асосан хўжалик юритувчи давлат бюджети ўрталаридаги фарқ қуйидагилардан иборат: социалистик бюджет бу — жами халқ хўжалиги, яъни бир вақтда ҳам давлат, ҳам корхоналар бюджетидир: бозор туридаги иқтисодиётли давлат бюджети эса корхоналар бюджетидан ажратилгандир. Бундай ажралиш хусусийлаштириш жараёни доирасида мулкий мажмуа таркибига кирган корхоналар билан давлат бошқариш идоралари бажарадиган вазифаларнинг аниқ чегаралаб берилиши кузата бошланган охирги йилларда рўй бермоқда.

Хўжалик ҳисоби корхоналар иқтисодиётга катта ижобий таъсир кўрсатган. Аммо режалаш, бошқариш, рағбатлантириш тадбирларининг муфассал тартиб ва қоидалар доирасида амал қилиши хўжалик ҳисобининг имкониятларини чеклаб қўяди. Шу билан бир вақтда, корхоналар фаолиятини ҳамма томонлама марказлашган тарзда тартибга солиш ва социалистик хўжалик юритиш тизимидан ташқари ўринга эга бўлган хўжалик ҳисобининг мустақил аҳамиятини таъкидлаш зарур. Хўжалик ҳисобининг айрим унсурлари, хусусан: ўзининг харажатларини қоплаш ва ўзини ўзи молиялаш, рубл орқали назорат, моддий ва мулкий жавобгарлик, моддий манфаатдорликлар тадбиркорлик учун қулай ташқи муҳит яратиб берган бозор иқтисодиёти шароитида кенг ривож топган. Социалистик хўжалик юритиш тажрибаси хўжалик ҳисобининг тижорат корхоналар мавжуд бўлиши шароитида ривожланиши мумкин бўлган бошқариш шакллари ва услубларининг таъсирчан тизими эканлигини кўрсатди. Хўжалик ҳисоби нафақат давлат корхонасига, балки хусусий корхонага ҳам режалаш, бошқариш, рағбатлантиришларни ички доирада ташкил этиш учун зарурдир. Бу маънода хўжалик ҳисоби- корхоналарнинг фаолиятини тартибга солиш шакллари ва услубларининг универсал тизимидир.

Молиявий менежмент тамойилларининг амалга оширилиши-

да унинг маркетинг билан ўзаро таъсирлари катта аҳамият касб этади. Энг юқори фойда мақсадида мол ишлаб чиқариш ва уни сотишга қаратилган узоқ истиқболли фаолият ҳамда бозор хусусиятларининг ўрганилиши маркетинг соҳасини ташкил этади.

Маркетинг — маълум компаниянинг манфаатларини кўзлаб бозорни ўрганувчи ва ундан фойдаланувчи махсус фалсафа, фикрлаш ва ишлаш услубидир. *Маркетинг* бу маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишини бошқариш концепциясидир.

Маркетинг стратегик режалашга узлуксиз боғлиқдир. У ўз ичига қуйидагиларни олади: мол-маҳсулот сиёсати, янгиликлар киритиш сиёсати, нарх-наво сиёсати, реклама, дизайн, бозорни эгаллаш, хизмат кўрсатиш ва бошқалар.

Маркетинг менежментга таъсир кўрсатади, у билан яқиндан боғлиқ бўлиб ўзаро таъсир кўрсатади ва қўшилиб кетади. Булар ўртасидаги ўзаро алоқа тадбиркорликнинг муваффақиятини кафолатлайди.

Тадбиркор бир вақтнинг ўзидаёқ истеъмолчилар ва рақобатчиларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб боради. Тадбиркор фақатгина истеъмолчига қараб иш кўради деб айтиш нотўғридир. Тадбиркор учун истеъмолчига эга бўлиш муҳимдир, бироқ рақобатчиларнинг *стратегик йўл-йўриқларини*, тегишли мол-маҳсулот, хизматлар ва бозор ҳолатини ўрганмасдан унга эришиш мумкин эмас. Рақобатчилар сифатлироқ мол-маҳсулот билан истеъмолчини тортиб олиши мумкин. Айнан бир турдаги маҳсулотларнинг арзон нархи ҳам харидор учун маълум аҳамиятга эга. Лекин реклама ва дизайн бу ерда катта ўрин эгаллайди. Одатдагича, харидорлар арзон ва паст нав-ли эмас, балки яхши ишланган ва қиммат нархли моллари истайдилар. Аммо тадбиркорлар ҳар қандай шарт-шароитда ҳам, молиялаш стратегик ва тактикасини ишлаб чиқаришда ҳамда режаланган тадбирларни амалга оширишда тизим асосида ишлаш тамойилига риоя этишлари зарур. Молиявий менежментнинг навбатдаги тамойили бу — мақсад сари интилишдир. Тадбиркор доимо фаолияти йўналган ўз олдидаги ва фирма олдидаги мақсадлар сари интилади. Америка менежменти фирма мақсадларини амалга оширишда иштирок этувчи бир қатор анъанавий соҳаларни алоҳида ажратиб кўрсатади: рентабеллик,

меҳнат унумдорлиги, жамият олдидаги масъулият, янгиликларни тадбиқ этиш, бозорда ўрин эгаллаш, моддий ва молиявий манбалар, раҳбарлик ўрнатиш ва унинг маҳсулдорлиги.

Барча компанияларда умумий мақсадлар мавжуд бўлиб, аввалгамбор, бу мустаҳкам даромадлар, ишлаб чиқариш юксалиш маҳсулот сотиш бозори ва таъсир этиш доирасининг кенгайишидир. Рентабеллик ва меҳнат унумдорлиги компания сиёсатида етакчи ўринни эгаллайди. Асосий йўналиш шу соҳаларга қаратилгандир ва бу соҳалар назорат омили сифатида ҳам хизмат қилади.

Жамият олдидаги масъулият бу — ижтимоий сиёсат соҳаси, ижтимоий дастурлар.

Янгиликларни тадбиқ этиш ва бозорда ўрин эгаллаш соҳалари маҳсулот — бозор стратегиясининг хусусиятларини кўрсатади. Бу соҳалар фаолиятнинг жуда кенг доирасини қамраб олади ва компаниянинг келажаги, ривожланиш истиқболлари учун асосий аҳамиятга эгадир.

Моддий ва молиявий маблағ манбалари ҳамда раҳбарлик ўрнатиш ва унинг маҳсулдорлиги ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилмасини, фаолият турларини, сотув ҳажмларини аниқлаб беради.

Ушбу ажратиб кўрсатилган соҳаларнинг йиғиндиси компаниянинг маркетинг ва менежмент доирасидаги имкониятлари ҳақида тўла тасаввур беради.

Сармоя қуйилмаларини диверсификация қилиш тамойили молиявий менежментга катта таъсир кўрсатади. Бу тамойил икки жиҳатда намоён бўлади:

— пулларни ҳар хил қимматли қоғозлар, объектларга инвестициялаш;

— тадбиркорлик фаолиятининг ҳар хил турлари билан шуғулланувчи кўп ихтисосли корхоналарни барпо этиш.

Диверсификациялар тамойили маҳсулотларнинг турлича кўринишларда ишлаб чиқилишига олиб келади. Бунинг натижасида чегараларни янада кенгайтириш ва истеъмолчиларга мажмуавий хизмат кўрсатиш имкониятлари очилади.

Диверсификациялаш рентабелликнинг умумий ўсишини таъминлайди, бироқ айрим мол-маҳсулотларни келиб чиқариш суръ-

атлари ва шу мол-маҳсулотга бўлган талаблар пасайиб кетиши мумкин. Бу тамойил ўта ҳаракатчанликни ва бозорнинг ўрганилишини талаб этади, банкротлик хавфини камайтиради ва фирманинг рақобатбардошлигини оширади.

Диверсификациялаш амалиёти катта ҳажмдаги молиявий маблағларни банд қилади, бу эса молиявий менежментнинг алоҳида эътиборини талаб қилади.

Марказий (асосий) қоғозларга сармоя сарфланишини диверсификациялаш амалиёти энг кенг тарқалган амалиётдир. Бу амалиёт компания эгалигидаги қимматли қоғозлар тўпламини шакллантириш тадбири ёрдамида амалга оширилади. Қимматли қоғозлар тўпламига, одатда, қуйидагилар киради: биржа акциялари, депозитли банк сертификатлари, банк векселлари, давлат облигациялари, суғурта компаниялари ва инвестициялари ва инвестиция жамғармаларининг акциялари.

Шартнома шартларининг таъминотчилар томонидан бажарилмаслиги ҳолатлари ишлаб чиқариш диверсификациясига олиб келади. Вақтида етказиб берилмаган хом ашё ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолишига сабабчи бўлади. Бундай шароитда корхоналар бутловчи буюмларни мустақил ишлаб чиқаришга ҳаракат қиладилар, лекин уларнинг таннархи сотиб олинган буюмларга нисбатан юқори бўлади.

Режалаш, тизимлаш, диверсификациялаш тамойиллари бошқариш жараёнларининг компьютерлаштирилиши асосида амалга оширилади. Бунда, турли фаолият соҳаларидаги мутахассисларнинг касб билимлари шаклан акс эттирилади: мутахассислар жадалкор, тактик ва стратегик бошқариш жараёнларига фаол жалб қилинадилар: керакли маълумотлар автоматик тарзда изланади. Ишлаб чиқилган андозавий дастурлар тўплами дастурлар тилини билмаган кенг доирадаги мутахассисларга ҳам компьютер техникасидан фойдаланиш имкониятини беради.

Қуйидаги андозавий дастурлар кенг қўлланади: ишлаб чиқариш ривожланишининг мумкин бўлган кўринишлари ни ишлаб чиқиш ва илгаридан белгиланган кўрсаткичнинг энг маҳқул катталигини таъминлаб берувчи молиялаш манбасидан фойдаланиш дастурлари ҳамда қимматли қоғозларнинг электрон равишда қайд

қилинишини, акциядорлар ва ҳужжат муомаласи рўйхатларининг юритилишини таъминловчи депозитарийларни ташкил этиш дастури.

Ҳар бир андозавий дастур мавжуд шарт-шароитга мослаб ишлатилиши зарур. Танланган дастурлаш тилининг самарасини айнан шу масала белгилайди.

Диверсификация, таваккалчилик хавфи мавжуд бўлган тадбиркорлик, юқори рақобат шарт-шароитларидан ҳисоб-китобларнинг кўп кўринишларда амалга оширилиши катта аҳамият касб этади. Таваккалчилик хавфи мавжуд бўлган тадбиркорлик узоқ вақт давомида даромадларнинг турғун ўсишини таъминлайди. Бироқ мол-маҳсулот ўз истеъмолчисини топган ҳолатдагина бундай ўсиш рўй беради. Таваккалчилик хавфи мавжуд бўлган тадбиркорлик катта ҳажмдаги дастлабки сармоя сарфларини талаб этади ва асосий хавф ҳам шундан иборатдир. Маблағларнинг банд этилиши узоқ муддатларга чўзилиб кетиши ёки энг ёмони —қайтмаслиги мумкин. Агар фирма бундай ҳолат натижасида рўй бериши мумкин бўлган оқибатларни ҳисобга олиб зарарларни қоплашга тайёр бўлса, бу ҳолда натижа, яъни фойда анча катта бўлиши мумкин.

Хусусий корхоналарнинг ўз молиявий маблағлари ҳисобига хавфли ёки венчурли молиялаш амалиёти инфляциянинг юқорилиги сабабидан Ўзбекистонда етарлича ривож топмади. Бироқ хорижий инвесторлар айнан шу соҳага тегишли тадбиркорлик тарафдорларидирлар. Улар бундай тадбиркорлик натижасидаги имкониятларга ҳақиқий баҳо берадилар.

Бунга мисол қилиб Европа Тиклаш ва ривожлантириш Банкининг собиқ Совет Иттифоқи мамлакатларида олиб бораётган сиёсатини кўрсатиш мумкин. Бу сиёсатга кўра ҳудудий венчур жамғармалари барпо этилади ва улар корхона низомий сармоясида ўз улушига эга бўлишлари эвазига энг истиқболли изланишларнинг молияланишини таъминлайдилар. Венчур жамғармаларининг инвестицион жамғармалари 10 йилга мўлжалланган ва шу вақт ичида ишлаб чиқариш молияланиши амалга ошириб келинади. Венчур жамғармаларининг кўрадиган фойдаси қандай корхона ва инвестицион лойиҳалар танланганига боғлиқдир.

Тадбиркор инсонларгина таваккалчилик қила оладилар. Лекин кўп сонли таъсир этувчи омилларни ҳисобга оладиган мураккаб ҳисоб-китобларсиз, яъни тегишли ишланмалар, молиявий сарфларнинг энг маъқулини танлаш, пул сарфларини дисконтлаш асосида ишлаб чиқариш харажатлари ва чиқим қопланишини ўзаро қиёслашсиз тараққий этган молиявий менежмент мавжуд бўла олмайди.

Молиявий менежмент қуйидаги энг муҳим бошқариш тамойилларига асосланади:

— қабул қилинган қарорларнинг ижро этилишни назорат қилиш;

— ўтмиш тажрибасини ҳисобга олиш ва ундан келажакда тўғри фойдаланиш;

— хўжалик юритиш ташқи муҳитидаги ривожланиш ва рўй бериши мумкин бўлган ўзгариш йўналишларини ҳисобга олиш;

— стратегик мақсадлар ва истиқболни ҳисобга олиш;

— *қабул қилинаётган қарорлар ва амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ишончлилиги;*

— ташқи омиллар таъсири оқибатларини олдиндан билиб бўлмаслигини тан олиш.

Ушбу тамойиллар тадбиркор ва молиявий менежер фаолиятларининг кўлами ҳамда доирасига боғлиқ бўлишига қарамасдан кенг доирадаги мақсадлар мавжудлигини рад этмайди.

Ривожланиш стратегияси орқали мақсадга эришилади. Стратегик йўналишнинг вазифаси, аввалгамбор, кенг доирасидаги мақсадларга эга келувчи қарорлар қабул қилинишини рад этишдан иборатдир.

Стратегия фақатгина истиқболдаги режага асосланиши мумкин эмас. Молиявий стратегия моддий-техник ва пул маблағларини мутаносиб бошқарилиши имкониятини белгилайди.

Сўнгги йилларда муаммолар ечимига қаратилган бошқариш тамойиллари катта аҳамиятга эга бўлиб оммавий тус олмоқда. Бу тамойиллар мақсадли бошқариш стратегиясини ишлаб чиқариш, ривожланиш ва маблағ айланувчи муаммолари юзасидан энг маъқул ечимлар топилиши учун молиявий менежментнинг барча унсурларини барқарор мақсадли йўналтиришга имконият яратади.

Янги мол-маҳсулотларнинг ҳали тўлмаган бозорда пайдо бўлиши катта талаб уйғотади. Ишлаб чиқариш секин-аста кенгайиб боради ва бозор тўлади. Бундан ҳам сифатли шу турдаги мол-маҳсулотнинг пайдо бўлиши талабнинг камайишига олиб келади. Ишлаб чиқариш қисқартирилади. Энг кўп сарф-харажатлар мол ишлаб чиқариш ривожланишининг бошланғич ва якуний босқичларига тўғри келади. Бунга асосланиб, молиявий менежмент мол-маҳсулотга тегишли даврий хусусиятли бозордаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда жорий фойдани тартибга солади ва молиялашни таъминлайди.

Муаммолар ечимига қаратилган бошқариш тамойилларининг бири жумласидан олдини кўзлаб бошқариш амалиётини кўзлаб бошқариш амалиётини эътироф этиш зарур. Унинг вазифаси қуйидагилардан иборат: ишлаб чиқаришнинг кенгайиш чегаралари-ни аниқлаш, ривожланишнинг янги йўлларини тахминан белгилаш, қарор қабул қилиниши юзасидан бошқа тенг кучли йўлларни излаш, молиялашнинг янги йўналишларини танлаш.

Илгарини кўзлаб бошқаришдан келажакдаги фойда ва янгиликларни молиялашга афзаллик берилади. Бусиз бозордаги мустаҳкам ўринга ва тараққиётга эришиб бўлмайди. Янгиликларни молиялаш тадбирининг муқаррарлиги доим ҳам аён бўлавермайди, айниқса, бугунги кун нуқтаи назаридан қаралганида. Ушбу тадбир қўшимча сарф-харажатлар билан доимо боғлиқ бўлиб, натижаси анча вақтдан сўнг кўринади. Мазкур тадбирни жамланган молиявий маблағлар ёки жалб қилинган маблағларсиз амалга ошириб бўлмайди. Сармоянинг «еб тугатилиши» корхонани истиқболдан маҳрум қилади.

Жорий молиялаш билан сармоя тўплаш ўртасидаги нисбат молиявий менежментнинг энг муҳим палласидир. Истеъмол қилиш ва сармоя жамлаш учун фойданинг сарфланиши юзасидан марказлашган тарзда ўрнатилишидан воз кечиш натижасида корхоналар фойданинг қанчасини ишлаб чиқариш учун, ижтимоий ривожланиш ва меҳнатга ҳақ тўлаш учун йўналтирилишини мустақил хал қилиш имкониятига эга бўладилар. Бироқ, бошқаришда аниқ молиявий стратегиянинг йўқлиги ва бозор шароитларининг инобатга олинмаслиги кор-

хонанинг нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам қад ростлашига бермайди.

Бугунги кун шаклдан бир тартибга келтирилганидан сўнг келажакка назар ташлаш учун вақт ютилади, деб ҳисоблашади Америка менежерлари.

«Америкача бошқариш услуби, бу ҳозирги кундан келажак учун эмас, балки келажакдан ҳозирги кун учун фойдаланиш *демакдир. Бундан қуйидагилар келиб чиқади: ривожланиш* истиқболларини режалаш, режа-назорат ўрнига режа-тахмин, бирон бир ўзгаришларни олдиндан кўра билиш ва ўз вақтида зарур чоралар кўриш мақсадида бозорни яхшироқ тушуна билишга интилиш. Америкаликлар учун режалаш бу мақсадлар*нинг моддийлашувидир. Бунга қуйидагилар ёрдамида эришилади:* асосий вазифани топа билиш кўникмаси ва охир-оқибат бошқаришда муваффақиятларга эмас, балки бир жойда тўхтаб қолишга олиб келувчи ходимлар қўпимсизлигига қизиқмаслик. Муваффиқият эса мақсадга ва вазифаларга эришиш даражаси *орқали баҳоланади. Бунда қуйидагича фалсафа юритилади:* ходимнинг мақсадлари ташкилот мақсадлари билан бирлиги — энг яхши рағбатдир, ҳаттоки, рағбатлантириш ёки мукофотлаш, жазо кўришлардан ҳам яхшидир.»

II. Америка менежерларини мукофотлаш тизими узоқ муддатли мақсадларга *эришишликни ҳисобга олган ҳолда амал* қилади, шунинг учун молиявий менежер учун инвестициялар жалб қилиш ва уларни фойда билан жойлаштиришга қаратилган фаолиятни асосий ўринга қўяди.

Бу масала Ўзбекистон иқтисодиётидаги бозор ислоҳотлари*да молиявий менежментнинг ўрнини аниқлаш учун ҳам* муҳимдир ва учта асосий омиллардан ташкил топади деб ҳисоблаш мумкин:

— молиявий ҳолатни барқарорлаштириш;

— бозор ислоҳотларига мослашиш;

— *инвестицион фаолликни рағбатлантириш.*

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш, хорижий сармоялар ўз вазифасини бажариши учун қулай шарт-шароитларни яратишда айнан молиявий менежмент ҳал қилувчи ўрин эгаллаши керак.

Америкалик тадқиқотчи Жеймс хорижий инвестицияларни тўхтатиб турувчи тўсиқлар ичида сиёсий барқарорсизлик асосийси эмасдир, деб ҳисоблайди. Айниқса ҳозир, шахсий хорижий инвестициялар бўйича иш олиб борувчи корпорация (OPIC) Ўзбекистонга собиқ Иттифоқ мамлакатлари ва, хусусан, Россияга пул сарфлаётган Америка корпорацияларини сиёсий таваккалчилик хавфидан суғурталаётган бир пайтда.

«Америка компаниялари томонидан Россияга инвестициялар кам қилинаётганлигининг умумий сабаблари жуда чуқур ва кўп қирралидир. Лекин уларни содда қилиб қуйидагича тушунтириш мумкин: руслар америка сармоясини жалб қилиш учун нима қилиш зарурлигини тушунмайдилар, америкаликлар эса бугунги кунда Россияда мавжуд фойда олиш имкониятларини етарлича яхши тасаввур этмайдилар... жуда кам сонли русларгина сармоянинг қадрини ва америка компанияларининг инвестицияларидан текин даромад эмас, балки энг мувофиқ фойда олиш истакларини тушунадилар. Америка компанияларининг аксарияти ўзлари учун компанияни қаноатлантирувчи энг кичик фойданинг чегарасини белгиловчи «фойда олиш меъёрини ўрнатадилар. Кўпчилик компаниялар учун бундай меъёр АҚШ да қилинган инвестициялар бўйича 20 фоизни ташкил қилади (солиқлар тўлаб бўлинмаганидан кейин), Сармоя қуйилмаларига оид таваккалчилик хавфи АҚШдан кўра юқори бўлган мамлакатларга қилинган инвестициялар учун ушбу меъёр анча катта бўлади, айниқса бугун — инвестиция қилинган сармояга бўлган талабнинг юқорилигида».

Шундай қилиб, стратегик йўналиш тамойили корхона ва тижорат ташкилотларининг инвестицион фаоллигига нисбатан белгиловчи ўринга эга деб ҳисобланади ва молиявий менежментнинг вазифаси ушбу тамойилни амалга ошириш заруратидан иборатдир.

Молиявий менежер инвестициялар қилинган маълум объектлар бўйича сарфларининг нисбий қопланишини мунтазам назорат қилади, таваккалчилик хавфининг даражасини вақт нуқтаи назаридан баҳолайди.

ҚАЙТАРИШ УЧУН АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

Менеджмент вазифалари

Молиявий менежментнинг такрор ишлаб чиқариш вазифаси

Бўнак бериш

Инвестиция қилиш

Фойда келтириш

Ликвидлик

Ечимларнинг кўп турлилигипи

Жамғариш

Рағбатлаш

Молиявий менежментнинг тақсимлаш вазифаси

Ҳаракатларни қоллаш жамғармаси

Ижара муносабатлари

Молияланган ижара

-Амортизация ажратмалари

Янгиликлар тадбиқ қилиш

Венчур молиялаш

Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси

Ташкилий бошқариш тузилмаларининг янгиланиши.

Меҳнат унумдорлиги

Фойдада иштирок этиш

Умумий тақдир фалсафаси

Молиявий менежментнинг назорат вазифаси

Рубл орқали назорат

Бўлимларга ажратиб бошқариш тизими

Вазифага кўра бошқариш тизими

Корхона бюджети

Молиявий менежмент тамойиллари

Маркетинг

-Лизинг, хайринг, рейтинг

Компьютерлаштириш

Давлат бюджети

Диверсификация

Талаб ва таклиф.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ

1. Нима учун молиявий менежмент тамойиллари менежмент вазифалаларидан фарқ қилади?

2. Қандай молиявий амалиётларда пул маблағлари бўнак тариқасида берилади?

3. Пул маблағларини инвестиция қилиш дегани нима ва бўнак беришдан нима билан фарқ қилади?

4. Молиявий менежментнинг такрор ишлаб чиқариш вазифаси сармоя жамғаришни қандай рағбатлантиради?

5. Молиялаш жараёнини ташкил этишда молиявий менежментнинг тақсимлаш вазифаси қандай ўрин эгаллайди?

6. Ижара дегани нима ва унинг қандай шакллари ҳамда турлари мавжуд?

7. Амортизация дегани нима ва амортизация ажратмалари нимага боғлиқ?

8. Венчур молиялаш нима ва молиявий менежмент соҳасидаги ривожланишга қандай таъсир кўрсатади?

9. Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси қандай шаклланади? Нима учун меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларининг бир қисми таннарх ҳисобига, бир қисми эса, фойда ҳисобига қопланади?

10. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ташкил этилиши ҳамда тўловлар шакли ва шартлари қандай аҳамиятга эга?

11. Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимининг самарадорлиги қандай баҳоланади?

12. Нима учун молиявий менежмент тақсимлаш вазифасининг амалга оширилишида фойдани тақсимлаш жараёни якуниловчи деб ҳисобланади?

13. Қайси омиллар тизими таҳлил нуқтаи назаридан фойдани ўрганиш имкониятини беради?

14. Нима учун фойдани асослаб бериш муаммоси баҳслашувга сабабчи бўлади?

15. Рубл орқали назорат нимани билдиради?

16. Қисмларга ажратиб бошқариш тизими молиявий менежментга қандай таъсир кўрсатади?

17. Қисмларга айирган ҳолда бўлимларга ажратиб бошқариш тизими нима учун ҳозирги замон бошқариш услубларининг энг оммабопи бўлиб қолади?

18. Корхоналарда пул маблағ жамғармаларини шаклланти-

риш меъёрлари ва уларнинг мутаносиблиги қандай аҳамиятга эга?

19. «Корхона бюджети» нима ва у молиявий менежментда қандай қўлланади?

20. Молиявий менежментнинг асосий тамойиллари нимадан иборат ва улар жорий ҳамда стратегик мақсадларнинг амалга оширилишига қандай таъсир кўрсатади?

21. Молиявий менежмент ва маркетингнинг ўзаро таъсир нуқталарини кўрсатинг.

22. Сармоя қўйилмаларининг диверсификациялашуви нимада ифодаланади?

23. Бозор ислоҳотларида молиявий менежментнинг аҳамиятини тавсифлаб беринг.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУЛАРИ

1. Молиявий менежментнинг такрор ишлаб чиқариш вазифаси ва пул маблағларининг бўнак тариқасида берилиши ва инвестиция қилинишга қандай таъсир кўрсатади.

2. Молиявий менежментнинг тақсимлаш вазифаси ва унинг сармоя тузилмасига таъсири.

3. Пул маблағлари жамғармалари: таркиби, тузилмаси, шакллантириш омиллари.

4. Фойдани илмий текшириш тизимига ёндашув.

5. Рубл орқали назорат ва бўлимларга ажратиб бошқариш турли тизимларида унинг амалга оширилиши.

6. Молиявий менежмент тамойиллари.

ХУЛОСА

1. Молиявий менежмент учта асосий вазифани бажаради:

— Такрор ишлаб чиқариш.

— Тақсимлаш ва Назорат.

2. *Молиявий менежментнинг* ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВАЗИФАСИ оддий ва кенгайган такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги сармоя тўла айланувининг барча босқичларида *моддий ва молиявий маблағлар мувозанатини таъминлайди.*

3. Молиявий менежментнинг ТАҚСИМЛАШ ВАЗИФАСИ корхона пул жамғармаларини шакллантириш ва самарали сармоя тузилмасини сақлаб туришдан иборатдир.

4. Молиявий менежментнинг НАЗОРАТ ВАЗИФАСИ чинакам пул айланувини рубл орқали назорат қилишдан иборатдир, молиявий кўрсаткичлар ўзгариши ҳамда молиялаш стратегиясининг амалга оширилиши устидан назорат олиб бориш ҳам шу ҳисобга киради. Назорат вазифаси бўлимларга ажратилиб бошқаришнинг қўлланаётган тизимига, бошқаришнинг ташкилий турига боғлиқдир.

5. МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТ ТАМОЙИЛЛАРИ:

режа ва тизим асосида иллаш; мақсадга интилиш; диверсификацияланганлик; стратегик мақсад сари йўналиш. Молиявий менежмент вазифаларини энг самарали тарзда амалга ошириш учун ушбу тамойилларга риоя этиш зарур.

3. МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТНИ ТАШКИЛЛАШ

Бу бобда қуйидагилар кўриб чиқилади:

— *ҳозирги замон ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг умумий* тавсифи;

— турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларга тегишли мулкнинг ташкил топиш хусусиятлари;

— корхоналар ва тижорат ташкилотларида иштирок этиш шартлари ва мулкий ҳуқуқни расмийлаштириш тартиби;

— низомий сармояни шакллантириш усуллари;

— фойдани тақсимлаш турлари;

— тижорат ташкилот иштирокчиларининг жавобгарликлари;

— нотижорат ташкилотларининг фарқ қилувчи хусусиятлари;

— *молиявий-саноат гуруҳлар ташкил этиш истиқболлари.*

3.1. ТАШКИЛИЙ - ХУҚУҚИЙ ШАКЛЛАР: УМУМИЙ ТАВСИФ

Молиявий менежмент турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларга тегишли фарқ қилувчи хусусиятларга эга. Ў ёки бу ташкилий-ҳуқуқий шаклнинг танланиши ҳозирги вақтда корхоналар *учун жуда муҳимдир.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан янги Фуқаролик Кодексининг қабул қилиниши муносабати билан корхонларнинг таъсис ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритилиши зарур бўлиб қолди.

Сўнгги изшланишлар шуни кўрсатдики, корхоналар томонидан ўзлари учун танлаган шакл хусусиятларининг инобатга олинмаслиги мулкдор, бошқарувчи, ишчилар ўртасида можаро келиб чиқишига олиб келади. Корхонанинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган ташкилий-ҳуқуқий шакли қонунчилик ҳужжат талабларига тўла мувофиқ бўлиши шарт.

Шу жиҳатдан хўжалик ширкат ва жамиятларини, ишлаб чиқариш ширкатлари, давлат ва маҳаллий қўшма корхоналари ҳамда нотижорат ташкилотларни кўриб чиқайлик.

Хўжалик ширкатларига қуйидагилар киради: тўла ширкат; ишонч асосидаги ширкат ёки коммандит ширкати. Хўжалик жамиятлари ўз ичига акциядорлик жамиятларини ва масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятларни киритади. Бу икки шакл қатор умумий хусусиятларга эга. Буларнинг асосийси шундан иборатки, мазкур тижорат ташкилот низомий сармояларининг шаклланиши иштирокчи ва муассисларнинг бадаллари ҳисобига амалга оширилади, уларнинг ҳар бири эса ўз маълум улушига эга. Бироқ, иштирокчи ёки муассис томонидан низомий сармояга қўшилган мулк ҳамда фаолият жараёнида ишлаб чиқарилган ёхуд харид қилинган мулк эгалик қилиш ҳуқуқи асосида хўжалик ширкатларига ва жамиятларига қарашли бўлади.

Хўжалик ширкат ва жамиятларининг асосий фарқи иштирокчилар таркибидадир. Хўжалик ширкатларида якка тадбиркорлар ва тижорат ташкилотлари иштирок этишлари мумкин. Хўжалик жамиятларида эса фуқаролар ва юридик шахслар иштирок этадилар. Хўжалик жамияти низомий сармояни тўлиқ шакллаб берувчи ягона иштирокчидан ҳам иборат бўлиши мумкин.

Иштирокчи ёки муассислар томонидан хўжалик ширкат ва жамиятларини низомий сармоясига киритган бадаллар пул билан ёки натурал шаклда берилиши мумкин. Бадал тариқасида моддий ёки номоддий активлар, масалан, бино, жиҳозанжом, қимматли қоғозлар, валюта, мулкий ёки номулкий ҳуқуқлар берилганида, бундай активлар муассисларнинг келишувига кўра пул шаклида баҳоланади ва келгусида иштирокчининг низомий сармоядаги улушли ўзгартириши мумкин бўлган қайта баҳоланишига йўл қўйилмайди.

Муомалага акциялар чиқариш йўли орқали низомий сармояни шакллантириш фақатгина акциядорлик жамиятларига рухсат этилади.

Хўжалик ширкат ва жамиятларнинг иштирокчилари қатор умумий ҳуқуқларга эгадирлар, буларнинг ичида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш зарур:

— ишларни бошқаришда иштирок этиш (коммунал ширкат омонатчилари бундан истисно);

— таъсис ҳужжатларида белгиланган доирада ширкат фа-

олияти тўғрисида маълумот олиш, шу ҳисоблаш бухгалтерлик ва бошқа ҳисоботлар орқали;

— йил якунлари ёки бошқа даври бўйича фойда тақсимланишида иштирок этиш;

— тижорат ташкилоти тугатилган ҳолда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин, низомий сармояга қўшилган бадалга тенг қисмдаги мулкнинг олиниши.

Хўжалик ширкат ва жамият иштирокчилари ҳамда муассисларининг асосий вазифаси таъсис ҳужжатларида кўрсатилган услубда ва тартибда низомий сармояга бадалларнинг ўз вақтида ва тўлиқ берилишидан иборатдир. Ушбу вазифанинг бажарилмаслиги келишувнинг арзимас эканлигини билдиради ва фуқаро, юридик шахс, якка тадбиркорнинг хўжалик ширкат ва жамияти иштирокчиси ёки муассиси қаторидан чиқариб юборилишига олиб келади.

3.2. ТЎЛИҚ ШИРКАТ

Тўлиқ ширкатлар якка тадбиркор ва (ёки) тижорат ташкилоти ўртасидаги шартнома асосида амал қилади. Шартноманинг алоҳида хусусияти шундан иборатки, унда низомий сармояга қўшилган омонат миқдоридан қатъий назар, ширкат иштирокчиларига қарашли жами мулк билан мажбуриятлар бўйича умумий кафилликка асосланган жавобгарлик бериш тан олинади.

Умумий кафилликка асосланган жавобгарлик қуйидагини билдиради:

— кредитор мажбуриятларининг бажарилишини тўлиқ ширкат иштирокчиларининг барчасидан ёки алоҳида ҳар биридан талаб қилишга ҳақли. Бир қарздорнинг берган пули кредиторни тўла қониқтирмаган бўлса, кредитор пулнинг кам қисмини қолган умумий кафилликдаги қарздорлардан талаб қилишга ҳақлидир.

Тўлиқ ширкат ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши қуйида тасвир этилган.

Тижорат ташкилоти ёки тадбиркор фақат биргина тўлиқ ширкат иштирокчиси бўлиши мумкин ва умумий кафиллик

асосидаги жавобгарликда назарда тутилган мажбуриятлар-нинг амалга оширилиши учун бунинг катта аҳамияти бор.



Расм 3.1. Тўлиқ ширкат ташкил этишнинг чизма тасвири.

Тўлиқ ширкат иштирокчилари юридик шахс ҳуқуқини ва тўла мустақилликни сақлаб қоладилар. Бу ҳуқуқлар уларга амалга ошириш имкониятини беради, шу ҳисобда тўлиқ ширкат доирасидан ташқари чиқувчи турларини ҳам.

Тўлиқ ширкат ўз номига эга бўлиб, ушбу ном орқали тижорат ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шакли билинади. Ширкатнинг ўзига хос номи исмлардан ёки барча иштирокчилар ёҳуд бир иштирокчи номидан ташкил топиб, унга «компания» сўзи ёки шарт бўлган «тўлиқ ширкат» ёзуви қўшилади.

Тўлиқ ширкат таъсис ҳужжатларида низомий сармоянинг миқдори ва таркиби, иштирокчиларнинг ҳар бирига тегишли улуш миқдори ва уни ўлчаш тартиби, омонатлар миқдори таркиби, киритиш тартиби ва муддатлари батафсил кўрсатилади. Бундан ташқари, омонат киритишга оид мажбуриятларнинг бажарилмаслиги учун ҳар бир иштирокчининг жавобгарлик ўлчови белгиланади.

Тўлиқ ширкат қайд этилганлиги пайтида иштирокчилар таъсис шартномасида белгиланган омонат миқдорининг ярмидан кам бўлмаган қисмини киритишлари лозим. Омонатнинг қолган қисми шартномада белгиланган муддатларда киритилади. Киритилмаган омонат қисми учун шартномада кўрсатилган фоиз бўйича жарима тўланади. Жарима миқдори 10 фоиздан кам бўлмайди. Ширкатга келтирилган зарар ҳам иштирокчи томонидан қопланиши шарт.

Низомий сармоядаги улуш миқдори тўлиқ ширкат иштирокчисининг ҳуқуқларига унча катта таъсир кўрсатмайди. Одатда, низомий сармоядаги улуш миқдоридан қатъий назар, тўлиқ ширкатнинг ҳар бир иштирокчиси умумий мажлисда бир овозга эга бўлади, бу эса ҳар бир иштирокчининг кредиторлар олдидаги умумий кафилликларига боғлиқдир. Қолаверса, таъсис шартномада иш олиб борилиши айрим иштирокчиларга топширилгани ёки жами иштирокчилар биргаликда иш олиб боришлари кўрсатилмаган, ҳар бир иштирокчи ширкат номидан иш олиб боришга ҳақлидир. Биргаликда иш олиб бориш тушунчаси ҳар бир битим барча ширкат иштирокчиларининг розилиги билан амалга оширилишини билдиради. Агар иш олиб бориши бир ёки бир неча иштирокчиларга топширилган бўлса, қолган иштирокчилар ширкат номидан битим тузиш учун мазкур иштирокчиларнинг ишончномасига эга бўлишлари шарт.

Ширкатнинг хўжалик-молиявий фаолияти натижасида юзага келган фойда ва зарарлар, ширкат иштирокчилари ўртасида уларнинг киритган бадалларига мутаносиб тарзда тақсимланади.

Тўлиқ ширкат иштирокчиларининг муносабатлари ишончга асосланган бўлиб, шериклариниг умумий жавобгарлигини келтириб чиқаради.

Таъсис шартномасига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар

киритиш йўли орқали таъсис этилганидан сўнг тўлиқ ширкатга янги иштирокчилар қабул қилиниши мумкин. Бунда, янги иштирокчилар ширкатга кирган пайтдан бошлаб ширкат мажбуриятлари бўйича унинг муассислари билан тенг миқдорда ўз мулклари билан умумий кафиллик асосида жавобгар бўладилар.

Бундан ташқари, ширкат иштирокчиси тўлиқ ширкатдан чиқиб кетган ҳолар, ширкатдан чиқиб кетган йил бўйича ширкат фаолияти тўғрисидаги ҳисобот тасдиқланган кундан бошлаб икки йил мобайнида амалдаги қонунчиликка мувофиқ ушбу кўрсатиб ўтилган жавобгарлик сақланиб туради. Тўлиқ ширкат иштирокчиларининг жавобгарлигини ҳеч қандай тарзда чеклаб бўлмайди.

Иштирокчининг ширкатдан тўлиқ чиқиб кетиш оқибатларига алоҳида эътибор ажратиш лозим. Бундай хусусиятга тижорат ташкилотининг фақат шу турдаги ташкилий-ҳуқуқий шаклига хосдир. Иштирокчининг низомий сармоядаги улуши унинг чиқиб кетаётган ҳолда олиши лозим бўлган ширкат мулкидаги улушни кўрсатади. Қолаверса, томонларнинг келишувига кўра мулкнинг ушбу қисми пул ёки натура шаклида берилиши мумкин. Берилиши лозим бўлган тўлов миқдори иштирокчининг ширкатдан чиқиб кетиш санаси ёки охирги ҳисобот санасига кўра тузилган ҳисобот баланс маълумотлари бўйича аниқланади.

Бироқ, таъсис шартномасида иштирокчининг чиқиб кетишига боғлиқ бошқа оқибатлар ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, тўлов илгаридан белгилаб қўйилган нисбат, бўйича амалга оширилиши мумкин, асос тариқасида йиллик баланс қабул этилган бўлиши мумкин ва бошқа шарт-шароитлар.

Таъсис шартномаси қуйидаги қоидалардан иборат бўлиши мумкин:

бир ёки бир неча иштирокчилар чиқиб кетганларидан кейин ҳам ширкат ўз фаолиятини давом эттираверади: иштирокчининг чиқиб кетиши ширкат тугатилишини билдиради. Агар тўлиқ ширкатда битта иштирокчи қолса, бу ҳолда шу иштирокчи ширкатни акциядорлик жамиятга ёки масъулияти чекланган ёҳуд қўшимча масъулиятли жамиятга айлантириши шарт. Оилавий турдаги тижорат ташкилотларининг тўлиқ, ширкат шаклида ташкил этилиши кичик ва ўрта бизнесни амалга ошириш учун энг мақсадга мувофиқ шаклдир. Қўшма

дастурларни молиялаш мақсадида моддий меҳнат ва молиявий маблағларни бирлаштириш шакли сифатида тўлиқ ширактлардан фойдаланиш мумкин. Молиялашнинг ушбу усули жуда фойдалидир, чунки амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ имтиёзли солиққа тортилади.

Юридик шахсларнинг мулкини тўлиқ ширкат тузмасдан туриб қўшма фаолият ҳақидаги шартнома асосида ҳам бирлаштириш мумкин. Охирги пайтда шу турдаги шартномалар кенг тарқалмоқда. Қўшма фаолият ҳақидаги шартномага кўра мулк —шартномага мувофиқ умумий ишларнинг ўсиб бориши топширилган иштирокчининг алоҳида балансида қайд этилади. Тўлиқ ширкатлар ҳозирча унча кенг тарқалмаган ва бу, кўпроқ иқтисодий вазиятга боғлиқдир. Ушбу ташкилий-ҳуқуқий шаклнинг кенг тарқалиши шубҳасиздир, бироқ бунда ҳам равшан ва аниқроқ тарзда қонуний расмийлаштирилиши талаб этилади.

3.3. ИШОНЧ АСОСИДАГИ ШИРКАТ

Навбатдаги ташкилий-ҳуқуқий шакл бу — ишонч асосидаги ширкат ёки коммандит ширкат. Бундай ширкат якка тадбиркорлар ва (ёки) тижорат ташкилотлари ўртасида тузилган шартномага асосан ташкил этилади. Унга ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ва мажбуриятлар бўйича бутун мулки билан жавоб берувчи, тўлиқ шерик бўлган бир ёки бир неча иштирокчилар, шунингдек ширкатга берган пул миқдорлари чегарасида жавобгар бўлган коммандистлар ёки омонатчилар кириши мумкин. Ҳар бир юридик ва ёки жисмоний шахс омонатчи бўлиши мумкин.

Ишончга асосланган ширкат ташкил этилиши ва амал қилишининг чизмаси 3.2. расмда тасвирланган.

Ишончга асосланган ширкатнинг номидаги жами тўлиқ шерикларнинг исмлари ёки бир нечасидан бирининг исми кўрсатилади ҳамда «ва компания» сўзлари қўшилади, шунингдек «ишончга асосланган ширкат» ёки «коммандит ширкат» сўзлари кўрсатилиши шарт.

Коммандит ширкат мулки иштирокчиларнинг омонатлари, *олинган даромадлар ва бошқа манбалар хисобига шаклланади. Коммандит ширкат юридик шахс бўлиб, унинг иштирокчи-*

лари юридик шахс ҳуқуқларини ва мустақиллигини сақлаб қоладилар. Бу ширкат коммандистларнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Омонатчилар ўзлари қўшган пул миқдоридаги мутаносибликда фойда ва зарарларда иштирок этадилар. Улар ширкатни бошқаришда иштирок этмайдилар. Ишончга асосланган ширкатнинг фойдаси тадбиркорлик фаолият турига боғлиқ ҳолда солиққа тортилади. Ширкат иштирокчилари ўртасида тақсимланувчи фойда сотилмайдиган даромад таркибида ҳисобга олинади ва манба (коммандит ширкат) бошқа корхонадаги улушда иштирокдан олинадиган даромад учун белгилаб қўйилган миқдорда солиққа тортилади.



3.2. расм. Ишончга асосланган ширкатнинг тузилиши тасвири.

Якка тадбиркор ёки юридик шахс фақатгина битта ишонч асосидаги ширкат ёки тўлиқ ширкатда тўлиқ шерик бўлишлари мумкин. Амалдаги қонунчилик коммандит сифатидаги иштирокни чекламайди.

Ишонч асосидаги ширкат барча тўлиқ шериклар томонидан имзоланган таъсис шартномаси асосида амал қилади. Бундай шартноманинг алоҳида хусусиятлари қуйидаги маълумотлардан иборатдир: низомий сармоя таркиби ва миқдори; ҳар бир тўлиқ шерикларнинг низомий сармоядаги улуш миқдори ва улушни ўзгартириш тартиби; тўлиқ шериклар томонидан омонат пулларини киритиш тартиби, миқдори, таркиби ва муддатлари, омонат пулларини киритиш мажбуриятларининг бажарилмаслиги учун тўлиқ шерикларнинг жавобгарлиги; ишонч асосидаги ширкатнинг низомий сармоясига омонатчилар томонидан киритилган омонат пулларининг умумий миқдори.

Ширкатдан чиқиб кетишда тўлиқ шериклардан фарқли ўлароқ омонатчилар фақатгина ўзларининг низомий сармояга қўшган омонатларини оладилар, холос. Улар низомий сармоядаги улушга тенг мулк қисмини олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Лекин ширкат уларнинг низомий сармояга киритган омонатларини қайтариб бериши шарт ва хўжалик ширкатларининг хўжалик жамиятларидан фарқи ҳам шундадир. Коммандит иштирокчилар низомий сармоядаги ўз улушини ишонч асосидаги ширкат иштирокчиларининг розилигисиз ҳам бошқа шахсларга бериб юборишлари мумкин, фақат таъсис шартномасида бошқача этиб кўрсатилмаган бўлса.

Коммандит ширкат шахсларининг бирлашувидан молиявий маблағлар сармоялар бирлашувига ўтиш шаклидир.

3.4. МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ВА ҚЎШИМЧА МАСЪУЛИЯТЛИ ЖАМИЯТЛАР

Масъулияти чекланган жамиятлар тижорат ташкилотларининг энг кенг тарқалган ташкилий -ҳуқуқий шаклларидан бири бўлиб, юридик ва жисмоний шахслар биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун тузилган уюшмалардир. Молиявий менежмент учун ушбу ташкилий-ҳуқуқий

шаклнинг таъсис шартномасида ва низомида кўрсатиб ўтилган қуйидаги хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга:

— низомий сармоя миқдори;

— *ҳар бир иштирокчи улушнинг миқдори;*

— иштирокчилар томонидан омонат пулларини киритиш тартиби, миқдори, таркиби ва муддатлари;

— *омонат киритишга доир мажбуриятларнинг бажарилмаслиги учун иштирокчиларнинг жавобгарлиги.*

Масъулияти чекланган жамият иштирокчиларининг сони қонунда белгиланган *чегарадан* ортиқча бўлиши мумкин эмаслиги ҳозирги вақт қонунчилигида кўрсатиб ўтилган. Бироқ масъулияти чекланган жамият сон жиҳатдан белгиланган чегарадан ортиқ бўлмагунича *уни акциядорлик* жамиятига айлантириб бўлмайди.

Масъулияти чекланган жамият ташкил этилиши ва амал қилишининг чизма тасвири 2.3. *расмда кўрсатилган.*

Жамиятдан бир ёки бир неча иштирокчи чиқиб кетиши муносабати билан иштирокчилар улуши ва низомий сармоя ҳажмининг ўзгариш тартибини кўриб чиқайлик. *Иштирокчининг* улуши учинчи шахсга бериб юборилиши мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги жамият низомида кўрсатиб ўтилиши мумкин. Улушнинг учинчи шахсга бериб юборилиши мумкин бўлмаган *ҳолларда*, чиқиб кетаётган иштирокчининг улуши жамиятда қолаётган иштирокчилар ёки жамиятнинг ўзи томонидан сотиб олиниши зарур.

Чиқиб кетган иштирокчининг улушини сотиб олган жамият шу улушни бошқа иштирокчиларга ёки учинчи шахсларга, қонунда ва таъсис ҳужжатларида кўрсатилган муддатда сотиб юбориши ёки *низомий* сармоя ҳажмининг камайганлигини қайд қилдириши лозим.

Таъсис ҳужжатларида улушнинг учинчи шахсларга бериб юборилиши мумкинлиги кўрсатилган ҳолларда, чиқиб кетаётган иштирокчининг улуши тегишли ариза берилганидан кейин бир ой ичида;



3.3. расм. Масъулияти чекланган жамиятнинг ташкилий тузими.

жамиятнинг қолган иштирокчилари томонидан ўз улушларига мутаносиб миқдорларда имтиёзли равишда сотиб олиниши мумкин.

Бир ойдан кейин улуш учинчи шахсларга бериб юборилиши мумкин. Тегишли ўзгаришлар мажбурий тартибда таъсис ҳужжатларига киритилиши шарт.

Масъулияти чекланган жамиятнинг низомий сармоясида иштирок этиш улушлари томонларнинг, яъни жамият иштирокчиларининг келишувига кўра белгиланади. Киритилган омонатлар фақатгина гувоҳнома билан тасдиқланади. Бундай гувоҳномалар қимматли қоғоз деб ҳисоблакмайди ва гаров тариқасида хизмат қила олмайди. Жамият ҳисоботларини овоза қилишдан озод этилади, акциядорлик жамиятлари учун эса бу мажбурийдир (молиявий, хўжалик, тадбиркорлик фаолияти ҳақидаги). Ушбу фарқ ижобийлар қаторидан бўлса, қўшимча эмиссия ҳисобига тадбиркорликни молиялашдаги чекланган имкониятлар жуда катта камчиликдир.

Жамият иштирокчилари жамият ишини низомда белгиланган асосларда бошқарадилар. Бошқаришнинг олий органи

иштирокчилар умумий йиғилиши ҳисобланади. Йиғилиш мажлисларида қуйидаги масалалар ҳал этилади: низомнинг ва низомий сармоя ҳажмининг ўзгариши, жамиятга жорий раҳбарлик қилиш учун ижро органларининг шаклланиши, йиллик ҳисоботлар ва бухгалтерия балансларининг тасдиқланиши, фойда ва зарарларнинг тақсимланиши, жамиятнинг қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши, тафтиш гуруҳининг сайланиши.

Жамият иштирокчилари фойданинг бир қисмини низомий сармоядаги улушларига мутаносиб миқдорда фоиз кўринишида оладилар. Ишлаб топилган фойда иштирокчилар йиғилишининг қарорига кўра тақсимланмасдан қолдирилиши мумкин. Жорий йилдаги тақсимланмаган фойда ўтган йилларда-ги тақсимланмаган фойдага қўшиб қўйилади ва шу тариқа ўзўзини молиялаш негизи яратилади. Ушбу негиз қуйидаги жамғармаларга пул маблағларининг йўналтирилиши орқали ишлатилиши мумкин:

— низомий сармояга;

— заҳира сармоясига;

— ижтимоий жамғармаларга, шу жумладан истеъмол ва жамғариш, дивидендлар тўлаш жамғармаларига.

Агар ишлаб топилган фойда низомий сармояни кўпайтириш учун ва жамғариш жамғармасига йўналтирилмаган бўлиб иштирокчиларга дивиденд кўринишида тақсимланса ёки ишчиларга қўшимча ҳақ бериш учун ишлатилса, бундай тижорат ташкилоти яқин вақт ичида йўқ бўлиб кетади деб ишонч билан айтиш мумкин.

Қўшимча масъулиятли жамиятлар ҳам хўжалик жамиятлар қаторига киради. Бу жамият масъулияти чекланмаган жамиятдан шу билан фарқ қиладики, жамият мулки камлик қилган ҳолларда иштирокчилар жамият мажбуриятлари бўйича кредиторлар олдида ўзларининг мулки билан жавоб берадилар. Жавобгарлик ҳажми барча иштирокчилар учун низомий сармояга қўшилган омонатлар миқдорига нисбатан бир хил карра миқдорида белгиланади. Шундай қилиб, қўшимча масъулиятли жамият иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ўз мулки билан умумий субсидар жавобгарлик берадилар. Бу турдаги жавобгарлик тўлиқ ширкат ва коммандит ширкатларининг тўлиқ шериклари учун хосдир.

Қўшимча масъулиятли жамиятнинг ташкил этилиши ва амал қилиши чизмаси 3.4. расмда тасвирланган.

Бундай жавобгарлик кредит олиш учун имтиёзлар яратади, битим тузиш ва амалиётлар бажариш натижалари учун жамият иштирокчиларининг масъулиятини оширади. Фаолият кўламини кенгайтириш учун имконият яратади. Қўшимча масъулиятга боғлиқ бўлган барча масалалар ширкатнинг низомида ва таъсис шартномасида аниқ кўрсатилиши зарур.

Жамият албатта номланган бўлиши шарт ва «масъулияти чекланган жамият» ёки «қўшимча масъулиятли жамият» сўзлари қўшилиши лозим.



3.4. Қўшимча масъулиятли жамиятнинг ташкилий тузилиши.

3.5. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ

Очиқ ва ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлари тижорат ташкилотларига оид жами ташкилий-ҳуқуқий шаклларнинг энг мураккабидир. Одатда, акциядорлик жамиятлари кенг доирадаги юридик ва жисмоний шахсларни бирлаштирадилар. Акциядорлик жамиятларининг мулки очиқ ёки ёпиқ обуна шаклида акциялар сотуви натижасида кўрилган даромад ва бошқа манбалар ҳисобига шаклланади.

Очиқ ва ёпиқ акциядорлик жамият ташкил этилиши ва амал қилиши чизмалари 3.5 ва 3.6 расмларда келтирилган.



3.5 расм. Ёпиқ акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилиши.



3.6 расм. Очиқ акциядорлик жамиятнинг ташкилий тузилиши.

Акциядорлик жамиятларнинг низомий сармояси номинал қиймати бир хил бўлган акцияларнинг маълум сони кўринишида расмийлаштирилган бадаллар ҳисобига шаклланади. Айрим акциядорлик жамиятлари номинал қиймати ҳар хил бўлган оддий ва имтиёзли акциялар чиқарадилар. Шундай акциялар сифат жиҳатидан бири-биридан фарқ қилади, демаки, уларни сақловчи акциядорлар ҳам турлича ҳуқуқларга бўладилар.

Акциядорлар жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлик

бермайдилар ва жамият фаолияти натижасидаги зарар кўриш хавфини ўз эгалигидаги акцияларнинг тўланмаган қисми доирасида кўтарадилар. Акциядорлар акциялар учун тўлиқ ҳақ тўламаган ҳолатлардагина умумий кафиллик юзага келади ва акциялар қийматининг тўланмаган қисмига тааллуқли бўлади.

Очиқ ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари ўртасидаги фарқ, асосан, акциялар чиқариш ва уларнинг муомаласига боғлиқдир.

Очиқ акциядорлик жамияти — сармоя жалб қилиш, акциядорлар сонини кўпайтириш, очиқ обуна шаклидаги эмиссия миқдори ва ҳажми юзасидан чексиз имкониятларга эга. Очиқ акциядорлик жамияти таъсис этилиши пайтида ёпиқ обуна қилинади, кейинчалик очиқ обуна бўлади. Муассислар томонидан низомий сармоя ҳақи тўлиқ тўлаб бўлинмагунича акциядорлик жамият очиқ обуна ўтказиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Очиқ обуна мақсади — низомий сармояни кўпайтириш, молиявий имкониятларни кенгайтириш. Изланишлар шуни кўрсатадики, чекланган миқдорларда тез-тез обуна ўтказиш энг кўп фойда беради. Катта пулга қилинган обуна унинг муваффақият билан якунланишини кафолатламайди, реклама кампанияси учун катта маблағларни банд қилади, дивидендлар даражасини пасайтириб юборади.

Очиқ акциядорлик жамиятларининг акцияларига очиқ обуна акцияларни эркин сотиш орқали амалга оширилади, бу эса катта сарф-харажат ва юқори малакани талаб қилади.

Сармоя жалб қилиш юзасидан кенг имокниятларни ҳисобга олган ҳолда акциядорлик жамияти акциядорлар олдида маълум мажбуриятни бажаради, яъни фаолият натижалари ҳақида акциядорларни хабардор қилади. Шу мақсадда йириқ ҳисобот, бухгалтерия баланси: фойда ва зарарлар ҳисоб-варақаси ҳар йили эълон қилиниши шарт. Бироқ, акциядорларга бериладиган ахборот фақаттина ҳисобларнинг эълон қилиниши билан чекланмаслиги лозим. Бунда кўп нарса маълум акциядорнинг қўлидаги акциялар сонига ҳамда акциядорлик жамият низомининг жамият мажбуриятлари қисмида кўрсатиб ўтилган қоидаларга боғлиқ бўлади.

Ёпиқ акциядорлик жамияти — иштирокчилар таркиби, низомий сармоя ҳажмига нисбатан кам бўлиб, эмиссион жара-

ёпиқ ташкил этиш тартиби бўйича чекланган. Акцияларга обуна бўлиш — фақат ёпиқ, яъни илгаридан аниқлаб қўйилган чекланган доирадаги акциядорлар учун. Акциядорлар бошқа акциядорлар томонидан сотиб юборилаётган акцияларни имтиёзли тарзда сотиб олиш ҳуқуқига эгадирлар. Лекин сотув тартиби ва шарт-шароитлари ёпиқ акциядорлик жамиятининг низомида айтиб ўтилган бўлиши зарур.

Ёпиқ жамиятдаги акциядорлар таркиби қонунчилик томонидан сон жиҳати бўйича чекланиши мумкин. Акциядорлар чекланган сондан ортган ҳоларда жамият очиқ турга айлантирилиши лозим. Ушбу шарт давлат томонидан акциядорлар жамиятининг мажбуриятларини ва акциядорлар ҳуқуқларини аниқ қонун-қоидаларга бўйсундириш истагидан келиб чиқади.

Одатда, ёпиқ акциядорлик жамиятлари йиллик ҳисоботларни эълон қилишдан озод этиладилар, лекин кўпинча улар ўз ташаббусларига кўра йиллик ҳисоботларни эълон қиладилар. Бу эълонлар кенг доирадаги юридик ва жисмоний шахсларни жамият фаолияти билан таништириш ва янги шерикларни жалб қилиш мақсадида чоп этилади.

Акциядорлик жамиятини таъсис этишда, кўпинча, қўшма фаолият ҳақидаги шартнома қўлланилади. Унда қуйидагилар кўрсатилади: жамият ташкил этилишига оид бурч ва ҳуқуқларнинг тақсимланиши, низомий сармоя ҳажми, эмиссия учун таклиф этилувчи акциялар тоифаси ва уларнинг жойлаштирилиш тартиби, реклама кампаниясига доир тадбирлар ва бошқалар. Жамият рўйхатга олингунига қадар, муассислар мажбуриятлар бўйича умумий жавобгарлик берадилар, бундай жавобгарлик эса қўшма фаолият ҳақидаги шартномадан келиб чиқади. Рўйхатга олинганидан сўнг акциядорлар умумий мажлиси жамиятнинг муассислар олдидаги мажбуриятларини тан олиши мумкин.

Муассислар томонидан тасдиқланган, кейинчалик эса акциядорлар умумий мажлиси томонидан қайта кўриб чиқиладиган жамият низоми акциядорлик жамиятининг таъсис ҳужжати деб ҳисобланади.

Акциядорлик жамият низоми қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши шарт:

— низомий сармоя ҳажми;

— чиқарилаётган акциялар тоифаси, қиймати ва сони;

— акциядорларнинг ҳуқуқлари;

— жамиятни бошқариш органининг таркиби ва омилкорлик доираси ҳамда қарор қабул қилиш тартиби;

— жамиятнинг акциядорлар ва кредиторлар олдидаги мажбуриятлари.

Акциядорлик жамиятининг низомий сармояси, энг аввало, кредиторларнинг манфаатларини кафолатлайди, шунинг учун катталиги соф активлар ҳажмига мувофиқ бўлиши зарур. Агар йиллик баланс бўйича соф активлар қиймати жамият низомий сармоясидан кам бўлиб чиқса, уни камайтириш зарур ва унинг янги ҳажмини албатта молиявий идораларда рўйхатдан ўтказиш шарт. Низомий сармоянинг рухсат этилган энг кичик ҳажми қонунчиликда белгилаб берилган бўлиб, низомий сармояси шундан кам бўлган жамиятлар тугатилиши лозим. Бир шахс эгалик қилиши мумкин бўлган акциялар сони юзасидан барча чеклашлар низомда кўрсатилади. Умумий йиғилишдаги масалаларни ҳал қилишда бир акциядор эгалик қилиши мумкин бўлган овозлар сони энг муҳим аҳамиятга эгадир.

Акциядорлик жамиятининг сармояси фақатгина акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига асосан, қўшимча эмиссия ёки илгари чиқарилган акциялар номинал қийматининг кўпайтирилиши ёҳуд камайтирилиши орқали ўзгартирилиши мумкин.

Низомий сармоянинг навбатдаги кўпайтирилган, илгари амалга оширилган эмиссия ҳақи тўлиқ тўлаб бўлинганидан кейин ва акциядорларнинг жамият олдидаги қарздорликлари тугатилганидан сўнг руксат этилади. Молиявий йил якунлари бўйича зарар билан чиққан акциядорлик жамиятлари навбатдаги эмиссияни амалга ошириш йўли орқали низомий сармоясини кўпайтиришга ҳақли эмасдир.

Янги жалб қилинган молиявий маблағлар ҳисобига зарарларнинг қопланиши, даставвалдан, янги акциядорлар ўз дивидендларининг бир қисмини йўқотишларини билдиради. Акциядорлик жамиятлари ўзлари ликвидликни ва акцияларнинг доимий ўсиб борувчи нархини таъминлаганликлари, акцияларнинг эркин сотувини амалга оширганликлари шарт-шароитида «Х» соати, яъни банкрот бўлишликнинг энг хавфли юқори нуқтаси пайдо бўлади ва уни бартараф этиб бўлмайди.

Акциядорлик жамиятининг низомий сармояси оддий ва имтиёзли акцияларни муомалага чиқариш йўли орқали шаклланади. Ҳозирги вақтда имтиёзли акциялар улуши чекланган. Низомий сармоянинг умумий ҳажмида бундай акцияяларнинг миқдори 25 фоиздан ортмаслиги лозим. Бу акциялар овоз бериш ҳуқуқини бермайди, лекин дивиденд олишда ва жамият тугатилишида имтиёз яратади.

Молиявий маблағларни жалб қилишда низомий сармоядан ташқари, акциядорлик жамияти учун катта ташқи манба бўлиб облигация заёмларининг чиқарилиши муҳим ўрин эгаллайди.

Акциядорлик жамиятлари ўзларининг молиявий аҳволига қараб дивиденд эълон қиладилар ва тўлайдилар. Дивиденд тўловлари акциядорлар умумий йиғилишида ва акциялар тоифасига қараб акциядорларнинг дивиденд олиш ҳуқуқларини белгиловчи қоидаларга мувофиқ тарзда амалга оширилади. Дивиденд тўлаш шартлари акциялар муомалага чиқарилган пайтда ҳам тегишли эмиссия рўйхатларида кўрсатилиши мумкин. Бироқ шуни билиш зарурки, акциядорлар томонидан низомий сармоя ҳақи тўлиқ тўланмаган бўлганида, соф активлар қиймати низомий сармоядан кам бўлса ёки дивидендлар тўланганидан кейин кам бўлиб кетадиган бўлса дивиденд тўловлари қонуний асосда чегараланади.

Акциядорлик жамиятини бошқаришга доир қонуний асосда белгиланган тартиб акциядорларнинг ҳуқуқларини кафолатлайди. Бошқаришнинг олий органи —акциядорлар умумий мажлиси. Акциядорлар умумий мажлиси энг муҳим бўлган қатор қарорларни қабул қилиш махсус ҳуқуқига эгадир:

— низомга ўзгартиришлар киритиш;

— низомий сармоя ҳажмини ўзгартириш;

— директорлар кенгашини ёки кузатув кенгаши ва тафтиш гуруҳини сайлаш;

— бошқаришнинг ижроия органларини шакллантириш;

— йиллик ҳисобот, бухгалтерия баланси, фойда ва зарар ҳисоб варақаларини тасдиқлаш;

— фойдани тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби ва миқдорини белгилаш;

— жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш.

Акциядорлар сони 50 дан ортиқ бўлган акциядорлик жа-

миятлари учунгина директорлар кенгаши тузилиши шарт. Директорлар кенгаши низомда кўрсатилган, шу жумладан фақатгина ўзининг омилкорлик доирасидаги масалаларни ҳал қилиши мумкин.

Акциядорлик жамиятини бошқариш ижроия органлари, одатда, икки хил кўринишда тузилади:

— коллегия орган шаклида-дирекция ёки бошқарув;

— жорий масалалар бўйича шахсан ўзи қарор қабул қилувчи директор номидан.

Ижроия органи директорлар кенгашига ва акциядорлар умумий мажлисига хисобот беради. Ҳар бир тижорат ташкилоти ёки якка тадбиркор акциядорлар умумий мажлисининг қарорига кўра ва тегишли шартномага асосан акциядорлик жамиятини бошқариш ижроия органи вазифасини бажариши мумкин.

Очиқ акциядорлик жамияти йиллик ҳисоботларидаги маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлаш ва текшириш учун аудиторларни жалб этиши шарт. Очиқ ёки ёпиқ акциядорлик жамияти низомий сармоясининг умумий ҳажмда 10 фоизига эгалик қилувчи акциядорлар аудит текшириш ўтказилишини талаб этишлари мумкин.

Сўнгги даврда ўтказилган текширувлар шуни кўрсатдики, акциядорлик жамиятларининг аксарияти аниқ ташкил этилган депозитарийларга эга эмаслар, акциядорларни таништириш учун ва молиявий идораларга тақдим этилувчи ҳисобот бериш тартибига ва ҳужжат муомаласи тизимига риоя этмаётирлар. Бу муаммони фақатгина тегишли дастурий-технологик мажмуаларга асосланиб ва депозитарийларнинг акциядорлар олдидаги масъулиятларини ошириш ҳамда уларнинг фаолиятини мажбурий тарзда лицензиялашни тадбиқ этиш йўли орқали ечиш мумкин.

Акциядорлик жамиятининг нормал ишлаши учун акцияларни эркин «юритиш», ишлаб чиқилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигига ва корхона рентабеллигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган бозор курси бўйича акциялар сотувини ўтказиш имконияти катта аҳамият касб этади.

Ўтказилган текширишлар шуни кўрсатдики, қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасининг йўқлиги очиқ турдаги акциядорлик жамиятларининг нормал ишлашига катта тўсқинлик қилади, потенциал инвесторларнинг эҳтиёткорли-

гини туғдиради, акциядорлик сармоясининг ақлсиз сарфланишига олиб келади.

Акциядорлик жамияти ривожланиши юзасидан муаммонинг чими қимматли қоғозлар бозори инфратузилмаси қанчалик тез ташкил қилиниши, молиявий воситачилар, шу ҳисобда инвестицион жамғармалари, брокерлик идоралари ва фонд биржаларининг фаолияти қонун томонидан тартибга солинишига боғлиқдир. Қимматли қоғозлар бозори инфратузилмаси томонидан ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифалар ўз ичига қуйидагиларни киритади:

— қимматли қоғозларни тезкорлик билан қайд этиш;

— қимматли қоғозларнинг баҳоланишини таҳлил қилиш;

— сотиб юборилган ва сотувга қўйилган қимматли қоғозларга оид статистик маълумотларни қайд этиш;

— муомалага чиқарилган қимматли қоғозларга оид статистик маълумотларни қайд этиш;

— муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар юзасидан трансферт-агентлик хизмат кўрсатиш тизимини йўлга солиш;

— тижорат воситачиларининг фаолиятини ва тузилган битимлар натижасини назорат қилиш;

— қимматли қоғоз эгаларининг эмитентлар бўйича рўйхатини юритиш ва бошқалар.

Очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг устиворлиги қўшимча акцияларни, узоқ ва қисқа муддатда облигация заёмларини муомалага чиқариш йўли орқали молиявий манбаларни жалб этиш имкониятининг мавжудлигидадир. Инвестицион лойиҳанинг мазмунига қараб, эмитент маълум ликвидлик даражасига эга бўлган чиқарилаётган қимматли қоғозлар турини танлайди, бу эса потенциал инвесторлар учун қўшимча қулайликлар яратади.

Акциядорлик сармоясини бошқариш амалиёти молиявий менежер фаолиятининг кенг доирасини ташкил этади, шунинг учун бу муаммо кейинги бобларда кўриб чиқилади.

Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари эгалик қилишлари мумкин бўлган ўзларига қарашли хўжалик жамиятлари алоҳида кўрсатиб ўтилиши лозим. Бу жамиятлар асосий ёки оналик компанияларига маълум даражада боғлиқдир. Асосий компанияларнинг таъсири қуйидаги шарт-шароитларда юзага чиқади:

— бир жамиятнинг низомий сармоясида бошқа жамиятнинг устивор иштироки;

— жамиятлар ўртасида тегишли шартнома тузилганида;

— асосий компанияга қарашли бўлган жамият томонидан қабул қилинаётган қарорларга таъсир этувчи бошқа шароитларда. Асосий компанияга қарашли жамиятлар билан бир қаторда асосий компания таъсиридаги жамиятлар ҳам қонун томонидан қоидага келтирилади. Шу билан бир вақтда, хўжалик ширкатлари ўзаро таъсир остида ва устиворлик билан боғланишлари мумкин эмас.

Устивор жамият таъсири остидаги акциядорлик жамиятида овоз беркш ҳуқуқига эга бўлган акцияларнинг 20 фоизидан ортиғига ва масъулияти чекланган таъсир остидаги жамият низомий сармоясининг 20 фоизидан ортиғига эга бўлган ҳолларда жамиятнинг таъсир остидалиги тан олинади. Бир жамият бошқа бир акциядорлик ёки масъулияти чекланган жамиятга нисбатан устивор бўлиб қолганлиги тўғрисидаги ахборот оммага эълон қилиниши шарт. Бир тарафдан, асосий жамиятлар ёки ширкатлар ҳамда устивор жамиятлар, иккинчи тарафдан, асосий компанияларга қарашли таъсир остидаги жамиятларнинг амал қилиши холдинг компанияларини тузиш имкониятининг мавжудлигидан далолат беради. Бундай жараён иқтисодиётнинг қатор жабҳаларида, масалан, машина ясаш, нефтни қайта ишлаш, кимё ва қурилиш саноатларида кузатилади.

3.6 ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ШИРКАТЛАРИ

Ҳозирги даврда ишлаб чиқариш ширкатлари муваффақият билан амал қилиб келмоқда. Уларнинг кўпчилиги ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклини амалдаги қонунчиликка мос келтирганлар, яъни хўжалик ширкатлари ва жамиятларига айлантирилган. Ишлаб чиқариш ширкатини ташкил этиш ва уннинг амал қилиш чизма тасвири 37. расмда келтирилган.



3.7. Ишлаб чиқариш ширкатининг ташкилий тузилиши.

Ишлаб чиқариш ширкати— мулкий пайчилик бадалларини бирлаштириш ҳамда ширкат аъзоларининг меҳнатдаги шахсий иштироки орқали тадбиркорлик фаолиятини биргаликда олиб бориш мақсадида фуқароларнинг аъзолик асосларидаги ихтиёрий уюшмаси.

Ширкат аъзолари ширкат мажбуриятлари бўйича умумий, камлик қилган ҳолларда эса ўз мулки билан берадилар. Ишлаб чиқариш ширкатларининг мулки ширкат аъзоларининг пайчилик бадаллари, олинган даромад ва бошқа манбалар ҳисобига шаклланади. Ўз низомида кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш учун ширкат, ҳар бир тижорат ташкилоти каби, юридик шахсларни жалб қилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш ширкатлари қуйидаги жабҳаларда самарали иш олиб боришлари мумкин:

— ишлаб чиқариш фаолияти, қайта ишлаб чиқариш, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа хилдаги маҳсулот сотуви, турли хилдаги ишларни бажариш, савдо, маиший хизмат, жисмоний ва юридик шахсларга турли хизматлар кўрсатиш.

Низом ишлаб чиқариш ширкатининг таъсис ҳужжатидир. Фақат ушбу ташкилий-ҳуқуқий шакл учун хос бўлган қуйидаги маълумотлар низомда кўрсатилади:

— ширкат аъзоларининг пайчилик бадал миқдори;

— пайчилик бадал киритиш тартиби ва шартларининг бузилиши учун ширкат аъзоларининг жавобгарлиги;

— ширкат аъзоларининг ширкат фаолиятида ўз меҳнатлари билан иштирок этиш тартиби ва хусусиятлари: ;

— шахсий меҳнати билан иштирок этиш юзасидан мажбуриятларга риоя этилмагани учун ширкат аъзоларининг жавобгарлиги;

— фойда ва зарарларни тақсимлаш тартиби;

— ширкатни бошқариш органларининг таркиби ва омилкорлик доираси, қарор қабул қилиш тартиби;

— ширкатнинг қарзлари бўйича аъзоларнинг субсидар жавобгарлиги шартлари ва миқдорлари;

Ширкат эгалигидаги мулкни аъзоларга тегишли пайларга бўлиш тартиби низомда белгиланади. Рўйхатга олиниш пайтига келиб, ширкат аъзолари пайчилик бадалининг 10 фоизидан кам бўлмаган қисмини киритишлари шарт, қолган қисми эса рўйхатга олинган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида киритилади. Ишлаб чиқариш ширкатига тегишли низомий сармоянинг ҳажми молиявий идораларда рўйхатга қўйилиши шарт эмас, шунинг учун уни молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ва мулкий пайчилик бадал ҳажмига мувофиқ ўзгартириш имконияти яратилади.

Фойдани тақсимлаш тартиби ширкатда махсус трзда белгиланади. Фойдани тақсимлаш ширкат аъзоларининг ширкат фаолиятида ўз меҳнатлари билан иштирок этишларига боғлиқлиги қонунчилик томонидан белгиланган. Бироқ низомда бошқача тартиб белгиланиши мумкин. Шунингдек, низомда ширкат тугатилиши ҳолатида мулкнинг тақсимланиши тартиби ҳам белгиланади ва бу тартиб фойдани тақсимлаш тартиби билан бир хил бўлиши мумкин.

Мулкнинг бир қисми бўлинмас жамғармага киритилиши мумкин. Бу маблағлар низомий фаолият мақсадларига йўналтирилади. Бўлинмас жамғарма маблағлари ширкат аъзолари ўртасида тақсимлаб берилиши мумкин эмас. Бундай жамғармани низомда кўрсатилган ҳажмда ва ундаги шартлар бўйича тузиш мумкин. Бу хусусда низомда ҳеч нарса айтилмаган бўлса, бўлинмас жамғарма ширкат аъзоларининг бир овоздан қабул қилган қарорлари асосида тузилади.

Ишлаб чиқариш ширкатининг бошқарилиши алоҳида хусусиятларга эгадир. Бошқариш олий органи — ширкат аъзоларининг умумий мажлиси. Ширкат аъзоларининг сони 50 дан ортиқ бўлганида кузатув кенгашини тузиш мумкин. Бу кенгаш ижроия органларининг фаолияти устидан назорат олиб бориш вазифасини бажаради.

Ширкатнинг ижроия органи — бошқарув ва унинг раиси-дир. Бошқарув ва раис кузатув кенгаши ҳамда умумий мажлисга ҳисобот берадилар, ширкат фаолиятининг жорий бошқарилишини амалга оширадилар.

Бироқ махсус хусусиятлар шундан иборатки, кузатув кенгаши ва бошқарувга фақат ширкат аъзолари кириши мумкин. Ширкат низомида бошқариш органларининг омилкорлик даражаси белгиланади.

Қуйидаги масалалар фақат умумий мажлис омилкорлик доирасига киради:

— ширкат низомини ўзгартириш;

— кузатув кенгашини тузиш ва кенгаш аъзоларининг ваколатини тугатиш;

— ижроия органларини тузиш ва уларнинг ваколатини тугатиш;

— ширкат аъзоларини қабул қилиш ва аъзоликдан чиқариш;

— йиллик ҳисобот, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарларни тақсимлаш тартибини тасдиқлаш;

— ширкатни қайта ташкил этиш ва тугатиш ҳақидаги қарорларни қабул қилиш.

Қонун томонидан белгиланган тартибга мувофиқ пайчилик бадал миқдори ва ширкат мулкининг пайларга бўлинганидан қатъий назар ширкатнинг ҳар бир аъзоси умумий мажлисида қарор қабул қилишда бир овозга эга бўлади. Бу тамойилга

амал қилиш ширкатга аъзо бўлиш ва ўз меҳнати билан иштирок этишнинг бир-биридан ажралмаслигига боғлиқдир.

Амалдаги қонунчилик ишлаб чиқариш ширкатида энг оз ишчилар сони 5 кишидан кам бўлмаслигини талаб қилади.

Аъзоликнинг тугатилиши ва пайнинг янги аъзоларга ўтиши учун махсус тартиб ўрнатилади. Ширкатдан чиқиб кетишда ширкатнинг ҳар бир аъзоси пай қиматини ҳам низомда кўрсатилиши мумкин бўлган бошқа тўловларни олиши лозим. Қонунчилик томонидан белгиланган тартибга мувофиқ пай қиймати ёки берилиши лозим бўлган мулк молиявий йил якунланганидан сўнг ва ширкат баланси умумий мажлисда тасдиқланганидан кейин берилади. Шу орқали пай қиймати аниқроқ белгиланади.

Умумий мажлис қарорига биноан аъзони ширкатдан чиқариб юбориш ҳам мумкин. Бунинг учун жуда жиддий асос бўлиши лозим, масалан, низомга биноан юклатилган вазифаларнинг бажарилмаслиги ёки тегишли тарзда бажарилмаслиги, кузатув кенгаши ёки ижроия органи аъзосини эса шу турдаги бошқа ширкатда иштирок этганлиги учун. Аъзонинг ширкатдан чиқариб юборилиши пай қийматининг тўланишидан ва барча шарт-шароитларда тўланиши лозим бўлиб низомда кўрсатиб ўтилган бошқа тўловлардан маҳрум бўлишни билдирмайди. Аъзолари олдида ширкатнинг мулкий жавобгарлиги қонун томонидан ҳимоя қилинади.

Пай, биринчи навбатда, ширкатнинг бир аъзосидан бошқа аъзосига ўтиши мумкинлигини ҳисобга олиш зарур. Пайни сотиб олиш имтиёзли ҳуқуқи ширкат аъзоларига берилади. Пай, ширкат аъзоси бўлмаган шахсга ҳам берилиши мумкин, фақат бунинг учун ширкат розилиги ва фуқаро ширкатга аъзо қилиб қабул қилинганлиги ҳақида умумий мажлис қарори бўлиши зарур.

Ширкат аъзосининг шахсий қарзларини қоплаш учун бошқа мулкнинг етишмаган ҳолларда унинг пайига нисбатан ундириш чораларини қўллаш мумкин. Ширкатнинг бўлинмас жамғармасига топширилган пай қисмига нисбатан ундириш чоралари қўлланилмайди.

Ширкатнинг номида «ишлаб чиқариш ширкат» ёки «артель» сўзлари албатта мавжуд бўлиши шарт. Зеро, артель ўз аъзоларининг мавқеи бўйича ишлаб чиқариш ширкатига тенгдир.

Ширкатнинг қайта ташкилланиши ёки тугатилиши умумий мажлис қарорига кўра ва бошқа қонуний асосларда амалга оширилдиган суд қарори ва шу кабилар. Кредиторлар олдидаги мажбуриятлар бажарилганидан сўнг мулк, шу ҳисобда бўлинмас жамғармалар ширкат аъзолари ўртасида, пай қийматига мутаносиб тарзда тақсимланади.

3.7 ДАВЛАТ ВА МУНИЦИПАЛ ҚЎШМА КОРХОНАЛАР

Янги қонунчиликда қўшма корхонанинг тижорат ташкилоти сифатида амал қилиш имконияти кўзда тутилган. Бирикктирилган мулкка эгалик қилиш ҳуқуқининг йўқлиги қўшма корхонани бошқалардан ажратиб туради. Бундай корхонанинг мулки бўлинмас ҳисобланиб, ишчиларнинг улушли иштирок этиши ва омонатларга тақсимланмайди.

Давлат ва муниципал қўшма корхонанинг ташкил этилиши ва амал қилиши чизмаси 3.8 расмда тасвирланган.



3.8 расм. Қўшма корхонанинг ташкилий тузилиши тасвири.

Низом — қўшма корхонанинг таъсис ҳужжатидир. Унда фақат шу корхона учун хос бўлган қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

— фаолият мазмуни ва мақсади;

— низомий сармоя ва бошқа пул жамғармаларининг ҳажми:

— жамғармаларни шакллантириш тартиби ва манбаалари.

Фақат давлат ва муниципал корхоналаригина қўшма бўлиши мумкин. Зеро улардаги мулк давлатга ёки муниципал идорага қарашлидир. Қўшма корхона хўжалик юритиш ёки амалий бошқариш ҳуқуқи асосида мулкка эгалик қилиши мумкин.

Қўшма корхонани мулкдор томонидан тайинланган раҳбар ёки бошқариш ваколати берилган ва мулкдорга ҳисобдор орган бошқаради. Қўшма корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли жами мулк билан жавоб беради ва шу мулк эгаси ҳисобланган мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Давлат ёки муниципал хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида қўшма корхона тузиш тўғрисидаги қарор, тегишли ўринларда, ваколатли давлат органи ёки маҳаллий бошқариш органи томонидан қабул қилинади ва шу органлар қўшма корхонанинг низомини тасдиқлайдилар ҳамда низомий ва заҳира жамғармаларининг ҳажмини белгилайдилар.

Қўшма корхона рўйхатга олинган пайтидаги низомий сармоя тўла ҳажмда мулкдор томонидан тўланган бўлиши шарт. Низомий сармоя миқдорининг соф активлар ҳажмига мувофиқ бўлиши учун корхона мулкдор ва кредиторлар олдида жавоб беради. Соф активлар ҳажми низомий сармоя миқдоридан кам бўлиб кетганлиги . расмда келтирилган.

Мамлакатга қарашли корхонанинг молиявий менежери мулкдорнинг розилигисиз мулкдан ўз ихтиёрига кўра фойдалана олмайди. Мулкдор, бундай корхонага мулк олиш учун молиявий маблағлар ажратиб бериши мумкин ва ушбу мулк келгусида ҳам мулкдорнинг розилигисиз бегона қилина олмайди.

Ҳолатида низомий сармоянинг бўлажак қисқариши ҳақида кредиторлар хабардор қилинади ва шу муносабат билан кредиторлар мажбуриятларнинг муддатидан олдин бажарилишини ҳамда зарарларнинг қопланишини ёки фаолиятининг тўхтатиб қўйилишини талаб этишлари мумкин.

Қўшма корхоналар ўзига қарашли корхоналарни таъсис этишга ҳақлидирлар. Қўшма корхонага қарашли корхонанинг ҳуқуқий мавқеи асосий компанияга қарашли хўжалик жамиятининг мавқеидан фарқ қилади. Қўшма корхонага қарашли корхона юридик шахс бўлиб, қўшма корхона муассис томонидан хўжалик юритиш учун унга топширилган мулкни тасарруф этади. Қўшма корхонага қарашли корхонанинг низоми, муассис томонидан тасдиқланади. Шунингдек, муассис раҳбарни тайинлайди ва унинг ваколатларини белгилайди.

Амалий бошқариш ҳуқуқи асосида ташкил этилган қўшма корхона мамлакатга қарашли корхона ҳисобланади. Бундай корхона Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан, Республика эгалигидаги мулк негизида ташкил этилади.

Мамлакатга қарашли корхонанинг ташкил этилиши ва амал қилинишининг чизма тасвири

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати

Низом

Амалий бошқариш ҳуқуқи асосидаги қўшма корхона мамлакатга қарашли корхона

Мулк. Республика эгалигидаги мулк

Тадбиркорлик фаолияти

3.9 расм. Мамлакатга қарашли корхонанинг ташкилий тузилиши тасвири.

Мулкдор томонидан бирон-бир, масалан, давлат буюртмасини ёки шартнома мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган чеклаш ўрнатилмаган ҳолларда мамлакатга қарашли корхона ишлаб чиқарган маҳсулотини мустақил сотиб юбориши мумкин.

3.8. ЗАМОНОНАВИЙ ТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИГА ЎТМИШДОШ БЎЛГАН КОРХОНАЛАР

Ижарага олиш ва меҳнат жамоаси томонидан мулкни сотиб олиш асосларида ташкил этилган, яъни ижара корхонаси сингари ташкилий - ҳуқуқий шакл яқин ўтмишда мавжуд бўлганлигини эслайлик. Тадбиркорлик фаолияти ижара корхонаси томонидан ижарага олинган мулкий мажмуа негизида амалга оширилган. Ижарага берувчи томонидан ижарачига мустақил тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ижара шартномасига асосан маълум муддатга ва қайтариш шарти билан берилган ҳамда кейинчалик сотиб олиш имконияти мавжуд бўлган мулкка эгалик қилиш ва фойдаланишга мулк ижараси деб айтилади.

Ижара корхоналарининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Ижара ҳақида»ги Қонуни ва қатор бошқа қужжатлари томонидан тартибга солинади.

Ижара — тадбиркорлик фаолиятини юритиш шакли сифатида юридик шахс ҳисобланган корхоналарда ва уларнинг таркибий бўлинмаларида қўлланган. Таркибий бирликлар ва бўлинмалар ижара корхоналарига айлантирилганидан сўнг улар юридик шахс ҳуқуқига эга бўлдилар. Хусусийлаштириш жараёни давомида, ижарага олинган мулк сотиб олинаётган вақтида ушбу тажриба кенг ривож топган ва имтиёзлар орқали рағбатлантирилган.

Ижара корхоналари ўз таркибий бирликлари ва бўлинмалари учун ижара шартномаларида қўшимча шартлар белгилаганлар, хусусан:

— фаолият мазмунини ва ихтисосни сақлаб қолиш;

— мол-маҳсулотни фақат маълум истеъмолчиларга маълум вақт давомида сотиш;

— ижара ҳақини тўлиқ ёки қисман ишлаб чиқилган маҳсулот билан бериш.

Одатда бу шарт-шароитлар ишлаб чиқариш жараёнининг яхлитлигидан келиб чиқади ва таркибий бирликлар ҳамда бўлинмалар мустақил ижара корхоналарига айлантирилган ҳолларда ҳам уларга риоя қилиниши талаб этилади.

Корхона томонидан мулкни сотиб олиш тартиби назарда тутилган ижара шартномасининг мазмунига боғлиқ қилиб қўйилган. Юридик жиҳатдан саводли тузилган шартномалар мулкни шартномада кўрсатилган муддатларда, ҳажмларда, сотиб олиш тўловларини киритиш тартиби ва шартларига мувофиқ тарзда сотиб олишга имкон берди. Ушбу бандларнинг бирори бир шартномада аниқ қилиб кўрсатилмаган ҳоллар ижарачи ва Давлат мулк қумитаси ўртасида қўшимча келишув тузилиши талаб этилган.

Сотиб олиш ҳуқуқи мавжуд бўлган ижара шартномаси тузилганида сотувчи ва харидорнинг қўшимча шартлари лицензияда қайд қилинган. Сотувчикинг қўшимча шартлари қуйидагилардан иборат бўлади:

— сотиб олинаётган мулк ҳақини ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган хизмат кўрнишида тўлаш;

— маҳсулотнинг бир қисмини сотувчи томонидан кўрсатилган истеъмолчиларга сотиш;

— корхонанинг ихтисосини, маҳсулотнинг турлари ва хилларини ўзгартирмаслик.

Харидор ёки ижарачининг қўшимча шартлари қуйидагилардан иборат бўлган:

— моддий-техник таъминотни ўзгартирмаслик;

— техник ва ижтимоий ривожланишга, ташқи иқтисодий фаолиятнинг амалга оширилишига кўмаклашиш;

— илмий-техник ва технологик ишланмаларни олиб бориш.

Томонлар юқорида кўрсатиб ўтилган қўшимча шартларни қабул этишлари мақсадга муваффиқ бўлган ва ишлаб чиқариш жараёни яхлитлигини сақлаб келиш, томонларнинг манфаатларини кўзлаш, ишлаб чиқаришни зарур маблағ манбалари билан таъминлашга қаратилган.

Ижара корхоналарининг аксарияти ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра масъулиятли ширкат ёки ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятларидир.

Ижара ҳақи ижара шартномасидаги марказий ўринлардан бирини эгаллаган. Ижара ҳақи умумий миқёсда жами ижарадаги мулк учун ёки ҳар бир объект бўйича алоҳида белгиланган. Унинг миқдори ижарадаги мулк ҳолатига ва мулкнинг

қанчалик самарали ишлатилишига боғлиқ бўлган. Одатда, ижара ҳақи учта унсурдан иборат бўлган:

— фойдадан тўланадиган ижара фонди;

— капитал қўйилмалар учун бериладиган амортизация ажратмалари;

— таъмирлаш жамғармаси.

Фойда ҳисобига киритилувчи ижара ҳақи ижара шартномасида қуйидаги кўринишларда белгиланган:

— Ҳар йили тўланадиган кафолатли абсолют миқдор;

— йиллар бўйича ҳақиқатда мавжуд бўлганлигидан келиб чиққан ҳолда, ижарага олинган ишлаб чиқариш жамғармаларининг қийматига нисбатан олинадиган фоизи;

— ижарадаги мулкнинг ишлатилиши натижасида олинган фойдадан тўланадиган улуш ёки абсолют миқдор.

Ижарадаги ишлаб чиқариш жамғармаларининг қиймати анча паст қилиб кўрсатилишига қарамасдан, ижара ҳақини ҳисоблашда фоизда белгиланган миқдор кўп қўлланилган.

Асосий воситалар ва таъмирлаш жамғармасининг тўла тикланиши учун бериладиган ва ижара киритилган амортизация ажратмасининг миқдор ижарага берилган мулкнинг таъминланиши ва тикланиши, ижара муддатлари ва сотиб олиш шартлари хусусида ижарачи ва ижарага берувчилар ўртасидаги мажбуриятларнинг тақсимланишига боғлиқ бўлган.

Тижоратлаштириш жараёнида ижарага берувчилар ўзгарганлиги муносабати билан асосий воситаларнинг тикланиши ва таъмирланишига боғлиқ барча масалалар ижарачиларнинг ўзларига қолдирилди, ижарага берувчиларга илгари ўтказиб берилган пуллар эса қайтариб берилмади. Бунинг оқибатида асосий воситаларнинг тикланиши ва жамғармаларнинг нормал яна бир муаммоси пайдо бўлди.

3.9. НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ

Нотижорат ташкилотлар қаторига қуйидагилар киради:

— матлубот ширкатлари;

— жамоатчилик ва диний ташкилотлар, уюшмалар;

— турли жамғарма, муассасалар ҳамда юридик шахслар уюшмалари. Нотижорат ташкилотлари ўзаро катта фарқлана-

ди, лекин улар асосий мақсади фойда кўриш билан боғлиқ бўлмаган фаолият юритиш тамойили орқали бирикадилар.

Нотижорат ташкилотларига иштирокчилар томонидан киритиладиган бадаллар ихтиёрий ҳисобланади. Нотижорат ташкилотларидаги тадбиркорлик фаолияти ташкилот яратилиши мақсадларига эришишга бўйсундирилади, мазкур уюшмаларнинг асосий мақсади эса — моддий ва номоддий эҳтиёжлар қондирилишини мақсад қилиб қўйилган аъзолар сифатида фуқароларни ва юридик шахсларни ихтиёрий асосда бирлаштиради. Иштирокчилар томонидан моддий пай бадалларни берилади ва ушбу бадаллар ширкат фаолиятининг моддий негизи ҳисобланади.

Низом — матлубот ширкатининг таъсис ҳужжатидир. Унда қуйидаги махсус хусусиятлар қайд этилади:

— ширкат аъзоларининг пай бадал миқдори;

— пай бадалининг таркиби ва уни киритиш тартиби;

— пай бадалини киритишга оид мажбуриятларга риоя этилмаслиги учун иштирокчиларнинг жавобгарлиги;

— бошқариш органларининг таркиби ва омилкорлик доираси ҳамда қарор қабул қилиш тартиби;

— ширкат аъзолари томонидан харажатларни қоплаш тартиби.

— Матлубот ширкатининг зарарлари иштирокчилар томонидан бериладиган қўшимча бадаллар ҳисобига қопланади. Зарарлар йиллик баланс тасдиқлангандан сўнг уч ой давомида қопланмаган тақдирда ширкат тугатилиши лозим. Аъзолар ширкат мажбуриятлари бўйича умумий субсидар жавобгардир. Ширкат фаолияти натижасида кўрилган даромадлар унинг аъзолари ўртасида низомда белгиланган шартларга кўра тақсимланади.

Жамоатчилик ва диний ташкилотлар маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш мақсадида ҳамда манфаатлар бирлиги асосларида фуқароларни ихтиёрий тарзда бирлаштиради. Иштирокчилар ўзларига қарашли мулкни жамоатчилик ва диний ташкилотларга топширадилар ва бунда ушбу мулк ҳамда бошқа аъзолик бадалларига нисбатан ҳақсиз бўлиб қоладилар. Шу муносабат билан улар аъло сифатда иштирок этаётган ташкилот мажбуриятлари бўйича жавоб

бермайдилар. Ўз навбатида, ушбу ташкилотлар ҳам аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар.

Жамғарма — ихтиёрий мулк бадаллари асосида фуқаролар ва юридик бадаллари асосида фуқаролар ва юридик шахслар томонидан таъсис этилувчи, аъзолиги бўлмаган нотижорат ташкилот жамғарма жамият учун фойдали бўлган турли мақсадларни амалга оширши учун ташкил этилади, шу ҳисобда ижтимоий, хайрия, маданий, таълим ва бошқалар. Жамғарма унинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдиган муассислар томонидан топшириллган мулкнинг эгаси ҳисобланади ва ўз навбатида, муассасалари олдида жавобгар эмасдир. Мулкдан фақат белгиланган мақсадларда фойдаланиш мумкин. Жамғарма шуғулланиши лозим бўлган тадбиркорлик фаолиятни учун фойдали мақсадларга эришиш сари йўлга қўйилиши шарт.

Жамғарманинг бошқарилиши ва раҳбар органларининг шаклланиши жамғарма низомида кўрсатилади ва фаолият мақсади ҳамда хусусиятларига, шунингдек, бирлаштирилаётган мулк таркиби ва ҳажмига боғлиқ ҳолда жуда кўп кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Жамғарма низоми қуйидаги махсус маълумотлардан иборат:

— жамғарманинг номи;

— ташкил этилишининг мақсадлари;

— бошқариш тартиби ва раҳбар органлар;

— жамғарма фаолияти устидан назорат олиб борувчи васийлик кенгаши ҳақидаги маълумотлар;

— жамғарма тугатилган ҳолларда мулкни тақсимлаш тартиби.

Шу билан биргаликда, жамғарманинг муҳим хусусиятларини билиш зарур. Жамғармани бошқариш органи, ваколатли шахслар, васийлик кенгаши томонидан ва низомда ўзгача тартиб белгиланмаганлиги ҳолатида суд қарорига кўра низомни ўзгартириш мумкинлиги ҳам шундай хусусиятлардан биридир.

Жамғарма фақат суд қарорига биноан тугатилиши мумкин ва бунинг учун қуйидаги мажбуриятлар асос бўлиб хизмат қилади:

— низомдаги мақсадларни амалга оширши учун мулкнинг етарлича эмаслиги ва уни кўпайтириш имкониятининг йўқлиги;

— интизомдаги мақсадга амал қилмаслик.

Тугатилаётган жамғарманинг мулки, кредиторлар қондирилганидан сўнг, низомда белгиланган мақсадга йўналтирилади.

Муассасалар — нотижорат ташкилотларининг алоҳида хусусиятли шаклидир. Улар бошқариш, ижтимоий-маданий ва бошқа нотижорат табиатли вазифаларни бажариш учун мулкдор *томонидан ташкил этилади ва фаолият натижаларига* боғлиқ ҳолда мулкдор томонидан тўла ёки қисман молияланади.

Муассасага қарашли мулкка нисбатан амалий бошқариш ҳуқуқи қўлланилади. Мажбуриятлар бўйича ўз ихтиёридаги пул маблағи билан жавоб беради. Бу маблағ етмаган ҳоллар эса *тегишли мулк эгаси умумий субсидар жавобгарликни* ўз зиммасига олади. Айрим турдаги муассасалар, шу ҳисобда давлат муассасалари турли ҳуқуқий ҳужжатлар орқали белгиланган махсус хусусиятларга эгадир.

Нотижорат ташкилотлар ўртасида молиявий менежмент учун энг қизиқарлиси юридик шахслар уюшмасидир. Улар тижорат ташкилотлари ўртасидаги шартнома асосида ассоциация ёки иттифоқ шаклида тузилиши мумкин, нотижорат ташкилоти сифатида уюшма тузишдан мақсад- тадбиркорлик фаолиятини мувофиқлаштириш, умумий мулкий манфаатларини ифодалаш ва ҳимоялашдир. Уюшма тадбиркорлик фаолият юрита олмайди, бунинг учун уюшма айлантирилиши керак. *Лекин, уюшма тижорат ташкилотининг муассиси бўлиши ёки унинг фаолиятида иштирок этиши мумкин.* Бу эса *уюшма иштирокчилари учун қўшимча имконият яратади.*

АССОЦИАЦИЯ ВА ИТТИФОҚЛАР

нотижорат ташкилотлари ҳам тузишлари мумкин. Бундай ассоциациялар ихтиёрий уюшиш асосида ташкил этилади ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳақига эга бўлмайди. Юридик шахслар уюмаси ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, бироқ бундай уюшма аъзолари уюшма мажбуриятлари бўйича таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдорда ва тартибда субсидар жавобгарлик берадилар.

Юридик шахслар уюшмасининг таъсис ҳужжатлари таъсис шартномаси ва низомдан иборат бўлиб, уларда қуйидаги маълумотлар акс эттирилиши шарт:

— бошқариш органларининг таркиби ва омилкорлик доираси ҳамда қарор қабул қилиш тартиби;

— мулкни бирлаштириш ва бадал бериш тартиби;

— аъзоларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари;

— уюшма тугатилганидан сўнг мулк тақсимлаш тартиби.

Уюшма аъзолари уюшма мулкидан бепул фойдаланиш ҳуқукига эгалар. Аъзоларининг уюшмадан чиқиб кетишлари эҳтимоллиги одатда, молиявий йил якунланганидан кейин кўрилади. Низомда кўрсатилган шарт-шароитлар мавжудлигида аъзони ширкатдан чиқариб ташлаш ҳам мумкин.

Уюшма аъзолигидан чиқиб кетаётган иштирокчи, чиқиб кетиш сабабларидан қатъий назар, чиқиб кетганлиги пайтидан бошлаб икки йил мобайнида уюшма мажбуриятлари бўйича ўзининг бадалига мутаносиб ҳамда субсидар жавобгарлик беради. Аъзолар розилиги билан қабул қилинган янги иштирокчилар аъзолигидан олдинги уюшма мажбуриятлари бўйича ҳам субсидар жавобгарликни ўз зиммасига олишлари мумкин. Бу масалалар таъсис ҳужжатларида алоҳида кўрсатилади.

Ҳозирги замон юридик шахслар уюшмалари ўз тарихига эга. Уларнинг яратилиш жараёни юқоридан пастга асосидаги марказлашган бошқариш тизими, шу ҳисобда давлат бошқариш органларига кирувчи вазирлик, бош қўмита, бошқармалар бекор қилинганлиги даврда унга хос кучли ривож топган.

Ушбу жараён 80-йиллар охирида айниқса фаоллашган. Бу даврда хўжалик бирлашмалари, шу ҳисобда иттифоқ, уюшма, концерн, холдинглар, тармоқлараро, ҳудудий ва бошқа бирлашмалар кенг ривож топган. Улар шартнома асосида тармоқ, ҳудудий ва бошқа тамойиллар негизида барпо этилган. Бунда корхонанинг ишлаб чиқариш, илмий-техник ва ижтимоий ривожланиш, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, мулкдан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадлари кўзланган.

Хўжалик бирлашмалари қуйидаги асосий тамойиллар негизида ташкил этилган:

— тегишли мол-махсулот, иш ва хизматлар бозорида рақобат яратиш ва уни кўчайтириш;

— корхоналарнинг ихтиёрий равишда қўшилиши ва чиқиб кетиши;

— бирлашманинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини эркин танлаш;

— бирлашма иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлиги ва ўртадаги муносабатларнинг тўла мустақиллик ва шартнома асосларида ташкил қилиниши;

— ўзини ўзи бошқариш;

— корхоналар томонидан ихтиёрий тарзда қонуний берилган ваколатлардан келиб чиққан ҳолда бирлашмани бошқариш аппаратининг вазифаси, ҳуқуқлари ва масъулиятини белгилаш.

Хўжалик бирлашмаларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли узоқ вақт давомида ихтиёрий бўлиб келган. Бунда ҳам тижорат, ҳам нотижорат ташкилотлари намоён бўлган. Хўжалик бирлашмалари узоқ вақт давомида тармоқ ва ҳудудий давлат бошқариш идораларини, шу ҳисобда вазирлик, бош қўмита, ишлаб чиқариш бирлашмаларини ислоҳот қилишда кенг қўлланган муносабати билан хусусийлаштириш ва тижоратлаштириш жараёнида уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини омонат киритиш тартибини, айниқса, давлат ва муниципал корхоналарига, у ёки бу хўжалик бирлашмаларига омонат шаклида берилган мулкка нисбатан иштирокчиларнинг ҳуқуқларини аниқ белгилаш зарурияти келиб чиққан.

Қуйидаги мол мулк хўжалик бирлашмасининг мулкидаги Давлат омонати деб қонуний тан олинган:

— Давлат ҳокимияти ва бошқариш идоралари томонидан бирлашма балансига топширилган мулки;

— мулк ҳисобда, Давлат бошқариш органларининг ислоҳот қилиниши ёки тугатилиши туфайли ворислик тартибида бирлашмага мулкий ҳуқуқлар, молиявий маблағ манбалари, узоқ муддатли молиявий қўйилмалар;

— бирлашма Давлат бошқариш органи вазифасини бажарган давридаги марказлашган жамғарма қолдиқлари ҳамда шу маблағ ҳисобига барпо этилган мулк.

Хўжалик бирлашмасининг мулкдаги иштирокчи корхона омонати деб қуйидагилар ҳисобланган:

— бирлашмага иш юритиш учун корхона томонидан топ-

ширилган ҳамда бирлашманинг низомий сармоясига ва бошқа жамғармаларига киритилган мулк ва мулкий ҳуқуқлар;

— бирлашмада иштирок этган бутун вақти давомида корхона томонидан берилган барча турдаги бадаллар, шу ҳисобда аъзолик, пай ва мақсадли бадалларнинг жами тўпланган миқдори.

Бирлашманинг мулки, давлат ва иштирокчи корхона омонатларидан ташқари, бирлашма мулкидаги омонат ҳажмига мутаносиб тарзда барча иштирокчи корхоналар ўртасида тақсимланиши лозим бўлган. Манбалардан қатъий назар, бирлашма маблағлари ҳисобига молиялашган натижасида давлат корхонасида барпо этилган мулк давлатнинг мулки ҳисобланган ва давлат корхонасининг мулки таркибига киритилган. Бу — кўрсатиб ўтилган мулкнинг хусусийлаштирилиши лозимлигини билдирар эди.

Давлат бошқариш органлари негизида барпо этилган хўжалик бирлашмалари турли тижорат ташкилотларида, шу ҳисобда банк, биржа, суғурта компаниялар ва шу кабиларда ўз бадаллари билан фаол иштирок этганлар. Бирлашма томонидан барпо этилган корхоналар мулки, шунингдек, бирлашма томонидан тижорат ташкилотлари ва корхоналарнинг низомий сармоясига қўшилган мулк иштирокчи корхоналар ўртасида уларнинг бирлашма мулкидаги омонатлари ҳажмига мутаносиб миқдорда тақсимланган.

3.10. МОЛИЯВИЙ САНОАТ ГУРУҲЛАРИ

Молиявий саноат гуруҳлари (МСГ) нинг ташкил этилиши икки шароит орқали тасниф топади:

1. Кўпчилик корхоналар, банклар ва бошқа молиявий кредит муассасалари инвестицион дастурларнинг амалга оширилишига оид молиялаш муаммоларини ечиш учун хатти-ҳаракатларни бирлаштириш зарурлигини англаб етдилар ва бу сармояларнинг табиий бирлашиш жараёнига кўмаклашган;

2. Молиявий саноат гуруҳларига имтиёзлар яратиб, улар орқали сармоя жамғармаларини рағбатлантириш мақсадида, Давлат ушбу гуруҳларни қонуний шаклга киритиш ҳаракатида;

МСГ ларни яратишдан мақсад ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш, мақбул технологик ва ширкатлараро алоқа ўрнатган экспорт имкониятларини ошириш, илмий-техник жараёнини тезлаштириш, мудофаа корхоналарини ислоҳот қилиш ва инвестицияларни жалб этиш.

МСГ лар қуйидагилар учун шароит яратади:

— хусусийлаштириш, якка ҳукмронликдан воз кечиш ва саноатни таркибий жиҳатдан ислоҳот қилиш жараёнларини бирлаштириш;

— сармоя инвестицияси янги тизимини яратиш;

— экспорт маҳсулот ишлаб чиқаришда технологик ва ширкатлараро алоқаларни мустаҳкамлаш ва янгилаш;

— ташқи бозорларда фаол иш олиб бориш.

МСГларнинг асосини: саноат корхоналари, илмий-текширув ташкилотлари, банклар, савдо фирмалари ташкил этиши мумкин.

МСГларни қуйидаги аломатлар буйича тавсифлаш мумкин:

— ишлаб чиқаришлар қўшилиб бир бутун бўлиши шакллари (юқоридан пастга, бир ётиқда, конгломерат);

— соҳасига кўра (бир соҳадаги, тармоқлараро);

— фаолият миқёси (халқаро, республика миқёсидаги, худудий);

— диверсификация даражаси (бир ихтисосли, кўп ихтисосли).

ҚАЙТАРИШ УЧУН АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

Тўлиқ жамғарма	Жамғарма
Ишончга асосланган ширкат	Уюшма
Акциядорлик жамият	Молиявий-саноат гуруҳи.
Масъулияти чекланган жамияти	Умумий субсидар жавобгарлик
Қўшимча масъулиятли жамият	Тўла шериклик. Коммандист
Ишлаб чиқариш ширкати	Акциядор
Давлат қўшма корхонаси	Ширкат аъзоси
Муниципал қўшма корхонаси	Пай

Давлатга қарашли корхона

Асосий корхонага қарашли хўжалик жамияти

Асосий корхонага қарашли корхона

Ижара корхонаси

Жамоатчилик ташкилоти

Дивиденд. Бошқариш органлари

Хусусийлаштириш

матлубот ширкати

Бирлашма

Муассаса

Хўжалик бирлашмаси

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ

1. Хўжалик ширкатларининг хусусиятлари. Пул маблағ жамғармаларини шакллаш ва молиялаш жараёнларига хўжалик ширкатлари қандай таъсир кўрсатади?

2. Тўлиқ ширкат иштирокчиларининг умумий субсидар масъулияти нимани билдиради?

3. Ишонч асосидаги ширкат тўлиқ ширкатдан ва тўла шерик коммандистдан нима билан фарқ қилади?

4. Молиявий жамиятларининг молиявий хусусиятлари нимадан иборат ва таъсис ҳужжатларида улар қандай қайд этилади?

5. Масъулияти чекланган жамият ўз сармоясини шакллашда ва фойда тақсимлашда қандай хусусиятларга эга?

6. Қўшимча масъулиятли жамиятнинг масъулияти чекланган жамиятдан фарқи нимада?

7. Нима учун очиқ ва ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятларини фарқлаш зарур?

8. Акциядорлик жамиятлари сармоя жалб этишда қандай устунликка эга?

9. Нима учун акция қимматли қоғоз ҳисобланади ва акциядорлик жамият фаолиятида унинг ўрни қандай?

10. Асосий жамиятга қарашли жамият нима ва унинг асосий жамият билан молиявий муносабатлари қандай тузилади?

11. Ишлаб чиқариш ширкати ва матлубот ширкати нима билан фарқланади?

12. Ишлаб чиқариш ширкатидаги аъзолик бошқа тижорат ташкилотларидаги иштирок этиш шаклларидан нима билан фарқ қилади?

13. Давлат ва муниципал қўшма корхоналарга хос хусусиятларни санаб ўтинг.

14. Асосий корхонага қарашли корхона нима ва асосий жамиятга қарашли жамиятдан унинг фарқи нимада?

15. Мамлакатга қарашли корхона қандай молиявий хусусиятларга эга?

16. Нима учун корхона ташкилий-ҳуқуқий шаклининг танланиши фаолият мақсадларига боғлиқ?

17. Тижорат ва нотижорат ташкилотлари ўртасидаги молиявий фарқ нимадан иборат?

18. Тижорат ташкилотларининг айрим ташкилий-ҳуқуқий шаклларига оид низомий сармоя шаклланиши хусусиятларини санаб ўтинг.

19. Нима учун биринчи тижорат ташкилотлари ишлаб чиқариш ширкатлари ва ижара корхоналаридан ташкил топган?

20. Иқтисодиётнинг ривожланишида молиявий-саноат гуруҳлари қандай ўрин эгаллайди?

Амалий машғулот мавзулари

— Хўжалик ширкатларини молиявий бошқариш;

— Хўжалик жамиятларининг молиявий хусусиятлари;

— Акциядорлик жамиятлари — молиявий менежмент ташкилий самарали услуби сифатида;

— Ишлаб чиқариш ва матлубот ширкатларида молиявий бошқариш;

— Нотижорат ташкилотлар фаолиятини молиялаш;

— Молиявий саноат гуруҳлари ва уларнинг ривожланиш истиқболлари.

ХУЛОСА

1. Молиявий менежментнинг хусусиятлари тадбиркорлик тузилмасининг ташкилий - ҳуқуқий шакли, фаолият миқёси, сармоя сарфлари доираси орқали маълум бўлади.

2. Тўлиқ ширкат иштирокчиларининг муносабатлари ишончга асосланади, бу эса тўла шерикларнинг субсидар масъулиятини келтириб чиқади.

3. Ишонч асосидаги ширкат турли мавқега ва кредиторлар

олдидаги жавобгарлик даражасига эга бўлган тўла шериклари ва омонатчи коммандистлари бирлаштиради.

4. Масъулияти чекланган жамият ўз низомий сармоясини иштирокчиларнинг бадаллари ҳисобига шакллайди. Низомий сармоя иштирок улушларига бўлинади ва қимматли қоғоз ҳисобланмайдиган гувоҳномалар билан тасдиқланади.

5. Акциядорлик жамият ўз низомий сармоясини акциядорларнинг бадаллари ҳисобига шакллайди. Бадаллар акциялар билан тасдиқланади. Акциялар қимматли қоғоз деб ҳисобланади.

6. Ишлаб чиқариш ширкат аъзоларнинг шахсий ёки бошқа хил иштироки ва субсидар масъулияти остидаги мулкчилик пай бадалларини ҳамда бўлинмас жамғармаларни бирлаштиради.

7. Қўшма корхона ўзига топширилган мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга эмасдир. Бундай хўжалик юритиш ёки амалий бошқариш (мамлакатга қарашли корхона учун) ҳуқуқига асосан иш олиб боради.

8. Биринчи тижорат ташкилотлари сифатида ишлаб чиқариш ширкатлари чиққан. Улар мулкдор ёки унинг вакили билан илгари тузилган шартномаларга асосланиб, хусусийлаштириш жараёнида мулкни сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланганлар.

9. Нотижорат ташкилотлари ўз фаолиятининг асосий мақсади ҳисобланмайдиган кўрилган фойдани тақсимлашлари шарт эмас.

10. Молиявий-саноат гуруҳлари молиявий ва саноат сармояларининг бирлаштирилиши асосларида институционал ва таркибий ислоҳотларни таъминлайдилар.

II ҚИСМ. ТАДБИРКОРЛИКНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАНИШИНИ БОШҚАРИШ

4. ТАДБИРКОРЛИКНИ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ШАКЛЛАРИ ВА УСЛУБЛАРИ

Бу бобда қуйидагилар кўриб чиқилади:

— нима учун тадбиркорликнинг молиявий таъминланиши сармоя бозорининг амал кўрсатишига боғлиқлиги;

— нима учун ўзининг харажатларини қоплаш тадбири жорий молиявий менежмент қаторига, ўзини-ўзи молиялаш тадбири эса стратегик молиявий менежмент қаторига кириши;

— молиявий юксалишни қандай таъминлаш мумкин;

— жорий ва стратегик молиявий менежмент нима билан фарқланади;

— нима учун юқоридан пастга бирлаштириш тизими синергизм натижасини юзага келтиради;

— тадбиркорлик тузилмаларига хос сифатлар.

4.1. МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТ ТУШУНЧАСИ

Мазкур дарсликда тадбиркорлик фаолиятининг молиявий таъминоти тушунчаси остида корхоналарни молиялаш ва услублари, тамойил ва шарт-шароитлари йиғиндиси тушунилади. Корхона молиявий таъминоти бу, сармояни бошқариш, уни жалб этиш ва ундан фойдаланиш юзасидан фаолиятдир. Шунинг учун молиявий менежмент сармоя бозорлари билан яқиндан боғлиқ ҳолда амал кўрсатади.

Сармоялар бозори, ўз навбатида, талаб ва таклиф, сотувчи ва харидорларнинг тўлов қобилиятига боғлиқ бўлган даромад келтирувчи тўлов воситалари, пул маблағ оқимларини бошқариш мураккаб механизмдан иборатдир.

Сармоялар ишлашини кўрсатувчи чизма тасвир 4.1. расмда келтирилган.

Сармоялар бозори бир неча қисмлардан - нисбатан мустақил тўлов воситга бозорларидан ташкил топади. Бугунги кун-



4.1 расм. Сармоялар бозорининг ишлашини кўрсатувчи чизма тасвир.

да давлат сармоялари бозори ва қарзга берилган сармоялар бозори энг катта аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Корхоналар, молиявий — кредит тижорат ташкилотлари ва институционал инвесторларнинг қимматли қоғозлари бозори ҳамда хусусий, шу ҳисобда якка тартибдаги, корпоратив, хорижий сармоялар бозори кундан-кунга фаоллаша бормоқда.

Сармоялар бозори эмитентлар ва инвесторларнинг манфаатлари йўлида амал кўрсатиб, уларни бирлаштиради. Ўрганилаётган объектлар — акциядорлик жамиятлари, субъектлар эмитентлар ва инвесторлар. Кейинги бобларда биз эмитентларнинг хатти-ҳаракатларини ва уларнинг эмиссион фаолиятларини, инвесторларнинг хатти-ҳаракатларини ва инвестицион сармоя жалб этилиши мумкин бўлган шарт-шароитларни, шунингдек, эмитентлар ва инвесторлар ўртасидаги муносабатларни кўриб чиқамиз. Бунда, биз учун тадбиркорлик фаолиятининг жорий ҳамда узоқ муддатли молиявий таъминотига оид жиҳатларини ўрганиш муҳимдир.

1.2. ЎЗ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҚОПЛАШ ВА ЎЗИНИ ЎЗИ МОЛИЯЛАШ

Тадбиркорлиқнинг молиявий таъминоти энг муҳим икки тамойилнинг амалга оширилишига асосланади:

— ўз харажатларини қоплаш;

— ўзини-ўзи молиялаш.

Яқин вақтгача мавжуд собиқ Иттифоқ адабиётида ушбулар хўжалик ҳисоби тамойиллари деб юритилган. Шунинг учун тарихий воқеаларга мурожаат этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Социалистик хўжалик юритиш тажрибасида хўжалик ҳисобининг пайдо бўлиши, унинг замондошлари томонидан турлича баҳоланган. Чунончи В.Венедиктов қуйидагини таъкидлаган:

«Бизнинг маълумотларимизга кўра хўжалик ҳисоби ғояси революциядан илгариги, «тижорат асосларида» буюртма бажарган айрим мамлакатга қарашли заводлар тажрибасидан

олинган. Бундай заводлар ҳисобига, мисол учун «Обухов заводи» кирган».

И.Звягинский ўзгача фикр билдирган:

«Хўжалик юритишни фақат бизнинг режали хўжалик юритишда учратиш мумкин. Бу капитализм учун мутлақо нотаниш бўлган янги ҳодисадир. Хўжалик ҳисоби социалистик хўжалик бошқариш пролетариат диктатураси ва ишлаб чиқариш воситаларининг жамият шароитлар яратиб берган. Капитализм шарт-шароитида хўжалик ҳисоби асло бўлиши мумкин эмас. У ерда фақат тадбиркорлик ғарази, лозим бўлса, капиталистик «хужайинлик» ғарази мавжуд бўлиб, бу амаллар фойда олиш мақсадида қўлланади. Бунда «хўжайинлик» ғарази бутун халқ хўжалиги учун эмас, балки алоҳида олинган капиталистик корхона учунгина маъқул келиши мумкин».

Ушбу икки қарама-қарши фикрлар ўша вақтда мавжуд бўлган асл иқтисодий таъминот ва мунофиқ сиёсатбозлик ўртасидаги чинакам курашни акс эттиради. Хўжалик ҳисоби тамойиллари расмий эълон қилингани, амалда эса эътибордан олисда қолиши иқтисодиётнинг асосий бугуни корхонанинг самарали амал кўрсатиши тизимини ярата олмас эди.

[illegible] хўжалик ҳисобини тадбиркорликнинг кўриниши сифатида кўрган ва қуйидагиларни таъкидлаган:

«хўжалик ҳисобидаги трест ва корхоналар, айнан ўз корхоналарининг безарар ишлаши учун ўзлари тўлиқ жавоб беришлари учун ташкил этилган» [illegible]).

И. Звягинский ушбу фикрни рад этмасдан қуйидагиларни таъкидлаган:

«Хужалик ҳисоби бу, — социалистик корхоналарни бошқариш ва уларга раҳбарлик қилишнинг шундай услубики, у ҳар бир алоҳида олинган хўжалик бугунига хўжалик (амалия ва мулкий) мустақилликни бериш орқали.... майдонида социалистик жамғариш ўсишини таъминлаб беради. Хўжалик ҳисоби бу социалистик корхоналарни бошқариш ва уларга раҳбарлик қилишнинг шундай услубики, у —халқ хўжалигининг айримча бўғинлари ўртасида товар-пул шаклидаги алоқаларни қўллаш воситасида хўжалик ташкилотларининг режавий топшириқлар бажарилишидаги моддий манфаатдорлигини таъминлайди ва хўжалик шартномалари ҳамда банклар билан бе-

восита муносабатлар тизими орқали хўжалик режаларининг бажарилиши ва халқ хўжалиги умум жамият шуъбасида сармоя жамғарилишининг устидан «рубл назоратини» ўрнатади». Шу тариқа, корхоналарнинг безарар ишлашлари учун тўлиқ ва сўзсиз жавобгарлик ўрнига марказлашган режа топшириқларини бажариш талаби қўйилган, молиявий маблағ жамғариш эса такрор ишлаб чиқариш жараёни билан эмас, балки ўша-ўша халқ хўжалиги режасига боғланган. Шунинг учун ҳам марказлашган режалаш ва корхона ривожланиши ўртасида зиддиятлар пайдо бўлган.

Молиялаш услуби сифатидаги ўз харажатларини қоплаш амали — кўрилган даромадлар ҳисобига жорий харажатларнинг қопланишини билдиради. Мол-маҳсулот сотувидан, иш ва хизмат кўрсатилишидан олинган тушум ҳар бир безарар ишлаётган корхона учун жорий харажатларни қоплашга етарли бўлган даромадлар олинишини таъминлаб бериши керак. Иқтисодиётнинг марказлашган тарзда режали тартибга солиниши — бюджет пул ажратмалари, нарх-наво белгилаш, савдо устамалари ва қўшимча ҳақ, пул маблағларининг тармоқ ичида қайта тақсимланиши каби тадбирлар орқали корхоналар учун ўз харажатларининг қопланишини сунъий сақлаб туриши мумкин. Шу тарздаги ўз харажатларининг қопланиши меҳнат унумдорлиги ўсишига раҳбар бўлувчи омилларнинг пасайиб кетиши, ишлаб чиқариш самарадорлигининг камайиши, боқимондачилик ва расмиятчиликка олиб келади. Бозор иқтисодиёти шароитида ўз харажатларини қоплаш тадбири давлатнинг бирори-бир ёрдамисиз корхоналар томонидан таъминланадир. Маълум корхона чиқараётган маҳсулотга талаб бўлганлиги, нархлар эса талаб ва таклиф мутаносиблиги асосида ўрнатилганлиги ҳолатидагина сарф-харажатларни қурилган даромад ҳисобига қоплаш мумкин бўлади. Ушбу мисолда ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги муносабатларда давлат бошқариш тузилмалари воситачилик қилмайди.

Фақат бозорга қараб маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона учун энг муҳим аҳамиятга истеъмолчининг манфаати эгадир. Барча таркибий тузилмалар, филиаллар, ишлаб чиқариш бирликлари сарф-харажатнинг қопланишини таъминлашлари зарур. Харажатнинг қопланиши таъминланмаган ҳолларда, фой-

да ҳажмида ортиқча қилинган сарфлар тижорат ташкилотининг умумий фойдасидан ташкил қилинган марказлашган молиявий маблағлар жамғармаси ҳисобидан қопланиши мумкин.

Ўз харажатларини қоплаш тамойилига риоя этилаётганини назорат қилиш учун: ишлаб чиқариш ва фойда, сарф-харажатлари ҳисоб-китоби тузилади; хом ашё, ёнилғи, электр қувватини сарфлаш меъёрлари белгиланади; меҳнат унумдорлигини ўрнатиш ва маҳсулотга сарф бўлаётган меҳнатни камайтиришга оид аниқ топшириқлар белгиланади.

Ўз харажатларини қоплаш талабларининг бажарилиши учун жорий харажатларни мувофиқлаш амали аҳамиятга эга.

«.... Харажатларни бошқариш — харажатларни қисқартириш билан тугамайди. У, даромад таъминланишига қаратилган бутун компания миқёсидаги тадбирларни ўз ичига киритади. Ушбу тамойил ҳар бир бўлинма даражасида харажатларни бошқариш доирасидаги ўзига хос хатти-ҳаракатлар учун шарт-шароит яратиб беради. Харажатларни бошқариш амалининг негизи тўрт таркибий қисмдан иборат: харажатларни режалаштириш, сармоя қуйилмаларини режалаштириш, сарф-харажат даражасини бир нуқтада ушлаш, қиймат кўрсаткичларини яхшилаш». ... Филиаллар тармоғига эга бўлган ва ўз буюртма ижрочилари билан субпудрат алоқаларни ривожлантираётган йирик бирлашма ва компаниялар учун ўз харажатларини қоплаш тамойили жуда катта аҳамиятга эга. Ўз харажатларини қоплаш орқали айрим бўлинмаларнинг нисбий мустақиллиги ва маълум топшириқнинг бажарилиши учун жавобгарлик чегараси сақлаб турилади. Қопланувчи харажатлар қаторига жамланган пуллар ҳам киритилиши лозим.

Тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини молиялаш ишоралари эълон этила бошлаган 70-йиллар охирида ушбу қоидани тиклаш учун ҳаракат қилинган. У вақтда ўз-ўзи молиялаш қуйидагича тушунилган:

— асосий турдаги қуйилмалар, сарф ва харажатларнинг давлат бюджетидан молияланишини тўхтатиш;

— режа асосида зарар кўриб ишлаётган корхоналарни тугатиш;

— узоқ муддатли иқтисодий меъёрлардан келиб чиққан ҳолда, даромадлардан бюджетга ажратилиши лозим бўлган

бадалларнинг кафолатланиши: кенгайган такрор ишлаб чиқаришга сарфланган асосий турдаги харажатларнинг ўз дароматлари ҳисобига қопланиши.

Бироқ, умумдавлат эгалигидаги ишлаб чиқариш воситаларига асосланган ўзини-ўзи молиялаш тамойили марказлашган давлат таъсири ва кенгайган социалистик такрор ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш амаллари воситасида амалга оширилади. Бу тарздаги ўзини-ўзи молиялаш тамойили мавжудлиги корхоналар тасарруфида қолдириладиган маблағлар ҳажми, аввалгидек, марказлашган тарзда белгиланган режавий топшириқлар воситасида аниқланган.

Социалистик корхоналарнинг иш тажрибасига татбиқ этилган тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи молиялаш амаллари кутилганича самара бера олмади. Ушбу вазият сиёсати ёки хўжалик раҳбарлари фаолиятининг субъектив натижаси эмас-дир, балки мулкчилик ва бошқариш муносабатларидаги бегоналашишнинг объектив омилидир. Қолаверса, маълум ҳолатларда, ушбу шахсларнинг иқтисодиёт ва алоҳида олинган корхона ривожланишига кўрсатаётган таъсирлари жуда кучлидир. Зеро, мулкчилик муносабатлари ҳам, бошқариш муносабатлари ҳам ўзини-ўзи молиялаш тамойилининг амалга оширилиши учун катта аҳамиятга эга.

Хўжалик ҳисобини ташкил этиш босқичида мафкурачилар учун қуйидагилар аён эди:

«хўжаликдаги тақсимловчи ва унинг ёрдамчилари корхонанинг бош миясн ҳисобланади. Бу одам тўла маънода тижоратчи бўлиши ва унинг ҳаёти корхона билан боғлиқ бўлиши шарт. У бутун эътиборини, ҳаёлини, куч-қувватини корхона учун сарфлаши керак. Фақат шундай шарт-шароитдагина корхона ўзлиги учун бошқалар билан кураш олиб бориши ва ҳаётий тижорат курашида ғолиб чиқиши мумкин»

Ушбу фикр замонавий менежернинг ишчанлик сифатларини баҳолаш учун мезон бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бозор иқтисодиёти шаклланаётган шарт-шароитларда ўзини ўзи молиялаш тамойилининг мазмуни корхонанинг ички молиявий имкониятларидан келиб чиқади. Ўзини ўзи молиялаш бу, — кенгайган такрор ишлаб чиқаришни молиялаш учун етарли бўлган жамғариш мақсадида корхона пул маблағ жамғарма-

ларини бошқариш молиявий стратегиясидир. Ўзини ўзи молиялаш тамойили юқори даромад кўриш ва сармоя жамгариш меъёрлари орқали таъминланади.

4.3. МОЛИЯВИЙ ЮКСАЛИШ СТРАТЕГИЯСИ.

Ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш учун маълум кўникмалар ва иш тажрибаси мавжуд бўлиши талаб этилади. Аксарият йирик компаниялар учун ўзини ўзи молиялашга эришиш — молиявий соҳадаги стратегик ҳисобланади. Компания ўзини-ўзи молиялашнинг хусусияти шундан иборатки, одатда, компания бўш молиявий маблағларга эга бўлмайди, аммо уларнинг ишга солиниши борган сари кўп фойда келтиради.

Стратегик молиявий менежментнинг ўзига хос хусусият ва муваффақият қозонишнинг мезони бу-кўрилган даромадлар ва харажатларни тенглаштира билиш эмас, балки фирма томонидан назорат этилаётган ва жамлашни таъминлаб берувчи бажарилаётган иш учун хизмат қилаётган самроянинг каттолигидир.

Мосланувчанлик — стратегик молиявий менежментнинг энг муҳим унсури бўлиб, рўй бераётган ўзгаришларга ҳозир жавоб бўлиш, фирма стратегиясига тўғрилик киритиш, молиялашнинг самарасиз услубларидан холис бўлишга тезлик билан имконият яратади. Стратегик молиявий менежмент компаниянинг юксалишига кўмаклашади. Самарали юксалиш иккита асосий усул ёрдамида таъминланиши мумкин: ички ва ташқи.

Ташқи юксалиш у янги корхоналарнинг амал кўрсатиб турган корхоналарга қўшилишини билдиради, яъни илгаридан маълум бўлган, танлаб олинган корхона бир маротаба молияланади.

Ички юксалиш — ўз моддий-техник негизини ривожлантириш йўли орқали амалдаги ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига таъминланади, яъни босқичма-босқич молиялаш амалга оширилади.

Бир маротабали молиялаш — харид қилинаётган иншоот қиймат эмаслиги, ишлатиш учун тайёрлаш ва фойда келтириш мумкин бўлган ҳолда маънога эга бўлади. Давлат ёки муни-

ципал идораларига қарашли бўлмаган, етарлича молиявий маблағ жамлаган ва аниқ йўналишни танлаб олган корхоналар бир маротабали молиялашга тайёр бўла олади. Охирги вақтда, катта ҳажмдаги фаолиятга кирувчи доирада жам бўлиб келмоқда.

Молиявий менежер ҳар бир маълум вазиятда муқобил йўлларни ва таваккалчилик хавфи омилларини ҳисобга олган ҳолда, сармоя қуйилмаларидан фирмага тегадиган наф билан инвестициялар ҳажмини таққослаши зарур. Одатда, ўз таъсир доирасини кенгайтириш истаги ҳар бир тадбиркор учун хосдир. Тадбиркор осон пул топишга эмас, балки тижорат ташкилотлари ва корхоналарининг мумкин қадар кенг тармоғини бошқаришда иштирок этишга манфаатдор бўлади. Молиявий менежментнинг йўналиши молиявий қуйилмалар диверсификацияга ва ишбилармонлар ўртасида тузилган ўзаро фойда келтирувчи лойиҳаларни молиялашга қаратилган.

Сармоянинг ўзаро бир-бирига сингиши молиявий барқарорликни, тўлов қобилиятини сақлаб туриш ва банкрот бўлиш хавфини камайтириш учун зарурдир. Молиявий қуйилмалар диверсификацияси стратегик молиявий менежмент соҳасига киради. Унинг мақсади — фойда олишликни узоқ вақт давом эттиришдир. У йиғма стратегияга ва сармоя қуйилмаларининг энг маъқул тарзда жойлаштирилишига боғлиқ бўлади. Стратегик бошқаришнинг самарадорлигини баҳолаш учун амалий мувофиқлаш кўрсаткичларини ўрганиш билангина чекланиб бўлмайди. Рентабеллик бир хил даражада бўлиши, сотилаётган маҳсулот таркиби ва тузилиши орқали корхонанинг молиявий аҳволи тўғрисида хулоса қилиб бўлмайди, чунки бу кўрсаткичлар сармоя қуйилмаларининг сифати ҳақида тасаввур бермайди. Сармоянинг ва маблағ айланувн ҳажмининг нисбати, бир ишчи берадиган айланув ҳажми, кенгайган такрор ишлаб чиқариш учун йиғилаётган фойда ҳиссаси каби омиллар истиқболда катта аҳамиятга эгадир. Сарфланган сармоядан кўрилган фойда миқдори эса барча ҳолатларда аҳамиятга эга бўлади.

Рақобатчилик муҳити баъзида, сарфланган сармоядан кўрилган даромад ҳам бўлгани ва ишлаб чиқариш ҳаражатларини қопламаслиги сабабидан фаолиятни тўхтатиш зарур

тига олиб келади. Ишлаб чиқаришни босқичма-босқич қисқартириш маъқул бўлиб, молиявий маблағларни бизнеснинг янги жабҳаларига аста-секин ўтказиш лозимдир.

Бир жабҳадаги фаолиятни кескин тўхтатиб янги жабҳага киришиб кетишнинг ҳам ўз афзалликлари бор. Рентабеллик пасайиши даври энг кам муддатгача қисқартирилади, молиявий маблағлар самарали чора-тадбирларга сафарбар этилади.

Сармоянинг бора-бора бошқа жабҳага кўчирилиши ишлаб чиқаришни янги маҳсулот чиқариш йўлга қўйилиши ва мукамаллаштирилиши пайти учун мансубдир. Бунда, кенгайган такрор ишлаб чиқариш мақсадларида тўпланган қўшимча молиявий маблағлар айланувга жалб этилади.

Сармоянинг бора-бора бошқа жабҳага кўчирилиши диверсификация шарт-шароитларда содир бўлади.

Молиявий менежер қуйидагиларни билиши зарур:

— жорий молиявий менежмент тижоратчилик ташаббусини рағбатлантиришга, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, ишлаб чиқариш ва фойдаланиш чиқим харажатларининг маъқулоналигига катта эътибор ажратади. Стратегик молиявий менежмент рағбатлантиришни абстрактлаштиради, сарфларни фақат харажат қоплаш омилига боғлиқ ҳолда, сармоя қуйилмаларни эса — келгусидаги фойда нуқтаи назарида кўради:

— жорий молиявий менежментнинг йўналиши ўз харажатларининг қопланишини таъминловчи ички молиялаш манбаларига қаратилган бўлади. Жорий молиявий менежмент учун компания ихтиёридаги мавжуд пул маблағларининг маълум вақт ичида самарали ишлатилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир:

— стратегик молиявий менежмент бизнеснинг энг истиқболли жабҳалари учун ёки фаолият кўламини кенгайтириш учун сармоя жамлаш ва молиявий маблағларни қайта тақсимлаш йўлларини излаб топади.

4.4. ТАДБИРКОРЛИК ТУЗИЛМАСИДАГИ МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТ

Молиявий менежмент алоҳида олинган тўлиқ ёки қисман яккаланган тадбиркорлик тузилмаси доирасида амалга оширилади. Тадбиркорлик тузилмаси бу — ўз номида тадбиркор-

лик билан шуғулланувчи, яъни фаолият натижаларидан фойда олувчи юридик тижорат тузилмасидир.

Тадбиркорлик тузилмаси қуйидаги асосий кўрсаткичлар орқали тавсиф топади:

— мол-маҳсулот, иш, хизмат, сотуви ёки ишлаб чиқилиши билан боғлиқ маълум турлардаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширади;

— ўз сармоясига эга бўлади;

— қарзга олинган ва жалб қилинган сармояни шартномаларга асосланиб жалб қилади ва пул айланувида ишлатади;

— ташқи мажбуриятларга, шартномаларга, битимларга, низомга амал қилган ҳолда фойдани ўз ихтиёрига кўра сарфлайди;

— ташқи иқтисодий фаолиятда иштирок этади;

— ишлаб чиқариш дастурини шакллайди, таъминотчиларни ва ўз маҳсулотининг истеъмолчиларини танлаб олади;

— нарх-наво шаклланишини амалга оширади;

— меҳнатга ҳақ тўлаш ва ишчиларни мукофотлаш шакларини белгилайди ва тартибга солади.

Тадбиркорлик тузилмаси бу ўз харажатларини қопловчи ёки ўзини-ўзи молияловчи тизимдир. Бундай тузилма узоқ вақт давомида зарар кўриб ишлай олмайди ва рентабеллик паст бўлганлиги тақдирда тубдан ислоҳот қилинади. Агар компания қисмларга айриб, бўлимларга ажратилган бўлса, у ҳолда унинг ҳар бир тузилмаси тадбиркорона ҳисобланади.

Тадбиркорлик тузилмаси ундан йирик бўлган тадбиркорлик бирлашмаси таркибига кирган ҳолларда уни молиялаш услуби алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу вазиятда стратегик молиявий менежмент масалалари асосий мақсаднинг амалга оширилишини таъминлаган ҳолда бирлашма даражасида ҳал этилади.

Жорий фаолиятда бундай бирликлар тўла мустақил бўлиб, хўжалик юритиш натижалари учун тўла ҳажмда жавоб берадилар. Тадбиркорлик тузилмаси ундан йирик бўлган тузилма таркибига кирган ҳолларда вазифаларнинг бир қисмини юқори топшириш зарурати туғилади.

Шу тариқа юқоридан пастга бирлашиш пайдо бўлади. Бундай тадбиркорлик тузилмаси фақатгина бир текисликдаги ма-

саналаарни мустақил ҳал қила олади. Юқоридан пастга бирлашиш жараёни умумий дастурларнинг ягона марказдан молияланиши учун молиявий маблағларнинг қўшилиши ва қайта тақсимланиши билан боғлиқ бўлади. Марказбозлик ва маъмуриятбозлик устун келган ҳолларда, юқоридан пастга бирлашиш молиявий менежернинг тадбиркорлик эркинлигини чеклаб қўйиши мумкин.

Юқоридан пастга бирлашиш тизими турли тадбиркорлик тузилмаларини бирлаштиради ва синергизмни туғдиради, яъни ўзини-ўзи ташкиллаш жараёнлари асосида ётувчи умумий фаолият тамойилларига мослашиш учун шарт-шароит яратади ҳамда ҳаракатдаги мувозонат ҳолатига олиб келади.

Юқоридан пастга бирлашиш тизими мавжудлигида жорий молиявий менежментнинг асосий вазифаси: ишлаб чиқариш ва фойдаланиш чиқим харажатлари таркибини, тадбиркорлик тузилмаларидаги таниархни қиёслаштириш ва ўз харажатларини қоплаш даражасини аниқлашдан иборат бўлади.

Бошқарувчилик қарорларини қабул қилишда ахборот жуда катта ўрин эгаллайди ва молиявий менежерларнинг алоқа кўламини кенгайтиради. Шу орқали камчилик ёки устиворликлар аниқланади, жиҳат-эътибор энг муҳим омилларда жамланади, ўзаро билим ва тажрибадан фойдаланилади.

Молиявий менежердан қуйидагилар талаб этилади: касбини юқори даражада яхши билиш, таҳлилий фикрлаш қобилиятига эга бўлиш, фирма ичида ва унинг ташқарисида содир бўлаётган ўзгаришларга ҳозир жавоб бўлиш.

Ички ахборот ва кенг алоқа йўлларининг мавжудлиги молиявий менежерлар ичида соғлом муҳит яратади ва ишчанлик фаоллигини рағбатлантиради. У ёки бу молиялаш манбаини ва ҳисоб-китоб шаклини танлашда, шартнома шартларини ишлаб чиқишда, тижорат кредитини беришда ва шу каби тадбирларни бажаришда ўзаро алоқа ва ҳамжиҳатлик талаб этилади.

Тадбиркорлик тузилмасида ишлаётган молиявий менежер пул маблағ жамғармаларининг шаклланиши ва пул айланувининг мувофиқлаштирилиши жараёнида доимий равишда ахборот янгиланишига эҳтиёж сезади. Ахборотнинг доимий янгиланиб туришига интилиш қуйидаги сабабларга кўра пайдо бўлади: қисман солиқлар, тўловлар, ҳисоб-китоблар, кредитлар, баҳо соҳасидаги қонунчиликнинг тез ўзгариб туриши; қисман-

молия бозоридаги рақобат; қисман-мақсадли стратегик кўрсатмалар; қисман-талаб ва таклифнинг ўзгариб туриши.

Молиявий менежментнинг жорий фаолиятига компаниянинг тегишли мол-маҳсулот ва хизматлар бозоридаги эгаллаган ўрни таъсир кўрсатади.

Кучли рақобатбардош ўрин-тармоқ бўйича ўртача катталикдан юқори бўлган фойда меъёрини билдиради. Молиявий менежер бундай ўриндан фирмани молиялаш манбалари билан таъминлашда устиворликка эришиш, молия бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаш, кредит олиш, қўшимча акция ва облигацияларни муомалага чиқариш орқали маблағ жалб қилиш учун стратегик мақсадда фойдаланиши мумкин. Корхонанинг молиявий соҳадаги обрўсини мустаҳкамлаш учун инвестициялар доирасидаги рақобатда эришилган устиворликдан ўз вақтида фойдаланиш ва сармоя жамғарилишини таъминлаш жуда муҳимдир.

Объектнинг молиявий бошқаришга мойиллиги баҳолаш кўрсаткичларида ва акцияларнинг курс қийматида намоён бўлади.

Сармоя бозорида талаб биринчи даражали аҳамиятга эга. Қимматли қоғозлар бозорида таклиф устивор бўлади. Молиявий менежмент тармоқ бўйича ўртача даражадан юқори бўлган фойда кўришликни таъминлаш концепциясига таянади.

Инфляция юқорилиги шарт-шароитида тадбиркорлик, олиб-сотарлик шаклида барқ уриши мумкин. Тадбиркор ва менежер истеъмолни рағбатлантириш ва ишлаб чиқариш манфаатларида ҳаракат қилган ҳолатидагина стратегия пайдо бўлади. Тадбиркорликнинг бундай шакли ривожланиш, мақсадни белгилаш ва унга эришиш, сармоя жамғарилишини ва инвестицияларнинг амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда маблағ манбаларини тақсимлаш ва улардан фойдаланиш концепциясининг мавжуд бўлишини талаб этади.

Тадбиркорлик тузилми фаолиятнинг самарадорлигига номувофиқлаштириш жараёни катта таъсир кўрсатади, яъни ички ривожланиш масалаларини ҳал қилишда мустақиллик берилади ва ташқи таъсир енгиллаштирилади. Давлат томонидан мувофиқлаштириш амалиётнинг камчиликлари меҳнат унумдорлигининг ўсишига, ишлаб чиқариш самарасининг ор-

тишига, ишлаб чиқилаётган маҳсулотнинг сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Хусусийлаштиришни, акциядорлаштиришни, иқтисодиётда хусусий шуъба барпо этилишни таъминлаш ва амалга ошириш жараёнларидаги мавжуд камчиликлар айниқса ёмон, шу жумладан ижтимоий оқибатларга олиб келади. Давлат, муниципал ва сотиб олиш ҳуқуқини ижара корхоналари учун тенг бўлмаган шароитлар яратиб берилгани давлат томонидан хусусийлаштириш жараёнини мувофиқлаштириш амалиётининг катта камчиликларидан биридир.

Хусусийлаштирилаётган мулк қийматини баҳолаш, аниқроғи, мулкни эгаликка олиш тартиби шунга олиб келдики, меҳнат жамоалари учун мулк қолдиқ қиймати бўйича сотилди, қолган тадбиркорлар эса тижорат ва инвестицион тандов ҳамда ким ошди савдоси қаттиқ шароитлари доирасида қолдирилдилар.

Меҳнат жамоаларига кўра ёмонроқ шароитга қўйилган корхоналар хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш йўлида ғов бўлиб туриши мутлақо аёндир. Бундай корхоналар бойишнинг ўзгача, баъзида қонунга хилоф бўлган йўлларини излашди. Ишчилар сонининг кўплиги муносабати билан юқори унумли меҳнатга рағбат бўлувчи омиллар қандайдир вақт давомида йўқотиб қўйилади. Бундай вазиятда тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятида аниқлик бўлмайди, катта таваккалчилик хавфи билан боғлиқ бўлади ва кўп ҳолларда амалдаги қонунчиликка зид келади.

Бу эса тадбиркорликнинг ва хусусий ташаббусни рағбатлантирувчи бозор қонунчилигининг аниқ тизимини ишлаб чиқиш зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди.

ҚАЙТАРИШ УЧУН АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

Молиявий таъминот
Сармоялар бозори
Ўз харажатларини қоплаш
Ўзини-ўзи молиялаш
Стратегия тўплаши
Рақобатчилик муҳити
Сармояни бошқа жабҳага йўналтириш

Эмиссион фаолият
Инвестор
Инвестицион фаолият
Юксалиш усуллари

Босқичма-босқич молиялаш

Бир маротабали молиялаш

Сармоянинг бир-бирига кириши кетиши

Тадбиркорлик тузилмаси

Синергизм таъсири
Жорий молиявий менежмент
Стратегик молиявий менежмент
Юқоридан пастга бирлашиш тизими
Рақобатда эришилган устиворликлар
Молиявий менежментнинг сифатлилиги.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ

1. Сармоялар бозори қайси унсурлардан иборат?

2. Тадбиркорликнинг молиявий таъминланиши қандай шарт-шароитда ўз харажатларини қоплаш тамойилини амалга оширади?

3. Режага асосланган ва бозор иқтисодиётида ўзини-ўзи молиялаш тамойилининг амалга оширилишидаги фарқ нимада?

4. Молиявий юксалиш стратегияси тушунчасига нималар киради?

5. Юксалишнинг ички ва ташқи усуллари молиявий таъминот соҳасида қандай устиворлик ва камчиликларга эга?

6. Тадбиркорлик тузилмаси стратегиялар тўплами нимадан иборат?

7. Тадбиркорлик тузилма фаолиятининг тўхтатишида ва бизнеснинг янги жабҳаларига сармояни йўналтиришда молиявий маблағларни ишлатиш йўналишининг самарадорлигини белгиловчи шарт-шароитлар нималан иборат?

8. Қандай аломатлар тадбиркорлик тузилмасига тавсиф беради?

9. Юқорида тавсия бирлашиш тизими қандай амал кўрсатади ва ундаги ички муносабатлар қайси тамойилларга асосланган?

10. Рақобатда эришилган қандай устиворликлар молиявий жабҳада мавжуд бўлиши ва молиявий менежер томонидан улар қандай амалга оширилиши мумкин?

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУСИ

— Тадбиркорлик молиявий таъмирлаш шакллари ва услублари

— Ўз харажатларини қоплаш ва ўзини-ўзи молиялаш

— Молиявий юксалиш усуллари

— тадбиркорлик тузилмаси — молиявий бошқариш объекти сифатида.

ХУЛОСА

1. Тадбиркорликнинг молиявий таъминоти сармоя бошқаришнинг сармояга жалб қилиш юзасидан фаолиятни, сармоя жойлаштиришни ва ундан фойдаланишни билдиради.

2. Даромад келтирувчи тўлов воситалари ва пул маблағ манбалари оқимини бошқариш механизми ҳисобланган сармоялар бозори эмитентларни ва инвесторларни бирлаштиради, қимматли қоғозлар ва валюта пул қимматликларига бўлган талаб ва таклифни амалга оширади.

3. «Харажатларни қоплаш — кўрилган даромад ҳисобида жорий харажатлар қопланишини билдиради ва жорий молиявий менежмент қаторига киради.

4. Ўзини-ўзи молиялаш — сармоя жамғариш мақсадида тадбиркорлик тузилмасининг пул маблағ жамғармаларини бошқариш юзасидан молиявий стратегияни билдиради ва стратегик молиявий менежмент қаторига киради.

5. Мосланувчанлик — стратегик молиявий менежментнинг энг муҳим унсуридир.

6. Сармоялар бир-бирига кириши ва кетиши — молиявий барқарорлик ва тўлов қобилиятини сақлаб туриш ҳамда банкротлик хавфини камайтириш услуби ҳисобланади.

7. Молиявий диверсификациянинг мақсади энг маъқулона

сармоя қуйилмалари ва стратегиялар тўплами орқали белгиланувчи узоқ вақт давомида фойда кўришликдир.

8. Жорий молиявий менежмент тижорат ташаббусини, меҳнат унумдорлигини ўтишини сарф ҳаражатларининг маъқулоналигини рағбатлантиради.

9. Жорий молиявий менежментнинг йўналиши ички молиялаш манбаларига киритилади.

10. Стратегик молиявий менежмент сармоя жамғариш ва молиявий маблағларни қайта тақсимлаш йўлларини излаб топади.

11. Юқоридан пастга бирлашиш тизими турли тадбиркорлик тузилмаларини бирлаштиради ва синергизм таъсирини амалга оширади.

12. Молиявий соҳадаги рақобатда эришилган устиворликлар — молиявий маблағларни тезкор жалб этишдаги кенг имкониятлардан ва корхонанинг ташқи инвесторлар учун қизиқарли бўлишидан иборатдир.

13. Молиявий менежментнинг сифатлилиги сармоялар бозоридаги рақобатда эришилган стратегик устиворликларда, шу ҳисобда сармоя топишнинг осонлиги, қимматли қоғозларнинг иккала тараф учун ҳам кераклиги молиявий ҳамкорликка интилишда тавсифини топади.

5. ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ МОЛИЯВИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Бу борада қуйидагилар кўриб чиқилади:

— Хусусийлаштиришнинг икки босқичи;

— Хусусийлаштиришнинг махсус манбалари;

— Хусусийлаштириш жараёнини ким ва қандай ташкиллайди ҳамда йўналтиради;

— Нима учун хусусийлаштириш турли усуллар орқали амалга оширилади; Хусусийлаштириш жараёнидаги акциядорлаштиришнинг алоҳида хусусиятлари:

— Хусусийлаштиришда чек билан ишлаш босқичининг натижалари;

— Кичик бизнесга бўлган катта қизиқишнинг сабаблари.

5.1. ХУСУСИЙЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ

Хусусийлаштириш ва тижоратлаштириш тадбиркорлик молиявий таъминоти шакллари ва шарт-шароитларнинг ўзгариб боришига олиб келади. Шунинг учун уларни ўрганиш молиявий менежментдан катта аҳамият касб этади.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ МАҚСАДЛАРИ

— Хусусий мол эгалари қатламини яратиш
— Корхоналарнинг иш самарасини ошириш
— Молиявий барқарорликка кўмаклашиш
— Рақобатчилик муҳитини яратиш ва джемонополчзация
— Хорижий инвестицияларни жалб қилиш.

Ўзбекистон Республикасидаги давлат ва бошқа корхоналарни хусусийлаштириш юзасидан давлат дастури корхоналарнинг уларнинг имкониятга ва хусусийлаштириш муддатларига қараб гуруҳларга ажратади. Давлат ҳокимияти ва давлат бошқариш идоралари учун хусусийлаштириш бўйича топшириқлар ва ҳисоб-китоб кўрсаткичлари ўрнатилади.

Хусусийлаштириш жараёнида олинган даромадлар белгиланган меъёрий кўрсаткичлар бўйича барча даражали бюджетларга ва хусусийлаштириш бўйича давлат идораларига, шу ҳисобда мулк жамғармалари ва мулк бошқариш қўмиталарини тушириладн.

Хусусийлаштиришнинг асосий манбалари (Россия 1994 йилни 1 июлигача хусусийлаштириш чеклари) ва корхоналарнинг хусусийлаштириш жамғармалари бўлган.

Хусусийлаштириш чеки — чек эгасининг беғараз тақсимланаётган мулкидаги улушга эгалик қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги давлат гувоҳномасидир. Ушбу чек тўлов воситаси сифатида ишлатилган, тайинли мақсадга ва чекланган фойдаланиш муддатига эга бўлган.

Корхонанинг хусусийлаштириш жамғармаси ҳам хусусийлаштиришни молиялаш мақсади манбаидир. Бундай жамғармага эга бўлиш ҳуқуқи фақат корхона ишчиларига ва мазкур корхонадан нафақага чиқиб кетган шахсларга берилган. Дав-

лат ва бошқа корхоналарда хусусийлаштириш жамғармаси иқтисодий рағбатлантириш жамғармаси қолдиқлари ва солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар тўлаб бўлинганидан сўнг корхона ихтиёрида қолувчи ҳақиқий фойданинг 50 фоизи ҳисобига ташкил этилган. Хусусийлаштириш жамғармаси ишчиларнинг даромадлари ва хўжалик молиявий фаолият натижалари учун жавобгарлик даражасига қараб, шахсий хусусийлаштириш ҳисоб варақалари бўйича тақсимланган. Шахсий хусусийлаштириш ҳисоб варақаларидаги маблағлар давлат эгалигидаги ва бошқа мулк эгаларининг турли объектларини сотиб олиш учун ишлатилган ва меҳнат жамоасига анча катта имтиёзлар яратган.

Таплов бўйича ёки ким ошди савдосида сотилаётган корхонанинг дастлабки нархини, акциядорлик жамиятининг иқтисодий сармояси ҳажмини аниқлашда хусусийлаштириш жамғармаси ҳисобга киритилмаган. Шу тариқа, хусусийлаштириш жамғармасига йўналтирилган фойдага ишчиларнинг шахсий эгалиги тан олинган.

5.2. ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

Ўзбекистон Республикасида хусусийлаштириш ва мулк бошқариш. Давлат қўмитаси (Давлат мулк қўмитаси), уни тегишли ҳокимликлар таркибига кирувчи ҳудудий бўлинмалари ташкил этадилар. Улар ўз моҳияти бўйича хусусийлаштириш мафкурачилари ва йўлбошчилари бўла туриб:

— корхоналарни хусусийлаштириш бўйича комиссиялар тузишади;

— корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини ислоҳот қиладилар;

— корхонага эгалик қилиш ҳақидаги гувоҳномаларни тегишли мулк жамғармасига сотиш учун топширадилар;

— инвестицион жамғармаларни ва холдинг компанияларни тузишга кўмаклашадилар.

Давлат мулк жамғармаси — Ўзбекистон Республикасига тобе бўлган ва хусусийлаштиришни амалга оширувчи ноҳуку-

мат органи Ўзбекистон Республикаси эгалигидаги мулкка эгалик қилади, уни тасарруф этади ва бошқаради. Ҳудудлар бўйича жамғарманинг маҳаллий бўлимлари тузилган.

Жамғарма — хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг, акциядорлик жамиятлар сармоясидаги улуш, пай, акцияларнинг сотувчиси ҳисобланади. Сотиб юборилгунига қадар жамғарма пул қўмитаси томонидан корхонага, низомий сармоядаги улушларга, пайларга, акцияларга эгалик қилиш ҳақидаги жамғармага топширилган гувоҳномаларга эгалик қилади, акциядорларнинг умумий мажлисларида мулк эгаси далолатларини амалга оширади, корхона мулкида эгалик қилаётган улуши доирасида корхона фаолиятига оид таваккалчилик хавфини ўз зиммасига олади, ушбу улушларни сотади, акциядорлик жамиятлари эса масъулияти чекланган жамиятларнинг муассиси сифатида чиқади: хусусийлаштиришдан олинган тушумни ва дивидендларни олади ҳамда бюджетларга ва давлат бошқариш идораларига ўтказади; инвестицион жамғармалар ва холдинг компаниялари тавсия этганида жадвалга қарашли акциядорлик жамғармаларининг акцияларини ушбуларнинг акцияларига алмаштиради. Ўзбекистон Республикаси давлат мулк қўмитаси ва унинг жойлардаги идоралари юридик ҳуқуқига эга бўлиб, хусусийлаштириш борасида амалга оширилган битимлардан даромад оладилар ва маҳаллий маъмурият билан яқиндан ҳамкорлик қиладилар.

Қўмита хусусийлаштиришга тайёргарлик ишини амалга оширади, уни ўтказиш тартибини ва шарт-шароитларини белгилайди. Бу борқичда хусусийлаштириш режасининг тузилиши ҳамда хусусийлаштиришдан сўнг давлат ва бошқа корхоналар айланиши лозим бўлган тижорат ташкилотлари таъсис ҳужжатларининг тайёрланиши катта аҳамият касб этади. Иккинчи борқичда қимматли қоғозларни, зеро корхоналарнинг пул айланувчи ва сармояларини бошқариш ишларига алоҳида ўрин ажратилади. Биринчи борқичда молиявий менежерларнинг вазифаси қуйидагилардан иборат: акциядорлаштириш жараёнида эмиссия дастури бўлиб хизмат қилувчи хусусийлаштириш режасини тузиш ҳамда фойда тақсимлаш тартибини, пул маблағ жамғармалари таркибини ва ташкил этилиш шарт-шароитларини турли хилдаги акция эгаларининг ҳуқуқларини, молиявий фаолият ташкил этилиши ва бошқарилишини

белгилаб берувчи ташкил этилаётган тижорат ташкилотининг низомини тузиш. Хусусийлаштирилаётган корхоналардаги молиявий менежерлар хизмати акциядорлик сармоя ҳаракати билан боғлиқ мулк жамғармасининг барча йўналишлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишлари зарур. Акцияларнинг бир қисми Давлат эгалигида бўлган вақтига довур бундай алоқалар давом этиб келади. Хусусийлаштириш жараёнида ташкил этилаётган акциядорлик жамиятларига воситачилик ҳуқуқи берилади.

5.3. ХУСУСИЙЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ

Хусусийлаштириш бир неча усулларда амалга оширилади:

— очиқ турдаги акциядорлик жамият акцияларининг сотуви;

— тижорат кўрик-танлови, инвестицион кўрик-танлови кўринишидаги ихтисослашган ким ошди савдосида корхоналарнинг сотуви;

— тугатилаётган ва тугатилган корхона активларининг сотувчи;

— корхоналарнинг масъулияти чекланган жамиятларга сотилиши;

— ижарага олинган мулкнинг сотиб олиниши.

Очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари акцияларининг сотувини ташкиллаш жараёни жуда мураккабдир. Бу жараён қуйидагилардан иборат бўлади: корхона ишчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга имтиёзларни қўллаган ҳолда ёпиқ обуна бўйича акцияларни сотиш, инвестицион ва тижорат кўрик танловларига, жамғармалар бозори тартибини қўллаган ҳолда ким ошди савдосида, акциялар сотувига ихтисослашган ким ошди савдосида акцияларни сотиш.

Қўлланилаётган хусусийлаштириш усулларига нисбатан икки гуруҳдаги корхоналар ажратилади:

— биринчи гуруҳга асосий жамғармаларнинг баланс қиймати ҳолатига кўра сўмдан ортиқ бўлмаган ва тижорат ҳамда инвестицион кўрик-танловлари, ким ошди савдоларида сотилувчи корхоналар киради;

— иккинчи гуруҳга очиқ турдаги акциядорлик жамиятларига айлантирилаётган қолган барча корхоналар киради.

Хусусийлаштириш дастурида хусусийлаштириш услубининг айланиши борасида, аҳолига ҳизмат кўрсатиш, ижтимоий — маиший ва ишлаб чиқариш муаммоларининг ечимига боғлиқ ҳеч қандай чеклашлар йўқ.

Кўрик-танлов ёки ким ошди савдосида давлат ва бошқа корхоналар сотилиши жараёнидаги барча ташкилий масалалар мулк бошқариш қўмитаси томонидан ҳал этилади. Ушбу қўмита объектнинг дастлабки сотув баҳосини белгилайди. Мулк мажмуасининг хусусийлаштириш комиссияси томонидан баҳоланган қиймати дастлаб қўйилувчи нарх ҳисобланади. Объект харидорлар, шу жумладан, ишчилар томонидан таклиф этилган юқори нарх бўйича сотилади. Ишчилар хусусийлаштирилаётган корхона рўйхатидаги ишчилар таркибининг учдан бир қисмидан кам бўлмаган сонини бирлаштирган ҳолларда, улар сотув нархидан 30 фоизга арзон ва муҳлати 3 йилгача бўлган тўлов имтиёзларидан фойдаланиб объектни сотиб олишлари мумкин. Бундай шароитда меҳнат жамоалари кўп ҳолларда «ҳомийлар» хизматидан фойдаланадилар, ҳомийлар эса хусусийлаштириш битимлари бўйича пул тўлаб мулкнинг ҳақиқий эгаларига айланадилар. Ким ошди савдосидан фарқли ўлароқ кўрик-танлов харидорга нисбатан аниқ талаблар қўяди: объектнинг мақсадга мувофиқ ишлатилиши, ишчи ўринларининг сақланиб қолиши, ижтимоий масалаларнинг ечилиши, инвестицияларнинг амалга оширилиши. Меҳнат жамоаларига бериладиган имтиёзлар ким ошди савдосидаги сингари, Давлат ва маҳаллий корхоналар хўжалик жамиятларига айлантирилганида низомий сармоя ҳажми мулкнинг баҳоланган қиймати, акциялар ёки пайларни тарқатиш тартиби ва шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Низомий сармоя ҳажмини шу тариқа белгилаш тартиби корхона ривожланиши ва ишлаб чиқариш кенгайиши учун корхонани зарур маблағлар билан таъминлай олмайди. Инвестор бўлиш имкониятига эга шахслар: меҳнат жамоаси аъзолари, юридик шахслар ва фуқаролар, давлат бошқариш идоралари ўртасида акцияларни тақсимлаш мутаносиблиги катта аҳамиятга эгадир. Бюджетга тўланувчи бадал миқдори ушбу нисбатга боғлиқ бўлади. Акция эгаси давлат мулкини бошқаришга вако-

латли шахс бўлган ҳолларда, бюджетга йўналтирилувчи тўловлар ушбу акцияларнинг сотув нархига тенг миқдорда камаяди, чунки мулк сотиб олиш амали рўй бермайди. Корхоналарнинг акциялаштирилиши икки асосий жиҳатдан иборат: ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий. Ташкилий-ҳуқуқий жиҳат корхоналарнинг тижорат ташкилоти шаклида рўйхатга олинишини билдиради.

Молиявий жиҳат — акцияларни чиқариш ва уларни жойлаштиришдан иборатдир.

Ихтисослашган ким ошди савдоси — умумий тўлов миқдори ва сотиб олинаётган акциялар сони кўрсатилган буюртманома бериш йўли орқали иштирок этиш мумкин бўлган очиқ савдода акцияларни сотиш услубидир. Ким ошди савдосида ютиб чиққанларнинг барчаси акцияларни ягона нарх бўйича сотиб оладилар. Ким ошди савдоси иштирокчилар таркиби бўйича очиқ, буюртманома бериш шакли бўйича ёпиқ бўлади. Ихтисослашган ким ошди савдосида акция сотувчилари сифатида қуйидагилар иштирок этади: давлат мулк жамғармаси ва унинг топшириғига кўра иш юритаётган маҳаллий бўлимлари — Ўзбекистон Республикасининг давлат эгалигидаги давлат корхоналарини акциядорлик жамиятларига айлантириш орқали хусусийлаштириш жараёнида барпо этилган акциядорлик жамиятларининг акциялари бўйича; мулк жамғармалари, уларнинг йўқлигида эса мулкни бошқариш қўмиталари — маҳаллий ўзини бошқариш идоралари ва мамлакат эгалигидаги давлат ҳамда маҳаллий корхоналарни акциядорлик жамиятларига айлантириш орқали хусусийлаштириш жараёнида барпо этилган акциядорлик жамиятларининг акциялари бўйича. Акция сотувчиси ихтисослашган ким ошди савдосида сотилувчи акциялар ҳақидаги маълумотларни эълон қилади, буюртмаларни қабул қилиш тартибини белгилайди, ижроия ҳукумат идоралари томонидан акция (номинал) қийматининг 70 фоизидан кам эмас ва икки баробаридан ортиқ бўлмаган катталиги чегарасида белгиланган акцияларнинг дастлабки нархини белгилайди. Шунингдек, акция сотувчиси ким ошди савдоси иштирокчиларидан маблағ қабул қилинишини ва қайтариб берилишини амалга оширади, харидорнинг эгалик ҳуқуқини расмийлаштиради, ким ошди савдосининг якуни ҳақида маълумот эълон қилинишини ташкиллайди. Сотувчилар

ўз вазифасини бажаришлари учун мулк бошқариш қўмиталари томонидан уларга: хусусийлаштириш режалари, акциядорлик жамиятининг низоми, ким ошди савдосида сотилиши лозим бўлган акцияларининг сертификати, акциядорлик жамиятининг давлат рўйхатига киритилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, низомий сармоя ҳажми аниқланган санага ва сўнгги йил бўйича бухгалтерлик баланслари берилади.

Ихтисослашган ким ошди савдосининг иштирокчиси сотувчига: акциялар ҳақини тўлаш учун таклиф этилаётган тўлов миқдори ва акциялар сони кўрсатилган буюртманомани тақдим этади. Акциялар сони кўрсатилмаган бўлса, чекланмаган сонда харид қилиш истагини билдиради.

Ихтисослашган ким ошди савдосини сотувчи томонидан тасдиқланган доимий фаолият кўрсатувчи комиссия олиб боради. Ким ошди савдосида қатнашиш учун берилган буюртманомалар қабул қилиниши тугатилган ва иштирокчилар аниқлаб олингандан сўнг комиссия томонидан баённома тузилади. Жами буюртманомалардаги умумий тўлов миқдори сотувга қўйилаётган акцияларнинг дастлабки нархи бўйича қийматидан кам бўлган ҳолларда, комиссия фақат дастлабки нархи бўйича жами тақдим этилган буюртманомалардаги умумий тўлов миқдорига тенг келувчи акциялар сонини ҳисобга киритади.

Аукционда ютиб чиққан иштирокчиларга сотилувчи акциялар сони ҳал қилувчи ўрин эгаллайди. Агар буюртманомада акциялар сони кўрсатилмаган бўлса ёки кўрсатилган сони ким ошди савдосида белгиланган акциялар сонидан кам бўлса, савдода ютган иштирокчи комиссия томонидан коэффициент кўпайтмаси сифатида белгиланган сондаги акцияларни олади.

Буюртмаларида акциялар сони кўрсатилган иштирокчиларнинг ким ошди савдосида белгиланган акциялар сонига тенг умумий акциялар сони деб, ҳам ошди савдосида сотилаётган акцияларнинг умумий пул миқдори ва ким ошди савдосида ютган иштирокчиларга сотилаётган акцияларнинг умумий пул миқдори ўртасидаги муносабатга айтилади. Бунда, энг катта тўлов миқдори кўрсатилган буюртманомаларни биринчи навбатда қондири тартибига риоя этилади.

Ким ошди савдосини ўтказаётган комиссия дастлабки номинал акцияларнинг хоҳланган акциялар сонига бўлиш

ҳақидаги қарорни қабул этиши мумкин. Шу тариқа, низомий сармоя катталиги ўзгармаган ҳолатда акциялар сони ва уларнинг номинал қиймати ўзгаради. Ким ошди савдоси ўтказилганидан сўнг акциядорлик жамиятига тегишли барча акцияларнинг, шу ҳисобда ким ошди савдосига қўйилмаган акциялар номинал қийматининг бир хиллигини таъминлаш жуда муҳимдир.

Акцияларга эгалик қилиш ҳуқуқи, акциядорлар рўйхати кучига эга бўлган ихтисослашган ким ошди савдосининг якунлари ҳақидаги баённома тасдиқланган пайтдан бошлаб харидорга ўтади. Акция сотувчиси буюртманома қабул қилиш муддати тугаганидан кейинги 10 куни мобайнида комиссия баённомасини тасдиқлашга мажбур. Бундан кейинги 10 кун мобайнида сотувчи ким ошди савдосининг якунлари ҳақидаги маълумотларни эълон қилади ва эълон қилинганидан кейинги 10 кун мобайнида акциядорлик жамиятининг акция эгаларига, яъни ким ошди савдосида ютиб чиққанлар ва ютқизган иштирокчиларга хабарнома юборади.

Хусусийлаштириш жараёнида корхонанинг акциялаштирилиши янги акциядорлик жамиятининг ташкил қилинишидан фарқ қилади. Қимматли қоғозлар эмиссияси уларнинг жойлаштирилиши, муассисларнинг ҳуқуқлари каби тартиб — қоидаларда ҳам фарқ бор.

Хусусийлаштириш жараёнида корхоналарни акциялаштириш, кейинчалик очиқ турдаги акциядорлик жамиятига айлантириш мақсадида таркибий тузилмаларни ажратиб чиқариш, тегишли вазирликлар ва маҳаллий маъмуриятнинг тармоқ бошқариш идоралари тузилмасидан ажралиб чиқиш каби тадбирлар тижоратлаштириш жараёнининг мазмунини ташкил этганлар.

ТИЖОРАТЛАШТИРИШ амали қуйидагиларни таъминлади:

Корхоналар ихтиёрий бирлашмалари ташкилий — ҳуқуқий шаклларнинг амалдаги қонунчиликка мос келтирилишини, ишонч асосидаги амалиётларининг кенг ривож топишини, давлат эгалигида қолувчи мулкни бошқариш билан боғлиқ муаммоларнинг ечимини. Холдинг компаниялари ҳам тижоратлаш-

тириш доирасида рўйхатга олинган, бу эса саноатнинг таркибий ислоҳотини тартибга келтириш ва бирлашган ишлаб чиқариш — технологик мажмуаларини барпо этишда учун катта аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда хусусийлаштириш доирасида қуйидаги чора — тадбирлар амалга оширилмоқда: ноқонуний равишда давлат эгалигида қолдирилган ёки холдинг компаниялар активи таркибига киритилган акциядорлик жамиятларининг акция тўпламлари ажратилиб, тегишли мулк жамғармаларига сотиш учун йўналтирилмоқда;

хусусийлаштирилган корхоналар остидаги ер майдонлари хусусийлаштирилмоқда;

йирик инвесторларни жалб қилиш мақсадида, давлат ва маҳаллий корхоналар негизида барпо этилаётган акциядорлик жамиятларининг акциялари низомий сармоянинг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорини ташкил этувчи тўпламларда сотилмоқда;

Ижтимоий — маданий ва турар жой коммунал соҳасига тегишли объектларни акциядорлик жамиятларидан олиб қўйиб, ушбу объектларга хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш учун янгидан барпо этилаётган маҳаллий корхоналарнинг балансига топшириш жараёни якунланмоқда;

қимматли қоғозлар бозори инфратузилмаси ривожланмоқда ва мустаҳкамланмоқда;

Мулк бошқариш қўмиталари, мулк жамғармалари, ноқобиллик (банкротлик) юзасидан ишлар бўйича ҳудудий давлат бошқариш идоралари ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш ишлари тобига етказмоқда.

5.4. ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА КИЧИК БИЗНЕС

Хусусийлаштиришнинг амалга оширилиши кўп сонли кичик корхоналарнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Кичик корхоналарнинг йўналиши анъанавий тарзда жорий фойдага қаратилган бўлиб, улар талаб ва таклифга ҳозиржавоб бўлиш қобилиятига эга ва мол-маҳсулот, иш хизматларидаги эҳтиёжни тезкорлик билан қониқтира оладилар. Улар ўзига хос бозор инфратузилмасини шакллантирадилар ва рақобатчилик муҳитини яратадилар. Шундай тармоқ гуруҳлари мавжудки,

улардаги меҳнатни ташкиллашда кичик бизнес энг кўп учрайдиган шакл бўлиши мумкин, асосан бу — аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси.

Кичик миқёсдаги тадбиркорлик кўп сармоя тўплашни талаб этмайди ва бунга нафақат қиммат ишлаб чиқариш жамғармаларида зарурат йўқлиги, балки юқори сармоя айланувн ҳисобига эришилади. Бироқ, кичик корхоналар пайдо бўлиши даврида, одатда, давлат ёрдами зарур бўлади. Бизнинг мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хукумати томонидан шундай ёрдам беришга қаратилган қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинган. Ушбу ҳужжатлар кичик корхоналарнинг ишчанлик фаоллигини рағбатлантириш ва фаолият ҳажмини кенгайтириш учун хизмат қилади. Кичик, ўрта ва хусусий бизнесга давлат томонидан ёрдам кўрсатилиши кўп жиҳатдан ушбу корхоналарнинг фаолияти ижтимоий тусдаги соҳаларда мавжуд оммавий истеъмолчилар эҳтиёжини қондиришга қаратилганлигига асосланади.

Аммо кичик корхоналар мустақил равишда катта ҳажмли жамғармаларни, қувватларни, маблағларни, илмни ва меҳнатни талаб қилувчи ишлаб чиқаришга ташаббускор бўла олмайдилар. Шунинг учун уларнинг иқтисодиётидаги аҳамиятини ортиқча баҳолаб бўлмайди. Улар йирик ишлаб чиқаришларга пудрат асосида самарали хизмат кўрсата оладилар ва ушбу шарт—шароит Японияда ва қатор бошқа мамлакатларда кенг қўлланилади. Аниқ — ойдин белгиланган топшириқлар ва зарур моддий — техник маблағлар билан таъминланган кичик корхоналар тезлик билан керакли йўналиш оладилар ва ишлаб чиқаришни янги мол-маҳсулот чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатишга мослаб оладилар. Бироқ ушбу ишлаб чиқариш оммавий — узоқ тусга эга бўлмайди.

Қолаверса, кичик корхоналар рақобатга ва банкротликка ўта мойилдирлар ва бу майлҳисобга олиниши зарур. Турли хилдаги тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган фойда меъёри катта даражада тебралиб туриши оқибатида кўпчилик кичик корхоналар ёпилади. Ушбу замминда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан кичик ва хусусий тадбиркорликка ёрдам бериш учун қаратилган қатор муҳим ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва бу мақсадда махсус жамғарманинг ташкил этилиши бежиз эмасдир.

Буларнинг ҳаммаси — ***кичик бизнес мол-маҳсулот ва хизматлар маҳаллий бозорнинг маъқулона тузилмасини шакллаш негизи*** бўлиб қолиши учун қилинмоқда. Бунинг учун меъёрий-ҳуқуқий асос шакллаш, кичик тадбиркорликни молиявий ва ишлаб чиқариш технологик жиҳатдан қўллаб қувватлаш тизимини мукаммаллаштириш зарурдир.

Молия менежментнинг ташкилланиши тадбиркорлик фаолият миқёсига боғлиқдир. Кичик корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришдан кўра, аёвчи технологиялар ва арзон ишчи кучини қўллаш орқали ишлаб чиқариш ва фойдаланиш чиқим ҳаражатларини қисқартириш осонроқ. Йирик компаниялар ишлаб чиқариш оммавийлиги ва энг самарали технологик янгиликларни қўллаш орқали сарф-харажатларни энг кам даражага етказиш ишларида кўпроқ самарага эришадилар.

Бироқ йирик ва ўртача корхоналарнинг имкониятлари кўп жиҳатдан амалга оширилмай қолади. Улардаги мавжуд имкониятларни қўшимча акциялар чиқариш, янги акциядорларни жалб қилиш ва тадбиркорлик фаолият натижалари учун масъулиятни ошириш орқали юзага чиқариш мумкин.

Йирик, ўртача ва кичик корхоналар ўртасида вужудга келувчи ўзаро муносабатлар катта аҳамият касб этади. Барқарор ишлаб келаёган компаниялар кичик корхоналарни фаоллик билан ҳамкорликка тортадилар, уларни молиялайдилар ва маблағ тежашга эришадилар. Кичик корхоналарни молиялаш ишларининг тўхтатилиши компанияда истиқболли ишланмалар йўқлигидан ва унинг молиявий аҳволи қалтислигидан далолат беради.

Йирик ва майда корхоналарнинг ***ўзаро фойдали ёнма-ён фаолият*** кўрсатишлари доим ҳам самарали бўлмайди. Йирик компаниялар ўз майлини ўтказади, хом ашё, моддий буюмлар ва жиҳоз-анжом билан таъминлаш ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш шарт-шароитларини белгилаш орқали ўз васийлиги остидагиларнинг фаолиятини назорат қиладилар.

Рақобатбардошлик ва мустақиллик юқори ҳаракатчанлик ва самарали ишнинг кафолатидир. Кенг тармоқли кичик корхоналарнинг барпо этилиши ва уларнинг амал қўрсатиши қатиқ тизимли марказлашган режалаш, асосидаги ишлаб чиқа-

ришнинг юқоридан пастга бирлашиши бузилгани натижасида юзага келувчи салбий оқибатларни нейтраллаштиради.

Кичик корхоналар эркин шериклар ўртасидаги бозор келишувларига доимо очиқ бўлиб, мол-маҳсулот, иш ва хизматлар бозорининг аниқ доирасидаги талаб ва таклифнинг ривожланишини рағбатлайдилар.

ҚАЙТАРИШ УЧУН АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

Хусусийлаштириш мақсадлари
Тижоратлаштириш
Хусусийлаштириш чеки
Хусусийлаштириш жамғармаси
Мулкни бошқариш қўмитаси
Мулк жамғармаси.
Хусусийлаштириш усуллари
Ихтисослашган ким ошди савдоси.
Инвестицион кўрик танлови
Тижорат кўрик танлови
Кичик бизнес
Кичик корхоналар
Корхоналарнинг ўзаро фойдали ёнма-ён фаолияти
Холдинг

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ:

1. Хусусийлаштириш қандай мақсадларни кўзлайди ва унинг молиявий таъминоти нимадан иборат.

2. Хусусийлаштиришнинг дастлабки даврида хусусийлаштириш чекларининг аҳамияти қандай бўлган? Нима учун жамғармалар бозорида чеклар муомалага киритилади?

3. Хусусийлаштириш шарт-шароитларида мулк бошқариш қўмиталари ва мулк жамғармалари қандай вазифа бажарадилар?

4. Корхонани хусусийлаштириш жараёнини тайёрлашда ва ўтказишда молиявий менежер қандай ўрин эгаллайди?

5. Хусусийлаштириш объектини нималар ташкил этади?

6. Қонунчилик ҳужжатларида хусусийлаштиришнинг қайси услублари белгилаб кўрсатилган ва уларнинг ҳар бирида хусу-

сийлаштиришни молиявий таъминлаш хусусиятлари қандай?

7. Турли даражадаги бюджетлар даромадига қўшилувчи харид тўловлари қисмида хусусийлаштириш якунлари қандай?

8. Кичик бизнеснинг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?

9. Ҳалол рақобатнинг ривожланишида кичик корхоналар қандай ўрин эгаллайди?

10. Йирик ва кичик корхоналар қандай тамойилларга асосланиб ҳамкорлик қилишлари мумкин?

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУСИ

Хусусийлаштириш: ўтказиш ва молиялаш тартиби;

Хусусийлаштириш услублари; акциядорлаштириш шарт-шароитлари;

Чеклар воситасида хусусийлаштириш натижаларини баҳолаш;

Кичик бизнеснинг молиявий хусусиятлари.

ХУЛОСА

1. Хусусийлаштириш чеки беғараз тақсимланаётган мулкдаги улушга эгалик қилиш ҳақида давлат томонидан берилган гувоҳнома бўла туриб, Россияда чек воситасида хусусийлаштириш даври (1992-1004 йиллар)да курсдаги ф рқдан даромад келтирувчи ликвид қимматли қоғоз сифатини олган.

2. Хусусийлаштиришнинг мақсадли молиявий манбаи сифатидаги хусусийлаштириш жамғармаси корхона ишчилари учун қўшимча имтиёзларни таъминлади ва шу орқали уларнинг мулкдаги улушини кўпайтиришга кўмак бўлди. Хусусийлаштириш тадбирларини ҳудудий бўлиниш тамойили асосида барпо этилган мулк бошқариш қўмиталари ва эгалик қилиш аломатлари бўйича ваколатни амалга оширувчи мулк жамғармалари ташкил этилади.

4. Корхона хусусийлаштиришнинг услублари ишчилар сонига, асосий воситалар ҳажмига, сотиб олиш ҳуқуқи мавжуд ижара шартномаларининг борлигига, тегишли мол-маҳсулот ва хизматлар бозоридаги улушга боғлиқдир.

5. Ютиб чиққанларнинг барчаси акцияларни бир нархда олишлари мумкин бўлган очиқ савдода акцияларни сотиш услуби сифатидаги ихтисослашган ким ошди савдолари ваучер давридан кейнги яъни мулк жамғармалари давлат эгалигида қолган акциялар тўпланмаларини сотаётганларида алоҳида аҳамият касб этадилар.

6. Кичик корхоналарнинг фаолияти жорий фойдага қаратилган бўлиб, улар талаб ва таклифга ҳозиржавоб бўлиш, ҳамда мол-маҳсулот, иш хизматларидаги эҳтиёжларини жадалкор бошқариш қобилиятига эгадирлар.

7. Кичик корхоналар пудрат асосида йирик ишлаб чиқаришлар билан самарали ҳамкорлик қила оладилар.

6. ДАВЛАТ МОЛИЯ — КРЕДИТ СИЁСАТИ

Ушбу бобда қуйидагилар ўрганиб чиқилади:

давлат томонидан молия — кредитларни мувофиқлаштириш услублари;

Молия — кредит сиёсатининг йўналишлари;

Молия — кредит сиёсатини белгиловчи ҳужжатларнинг мазмуни;

бюджетга тегишли жараёнларнинг иқтисодиётга таъсири;

бюджет тақчиллиги ва давлат қарзларининг молияланиши;

монетаризм ва кейнсианчиликларнинг молиявий концепцияси.

6.1. МОЛИЯ — КРЕДИТЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ

Молия фанининг пайдо бўлиши давлат билан боғлиқ бўлиб, молиявий масалалар узоқ вақт давомида давлат тўғрисидаги илмлар таркибида ўрганилган. Ушбу илмлар воситасида давлат даромадлари ва сарф-харажатлари ўрганилган. Давлат мустаҳкамланган ва давлат бюджетининг шаклланиши ҳамда молиявий маблағлар қайта тақсимланиши билан

боғлиқ мол-маҳсулот — пул муносабатларининг ривожланган сари молия фанининг аҳамияти ўсиб борган.

Социалистик жамият молияси давлат эгалигидаги ишлаб чиқариш воситалари доирасида ташкил топувчи пул муносабатларини ифодалаган. Шунинг учун ҳам ушбу даврда давлат томонидан мувофиқлаштириш ишлари умумий қамраб олиш жиҳатига, молия эса қатъий талаб шаклига эга бўлган.

Молиявий менежмент тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилишига имконият яратувчи ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилиш ўзгача шакллари доирасида вужудга келувчи пул муносабатларини ифодалайди.

Давлат томонидан мувофиқлаштириш ишлари — корхонага ёки тижорат ташкилотига қонуний расмийлаштирилган ташқаридан таъсир кўрсатиш тизимидан иборатдир.

Давлат томонидан мувофиқлаштириш ишлари айрим унсурларининг *зиддиятли* таъсири қонунчиликни бузишга ва ташқи таъсирининг айрим йўналишларини эътибордан четда қолдиришга мажбур этади. Давлат томонидан мувофиқлаштириш ишлари маълум хўжалик юритиш муҳитини яратади. Бундай мувофиқликда, алоҳида олинган корхона рўй бераётган ўзгаришларга мослаша олишга қараб, ўзини яхшироқ ёки ёмонроқ сезиши мумкин.

Давлат томонидан корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ишларининг асосий йўналишларини ажратиб олайлик:

Солиқлар тизими;

қийматнинг пайдо бўлиши;

ташқи иқтисодий фаолият;

пул муомаласи;

кредитлаш;

ҳисоб-китоб ва тўлов шакллари;

қимматли қоғозлар муомаласининг ташкилланиши;

бюджетдан молиялаш;

давлат бошқариш идоралар таркиби ва омилкорлик даражаси;

давлат кафолатлари;

лицензиялаш.

Давлат томонидан мувофиқлаштириш ишларининг барча йўналишлари ўзаро алоқада бўлиб бир-бирига таъсир кўрса-

тади. Ушбу ўзаро алоқаларнинг ойдинлаштирилиши тадбиркорлик тизимларининг фаолияти ва молиявий менежмент учун катта аҳамиятга эга. Давлатнинг мувофиқлаштирувчи жиҳати фақатгина давлат эгалигининг афзаллигини билдирмайди. Бунинг исботини жаҳон тажрибасидан кўришимиз мумкин. Чунончи, кўп унсурлари режалашга асосланган бўлиб, давлат томонидан гавдалантирилган юқори рақобатчилик муҳити хусусий капиталистик тадбиркорлик билан ёнма-ён фаолият кўрсатади. Давлатнинг иқтисодиётга таъсир кўрсатиши қаттиқ бозор қонунчилиги доирасида амалга оширилади.

6.2. ЗАМОНАВИЙ МОЛИЯ СИЁСАТИ

1992 йилнинг дастлабки ойларида бошланган нарх-наво эркинлашуви иқтисодиётидаги барча ўзгаришларнинг маркази бўлиб қолди. Нарх-навонинг ўсиши мол-маҳсулот, иш ва хизматлар қиймат ҳажмининг кескин ўсишига олиб келди. Бу эса тўлов воситалари миқдорининг кўпайишини талаб этди. Нарх-наво ўсишини тўхтатиш механизми мавжуд бўлмаган, тўлов воситалари билан эса аксинча вазият юзага келган. Пул эмиссиясининг тўхталиб қўйилиши оқибатида корхоналарнинг тўлов қобилиятида танқислик юзага келган. Ўзаро пул тўламаслик ҳолатларининг миқёси кредит қўйилмалари ҳажмидан ҳам ортиб кетди. Мисол учун, 1992 йилда кредит қуйилмалар олти баробарга, улгуржи нархлар эса 34 баробарга ортган. Кредитларнинг нотенг равишдаги бундай ўсиши уларга бўлган талабни орттирди, тижорат талабини орттирди, тижорат банклари орқали амалга оширилувчи олиб сотарлик амалиётларининг кескин ривожланиб кетишига олиб келди. Бунинг оқибатида эса фоиз тўловлари миқдори ҳам бетўхтов ўсиб борди. Жалб этилаётган ва тақдим қилинаётган кредит маблағлари бўйича фоиз тўлов миқдорларидаги фарқ, яъни маржа ўрнатилмаганлиги натижасида тижорат банклари фоиз тўлов миқдорларини ўстира бошлаганлар, сўнг Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ҳам ушбу ташаббусни қўллаб қувватлади. Марказий Банк томонидан фақат 1992 йил биринчи ярмининг ўзидагина кредит маблағларини қайта молиялаш миқдори бир неча баробар орттириб қўйилди. Ўз навбатида ти-

жорат банклари ҳам кредитдан фойдаланганлик учун фоиз тўловларини оширдилар ва кредит бериш муддатини бир неча ой билан чегараладилар. Ҳар ойда фоиз тўлов миқдорларини белгилаш ва уни ойма-ой тўғрилаш мумкинлиги тажрибага киритилди.

Тижорат банклари ўз ҳаракатларини воситачилик амалиётларини кредитлашга қаратдилар. Бундай амалиёт бажарувчилар юқори фоиз тўловларидан қўрқмайдилар, чунки бу чиқимлар янада юқори инфляция ва нарх-наво ўсиши суръатлари воситасида қопланади. Фоиз тўлов миқдорларининг оширилиши нарх-наво ўсишига рағбат бўлди ва инвестицион фаолликни сўндирди.

Жаҳондаги етакчи валюталарга нисбатан сўм курсининг беасос пасайтириб юборилиши ҳам пул муомаласига анча зиён етказди. Бунинг натижасида пул бозоридаги олиб сотарлик янада кучайди. Собиқ СССРнинг мамлакат банклари томонидан миллий валютага ўтиш давридаги назоратсиз қолдирилган пул эмиссияси ҳам жиддий муаммога айланди.

Тўлов воситаларида танқислик сезган корхоналар ишлаб чиқаришни қисқартирдилар, хўжалик алоқалари бузилди ва бунинг оқибатида иқтисодиётдаги мувозанатсизлик янада кучайди. Тўлов воситаларидаги танқислик нақд пулсиз ва нақд пул муомаласига ҳам таъсир кўрсатди. Нақд пул айланувн кескин секинлашиб кетди. Бунинг натижасида аҳоли даромадининг ўсиши ва мол айланувн ҳамда истеъмолчилик мол-маҳсулотларининг нархи ўртасида нотенглик вужудга келди.

Корхоналар тўловга қобилиятсиз бўлиб қолишлари оқибатида меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарздорлик миқдорлари ўсиб борди. Лекин ушбу қарздорликни секин-аста қисқартиришга эришилди.

1992 йилнинг ўрталарида нақд пулларни олиб сотарлик қилиш кенг ривож олди.

Нақд пулсиз маблағларга нисбатан нақд пулларнинг норасмий курси вужудга келди. Корхоналар ўз маҳсулотларини нақд пул тўловчи мижозларга бевосита сота бошладилар, бу эса фойдадан тўланадиган солиқларни оширишига имконият яратди.

Умуман олганда 1992 йилдаги аҳоли пул даромадлари ўтган йилдагининг ярмини ташкил этди, холос. Омонатлар пул

даромадининг 5-6 фоизидан ортиқ бўлмаган қисминигина ташкил қилган.

Пул тўловларидаги бундай вазиятни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан 1992-93 йилларда қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди, хусусан: нақд пул муомаласини яхшилашга доир дарҳол кўрилувчи чора-тадбирлар ҳақида халқ хўжалигида ҳисоб-китоб ишларини яхшилаш ва корхонанинг молиявий аҳволи учун масъулиятни ошириш ҳақида. Ушбу қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ касса амалиётларини бажариш бўйича янги тартиб ўрнатилган, корхона ва ташкилот кассаларида нақд пул лимитига риоя этилиши устидан назорат кучайтирилган, молмаҳсулот ва хизматлар учун аҳоли билан нақд пулсиз ҳисоб/китоб қилиш шаклларини жорий қилиш юзасидан зудлик билан амалга оширилувчи чора тадбирлар кўрилган.

Кўрилган чора-тадбирларнинг асосий мақсади тўловлардаги қалтис вазиятни бартараф этиш ва давлат корхоналари ҳамда ташкилотларининг молиявий аҳволини яхшилашдан иборат бўлган. Бунда, корхона ва ташкилот айланма маблағларининг қарзга олинган ва ўз маблағларини ҳисобига тўлдириб турилиш муаммосига асосий эътибор ажратилган. Бу муаммони ечиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан давлат корхона ва ташкилотларининг буюртманомаларига асосан айланма маблағларини тўлдириш мақсадида махсус кредит бериш учун тижорат банкларига кредит маблағлар ажратиб берилган. Халқ хўжалигидаги тўловларни яхшилаш мақсадида ҳукумат учун махсус тармоқ очилган.

Банкларга ўзларининг ичида вакиллик ҳисоб варақаларини юритиш имкониятини бериш ҳақидаги қарор қабул этилган ва клиринг муассасаларини очиш ҳуқуқи берилган.

Аммо МДҲ мамлакатларидаги контрагентлар билан бажариладиган ҳисоб-китоб ишлари фақат Россия Банкидаги вакиллик ҳисоб варақаси орқали амалга оширилиши мумкин бўлган.

Вексел ва чек муомаласини кенг жорий қилиш ишлари мўлжалланган.

1992 йилда собиқ СССР мамлакатларининг миллий валюталарига ўтиш жараёни бошланди. Чунончи, 1991-йилнинг январ ойида Украина тенг ҳуқуқли махсус тўлов воситаси купонлари-

ни муомалага киритди, ноябрда эса нақд ва нақд пулсиз муомаладаги оралиқ тўлов воситаси — карбованецга ўтди.

1992 йил июн ойида Эстония бирданига нақд ва нақд пулсиз муомаладаги миллий валюта — кронага ўтган.

1992 йил май ойида Латвия нақд пул муомаласидаги тенг ҳуқуқли оралиқ тўлов воситаси рублисга, июн ойида эса нақд ва нақд пулсиз муомаладаги рублисга тамомила ўтди.

1992 йил октябр ойида Литва оралиқ тўлов воситаси — талонга ўтди.

1992 йил 1 июлдан бошлаб Россия нақд пулсиз муомаладаги Россия рублига ўтди. Ушбу жараён 1993 йилда янада фаол ривожланиб борди.

Қўйидаги мамлакатлар миллий валютага бирданига ўтдилар: Қирғизистон — сом, Туркманистон — манат, Қозоғистон — тенге, Арманистон — драм.

Грузия ва Ўзбекистон тенг ҳуқуқли муомалага Россия рубли билан биргаликда ўз тўлов воситаларини, тегишли ўринда купон ва сўм — купонларни киритдилар.

Қуйидаги мамлакатлар тамомила ўз валюталарига ўтдилар: Литва — лит, Латвия — лат, Молдавия — лей. Белорус — белорус рубли, Озарбайжон — манат. Россия нақд пул муомаласида ҳам юрувчи Россия рублига 1993 йил 26 июлдан бошлаб ўтди.

Миллий валюталар юмшоқ валюта ёки чекланган доирада айир бошланадиган валюталар номи билан атала бошлади.

6.3. БЮДЖЕТ СИЁСАТИ 22 мавзу

БЮДЖЕТ — давлатнинг марказлашган жамғармаси сифатида молиявий маблағларни қайта тақсимлашнинг самарали қуролидир. Қайта тақсимлаш жараёнлари такрор ишлаб чиқаришни давлат томонидан мувофиқлаштириш макроиқтисодий омилларнинг йиғиндисига боғлиқ маълум объектив чораларга эга.

Такрор ишлаб чиқариш иқтисодий ва ижтимоий мувофиқлаштириш ишларининг йўналиши барча тенг кучли шарт-шароитларда молиявий маблағлар билан таъминланиши манбаларининг энг маъқулона мутаносиблиги ва марказлашган мо-

лияланиш йўналтиришга қаратилган бўлиши зарур. Шу орқали бюджет тақчиллигини молиялар юзасидан инфляциядан ташқари қуроллардан фойдаланиш мумкин бўлади.

Молиялаш муаммосига чиқим нуқтаи назаридан ёндошишлик қайта тақсимлаш механизмини қўллаш борасида оқилона чегараларга тўсқинлик қилади. Бу эса маълум пайтда бюджет тақчиллиги кўрсаткичнинг энг юқори нуқтага етишга олиб келади, яъни давлатнинг нафақат ички, балки ташқи қарзларни ҳам самарали бошқара ололмаслигини билдиради.

1995 йилдан эътиборан Ўзбекистон Республикасида янги *бюджет таснифлагичи* жорий қилинган. БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИ қаторига асосий бандлар киритилган:

Солиқ даромадлари, шу ҳисобда фойда, даромад сармоя ўсишига тегишли бевосита даромадлар; меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига боғлиқ ҳолда ундирилувчи солиқлар; мулк солиқлари; табиий бойликлардан фойдаланганлик учун олинадиган тўловлар; ташқи савдо ва ташқи иқтисодий амалиётларидан олинадиган солиқлар; бошқа солиқлар.

Солиқдан ташқари даромадлар, шу ҳисобда: давлат эгалигидаги мулкдан ёки фаолият натижасида кўрилган даромадлар; давлат заҳиралари сотувидан кўрилган даромадлар: ер ва номоддий активлар сотувидан кўрилган даромадлар; нодавлат манбаларидан олинган сармоя трансферт тушумлари; маъмурий тўловлар; жарималар, махсус хизмат ҳақи: ташқи иқтисодий фаолият натижасида кўрилган даромадлар; солиқдан ташқари бошқа даромадлар.

Беғараз пул ўтказмалари, шу ҳисобда: норезидентлардан, бошқа даражадаги ҳокимликлардан, бюджетдан ташқари нодавлат жамғармаларидан, давлат корхона ва муассасаларидан, миллий мавқендан ташқаридаги ташкилотлардан олинган пул ўтказмалари.

Ўзбекистон Республикаси *бюджет сарф-харажатлари* хизмат таснифлигичида қуйидаги бандлар ва тармоқлар ажратиб кўрсатилган.

— давлат бошқаруви;
— халқаро фаолият;
— миллий мудофаа;
— ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва хавфсизликни таъминлаш;

— улкан тадқиқотчилик ва илмий - техник тараққиётига кўмаклашиш;

— саноат;

— энергетика ва қурилиш;

— қишлоқ хўжалиги;

— атроф муҳитни ва табиий бойликларни қўриқлаш;

— гидрометеорология, картография ва геодезия;

— транспорт ва йўл хўжалиги;

— алоқа ва ахборотчилик;

— бозор инфратузилмасини ривожлантириш;

— уй - жой - комунал хўжалиги;

— табиий офат ва фавқулодда ходисаларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф қилиш;

— таълим, маданият ва санъат;

— оммавий ахборот воситалари, соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбия;

— ижтимоий сиёсат;

— давлат қарзи юзасидан хизматлар, давлат заҳираларини тўлдириш;

— бошқа бандларга киритилмаган бошқа сарф-харажатлар.

Бюджет сарф-харажатларининг иқтисодий таснифлигичи қуйидаги бандлардан иборат:

жорий сарф-харажатлар: мол — маҳсулот ва хизматлар тайёрлови фонз тўловлари, ёрдам пул ажратмалари ва жорий трансфертлар;

катта сарф-харажатлар: асосий жамғармаларга сарфланган катта харажатлар, давлат заҳираларини ва эҳтиёт маблағларини ташкил қилиш ва ер ва номоддий активларни сотиб олиш, катта трансфертлар: кредит бериш, қопланган кредитлар бу ҳисобга кирмайди.

Бюджет тақчиллигини ичдан молиялаш манбалари қуйидагилардан иборат:

— Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг кредитлари: банк ҳисоб рақамларида мавжуд бўлган сўмдаги бюджет маблағ қолдиқларининг ўзгариши;

— давлат қимматли қоғозлари, шу жумладан давлат газ-

на мажбуриятлари, олтин сертификатлар, давлат ғазна векселлари, бошқа қимматли қоғозлар;

— давлат нобюджет жамғармаларидан олинган кредитлар;

— бошқа даражадаги бюджетлардан олинган кредитлар;

— ўз ичида қарзга олинган бошқа маблағлар.

Бюджетни ташқаридан молиялаш манбалари сифатида қуйидагилар хизмат қилади:

— халқаро молиявий ташкилотларнинг кредитлари;

— хорижий давлат ҳукуматларининг кредитлари;

— хорижий тижорат банклар ва фирмаларининг кредитлари;

— банк ҳисоб рақамларида мавжуд чет эл валютасидаги бюджет маблағ қолдиқларининг ўзгариши;

— Ўзбекистон Республикаси Давлат жамғармаси олтин заҳирасининг ўзгариши;

— ташқаридан қарзга олинган бошқа маблағлар.

6.4. МОЛИЯВИЙ СИЁСАТ ЖАҲОН КОНСЕПЦИЯЛАРИ.

Монетаризм тартибга келтирилмаган эркин бозор тарафдоридир. Давлатнинг иқтисодиётга таъсир кўрсатиш пул ҳажмининг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб туриш билан.

Рестриктив сиёсат давлат сарф-харажатларининг қисқартирилиши ва солиқларнинг оширилишига асосланади. Ушбу сиёсатнинг мақсади аҳолининг харид имкониятларини қисқартириш, бюджет тақчиллигини камайтириш ва инфляция даражасини пасайтириш. Шу билан бир вақтда бундай сиёсат иқтисодий юксалишни секинлаштириб қўяди.

Талабнинг қисқариши сотувда қийинчиликлар туғдиради ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ўсиш суръатларини пасайтириб юборади. Якуний вазифа — аҳоли маблағларининг истеъмол этишдан жамғаришга қаратилишини мақсад қилади. Ишлаб чиқаришда стагнация жараёни кучайиб кетиши мумкинлиги ушбу вазифанинг амалга оширилишини қийинлаштиради. Чинакам иш ҳақи пасайиб кетган за меҳнат бозоридаги вазиятнинг мураккаблашга шароитда маблағларнинг истеъмо-

лидан инвестициялар фойдасига қайта тақсимланиши жуда катта муаммо туғдиради. Чекланган талаб сиёсати рақобатни ва банкрот бўлиб қолиш имкониятини ҳамда жамиятдаги ижтимоий кескинликни кучайтиради.

Жон Кейнс томонидан ишлаб чиқилган ва *Кейнсианлик* номини олган молиявий концепция ўзига хос тарзда монетаризмга қарама-қарши чиқади. Ушбу концепцияда давлат мувофиқлаштириш ишларига ва иқтисодиётдаги ислоҳотларда давлат ёрдамига тарафдорлик ифодаланган. Кейнсианлик экспансив молиявий сиёсатга асосланади ва ўз ичига қуйидагиларни киритади: давлат сарф-харажатлари ҳажмининг кенгайиши ва солиқларнинг қисқариши ҳамда муомаладаги пул ҳажмининг кенгайиши билан боғлиқ экспансив пул-кредит сиёсати.

Давлат сарф-харажатларининг кўпайтирилиши ишлаб чиқариш ўсишига рағбат бўлади ва, демак, инвестицияларни ҳам ўстиради. Бундан ташқари, аҳолининг харид имкониятларини ва мол-маҳсулот, иш хизматларига бўлган ялпи талабни оширади. Бироқ харид имкониятларининг юқорилиги корхоналарнинг рақобатбардошлигини ва маҳсулот сифатини оширмайди, бу икки муаммо эса иқтисодиёт учун умуман энг долзарб ҳисобланади.

Экспансив сиёсат нарх-наво устидан қаттиқ назоратни талаб этади, чунки ишлаб чиқариш чиқим-харажатлари кўпайиб боришга мойилдир. Инфляция, фоиз тўлов миқдори, солиқлар хавфи муносабати билан ҳам назорат талаб этилади.

Давлат сарф-харажатларини бюджет пул ажратмаларидан фойдаланиш самарасини ошириш ёки солиқ тушумларини ўстириш ҳисобига кўпайтирса бўлади. Солиқ тушумлари ишлаб чиқариш кенгайганда ва маҳсулот чиқариш суръатлари ортганида ўсади. Бу ҳолда солиқ миқдорларини кўпайтириш зарар бўлмайди, чунки солиққа тортиш доираси ўз-ўзидан кенгаяди. Сарф-харажатларнинг кўпайиш суръатлари даромад ўсиш суръатларидан ортиб кетмаслиги зарур ва ушбу мутаносиблик юзасидан давлат назорати талаб этилади. Бундай сиёсатни амалга ошириш учун давлатда узоқ муддатларга мўлжалланган марказлашган инвестицион қўйилмалар дастури мавжуд бўлиши лозим.

Кейнсианлик жаҳон молия тажрибасида соф шаклда кам-

дан кам қўлланилади, чунки инфляция ва бюджет тақчиллигининг ўсиб кетишига олиб келиши мумкин.

Иқтисодиётни юксалтириш сиёсати, одатда девалвация орқали маҳсулот нархини туширувчи пул тизими мустаҳкамлашни ўз ичига олинади, демакки, ишлаб чиқариш ва сотув сарф-харатларни қисқартиради, жаҳон бозорида рақобатбардошликни оширади. Шу билан бир вақтда иш пасайиб кетиши туфайли ички чегарада ушлаб туради.

Девалвация импортининг қимматлашиб кетиши ва экспортнинг арзонлашиб кетиши, ташқи қарз ҳажмининг кўпайиб бориши ва ушбу қарз бўйича фоиз тўлов сарф-харажатларининг ортиб боришига олиб келади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш ишларининг тикланиши учун экспорт мол-маҳсулот нархлари юқори бўлган ҳолларда ҳам барқарорлаштириш ишлари зарурдир. Тўлов балансини нормал ҳолатга келтириш учун экспортнинг ўсиши импортнинг ўсишини ортда қолдириш ва ташқи қарз бўйича хизмат кўрсатиш юзасидан ўсиб бораётган сарф-харажатларни қоплаш лозим.

Ишлаб чиқариш ва фойдаланиш чиқим-харажатларининг ҳамда нарх пасайишидан юқори даражада бўлган таннархнинг қисқартирилиши иқтисодиётнинг ички аҳволи учун аҳамиятга эгадир. Ушбу ҳолатда фойдага устиворлик берилади. Фойданинг ўсиб бориши бир вақтнинг ўзида инвестициялар ўсиши ва ишлаб чиқариш кенгайишига имконият яратади.

Истеъмолга нисбатан жамғарма ўсишининг устиворлиги — девалвациянинг муҳим натижасидир. Хусусийлаштириш ва акциядорлаштириш, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши қанчалик фаол кечса, ушбу натижа шунчалик яхши бўлиши мумкин. Иқтисодиётнинг давлат сарф-харажатлари қисқаришига тааллуқли бўлмаган хусусий шуъбасида анча катта сармоя жамланганлиги ҳолатида девалвациянинг жараёнида рестриктив чора-тадбирлар қўлланиши мумкин. Йирик инвестициялар ва узоқ муддатли қўйилмаларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун хусусий шуъбанинг мавжудлиги зарурдир.

Тажриба шуни кўрсатадики, пул тизими танқис ҳолатда бўлганлигида нарса айрибошлаш пайдо бўлади. Пул айланувви қанчалик ёмон ҳолатда бўлса, *бартер алмашувлари* шунчалик фаоллашади. Пулга ишончсизлик шундай даражага етиб

борадики, ҳатто меҳнатга ҳақ тўлаш ҳам натурал шаклда амалга оширилади. Бунинг учун мазкур корхонада ишлаб чиқилаётган ёки харид қилиб, ёҳуд бартер бўйича олинган маҳсулотлар ишлатилади. Бартер корхоналар учун фойдалидир, чунки ҳар бир маълум ҳолатда айрибошлашнинг махсус нисбатларини қўллаш имконияти бор. Бунда давлатга солиқ тўловлари камроқ тушади.

Амалдаги солиққа тортиш тизими бартер айрибошлаш мавжудлигида корхоналарни қўшимча қиймат солигини ва бажарилган амалиётнинг бозор баҳосидаги қийматига тенг миқдорда фойдадан солиқ тўлашга, ишчиларни эса меҳнат учун ҳақ сифатида олинган натурал ифода кўринишидаги миқдордан даромад солигини тўлашга мажбур этади. Бундай тўловлар юзасидан назорат шунчалик самарасизки, натурал маблағ айлануви деярли умуман солиққа тортилмайди.

ҚАЙТАРИШ УЧУН АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

Давлат томонидан мувофиқлаштириш ишлари.
Нарх-наво эркинлашуви .
Тўлов имкониятларининг танқислиги
Миллий валюталар
Давлат қарзлари
Тўловларнинг навбати
Ҳисоб-китоб варақаси

Бюджет сиёсати
Молия сиёсати
Бюджет таснифлагичи
Бюджет даромадлари
Бюджет сарф-харажатлари

Давлатнинг ташқи қарзи

Давлатнинг ички қарзлари
Давлатнинг ғазначилиги
Республика ғазначилиги
Ғазна томонидан соликлардан озод қилиш.
Жамғармалар консолидацияси
Рестриктив сиёсат
Экспансив сиёсат
Девалвация
Фоиз меъёри
Бартер келишувлари
Бюджетни ичдан молиялаш манбалари
Бюджетни ташқаридан молиялаш манбалари.

ТЕКШИРИШ САВОЛЛАРИ

1. Давлат томонидан молия — кредитларни мувофиқлаштириш ишларининг асосий йўналишларини санаб ўтинг ва уларнинг ўзаро алоқада бўлиш механизмини тушунтириб беринг.

2. Давлат молия — кредит сиёсати сўнгги ўн йил мобайнида қандай босқичларни босиб ўтди? Юз берган ўзгаришлар молия — кредит соҳасининг ислоҳотига кирадими ёки улар сифат жиҳатидан ислоҳотлар билан боғлиқми? Қандай ўзгаришларни кенг доирадаги ўзгаришлар қаторига киритиш мумкин?

3. 90-йиллар бошидаги тўлов имкониятлар танқислиги нима сабабдан вужудга келган ва ушбу вазиятни бартараф этиш учун қандай чора-тадбирлар кўрилган? Қандай чораларни кўлласа бўлар эди?

4. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида банк тизими қандай аҳамият касб этди? Банк тизимида қандай ўзгаришлар рўй берди ва ўзгаришлар молиявий менежментга қандай таъсир кўрсатди?

5. Замонавий бюджет таснифлагичи нималардан иборат? Бюджетдаги даромадлар ва сарф харажатлар қисмининг ижарасида унинг ўрни қандай?

6. Бюджет тақчиллигини молиялаш манбаларининг қай бири энг маъқул ҳисобланади ва ҳозирги замон шарт-шароитида уларни қўллашнинг энг юқори имкониятлари қандай?

7. Давлат ички қарзининг ҳажми нимага боғлиқ ва у қандай қилиб тартибга келтирилади?

8. Рестриктив сиёсат нималардан иборат ва нима учун монетарлик мактабининг тарафдорлари уни маъқуллайдилар?

9. Экспансив молиявий сиёсат нимага асосланади ва нима учун кейнсианчилар уни маъқуллайдилар?

10. Пул тизимини мустаҳкамлашда девалвациянинг аҳамияти қандай?

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУЛАРИ

Давлат молиявий сиёсатининг молиявий менежментга таъсири. Жаҳон молия концепциялари ва уларни амалга ошириш

шарт-шароитлари. Давлат томонидан молия — кредитларни мувофиқлаштириш шакллари. Молия — кредит сиёсатининг йўналишлари.

Бюджет сиёсати ва бюджет тақчиллиги муаммоси.

ХУЛОСА

1. Тадбиркорлик тузилмасига ташқаридан қонуний расмийлаштирилган таъсир кўрсатиш тизими бўлган молия — кредитларни давлат томонидан мувофиқлаштириш амаллари молиявий менежментнинг хусусиятларини белгилаб беради.

2. Бюджет сиёсати бюджетнинг қандай тузилишини ва турли даражадаги бюджетлар марказлашган молиявий маблағлар сафарбар этилиши усулларини ва ушбу маблағлар қайта тақсимланиши мезонларини белгилаб беради.

3. Бюджет тақчиллигини молиялаш шарт-шароитлари пул айланувини бошқариш жараёнига, чора-тадбирлар тўпламини танлаш тартибига, инвестициялар хосиятига таъсир кўрсатади.

4. Давлат қарзининг кўпайишига ва давлат қарзи бўйича кўрсатилган хизмат сарф харажатларининг ортишига олиб келувчи бюджетни молиялаш манбаи сифатидаги ва ташқи қарз маблағларидан фойдаланиш юзасидан стратегия алоҳида аҳамият касб этади.

5. Замонавий молия — кредит сиёсати юқори ҳаракат, такрор ишлаб чиқариш жараёнларини бозор шаклларидан ўзга тарзда мувофиқлаштириш амалларидан секин — аста воз кечишдек хусусиятларга эгадир.

6. Рестриктив молия сиёсати тарафдорлари пул ҳажми ўсиш суръатларининг барқарорлигига, давлат харажатларининг қисқаришига алоҳида аҳамият берадилар ва монетаризм мактабига мансубдирлар.

7. Экспансив молия сиёсати тарафдорлари нарх-навонинг, солиқларнинг, фоиз тўлов миқдорининг мувофиқлаштирилишига, давлат томонидан молиялаш самарасининг оширилишига устивор аҳамият берадилар ва кейнсианлик мактабига мансубдирлар.

7. ЖАМҒАРИШ, ИНВЕСТИЦИЯЛАР, ЭМИССИЯ

Ушбу бобда қуйидагилар ўрганиб чиқилади:

Сармоя жамғариш ва инвестициялар амалиётларининг ўзаро алоқада бўлиш механизми;

хусусий ва давлат инвестицияларидан фарқ;

инвестициялар тўпламининг танланиши;

эмиссия жараёни ва унинг мувофиқлаштирилиши;

дастлабки эмиссияни расмийлаштириш жараёни;

банк эмиссияси хусусиятлари;

қозирги замон молиявий институтларидаги вазият.

7.1. ЖАМҒАРИШ ВА ИНВЕСТИЦИЯ ТУШУНЧАЛАРИ:

ИНВЕСТИЦИЯЛАР сармоянинг фойдали кенгайиши мақсадида амалга оширилди.

Жамғариш — фойда келтирган инвестициялар натижасидир. Шу билан бир вақтда, инвестициялар учун маблағ жамғариш талаб этилади. Чунки ушбу маблағ манба сифатида хизмат қилади. Жамғариш ва инвестиция ўртасидаги ўзаро алоқа тасвирий ифодасини кўриб чиқайлик. (7.1-расм)

Инвестициялар ва жамғариш корхонанинг узоқ муддатга мўлжалланган ривожланиш стратегияси доирасида амалга оширилади. 7.1-расм. Инвестициялар ва жамғариш ўртасидаги ўзаро алоқанинг тасвирий ифодаси.



7.1 расм.

Тадбиркорлик фаолияти натижасида кўрилган даромадлар сармоя жамланишини таъминловчи марказлашган пул маблағ жамғармаларига йўналтирилиши зарур. Мазкур жамғармалардан катта пул қуйилмаларини молиялаш манбаи сифатида фойдаланилади ва улар жамланган сармояни сарфлаш жараёнини акс эттиради. Шу билан бир вақтда, кўрилган фойда сарфдан ортиқча бўлган пайтда янги инвестициялар келажакда сармоя жамланиши учун пойдевор яратади.

Сармоя айланувининг унумдорлиги кенгайган такрор ишлаб чиқаришга маъқул шарт-шароитлар яратиб беради. Корхона ривожланишида ҳаракатчанликни таъминлаб турувчи инвестициялар қуйидаги шароитларда амалга оширилиши мумкин:

бозорда янада кўпроқ улушга эга бўлиш ва рақобатбардошликни ошириш мақсадларида жамланган молия маблағлари ҳисобига ўз тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш;

Янги корхоналарни сотиб олиш, бизнеснинг янги жабҳаларини, хусусан диверсификацияни эгаллаш.

Инвестициялар самарадорлиги ҳар бир маълум ҳолатда қиймат ва вақт нуқтаи назаридан баҳоланади. Қиймат — пул оқимларининг дисконтланишини ҳисобга олган ҳолда келиб тушаётган маблағларнинг инвестиция ҳажмига нисбатан ўсишини билдиради.

Вақт — инвестиция сарфи қопланиши муддатини белгилайди.

Ўз фаолиятининг кенгайиши компаниянинг бозорда мустаҳкам ўрин эгаллашидан, чиқарилаётган маҳсулот, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларга талаб мавжуд бўлишидан далолат беради. Бу эса ишлаб чиқариш ва фойдаланиш чиқим-харажатларини, қийматини ишлаб чиқариш ва сотув ҳажми ҳисобига қисқартириш имкониятини беради.

Ишлаб чиқариш кенгайиши бир вақтнинг ўзидаёқ ва технологик мукаммалликни таъминлаб берувчи илмий изланишлар учун *инновацион пул сарфларини* талаб этади.

Инвестиция амалга оширилганда компания активлари ликвидлигининг қисқариши кузатилади. Ишлаб чиқариш омилларига сарфланган пул қуйилмалари ҳажмининг кенгайиши ҳамда маблағларни янада самарали ишлатиш ҳисобига ликвидлик даражасини ошириш мумкин. Энг аввало, инвестициялар ҳисобига ўсиб борувчи сармоя — ишлаб чиқариш омилларидан биридир.

Инвестиция бу, сармояни кўпайтириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, мукаммаллаштириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга йўналтирилган моддий, меҳнат ва молиявий маблағлардан ялпи фойдаланиш жараёнидир.

Соф инвестиция тушунчаси, одатда, асосий сармояни кўпайтиришга ва асосий жамғармалар яратишга қаратилган чора-тадбирларни билдиради. Инвестициялар асосий жамғармаларни қоплаш зарурати билан талаб этилиши мумкин. Бундай инвестициялар соф инвестициялар билан яхшиликда *ялпи инвестицияларни* ташкил этади. Хусусий корхоналар ва тадбиркорлик тузилмалари инвестициялар улушининг ортиб боришига катта ҳисса қўшадилар ва буни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарур.

Инвестицияларнинг кўпайиши келажакда истеъмол ўсишини белгилайди. Инвестициялар хўжалик юритиш самарадорлигини оширади ва даромад ўсиши учун пойдевор яратади. Шунингдек номаъқул натижали инвестициялар ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолат, кўпинча, давлат бюджет пул ажратмалари ва узоқ муддатли имтиёзли кредитлар доирасида содир бўлади. Қолаверса, хусусий инвестициялар ҳам таваккалчилик хавфига мойил бўлиб, доимий равишда янги эҳтиёжга мослашиши зарурдир.

7.2. ХУСУСИЙ ВА ДАВЛАТ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ

Хусусий ва давлат инвестицияларига оид муаммолар ўз ечимига эга бўлиши лозим. Бироқ бу муаммолар ечими бирбиридан фарқ қилади. Молия нуқтаи назаридан инвестиция манбалари билан уларни бошқариш тартибини ажрата билиш лозим.

Хусусий инвестициялар ўз хусусий сармоя, заём, шу ҳисобда облигация заёмлари, жалб қилинган сармоялар ҳисобига амалга оширилади. Хусусий инвестицияларни бошқариш шакллари тўла-тўкис мулк эгаси томонидан белгиланади ва бевосита тадбиркор ҳамда молиявий менежер томонидан амалга оширилади.

ДАВЛАТ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ учун энг муҳим манбалар бу, бюджет пул ажратмалари ва узоқ муддатли ссудалардир. Давлат корхонасининг маблағ айланувида мавжуд маблағлар давлат мулки ҳисобланиб, бюджет билан бевосита боғлиқ бўлади. Шунинг учун давлат: узоқ муддатли пул қўйилмаларини молиялашга мўлжалланган давлат корхоналарининг даромадларидан ажратилиши лозим бўлган пул маблағлари ҳисобига нобюджет жамғармаларини ташкил қилиш ҳақида қарорлар қабул этишга, асосий воситаларни индексация қилишга истеъмол ва жамғариш жамғармалари ташкил этилишининг чегараларини, белгилашга ҳақли бўлади.

Сарф-харажатларнинг инвестицион жамғармалар шаклланиши ҳисобига ва тан нархга қўшилиши — давлат корхонаси чиқараётган маҳсулот нархининг ортишини билдиради,

шунинг учун нарх-наво, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, меҳнатга ҳақ тўлаш амалларини назорат этиш зарур.

Инвестицион лойиҳаларда кўзланган натижаларга ўз вақтида эришишга имконият ярата олишли учун бюджет молиялаш механизмини қўллаши муҳимдир. Бунинг учун бюджет пул ажратмаларининг самарадорлиги учун ўзларининг қимматли қоғозлар тўпламй билан тўла-тўкис жавоб берувчи давлат инвестицион компаниялари тармоғини ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Давлат бюджети нуқтаи назаридан қаралса, инвестициялар ҳажмининг кенгайиши давлат сарф-харажатларининг кўлайиши билан боғлиқ бўлади. Жуда катта миқёсдаги бюджет тақчиллиги сабабли 80- йиллар сўнгида инвестициялар қисқариши энг туб нуқтага етди. Инвестициялар қисқаришининг асосий сабабчиси — маҳсулот ишлаб чиқариш суръатларининг секин ўсиб бориши туфайли янги пул қуйилмаларига эҳтиёжнинг қисқариши ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ишларининг ёмонлашиб кетиши.

Ишлаб чиқариш ва фойдаланиш чиқим-харажатларининг кескин ўсиб кетиши янги яралган қийматдаги фойда улушини қисқартиради. Хом ашё ва ашёвий буюмлар қиймати, транспорт сарф-харажатлар кредит учун фоиз тўловлари асосий жамғармалар емирилишини қоплаш харажатлари ва ижара ҳақи анча кўтарилиб кетди.

Инвестор бўлиши мумкин бўлганларнинг тасвирий кўриниши 7.2 расмда келтирилган. Улар ўзларига тегишли, қарэга олинган ва жалб қилинган маблағларни сармоя қуйилмалари шаклида сарфлашлари мумкин. Давлат ва маҳаллий ёки мулкий ҳуқуқларни бошқаришга ваколатли идоралар барча мулкдорлик шаклидаги юридик шахслар, халқаро ташкилотлар ва хорижий юридик шахслар, жисмоний шахслар — резидент ва норезидентлар инвестор бўлишлари мумкин.

Давлат бошқариш идоралари инвесторлар орасида етакчи ўринларни эгаллайдилар. Иқтисодиётнинг хусусий шўъбасида жамланган сармоя бюджетдан молияланиш ва марказлашган кредитлаш тизими билан ҳали-бери рақобатлаша олмайди.

Иқтисодиёт тузилмасининг ислоҳот қилиниши ва инвестициялар муаммоси, ҳозирги вақтда, корхоналарнинг акциядор-

лаштирилиши билан бир пайтда ҳал этилмоқда. Шунинг учун сармоя қўйилмаларини молиялаш мақсадида маблағ жалб этилиши, асосан, қимматли қоғозларни муомалага чиқариш орқали таъминланмоқда. Инвесторларни топиш муаммоси корхоналарнинг сармоялар бозоридаги ўрнига алоҳида аҳамият бериш заруратини келтириб чиқади.

7.3. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ТЎПЛАМИ

«Тўплам» тушунчаси сармоя жамлаш соҳасида кенг ривож топди. Корхона тасарруфида *қимматли қоғозлар тўпламининг* мавжудлиги тақчиллигининг хавфи ва даромадлик даражаси турлича бўлган молиявий амалиётларни бажариш имкониятини беради. Тўплам, одатда, турли элементлар томонидан муомалага чиқарилган турли хилдаги қимматли қоғозлар ҳисобига шаклланади. Бундай тўплам *диверсификацияланган* тўплами деб ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш қувватларини, илмий тадқиқотларни, омборлар тармоғини, муаллифлик ҳуқуқларини ва ҳоказоларни биргаликда ишлатиш ҳақида гап кетганида тўплам СИНЕРГИК кўринишга эга бўлиши мумкин.

Стратегик молиявий менежментнинг ажралмас қисми ҳисобланган *тўплам стратегияси* алоҳида аҳамият касб этади. Тўплам стратегияси ўз ичига қуйидаги чора-тадбирларни олади: сармоя ва маблағларни жойлаштириш, синергизм таъсиридан фойдаланиш, корхоналарни ёки тадбиркорлик тузилмаларини сотиш ва харид қилиб олиш. Тўплам стратегиясининг ташқи омил хусусияти ишлаб турган корхонага нисбатан номоён бўлади.

Ички молиявий менежмент, шу ҳисобда ички молиявий стратегия тўплам стратегиясидан фарқ қилади ва умумий молиявий менежмент доирасида компаниянинг рақобатбардошлигини таъминлайди. Тўплам стратегияси пул қўйилмаларининг ташқи субъектлари ҳисобига сармоя ўсиши учун шароит яратиб беради.

Ички молиявий менежментнинг вазифаси белгиланган мақсадга эришиш учун маблағларнинг тақсимланиши ва мувофиқ мосланишини таъминлашдан иборат. Ички молиявий менеж-

мент учун корхона бўлимлари ва хизматларининг фаолиятини ҳисобга олиб ишловчи стратегия муҳим аҳамиятга эга.

Корхона ва тижорат ташкилотларида қўлланиладиган тўпла. . стратегияси ички молиявий менежмент стратегиясига бўйсунади. Тўплам стратегияси *юридик шахслар учун акцияларга ўзаро келишувчи тарзда эгалик қилиш* имкониятини беради. Ушбу ҳислат ўзаро шериклик алоқалар билан ва сармоядаги ўзаро иштирок билан боғланган хорижий корпорацияларнинг кўпчилигида кенг қўлланилади.

Акцияларга ўзаро кесишувчи тарзда эгалик қилиш бошқариш ривожланиш стратегияси, инвестицион қарорлар устидан яхши назорат ўрнатиш ишлари биринчи даражали ҳисобланади. Акцияларга шу тарзда эгалик қилиниши барқарор бозор курсини иш юзасидан ҳамкорликни, келишилган сиёсатни сақлаб туришга ёрдам қилади. Ўзга корпорацияларнинг акцияларини сотиб олувчи корпорациялар акциядорлик сармоя жамланишининг рағбатланишини таъминлаб берувчи ўзаро келишув асосида иш тутадилар. Шу аснода ўзига хос харажатларини қопловчи кўп жинсли тузилма ташкил топади ва унда ўзаро ҳамкорлик қилиш ва таъсир кўрсатиш учун акцияларнинг назорат дастасига эгалик қилиш шарт эмас.

Корхона ички жамғармалари ўзини-ўзи молиялаш учун шароит таъминлай олмагани ҳолда инвесторларни жалб этиш усулларини ва шаклларини танлаш жуда муҳимдир. Ички жамламалар қаторига энг аввало тақсимланмаган фойда ва амортизация ажратмалари киради.

Фойда ва амортизация миқдорлари ҳамда инвестиция қўйилмаларининг умумий ҳажми ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш корхона учун жуда муҳимдир. Ушбулар ўртасидаги мутаносиблик турғун ўсиб борганлиги ҳолда ўзини ўзи молиялаш даражаси ўсади. Мазкур мутаносиблик бир рақамидан ортган пайтдан бошлаб жамлама ҳажми ички инвестициялар ҳажмидан ўзиб кетади. (7.3-расм) Навбатдаги фарқдан узоқ муддатли молиявий қўйилмалардан фойдаланиш мумкин. Ушбу фарқ *кесишувчи тарзда акцияларга эгалик қилиш* манбаи сифатида хизмат қилади.



7.3-расм Молиявий маблағлар ва инвестициялар мутаносиблиги

Инвестор томонидан у ёки бу акциядорлик жамияти акцияларининг танлаб олинишига қимматли қоғозларни муомалага чиқариш орқали сафарбар этилган маблағларнинг тегишли ***техник-иқтисодий асослаш ёки бизнес режалари*** билан тасдиқланган йўналиши ҳам таъсир кўрсатади. Бундай йўналишлар қаторига қуйидагилар киради:

— янги ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши;

— амалдаги ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилиши;

— мукаммаллаштирилиши ёки қайтадан янгиланиши;

— табиатни асраш чора-тадбирларининг амалга оширилиши;

— янги технологиянинг ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши;

— ишлаб чиқариш, қайтадан ишлаб чиқариш, ташиб бериш, савдо соҳаларидаги тижоратчилик фаолияти.

Маблағ сарфлаш йўналишларини инвестициялашнинг муддатига қараб ажратиш мумкин. Маблағ сарфлаш йўналишлари қанчалик кўп кўринишда бўлса, акциялар курси шунчалик турғун, дивидендлар юқори, банкротлик хавфи кам бўлади. Бироқ, муомалага чиқарилган қимматли қоғозларнинг ликвидлигини таъминлай олувчи ва муомалага янги чиқарилган қимматли қоғозларни қисқа муддатда жойлаштириш имкониятларига эга бўлган акциядорлик жамиятларигина инвестицион лойиҳаларни чинакамига амалга оширишлари мумкин.

Эмитент томонидан чиқарилган қимматли қоғозларга инвестор эътиборнинг тортилишини таъминлаш — корхона молиявий менежерининг вазифаларидан биридир.

7.4. ЭМИССИЯ ЖАРАЁНИ ТУШУНЧАСИ

Бу бобда биз, тадбиркорликнинг молиявий таъминланишини бошқариш ва қимматли қоғозлар бозорини шакллантиришдаги асосий вазифалардан бирини — ***акциядорлик жамиятларининг эмиссия фаолиятини ўрганиб чиқамиз.***

✓***Эмиссия жараёни — қимматли қоғозларни муомалага чиқариш ва муомаладан олиб қўйиш билан боғлиқ фаолиятдир.*** Қуйидагилар *эмитент* бўлиши мумкин: қимматли қоғозларни муомалага чиқарувчи ва муомаладан олиб қўювчи ҳамда қимматли қоғоз эгалари бўйича ўз номидан жавобгар бўлувчи юридик шахслар, давлат идоралари ёки маҳаллий маъмурият идоралари.

Қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари эмитентлар, инвесторлар, инвестиция институтлари ва банкларидир. Инвестиция институтлари ва банклар воситачи, яъни молиявий *брокер деб ҳисобланадилар. Улар хизмат ҳақи тўғрисидаги* шартнома ёки топшириқнома асосида мижознинг топшириғи бўйича ва унинг ҳисобига қимматли қоғозлар савдосида воситачилик вазифасини бажарадилар.

Эмиссия жараёнини ўзаро алоқадаги бир неча айрим қисмлар кўринишида тасаввур этса бўлади:

— дастлабки эмиссия;

— қимматли қоғозлар муаммосини ташкиллаш ва дивидендлар тўлаш;

— қимматли қоғозларни муомаладан олиб қўйиш.

Дастлабки эмиссия — акциядорлик жамият иштирокчилари орасида акцияларни жойлаштиришда низомий сармоя кўпайганида, облигация чиқариш орқали қарзга олинган сармоя шакллангани да содир бўлади. ✓

Дастлабки эмиссия бир неча босқичлардан ўтади. Ушбу босқичларнинг мазмуни қимматли қоғозлар қай шаклда жойлаштирилганига боғлиқ бўлади. Чунончи, қимматли қоғозлар-

нинг очиқ жойлаштирилиши қуйидаги босқичлардан ташкил топади:

— эмитент томонидан қимматли қоғозларни муомалага чиқариш ҳақидаги қарорнинг қабул этилиши;

— қимматли қоғозлар эмиссия рўйхатининг эмитент томонидан тайёрланиши ва тасдиқланиши;

— қимматли қоғозлар муомалага чиқарилишининг олиниши;

— эмиссия рўйхатининг чоп этилиши ва қимматли қоғозларга обуна бўлиш ҳақидаги хабарнинг эълон қилиниш;

— қимматли қоғозларнинг жойлаштирилиши;

Ёпиқ *жойлаштириш* қуйидаги босқичлардан ташкил топади:

— қимматли қоғозлар муомалага чиқарилиши ҳақидаги қарорнинг қабул этилиши;

— қимматли қоғозларнинг рўйхатга олиниши;

— қимматли қоғозларнинг жойлаштирилиши;

Қимматли қоғозлар чиқарилиши ҳақидаги қарор қонун асосида ва акциядорлик жамиятининг низомга кўра, шунга ваколат берилган эмитентнинг бошқариш органи томонидан қабул қилинади. Қимматли қоғозлар Молия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинди.

7.5. ЭМИССИЯНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Қимматли қоғозларни муомалага чиқаришда эмитентнинг бошқариш органи томонидан ***эмиссия рўйхати*** тасдиқланиши зарур. Эмиссия рўйхати ёки қимматли қоғозлар муомалага чиқарилиши ҳақидаги маълумот қимматли қоғозларнинг рўйхатга олиниши билан биргаликда тегишли молия ва банк органларида қайд қилиниши шарт. Хусусийлаштириш режаси —хусусийлаштирилаётган корхона учун эмиссия рўйхати кучига эга бўлган ва эмитент ҳамда қайд қилинган қимматли қоғозлар чиқарувчи ҳақида зарур маълумотларни акс эттиради. Хусусийлаштириш режаси акцияларга очиқ обуна ўтказиш учун мўлжалланмаган ва шунинг учун чекланган маълумотларга эга бўлади. Шунингдек, қимматли қоғоз эмитентлари тегишли молия идораларига қимматли қоғозлар чиқарувчи-

нинг якунлари ҳақида ва қимматли қоғозларга оид йиллик ҳисоботларни тақдим этадилар.

Қимматли қоғозлар чиқарувининг якунлари ҳақидаги ҳисоботлар қимматли қоғозларни жойлаштириш муддати мобайнида ва жойлаштириб бўлганидан сўнг ёки ушбу чиқарув қимматли қоғозларининг умумий номинал қийматига қараб фақат уларни жойлаштириб бўлинганидан сўнг ёки ушбу чиқарув қимматли қоғозларининг умумий номинал қийматига қараб фақат уларнинг жойлаштириб бўлинганидан сўнг рўйхатга олувчи идораларга тақдим этилади. Қимматли қоғозларга оид йиллик ҳисобот директорлар кенгаши томонидан тузилади ва акциядорлар умумий йиллик йиғилишида тасдиқланади, сўнг рўйхатга олувчи идорага тақдим этилади. Эмиссия рўйхати, чиқарув якунлари, қимматли қоғозларга оид йиллик ҳисоботларнинг мазмуни билан танишиб чиқайлик.

Инвесторларни жалб қилишда эмиссия рўйхати ҳал этувчи аҳамиятга эга. Ушбу рўйхат эмитент фаолиятининг барча йўналишларини ҳисобга олган ҳолда тузилган бўлиши ва акциядорлик жамиятининг имкониятлари ҳамда истиқболлари ҳақида *тўла* маълумотга эга бўлиши шарт. Биринчи навбатда, акциядорлик жамияти — эмитент низомий сармоясининг аҳволи аҳамият касб этади.

Низомий сармоянинг умумий ҳажми корхона катталигидан далолат беради. Одатда корхоналар уч гуруҳга ажратилади: майда, ўртача, йирик. Корхоналар нисбатан қиёслаш асосида у ёки бу гуруҳга киритилади, чунки асосий тебралиб туради. Акциядорлик жамиятларининг низомий сармояси номинал қиймати тенг бўлган акцияларга бўлинади, шунинг учун умумий овозлари сонининг 5 фоизидан ортиғига эга бўлган акциядорлар эмиссия рўйхатида акс эттирилиши лозим бўлиб, уларга тегишли акциялар сони ва низомий сармоядаги улушлари кўрсатилади.

Ушбу маълумотлар ёрдамида акцияларнинг назорат дастасига ким эгалик қилиши ва акциядорлик жамиятини ҳақиқатда ким бошқариб туриши юзасидан хулоса чиқариш мумкин. Барча акциялар маълум шахс номига ёзилган деб ҳисобга олсак, бу қийин эмас. Одатда, бир акциядор эгалигида низомий сармоянинг 40% ортмайдиган қисми бўлиши мумкин. Бу улуш энг юқори деб ҳисобланади ва акциядорлик жамияти фаолия-

тининг деярли тўлиқ назорат қилиш ва йўналтиришга имконият беради.

Хусусийлаштирилган корхоналарда меҳнат жамоаси аъзоларининг низомий сармоядаги улушлари юқорироқ бўлиб, 51 фоизга етиши мумкин. Сармоя жамлаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтириш муаммолари хусусийлаштириш, акциядорлаштириш, мулкчилик шаклини ўзгартириш жараёнларини ташкиллашда биринчи навбатли ҳисобланади.

Низомий сармоянинг 5 фоиздан ортиқ қисмига эгалик қилган, яъни фаолиятига эмитент томонидан таъсир кўрсатилиши мумкин бўлган юридик шахслар тўғрисидаги маълумотлар эмиссия рўйхатида акс эттирилиши шарт. Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар кўпинча, депозитли банк сертификатлари, инвестиция акциялари ва шу кўринишларда тақдим этилади. Компаниянинг тўлов қобилияти ёмонлашганида ва муддатида тўланмаган қарздорлик вужудга келган ҳолларда узоқ муддатли молиявий қўйилмалар қимматли қоғозлар бозорида сотиб юборилади. Хусусийлаштириш тадбирлари узоқ муддатли молиявий қўйилмаларни кескин қисқартириб юборди. Пул тўланмаслик ҳолатлари ва инфляциянинг ўсиши бунга сабабчи бўлди.

Корхона ассоциацияларда, холдингларда, концернларда, саноат, молия ва банк гуруҳларида, мол маҳсулот, валюта ва ҳамгарма биржаларида иштирок этиши мумкин. Тижорат тузилмаси ташкилотнинг ташкилий — ҳуқуқий шаклига қараб, иштирок низомий сармоядаги улуш ёки акцияларга эгалик қилиш кўринишида ифодаланиши мумкин.

Корхонанинг тижорат тузилмаларидаги кенг иштироки қимматли қоғозлар тўпламининг *диверсификацияланганидан*, сармоя жамланганидан, шериклар билан яқиндан алоқа мавжудлигидан далолат беради. Корхона сармоясининг бир қисми филиалларга ва ваколатхоналарга сарфланади ва бу ҳақдаги маълумотлар эмиссия рўйхатида акс эттирилади.

Бош компания ўз филиалининг низомий сармоясида қандай улушга эга бўлишидан қатъий назар, унинг фаолиятига у ёки бу даражада таъсир кўрсатади. Мазкур улуш низомий сармоянинг 100 фоизидан ташкил топган ҳолда компания филиалларининг жами фойдасини ўз ихтиёрига кўра тасарруф этади, жами зарарлари бўйича тўлиқ жавобгар бўлади, чиқарил-

ган маҳсулот нархини ўрнатади ва сотув йўналишини белгилайди.

Ўз навбатида бош компания келишувлар, таъминот, сотув, турли амалиётлар бўйича кенг тармоқли ва ишончли шериклярга эга бўлиши керак. Бош компания филиал низомий сармоясининг 50 фоиздан кам бўлган қисмига эга бўлган ҳолларда ўзаро ҳамкорлик, кўп жиҳатдан, қиймат шаклланиши, фойдани тақсимлаш ва ҳисоб-китоблар тартибини ҳисобга олувчи шартнома ва битимлар воситасида йўлга қўйилади. Бу вазиятда бош компания филиал фойдасининг бир қисмига эгалик қилишга ҳақли бўлиб, филиал низомида белгиланган маъмурий — буйруқчилик вазифаларининг бир қисмини бажаради.

Қимматли қоғозлар эмиссия рўйхатида ва маълум вақт ичида амалга оширилган иш натижалари бўйича акциядорларга тақдим этиладиган ҳисоботларда эмитентнинг молиявий аҳволига асосий ўрни ажратилади. Мазкур маълумот инвесторлар учун энг муҳимдир. Бундай маълумот акциядорлик жамият фаолиятининг барча томонларини таҳлил этиш асосида тайёрланади ва унинг ишончлилиги юзасидан молиявий менежер жавобгар бўлади. Бунинг учун қуйидагилар маълумот манбаи сифатида хизмат қилади: корхона баланси, молиявий натижалар ва уларнинг ишлатилиши, пул маблағ жамғармаларининг ҳаракати, қарзга олинган маблағлар ҳаракати, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳолати, номоддий активлар таркиби, асосий воситалар мавжудлиги ва ҳаракати молиявий қўйилмалар, ижтимоий кўрсаткичлар, валюта маблағларининг ҳаракати, ҳақидаги ҳисоботлар.

Фойдани текшириб ўрганиш ишлари қуйидаги йўналишлардан ташкил топади:

Фойда шаклланишининг асосий манбалари ва умумий ҳажми динамикаси тўланган солиқлар ва йиғимлар миқдори ҳамда фойдадаги улуши: дивиденд кўринишида тўланган фойда миқдори ҳамда фойдадаги улуш;

сармояга айлантирилган фойда миқдори;

заҳира жамғармасига йўналтирилган фойда миқдори;

фойда ҳисобига ташкил этилаётган махсус мақсадли жамғармалар ҳажми ва таркиби;

фойданинг низомий сармояни кўпайтириш учун сарфланиши.

Эмитент корхонанинг низомий сармояси ва фойдаси пул маблағларидаги эҳтиёжнинг бир қисмини қоплайди, холос. Шунинг учун ўз сармояси билан бир ўринда, қарзга олинган ва жалб қилинган сармоялар юзасидан атрофлича таҳлил ўтказиш талаб этилади. Банк берган қарз пуллари бўйича қарздорликнинг молиявий таҳлили ўз ичига қуйидагиларни киритади: ушбу қарздорликнинг умумий миқдори, муддатида қайтарилмаган ва муддати узайтириб берилган қарзларнинг мавжудлиги, кредит олиш муддатлари. Қисқа муддатга берилган қарз пуллари бўйича қарздорликнинг юқорилиги тижорат банкларига тўланаётган фоизларнинг кўплигини билдиради. Таннарх ишлаб чиқариш ва фойдаланиш чиқим харажатлари таркибига қўшилиши мумкин бўлган фоизлар фақатгина Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан белгиланган ҳисоб миқдори чегарасида киритилади. Ушбу чегарадан ортиб кетган фоизларни тўлаш ҳамда муддатида қайтарилмаган ва муддати узайтириб берилган қарз пулларига оид сарф-харажатлар соф фойда ҳисобига қилинади. Қимматга тушувчи кредит нархнинг ўсишига олиб келади ва корхонани фойдадан ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиш имкониятидан маҳрум этади.

Кредитлаш, шу ҳисобда банк ва тижорат ***кредитлаш шартномалари*** қарзга олувчининг мулкига таъсир ўтказишни ўз олдига мақсад қилиб қуймайди. Бироқ банк ва тижорат кредитлари ўртасида катта фарқ бор.

Масалан, маблағ билан таъминловчи томонидан кредит ҳисобига моддий бойлик сотиб олганлиги, иш бажарганлиги, бошқа корхоналарга хизмат кўрсатилганлиги фоиз тўловлари учун сарфланган маблағларни корхоналар бирон бир чеклашсиз ишлаб чиқариш ва фойдаланиш чиқим харажатларига қўшадилар.

Судхўрлик фойдали фаолият бўлиб қолади, аммо қўшимча ҳолда нарх ўсишига олиб келади.

Тижорат кредитлаш ўз моҳиятига кўра, бир корхонанинг молиявий маблағлари узоқ вақт давомида бошқа корхонанинг пул айланувида бўлган ҳар бир ҳолатда содир бўлади. Тижорат кредити шартнома ёки вексел — қарз олувчининг пул қайтариш мажбурияти воситасида кейинги бобда гапирилади.

Катта қуйилмаларга сарфланаётган маблағларнинг йўналиши ҳақида эмитент томонидан эълон қилинган маълумотлар қимматли қоғозларга инвестициялар қилиш учун катта аҳамият касб этади.

Катта қуйилмалар динамикаси, тугатилмаган қурилишлар ва ўрнатилмаган ускуна — жиҳозлар ҳажми инвесторни қизиқтиради. Бунда қуйидаги хусусиятга эътибор ажратиш зарур: акциядорлик жамияти низомий сармосининг каттали-гини аниқлашда қурилиш тугалланмаган иншоотлар қиймати ҳисобга олинмайди ва катта қуйилмалар ҳамда бўнак таркибида акс эттирилади. Иншоот фойдаланишга топширилганидан сўнг акциядорлик жамияти катта қуйилмаларни молиялашга оид ўз манбаларининг сармоя таркибига киритилиши орқали низомий сармояни кўпайтириш ҳақида қарор қабул этишга ҳақли бўлади. Акцияларни янгидан муомалага чиқаришда ёки илгари чиқарилган акцияларнинг номинал қийматини оширишда ушбу истиқболни ҳисобга олиш лозим.

Эмитент томонидан эълон қилинадиган қуйидаги маълумотлар алоҳида аҳамиятга эга: қимматли қоғозлар бўйича кўрилган даромад, облигациялар бўйича фоиз миқдори, чиқарилаётган акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар, пул тўлаш вақти, даромадни олиш учун ҳисоб-китоб тартиби, қимматли қоғозлар бўйича даромадни олиш тартибини белгиловчи тақвимли жадвал.

Бугунги кунда *дивиденд тўлаш* амаллари махсус қоидада белгиланган тартибда бажарилади. Ушбу қоиданинг эса қатор бандлари эскирган. Бунинг натижасида дивиденд тўлаш масалалари юзага келади. Меъёрий ҳужжатларга кўра, акциядорлик сармоясини ишлатиш камида эмитентнинг акциядорлик олдидаги маъсулиятини белгилаган бўлишига қарамасдан, ушбу масала акциядорлик жамиятининг ички иши ҳисобланади.

Биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича маълум белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли фойда мавжуд ҳолларда акциядорлик жамияти ушбу акция эгаларининг дивиденд олиш ҳуқуқ:ига қарши чиқа олмайди.

Акциялар бўйича дивиденд тўлаш ва облигациялар бўйича фоиз тўлаш тартиби тўғрисидаги қоидага кўра акциядор-

лик жамияти зарар кўрганлиги ёки фойда етарлича бўлмаганлик ҳолларда имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар фақат ушбу мақсадда ташкил этилган махсус жамғармалар ҳисобига ва шу маблағ чегарасида тўланади, заҳира жамғармасининг маблағларини сарфлаш эса ман этилади.

Амалда эса акциядорлик жамиятлари ҳеч қандай махсус жамғармаларни ташкил қилмайдилар ва уларнинг низомида ҳам бу тўғрида ҳеч нима дейилмайди. Заҳира жамғармасининг маблағларини сарфлашга келсак, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги Низом ҳамда ҳисоб рақамлари режасига кўра имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни заҳира жамғармаси ҳисобига тўлаш рухсат этилади. Акциядорлик жамияти ўзга манбага эга бўлмагани ҳолда облигациялар бўйича фоизларни жамғармасидан тўлашга мажбурдир.

Акциялар эвазига дивидендларни тўлаш орқали фойданинг пулга айлантирилишини *рағбатлаш* тадбирлари ва ушбу пулларнинг инвестиция мақсадларидаги йўналишлари катта аҳамият касб этади. Агар акциядорлик жамияти тўловга қобилиятсиз бўлса, оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланиши оқибатида шундай аҳволга тушиб қолиши мумкин бўлган ҳолларда директорлар кенгаши ва акциядорларнинг умумий мажлисига дивидендларни эълон қилиш ва тўлаш ман этилади. Зарар қопланмагунча ёки жамият низомий сармояси қисқартирилмагунига қадар уш бу чорага амал қилади.

Тўланмаган ва олинмаган дивидендлар бўйича фоизлар қўшилмайди. Аммо акциялар қарздорлик вужудга келиши муддатидан қатъий назар, кам олинган дивидендларни талаб қилишга ҳақи бор. Акциялар ҳақи тўлиқ берилмаган бўлса ва жамият низомида бошқа тартиб белгиланмаган ҳолларда дивидендлар акциялар қийматининг тўланган миқдорига тенг нисбатда акциядорга тўланиши мумкин. Муомалага чиқмаган ёки жамият балансида турган акциялар бўйича дивиденд тўланмайди. Акциядорлик жамиятлари кўп ҳолларда мазкур қоидаларга амал қилмайдилар, бу эса қимматли қоғозларга ишонч билдиришга путур етказади.

Махсус мақсадли жамғармалар соф фойда ҳисобига шакллантиришни ҳисобга олсак, айнан шу жамғармалар зарар қоп-

лашга ва дивидендлар тўлашга биринчи навбатда йўналтирилиши лозимлигини кўрамиз. Махсус мақсадли жамғарма маблағлари тўлиқ сарфланган ҳоллардагина зарар қоплаш ва мажбурий дивиденд тўлаш учун заҳира жамғармаси маблағларининг ишлатилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бугунги кунда, келгуси ҳисобот даврларида ҳисобдан чиқариб юборилишини назарда тутган ҳолда, *қопланмаган зарар* корхона балансида қолдирилиши ҳақида қарор қабул этилишига рухсат берилади. Бунинг натижасида дивиденд тўловларисиз акциядорлик сармоядан фойдаланиш имконияти туғилади. Бу амалиёт бозор меъёрига зид келади, лекин қонун томонидан тақиқланмайди.

Акцияларни бошқариш ишлари инвестициялар жамғармасига, банкка ёки траст амалиётлари билан шуғулланувчи бошқа тижорат ташкилотига топширилиши мумкин. Бунда дивидендлар, ушбу амалиёт бажарилгани учун тўланадиган ҳақ айириб ташланган ҳолда тўланади, ҳақ миқдори эса мижоз билан тузилган шартномада белгиланади. Траст амалиётлари учун тўланадиган ҳақ 10-15 фоизга етиб боради, бу эса мижоз манфаатига зиён келтиради. Шунинг учун акциядорлик жамиятлари дивиденд тўлаш ишларини ўзлари бажарадилар ёки бу вазифани банк-агентга топширадилар.

Облигация учун фоизлар ва акциялар бўйича дивидендлар соф фойда ҳисобига, соф фойда етарли бўлмаган ҳолларда эса жамиятнинг заҳира жамғармаси ҳисобига тўланади. Облигация бўйича дивидендлар акция бўйича дивиденд тўловларига нисбатан биринчи навбатли тартибда тўланади.

Облигация бўйича фоизлар уларнинг курс қийматидан қатъий назар, номиналга нисбатан ҳисоб-китоб қилинади. Акция бўйича дивидендлар эса ҳам номиналга нисбатан, ҳам акция курс қийматига нисбатан ҳисоб-китоб қилиниши мумкин. Одатда ушбу тартиб эмиссия рўйхатида қайд этилади, чунки инвесторлар учун унинг аҳамияти катта. Аксарият акциядорлик жамиятлари дивидендларнинг акция номинал қийматига нисбатан тўланишини маъқул топадилар, бу эса курс қийматига салбий таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда облигациялар чиқариш учун акциядорлик жамиятлари ўз зиммасига қўшимча мажбуриятлар юклашлари шарт бўлганлиги сабабидан ушбу амалиёт камдан-кам

қўлланилади. Банкрот бўлган жамиятнинг облигациялари бўйича дивидендлар унинг мулки ҳисобига тўланади.

Бирламчи жойлаштириш тартибида муомалага чиқарилган облигациялар бўйича фоизлар биринчи йилда уларнинг муомаладаги ҳақиқий вақтига мутаносиб ҳажмда тўланади, бироқ эмиссия рўйхатида бошқа шартлар ҳам белгиланган бўлиши мумкин. Облигация бўйича фоизлар эмиссия рўйхатида акс эттирилган ёки эмитент билан инвестор ўртасида тузилган шартномада белгиланган пул ва натурал шаклларда тўланиши мумкин. Инвесторларда қўшимча қизиқиш уйғотувчи айирбошланадиган облигациялар ҳам муомалага чиқарилиши мумкин.

Корхона дивиденд сиёсатини ўрганишга қайтайлик.

Тўланаётган дивидендлар миқдори катта бўлмаслиги ва компаниянинг рентабеллиги юқори даражада бўлса, тақсимланмаган фойда ҳисобидан катта ҳажмли заҳиралар ташкил этилиши мумкин. Тақсимланмаган фойда асосий воситаларга, замонавий технологияларга, янги лойиҳалар тадбиқ этилишига сарфланганида сармоя ортиши кузатилади.

Сармоя ортиши ўз навбатида акциялар қийматининг ўсиши ва шу жиҳатдан дивиденд миқдорининг ўсишини билдиради. Шу тариқа ўзини ўзи молиялаш механизми янги акция ва облигацияларни чиқаришдаги ва тижорат кредитларидан фойдаланишдаги эҳтиёжни қисқартиради, тўланмаган дивиденд ёки фоизлар ҳисобига молиявий маблағларнинг тежалишига олиб келади ва юқори даражада самарали сармоя айланиши ҳамда сармоя ўсиши учун чинакам пойдевор яратади.

Қимматли қоғозлар чиқарувининг якунлари ҳақидаги ҳисоботнинг тақдим этилиши акциядорлик жамиятлари учун мажбурий ҳисобланади. Ушбу ҳисоботда ҳар бир қимматли қоғоз турининг ҳақиқий сотилган нархи ва эмиссиядан кўрилган даромад миқдори кўрсатилади. Қимматли қоғозлар тури ва тўлов шаклари ҳақидаги маълумотлар катта қизиқиш уйғотади. Қимматли қоғозлар сўм, чет эл валютаси, моддий ва номоддий активлар, учинчи шахсларга қарашли қимматли қоғозлар эвазига ҳамда муомалага чиқарилган бошқа қимматли қоғозларни айирбошлаш ва бошқа манбалар ҳисобига сотилиши мумкин.

Эмитентнинг бошқариш органи валюта қимматликлари,

учинчи шахсларга қарашли қимматли қоғозлар, моддий қимматликлар ва номоддий активларнинг пул баҳосини тасдиқлайди. Ушбу катталик акциядорлик жамияти низомий сармоясига акциядор томонидан бериладиган бадал сифатида қайд этилади. Бунда акциядор ўз бадалига эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади, лекин акцияларига тенг миқдорда фойдадан қисм олиш ҳуқуқига эга бўлади. Мулк — юридик шахс сифатидаги акциядорлик жамияти эгалигига ўтади.

Бирорта ҳам акциядорлик жамияти муомалага чиқарган акцияларини сотиб олишга мажбур этилмайди, эмитентнинг таъсис ҳужжатлари ва қонунда кўрсатилган ҳоллардан ташқари. Акциядорлик жамияти сотиб олинган тақдим эса акциядорнинг бадали фақат пул шаклидагина қайтариб берилади, юқорида кўрсатилган ҳоллар бундан истисно.

Номи кўрсатилган қимматли қоғоз эгаларининг *марказлашган рўйхатини* юритишга ваколатли этилган юридик шахслар ҳамда қимматли қоғоз сертификатларини қайд этиб сақлашга *қабул қилинган депозитарийлар ҳақидаги маълумотларга* ҳисоботларда алоҳида эътибор берилади.

Қимматли қоғозлар чиқарувининг жойлаштирилишида ҳақиқатдан иштирок этган банклар ва инвестиция институтлари ҳақидаги маълумотлар ўз ичига чиқарув жараёнидаги иштирок хусусиятлари ва амалга оширилган битимлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни киритади. Жамғарма биржалари ва биржаларнинг жамғарма бўлимлари ҳақидаги маълумотларда чиқарувнинг листинг таркибига киритилгани ҳамда амалиётлар ҳажми ва қимматли қоғозлар котировкаси ҳақидаги маълумотлар акс эттирилади. Акциядорлар тасарруфида эмитентнинг молиявий аҳволи тўғрисида ишончли маълумотлар бўлган ҳолда ушбу маълумотлар ҳақиқатни акс эттиради.

Қимматли қоғозлар бўйича йиллик ҳисобот акциядорлик жамиятининг ўтган давр мобайнидаги эмиссион фаолияти якунлари билан таниши чиқиш имкониятини беради. Йиллик ҳисобот ўзаро боғлиқ ҳисоботлар тўпламидан иборатдир. Бунга қуйидагилар киради:

— фойда ва заҳира жамғармасининг сарфланиши ҳақидаги ҳисобот;

— қарзга олинган пул, банк кредитлари, бюджет тўловла-

ри ва бошқа кредиторлар бўйича мавжуд қарздорлик миқдори ҳақидаги ҳисобот;

— муомалага чиқарилган акция ва облигациялар ҳақидаги ҳисобот, ҳар бир чиқарув бўйича алоҳида кўрсатилади;

— низомий сармоя ҳажми ва ҳақ тўлаш шакллари ҳақидаги ҳисобот;

— қимматли қоғозлар ҳосиласи ҳақидаги маълумотлар.

Очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари *акциядорлар реестрининг* юритилишини таъминлашлари шарт.

Акциядорлар реестри бу — яхлит ёзувлар тизими шаклида мавжуд бўлган акциядорлик жамияти ва акциядорлар ҳақидаги маълумотлар йиғиндисидир. Акциядорлар реестрининг эгаси акциядорнинг талабига биноан реестрдан кўчирма бериш орқали унинг акцияларга эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқлаши шарт. Ушбу кўчирма қимматли қоғоз кучига эга эмас.

Қуйидаги ҳужжатлар акциядорлар реестрига ёзувлар киритиш учун асос бўла олади:

— таъсис шартномаси ва акциядорлик жамияти таъсис этилишида акциялар ҳақи тўлангани тўғрисидаги ҳужжат;

— ёпиқ обуна натижаси ёки савдо якунлари ҳақидаги баённомалар ва акциялар ҳақи тўлиқ тўланганн ёки бошқа акциядорлик жамияти томонидан холдинг компаниянинг низомий сармоясига акциялар киритилгани ҳақидаги ҳужжатлар;

— инвестицион воситачилар ёки депозитарий иштирокисиз акциялар билан амалга оширилган келишувлар ҳақидаги ҳужжатлар;

— акциядор ёки акциядорлик жамиятининг ёзма топшириқномаси.

Инвестициоий воситачилар ва депозитарий иштирокисиз акциялар билан амалга оширилган келишувлар оддий ёзма шаклда бажарилгани ҳолатидагина қайд этилади: реестрга янги акциядорнинг киритилиши — *келишувнинг қайд этилгани* билдиради.

Банк билан инвестиция институтлари ёки депозитарийлар битимро иштирок этган ҳолларда битим улар томонидан қайд қилиниши мумкин. Келишув қайд этилгани ҳақидаги маълумот уч кун муддатида акциядорлар реестри эгасига топширилиши лозим.

Акциядорлар реестрининг эгаси бу — акциядорлар реестрини юритиш ва сақлаш юзасидан фаолият олиб борувчи юридик шахсдир. Акциядорлар реестрини юритиш ва сақлаш ишлари фаолиятнинг ягона тури бўлган ихтисослашган регистраторгина акциядорлар реестрининг эгаси бўлиши мумкин. Реестрни юритиш ва сақлаш ишлари реестр эгаси томонидан акциядорлик жамияти билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади. Акциядорлик жамиятида фақат битта реестр эгаси бўлади, аммо жамият ҳам акциядорлар реестрининг юритилиши ва сақланиши учун масъулиятдан ҳамда бу борадаги мажбуриятлардан озод бўлмайди. Реестр эгаси шу реестрда қайд қилинган шахсларнинг акциялари билан битимларни амалга ошириши мумкин эмас.

Акциядорлар реестрида қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

— акциядорлик жамиятининг умумий тавсифи;

— эълон этилган ва қайд қилинган низомий сармоя ҳажми;

— муомалага чиқарилган ва чиқаруви эълон қилинган акцияларнинг сони, номинал қиймати ва категорияси;

— акциялар бўлиниши ёки бирлашиши;

— қайд қилинган ҳар бир акциядор, шу ҳисобда мулкдор ва номинал акция эгаси ҳақида маълумотлар;

— ўз маблағлари ҳисобига акциядорлик жамияти томонидан сотиб олинган акциялар сони, номинал қиймати ва категориялари ҳақида маълумот;

— дивиденд тўловлари;

— акциялар билан амалга оширилган келишувларнинг бажарилганлини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳақидаги, акцияларга эгалик қилиш ҳуқуқини сотиб олиш учун келтирилган барча асослар ҳақидаги ва акциялар бўйича мажбурият (масалан, гаров) берилиши ҳоллари ҳақидаги маълумотлар.

Номинал акция эгалари сифатида мулк жамғармалари, банклар, инвестиция институтлари, депозитарийлар чиқишлари мумкин. Акцияларнинг номинал эгаси акциялар билан келишувларни ўз номидан ва акциядор ёки акциядорлик жамиятининг гоширигига биноан ва ушбуларнинг манфаатларини кўзлаб бажаради.

Акциядорлар реестрининг эгаси қайд дафтардаги ёзувларнинг хронологик тартибда юритилишини, қайд қилинган шахслар ва гаров эгалари шахсий ҳисоб варақаларининг, акция сертификатларини бериш ва бекор қилиш қайд дафтарининг, акциядорлар реестрига киритиш учун асос бўлувчи (ўтувчи топшириқнома ёки гаров топшириқномаси) ҳужжатларни сақлаш ва ҳисоб юритиш тизимининг юритилишини таъминлаши шарт.

Рўйхатга олиш қайд дафтари муомалага чиқариш учун эълон қилинган акцияларнинг ҳар бир категорияси бўйича юритилади. Ушбу қайд дафтарга қўшимча эмиссия ва акцияларнинг бошқа шахсга ҳар бир ўтиши ҳамда акциялар сони ва категорияснга оид бошқа ҳар бир ўзгаришлар ҳақидаги ёзувлар хронологик тартибда киритилади. Шахсий ҳисоб варақалари мулкдорларга, акцияларнинг номинал эгалари ва гаров эгаларига, ҳар бир қайд қилинган шахс номига очилади ва шу билан бир вақтда рўйхатга олиш қайд дафтарига ёзув киритилади. Акциядорлик жамияти эгалигидаги акциялар алоҳида шахсий ҳисоб варақасида акс эттирилади. Акция сертификатлари қоғоз шаклида чиқарилганида уларни бериш ва қоплаш қайд дафтари юритилиши лозим. Акцияларнинг ҳар бир категорияси учун алоҳида қайд дафтарлар мавжуд.

Акциядорлар реестридан кўчирмалар акциядор, гаров эгаси, номинал акция эгаси талабларига биноан берилади.

7.6. БАНКЛАРНИНГ ЭМИССИОН ФАОЛИЯТИ

Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни муомалага чиқариш ва уларни қайд этиш қоидалари бугунги кунда алоҳида хусусиятларга эга.

Тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкида давлат рўйхатига олиниши шарт. Қимматли қоғозлар чиқарувининг рўйхатга олиниши белгиланган ҳолларда эмиссия рўйхатларининг қайд этилишини ўз ичига олади. Қимматли қоғозлар чиқаруви давлат рўйхатига олинмагунича, банклар ушбу чиқарув юзасидан реклама фаолиятини бошлашлари мумкин эмас.

Банклар томонидан муомалага чиқарилаётган барча акциялар сўмда ифодаланган номинал қийматга эга бўлиб, номланган бўлиши шарт. Агар акциялар чет эл валютасига сотиладиган бўлса, бу ҳолда сўмда ифодаланган номиналдан ташқари, акцияларнинг чет эл валютасида ифодаланган номинали кўрсатилиши лозим. Ҳар бир чиқарув учун эмитент томонидан номиналлар нисбати ўрнатилади. Ушбу нисбат янги чиқарувларга мос келмаслиги мумкин. Агар акция иккита номиналга эга бўлса, у ҳолда акция биринчи бор эгаларига фақат валюта эвазига сотилади. Барча чиқарувлардаги банк акциялари имтиёзли бўлмаган ҳолларда, улар сўмда ифодаланган бир хил номинал қийматга эга бўлади.

Акциядорлик банки таъсис этилаётганида ёки пайчилик банки акциядорлик банкига айлантирилаётганида барча акциялар муассислар ўртасида тақсимланади. Пайчилик банки акциядорлик банкига айлантирилганида ва бунда низомий сармоясининг кўпайиши кузатилганида, уни молиялаш манбалари фақатгина муассисларнинг қўшимча бадаллари ёки пайларга мутаносиб миқдорда тақсимланувчи фойданинг пулга айлантирилган қисмидан иборат бўлиши мумкин, холос.

Банк ва корхона акцияларининг биринчи чиқарувида эмиссия рўйхати қайд қилинмайди. Бирданига икки шарт бажарилган ҳоллар бундан истисно, яъни: банк очиқ акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилади ва режаланаётган низомий сармоя ҳажми маълум миқдордан ҳамда, ёки муассислар сони маълум сондан ортиқчалиги. Банк акцияларининг биринчи чиқаруви тўлиқлигича оддий номланган акциялардан иборат бўлиши шарт.

Низомий сармояни кўпайтириш мақсадида акцияларни чиқариш тадбири акциядорлар томонидан жами илгари чиқарилган акциялар ҳақи тўлиқ тўлаб бўлинганидан кейингина амалга оширилиши мумкин. Қимматли қоғозларнинг кейинги чиқарувларида эмиссия рўйхати умумий қонда асосида қайд этилади ва белгилаб қўйилган шарт-шароитлар мавжудлигида қайд этилмаслиги мумкин. Кейинги чиқарувдаги акциялар оддий ва оддий акция номиналидан фарқ қилувчи имтиёзли бўлиши мумкин.

Банк томонидан муомалага чиқарилган барча акциялар-

нинг ҳақи тўлаб бўлинган *тақдирдагина* облигациялар чиқариш орқали қарзга олинадиган маблағларни жалб этишга рухсат берилади. Банклар бир вақтда ҳам акцияларни, ҳам облигацияларни чиқаришга ҳақли эмаслар. Пайчилар томонидан банк низомий сармоясидаги улушлари тўлиқ тўланган шарт-шароитида пайчилик банклари ҳам облигациялар чиқаришлари мумкин.

Ўз маблағларини пулга айлантириш орқали *низомий* сармояни орттиришда молиявий манба бўлиб қуйидагилар хизмат қилади:

— заҳира жамғармасининг ҳақиқатда ҳақи тўланган низомий сармоянинг 10 фоизидан ортиқ қисми;

— акциядор номинал қиймати ва биринчи эгаларига сотилган нархи орасидаги фарқдан олинган қўшимча ўз маблағлари — эмиссия даромади;

— асосий воситаларни қайта баҳолаш натижасида олинган маблағлар;

— иқтисодий рағбатлаш жамғармасининг қолдиқлари;

— иқтисодий рағбатлаш жамғармалари ҳисобига банк томонидан сотиб олинган асосий воситалар;

— ҳисобот даври охиридаги кредит қолдиғининг 50 фоизига тенг ўз маблағларининг валюта қисмини қайта баҳолашдан олинган маблағлар;

— ҳисоблаб қўшилган, лекин акциядорларга берилмаган дивидендлар;

— ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойда;

— банк томонидан илгари чиқарилган айирбошланадиган облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга алмашувлар.

Биринчи эгасига акцияларни сотишда белгиланадиган нархга *нисбатан* Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан алоҳида талаб қўйилади. Бир чиқарувдаги қимматли қоғозларнинг ҳар бир тури бўйича, биринчи эгаларига сотилаётган пайтда, ягона нарх бўлиши лозим. Сотув ишлари молиявий воситачилар орқали амалга оширилган ҳолларда ҳам бу талаб кучда қолади.

Қимматли қоғозларнинг сотилиши бўйича ҳам қатъий муддатлар белгиланган. Биринчи чиқарувдаги акциялар сотуви, улар қайд этилганидан кейинги 30 кундан кеч бўлмаган муд-

даҳда якунланиши шарт; кейинги чиқарувдаги акция ва облигациялар қайд қилинганидан кейинги 6 ойдан кеч бўлмаган муддатда сотилади.

Сотилган акциялар миқдори қайд қилинган эмиссия ҳажмидан кам бўлиб чиқиш мумкин. Шу муносабатда тўланиши лозим бўлган чиқарув улушидаги энг кам миқдор ўрнатилади ва чиқарув ўринли деб ҳисобланиши учун унга эришиш шартдир.

Банклар томонидан акцияларни эмиссия қилиш тадбирининг ўзига хос хусусияти қуйидагидан иборатдир: нақд пулсиз тартибда тушаётган пул маблағлари асосий вакиллик ҳисоб варақаси юритилаётган жойда очилувчи ***Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг тижорат банкидаги махсус жамғариш ҳисоб варақасига*** киритилиши зарур. Банк ўз маблағларининг дивидендлардан ташқари пулга айлантирилган қисмини жамғариш ҳисоб варақасига киритмайди. Бироқ низомий сармоя таркибидаги ушбу маблағлар юзасидан ҳисоб фақат акция чиқаруви якунлари ҳақидаги ҳисобот қайд қилинганидан сўнг юритилиши мумкин бўлади, холос.

Акциялар учун тўлов сифатида мижознинг ҳисоб варақасидаги маблағлар қабул қилинган тақдирда банк вакиллик ҳисоб варақаси бўйича кредит қолдиғи шу маблағ миқдорига тенг ҳажмда қисқаради, Марказий Банк жамғариш ҳисоб варақасига тушган маблағлар ҳажми эса шу миқдорда кўпаяди. Ҳисоблаб қўшилган, лекин тўланмаган дивидендлар пулга айлантирилган ҳолларда ҳам тегишли миқдор тижорат банкидаги жамғариш ҳисоб варақасига киритилади.

Акция чиқаруви якунлари Марказий Банкда ёки унинг муассасаларида қайд этилмагунига қадар, жамғариш ҳисоб варақасидаги мавжуд маблағлар сарфланмайди. Бинобарин, ушбу хусусият банк акциялар эмиссиясини корхона акция эмиссиясидан фарқлайди, зеро корхоналар жамғариш ҳисоб варақаларига эга бўлмайдилар.

Низомий сармоя ҳақини тўлаш учун тушган моддий ва номоддий активлар эмиссия якунлари қайд этилмагунига қадар банк томонидан ташқарига чиқарилиши мумкин эмас. Акциялар ҳақини тўлаш учун тушган нақд пул маблағлари Марказий Банкка топширилиши ва жамғариш ҳисоб варақасига ки-

ритилиши шарт. Акциялар ҳақини тўлаш учун қабул қилинган чет эл валютаси ваколатли банкдаги ёки хорижий банкдаги алоҳида ҳисоб рақамига туширилади. Ушбу маблағлар эмиссия якунлари қайд этилганидан кейингина сарфланиши мумкин.

Банк ***валюта қимматликларини пул ифодасида жорий баҳолаши*** шарт. Акция чиқаруви якунлари қайд этилганидан сўнг банк-эмитент акция тўлови учун қабул қилинган валютани тегишли номинал бўйича «Низомий жамғарма» баланс ҳисоб рақамида ҳисобга олади, валюта баҳоси ва сўмдаги номинал ўртасидаги фарқни эса «Валюта маблағларини қайта баҳолаш», баланс ҳисоб рақамининг «Ўз маблағлари валюта қисмининг қайта баҳоланишга оид сотилмай қолган курсдаги фарқ» шахсий ҳисоб рақамида акс эттиради.

Ушбу маблағлар банк томонидан ўз ихтиёрига кўра сарфланади ва кейинчалик низомий сармояга тегишли бўлмайди. Акцияларнинг валюта нархи барча инвесторлар учун ягона бўлиши лозим. Банк чет эл валютаси эвазига сотилган акциялар бўйича дивидендлар тўланиши ва муомаласи юзасидан махсус тартиб ўрнатишга ҳақлидир.

Қимматли қоғозларни сотиш жараёни якунланганидан сўнг банк-эмитент чиқарув якунлари ҳақида ҳисобот тузади ва ...нинг натижаларини шу ҳисоботда таҳлил қилади. Қуйидаги шарт-шароитларда ҳисоботни қайд қилишда рад этилади:

— эмитентнинг ўзи чиқарувни ўринсиз деб топгА...ида;

— ҳисоботни тақдим этиш муддатига риоя қилинмаганида;

— қайд қилувчи органга тақдим этилган ва ҳисоботда баён қилинган маълумотларда тартиббузарлик ҳолларининг мавжудлиги ...топганида;

— ак... ...ининг чинакам тўланган қисми белгилан-
ган эм... ...ган от бўлганида;

— ҳи... ...ганида.

Қимм... ...ининг давлат томонидан қайд
этилиши... ...ваколатли банклардаги ёки
хорижий... ...ёки валюта ҳисоб рақамла-
ридан мав... ...инвесторларга қайтариб бери-
лади.

Чиқарув... ...ларни чиқарув ҳақида маъ-
лу...

лумот эълон қилган матбуот органида эълон қилинади. Сотилган барча акцияларнинг ҳақи чиқарув қайд қилинган кундан бошлаб бир йил мобайнида тўланиши зарур. Қўшимча ҳақ банк томонидан низомий жамғармага кирим қилинади.

Қимматли қоғозлар чиқарувида эмиссия рўйхати қайд этилган тақдирда банк томонидан қайд қилувчи органга ҳар йили қимматли қоғозларга оид ҳисобот тақдим этилади. Ушбу ҳисобот ҳар йили ўтказиладиган мажлисдан кейинги икки ҳафта ичида тақдим этилиши лозим.

Низомий жамғармага моддий ва номоддий активлар киритилган улар *пул ифодасида баҳоланади* ва бу баҳо акциядорларнинг умумий мажлисида тасдиқланади. Низомий жамғарма ўсишига оид чиқакам тўланган пул миқдори кўзланган ўсиш ҳажмининг 50 фоизидан кам бўлмаган ҳолатидагина акция чиқаруви ўринли деб тан олиниши мумкин. Кўзланаётган низомий жамғарма ўсишининг ҳажми сотувга қўйилиши мўлжалланган жами акциялар номинал қийматининг йиғиндисидан келтириб чиқарилади.

Банк-эмитент чиқарув якунлари ҳақидаги ҳисоботда акциялар сотуви давомида жами қўшилган маблағлар қийматининг ҳисоб-китобини келтиради ва чиқарув якунлари қайд этилганидан сўнг низомий жамғарма таркибига қўшиладиган улушини аниқлайди. Акциялар ҳақини тўлашга доир қўшимча муддат тақдим этилгани сабаби келажакда тушувчи пул миқдорлари ҳисоб-китобдан четда қолдирилади. Акцияларнинг номинал қиймати ва сотувдан ҳақиқатда тушган маблағ ўртасидаги фарқ банкнинг эмиссион даромадини ташкил қилади ва ўз сармояси ҳажмини кенгайтиради.

Эмиссия рўйхати, чиқарув якунлари ҳақидаги ҳисобот, қимматли қоғозлар бўйича йиллик ҳисобот ва акциядорлар реестри каби ҳужжатлар қайд қилинган шахсларнинг акциядорлик сармоядаги чинакам иштирокларини баҳолашга имконият берувчи молиявий маълумотларни тўла акс эттиради. Бироқ ушбу маълумотлар талаб ва таклиф борасидаги аҳвол ҳамда қимматли қоғозлар муомаласи тўғрисида тасаввур бермайди. Қолаверса акция курс қийматининг ўзгариб туриши ҳар бир акциядорлик жамияти учун хосдир, бу эса жамғармалар бозоридаги олибсотарликка йўл очади.

Қимматли қоғозлар муомаласини таъминловчи ва молия-

ритилиши шарт. Акциялар ҳақини тўлаш учун қабул қилинган чет эл валютаси ваколатли банкдаги ёки хорижий банкдаги алоҳида ҳисоб рақамига тушириладн. Ушбу маблағлар эмиссия якунлари қайд этилганидан кейингина сарфланиши мумкин.

Банк ***валюта қимматликларини пул ифодасида жорий баҳолаши*** шарт. Акция чиқаруви якунлари қайд этилганидан сўнг банк-эмитент акция тўлови учун қабул қилинган валютани тегишли номинал бўйича «Низомий жамғарма» баланс ҳисоб рақамида ҳисобга олади, валюта баҳоси ва сўмдаги номинал ўртасидаги фарқни эса «Валюта маблағларини қайта баҳолаш», баланс ҳисоб рақамининг «Ўз маблағлари валюта қисмининг қайта баҳоланишга оид сотилмай қолган курсдаги фарқ» шахсий ҳисоб рақамида акс эттиради.

Ушбу маблағлар банк томонидан ўз ихтиёрига кўра сарфланади ва кейинчалик низомий сармояга тегишли бўлмайди. Акцияларнинг валюта нархи барча инвесторлар учун ягона бўлиши лозим. Банк чет эл валютаси эвазига сотилган акциялар бўйича дивидендлар тўланиши ва муомаласи юзасидан махсус тартиб ўрнатишга ҳақлидир.

Қимматли қоғозларни сотиш жараёни якунланганидан сўнг банк-эмитент чиқарув якунлари ҳақида ҳисобот тузади ва унинг натижаларини шу ҳисоботда таҳлил қилади. Қуйидаги шарт-шароитларда ҳисоботни қайд қилишда рад этилади:

— эмитентнинг ўзи чиқарувни ўринсиз деб топганида;

— ҳисоботни тақдим этиш муддатига риоя қилинмаганида;

— қайд қилувчи органга тақдим этилган ва ҳисоботда баён қилинган маълумотларда тартиббузарлик ҳолларининг мавжудлиги исбот топганида;

— акция чиқарувининг чинакам тўланган қисми белгиланган энг кам миқдордан оз бўлганида;

— ҳисобот тўлиқсиз тузилганида.

Қимматли қоғозлар чиқарувининг давлат томонидан қайд этилиши бекор қилинган ҳолларда ваколатли банклардаги ёки хорижий банклардаги жамғариш ёки валюта ҳисоб рақамларида мавжуд бўлган маблағлар инвесторларга қайтариб берилади.

Чиқарув якунлари ҳақидаги ахборот чиқарув ҳақида маъ-

лумот эълон қилган матбуот органида эълон қилинади. Сотилган барча акцияларнинг ҳақи чиқарув қайд қилинган кундан бошлаб бир йил мобайнида тўланиши зарур. Қўшимча ҳақ банк томонидан низомий жамғармага киритим қилинади.

Қимматли қоғозлар чиқарувида эмиссия рўйхати қайд этилган тақдирда банк томонидан қайд қилувчи органга ҳар йили қимматли қоғозларга оид ҳисобот тақдим этилади. Ушбу ҳисобот ҳар йили ўтказиладиган мажлисдан кейинги икки ҳафта ичида тақдим этилиши лозим.

Низомий жамғармага моддий ва номоддий активлар киритилган улар *пул ифодасида баҳоланади* ва бу баҳо акциядорларнинг умумий мажлисида тасдиқланади. Низомий жамғарма ўсишига оид чинакам тўланган пул миқдори кўзланган ўсиш ҳажмининг 50 фоизидан кам бўлмаган ҳолатидагина акция чиқаруви ўринли деб тан олиниши мумкин. Кўзланаётган низомий жамғарма ўсишининг ҳажми сотувга қўйилиши мўлжалланган жами акциялар номинал қийматининг йиғиндисидан келтириб чиқарилади.

Банк-эмитент чиқарув якунлари ҳақидаги ҳисоботда акциялар сотуви давомида жами қўшилган маблағлар қийматининг ҳисоб-китобини келтиради ва чиқарув якунлари қайд этилганидан сўнг низомий жамғарма таркибига қўшиладиган улушини аниқлайди. Акциялар ҳақини тўлашга доир қўшимча муддат тақдим этилгани сабаби келажакда тушувчи пул миқдорлари ҳисоб-китобдан четда қолдирилади. Акцияларнинг номинал қиймати ва сотувдан ҳақиқатда тушган маблағ ўртасидаги фарқ банкнинг эмиссион даромадини ташкил қилади ва ўз сармояси ҳажмини кенгайтиради.

Эмиссия рўйхати, чиқарув якунлари ҳақидаги ҳисобот, қимматли қоғозлар бўйича йиллик ҳисобот ва акциядорлар реестри каби ҳужжатлар қайд қилинган шахсларнинг акциядорлик сармоядаги чинакам иштирокларини баҳолашга имконият берувчи молиявий маълумотларни тўла акс эттиради. Бироқ ушбу маълумотлар талаб ва таклиф борасидаги аҳвол ҳамда қимматли қоғозлар муомаласи тўғрисида тасаввур бермайди. Қолаверса акция курс қийматининг ўзгариб туриши ҳар бир акциядорлик жамияти учун хосдир, бу эса жамғармалар бозоридаги олибсотарликка йўл очади.

Қимматли қоғозлар муомаласини таъминловчи ва молия-

вий бозорнинг айрим сегментларини ташкил этувчи асосий молия институтларини ўрганиб чиқайлик.

7.7. ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИНГ ИНФРАТУЗИЛМАСИ

Бугунги кунда жамғармалар бозори қуйидаги сегментлардан ташкил топади:

— давлат қимматли қоғозлари бозори;

— хусусийлаштирилган корхона акциялари ва облигациялари бозори;

— тижорат банклар эмитентлигидаги қимматли қоғозлар бозори;

— маҳаллий ва вилоят облигация ҳамда заёмлари бозори;

— хусусий эмитент қимматли қоғозларининг бозори.

Давлат қимматли қоғозлари бозори ҳажми бўйича энг йирик сегментдир. У қисқа муддатли купонсиз давлат облигацияларидан ташкил топади.

Ҳажми бўйича иккинчи ўринда-*хусусийлаштирилган корхона акциялари ва облигациялари бозори* туради.

Тижорат банклар эмитентлигидаги қимматли қоғозлар бозори ўз ичига акция, облигация, банк векселларини киритади.

Қимматли қоғозларнинг иккиламчи эмиссияси институционал инвесторлар ва, энг аввало, инвестиция жамғармаларининг фаолияти учун ҳал этувчи аҳамиятга эгадир. Инвестиция жамғармалари ва компаниялари қимматли қоғозлар бозорининг асосий иштирокчиларидан бири ҳисобланади. Улар фақат қимматли қоғозлар билан иш олайдилар. Барча инвестиция жамғармалари шартли равишда лицензияланиши лозим.

Ихтисослашган хусусийлаштириш инвестиция жамғармалари хусусийлаштириш жараёнида фаол иштирок этганлар.

Инвестиция компаниялари қуйидаги фаолият турларини амалга оширадилар:

— қимматли қоғозлар чиқарувини ташкиллаш ва уларнинг жойлаштирилиши юзасидан турли акциядорлик жамиятларига кафолатлар бериш;

— акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлари учун ўз маблағларини сарфлаш;

— қимматли қоғозларни ўз номидан ва ўз ҳисобига харид қилиш ва сотиш.

Инвестиция компаниялари инвестиция жамғармаларига нисбатан бош холдинг сифатида чиқишлари мумкин. Акциядорлик жамияти иштирок этган ҳолларда жами низомий сармоя чекланган доирадаги муассислар ўртасида жойлаштириладн. Бундай вазиятда инвестиция компаниялари, асосан, консалтинг хизматини кўрсатиш учун жалб қилинади. Низомий сармоя ортган ҳолларда инвестиция компаниялари томонидан кўрсатилаётган хизматлар доираси, келгусида эмиссия жараёнини ташкиллаш мақсадида сезиларли даражада кенгаяди.

Инвестиция компаниялари нафақат акциялар, балки облигациялар ва бошқа қарз мажбуриятлари чиқарувини ташкиллайдилар. Инвестиция компаниялари хизматидан юридик шахслар, давлат бошқариш идоралари, маҳаллий маъмурият идоралари фойдаланадилар. Бунинг учун эмитент билан компания ўртасида қимматли қоғозларнинг дастлабки жойлаштирилиши юзасидан шартнома тузилади. Шартномада эмиссия тартиби ва шарт-шароитлари, жойлаштирилиши лозим бўлган қимматли қоғозларнинг тури ҳамда эмитентнинг ва компаниянинг масъулиятлари кўрсатилади. Компания, эмиссия рўйхатида келтирилган маълумотларнинг ишончлилиги ва жойлаштирилаётган қимматли қоғозларнинг сифати учун жавобгарлик беради.

Эмитент ва инвестиция компанияси қимматли қоғозлари зарур. Бундай шакллар иккита:

— аввалдан маълум бўлган инвесторларнинг чекланган доираси ўртасида шахсий тарзда жойлаштириш;

— инвестор бўлиши мумкин шахсларнинг чекланмаган сони ўртасида очиқ сотиш.

Шахсий тарзда жойлаштириш ёки ёпиқ обуна тадбирлари давлат ва маҳаллий корхоналар хусусийлаштирилаётган ҳолларда амалга оширилади ва бунда инвесторлар сони ҳамда акция миқдорлари чекланмайди. Ушбу тадбирлар турли акциядорлик жамиятлари таъсис этилиши пайтида ҳам амалга оширилади. Барча бошқа ҳолатларда бу тадбирларни амалга оширишда инвесторлар сони ва акцияларнинг эмиссия миқдори чекланади.

Эмитент билан тузилган шартномада белгиланган шартлар

бўйича қимматли қоғозлар эмиссиясини ташкиллаш ва кафолатлаш ишлари инвестицион компаниялар учун яна бир муаммо туғдиради:

— қимматли қоғозларнинг бутун чиқарувини ўз ҳисобига сотиб олиш ва ташқаридаги инвесторларга сотиб юбориш;

— қимматли қоғозлар чиқарувининг белгиланган муддатда ташқаридаги инвесторлар ўртасида жойлаштирилмасдан қолган қисмини ўз ҳисобига сотиб олиш.

Инвестицион компаниялари эмитентни жалб қилишга манфаатдор бўлганлари ҳамда қимматли қоғозларнинг юқори сифатига ва бозордаги қийматининг ортиб боришига ишонч борлиги ҳолатидагина улар ўз зиммасига акцияларнинг жойлаштирилмасдан қолган қисмини сотиб олиш мажбуриятини оладилар.

Инвестиция жамғармалари қуйидаги фаолият турлари билан шуғулланишлари мумкин:

— инвесторларнинг пул маблағларини сафарбар этиш мақсадида акция чиқариш;

— сафарбар қилинган маблағларни жамғарма номидан қимматли қоғозларга сарфлаш, банк ҳисоб рақамларига ва омонатларга қўйиш;

— қимматли қоғозларни сотиш.

Инвестиция жамғармалари эмитент ва инвестор, омонатчи ва кредитор сифатларида майдонга чиқишлари мумкин. Инвестиция жамғармасининг низомида бир акцияга тегишли активлар қийматини ҳисоблаб қўшиш тартиби, сафарбар қилинган пул маблағлари қай йўналишда сарфланганн, ушбу маблағлар билан амалиёт бажариш шартлари, банк муассасалари билан ҳакорлик қилиш тартиби ҳақидаги маълумотлар мажбурий тарзда кўрсатилиши шарт. Ушбу қоидалар инвестиция жамғармасининг акциядорлари учун кафолат вазифасини ўтайди. Инвестиция жамғармалари хусусийлаштириш даврида фаол ўрин эгаллаганлар.

Очиқ ва ёпиқ инвестиция жамғармалари ўртасидаги мутаносиблик қимматли қоғозлар бозорининг шаклланишида катта аҳамиятга эга.

Очиқ инвестиция жамғармаси акциядорлардан сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозларни ўз эмитентлиги остида чи-

қаради. Бундай жамғарма бир акциянинг номинал ва жорий бозор нархи ҳамда акциядорлардан ўз акцияларини сотиб олиш нархи ҳақидаги маълумотларни ҳар чоракда эълон қилиши шарт. Шу тариқа очиқ инвестиция жамғармаси ўз акцияларининг бозор нархига таъсир кўрсатади.

*Ёпиқ инвестиция жамғармаси ўз эмитентлиги остида қим*матли қоғозларни чиқаришда уларни сотиб олиш мажбуриятини олмайди. Зеро, бундай жамғарма ўз акцияларининг бозор қийматини белгиламайди.

Жамғарма томонидан ўз маблағларининг бошқа эмитентларнинг қимматли қоғозларига инвестиция қилиниши қуйилмалар даромадлилигини таъминлаш ва сарфланган маблағларни орттириш мақсадларида амалга оширилади. Инвестиция жамғармаси қимматли қоғозларга сарфланаётган сармоя йўналишларини, ҳажмини ва тартибини ҳамда ўз акцияларининг эмиссия миқдорларини ва муддатларини мустақил равишда белгилайди. Жамғарма инвестиция объектларидан ва натижаларидан ўз ихтиёрига кўра фойдаланади, бу эса акциялар курс қийматининг юқорилигини сақлаб туриш юзасидан масъулиятни оширади. Инвестиция жамғармаси инвестицияларни амалга ошириш учун қарзга олинган маблағларни ишлата олмайди. Шунинг учун жамғарма акциялари — инвестиция фаолиятини таъминлаш борасидаги ягона манба ҳисобланади.

Инвестиция жамғармасининг фойдасини тақсимлаш чизма *тасвири 7.4 расмда кўрсатилган. Фойда дивидендлар ҳам*да жамғарма қимматли қоғозларига оид фоиз тушумлари, шунингдек қимматли қоғозлар билан амалга оширилган амалиётлардан кўрилган даромад ҳисобига шаклланади. Кўрилган фойда солиққа тортилади ҳамда мажбурий тўловлар ва жамғарма бошқарувчисига мукофот тўлаш манбаи ҳисобланади.

Соф фойданинг бир қисми инвестиция декларацияси ва жамғарма низомига мувофиқ инвестиция жамғармасининг низомий сармоясини оширишга йўналтирилади. Фойданинг қолган қисми жамғарма акциядорлари ўртасида дивиденд кўринишида тақсимланади. Низомий сармоянинг ортиши фойданинг пулга айлантирилишини ва, бинобарин, акция курс қийматининг ўсишини билдиради. *Фойда тақсимланишининг бу*дай тизимида акцияларнинг номинал қиймати эмас, балки бир

акцияга тегишли соф активлар ҳажми катта аҳамият касб этади. Акцияларнинг қатъий номинал катталигини белгилаш амали мақсадга мувофиқ бўлмай қолади.



7.4 - расм. Инвестиция жамғармасининг фойдасини тақсимлаш чизма тасвири.

Жамғарма бозорининг ўз инфратузилмасини яратиш ишлари катта аҳамиятга эгадир ва бунда алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Тадбиркорлик фаолиятининг молиявий таъминланишини бошқариш жараёнидаги жамғарма биржаларининг аҳамиятини ва тутган ўрнини ўрганиб чиқайлик.

Жамғармалар бозори қимматли қоғозларнинг нормал айланиши учун зарур шарт-шароит яратиб беради, уларнинг бозор нархини, яъни қимматли қоғозларга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни акс эттирувчи нархни белгилайди, қимматли қоғозларга оид маълумотларни эълон қилади, қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг юқори касб маҳоратини таъминлайди.

Жамғармалар биржаси нотижорат ташкилоти бўлиб, ўз

фойдасига эга бўлиш мақсадларини кўзламайди ва ўз харажатларини қоплаш асосида иш юритади ҳамда фаолият даромадидан ҳақ тўламайди. Биржа — институционал инвесторлар қаторига кирмайди ва ўз акцияларидан ташқари қимматли қоғозларни чиқармайди ҳамда инвестицион фаолият билан шуғулланмайди. Мустақил тарздаги жамғарма биржаси билан бир қаторда мол-маҳсулот ва валюта биржалари қошидаги жамғарма бўлимлари мавжуд бўлади. Ушбу бўлимлар мустақил таркибий бўлинмалар деб ҳисобланади ва қимматли қоғозлар билан биржа амалиётларини бажариш учун лицензия оладилар.

Биржанинг бутун даромадлари фаолият кўламини кенгайтириш ва мукаммаллаштириш билан боғлиқ харажатларни қоплашга йўналтирилиши шарт. Жамғарма биржаларининг даромадлари қуйидаги манбалар ҳисобига шаклланади:

— биржага аъзо бўлиш ва қимматли қоғозлар билан биржа амалиётларини бажариш ҳуқуқини берувчи ўз акцияларининг сотуви;

— биржа аъзоларининг бадаллари;

— биржада амалга оширилган битимлар учун олинган хизмат ҳақи;

— фаолият натижасида кўрилган бошқа даромадлар.

Молия институтларининг *депозитлар фаолиятида* алоҳида тўхталиш лозим. Депозитлар фаолияти қимматли қоғозларни сақлаш бўйича хизмат кўрсатишдан ҳамда эмитентларнинг қимматли қоғозларига оид ҳуқуқларини қайд қилишдан иборатдир. Ушбу фаолият лицензияланади ва у билан қуйидагилар шуғулланиши мумкин: инвестиция институтлари (инвесиция бўйича маслаҳатчилар ва инвестиция жамғармаларидан ташқари), жамғарма биржалари, ихтисослашган депозитарийлар, ҳисоб-китоб-депозитар ташкилотлари.

Ҳисоб-китоб-депозитар (ҲДТ) ўзига хос тарзда барпо этилади ва фаолият кўрсатади. Улар ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлари шаклида фаолият кўрсатадилар ва беш нафардан кам эмас муассислардан ташкил топади. ҲДТнинг низомий сармояси фақат овоз бериш ҳуқуқли оддий акциялардан иборат бўлади. ҲДТнинг депонентлари фақат унинг акциядорларидир. Ушбулар қаторига қуйидагилар киради: инвестиция институтлари, жамғарма биржалари, банклар ва бошқа депо-

зитарийлар. ҲДТ ўз акциядорларига дивиденд тўламайди ва бошқа даромад келтирмайди. Қимматли қоғозларга оид келишувлар бўйича ҳисоб-китоб бажариш учун ҲДТлар ҳисоб-китоб-уларнинг фаолияти билан шуғулланишлари мумкин.

Депозитарийлар (инвестиция компанияларидан ташқари) депонентларнинг қимматли қоғозлари бўйича ўз номидан амалиёт, шу ҳисобда гаров амалиётини бажариш; ваколат берувчи мулкдор сифатида майдонга чиқиш; акциядорлар умумий йиғилишларида депонентларнинг манфаатини ҳимоя қилиш; сақлаш учун депонентлардан қабул қилинган қимматли қоғозлар ҳисобига ўз мажбуриятларини таъминлаш ҳуқуқига эга эмаслар.

Депозитлар фаолият депо ҳисоб рақами ҳақида депонент билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади. Депо ҳисоб рақами ҳақидаги шартноманинг мазмуни — қимматли қоғозларни сақлаш ва депозитарийдаги мавжуд қимматли қоғозларга оид ҳуқуқларни қайд этиш борасида хизмат кўрсатишдан иборатдир. Депозитарий депонентнинг қимматли қоғозларига эгалик қила олмайди. Қимматли қоғозлар хусусидаги ҳуқуқлар депонентнинг фармойишига асосан амалга оширилади. Бирламчи ҳужжатлар — депо ҳисоб рақами бўйича амалиёт бажариш учун асос бўлиб хизмат қилади ва уларнинг ҳар бири бўйича ҳисобот тузилади. Кўрсатилган хизмат учун депозитарий ўзида сақланаётган қимматли қоғозлар келтирган даромад ёки қимматли қоғозларнинг ташқарига сотиб юборилишидан олинган даромад ҳисобига ҳақ ундириб олади.

ҚАЙТАРИШ УЧУН ТУШУНЧА ВА АТАМАЛАР

Инновация қуйилмалари
Ички жамғармалар

Инвестиция институтлари
Дастлабки эмиссия
Очиқ жойлаштириш
Ёпиқ жойлаштириш

Эмиссия рўйхати

Маҳаллий ҳукумат идораларининг облигация ва заёмлар бозори
Акциядорлар реестри
Реестр эгаси
Хусусийлаштирилган корхоналар қимматли қоғозларининг бозори
Хусусий эмитентлар қимматли қоғозларининг

Дивидендлар
Дивиденд сиёсати
Оддий акциялар
Имтиёзли акциялар

Айирбошланадиган облигациялар
Жамғармалар бозорининг сегментлари
Давлат қимматли қоғозлар бозори
бозори
Жамғармалар биржаси
Депозитарий
Инвестиция компанияси
Инвестиция жамғармаси
Депозитар фаолият

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР.

1. Инвестициялар ва жамғармалар ўзаро қандай таъсирда бўлади?

2. Давлат ва хусусий инвестициялар негизи ва шартлари нимадан иборат?

3. Бугунги шарт-шароитда энг истиқболли инвесторларни ва инвестиция фаолиятининг энг истиқболли йўналишларини кўрсатинг.

4. Инвестицион ва инновацион фаолият қандай фарқланади ва уларнинг ўртасидаги умумийлик.

5. Эмиссион фаолият нимадан иборат ва уни ташкиллаш услублари?

6. Қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчиларини кўрсатиб ўтинг ва уларнинг ўзаро муносабатлари қандай.

7. Бугунги замон жамғармалар бозори қандай сегментлардан ташкил топади?

8. Дивиденд сиёсати нима ва унинг кўзлаган мақсадлари?

9. Эмитент қандай молиявий ҳужжатларни расмийлаштиради? Уларда қандай маълумотлар акс эттирилади?

10. Қимматли қоғозлар бозорининг инфратузилмасига нималар киради?

11. Депозитар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУЛАРИ

— Тадбиркорлик тузилмаларининг инвестиция фаолияти.
— Инвестициялар тўплами.
— Тадбиркорлик тузилмаларининг эмиссион фаолияти.
— Қимматли қоғозлар бозорининг инфратузилмаси ва унинг молиявий менежментга кўрсатаётган таъсири.

ХУЛОСА

1. Жамғармалар — фойдали инвестициялар натижасидир. Улар инвестиция учун пойдевор яратади.

2. Инвестициялар ва жамғармаларнинг ўзаро боғлиқлиги молиявий менежментни узоқ муддатли ривожлантириш стратегияси доирасида амалга оширилади.

3. Инвестицияларни амалга оширишда тадбиркорлик тузилма активлари ликвидлилигининг қисқариши кузатилади. Инвестицияларнинг кенгайиши — келажакда истеъмолнинг ўсишини билдиради.

5. Стратегиялар тўплами ўз ичига қуйидагиларни киритади: сармоя ва маблағ манбаларини жойлаштириш, синергизм таъсиридан фойдаланиш, корхона ёки тадбиркорлик тузилмаларини сотиш ёки харид қилиш.

5. Эмиссия жараёни қимматли қоғозлар муомаласини ва муомаладан олинишини таъминлайди, бу эса сармоялар бозоридаги тегишли сегментларнинг ишлаши учун пойдевор яратади.

6. Эмитентлар ва инвесторлар, инвестиция институтлари ва банклар —қимматли қоғозлар бозорининг фаол иштирокчиларидир.

7. Эмитентнинг молиявий аҳволи эмиссия рўйхати ва қимматли қоғозлар чиқарувининг якунлари ҳақидаги ҳисоботлар бўйича баҳоланади.

8. Акциядорлик жамияти ва акциядорлар ҳақида яхлит маълумотлардан иборат бўлган ёзувларнинг ягона тизими шаклидаги акциядорлар реестри акциядорларнинг мулкий ҳуқуқларини майдонга чиқариш имкониятини беради.

9. Акциядорлар реестрининг эгаси ушбу реестрни юритиш ва сақлаш юзасидан фаолиятини қонунчиликда белгиланган тартибга мувофиқ ва эмитент билан тузилган шартнома асосида амалга ошириши шарт.

10. Жамғарма бозорининг сегментлари ўзаро бир-бирини тўлдириб туради ва қимматли қоғозлар ликвидлилиги ҳамда даромадлилигига боғлиқ ҳолда сармоянинг оқиб келишини таъминлайдилар.

11. Инвестиция институтлари қимматли қоғозлар бозорининг инфратузилмасини шакллайдилар ва эмитентлар билан инвесторлар ўртасидаги молиявий муносабатларни мувофиқлаштирадилар.

8. МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТ МАНБАЛАРИ:

ДИВЕРСИФИКАЦИЯ АСОСИДА ИШЛАШ

МУНДАРИЖА:

— Тадбиркорликни молиявий таъминлашда диверсификация асосида ишлашнинг афзаллиги;

— Қарзга олинган сармоядан фойдаланиш жараёнида нима кузатилади;

— Нима учун тижорат кредити вексел воситасида расмийлаштирилади;

— Факторинг амалиётининг мазмуни;

— Траст амалиёти шартлари ва уни қўллаш доираси;

— Лизинг услуби ёрдамида сармояни жалб этиш.

8.1. БАНК КРЕДИТИ

Тадбиркорлик фаолиятини молиявий таъминлашда одатда *қарзга олинган сармоя,* кўпинча — қисқа муддатли ссудалар ишлатилади. Ушбу ссудаларга бўлган талаб охирги йилларда кескин ошиб кетди. Шу билан бирга кредитдан фойдаланганлик учун фоиз тўловлари ва бу борада корхоналарнинг сарф-харажатлари ҳам ошиб кетди.

Қарзга олинган сармоя кредит шартномаси асосида ишлатилади. Ушбу шартнома юридик жиҳатдан ссудаларнинг таъминланиши, ўз вақтида қайтариб берилиши ва фойдаланганлик учун фоиз тўланиши учун асос яратади. Одатда, банклар ўз мижозларига бир қолипли кредит шартномаларини таклиф қиладилар. Бу шартномада қуйидагилар юзасидан келишиб олинади: кредит ҳажми ва муддатлари, ссудадан фойдаланганлик учун фоиз тўлови миқдорлари, моддий таъминот шакллари. Корхоналар, асосан, айланма маблағлар етишмаслиги сабабидан қарзга олинган сармояни қисқа вақт давомида ишлатишга мажбур бўладилар. Бироқ пул айланувида банк кредит манбаларини деярли доимо ишлатишга имконият берувчи кредит йўналиши ҳам очиб берилиши мумкин.

Кредит учун фоиз тўлови сарф-харажатлари кўрилган фойда ҳисобига қопланган тақдирдагина қарзга олинган сармоядан фойдаланса бўлади. Қолаверса фоиз тўлов миқдорлари билан мол-маҳсулот ва хизматлар нархи ўртасида боғлиқлик мавжуд. Берилган қарз пули юзасидан қайтариш кафолати мавжудлиги банк учун муҳим аҳамият касб этади. Қарз олувчининг ихтиёрида мол-моддий кимматликлар мавжудлиги ёки банк берган кредит ҳисобига сарф-харажатлар қилингани — ссуданинг таъминланганини билдиради. Шу тариқа кредитнинг моддий қимматликлар ҳаракатига боғлиқлиги юзага келади. ***Гаров кафолат ёки кафиллик*** ссудани таъминлашга хизмат қилади. Олди-сотди, мулкни ёллаш, юк ташиш шартномалари тузилганида ҳам гаровдан фойдаланилади.

Ссуда бўйича муддатида қайтарилмаган қарздорлик миқдорининг ортиб кетиши — гаров амалиётларини энг долзарб ўринга чиқаради. Ушбу амалиётларнинг мазмунини ва молиявий менежмент вазифаларини ўрганиб чиқайлик.

Одатда гаровга қуйидагилар қўйилади: мулк, шу ҳисобда қимматли қоғозлар ва валюта ёҳуд мулкий ҳуқуқлар, шу ҳисобда лицензия, патентлар, мулкдан фойдаланиш ёки эгалик қилиш ҳуқуқлари. Гаров шартларига кўра гаровга қўйилган мулк гаров қўювчида сақланади ёки гаров эгасига топширилади. Банк, одатда, қимматли қоғозларни ва чет эл валютасини ўзида сақлайди, қолган буюмларни эса гаровга берувчида қолдиради. Гаров юзасидан шартлар кредит шартномасига

киритилиши мумкин, хусусан: гаров тури, унинг моҳияти, гаров таъминлаган талаблар, гаров миқдори, мажбуриятларни бажариш муддатлари, гаровга қўйилган мулк таркиби ва баҳоси.

Эгалик қилиш ёки хўжалик юритиш ҳуқуқлари асосида гаров берувчи шахсга тегишли мулк ёки мулкий ҳуқуқларгина гаров мазмунини ташкил этиши мумкин. Корхона филиалига ёки таркибий тузилмасига амалий бошқариш учун топширилган мулк гаровга берилмайди. Гаровга қўйилган мулк мажбуриятлар бажарилиши белгиланган пайтгача, шу ҳисобда ссуда муддатида қайтарилмагани туфайли кўрилган зарар ва фоизлар хусусида гаровга олувчининг талабларини қондириш учун тўла ҳажмда ишлатилади. Бинобарин, гаровга олувчи гаров билан таъминланган ссудани қайтариш муддатида уни қўйган шахс ихтиёрида зарур маблағлар йўқ бўлган ҳолда гаров мазмунига нисбатан ундириш чорасини қўллаш ҳуқуқига эга бўлади. Бундан ташқари, гаровга олувчининг талаблари учинчи шахс томонидан қондирилиши мумкин. Бунда гаров ҳуқуқи ҳам ушбу шахсга ўтади.

Гаровга олинган мулк ўз эгасида сақлангани тақдирда унинг мавжудлигини, ҳолатини, сақланиш шароитларини текшириб туриш муаммоси туғилади. Гаровни сақлаб турувчи шахс унинг тўла қийматини ўз ҳисобидан суғурталаши, бут сақланиши учун барча чоралар кўриши, шу ҳисобда мукаммал ва жорий таъмирлаши, гаровнинг ижарага берилгани ҳақида гаров олувчини хабардор қилиши шарт.

Гаровни суғурталаш тадбири камдан-кам ҳолларда қўлланилади, бу эса гаровга қўювчининг масъулиятини пасайтиради ва кўпинча, гаровга олувчининг ҳуқуқларини камситади. Гаровга олувчи гаровга қўйилган мулкнинг суғурталанишини талаб этишга ҳақлидир.

Гаров шартномасида гаровга қўйилган мулкнинг гаров олувчи эгалигига ўтиш имконияти кўзланган бўлиши мумкин. Бундай шартнома *гаров* тариқасида тан олинади. Шартнома гаровга олувчига гаровдаги мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Гаровдаги мулкдан кўрилган даромад ва бошқа мулкий фойдалар кредит бўйича фоиз ёки гаров билан таъминланган кредитнинг ўзини қоплаш ҳисобига қўшилади.

Корхоналар, иншоотлар, бинолар, қурилмалар ва бевоси-

та ер билан боғлиқ бошқа объектларнинг гаровга қўйилиши ипотека деб аталади. Бунда гаров мазмуни объектдан ва унга тегишли ер майдонидан ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқидан иборат бўлади. Ипотеканинг ўзига хос хусусияти қуйидагилардан иборат: гаров кучи корхонанинг жами мулки, шу ҳисобда низомий сармояси, молиявий активлари, мулкий ҳуқуқлари ва бошқа қимматликларига тарқалади. *Ипотека шартномаси* одатда гаровга олувчи томонидан гаровга берувчининг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатишни зарур деб билган ҳолларда тузилади. Бундай вазият гаровга берувчининг тўлов қобилиятсизлиги сабабидан келиб чиқади. Гаровга олувчи пул муомаласини соғломлаштириш чора-тадбирларини кўради, раҳбарлик ўринларга ўз вакилларини тайинлайди, мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини чеклайди. Молиявий таъсир чоралари натижа бермаган тақирда, ипотекадаги корхона ундириб олиниши мумкин. Бундай корхона ягона мулкий мажмуа сифатида ким ошди савдосида сотиб юборилади, тушган маблағлар эса ссудани қоплашга ва бошқа мажбуриятларга йўналтирилади.

Гаров ва ипотека шартномаларининг қўлланилиши бозор иқтисодиётидаги тадбиркорлик фаолиятининг молиявий таъминланишини бошқаришда зарур қурол вазифасини ўтайди ва корхоналарнинг рақобатбардошлигини қувватлашга имконият беради ҳамда юқори самарадорликни ва меҳнат унумдорлигини рағбатлайди.

Пул айланувида ёки қайта ишловдаги мавжуд *мол-маҳсулотлар* ҳам гаров мазмунини ташкил этиши мумкин ва бу, савдо билан шуғулланувчи тижорат ташкилотлари учун катта аҳамият касб этади. Ушбу ҳолда тузилувчи гаров шартномасида гаровга қўйилган мулкнинг тури, сифати, умумий қиймати, алмаштирилиши мумкин бўлган маҳсулот тури кўрсатилади. Кредит қоплангани сари гаровдаги мол қийматини камайтиришга рухсат берилади. Гаровга берувчи молларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва ўз ихтиёрига кўра сарфлаш ҳуқуқини сақлаб қолади. Қарздор томонидан гаров билан таъминланган мажбуриятларнинг қисман бажарилган бошқа ҳолатларда гаров, мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунига қадар дастлабки ҳажмда сақланади. Мол гарови шартномаси савдо-воситачилик келишувларида қўл келади.

Валюта қимматликларининг гаров мазмуни сифатида ишлатилиши ҳам жуда катта қизиқиш уйғотади. Чет эл валютаси билан амалиёт бажариш учун лицензия олган банкларгина валюта қимматликларини гаровга қўйиш ҳуқуқига эга бўладилар. Валюта қимматликлари билан таъминланган кредитни қайтаришга оид талабларнинг бажарилиши бўйича гаровга олувчидан рад жавобини олган гаровга берувчи, ушбу валюта қимматликларини ички валюта бозорида сотиб юборишга, сўмдаги тушумни эса кредитни ва фоизларни қоплаш учун йўналтиришга ҳақлидир. Бундай гаров шартномалари ижро этиш учун жуда қулай бўлиб, шу бордаги ишларни ривожлантириш зарурдир.

Кафолат мажбурияти ёки кафиллик ссудани таъминлашга хизмат қилиши мумкин. Ушбу ҳолатда кафил бўлувчи ҳам, қарзга олувчи ҳам банк олдида бирдай жавоб берадилар. *Кафолат билан таъминланган кредит* одатда қатъий мақсадларга қаратилган бўлади ва ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича пул тўлаш орқали ёхуд пули тўланган заҳиралар ва сарф-харажатлар эвазига берилади. Корхонада муддати ўтказиб юборилган қарздорлик мавжудлиги ҳолатида ссуда уни қоплаш учун сарфланиши мумкин. Қарзга олувчининг молиявий аҳволи қалтис бўлса, банк томонидан кредит шартномасида қуйидаги ҳуқуқни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади: шартнома шартлари бузилган тақдирда қарздорлик сўзсиз тартибда ҳисобдан чиқариб ташланади.

Вексел гарови эвазига кредитлаш тадбирлари бугунги кунда долзарб мазмунга эга бўлмоқда. Гаровга қўйилган вексел бошқа мазмунли гаровлар сингари, гаровга олувчига мулкка, яъни, векселга эгалик қилиш ҳуқуқини бермайди. Векселлар ҳисобини юритиш юзасидан банк амалиётлари мулкдорлик ҳуқуқларининг кредиторга ўтиши билан боғлиқ. Тадбиркорликнинг молиявий таъминланишини бошқаришда векселларни қўллаш амалиётлари 8.2 — бандда кўриб чиқилади.

Кафиллик — мажбурият бажарилишини таъминлаш усулларидан биридир. Кафиллик шартномасига кўра кафил бўлувчи — бошқа шахснинг кредитори олдида ушбу шахс мажбуриятларининг тўлиқ ёки қисман бажарилиши юзасидан ўз зиммасига мажбурият олади. Кафиллик билан таъминланган кредит шартномаси бажарилмагани ёки тегишлича бажарилмаган ҳоллар-

да кафиллик берган шахс ва қарздор банк олдида бирдай жавоб берадилар, қонунда ёки кафиллик шартномасида кафилнинг субсидар жавобгарлиги кўрсатилмаган бўлса. Кафил бўлган шахс кредитор олдида кредит шартномасининг тўла миқдори бўйича жавобгарлик беради, фоиз тўлови ҳам шу ҳисобга киради. Кафиллик бир неча шахслар томонидан берилган бўлса, уларнинг ҳаммаси кредитор олдида бирдай жавоб берадилар. Кредит шартномаси бўйича бажарилган мажбуриятлар юзасидан ҳуқуқлар кредитордан ушбу мажбуриятларни бажарган кафилга ўтади. Шунингдек, гаров олувчи сифатида тижорат банкига тегишли ва кредитор талабининг қондирилган ҳажмидаги ҳуқуқлар ҳам мазкур кафилга ўтади.

Қарздорнинг мажбуриятлари банк кафолати билан таъминланган бўлиши мумкин. Кафолатчи сифатида чиққан банк бошқа кредит муассасаси, суғурта ташкилоти олган мажбуриятларидаги шартларга мувофиқ бошқа шахс *(принципал)*нинг илтимосига биноан кредитор *(бенефициар)*га талаб қилинган пул миқдорини берадилар. Банк кафолати асосий мажбуриятнинг ижро этилишини таъминлаши мумкин. Бироқ банк кафолатида кўзланган кафолатчининг бенефициар олдидаги мажбурияти уларнинг ўртасидаги муносабатларда асосий мажбуриятга боғлиқ бўлмайди. Бенефициар кафолатда санаб ўтилган ҳужжатлар ва ёзма талаблар кафолатчига тақдим этилгандан сўнг банк кафолатига биноан пул миқдорининг тўланишини талаб қилиши мумкин. Талабномада кафолат орқали таъминланиши лозим бўлган асосий мажбуриятнинг принципал томонидан бажарилмагани кўрсатилади. Бенефициар талабномани кафолатда кўрсатилган муддатларда кафолатчига тақдим этиши шарт. Банк ҳужжатларнинг ва талабноманинг кафолат шартларига мувофиқлигини текширади.

Кафолат шартлари бузилган бўлса ёки талабнома кафолатда кўрсатилган муддатдан кечикиб берилган тақдирда бенефициар талабини қондириш рад этилиши мумкин. Шарт бузилиш ҳоллари аниқланмаганида кафолатчи кафолатда кўрсатилган пул миқдорини бенефициарга тўлаши мажбур. Кафолатчи ва принципал ўзаро келишувга имзо чекадилар ва ушбу келишувга кўра кафолатчи банк кафолатига биноан бенефициарга тўланган пул миқдорининг регресс тартибида ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Корхоналарнинг пул айланувида ишлатилувчи қарзга олинган сармоянинг юқори даражаси *банкларнинг суғурталаш* ва *кредитлаш фаолияти биргаликда олиб борилишини* тақозо этади. Тижорат банклари пул маблағларида вақтинча қийинчилик сезган *мижозларини суғурталашлари мумкин. Бунда* банк фоизи ўз ичига суғурта мукофотини ҳам киритади. Суғурталаш ва кредитлаш ишларининг бирга олиб борилиши — банк томонидан корхонани банкротликдан сақлаб қолиш ва унинг тўлов қобилиятини ҳамда молиявий барқарорлигини тиклаш мақсадларига қаратилган. Доимий мижозларни ўзига боғлаш ва уларнинг фаолияти устидан назорат ўрнатиш нуқтаи назаридан банклар учун ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади. Бунга қарамасдан, кўпинча, банклар суғурталаш фаолиятини кредит учун қўшимча ҳақ олиш мақсадида ишлатадилар, буни эса маъқул деб ҳисоблаб бўлмайди. бу хусусда тегишли қонуний меъёрлар бўлиши талаб этилади.

Суғурталаш ва кредитлаш ишларининг биргаликда олиб борилиши билан бир вақтда, кредит қопланмагани учун қарз олувчиларнинг жавобгарлигини *ихтиёрий суғурталаш* тизими ҳам ривожланиб бормоқда. Корхоналар суғурта компаниялари билан *суғурталаш шартномасини* тузадилар. Суғурталаш *шартномасига биноан суғуртачи қарз олувчи томонидан қоплан*маган кредитнинг, шу ҳисобда қўшилган фоизларнинг ҳам 50 дан 90 фоизгача бўлган миқдорини кредит берган банкка қайтариб беради. Суғурта пуллари банкка қайтариб берилганидан сўнг кредит шартномасига биноан банк-кредиторнинг суғурта қилаётган шахсга нисбатан барча ҳуқуқлари тўланган пул миқдори доирасида суғуртачига ўтади. Суғуртачи бажарган амалиётлари учун суғурта тўловларини олади. Ушбу тўловлар суғурталаш шартномасининг ва, демак, кредит шартномасининг амал қилиш муддатига қараб фарқланади. Банк билан суғурта компанияси ўртасида вужудга келган муносабатлар катта аҳамиятга эгадир. Ушбу муносабатлар кредитнинг ўз вақтида қопланиши муаммосининг ечимига ҳамда кредитор *билан қарз олувчининг манфаатлари сақланишига* кўмакдош бўлиши зарур. Мазкур муносабатлар тегишли қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларда ўзининг аниқ тартибга келтирилишини кутмоқда.

8.2. ТИЖОРАТ КРЕДИТИ ВА ВЕКСЕЛ МУОМАЛАСИ

Банк ссудалари билан бир қаторда, корхоналар ва тижорат ташкилотларининг пул айланувида бошқа кредиторларнинг, шу ҳисобда таъминотчи корхоналар, жисмоний шахслар, ишлаб чиқариш ва тижоратчилик келишувларидаги доимий шерикларнинг маблағлари иштирок этади. Қарзни расмийлаштириш учун *векселдан* фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. *Вексел* — мол-маҳсулот ҳаракатига хизмат қилувчи ***тижорат кредити*** тақдим этилганидан гувоҳ берувчи қимматли қоғоз, тўлов ҳужжати деб ҳисобланади.

1930 йилда қабул қилинган Женева битими халқаро ҳисоб-китоблардаги вексел муомаласини ривожлантиришда муҳим роль ўйнади. Бу келишувда «Оддий ва ўтувчи вексел ҳақидаги қонун» тасдиқланган бўлиб, бунга 1936 йилда СССР ҳам қўшилган.

Вексел муомаласи то 1930 йилларгача фаол қўлланиб келинган ва «Савдо ҳисоб ишлари энциклопедияси»да қуйидагича таърифланган:

«Вексел — маълум пул миқдорини белгиланган муддатида ёки тақдим этилганида тўлаш юзасидан махсус шаклга келтирилган мажбурият бўлиб, савдо айланувида энг кенг тарқалган кредит шаклидир. Бугунги кунда ҳар бир савдо корхонаси ўз векселлари юзасидан даъво ва мажбуриятларига оид пул миқдорлари ва муддатлари ўртасидаги маълум тенгликка риоя этган ҳолда векселларни қабул қиладилар ва берадилар. Қабул қилинган векселлар камдан-кам ҳолларда корхонада сақлаб турилади ва индоссамент орқали таъминотчиларга арзонлатиб берилади ёки дисконтланади, ёҳуд олинган ссудаларни таъминлаш учун банкларга берилади (векселний опса 11), ёҳуд охир-оқибат, инкассога чиқарилади».

Бир неча йилдан сўнг вазият тубдан ўзгарган:

«1930 йил 30 январдаги кредит ислоҳоти тижорат кредитнинг барча турларини йўқ қилган ва бўнак ҳамда бай пули берилишини тақиқлаб, янги тартиб ўрнатган. Ушбу тартибга биноан барча хўжалик ташкилотлари ҳисоб-китобни талаб

қилган (мол-маҳсулот сотуви, хизмат кўрсатиш ва ҳоказо) амалиётлар мазмунидан қатъий назар, фақат Давлат Банки орқали ўзаро ҳисоб-китоб қилишлари шарт. Шундай қилиб, 1930 йил 30 январ кредит ислоҳоти ҳаётга тадбиқ этилган пайтидан бошлаб, хўжалик ташкилотларининг режадан ташқари маблағ олиш имкониятига тамомила чек қўйилди, ягона кредит манбаи яратилди ва шу орқали молиявий хўжаликни соғломлаштириш, режали ишлашни ташкиллаш, фаолиятни тўлиқ режали асосга ўтказиш учун пойдевор яратилди». (4)

30 йил кредит ислоҳоти жараёнида пул муомаласида анча катта ўзгаришлар рўй берган: номарказлашган асосда, яъни манфаатдор томонларнинг ўзаро келишувига биноан корхоналар ўртасида айланма маблағларнинг тақсимланишини мувофиқлаштирувчи *мол-маҳсулот кредити* мавжуд бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этилган. Унинг ўрнини марказлашган тарзда режаланувчи *банк кредити* эгаллади. Шу тариқа, кредит ислоҳоти корхоналарнинг хўжалик мустақиллигини ва тижорат ҳисоб-китобини йўққа чиқарди. Сўнгги вақтда вексел МУОМАЛАСИ қайтадан қад ростламоқда. Лекин бу ишлар иқтисодиётдаги ўзгаришлар талаб этган даражада фаол кечмаяпти.

Вексел муомаласи мол-маҳсулот сотуви билан бевосита боғлиқ. Вексел қимматли қоғоз ҳисобланганлиги учун унинг муваффақиятли қўлланилиши сармоялар бозорининг фаолиятига ва кредит сиёсатига боғлиқдир. Биржалардаги савдо-сотиқ келишувлари бўйича брокерлар билан ҳисоб-китобларни вексел ёрдамида амалга ошириш мумкин. *Банк векселлари* ҳам кенг қўлланилмоқда. Мол-маҳсулот ва хизматлар учун тўлов воситаси сифатида векселни ишлатиш мумкин. Векселнинг янги эгаси *индоссаментни* қўллаган ҳолда уни учинчи шахсга бериб юбориш ҳуқуқига эга. Банк вексели илгаридан белгиланган муомала муддатига эга бўлади ва ушбу муддат маълум шарт-шароитлар мавжудлиги ҳолатида вексел эгаси топшириғига кўра ўзгартирилиши мумкин. Банк вексели банкка эмиссия даромадини келтиради ва шу билан бир вақтда тўлов воситаси сифатида хизмат қилади.

Вексел шаклида ўзаро ҳисоб-китоб қилиш ишлари векселнинг хусусиятларига боғлиқ қатор афзалликларга эга. Вексел

— ҳеч қандай шартлар қўйилмаган пул мажбуриятидир. *Оддий вексел* — муддати келганида вексел эгасига ҳеч қандай шартларсиз маълум миқдорда пул тўлаш мажбуриятидан иборат қимматли қоғоз ҳисобланади.

Ўтказма вексел ёки тратта — векселда кўрсатилган пул миқдорини учинчи шахсга тўлаш ҳақидаги вексел эгасининг тўловчига нисбатан берган буйруғидан иборат қимматли қоғоздир. Тўловчи акцепт воситасида ўтказма вексел бўйича пул тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Акцепт ҳеч қандай шартларсиз оддий бўлиши лозим. Тўловчи векселда кўрсатилган пул миқдорининг бир қисми билан акцептни чегаралаши мумкин. Ўтказма вексел *индоссамент* воситасида бошқа шахсга бериб юборилади. Индоссамент оддий ва ҳеч қандай шартларсиз бўлиши лозим. Қисман индоссамент кучга эга бўлмайди. Ўтказма векселдан келиб чиқувчи барча ҳуқуқлар индоссамент билан бирга ўтади. Индоссамент акцепт ва тўлов учун жавоб беради. Ўтказма векселга оид пул тўлови тўлиқ ёки вексел миқдори чегарасида аваль воситасида кафолатланиши мумкин. Вексел кафиллиги учинчи шахс ёки векселни имзолаган шахс томонидан берилади.

Векселнинг афзаллиги — тўлов муддатларини ўзгартириб туриш имкониятидан келиб чиқади. Ўтказма вексел қуйидаги муддатларга берилади: тақдим этилиши билан, тақдим этилганидан сўнг маълум бир вақтга, тузилганидан сўнг маълум бир вақтга, маълум кунга.

Ўтказма вексел бўйича пул тўловига вексел миқдори ва қўшилган фоизлар киради. Вексел орқали расмийлаштирилган тижорат кредитининг *тўлаганлик* тамойили шу тариқа ўзлигини намоён этади. Банк кредитлари бўйича фоиз тўлови юқори бўлган ҳолда корхоналарнинг ўзаро бири-бирига кредит беришлари иқтисодий жиҳатдан фойдасиз бўлиб қолади.

Бугунги кунда пул-кредит хизматига туб ўзгаришлар кириб бориши, тўловлар тезлашиши, корхоналар ва тижорат ташкилотлари ўртасида вақтинча ишлатилмаётган айланма активларнинг оқилона қайта тақсимланиши борасидаги ишлар вексел муомаласининг жорий этилиши билан узвий боғлиқдир. Вексел муомаласи —таъминотчи ва тўловчининг ўзаро мажбуриятларини қонуний расмийлаштиришга, ҳуқуқ ва масъулият даражасини ҳамда вексел берувчи шахс банкрот деб тан олиниши мум-

кин бўлган шароитни аниқлашга имконият беради. Вексел муомаласи *билвосита банк кредитининг* ривожланишига далда беради. Бундай кредитлаш *банк томонидан векселлар ҳисобини юритиш шаклида амалга оширилиши мумкин.* Бунинг мазмуни қуйидагидан иборат: банк вексел эгасига кредитдан фойдаланганлиги учун қайд этилган миқдордаги фоизларни айириб, векселда кўрсатилган пулни ёки вексел эвазига берилган ссуда шаклида пул беради. *Қайд этилган фоиз миқдорларининг юқорилиги* вексел бўйича ҳисоб юритиш амалиётлари вексел эгасига маъқул келишини гумон остига қўяди.

Билвосита банк кредити корхоналарнинг ўзаро ҳисоб-китобларини мувофиқлаштиради, мол-моддий қимматликлар эвазига бериладиган бевосита ссудаларга бўлган эҳтиёжни қисқартиради, айланма маблағларнинг тўла айланувини тезлаштиради ва инфляцияни жиловлайди. Банк вексел гарови эвазига кредит бериш учун корхоналарга *махсус ссуда ҳисоб рақамларини* очиб бериши мумкин. Ушбу ҳисоб рақамлар мол-маҳсулот учун ҳисоб-китобларда ишлатилади. Махсус ҳисоб рақами бўйича вужудга келган қарздорлик мол-маҳсулот ҳақини тўлаш орқали ҳамда вексел учун тўланган ҳақ ҳисобига қопланади. Мазкур ҳисоб рақами бўйича юзага келган қарздорлик мол-моддий қимматликлар билан таъминланган бўлиши шарт. Кредитор мол-маҳсулотлар мавжудлигини текшириш ва ссуданинг қўшимча таъминланишини талаб этиши мумкин.

Махсус ҳисоб рақами бўйича кредитлашда банк ва қарзга олувчи ўртасида тузиладиган *кредит шартномаси* баъзи бир ўзига хос хусусиятларга эга. Ссуда ҳажмини кўрсатишдан ташқари, кредитнинг таъминланганлиги ва махсус ссуда ҳисоб рақами бўйича юзага келган қарздорлик ўртасидаги нисбат эҳтимоли аниқланган бўлиши шарт. Банкка қарздорликни мижознинг ҳисоб-китоб ёки жорий ҳисоб рақамидаги ва бошқа амалиётлардан тушган маблағлари ҳисобига қоплаш ҳуқуқи берилади. Банк мижозга бир векселни муддати тугагунича бошқа векселга алмаштиришга рухсат этиши мумкин. Банк кредитнинг тўлиқ ёки қисман қопланишини хоҳлаган пайтида талаб этиш ва ҳисоб рақамини ёпиб қўйиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Махсус ссуда ҳисоб рақамида вужудга келган кредит қолдиғи бўйича фоизлар қўшилиши шарт. Кредит шар

номаси банк томонидан ссуданинг моддий таъминланганини текшириш ҳуқуқини ва қарзга олувчи томонидан ўз тўлов қобилияти ҳамда молиявий аҳволини аниқлаш учун ҳужжат тақдим этиш мажбуриятини белгилайди. Вексел муомаласи қуйидагиларнинг кафолатланишини талаб этади: муомалада иштирок этаётган векселларнинг ҳақиқийлиги, оддий ва ўтказма векселлар билан расмийлаштирилган қарз мажбуриятларини қоплаш юзасидан судга даъво қилиш имконияти, қопланмаган қарздорликнинг корхона активлари ва мулки ҳисобига *ундирилиши юзасидан даъво қилиш.*

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан корхона векселларини қайтадан рўйхатга олиш тадбирлари катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Векселларни қайтадан рўйхатга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан *корхона векселларини қайтадан рўйхатга олиш* юзасидан асосий қоидаларда белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки таъминотчи корхоналарнинг векселларини қайта рўйхатга олинган кредит учун белгиланган тўлов миқдори бўйича тижорат банкларидан сотиб олади. Таъминотчи корхона векселни тўлов қабул қилувчи сифатида кўрсатилган тижорат банки номига ёзиб беради. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки кредит олиш учун берилган буюртманомага асосан тижорат банки билан векселни кредитлаш ҳақида шартнома тузади. Марказий Банк таъминотчи корхоналарнинг векселларини маълум муддатдан сўнг қайтариб олиш шарти билан тижорат банкларидан сотиб олади. Тўловга қобилиятли ҳисобланган таъминотчи корхоналарнинг оддий векселлари қайтадан рўйхатга олиниши шарт. Оддий векселлар фақат маҳсулот етказиб бериш ҳақидаги шартномага мувофиқ чинакам амалга оширилган жорий мол *жўнатиш* ёки хизмат кўрсатиш, ёҳуд иш бажариш ва хизмат кўрсатиш эвазига ёзиб берилиши мумкин. Шу тариқа, мол билан таъминланмаган векселлар қайта рўйхатга олиш учун қабул қилинмайди.

Вексел белгиланган *тўлов муддатига* эга бўлиши шарт. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тижорат банкларидан вексел харид қилиб олганида, уларнинг вакиллик ҳисоб рақамларига вексел нархига тенг пул миқдорини қўшиб қўяди. Вексел Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкига топшири-

лади. Қайта ҳисобга олинган кредит тўлов муддати келганида, биринчи навбатли тўловлар бажарилганидан сўнг сўзсиз тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкидаги тижорат банкининг вакиллик ҳисоб рақамидан маблағларни ҳисобдан чиқариб ташлаш орқали қопланади. Вексел тижорат банкига қайтариб берилади. Тижорат банкининг вакиллик ҳисоб рақамидаги маблағлар векселни сотиб олиш учун етарли бўлмаган ҳолда векселли кредит бўйича қарздорлик миқдори векселни қайтариб сотиб олиш ҳақидаги битим муддатига кўра муддатида қайтарилмаган ссудалар ҳисобига қўшилади. Ушбу қарздорлик бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан белгиланган миқдорда фоизлар қўшилади. Тижорат банки векселни қайтариб сотиб олиш муддати келгунича ўша векселни муддатидан илгари сотиб олиши мумкин.

Тижорат банклари *ўз векселларини* фаол тарзда муомалага чиқармоқдалар. Банклар қуйидаги сифатда чиқишлари мумкин: оддий вексел берувчиси, ўтказма вексел акцептанти, бир вақтнинг ўзидаёқ ўтказма вексел берувчиси ва акцептанти, акцептга қўйилмайдиган ўтказма вексел берувчиси, акцептланмаган ўтказма вексел берувчиси.

Банк вексели чет эл валютасида тўланиши ҳақидаги мажбуриятни ўз ичига олиши мумкин.

Банкларнинг ўз векселлари банк мажбуриятларини кенгайтиради, шунинг учун уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг эҳтиёт талаблари кучда бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг эмитентлигидаги *газначилик векселлари* вексел муомаласининг ривожланишида алоҳида ўрин эгаллайди. Фақат юридик шахс-резидентлар векселга эгалик қилишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки газначилик векселлари бўйича хизмат кўрсатувчи бош агент ҳисобланади: вексел бўйича олди-сотди келишувларини қайд этади ва уларнинг қопланишига оид амалиётларни бажаради. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги навбатдаги векселлар қаторасини қоплаш муддати келгунига қадар, векселлар қаторасини тўлиқ қоплаш учун зарур бўлган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкига ўтказиб беради.

Вексел муомаласининг янада ривожланиши корхоналарнинг ўзаро қарздорлигини тартибга келтириш ва тўлов ҳамда ҳисоб-китоблар муаммосини ўз вақтида ечиш имкониятини яратади.

8.3. ФАКТОРИНГ АМАЛИЁТЛАРИ

Факторинг (фактор) амалиётлари — корхона ва тижорат ташкилотларининг пул айланувини мувофиқлаштириш ва молиявий таъминлаш услубларининг биридир. Ўз моҳиятига кўра бу, ҳисоб-китоб амалиётларининг бир туридир. Унинг мазмуни — етказиб берилган моллар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун тўловчидан ҳақ олиш ҳуқуқини таъминотчидан сотиб олиш.

Факторинг бўлимлари илк бор 1989 йилда собиқ СССР Саноат Қурилиш Банкининг республика, вилоят, шаҳар бошқармалари қошида ташкил этилган. Ҳисоб-китобларда тўлов талабномасини қўллашдан воз кечилганидан сўнг факторинг ўз аҳамиятини йўқотди. Сўнгги даврда вазият ўзгариб, факторинг амалиётларининг ривожланиши учун янги турткилар пайдо бўлди.

Уларнинг мазмуни билан танишиб чиқайлик:

Факторинг компанияси (фактор компания) таъминотчи ва тўловчи билан маълум муддатга мўлжалланган уч томонлама шартномани тузади. Ушбу шартномага биноан факторинг компанияси мазкур тўловчиларга нисбатан қўйилаёт. ан ҳисобларининг факторинг ҳисоб рақами орқали таъминотчиларга тўланишини кафолатлайди. Бундан ташқари, компания маълум тўловчига нисбатан қўйилган тўлов талабномаси бўйича бир маротабали ҳисоб-китоб амалиётини бажариш тўғрисида шартнома тузиши ва кейинчалик тўловчидан ушбу тўловга оид маблағларни олиши мумкин.

Факторинг компания билан узоқ муддатли шартномага асосланган муносабатлар ўрнатилиш ҳоллари ҳам кам эмас. Ўз ичига факторингни киритган узоқ муддатли шартномани тузган таъминотчилар шартнома амал қилиш муддати давомида фактор-компания номидан мазкур тўловчига нисбатан

тўлов талабномасини чиқаралилар. Талабномадаги тўлов миқдори амалиёт бажарилганлиги учун тўланадиган ҳақ миқдорига тенг ҳажмда қисқартирилади.

Фактор амалиётлари ҳисоб-китобларни тезлаштириш ва корхона айланма маблағларини тежаш мақсадида, шунингдек чет эл валютасида амалга оширилиадиган халқаро келишувларда муваффақият билан қўлланилиши мумкин.

Фактор-компания мижозларининг дебиторлик ҳисоб рақамларини сотиб олганида одатда қайтариб олиш ҳуқуқи йўқ қилинади ва ҳисоб рақами қоплангунига қадар бир қатор хизматлар кўрсатилади. Фактор-компания ўз мижозларига қарздор бўлган ва бўлиши мумкин бўлган шахсларнинг кредит қайтариш имкониятларини баҳолайди ва берилиши мумкин бўлган бўнакнинг энг юқори чегарасини илгаридан белгилайди. Дебиторларга ҳисоб рақамли нусхаси берилади ва дисконт ҳамда хизмат ҳақи ушлаб қолинади. Ой охирида фактор-компания ўзига тегишли хизмат ҳақи ва инкассация қилинмаган ҳисоб рақамларининг ҳисобини чиқаради, бўш қолдиқлар эса мижозга топширилади. Фактор компания мижозга берилган бўнакнинг инкассация қилинмаган ҳисоб рақамига нисбатан кундалик қолдиғидан хизмат ҳақи ва ссуда фоизини олиб қолади. Фоизлар бўнак берилган кундан бошлаб, то қарздорлик қопланмагунига қадар ундириб олинади. Хизмат ҳақи жами сотиб олинган ҳисоб рақамлар ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида белгиланади ҳамда мижознинг савдо маблағ айланувига ва таваккалчилик хавфи даражасига боғлиқ бўлади.

Факторинг хизмати одатда корхоналарнинг дебиторлик қарзлари юзасидан атрофлича ҳисоб юритиш ишларини ўз ичига киритади. Гумон туғдирувчи қарздорликларни қоплаш мақсадида хавфдан сақланиш жамғармасини шакллантириш учун ҳам шундай ҳисоб юритиш зарур бўлади. Шунингдек, фактор-компания харидорнинг тўлов қобилияти ҳақида маълумот тақдим этиш ва тўловларни кафолатлаш мумкинлиги муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда факторинг компаниялари *FACTORS CHAIN INTERNATIONAL* халқаро ташкилотига бирлаштирилган ва унда жаҳондаги 37 мамлакатнинг юздан ортиқ компаниялари иштирок этадилар.

8.4. ТРАСТ АМАЛИЁТЛАРИ

Банк соҳасида айниқса, кенг таниладиган ва оммалашаётган траст амалиётларининг хусусиятлари билан танишиб чиқайлик. Траст-компаниялар, траст-жамғармалар ҳамда тижорат банклари, инвестиция ва сугурта компаниялари, биржаларнинг траст бўлимлари траст хизматини кўрсатадилар.

Траст амалиётларининг мазмуни турлича бўлади, лекин доимо ишончга асосланади. Траст амалиётларига қуйидагилар киради: мижознинг мулкини бошқариш, молиявий активларни сақлаш, консалтинг хизмати, меросга бошчилик қилиш, васийлик билан боғлиқ ва бошқа амалиётлар.

Бугунги кунда траст бўйича қонун йўқлиги сабабли, траст амалиётлари қонуний тартибга келтирилган муносабатли шартномалар орқали расмийлаштирилмоқда.

Давлат мулкига бириктирилган давлат корхоналари хусусийлаштирилганида барпо этилган акциядорлик жамиятларининг акция тўпламлари трастга топширилади.

Трастнинг таъсис этилиши ҳақидаги шартнома бенефисларий (фойда кўриш мақсадида трастни сотиб олган шахс) фойдасини кўзлаб, траст муассиси ва ишончли мулкдор ўртасида тузилади. Траст муассиси траст бенефисларийси бўлиши мумкин. Трастнинг таъсис этилиши — эгалик қилиш ҳуқуқи асосида муассисга тегишли мулк ва мулкий ҳуқуқларнинг ишончли *мулкдорга* маълум муддатга топширилишини белгилайди. *Ишончли мулкдор, ўнга ишониб топширилган мулкка* эгалик қилиш ҳуқуқини бенефисларий манфаатини кўзлаб амалга оширади.

Шартнома тузилган пайтда ишончи мулкдорда мавжуд ва шартномага асосан барпо этилган ёки харид қилиб олинган мулк — трастни таъсис этиш ҳақидаги шартноманинг мазмуни сифатида ишлатилиши мумкин.

Шартнома мазмунини ташкил этувчи мулк унинг бошқа мулкдан ажратилишини эҳтимолдан холи этмаслиги лозим, чунки ушбу мулк барча мулкий ва номулкий шахсий ҳуқуқлар билан биргаликда ишончли мулкдор ихтиёрига топширилади. Ишончли мулкдор трастни таъсис этиш ҳақидаги шартнома-

нинг ижро этилиши билан боғлиқ равишда юзага келувчи мажбуриятлар бўйича чекланмаган мулкий жавобгарликка тортилади.

Ишончли мулкдор банкрот деб тан олинган тақдирда, трастни таъсис этиш ҳақидаги шартнома мазмунини ташкил этувчи мулк тугатилиши лозим бўлган доирага киритилмайди ва шу аснода траст муассиси ва бенефисларий манфаатлари ҳимоя қилинади.

Ишончли мулкдор траст сифатида унга топширилган мулкка эгалик қилишдан олган пул миқдорлари чегарасида траст амалиётларидан даромад кўради. Мукофот илгаридан шартномада белгиланган миқдорда трастдан кўрилган даромадга нисбатан фоиз ҳисобида ҳамда трастга топширилган мулкнинг бир қисмини траст шартномасининг муддати тугаганидан сўнг сотиб олиш учун бериш сифатида ифодаланиши мумкин. Траст-компаниялар мижозларининг траст ҳисоб рақамлари бўйича фоиз қўшилмайдиган депозит қолдиқларидан ҳам даромад кўрадилар. Шартномага биноан ишончли мулкдор бенефисларийга мулк солиғи ва бошқа солиқларни ҳисобдан айириб ташлаган ҳолда даромад пулини тўлайди.

Траст муассиси ишончли мулкдорга траст учун топширилган мулкни бошқаришга ҳақли эмасдир, лекин трастни таъсис этиш ҳақидаги шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиши мумкин.

Ишончли мулкдорга траст учун топширилган мулк, мулкий ва номулкий ҳуқуқлар юзасидан тўғри ҳисоб юритилиши муҳим аҳамият касб этади. Ишончли мулкдор ушбу мулк юзасидан ўзига тегишли ва бошқа мулкка нисбатан алоҳида олиб борилувчи ҳисоб юритиши ҳамда мулк билан бажарилган амалиётлар ва кўрилган даромадлар тўғрисида траст муассисига мунтазам ҳисобот бериб бориши шарт.

Мижознинг қимматли қоғозлар тўпламини бошқариш билан боғлиқ амалиётлар ҳажми ва аҳамияти жуда каттадир. Бу борадаги ишлар қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади: қимматли қоғозларни сақлаш учун қабул қилиш, қимматли қоғозлар бўйича даромад олиш ва барча тушумлар тўғрисида мижозни хабардор қилиш, муддати ўтган облигацияларни сўндириш, бай тўлов мажбуриятлари бўйича пул олиш,

қимматли қоғозларни алмаштириш. Мижоз билан тузилган шартномага асосан траст-компания нафақат қимматли қоғозларни сақлаш учун қабул қилиши, балки улар бўйича даромад олиши, мижознинг кундалик сарф-харажатларини қоплаши, тижоратчилик ва инвестиция амалиётларини бажариши мумкин. Ишончли мулкдор — акцияларга эгалик қилиш, дивидендлар олиш ва акцияларни сотиш, солиқларни тўлаш ва шу каби ҳуқуқларни траст бўлимига топшириши мумкин. Траст хизматини кўрсатиш учун юқори касб маҳорати талаб этилади ҳамда сармоялар бозорини ва молиявий менежментни билиш зарурдир.

Охирги вақтда траст бўлимлари акциядорлик жамиятларида ташкил этилмоқда. Бу, энг аввало, қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасининг йўқлиги ва банклар ҳамда ихтисослашган молиявий компаниялар томонидан олинадиган хизмат ҳақининг юқорилиги билан боғлиқдир. Одатда корхоналарнинг траст бўлимлари қимматли қоғоз эгалари учун қуйидаги амалиётларни бажарадилар: қимматли қоғозларни эгалик қилишга топшириш, фоиз тўлаш ва қарздорликни қоплаш, гаровдаги мулкни озод этиш, ҳисоб юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш.

Траст жамғармалари банкрот корхонанинг мулкини тугатиш бўйича вакил сифатида чиқишлари мумкин. Бу ҳолда қуйидаги тадбирларни бажариш шарт:

— тугатилаётган корхона билан шартнома асосида алоқа қилаётган кредиторларни ва бошқа юридик шахсларни бўлажак тугатилиш ҳақида хабардор қилиш;

— кредиторларнинг даъвосини қондириш;

— акциядорлар ҳуқуқи ва манфаатларининг сақланишини кафолатлаш;

— дебиторлик қарзларни ундириш ва кредиторларни аниқлашга оид ишларни бажариш;

— тугатиш балансини тузиш.

Фақат шундай пухталик билан бажарилган ишлар орқалигина корхонани банкрот деб тан олиш тартибини амалга оширириш ва унга нисбатан зарур тадбирларни қўллаш мумкин бўлади. Шунингдек, ушбу ишлар сохта банкротлик ва банкротликни сохталаштириш тажрибасининг олдини олиш учун ёрдам беради. Корхонани нафақат банкрот деб эълон қилиш,

балки унинг қарзларини узиш ва мулкини идора қилиш муҳимдир.

Траст жамғармаси, контрагентлар ўртасида тузилган шартнома шартларига риоя этилган шароитда қимматликларни сақлаш ва бир контрагентдан бошқасига топшириш амалиётларида кафил сифатида чиқиши мумкин. Таъкидлаш лозимки, корхоналарнинг молиявий активлари ва қимматли қоғозлар тўпламини бошқариш билан боғлиқ амалиётларда траст бўлимлари кафил бўлиб чиқмайдилар. Ворислик мулкини бошқариш билан боғлиқ вазифаларни бажариш учун траст бўлимлари васиятномаларни рўйхатга оладилар ва шундан сўнг тегишли суд идорасидан ижро этувчилик ваколатини оладилар. Траст бўлими ворислик мулкининг таркибини ва миқдорини аниқлайди, васиятчининг ихтиёри ёки суд идорасининг қарорига мувофиқ уни тақсимлайди.

Ёлиқ турдаги акциядорлик жамиятларида, одатда, эркин пул бозорига чиқмайдиган акцияларни мерос қилиб олиш ҳуқуқи кўзланмайди. Қонунчиликда бошқа шарт-шароитлар, шу жумладан, мерос ҳам эҳтимолдан холи этилмаганига қарамасдан ушбу тарзда тутилган иш энг маъқулдир.

Очиқ турдаги акциядорлик жамиятларининг акциялари сармоялар бозорида муомалада юрувчи *тўла ҳақли* қимматли қоғоз ҳисобланган шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда уларда меросхўрлик ҳуқуқи мавжуд бўлади.

Траст амалиётларининг муқаррарлиги борган сари равшан бўлмоқда ва акциядорлик жамиятлари шу орқали акциядорлар олдидаги ўз мажбуриятларининг бажарилиши учун шароит яратмоқдалар.

Ишончли мулкдорлик билан боғлиқ муносабатларни тартибга келтирувчи қонунчилик ҳужжатларининг мавжуд эмаслиги сабабидан ихтисослашган траст жамғарма компания, бўлимларни таъсис этиш ишлари қийинчилик билан кечмоқда. Бу эса акциядорларнинг ҳуқуқий ва молиявий ҳимояланиши ҳамда қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Траст хизматини кўрсатиш муаммосини яқин кунларда ҳал этиш зарур.

8.5. ЛИЗИНГ АМАЛИЁТЛАРИ

Корхоналар ва тижорат ташкилотлари узоқ муддатга ижарага берувчининг маблағларини тобора фаоллик билан ўз пул *айланувларига жалб этмоқдалар. Узоқ муддатли ижара* негизида маблағ жалб этиш борасидаги амалиётлар асосий воситаларни сотиб олиш учун пул сарфларини молиялаш тадбирларининг самарали шаклидир.

Ушбу шаклдаги амалиётлар лизинг хизмати орқали амалга оширилади. Лизинг хизмати мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини учинчи шахс учун сотиб олади ва мулкни маълум муддатга ушбу шахсга ижарага топширади.

Одатда *лизинг амалиётида* молиявий алоқага киришаётган уч томон иштирок этади: *таъминотчи* (сотувчи), *лизинг олувчи* (ижарага олувчи), *лизинг берувчиси* (лизинг хизмати).

Лизинг хизмати ва асосий корхонага қарашли ихтисослашган жамиятлар айниқса тижорат банкларида мужассамлашган. Лекин мустақил лизинг компанияси, маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки воситачи корхонанинг лизинг хизмати ҳам бўлиши мумкин.

Лизингни узоқ муддатли ижара кўринишидаги харидорни узоқ муддатга кредитлаш шакли сифатида кўриш мумкин. Лизинг хизмати лизинг олувчи корхонанинг топшириғига бинoан асосий воситалар ҳақини ўз маблағлари ҳисобига тўлиқ тўлагани сабабли лизинг мазмунини ташкил этувчи мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам унга ўтади.

Лизинг мазмуни — банк ёки лизинг компания томонидан мустақил тарзда харид қилиб олинган ва келгусида танлаб олинган мижозга ижарага топширилган мулкдан, ёхуд харид қилишда ижарага олувчининг ўзи иштирок этган мулкдан иборат бўлиши мумкин. Лизинг берувчиси ва ижарага олувчи ўртасидаги лизинг битимида қуйидаги молиявий жиҳатлар акс эттирилиши шарт:

лизинг берувчисида лизинг мазмунини ташкил этувчи мулкка эгалик қилиш ҳуқуқининг пайдо бўлиши;

ижара муддати, ижара ҳақи миқдори ва уни тўлаш вақтлари;

келишув объектини суғурталаш шарт-шароитлари;

келишув муддати тугаганидан сўнг мулкка эгалик қилиш тартиби;

томонлар масъулияти;

лизинг берувчиси ва лизинг олувчиларнинг бурчлари.

Лизинг бадалининг ҳажмини аниқлаш тартиби катта аҳамиятга эгадир. Бадал ҳажми ижарачининг балансига қабул қилинган объектнинг дастлабки қийматига, ижара муддатига, банк фоиз миқдорларига, ижара амалиётига оид кўрсатилган хизмат ҳақига, бадалларнинг қанчалик тез қайталаниб киритилишига боғлиқ бўлади. Кўпинча ижара даври асосий воситалар турига ва сотиб олинган қийматига боғлиқ бўлиб, уларни тўлиқ тиклаш учун амортизация ҳақини қўшиб ҳисоблаш муддати шундан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Ижара ҳақи қуйидаги тенглама бўйича ҳисобланади:

$$R = \left[P - S(1+i)^{-П} i\right]\left[1 - (1+i)^{-П}\right]$$

R — йиллик ижара ҳақи миқдори;

P — лизингнинг дастлабки қиймати;

П — ижара йилларининг сони;

i — ижара ҳақига оид белгиланган миқдор;

S — лизинг мазмунининг қолдиқ қиймати.

Ижара ҳақи емирилиши ёки амортизация қўшиб ҳисоблаш орқали объектнинг ижара қийматини, лизинг амалиётига доир хизмат қийматини ва қарздорликнинг қолдиқ миқдоридан фоизларни қоплаши зарур. Қўшиб ҳисобланган амортизация ишлаб чиқариш ва фойдаланиш чиқим-харажатлари ҳисобига, фоизлар ва хизмат қиймати эса солиқ тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлардан сўнг корхонада қолган фойда ҳисобига қопланади.

Муддатларга риоя этилмагани, таъминотнинг бутлиги, жиҳозларнинг сифати, уларнинг шикастлангани, тўлиқ ёки қисман йўқотиб қўйилгани билан боғлиқ барча зарарлар лизинг олувчининг зиммасига юклатилади ва ижара ҳақига таъсир кўрсатмайди. Лизинг олувчи таъминотчига белгиланган тартибда эътиборнома билдириши ва ушбу масалаларни тартибга келтириш юзасидан чора кўриши ҳамда асосий воситалардан фойдаланиш, техник хизматни кўрсатиш ва таъмирлашга оид барча сарф-харажатларни қоплаши шарт.

Ижарачининг зиммасига қуйидаги мажбуриятлар юклатилади: келишув мазмунини ташкил этувчи мулкни суғурталаш ва суғурта полисини лизинг берувчига тақдим этиш, суғурта тўловларини қоплаш.

Келишув объекти хусусида юзага келувчи сарф-харажатларни молиялаш борасидаги бундай тартиб ижарадаги воситалардан фойдаланиш натижасида кўрилган даромадлар ва маҳсулотларга лизинг олувчиси эгалик қилиш шарт-шароитидан келиб чиқади. Келишув объектини суғурталаш муаммоси кўп жиҳатдан лизинг берувчиси ва лизинг олувчиси ҳуқуқларининг тўла мсъёрда сақланишни бугунги кунда кафолатлай олмайдиган суғурталашнинг қимматлигига боғлиқдир. Суғурталаш хизматининг ва томонларга кафолат бериш ишларининг сифатини ошириш талаб этилади.

Лизинг келишувида ижарага олинган мулкни қолдиқ қиймати бўйича сотиб олиш ёки янги, лекин қисқароқ муддатга ва белгиланган имтиёзли тўлов миқдорига асосан лизинг келишувини тузиш имкониятига алоҳида эътибор ажратилади. Ижарага олинган мулкнинг қолдиқ қиймати бўйича сотиб олишнинг ижарачига берилган ҳуқуқ (опцион), имтиёз сифатида кўриш лозим.

Мижоз томонидан лизинг келишувининг шартлари бажарилмаган тақдирда, хусусан: жиҳозлардан белгиланган мақсадда фойдаланилмаганида, ижара ҳақи муддатида тўланмаганида, маблағ бутлигига хавф туғилганида, банк келишувни муддатидан илгари бекор қилишни талаб этишга ҳақлидир. Бундай вазиятда мижоз лизинг бўйича берилмаган пул тўловларини ва етказилган зарарни қоплаши, ижарага берувчининг талабига мувофиқ лизинг келишуви мазмунини қайтариб бериши ёки қолдиқ қийматини тўлаши шарт. Келишувнинг бекор қилинишида лизинг хизмати айбдор бўлса, лизинг олувчиси жарима пулини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Лизинг амалиётлари лизинг компаниясига ҳам, мижозга ҳам фойда келтиради. Лизинг компанияси учун келишув мазмуни — фойдаланганн учун мижоз тўлиқ жавобгарлик берувчи мулкдорлик объектини англатади. Мулк эгаси ҳисобланган лизинг компанияси тўлов шартларини белгилайди, ижарачи томонидан жалб этилган банк маблағларидан фойдаланганлиги учун фоиз ўрнатади. Келгусида лизинг компанияси лизинг

мазмунини ташкил этувчи мулкни сотиб юбориш шартларини ҳам белгилайди.

Ижарачи-корхона томонидан лизинг компаниясини келишувга жалб этиш заруратининг пайдо бўлишига асосан, асосий воситаларни сотиб олиш учун молиявий маблағ манбалари йўқлиги ва узоқ муддатли ссуда олишдаги қийинчиликлар сабаб бўлади. Кўрилаётган даромад корхонанинг барча сарф-харажатларини, шу ҳисобда тўланаётган ижара ҳақини қоплаб, фойда келтириши зарур. Лизинг асосий воситалардан самарали фойдаланишни рағбатлайди ва тиклаб ўрнатилмаган жиҳозлар мавжудлигини ҳамда уларнинг ақлсиз ишлатилиш ҳолларини тўлиқ йўққа чиқаради. Лизингнинг қонуний тартибга келтирилиши инвестиция фаолиятида лизингни ривожлантириш ҳақидаги тегишли Ҳукумат қарорлари ва лизинг тўғрисидаги вақтинчалик қондалар орқали таъминланади. Ушбу ҳужжатларда лизинг компанияларига давлат томонидан ёрдам бериш орқали лизинг амалиётларини рағбатлаш ҳамда мамлакатга мол-маҳсулотларни вақтинчалик киритишда божхона имтиёзларининг берилиши кўзланади. Корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва конверсия қилиш ишларида лизингни ривожлантириш афзаллиги маъқул кўрилади.

Лизинг компанияларининг ўз сармоялари унчалик катта эмаслиги ва банк фоизларининг юқорилиги сабабидан лизинг амалиётлари ҳозирча кенг тарқалмаган. Бундай вазият иқтисодиётнинг танг аҳволи учун табиийдир. Мижозининг кредит қайтариш имкониятига ишонч ҳосил қилмаган лизинг компанияси келишувга бормайди. Бунга қарамасдан лизинг амалиётлари шубҳасиз истиқболли бўлиб, мақбул ташқи шарт-шароит мавжудлигида инвестицияларни молиялаш ишларида катта аҳамият ўйнаши муқаррардир.

Ҳисоб-китоб ишлари чет эл валютасида амалга оширилувчи импорт жиҳозлари юзасидан лизинг битимлари бугунги кунда энг афзал бўлиб келмоқда. Ташкил этилган лизинг компаниялари уюшмаси Европа лизинг компаниялари уюшмаси билан фаол ҳамкорлик қиляпти ва бу ҳам лизинг ривожланишига кўмак бўлмоқда.

Тадбиркорлик молиявий таъминланишини бошқариш юзасидан фаолиятнинг диверсификацияланиши молиявий-кредит

институтларининг ривожланишини рағбатлайди ва рақобатли бозор муҳитини шакллантиришга кўмаклашади.

ҚАЙТАРИШ УЧУН АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

Банк кредити
Қарзга олинган сармоя
Гаров амалиётлари
Кредит шартномаси
Бенефисиар
Принсипал
Кафолатчи
Тижорат кредити
Вексел
Вексел айлануви

Оддий вексел
Ўтказма вексел (тратта)
Махсус ссуда ҳисоб рақами
Фазна вексели

Траст
Ишончли мулкдор
Траст муассиси
Гаров
Бай пули
Ипотека
Кафолат
Кафиллик
Банк кафолати
Векселни қайта рўйхатга олиш
Факторинг
Лизинг
Лизинг келишуви
Лизинг бадали

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Қарзга олинган сармоя тадбиркорликнинг моличвий таъминланишида қандай аҳамиятга эга?
2. Кредитор ва қарз олувчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар қай тарзда расмийлаштирилади?
3. Кредитнинг қайтарилиши қандай таъминланади? Банк ва кредит муассасаларининг ҳуқуқлари.
4. Гаров, бай пули, ипотека ўртасида қандай фарқ бор?
5. Нима учун вексел корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китобларда кенг қўлланмайди? Векселларни қайта рўйхатга олиш нима?
6. Банк иштирокидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг вексел шаклини изоҳланг.
7. Нима учун факторинг амалиётлари тўлов талабномаси воситасидаги ҳисоб-китоблар билан боғлиқ?

8. Нима учун траст амалиётлари қимматли қоғозларнинг самарали тўпламини шакллантириш имкониятини кенгайтиради?

9. Нима учун лизинг ижарининг ўзига хос шакли ҳисобланади ва оддий ижарадан уни нима фарқлайди?

10. Тадбиркорлик молиявий таъминланишининг диверсификацияси қандай афзалликларга эга ва корхона ҳамда банклар ушбу афзалликларни қандай қилиб рўёбга чиқаришлари мумкин?

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУСИ

Тадбиркорлик тузилмалари ва банкларнинг ўзаро муносабатлари.

Банк ва тижорат кредитлари: умумий ва фарқловчи хусусиятлари.

Ҳозирги шарт-шароитларда вексел айланувы.

Тадбиркорликнинг молиявий таъминланишини диверсификациялаш услублари.

ХУЛОСА

1. Қарзга олинган сармоядан фойдаланиш рентабеллиги тадбиркорликни молиявий таъминлаш бошқа манбаларининг рентабеллигига тенг ёки ундан ортиқ бўлган тақдирдагина уни жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Гаров амалиётлари кредит қайтарилишини таъминлашда етакчи ўрин эгаллайди.

3. Вексел кредит берилганини гувоҳлантирувчи қимматли қоғоз воситасида қарзни расмийлаштириш имкониятини беради.

4. Фактор амалиётлари етказиб берилган мол ва кўрсатилган хизмат учун тўловчидан ҳақ олиш ҳуқуқини таъминотчидан сотиб олиш билан боғлиқ бўлади.

5. Факторинг хизмат кўрсатилиши корхонанинг дебиторлик қарзи юзасидан атрофлича ҳисоб юритилишини ўз ичига киритади.

6. Траст амалиётлари доимо ишончга асосланади ва сармояни самарали сарфлашга кўмаклашади.

7. Мулкни ижарага олиш шартига асосан харидни узоқ муддатли кредитлаш шакли сифатидаги лизинг корхона пул айланувига қўшимча маблағ жалб қилиш ҳамда моддий-техник негизини кенгайтириш имкониятини беради.

9. БАНКРОТЛИК

Бу бобда қуйидагилар ўрганилади:
банкротликда амалга ошириладиган чора-тадбирлар;
санция нима ва унинг афзалликлари;
ташқи бошқаришни ким амалга оширади;
кўрик танлови асосида ишлаб чиқариш нимадан иборат;
баланс тузилмаси қандай мезонлар асосида қониқарсиз деб топилади;
қарздор корхонанинг мулки қай тарзда сотиб юборилади.

9.1. БАНКРОТЛИК ЮЗАСИДА ИШ ТАРТИБИ

Тадбиркорликнинг молиявий таъминланишини бошқариш юзасидан қониқарсиз олиб борилган ишлар корхона ва тижорат ташкилотларини банкротликка олиб келади.

Банкротлик — рақобатли бозор муҳитининг ажралмас қисмидир. Банкротликсиз рақобат бўлмайди. Банкротлик эҳтимоли корхоналарни молиявий барқарорликни таъминлашга оид чора кўришга, меҳнат унумдорлигини ва самарасини оширишга мажбур этади. Банкрот корхона ўз мажбуриятларининг ликвидли активларга нисбатан ортиб кетгани, яъни баланс тузилмасининг қониқарсизлиги туфайли кредиторлар, бюджет ва нобюджет жамғармалари олдидаги мажбуриятларини бажаришга қобилиятсиз бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикасида «Банкротлик ҳақида»ги Қонун қабул қилинган. Ушбу қонунда банкротлик юзасидан ишлар ва корхона ёки тижорат ташкилоти банкрот деб эълон қилинганида кўрилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгиланган.

Банкротликни аниқлаш ишларида *хўжалик судлари* асосий ўрин эгаллайди. Бироқ ушбу хусусда юзага келувчи муаммолар нафақат суд орқали, балки суд иштирокисиз ҳам ҳал қилиниши мумкин. Бунда ҳамма нарсани қарздор билан кредитор ўртасидаги ўзаро муносабатлар аниқлайди.

Ижро этиш муддати келганидан бошлаб уч ой ўтганидан сўнг мол-маҳсулот, иш ва хизмат ҳақини тўлаш юзасидан мажбуриятларнинг бажарилмаслиги корхонани банкрот деб

ҳисоблаш учун асос бўлади. Корхона банкрот деб тан олиниши ҳақидаги қарорнинг қабул қилиниши қуйидаги тадбирлар ўтказилишини билдиради:

— қайтадан ташкил этиш;

— тугатиш;

— тинч келишув.

ҚАЙТАДАН ТАШКИЛ ЭТИШ ТАДБИРИГА

Мулкни ташқаридан бошқариш ва санация киради.

Тугатиш — хўжалик судининг қарорига биноан амалга оширилганида мажбурий ёки кредитларнинг назорати остида амалга оширилганида ихтиёрий шаклга эга бўлади. Қарздор корхонанинг тугатилиши кўрик танлови асосидаги ишлаб чиқариш жараёнида амалга оширилади. Хўжалик суди қарздорнинг банкрот деб тан олиниши ҳақида қарор қабул қилади ва кўрик танлови асосида ишлаб чиқаришга йўл очиб беради. Қайта ташкиллаш чора-тадбирлари ўтказилаётгани ҳақида тақдимнома мавжудлиги ҳолатида хўжалик суди ночорлик бўйича олиб борилаётган ишнинг тўхтатилиши юзасидан қарор чиқариши мумкин. Тақдимнома қарздор, мулкдор, кредитор томонидан берилиши мумкин.

Тақдимномани бериш ҳақидаги қарор молиявий менежер хизмати томонидан ҳар томонлама таҳлил этилиши шарт. Ушбу хизматнинг вазифаси — қарздор корхонанинг фаолиятини давом эттириш мақсадида унинг тўлов қобилиятини тиклаш юзасидаги чинакам имкониятни аниқлаб беришдан иборатдир. Қайта ташкиллаш чора-тадбирларини молиявий менежер танлаб беради.

Мулкни ташқаридан бошқариш тадбирлари ташкилий ва иқтисодий ишларни бажариш ҳамда мулкнинг бир қисмини сотиб юбориш билан чекланади. Бу тадбирни хўжалик суди томонидан тайинланган бошқарувчи амалга оширади.

Санация — мулкдор ёки бошқа манфаатдор шахс томонидан қарздор корхонага молиявий ёрдам кўрсатилишини билдиради. Санациянинг афзаллиги шундан иборатки, унда мулкдор ҳам, меҳнат жамоасининг аъзолари ҳам мустақил иштирок этадилар. Агар улар ўз ҳуқуқларидан фойдаланмаган

бўлсалар, хўжалик суди қарздор корхона мулкдори ва кредиторларнинг розилигига кўра санацияда иштирок этиш хоҳишини билдирганлар учун танлов эълон қилиши шарт. Санация иштирокчилари келишув ишлаб чиқадилар. Ушбу келишув ўз ичига қуйидагиларни киритади: Барча кредиторларнинг талабларини қондириш ҳақида мажбурият, уни бажариш муддатлари, кредиторлар олдидаги масъулиятлар тақсимоти. Бундай келишувни ишлаб чиқишдан олдин молиявий менежер хизмати томонидан кредиторлик қарз ва аниқ муддатларда уни узиш имкониятини таҳлил қилиш ишлари амалга оширилади.

Баланс тузилмасининг ликвидликни ошириш томонига ўзгариши молиявий менежерга боғлиқдир.

Мулкни ташқаридан бошқариш ва санция амаллари 18 ойдан ортиқ давом этмайди. Бироқ санацияда 12 ой тугаганидан сўнг умумий ҳажмдаги кредитор талабларининг 40 фоизи қондирилиши шарт. Ушбу шарт молиявий менежернинг зиммасига алоҳида масъулият юклатади ва кредиторнинг талабларини қондириш учун молиявий маблағ жалб этиш тартибини аниқлайди.

Келишув шартларини бажариш учун молиявий менежер қуйидаги масалаларни ҳал этиши зарур:

— қарздор корхонага ажратиб берилаётган молиявий ёрдамни жалб қилиши мумкин бўлган манбааларни ва шаклларни аниқлаш;

— молиялаш объектларини ва сарф қопланиши муддатларини аниқлаш;

— қарздор корхонанинг фаолияти давом этиши учун қопланиши шарт бўлган жорий сарф-харажатлар ҳажмининг энг кам миқдорини аниқлаш;

— дебиторлик қарзни ундириш учун чора кўриш;

— гаров сақловчи кредиторлар ва имтиёзли кредиторларнинг талабларини қондиришга оид таклифлар киритиш.

Санация иштирокчилари қуйидаги жиҳатга алоҳида эътибор билан қарашлари лозим: мазкур тадбир қарздор корхонага молиявий ёрдам кўрсатиш имкониятини излаб топиш билан чекланмайди, балки молиявий менежментга туб ўзгаришлар киритади ва ўтказилаётган тадбирларда молиявий менежерни бош ўрнига чиқаради.

Санация давомида қарздорнинг асосий воситалари санация иштирокчиларига берилмайди, бу эса моддий-техник негизнинг сақланиб қолиниши ва фаол тадбиркорлик фаолиятни давом эттириш имкониятини билдиради.

Мулкни ташқаридан бошқаришда қарздор корхона мулкининг бир қисмини сотиб юбориши мумкин. Хўжалик суди томонидан тайинланган бошқарувчига ҳуқуқлар берилади ва у корхона раҳбари вазифасини бажаради, қарздорнинг мулкини бошқаради, мулкни ташқаридан бошқариш режасини бажариш бошқарувини ишлаб чиқади ва ташкил қилади, кредиторлар мажлисини йиғади, ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади. Бир қарашда бу ерда ташкилий тадбирларга афзаллик берилгандай туюлади. Бироқ бошқарувчи молиявий менежмент иш усулларидан фойдаланиб ва юзага келаётган муаммолар ечимида молиявий менежментнинг фаоллигини таъминлагани ҳолатидагина қарздор корхонанинг тўлов қобилиятини тиклаши мумкин бўлади.

Санация ёҳуд мулкни ташқаридан бошқариш тадбирларининг натижаси улардан кўзланган мақсадларга эришиш, ушбу мақсадларга эришиб бўлмаслигини тан олиш ёки қайта ташкиллаш тадбирларини давом эттиришда намоён бўлади. Мақсадга эришилгани хўжалик судига иқтисодий ночорлик бўйича олиб борилаётган ишни тўхтатиш учун асос бўла олади.

Бошқа-қолларда қарздорнинг аҳволи ночор деб тан олинади ва кўрик танлови асосида ишлаб чиқариш амалига йўл очиб берилади. Тугатилаётган корхонанинг ундирилиши лозим бўлган мулки ушбу тадбир натижасида белгиланган навбат билан кредиторлар ўртасида тақсимланади.

Кўрик танлови асосида ишлаб чиқариш амалининг натижаси — кредиторлар талабининг қондирилиши ва қарздорнинг қарздан озод бўлганини эълон қилишдан иборатдир. Кўрик танлови асосидаги ишлаб чиқаришда танловли бошқарувчи, мулкдор, қарздор, кредиторлар мажлиси, меҳнат жамоасининг аъзолари иштирок этадилар.

Хўжалик суди томонидан тайинланган ***танловли бошқарувчи*** ва молиявий менежерга катта ўрин ажратилади. Танловли бошқарувчида қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўлиши шарт:

Қарздорнинг мулкини ўз ихтиёрига кўра бошқариш;

— корхонанинг молиявий аҳволини таҳлил қилиб бориш;

— кредиторларнинг талабини тан олиш ёки рад этиш, дебиторлик қарзни ундиришга оид иш олиб бориш, ундирилиши лозим бўлган мулкни ўз ичига киритувчи танлов кўламини шакллантириш;

— қарздор корхонани бошқариш вазифасини бажариш;

— қарздор томонидан сўнгги 6 ой давомида тузилган келишувларни хўжалик суди орқали бекор қилиш;

— корхонанинг молиявий аҳволи ҳақидаги маълумотларни манфаатдор томонларга тақдим этиш;

— тугатиш комиссияси таркибини шакллаш ва унинг ишига раҳбарлик қилиш.

Танлов бошқарувчиларни тайёрлаш тизими юқорида санаб ўтилган вазифаларни ҳал этишга қаратилган молиявий менежментни ва у томонидан тегишли вазифалар бажарилишини ўз ичига киритиши шарт.

Кредиторлар йиғилишини ўтказишда тугатиш чора-тадбирларининг ишлаб чиқилишига катта ўрин ажратилади. Кредиторлар йиғилиши қуйидаги масалаларни ҳал қилади: қарздорнинг мулкини бегона шахсга бериш билан боғлиқ айрим келишувларни бажариш учун танловли бошқарувчига рухсат беради, сотувни қачон бошлашни ва унинг шаклини белгилайди, қарздор корхона мулкининг бошланғич нархини ўрнатади, танловли бошқарувчининг хатти-ҳаракатларини назорат қилади, тинч келишувга келиш юзасидан қарор қабул қилади. Барча ушбу масалалар ҳам молиявий менежмент доирасида ҳал этилади.

Тинч келишувни корхона ночорлиги бўйича олиб борилаётган ишнинг хоҳлаган босқичида тузиш мумкин ва у хўжалик судида тасдиқланиши шарт. Тинч келишувнинг натижаси қарз миқдорига нисбатан белгиланган фоизда ифодаланувчи кредитор талабининг қондирилишидан иборат бўлади. Ушбу фоиз тўлов муддатларининг узайтириб берилишига ва томонларнинг келишувига боғлиқ ҳолда ортиб боради.

Қарздор ва кредиторлар хўжалик судининг иштирокисиз келишувга оид тўлов муддатини кўчириш ёки муддатини узайтириш, корхона фаолияти давом этиши учун қарз бўйича чегирма бериш хусусида келишиб олишлари мумкин. Молиявий

менежер ушбу масала юзасидан мосланувчанлик билан иш олиб борини ва молиявий муаммоларнинг имкон қадар судсиз ҳал қилинишини таъминлаши зарур. Қарздор корхонанинг раҳбари кредиторлар билан биргаликда корхонани ихтиёрий тарзда тугатиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин. Ушбу қарор мажбурий тартибда мулкдор томонидан тасдиқланиши шарт. Қарздор корхонанинг молиявий аҳволи юзасидан ўтказилган ва унинг тўлов қобилиятини тиклаб бўлмаслигига асос туғдирувчи атрофлича таҳлилдан сўнггина бундай қарорнинг қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Давлат корхоналари, шунингдек, сармоясида Республиканинг улуши мавжуд корхона ва ташкилотлар ночорлиги (банкротлиги)га оид масалаларни ҳал этишда мулкдорнинг манфаатлари давлат номидан иш юритувчи Давлат мулкини бошқариш бўйича Давлат қўмитаси қошидаги иқтисодий ***ночорлик (банкротлик) ишлари бўйича бошқармаси*** томонидан ҳимоя қилинади.

Бошқарма корхоналарнинг молиявий аҳволини ўрганиб чиқади, мажбурий хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилади, иқтисодий ночорлик (банкротлик) бўйича иш қўзғатиш аризаси билан хўжалик судига мурожаат этишга корхонани мажбур қилади, қарздор корхонанинг мулкини ташқаридан бошқариш ва санация ўтказиш юзасидан судга тақдимнома чиқаради, қарздор корхонанинг тўлов қобилиятини тиклаш хусусидаги чинакам мавжуд имконият борлигини аниқлайди, мулкни ташқаридан бошқариш режасига оид хулосаларни хўжалик судига тақдим этади, мулкни ташқаридан бошқариш ёки санация ўтказиш шарт-шароитларини ўзгартириш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилади, кредиторларнинг розилиги билан кўрик танлов ўтказиш шарт-шароитларини ва мезонларини белгилайди ҳамда хўжалик суди томонидан бошқарувчи тайинланишида кўрик танловни ташкиллайди, қарздор корхонани ихтиёрий тарзда тугатиш ҳақида қарор қабул қилади, қарздор корхонанинг қийматини баҳолаш ишларини ташкиллайди, тўловга қобилиятсиз корхоналарни қайта ташкил этиш, санацияга қўйиш, тугатиш учун ажратиб берилган бюджет ва нобюджет жамғарма маблағларидан ўз ихтиёрига кўра фойдаланади.

9.2. БАНКРОТЛИК МЕЗОНЛАРИ

Тўловга қобилиятсиз корхоналарнинг баланс тузилмаси қониқарсизлигини аниқлашда ***мезонлар тизими*** алоҳида аҳамиятга эгадир. Мезонлар тизими жорий ликвидлик, ўз маблағлари билан таъминланганлик, тўлов қобилиятини тиклаш ёки йўқотиш имкониятининг мавжудлигига асосланади. Ушбу кўрсаткичларга қараб корхонанинг баланс тузилмаси қониқарсиз деб тан олиниши, корхонанинг ўзи эса тўловга қобилиятсиз деб ҳисобланиши, тўлов қобилиятини тиклаш ёки йўқотиш чинакам имкониятлари аниқланиши мумкин.

Жорий ликвидлик коэффициенти тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва кредиторлик қарзни ўз вақтида узиш учун корхонанинг айланма маблағ билан умумий таъминланганлигини аниқлашга ёрдам беради. Ушбу коэффициент қуйидаги тенглама асосида аниқланади:

$$Кл = \frac{IIA + IIIA}{IIП + IIC}$$

II А — баланс активининг «Заҳиралар ва сарф-харажатлар» иккинчи бўлими якуни;

III А — баланс активининг «Пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва бошқа активлар» учинчи бўлими якуни;

II П — баланс пассивининг «Ҳисоб-китоблар ва бошқа пассивлар» иккинчи бўлими якуни;

II С — баланс пассивининг иккинчи бўлимига тегишли қуйидаги моддалар йиғиндиси:

«Узоқ муддатли банк кредитлари», «Узоқ муддатли қарз пуллари», «Келгуси давр даромадлари», «Истеъмол жамғармалари», «Бўлғуси сарф-харажатлар ва тўловларга оид маблағ заҳиралари».

Шундай қилиб, ликвидлик коэффициентини ҳисоб-китоб қилишда корхона балансидаги мавжуд айланма маблағларнинг ҳақиқий қиймати энг тез бажарилиши лозим бўлган мажбуриятлар қаторига киритилади.

Корхона ўз маблағлари билан таъминланганлиги коэффициенти қуйидаги тенглама бўйича аниқланади:

$$Кл = \frac{IП - IA}{IIA + IIIA}$$

I П — баланс пассивининг «ўз маблағ манбаалари» биринчи бўлими якуни;

I А — баланс активининг «Асосий воситалар ва айланувдан ташқаридаги бошқа активлар» биринчи бўлими якуни.

Баланс тузилмаси қониқарсиз, корхона эса тўловга қобилиятсиз деб тан олиниши учун жорий ликвидлик коэффициенти 2 дан кичик бўлиши, ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти эса 0,1 га етмаслиги зарур.

Тўлов қобилиятини тиклаш (йўқотиш) коэффициенти юқоридаги коэффициентларнинг иккаласи ёки улардан бирининг хавф туғдирувчи сўнгги нуқтаси аниқланганидан кейин ҳисоб-китоб қилинади.

Тўлов қобилиятини тиклаш коэффициенти олти ой учун ҳисоб-китоб қилинади. Жорий ликвидлик коэффициенти 2 дан катта ёки тенг бўлгани, ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти эса 0,1 дан катта ёки тенг бўлгани ҳолатида тўлов қобилиятини йўқотиш коэффициенти уч ой учун ҳисоб-китоб қилинади.

Тўлов қобилиятини тиклаш коэффициенти қуйидаги тенглама бўйича ҳисоб-китоб қилинади:

$$К_л = \frac{К_{лс} + 6(T)К_{лс} - К_{лн})}{К_{лн}}$$

$К_{лс}$ — ҳисобот даврининг сўнгидаги ликвидлик коэффициенти;

$К_{лн}$ — ҳисобот даврининг аввалидаги ликвидлик коэффициенти;

$К_{лм}$ — 2 деб белгиланган ликвидлик коэффициентининг меъёрий кўрсаткичи;

Т — ойлар ҳисобидаги ҳисобот даври.

Олти ой учун ҳисоб қилинган тўлов қобилиятини тиклаш коэффициенти 1 дан катта бўлгани ҳолатида корхона тўлов қобилиятини тиклаш чинакам имкониятига эга эканлиги тан олинади.

Тўлов қобилиятини йўқотиш коэффициенти қуйидаги тенглама бўйича ҳисоб-китоб қилинади:

$$К_л = \frac{К_й + 3(Т)К_{лс} - К_{ла})}{К_{лм}}$$

Уч ой учун ҳисоб қилинган тўлов қобилиятини йўқотиш коэффициенти 1 дан катта бўлгани корхона тўлов қобилиятини йўқотмаслигига чинакам имконият мавжудлигидан далолат беради.

Баланс тузилмасини қониқарсиз деб тан олиш учун асос бўлгани, лекин корхона тўлов қобилиятини тиклаш чинакам имкониятига эга эканлиги аниқлангани ҳолатида баланс тузилмасини қониқарсиз, корхонани эса банкрот деб тан олиш муддатини кўчириш хусусидаги қарор белгиланган муддатларда қабул қилинади.

Кўрсатиб ўтилган коэффициентларни ҳисоб-китоб қилишда давлатнинг корхона олдидаги қарздорлиги эътиборга олинади. Бунинг учун жами кредиторлик қарз ҳажми давлатнинг корхона олдидаги қарздорлиги бўйича кўрсатилган хизматларга оид тўловларга тенг бўлган миқдор катталигига тўғрилаб ўзгартирилади, давлат қарз миқдори эса дебиторлик ва кредиторлик қарз миқдоридан олиб ташланади.

Давлатнинг корхона олдидаги қарздорлиги бўйича кўрсатилган хизматларга оид тўлов пул миқдорлари қарздорлик пайдо бўлгани пайтига кўра Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан белгиланган тўлов миқдори бўйича дисконтланади, бу эса қайта молиялашга оид белгиланган тўлов миқдори орқали инқироз даражасини ҳисобга олувчи бюджет молияланишининг индексасиясидир. Ҳисоб-китоблар қуйидаги тенглама бўйича бажарилади:

$$Z = \sum |P_i \cdot t_i \cdot S_i| 100 | 360|$$

Z — давлатнинг корхона олдидаги қарздорлигига оид кўрсатилган хизматлар бўйича тўлов миқдори;

P_i — i бўйича муддатида бажарилмаган давлат мажбуриятларига оид давлат қарздорлиги ҳажми;

t_i — i бўйича муддатида бажарилмаган давлат мажбуриятларига оид қарздорлик даври;

S_i — қарздорлик пайдо бўлгани пайтига кўра Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан белгиланган ҳисоб олиб бориш тўлов миқдори.

Давлат қарздорлигининг ўз вақтида қопланишини ҳисобга олган жорий ликвидлик коэффициенти қуйидаги тенглама бўйича ҳисоб-китоб қилинади:

$$Кл = \frac{ПА + ПНА - \Sigma P}{ПП - ПС - Z - \Sigma P}$$

Ликвидлик коэффициентининг тўғрилаб ўзгартирилиши давлат қарздорлигининг корхона банкротлигидаги ўрнига баҳо бериш имкониятини беради. Тўғрилаб ўзгартирилган коэффициент 2 га тенг ёки катта бўлса, корхонанинг тўловга қобилиятсизлиги давлат қарздорлиги билан боғлиқ деб тан олинади.

Тўловга қобилиятсиз корхоналарни қайта ташкиллаш ёки тугатиш мақсадларида давлат бюджети, тармоқ ва тармоқлараро нобюджет жамғарма маблағлари ҳисобига давлат томонидан ушбу корхоналарга молиявий ёрдам кўрсатилади. Корхоналарга давлат томонидан молиявий ёрдам кўрсатилиши бизнес режа асосида амалга оширилади. Ушбу режа самарали хўжалик фаолиятига ёрдам кўрсатиш ва тўлов қобилиятини тиклашга оид чора-тадбирларни ўз ичига киритади ва бунда маблағларининг мақсадли ишлатилишига риоя этилади. Бундай вазиятда давлат томонидан молиялаш ишлари беғаразлик ва қайтариб беришлик асосларида амалга оширилади.

Беғараз молиялаш чекланган бўлади ва корхонанинг ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган фаолиятини молиялаш ишлари қаторига киради. Бу тарздаги фаолиятга қуйидагилар киритилади, ижтимоий-маданий ва коммунал-маиший объектларни ишчи ҳолатда тутиш;

— фаолияти давлат томонидан тартибга солинувчи ва дебиторлик қарз юқорилиги сабабидан банкротлик хавфига учраши мумкин бўлган муайян корхоналарнинг зарарларини қоплаш;

— мулкни амалий бошқариш ҳуқуқи асосида мамлакатга қарашли ёки бошқа корхоналарга айлантирилаётган корхоналарни тиклашга оид чиқим-харажатларни молиялаш; қарздорнинг мулкини сотишдан олинган маблағлар етарли бўлгани

ҳолатида тугатиш тадбирларини молиялаш. Давлат томонидан кўрсатилган беғараз ёрдам банкрот корхонанинг низомий сармоясига киритилган омонат деб ҳисобланмайди.

9.3. КОРХОНАЛАРНИНГ ИХТИЁРИЙ ТУҒАТИЛИШИ ВА СОТИЛИШИ

Қарздор корхоналарни ихтиёрий тугатиш ҳақидаги қарор қарздор корхона ва кредиторларнинг ўзаро келишувига биноан *суд иштирокисиз* қабул қилинади. Бундай вазиятда асосий масалалар кредиторлар мажлиси томонидан кўриб чиқилади. Овоз бериш ҳуқуқига қуйидагилар эга бўлади: бажариш муддати келган ва гаров билан таъминланмаган корхона мажбуриятига эга бўлган кредиторлар, корхона раҳбари, меҳнат жамоасининг ваколатли аъзоси. Қарздор корхонанинг ихтиёрий тугатилиши ҳақида қарор қабул қилингани ҳолатида бошқарув танловли бошқарувчини тайинлайди. Танловли бошқарувчи тугатиш комиссиясини шакллайди.

Корхонани тугатиш режаси ишлаб чиқилади. Ушбу режа қуйидаги тадбирлар рўйхатини ўз ичига киритади: дебиторлик қарзларни ундириш, кредиторлар талабини тан олиш ёки рад этиш, қарздор томонидан кредиторлар манфаатларига зид тузилган келишувларни бекор қилиш, сотувга қўйилган мулкни лотларга ажратиш, мулкий лотларни сотиш услубини ва уларнинг бошланғич нархини белгилаш, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш ва қолдиқ пул маблағларини тақсимлаш тартибини белгилаш, баъзи бир бошқа масалаларни ҳал қилиш. Кредиторларнинг якуний йиғилишида тугатиш баланси ва кредиторларнинг талаби қондирилганидан кейин қолган маблағлар ишлатилиши ҳақидаги ҳисобот тасдиқланади ҳамда корхонани тугатиш ҳақида қарор қабул қилинади.

Баланс тузилмаси қониқарсиз, корхона эса тўловга қобилиятсиз деб топилган корхоналар сотиб юборилади.

Сотув қуйидагича амалга оширилади:

юридик шахс маҳоми сақланганлиги ҳолатида тижорат ва инвестицион кўрик танлови асосида сотиб юбориш; қарздор корхонани тугатиш ва унинг активларини ким ошди савдоси, тижорат ёки инвестицион кўрик танловларида сотиб юбориш;

қарздор корхонанинг давлатга тегишли улуш, пай, акцияларини ким ошди савдосида сотиб юбориш.

Қарздор корхонанинг ягона мулкий мажмуаси сотув объекти деб ҳисобланади. Маҳсус мақсадли мулк, ижтимоий-маданий соҳа иншоотлари, қурилиши тугалланмаган иншоотлар бундан истисно. Қурилиши тугалланмаган иншоотлар ким ошди савдоси орқали сотилади, сотувдан тушган маблағларнинг 50 фоизи эса кредиторларнинг талабини қондириш учун қарздор корхонага ўтказиб берилади.

Қарздор корхоналар иштирокчилар сони чекланмаган *тижорат* ёки *инвестициион кўрик* танловлари орқали сотиб юборилади. Иштирокчилар корхона бошланғич баҳосининг 100 фоизи миқдорида пай пули берадилар. Кўрик танлови қуйидаги мажбурий шартларни ўз ичига киритади: олди-сотти шартномаси тузилганидан кейинги бир ой мобайнида муддатида қайтарилмаган кредиторлик қарзнинг 20 фоизидан кам бўлмаган қисмини узиш; банкрот корхонани қайтадан ташкиллаш юзасидаги мажбурият. Корхонанинг ихтисосини, ишчи ўринлар сонини, корхона учун белгиланган инвестициялар ҳажмини сақлаб қолиш шартлари ҳам қўйилиши мумкин.

Қарздор корхонанинг сотувчиси кўрик танлов якунлари чиқарилган пайтдан бошлаб уч кун мобайнида харидор билан *олди-сотти шартномасини* тузади ва бундан сўнг корхонага эгалик қилиш ҳуқуқи харидорга ўтади. Шундан сўнг сотувчи қолган барча иштирокчиларнинг депонентга қабул қилинган маблағларини қайтариб бериши ва танлов ғолибининг депонентга қабул қилинган маблағларини қарз миқдорига мутаносиб ҳолда барча кредиторлар олдидаги муддатида қайтарилмаган кредиторлик қарзни узишга йўналтириши шарт.

Корхона сотиш бўйича кўрик танлови амалга ошмаган бўлса ёки унинг натижалари бекор қилинган бўлса, шунингдек, кўрик танловини ўтказиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилгани ҳолатларида корхонани *тугатиш* ва унинг активларини сотиб юбориш ишлари амалга оширилади. Мулкни сотиб юбориш тўғрисидаги қарор Иқтисодий ночорлик (банкротлик) *ишлари бўйича бошқарма ёки ижрочилик ҳокимиятининг* тегишли идораси томонидан қабул қилинади. бунинг учун тугатиш комиссияси ташкил этилади ва ушбу комиссия корхонани тугатиш режасини ишлаб чиқади.

Ягона ишлаб чиқариш-технологик жараён устунлигини сақлаб қолиш мақсадидан келиб чиққан ҳолда тугатилаётган корхонанинг мулкини лотларга тўғри ажратиш ишлари катта аҳамият касб этади.

Мулкий лотлар ким ошди савдоларида, тижорат ва инвестицион кўрик танловларида сотилади. Савдо тугаганидан сўнг сотувчи ва харидор олди-сотти шартномасини тузадилар.

Қарздор корхонанинг сармоясидаги давлатга тегишли бўлган улушлар, пайлар, акциялар қуйидаги амаллар орқали сотилади: қарздор корхонани қайтадан ташкиллаш натижасида барпо этилган очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг давлат мулкига бириктирилганидан кейин қолган жами акциялар тўпламини сотиш; хусусийлаштириш жараёнида барпо этилган очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг илгари давлат мулкига бириктирилган акциялар тўпламини ҳамда акциядорлик жамиятининг сотилмай қолган акциялар тўпламини сотиш; бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналарнинг давлатга тегишли улушларини, пайларини, акцияларини сотиш. Давлат мулкига бириктирилган акциялар тўплами 38 фоиздан ортиқ миқдорда бўлгани ҳолатида акциялар тўплами 25,5 фоизгача қисқартирилади; бириктирилган акциялар тўплами 38 фоиздан кам бўлгани ҳолатида бириктирилган акциялардан бири «Олтин акция»га айирбошланади ва қолган барча акциялар сотиб юборилади.

Илгари давлат мулкига бириктирилган акциялар тўплами трастга топшириб қўйилгани ҳолатида траст шартномаси бекор қилинади, ишончли мулкдор эса корхонанинг банкротлигига йўл қўйгани учун шартномага ва қонунга асосан жавобгарликка тортилиши мумкин.

Масъулияти чекланган ва ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятларининг сармоясидаги давлатга тегишли улушлар, пайлар, акциялар тўла ҳажмда сотиб юборилади. Бунда кўрсатилаган улушни сотиб олиш учун қолган жамият иштирокчиларининг розилигини олган савдо-сотиқ қатнашчиларининг таркиби чекланган бўлади. Ушбу савдо-сотиқ амалга ошмаганлиги ҳолатида давлат улуши ким ошди савдоларида ёки бошқа усул орқали сотилади.

Қарздор корхонани сотиб юборишдан тушган маблағларнинг 50 фоизидан кам бўлмаган қисми қарздор корхонанинг

ижтимоий)маданий соҳа объектларини ишчи ҳолатда сақлаш учун мақсадли молиялашга ҳамда санацияга оид ва банкротликка доир ижтимоий жиҳатдан салбий оқибатларнинг олдини олиш чора-тадбирларини молиялашга йўналтирилади.

Банкротлик ишларини ўрганиб чиқишимиз натижасида қуйидаги хулосага келишимиз мумкин: мазкур ишларни фақат ***ягона молиявий менежмент услубиёти*** ҳамда тадбиркорлик фаолияти молиявий таъминланишини бошқариш услублари ва шаклларига оид айни маънодаги тизим доирасида рўёбга чиқариш мумкин бўлади.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнларини ўрганиш — молиявий менежментни ўрганиш ишларининг кейинги босқичидир. Такрор ишлаб чиқариш жараёни пул муомаласи ҳамда молмаҳсулот сотуви ва ишлаб чиқарилиши, ишлаб чиқарувчидан истеъмолчи томон харакатланишга хизмат кўрсатувчи моддий-ошёвий омилларнинг мутаносиб равишда тартибга келтирилишини талаб этади.

Молиявий менежернинг вазифаси — асосий ва айланма маблағларнинг такрор ишлаб чиқилишига ҳамда молиявий натижага таъсир кўрсатишнинг энг самарали услубларини аниқлашдан иборатдир.

ҚАЙТАРИШ УЧУН АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

Банкротлик

Банкротлик мезонлари

Қайтадан ташкиллаш чора-тадбирлари
Ташқаридан бошқариш
Тинч келишув
Қарздор корхонани сотиб юбориш

Ихтиёрий тугатиш
Санация

Кўрик танлови асосидаги ишлаб чиқариш
Хўжалик судидан юборилган бошқарувчи

Танловли бошқарувчи
Тўлов қобилиятини тиклаш коэффициенти
Тўлов қобилиятини йўқотиш коэффициенти
Тижорат кўрик танлови
Инвестицион кўрик танлови

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Корхонани банкрот деб ҳисоблаш ҳақидаги қарор нимани бил_диради?

2. Қайтадан ташкиллаш чора-тадбирлари нимадан иборат?

3. Қандай ҳолатларда қарздор корхона мажбурий ва ихтиёрий тарзда тугатилади?

4. Қарздор корхона санацияга қўйилганида молиявий менежер қандай аҳамият ўйнайди?

5. Тўловга қобилиятсиз корхонанинг баланс тузилмаси қониқарсизлигини аниқлаш учун қайси мезонлардан фойдаланилади_

6. Қарздор корхонанинг мулки қай услублар орқали сотилади?

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУСИ

Банкротлик юзасидаги иш тартиби.

Қайтадан ташкиллаш чора-тадбирларида молиявий менежернинг ўрни.

Тўловга қобилиятсиз корхонанинг баланс тузилмасини баҳолаш.

Қарздор корхонани тугатиш тартиби ва услублари.

ХУЛОСА

1. Тадбиркорликнинг молиявий таъминланишини бошқариш юзасидаги ишларнинг қониқарсиз олиб борилгани тадбиркорлик тузилмасини банкротликка олиб келади, бу эса қатор чоралар, шу ҳисобда қайтадан ташкиллаш ва тугатиш тадбирларини ўтказиш ҳамда тинч келишувга келиш зарурлигини англатади.

2. Қарздор корхонанинг молиявий таъминланишини янгича услубда амалга ошириш имкониятини яратувчи санация энг самарали ва аҳамиятга молик қайтадан ташкиллаш тадбиридир.

3. Қарздор корхона хўжалик судининг ажримига асосан ту-

гатилганида мажбурий шаклда, кредиторларнинг қарорига кўра тугатилганида эса ихтиёрий шаклда амалга оширилади.

4. Қарздорга қарашли мулкнинг хўжалик суди бошқарувчиси томонидан ташқаридан бошқарувчиси томонидан ташқаридан бошқарилиши корхона мажбуриятларини ҳисобга олиш ва ушбу мажбуриятларни сотилаётган мулк қиймати ҳамда бундан кўриладиган даромадга боғлиқ ҳолда белгиланган навбат билан тўлиқ ёки қисман бажариш имкониятини беради.

5. Тўловга қобилиятсиз корхона баланс тузилмасининг қониқарсизлиги бир қатор мезон курсаткичлари, шу ҳисобда жорий ликвидлик, ўз маблағлари билан таъминланганлик, тўлов қобилиятини тиклаш ёки йўқотиш имкониятининг мавжудлиги асосида аниқланади.

6. Режаланган бюджет ёрдам пуллари бюджет тақчиллиги сабабидан ўз вақтида берилмагани туфайли корхона олдида давлат бюджет қарздорлигининг юзага келиши корхонанинг тўловга қобилиятсиз бўлиб қолишига сабабчи бўлиши мумкин.

7. Давлат — қарздор корхоналарнинг сармоясида акциялар тўпламига, улушларга, пайларга эгалик қила туриб уларнинг сотилишини ташкил қилади ва ушбу сотув натижасида ким ошди савдоси, тижорат ёки инвестицион кўрик танловида ғолиб чиққан шахс мулкдор бўлиб қолади.

УЧИНЧИ ҚИСМ
КОРХОНА ПУЛ АЙЛАНУВИНИ БОШҚАРИШ

10. АЙЛАНУВДАН ТАШҚАРИДАГИ АКТИВЛАР ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШ

Ушбу бобда қуйидагилар ўрганилади:

— молиявий ахборотнинг тарқалиши;

— асосий воситаларни баҳолаш тартиби;

— асосий воситаларни қайта баҳолаш сабаблари ва тартиби;

— қайта баҳолаш ишларининг сармоя ва активлар тузилмасига таъсир кўрсатиши;

— инвестицион солиқли кредитлаш тартиби;

— катта сармоя сарфларининг таркиби ва шакллари;

— инвестор ва пудратчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар;

— молиявий сармоя сарфларининг йўналишлари ва натижалари.

10.1 МОЛИЯВИЙ АХБОРОТ

Такрор ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи маблағлар қиймати йиғиндисини баҳолаш ишлари биз томондан қабул *қилинган молиявий менежмент* концепцияси (1-қисмга қаранг) нуқтаи назаридан ўрганиб чиқилади.

Такрор ишлаб чиқаришда иштирок этувчи маблағлар қиймати йиғиндисини баҳолаш энг тўла ва ишончли бўлган *молиявий ахборотнинг* атрофлича таҳлилига асосланади. *Ахборот негизига* қуйидагилар кириши шарт:

— молиявий, хўжалик, тижорат, ишлаб чиқариш ва бошқа турдаги фаолият натижалари;

— амалдаги қонунчилик ва меъёрий асослар;

— стратегик мақсадли йўналишлар ва режаланган кўрсаткичлар;

— таъминотчи корхонанинг молиявий аҳволи ҳамда тегишли моллар, хизматлар, харид талаби бозорининг аҳволи тўғрисидаги маълумотлар.

Молиявий ахборот тарқалишини икки туркумдаги йўналишларга ажратиш мумкин: ички ва ташқи.

Ички ахборот — компания, унинг таркибий бўлинмалари, филиаллари, ваколатхоналари раҳбарларига маълумотлар беришдан иборат.

Ташқи ахборот — акциядорларга, давлат молия идораларига, солиқ нозирликларига, банк муассасаларига, суғурта компанияларига, давлат статистика идораларига, инвестиция жамғармаларига, давлат ҳокимияти ва бошқариш идораларига, таъминотчи корхоналарга маълумотлар беришдан иборат.

Молиявий ахборотдан ҳар бир маълум ҳолатда ўзгача фойдаланилади, зеро шу ахборотни олиш мақсадига қаралади. Молиявий ахборотни ички йўналишлар бўйича тарқатиш ишлари тескари алоқа ўрнатиш ва буйруқ тарзидаги кўрсатма шаклига эга бўлиши мумкин бўлган кенг ҳажмдаги ахборот оқимлари сифатига эга бўлади.

Молиявий менежер фойдаланаётган ахборотларнинг мажмуавий табиати такрор ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этаётган, шу ҳисобда айланувдан ташқари активлар, айланма маблағлар, сарф-харажат ва молиявий натижаларни ҳамда сармоя ва молиявий қўйилмаларни шакллаш жараёнидан иборат маблағлар қиймат йиғиндисини баҳолаш ишларини самарали бошқариш имкониятини беради. Айланувдан ташқари активлар қийматини баҳолаш ишлари иқтисодий юксалиш, иш самарасини ва ишлаб чиқилаётган маҳсулот сифатини оширишда устивор аҳамият ўйнайди.

10.2 АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА ҚАЙТА БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

Айланувдан ташқари активлар қийматини баҳолаш ишлари асосий воситалар ва номоддий активлар, тугалланмаган катта сармоя сарфлари ва узоқ муддатли молиявий қўйилмалар учун турлича бўлади. Асосий воситалар қийматини баҳолаш шакллари қуйидагича:

— бошланғич ёки инвентарли;

— тиклаш учун ёки келтирилган қиймат бўйича;

— қолдиқ қиймати, бозор нархи ёки баҳолаш қиймати бўйича;

— тугатиш учун.

Ушбу шакларнинг ҳар бири маълум молиявий муносабатлар йиғиндисини ва турлича мувофиқлаштириш усулларини ифодалайди.

Қурилиши тугалланган иншоотларнинг инвентарли қийматини аниқлаш амали асосий воситаларни баҳолашда алоҳида ўрин эгаллайди. Бино ва иншоотларнинг инвентарли қийматига қурилиш учун сарф қилинган харажатлар ва бу юзадаги бошқа катта сарфлар киради.

Ўрнатиш ишларини талаб этувчи жиҳозларнинг инвентарли қиймати жиҳоз харид қилишга сарфланган ҳақиқатдаги харажатлардан, қурилиш ва ўрнатиш сарф-харажатларидан, фойдаланишга топширилаётган жиҳозлар қийматига тўғридан-тўғри киритилувчи бошқа сармоя сарфларидан ташкил топади.

Ўрнатиш ишларини талаб этмаган жиҳозлар, катта қийматга эга бўлмаган ва тез ишдан чиқувчи жиҳозлар ҳамда асбоб-ускуна ва инвентарлар, шунингдек, ўрнатишни талаб этувчи, лекин муайян заҳира учун мўлжалланган жиҳозларнинг инвентарли қиймати таъминотчиларнинг ҳисоб ҳужжатларида *кўрсатилган харид қилиш билан боғлиқ бошқа сарф-харажатлардан* ташкил топади.

Иншоот қурилишдан ташқари харид қилиб олинган биноолар, қурилмалар, жиҳозлар, транспорт воситалари ва бошқа асосий воситаларнинг инвентарли қиймати ушбуларни харид қилишга сарфланган ҳақиқатдаги харажатлардан ва уларни кўзланган мақсадда ишлатиш учун ишчи ҳолатга келтириш юзасидаги сарф-харажатлардан ташкил топади.

Ер майдонлари ва табиатдан фойдаланиш иншоотларининг инвентарли қиймати уларни харид қилиш сарф-харажатлари, шу ҳисобда сифат жиҳатидан аҳволини яхшилаш, хизмат ҳақи ва бошқа тўловлардан ташкил топади.

Номоддий активларнинг инвентарли қиймати уларни барпо этиш ёки харид қилиш сарф-харажатлари, мўлжалланган мақсадда ишлатиш учун ишга яроқли ҳолатга келтириш юзасидаги сарф-харажатлардан ташкил топади.

Асосий воситаларнинг инвентарли ёки бошланғич қийма-

ти нарх-наводаги, солиқлардаги, иш ва хизматлар қийматидаги рўй бераётган ўзгаришларни ўзида акс эттирмайди. Шунинг учун ушбу қиймат маълум санага кўра такрор ишлаб чиқариш қийматига қайта ҳисоблаб чиқарилиши мумкин. Шу тарзда қайта баҳоланган асосий воситалар тиклаш учун ёки келтирилган кўрсаткичлар бўйича қийматда ҳисобга олинади. *Тиклаш учун аниқланган қиймат* жамғармаларни янгилаш учун талаб этилаётган сарф-харажатлар ҳажмини аниқлаб олишга имкон беради.

Келтирилган қиймат бўйича аниқланган қийматни қуйидагилар ёрдамида аниқласа бўлади: *янги бозор нархлари индекси*: тиклаш учун зарур қийматни аниқлашда қўлланган айни турдаги маҳсулотлар; *нарх-наво ўзгаришига доир йириклашган коэффициентлар*. Қайта баҳолаш амали такрор ишлаб чиқариш шарт-шароитларининг ўзгариб боришига мувофиқ тарзда мунтазам бажарилганлиги ҳолатида келтирилган кўрсаткичлар бўйича аниқланган қиймат молиявий ҳисоботларни тузиш пайтига кўра асосий воситаларнинг чинакам баҳосини кўрсатади. Асосий воситалар ҳисобининг ҳар бир маълум пайтда тиклаш учун аниқланган қийматдан анча катта фарқ қилувчи бошланғич қиймат бўйича юритилиши қўшиб ҳисобланган амортизация ажратмалари замонавий технология асосидаги такрор ишлаб чиқариш сарф-харажатларини қоплай олмаслигига олиб келади.

Социалистик иқтисодиётнинг мутаассиблиги қайта баҳолаш ишларининг тез-тез ўтказиб турилишини талаб этмаган, зеро давлат асосий воситаларни такрор ишлаб чиқариш учун режали тартибда бюджетдан ёрдам пулларини ажратиб турган. Корхоналар асосий воситаларни янгилаш учун жамлама сармояга эга бўлмаганлар, амортизация жамғармаси қисман бюджет даромадига тортилган, шунинг учун қайта баҳолаш амали катта аҳамиятга эга бўлмаган. нарх-наво нисбатан барқарорлигини сақлаб турган, уларнинг қайта кўриб чиқилиши эса марказлашган тартибда амалга оширилган, нарх-наво ҳақидаги маълумотларда белгиланган нархлар асосида асосий воситаларнинг бошланғич қийматини қайтадан ҳисоблаш коэффициентлари ўрнатилган.

Қайта баҳолаш мақсади — асосий активларни янгилаш учун зарур пул маблағ жамғармаларини шакллаш шарт-шаро-

итларини яратиш, мулкни баҳолаш ва емирилиш ҳақини ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилувчи қиймат негизини асослаб бериш.

Барча асосий воситалар, шу ҳисобда амал қилаётган ва асраш учун вақтинча тўхтатиб қўйилган, заҳирадаги ёки эҳтиёт сақланаётган, тугаллаимаган қурилишдаги, ижарага ёки вақтинчалик фойдаланишга топширилган, ҳисобдан чиқариб юбориш учун тайёр қилиб қўйилган, лекин ҳисобдан чиқариш далолатномалари билан расмийлаштирилмаган асосий воситалар қайта баҳоланади.

Тезкор усулда қўшиб ҳисобланган амортизациянинг мақсадли ишлатилиши асосий воситаларнинг такрор ишлаб чиқилиши учун катта аҳамият касб этади. Амортизация жамғармаси барпо этилганида ушбу молиялаш манбаасини равшанроқ кузатиб назорат қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди, аммо амалдаги ҳисоб юритиш ва ҳисобот тизимида бундай назорат кўзланмаган.

Қайта баҳолаш натижалари асосий воситаларни тўғрилаб тузатиш ва емирилиш ҳақини қўшиб ҳисоблаш орқали баланс активида акс эттирилади, баланс пассивида эса — ишлаб чиқариш мақсадларига қаратилган асосий воситалар бўйича «Қўшимча сармоя» ҳисоб рақамидаги ва ишлаб чиқаришдан ташқари мақсадларга қаратилган асосий воситалар бўйича «Ижтимоий соҳа жамғармаси» ҳисоб рақамидаги ўз маблағ манбаалари таркибида акс эттирилади. Ушбу амаллар пассив тузилмасининг ўз сармоя салмоғи кўпайиши томон ўзгаришига олиб келади.

Активлар тузилмасига таъсир кўрсатиш хусусияти асосий воситаларнинг қайси соҳадалигига ва уларнинг аҳволига боғлиқ бўлади. Замонавий моддий-техник негизига, асосий жамғармаларнинг ўз пассив қисмига, йирик сармоя ва молиявий қўйилмаларга эга бўлган корхоналарнинг баланс тузилмаси айланувдан ташқари активлар салмоғи кўпайиши томон ўзгарган, бу эса тадбиркорлик фаолияти учун ҳам, акциядорлар учун ҳам ижобий омилдир.

Қайта баҳолашдан кейин асосий воситалар ўсиши коэффициентининг пастлиги корхона ҳақиқатда ва маънавий эскирган жиҳозларга эга эканлигидан ҳамда кўчмас мулк. Катта сармоя ва молиявий қўйилмалари камлигидан далолат бера-

ди. Бундай гуруҳга мансуб корхоналарда ўтказилган қайта баҳолаш ишлари баланс тузилмасидаги айланувдан ташқари активлар салмоғининг пасайиб кетишига олиб келган.

Қайси соҳага мансуб бўлишидан қатъий назар, қайта баҳолаш тадбири корхона ва тижорат ташкилотларининг айланувдан ташқари активлар қиймати йиғиндисини баҳолаш ишларини бошқаришга нисбатан тутган ягона иш тарзи асосида амалга оширилади.

Асосий воситалар ва номоддий активлардан хўжалик жамият ва ширкат муассисларининг бадалини ташкил этувчи мулк сифатида фойдаланилганида улар келтирилган қиймат бўйича баҳоланади. Айрим муассислар мулкни баланс қиймати бўйича бадал сифатида низомий сармояга киритадилар, бу эса уларнинг омонатини анча камайтириб қўяди. Мулкни узоқ муддатли ижарага топшириш анча кўпроқ фойда келтиради. Бу ҳолда муассисларнинг бадали пулга айлантирилган ижара ҳақининг ҳажми бўйича аниқланади. Ижара ҳақининг ҳажми муассислар ва тижорат ташкилоти розилигида иншоотдан фойдаланиш жами муддати бўйича аниқланади. Ушбу вазиятда асосий воситаларни қайта баҳолаш тадбири муассисининг низомий сармояга қўшган бадалини иншоотдан фойдаланиш учун қўшиб ҳисобланадиган ижара ҳақи миқдорининг ўзгариши орқали кўпайтириб беради.

Айланувчан ташқари активларни баҳолаш кўрсаткичи сифатида қолдиқ қиймати ҳам хизмат қилиши мумкин. Қолдиқ қийматини аниқлаш учун бошланғич ёки келтирилгач қиймат-дан қуйидаги унсурларнинг бири айириб ташланади:

— амортизация ажратмалари меъёри ва уларга тегишли тузатиш коэффициентлари бўйича ҳисобланадиган емирилиш ҳақи;

— иншоотлардан узоқ вақт давомида ва тўхтовсиз фойдаланиш натижасида вужудга келувчи ва истеъмолчилик сифатларининг йўқолишига олиб келувчи нуқсонларнинг қиймат баҳоси;

— экспертли баҳолаш услуби асосида ҳисобланадиган емирилиш ҳақи.

Амортизацияни индексациялаш коэффициентлари, тезкорлик билан ҳисобланган амортизация индексациясини камайтирувчи коэффициентлар тузатиш коэффициентлари деб

ҳисобланади. Иншоотлардан узоқ вақт давомида ва тўхтовсиз фойдаланиш натижасида вужудга келувчи нуқсонлар тегишли қайдномаларда акс эттирилиши шарт. Ушбу қайдномалар текшириш натижаларига асосан тузилади ва унда баҳолаш объектининг техник, фойдаланиш ва истеъмолчилик жиҳатларини тиклаш учун сарф қилинган харажатлар ва ишлар ҳажмининг жорий нархлардаги ҳисоб-китоби кўрсатилиши лозим.

Баҳоланаётган объект бўйича берилган маълумотларнинг тўлиқсизлиги, объектнинг туб аломатлари аниқланмагани, баҳоланаётган тизим мураккаблиги ва ноанъанавий услубларни талаб этганлиги ҳолатида емирилиш ҳақини ҳисоблаш учун экспертли баҳолаш услуби қўл келади. Ушбу услуб объектни ташкил этувчи айрим унсурлари бўйича емирилиши даражасини баҳолаш ва ушбу амал давомида ўртача ҳисоблаб чиқарилган емирилиш фоизини аниқлаш имкониятини беради.

Хусусийлаштирилиши лозим бўлган корхоналарнинг мулкини баҳолашда қолдиқ қиймати қўлланади, лекин мулкни сотиб олишда баҳолаш асосида аниқланган ёки бозор қиймати амал қилади.

Айланувдан ташқари активларнинг бозор қиймати — ким ошди савдоси ёки бошқа тижорат савдолари, шу жумладан лендер давомида тузилган олди-сотти шартномасига мувофиқ сотиб олинаётган айланувдан ташқари активлар учун харидор тўлашга тайёр бўлган нархдир.

Баҳолаш асосида белгиланган қиймат — даромадли, инқироз даражаси, бозор сифатларига эга бўлган бошқа омилларга боғлиқ ҳолда ўрнатилади.

Айланувдан ташқари активларнинг *тугатиш қиймати*, одатда, иштирокчилар қарорига биноан ёки амалдаги қонунчиликда кўзланган бошқа асослар бўйича банкротлик оқибатида тугатилиши лозим бўлган корхонани тугатиш комиссияси томонидан ўрнатилади.

Айланувдан ташқари активларнинг *баланс қиймати* емирилиш ҳақи чиқариб ташлангани ҳолатида бошқа мулк билан биргаликда солиққа тортилади. Мулк солиғининг энг катта миқдори 2 фоизни ташкил этади, лекин ушбу солиқ корхонанинг фаолиятига ва соҳасига қараб давлат ҳокимияти идоралари томонидан дифференцлаштирилади. Корхона томонидан балансдаги қийматини оширувчи қайта баҳолаш тадбири қан...

лик кўп амалга оширилса, солиққа тортиш негизи шунчалик ортади.

Корхоналарнинг инвестицион фаоллигини рағбатлаш ва асосий воситаларни янгилаш мақсадларида давлат ҳокимияти ёки солиқ идоралари томонидан инвестицион солиқ кредити тақдим этилиши мумкин. Бундай кредитнинг тақдим этилиши — кредит келишувига асосан беш йилгача бўлган муддатга солиқ тўловининг кечиктирилишини билдиради. Ушбу кредитларни олиш ҳуқуқига, асосан, кичик корхоналар эга бўлдилар. Солиқ кредити бўнак тариқасида тўланадиган фойда солиғининг камайтирилиши тарзида берилади. Фойда солиғининг ҳажми 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорга камайтирилади.

Солиқ идораси билан кичик корхона ўртасида тузилган кредит келишуви сотиб олинган ва фойдаланишга топширилган жиҳоз-ускуналар, корхонада илмий-текшириш ишларининг ўтказилиши ва ушбу иш натижаларнинг сотиб юборилиши, автоматик йўлак ва автоматлашган майдонлар, бошқарувли ЭҲМ ҳамда мақсадли фойдаланишга мувофиқ бўлган бошқа турдаги айрим жиҳозларнинг сотиб олингани ва фойдаланишга топширилгани учун сарфланган пул миқдорининг 10 фоизига тенг ҳажмда солиқ тўлови миқдорининг камайтирилишини белгилаши мумкин. Солиқ кредити харид нархлари бўйича ҳисоб қилинишини, мол айирбошлаш амалиётларида эса келишув ижроси пайтига амал қилаётган бозор нархлари бўйича ҳисоб қилинишини эътиборга олиш муҳимдир.

Келишув имзоланганидан бошлаб икки йилдан сўнг кредит қайтарила бошлайди. Инқироз омилини ҳисобга олувчи фоизларнинг қўшиб ҳисобланиши катта аҳамият касб этади, ваҳоланки бунда мураккаб инқироз фоизлари қўлланади.

Мураккаб фоизлар одатда узоқ муддатли молия-кредит амалиётларида қўлланади. Бундай амалиётларда фоизлар қарз олувчилар томонидан дарҳол тўланмайди ва берилган кредит миқдорига қўшилади, зеро мураккаб фоизларни қўшиб ҳисоблаш учун вақт давомида ортиб борувчи бошланғич негиз қўлланиши боис берилган кредит ҳам тезкор суръатларда ортиб боради. Қарз олувчи томонидан қопланаётган солиқ кредити қуйидаги тенглама бўйича ҳисоб қилиниши мумкин:

Р — мураккаб инқироз фоизига кўпайтирилган қоплаиаётган солиқ кредитининг миқдори;

К — олинган солиқ кредити миқдори;

L1, L2... it — инқирозни ҳисобга олувчи ва вақт давомида ўзгарувчи фоиз тўлов миқдорлари;

n1, n2... nt — тегишли фоиз тўлов миқдорлари қўлланган даврлар;

t — солиқ кредити тақдим этилган муддати.

Солиқ кредити хусусийлаштирилаётган корхоналар учун жуда қўл келади, чунки мулк жамғармасига ўтаётган сотиб олинмаган акциялар аслида мулкни хусусий эгаликка сотиб олиш юзасидаги узоқ муддатли қарздорликдир.

Солиқ имтиёзига асос берувчи мулкни сотиб олиш учун берилган кредит хусусийлаштирилаётган корхонадаги умумий ишчилар сонининг ярмидан кўп қисмини ташкил этган меҳнат жамоаси аъзолари томонидан яратилган жамиятга тижорат банки томонидан тақдим этилиши мумкин. Солиқ кредити ушбу кўринишда деярли берилмайди ва хусусийлаштиришда муҳим аҳамият ўйнамайди. Мулкни сотиб олиш учун берилаётган кредит муомаладаги пул ҳажмини кенгайтиради холос ва сотиб олишга доир чинакам тўловларга ҳеч қандай қўшимча бермайди. Инвестицион солиқ кредити мулкни бошқариш қўмитаси ёки мулк жамғармаси билан келишилган ҳолда берилади.

Инвестицион солиқ кредити берилиши ҳақидаги қарор Давлат ҳокимиятлиги ва маҳаллий бошқариш идоралари томонидан қабул қилинади. Бунда биргина чекловчи омил бўлиб, у ҳам бўлса фойда солиғи бўйича маҳаллий бюджетга қўшилиши лозим бўлган пул миқдоридир.

Молиявий менежер қуйидагиларни эътиборга олиши зарур:

Корхона томонидан худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга оид буюртмалар бажарилиши ва аҳолига маҳсус хизмат кўрсатилиши ҳолатидагина инвестицион солиқ кредитини қўллаш мақсадга мувофиқ ва мумкин бўлади.

Ушбу молиялаш манбааси тегишли худудларда ташкил қилинган нобюджет жамғармаларнинг маблағлари ҳисобига юқоридаги тадбирларни молиялаш ишларига нисбатан анча фойдалироқ ва оқилонадир.

10.3. ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ.

Турли соҳа корхоналари учун асосий воситалар тузилмаси ўзига хос маълум кўринишга эга бўлади. Тикувчилик, озиқ-овқат, гўшт ва сут, қурилиш буюмлари, ёнилғи саноатларида пассив қисм устиворлиги мавжуд. Тўқимачилик, кимиё ва нефт кимиёси саноатларида, электр қуввати ва машинасозлик мажмуаларида актив қисмнинг салмоғи каттадир. Асосан булар машина ва жиҳоз-ускуналардир, ҳисоблаш техникасининг улуши бир неча фоиздан иборат холос.

Бир соҳа корхоналаридаги асосий воситалар тузилмасини солиштириш орқали ишлаб чиқариш шароитлари ва техник жиҳатидан таъминлангани ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Ушбу ахборот акциядорлар учун очиқ бўлиши шарт, зеро ушбу орқали сармоя қўйилмасига оид энг самарали услубни танлаб олиш имконияти мавжуд бўлади. Асосий воситалар тузилмаси ҳақидаги маълумотларни эмиссия рўйхатига ҳам киритиш мақсадга мувофиқдир ва унда асосий воситалар ҳамда номоддий активлар қўлланишининг энг муҳим тармоқ хусуситлари акс эттирилиши шарт.

Асосий воситалар ва номоддий активларнинг ишлаши уларнинг хизмат муддати билан чекланади. Ушбу муддат тугаши уларнинг маблағ айланувидан чиқиб кетишини билдиради, бу эса уларнинг янгиланишини, алмаштирилишини ёки мукаммаллаштирилишини талаб этади. Асосий воситаларнинг қайта тикланиши катта сармоя сарфлари шаклида амалга оширилади.

Кенгайган такрор ишлаб чиқариш натижалари қуйидаги кўрсаткичлар бўйича баҳоланади:

— маълум давр мобайнида асосий воситаларнинг ўсиш суръати;

— ўсиш суръати коэффициенти;

— айланувдан чиқиб кетиш коэффициенти;

— янгиланиш коэффициенти.

Сўнги 2-3 йилда асосий ишлаб чиқариш воситаларини фойдаланишга топшириш ўртача фоизи умумий жамғармалар қийматининг 6-7 фоизини, айланувдан чиқиб кетиши эса 3-4 фоизни ташкил қилмоқда. Фойдаланишга топшириш фоизининг айланувдан чиқиб кетиш фоизидан ортиқлиги асосий восита-

ларнинг кўпайишини таъминлайди. Асосий воситаларни кўпайтириш муаммоси хозирги вақтда энг долзарб муаммодир, чунки ўсиш суръатида пасайишга томон мойиллик кузатилмоқда. Бироқ ушбу мойиллик маънавий ва жисмоний жиҳатлардан эскирган ва хизмат муддатини ўтаб бўлган жамғармаларнинг айланувдан чиқиш фоизи паст бўлгани боис ҳозирча яққол шаклда намоён бўлаётгани йўқ.

Асосий воситаларнинг янгиланиш тезлиги инвестицион фаоллик ва айланувдан чиқиш воситасида аниқланади. Қуйидаги сабабларга кўра асосий воситалар айланувдан чиқариб юборилиши мумкин:

тўла емирилиши ёки ишлатишни давом эттира олмаслик;

сотиб юборилиши;

ижарага топширилиши;

таъсис бадали сифатида тижорат ташкилотининг низомий сармоясига топширилиши;

беғараз бериб юборилиши.

Айланувдан чиқариб ташланаётган асосий воситаларнинг ўз вақтида сотиб юборилиши янгилаш жараёнини тезлаштириш, тушумни янги асосий воситаларни сотиб олишга сарфлаш ва кенгайган такрор ишлаб чиқаришни рағбатлаш имкониятини яратади.

Айланувдан ташқари активларнинг қийматли баҳоланишини бошқариш жараёнида жамғарманинг фойдали иш коэффициенти, жамғарманинг сиғими, рентабеллик ва жамғарманинг таъминланганлиги каби кўрсаткичлар аҳамият ўйнайди. Булар қуйидагича ҳисоб қилинади:

Жамғармалардан, илғор технологиялардан, меҳнат унумдорлигининг ўсишидан унумли фойдаланишга асосланиб жамғарманинг фойдали иш коэффициентини оширса бўлади.

Жамғарма сиғими ва жамғарма таъминланганлиги кўрсаткичларининг ўсиши ҳар доим ҳам асосий воситалар тузилмаси ва аҳволидаги ижобий ўзгаришларни акс эттиравермайди. Бундай ўсиш меҳнат унумдорлигининг пасайиб кетиши ва ўрнатилмаган жиҳоз - ускуналар мавжудлиги оқибатида пайдо бўлиши мумкин. Молиявий менежер учун корхона асосий воситалари ҳақидаги зарур маълумотлар 10.2-расмдаги чизма тасвир шаклида кўрсатилиши мумкин.

Иқтисодиёт тузилмасининг ислоҳоти истеъмолчилик мол-

ларини ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи соҳаларга ва деҳқончилик саноати мажмуасига сармоя йўналтирилишини талаб этади. Сарфланган сармоя юқори фойда келтиргани ҳолатидагина бундай ўзгаришларни рўёбга чиқариш мумкин бўлади.

Асосий воситалар ва бошқа номолиявий активларнинг мавжудлиги ҳамда ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот шакли молиявий менежерда айниқса катта қизиқиш уйғотади. Ушбу шакл қуйидаги бўлимлардан ташкил топади:

— асосий фаолиятга тегишли асосий воситаларнинг мавжудлиги, ҳаракати ва таркиби;

— асосий воситаларнинг мукаммал таъмирланишига сарфланган харажатлар ва амортизация;

— асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати;

— асосий восита деб ҳисобланмаган бошқа активлар.

Асосий воситаларнинг мавжудлиги, ҳаракати ва таркиби ҳисоботларда баланс модели шаклида кўрсатилади:

Мб + Т - Ч = Мо

Мб — йил бошидаги мавжудлик;

Т — ҳисобот йилидаги тушумлар, шу ҳисобда янги асосий воситаларнинг фойдаланишга топширилиши;

Ч — ҳисобот йилида айланувдан чиқариб юборилган асосий воситалар, шу ҳисобда тугатиш ёки ҳисобдан чиқариб ташлаш орқали;

Мо — йил охиридаги мавжудлик.

Асосий воситалар баланс, қайта тиклаш (охирги марта қайта баҳоланганини ҳисобга олган ҳолда), қолдиқ қийматлари бўйича кўрсатилади. Ушбу орқали асосий воситаларнинг эскириш даражасини ва қайта баҳолаш тадбирининг таъсирини баҳолаш имконияти туғилади.

Амортизация ҳар бир қуйидаги моддалар бўйича кўрсатилади: маҳсулот таннархига киритилган бир йил учун қўшиб ҳисобланган амортизация миқдори, шу ҳисобда шиддатли механизм тартибида қўшиб ҳисобланганлари. Амортизация қўшилмайдиган асосий жамғармалар алоҳида акс эттирилади ва тўла амортизацияланган жамғармалар ажратиб кўрсатилади. Асосий жамғармаларнинг тури бўйича мукаммал таъмирлаш сарф-харажатлари кўрсатилади.

Ўртача йиллик қийматни таҳлил қилиш учун асосий фао-

лият тури, бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари, ноишлаб чиқариш тармоқлари бўйича воситалар ажратиб кўрсатилади. Таққослаш учун ҳисобот даври ва ўтган йилдаги ўртача қиймат акс эттирилади.

Асосий восита деб ҳисобланмаган таҳлил этилувчи бошқа активлар қаторига қуйидагилар киради: корхона эгалигидаги ерларнинг майдони ва қиймати; ўрнатилиши лозим бўлган жиҳоз-ускуналар; тугалланмаган қурилишлар; эскириш даражаси кўрсатилган номоддий активлар; айланувдагилар қаторига ўтказилган асосий воситаларнинг қиймати.

Молиявий менежернинг вазифаси — айланувдан ташқари активларнинг таҳлили ва ўзгаришлар динамикасига таянган ҳолда сармоя қуйилмалари бўйича энг афзал йўналишларни белгилашдан иборатдир.

Сармоя қўйилмалари асосий жамғармаларнинг илгаридан танлаб олинган шаклда ва таркибда қайта тикланишини таъминлайди. Сармоя қўйилмаси якуний натижага кўра, яъни қураётган шахс томонидан ҳақиқатда сарфланган харажатлар бўйича баҳоланади. Сармоя қўйилмаларининг нотўғри баҳоланиши корхонадаги молиявий маблағларнинг нооқилона ишлатилишига ва сарф қопланиши муддатининг узайишига олиб келади.

Вақтинча фойдаланилаётган мукаммал қурилиш иншоотлари доимий фойдаланишга топширилишга қадар асосий воситалар қаторига киритилмайди, уларга сарфланган харажатлар эса тугалланмаган сармоя қўйилмалари сифатида акс эттирилади.

Чинакам инвестициялар шаклида амалга оширилувчи сармоя қўйилмалари билан бир қаторда молиявий қўйилмалар ҳам мавжуд бўлиб улар қимматли қоғозлар, шу ҳисобда давлат қимматли қоғозларини харид этиш; тижорат ташкилотларининг низомий сармоясида улушли иштирок этиш, қарзга пул бериш учун сарфланган узоқ муддатли харажатлар шаклида бўлади. Молиявий қўйилмалар инвестор томонидан ҳақиқатда сарфланган харажатлар миқдори бўйича ҳисоботда акс эттирилади.

Давлат қимматли қоғозларининг номинал қиймати ва харид қилиш учун ҳақиқатда сарфланган харажатлар миқдори ўртасидаги фарқ муомала муддати мобайнида текислаб моли-

явий натижаларга киритилиши мумкин.

Сарфланган харажатлар учун тўла жавобгарликни ўз зиммасига олган инвесторга дивиденд олиш ҳуқуқини берувчи лекин ҳақи тўлиқ тўланмаган акция ва пайлар тўла харид қиймати бўйича баланс активида акс эттирилади, қопланмаган фарқ эса баланс пассивида кредиторлар моддаси бўйича кўрсатилади. Биржа ёки махсус ким ошди савдоларида доимо муомалада юрувчи акцияларга сарфланган молиявий қўйилмалар қиймати баланс қийматидан паст бўлганлиги ҳолатида йил охирига кўра бозор нархи бўйича акс эттирилади. Тўғрилаб ўзгартирилган рақамлар молиявий натижалар ҳисобига ташкил этилган қимматли қоғозларга сарфланган қўйилмаларнинг баҳосизланишига ажратилган заҳира миқдорига қўшилади.

Капитал қўйилмалари қурилиш — ўрнатиш ишлари, машиналарни, асбоб-ускуналарни, жиҳоз анжомларни сотиб олиш учун ва бошқа катта харажатли ишларга сарф қилинган узоқ муддатли харажатлардан иборатдир. Сармоя қўйилмалари ва молиявий қўйилмалар ўзаро бир-бирини тўлдиради ва умумий инвестициялар тўпламини шакллайди.

Сармоя қўйилмалари молиявий маблағ манбаалари, жамлаш жамғармаси, мақсадли молиялаш ва тушумлар ҳисобига амалга оширилади. Ушбу мақсадлар учун корхонада пул маблағ жамғармаларининг ташкил этилиши нормал такрор ишлаб чиқариш жараёнини кафолатлайди.

Бозор иқтисоднётига мослашиш даврида корхоналар мураккаб шароитга қўйилдилар. Марказлашган режали иқтисоднёт алоҳида олинган корхона доирасидаги айириш ва жамлама жамғармаларининг ҳажмини чеклаб келган. Молиявий маблағ манбаалари бюджет фойдасига қайта тақсимлаб киритилган ва бюджетдан берилган пул ажратмалари сармоя қўйилмаларининг асосий манбаасини ташкил қилган. Корхоналарнинг пул маблағ жамғармаларини тиклаш учун анча вақт талаб этилади, бунинг устига инқироз ҳам уларни баҳосизлантириб қўймоқда.

Сармоя қўйилмаларини молиялаш манбааси сифатида давлат бюджети маблағларидан имтиёзлар асосида фойдаланиш амаллари кўпдаб муаммоларни туғдирди, буларнинг ичидан асосийларини ажратиб оламиз:

эскирган лойиҳалардан фойдаланиш;

кўп йилги қурилишлар;

харажатлар ҳисоб-китобидаги қийматнинг ўсиши, паст даражали жамғарма таъминланганлиги, рентабелликнинг пастлиги, асосий воситаларнинг айланувдан секинлик билан чиқариб юборилиши;

амалдаги ишлаб чиқаришни қайта таъмирлаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун сарфланаётган харажатларнинг қисқариши, янгиланиш даражасининг пасайиши ва емирилишнинг ортиб кетиши;

тугалланмаган қурилишларнинг кўпайиб кетиши;

сармоя қўйилмалари самарадорлигининг пасайиб кетиши (бир сўмлик маҳсулот ўсиши сурьатига сарфланган харажат салмоғининг ортиши);

қурилиш сифатининг пастлиги.

Режага асосланган иқтисодиётда сармоя қўйилмалари корхона маблағлари ва бюджет пул ажратмалари ҳисобига белгиланган лимитлар чегарасида амалга оширилган. Сармоя қўйилмалари лимити — давлат режасига киритилган корхоналар ва объектларни молиялаш учун давлат томонидан марказлашган тарзда ажратилган сармоя қўйилмаларининг энг юқори миқдори, қурилиш- ўрнатиш ва пудрат асосидаги иш ҳажми, марказлашган тарзда тақсимланувчи моддий маблағлардан ташкил топади.

Давлат режасига киритилган корхона ва объектлар автоматик равишда молиялаш манбалари билан таъминланган, улар учун зарур моддий маблағлар ажратиб берилган. Бунинг оқибатида ташаббускорлик йўқолган сармоя жамлаш ва асосий воситаларни кенгайган тарзда қайтадан тиклаш борасидан барча масалалар ечими рағбатсиз қолган. Лекин, барибир, давлат томонидан қўллаб-қувватланган режали чора-тадбирлар иқтисоднёт ривожланишига кўмаклашган. Ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестициялар борасидагиюзага келган бўшлик такрор ишлаб чиқариш жараёнларига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун давлат томонидан мувофиқлаштириш ва инвестицияларни қўллаб-қувватлаш ишларисиз иқтисодиётни юксалтириб бўлмайди.

Ҳозирги вақтда давлат томонидан инвестицион фаоли..г-

ни мувофиқлаштириш ва инвестицион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ишлари асосан мақсадли давлат дастурларини бажариш ва мамлакатнинг бошқа эҳтиёжлари учун молиявий маблағларни йўналтириш орқали амалга оширилади. Кўрсатилган мақсадларга ажратилган пул миқдорлари марказлашган тарздаги давлат сармоя қўйилмалари ҳажмига ҳар йили қўшиб киритилади.

Марказлашган тарздаги давлат сармоя қўйилмалари — давлат бюджети маблағлари ҳисобига молияланаётган ва асосий жамғармаларни яратишга ҳамда қайта тиклашга йўналтирилган инвестициялардан ташкил топади. Ушбу маблағлар қайтариб бериш шарти билан ва беғараз асосларда тақдим этилади. Улар халқ хўжалиги тузилмасининг ислоҳотини, давлат иқтисодий сиёсатининг амалга оширилишини, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш имкониятларининг ривож олишини, ўзга манбаалар ҳисобига ечимини топа олмаган ижтимоий муаммоларининг ҳал этилишини таъминлайдилар.

Сармоя қўйилмалари қуйидаги манбаалар ҳисобига молияланади:

инвесторнинг ўз молиявий маблағлари;

қарзга олинган маблағлар, шу ҳисобда облигация заёмлари;

жалб қилинган маблағлар;

бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари:

давлат бюджети маблағлари:

хорижий инвесторларнинг маблағлари.

Давлат бюджети ҳисобига молияланувчи ва беғараз асосда тақдим этилувчи марказлашган тарздаги давлат сармоя қўйилмаларининг молияланишини расмийлаштириш учун бу буюртмачи томонидан банкка қуйидаги ҳужжатлар берилади:

— янги бошланаётган қурилишларнинг йиллар бўйича кўрсатилган сарлавҳали рўйхати;

— бажарилган ишлар учун ҳисоб-китоб шакли кўрсатилгани ҳолатидаги қурилишнинг бутун даври мобайнига тузилган давлат шартномаси (пудрат шартномаси);

— қурилиш қиймати юзасидаги ҳисоб-китобларга оид чиққан-харажатлар йиғма ҳисоб-китоблар;

— идорадан ташқари давлат экспертизаси ва давлат эко-

логия экспертизаларининг лойиҳа ҳужжатлари бўйича берган хулосалари;

— йилдан-йилга ўтувчи қурилишлар бўйича аниқлаб кўрсатилган сармоя қўйилмалари ва қурилиш- ўрнатиш ишларининг ҳажми.

Марказлашган тарздаги давлат сармоя қўйилмаларини молиялаш учун қайтариб бериш шарти билан тақдим этилувчи давлат бюджети маблағлари Марказий Банк томонидан бериладиган кредитлар чегарасида Молия Вазирлигига ажратиб берилади. Молия Вазирлиги ваколатли банклар орқали ушбу маблағларни қарз олувчиларга йўллайди. Банклар эса қарз олувчилар билан тегишли шартнома тузадилар. Қарз олувчилар қуйидаги ҳужжатларни банкка тақдим этадилар: мамлакатнинг давлат эҳтиёжлари учун тикланаётган қурилиш ва объектлар рўйхатидан кўчирма; давлат шартномаси ёки пудрат шартномаси; фойдаланишга топширилган ишлаб чиқаришларнинг лойиҳадаги қувват билан иш бошлаши муддатига оид асосли ҳисоб-китоблар: маблағларни қайтариб беришга оид ҳисоб-китоб қилинган муддатлар; экологик жиҳатдан хавфсизлиги ва лойиҳа ҳужжатлари бўйича экспертиза хулосаси; қарз олувчининг тўлов қобилиятини тасдиқловчи ҳужжатлар. Қайтариш шарти билан берилган бюджет маблағларининг таъминоти сифатида бино, иншоотлар, жиҳоз-ускуна, қурилиши тугалланмаган объектлар, моддий қимматликлар ва бошқа мулк гарови хизмат қилади.

Бюджет маблағларидан фойдаланганлик учун тўланиши лозим бўлган фоизлар маблағ тақдим этилган санадан бошлаб ҳисоблаб келинади, фоиз тўлови эса ушбу маблағлар қайтарила бошлаган санадан амалга оширилади. Қайтариш шарти билан берилган маблағлардан фойдаланганлик учун тўланиши лозим бўлган белгиланган фоиз миқдори Марказий Банк ва Молия Вазирлиги ўртасида тузилган шартномада кўрсатилган фоиз тўлови миқдоридан юқори бўлмаслиги лозим.

Узоқ муддатли инвестициялар янги қурилиш, қайтадан таъмирлаш, амалдаги корхоналар ва ишлаб чиқариш соҳасидаги объектларни техник жиҳатдан қайта таъминлаш шаклидаги мукаммал қурилишларни амалга ошириш билан қамда асосий воситаларни, ер майдонлари ва табиатдан фойдаланиш

объектларини номоддий активларни харид қилиш билан боғлиқдир. Қурилиш ишларини амалга оширувчи шахс сарф-харажатларни қурилиш бошланганидан бери йил бошидан қўшилаётган якунлар ҳамда шартнома қиймати билан биргаликда ҳисобга олади.

Корхоналар сарф-харажатлар ҳисоб-китобига оид ҳужжатларга кўра аниқланувчи технологик тузилма бўйича сарф-харажатларни гуруҳларга ажратадилар. Сарф-харажатлар қуйидаги моддалар бўйича гуруҳларга ажратилади:

— қурилиш ишлари;

— жиҳоз-ускуналарни ўрнатиш ишлари;

— ўрнатишга топширилган жиҳоз-ускуналарни харид қилиш;

—ўрнатиш ишларини талаб қилмаган жиҳоз-ускуналарни; ўрнатиш ишларини талаб қилувчи, лекин доимий заҳира учун мўлжалланган жиҳоз-ускуна, иш қуроллари ва анжомларини харид қилиш;

— бошқа катта сарфлар;

— асосий воситаларнинг қийматини оширмайдиган сарф-харажатлар.

Асосий воситаларнинг қийматини оширмайдиган сарф-харажатлар икки гуруҳга бўлинади.

Биринчи гуруҳга қурилиш қийматига оид сарф-харажатлар йиғма ҳисоб-китобида кўзланган харажатлар киради:

— қурилаётган корхоналарнинг асосий фаолиятида хизмат қилувчи ходимларни тайёрлаш учун сарфланувчи харажатлар;

— истиқболдаги сарф-харажатлар;

— геологик қидирув, текшириш ва объектларнинг қурилиши билан боғлиқ бўлган, лекин қурилиш қийматига кирмайдиган бошқа ишлар учун сарф қилинган харажатлар;

— фойдаланишга топширилганидан сўнг бошқа корхонанинг эгалигига ўтувчи объектлар учун улушли иштирок этиш тартибида берилган маблағлар;

— қурилиш учун ажратилган ер майдонларидаги қурилмалар ва экинларнинг қийматини қоплаш билан боғлиқ сарф-харажатлар;

Иккинчи гуруҳга қурилиш қийматига оид сарф-харажатлар йиғма ҳисоб-китобида кўзланмаган харажатлар киради:

— *қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича қурувчи* томонидан сарф қилинган харажатлар ва бошқа корхоналарга беғараз бериб юборилган моддий қимматликлар қиймати;

— Марказий Банкнинг қайд этилган фоиз тўлови миқдоридан юқори бўлган банк кредитлари учун ҳисобланган фоизларни тўлашга сарфланган харажатлар;

— қурилиш асосий воситалари бўйича кўрилган зарар;

— *қурилишни тўхтатиб туриш учун* сарфланган харажатлар;

— қурилиши тўхтатилган объектларни бузиш, кўчириб ташлаш ва қўриқлаш учун сарфланган харажатлар;

— молиявий интизомга риоя этилмагани учун тўланувчи жарима ҳақи, фоизлар тўловига сарфланган харажатлар;

— бошқа амалиётлар.

Қурилиши тугалланган бино ва иншоотлар, ўрнатилган жиҳоз-ускуналар, объектнинг дастлабки қийматини оширувчи қайта таъмирлаш ишлари қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида асосий воситаларга қўшилади. Асосий воситаларнинг қийматини оширмайдиган сарф-харажатлар иш тўла якунлангани сари тегишли молиявий манбалар ҳисобига «Сармоя қўйилмалари» ҳисоб рақамидан чиқариб юборилади.

Қурилиш ишлари ва жиҳоз-ускуналарни ўрнатишга оид ишлар икки усулда бажарилиши мумкин: пудрат ва хўжалик услубида.

Пудрат услубидаги ишлар пудрат ташкилотларининг тўланган ёки тўлаш учун қабул қилинган ҳужжатларига кўра келишилган қиймат бўйича қурувчининг «Сармоя қўйилмалари» *ҳисоб рақамида акс эттирилади.*

Хўжалик услубидаги ишлар бўйича қурувчининг ҳақиқатда сарфлаган харажатлари акс эттирилади.

Мукаммал қурилиш пудрат услубида амалга оширилганида қурувчи-инвестор ва пудратчи ўртасида қурилиш ҳақида шартнома тузилади ва сарф-харажатлар қатор ҳисобот даврлари бўйича тақсимлаб чиқилади. Қурилиш ҳақидаги шартномада қуйидаги унсурлар бўйича келишиб олиш шарт:

— ҳисоб-китоб шакли;

— *қурилишнинг шартнома қиймати;*

— ҳар бир қурилаётган объект бўйича сарф-харажатлар

ҳисоб-китоби ва лойиҳанинг мавжудлиги кўрсатилган қурилиш объекти;

— инвестор томонидан мукаммал қурилиш бўйича инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ваколати берилган шахслар ва қурувчи- инвесторларнинг таркиби;

— инвестициялар шакли, шу ҳисобда ўз сармояси, жалб қилинган ва қарзга олинган сармоя;

— шартнома тузилган санага кўра мавжуд бўлган қурилиши тугалланмаган объектлар ҳажми;

— фойдаланишга топширилган қурилиш объектига оид қурувчининг сарф-харажатлари;

— объектнинг йўқлама бўйича қиймати;

— пудратчилар рўйхати;

— пудрат ишларининг рўйхати.

Қурилиш шартномасига доир ҳисоб-китоблар қурилиш объектида бажарилган иш унсурлари учун бўнак тўлови шаклида бўлиши мумкин.

Қурилишнинг шартнома қиймати лойиҳага мувофиқ аниқланган қиймат, яъни қатъий нарх ва унинг тегишли омиллари, индекслари, бошқа мезонлари кўрсатилган ҳолдаги ўзгариши шарт-шароитларига асосланиб ҳисоб қилинади. Шартнома қийматини бошқа услуб ёрдамида ҳам аниқласа бўлади. Бунда жорий нархда баҳоланиб қабул қилинган сарф-харажатлар миқдоридаги ҳақиқий қурилиш қийматини қоплаш шарти ва бунга қўшилган пудратчининг келишилган фойдаси ҳамда иш рентабеллиги даражаси, яъни очиқ нарх асос қилиб олинади.

Объектни қуриш учун қурувчи томонидан сарф қилинган харажатларга қуйидагилар киради:

— катта сарфлар билан боғлиқ харажатлар, шу ҳисобда қурилиш ишлари, жиҳоз-ускуналарни харид қилиш ва ўрнатиш харажатлари ҳамда асосий воситалар қийматини оширмайдиган сарф-харажатлар;

— объектнинг фойдаланишга киритилиши ёки инвесторга топширилиши билан боғлиқ харажатлар;

— қурилиш якунланганидан ва объект фойдаланишга киритилгани ёки инвесторга топширилганидан сўнг қурувчи шартномага мувофиқ бажариши лозим бўлган қурилиш ишлари ва унинг молиялаштириши билан боғлиқ кутилаётган харажатлар.

Пудрат ишлари қурувчининг ўз кучи билан бажарилганлиги ҳолатида ушбу ишларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳақиқатдаги харажатлар, шу ҳисобда қурилишнинг ташкилий қисмини бажарган бўлинмалар фаолияти учун сарфланган харажатлар ҳисобга олинади.

Қурилиши тугалланганидан сўнг қурувчи асосий воситалар, кам қийматли ёки тез эскирувчи буюмлар таркибига киритувчи алоҳида ҳисобдаги объект ҳисобланган қурилиш объекти таркибидаги фойдаланишга топшириладиган ҳар бир унсурнинг йўқлама бўйича қийматини аниқлаб чиқади.

Қурилиш шартномасига оид пудратчининг сарф-харажатлари ўз ичига қуйидагиларни киритади: моддий маблағлар ва ишчи кучи, асосий воситалар ва номоддий активлар ҳамда бошқа турдаги маблағ манбаларидан фойдаланиш билан боғлиқ барча ҳақиқатдаги сарф-харажатлар. Объектни қурувчига топширишдан олдин пудратчи тугалланмаган ишлаб чиқариш таркибидаги сарф-харажатларни шартнома қиймати бўйича ҳисобга олади ва молиявий натижани аниқлайди. Қурилиш шартномаси тузилганидан кейин пудратчи кўзланган сарф ва чиқимларини қоплаш заҳирасини ташкил этиши ва уни харажатлар таркибига киритиши мумкин.

Қурилиш билан боғлиқ фаолиятнинг қурувчига тегишли молиявий натижаси маълум ҳисобот даврида қурилаётган объектларга оид тузилган сарф-харажатлар ҳисоб-китобидаги мавжуд қурилиш учун сарфланаётган маблағлар миқдори ва қурилиш учун ҳақиқатда сарфланган харажатлар ўртасидаги фарқ кўринишида шакл топади. Ҳисоб-китоблар шартнома қиймати бўйича бажарилганида молиявий натижа таркибига ушбу қиймат билан объект қурилишига сарфланган ҳақиқий харажатлар ўртасидаги фарқ ҳам киритилади ва бунда қурувчининг фаолияти учун сарфланган харажатлар ҳисобга олинади.

Пудратчига тегишли молиявий натижалар даромадни аниқлаш учун қабул қилинган шаклга боғлиқ бўлиб, айрим бажарилган ишлар ва қурилиш объекти бўйича аниқланиши мумкин. Конструктив унсурлар ёки босқичлар бўйича айрим ишлар бажарилган сари даромадни аниқлашда «тайёр бўлганлиги даражасига қараб иш қиймати бўйича даромад» услуби қўлланиши мумкин. Қурилиш объектидаги барча ишлар якун-

ланганидан сўнг даромадни аниқлашда «қурилиш объектининг қиймати бўйича даромад» услуби қўлланади. «Тайёр бўлганлиги даражасига қараб иш қиймати бўйича даромад» услубида пудратчининг молиявий натижалари лойиҳада кўзланган айрим ишлари босқичлар бўйича тўлиқ якунланганидан сўнг маълум ҳисобот даври учун бажарилган иш ҳажми ва шу ишларга сарфланган харажатлар ўртасидаги фарқ ифодасида аниқланади.

Бажарилган иш ҳажми шартнома қийматидан ва уни ҳисоб-китоб қилиш учун қўлланган услублардан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Ишларни бажариш учун сарфланган харажатлар тўғридан-тўғри услуб билан ёки ҳисоб-китоб орқали аниқланади. «Қурилиш объектининг қиймати бўйича даромад» услубида пудратчининг молиявий натижаси тугалланган қурилиш объектининг шартнома қиймати ва уни ишлаб чиқаришга сарф этилган харажатлар ўртасидаги фарқ ифодасида аниқланади.

Пудратчининг молиявий менежери ишончли баҳо бериш даражаси билан боғлиқ ва бажарилган иш ҳамда харажатлар қийматига қараб молиявий натижани аниқлаш услубини танлайди. Ҳар хил қурилиш шартномалари бўйича бажарилаётган ишларни ҳисобга олишда пудратчи зарур ҳолатда юқоридаги кўрсатиб ўтилган икки услубдан ҳам бир вақтнинг ўзидаёқ фойдаланиши мумкин.

Молиявий қўйилмалар қийматини баҳолаш ишлари молиявий менежментда алоҳида ўрин эгаллайди. Молиявий қўйилмалар бу— корхона ва ташкилотлар томонидан давлат қимматли қоғозлари, бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозлари ва низомий сармояларига ҳамда берилаётган қарз пулларига қўйилган инвестициялардир.

Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар— корхонанинг иш юзасидаги шериклар, институционал инвесторлар, банклар, биржалар билан ҳамкорлигини акс эттиради. Давлат қимматли қоғозларига сарфланган қўйилмалар энг ликвидли шаклга эга бўлиб улар қаторига қуйидагилар киради: давлатнинг қисқа муддатли ғазна мажбуриятлари, қисқа муддатли купонсиз давлат облигациялари, Давлат заёми облигациялари, корхона ва ташкилотларнинг муомала муддати чекланган обли-

гациялари, банкларнинг депозитли сертификатлари, банк векселлари, валюта облигациялари.

Турли хил қимматли қоғозлар қийматини баҳолашга оид таҳлил ишлари молиявий менежер учун муҳим аҳамиятга эга. Юқори ликвидли қимматли қоғозлар сотиб бўлинганидан сўнг курсдаги фарқ корхонанинг фойдасини кўпайтиради ёки қисқартиради ва эмиссия даромадини ёки зарар келтиради.

Корхонанинг анча катта ҳажмдаги маблағларини банд қилиб узоқ муддатли харажатларга мансуб эканлигига қарамасдан, узоқ муддатли молиявий қўйилмалар айланувдан ташқари активлар сифатида кўрилади. Шунинг учун молиявий менежер корхона маблағ сарфлаган тижорат ташкилотларининг молиявий аҳволи ҳақидаги ахборотга эга бўлиши унинг учун муҳимдир.

Узоқ муддатли молиявий инвестициялар доим ҳам корхонанинг фақатгина дивиденд олишда манфаатдор бўлгани сабабидан келиб чиқавермайди. Инвесторнинг манфаатига тегишли бўлган қарорлар қабул қилинишига таъсир кўрсата билиш ва иш бошқаришда иштирок этиш мақсадлари биринчи ўринга чиқади. Жуда кўп ҳолларда корхоналар ўзига қарашли ва қўшма корхоналарни, фирмаларни таъсис этишда узоқ муддатли молиявий қўйилмалар қиладилар. Бундай инвестициялар катта даражада инвестор томонидан назорат этилади ва одатда, ишлаб чиқариш заруратидан келиб чиқади. Ушбу инвестициялар тижорат масалаларини ечишга ёрдам беради ва тадбиркорлик фаолияти доирасини кенгайтиради. Лекин шунга қарамасдан узоқ ва қисқа муддатли молиявий қўйилмалар билан боғлиқ барча битимлар фоиз, хизмат ҳақи, дисконт, дивиденд шаклида даромад олишга мўлжалланган.

Молиявий менежер ҳар бир алоҳида олинган қимматли қоғознинг даромадлигини ҳамда тўпламли акция, облигация, депозит сертификатлари ва шу кабиларнинг ўртача даромадлигини аниқлаб олиши шарт.

Қимматли қоғозлар билан бажарилган амалиёт даромадлиги даражасини нисбий миқдор сифатида кўриш керак. Яъни олинган фоиз ёки дивиденд кафолатли ёки муқобил даромад номини олган миқдор билан қиёсланади. Кафолатли фоиз сифатида қуйидагилар чиқиши мумкин: Марказий Банкнинг қайта молиялаш учун белгилаган миқдори; банк томонидан

омонатлар бўйича тўланаётган фоиз, шунингдек, давлат облигациялари ёки ғазна мажбуриятлари бўйича олинаётган фоизлар. Банк фоизлари юқори бўлгани ҳолатида акцияларни сотиб олишдан фойда чиқмайди. Одатда шундай вазиятда жамғармалар бозори чекланган бўлади.

Фойдаланилмаётган молиявий маблағларини ҳақ тўлаш шарти билан бошқа корхоналарга тақдим этиш, яъни тижорат кредитини бериш корхона учун кўпроқ фойда келтиради. Банклар ўз фаолиятини банкларараро кредитлаш ва давлат қимматли қоғозлари томон йўналтирадилар. Бу эса молия-кредит соҳасидаги ўзига хос айирбошлашдир.

Узоқ муддатли молиявий қўйилмаларни қимматли қоғозлар даромадлигига катта таъсир кўрсатувчи инқироз даражаси билан тенглаштириш лозим.

Акциялар даромадлиги акция курси деб ном олган кўрсаткич бўйича қуйидаги тенглама орқали аниқланади:

Ка— акция курси

Д— дивиденд миқдори

F— қайд қилинган ўртача тўлов миқдори.

Облигациялар даромадлиги акция даромадлигидан ўзгачароқ аниқланади. Инвестор икки асосга кўра: сўндириш нархи билан харид нархи ўртасидаги фарқ ёҳуд эълон этилган тўлов миқдори кўринишида даромад олади. Фоиз тўловисиз облигация курси қуйидаги тенглама бўйича аниқланади:

Ко — фоиз тўловсиз облигация курси;

Р — облигация нархи;

N — облигациянинг номинал қиймати.

Фоизи тўланувчи облигациялар муддатининг сўнгида даромад келтиради ва мураккаб фоиз йиллик тўлови миқдорида ўлчанади. Даромад даражаси (фоиз миқдори) ҳажми қуйидаги тенглама бўйича ҳисоб қилинади:

Q— жойлаш тўлови;

Р— облигациянинг купон даромадлиги, яъни чиқарувда кўзланган фоиз қўшиш миқдори;

П— облигациянинг муомала муддати.

Муддатининг сўнгида сўндирилувчи облигациялар қуйидагича даромадликка эга:

R- облигациянинг жорий даромадлиги.

Жорий даромадлик купон даромадлиги билан тўғри мута-

носибликда бўлиб, облигация курсига тескари мутаносибликда бўлади.

Векселлар ҳисобини юритиш амалиётининг даромадлигини қуйидаги тенглама бўйича аниқлаш мумкин:

W — векселлар ҳисоби бўйича даромадлик;

П- даромадлик ҳисоб қилинган давр; К- қарз вексели ҳисобининг давом этиш муддати;

S- вексел эгасидан ушлаб қолинган хизмат ҳақининг улуши.

Вексел олди-сотди амалиётининг даромадлигини қуйидаги тенглама бўйича ҳисоблаш мумкин:

С- вексел олди-сотдиси бўйича даромадлик;

Т- 365 ёки 300 кунга тенг вақтли негиз;

Оқ- векселни сотиб олиш санасидан уни сўндириш санасигача бўлган вақт даври;

Of- кейинги кавбат билан векселни сотиш санасидан уни сўндириш санасигача бўлган вақт даври;

Рп- векселни сотиб олиш фоиз миқдори;

Рf- векселни сотиб юбориш фоиз миқдори.

Охирги пайтда депозитли банк сертификатлари энг кўп фойда келтирмоқда. Бунинг сабаби кредитлар қимматлиги ва марказлашган кредит маблағлари учун Ўзбекистон Банки қайд қилган юқори тўлов миқдорларидир. Кўпчилик тижорат банклари депозит сертификатлари бўйича фоизларни ҳар ойда, ҳар чоракда ёки ҳар ярим йилликда қўшадилар ва бунинг натижасида фоиз тўловининг самараси ортади. Депозит сертификатларига сарфланган молиявий қўйилмаларнинг чинакам даромадлиги қуйидаги тенглама бўйича аниқланади:

G- депозитли сертификат даромадлиги;

G- депозитли сертификат бўйича номинал фоиз тўлови;

П- йил мобайнида фоиз қўшиш сони.

Тижорат банкларининг депозитли сертификатлари юқори ликвидли молиявий қўйилмалар қаторига киради, шунинг учун молиявий маблағларни сафарбар этишга зарурат туғилганида улар сотиб юборилади. Бунда депозитли сертификатларни харид қилиш ва сотиб юбориш билан боғлиқ амалиётларнинг даромадлиги корхоналар учун муҳим аҳамият касб этади. Йиллик фоиз тўлови кўринишидаги харид қилиш ва со-

тиб юбориш даромадлиги қуйидаги тенглама бўйича ҳисоб қилинади:

И — депозитли сертификатларни харид қилиш ва сотиб юбориш даромадлиги;

Сп ва Сf— тегишли ўринда депозитли сертификатларни харид қилиш ва сотиб юбориш нархлари.

Қисқа муддатли купонсиз давлат облигацияларининг даромадлиги қуйидаги тенглама бўйича аниқланади;

Е- қисқа муддатли давлат облигацияларининг даромадлиги;

Р- қисқа муддатли давлат облигацияларининг харид нархи;

N- қисқа муддатли давлат облигацияларини сотиб юбориш ёки сўндириш нархи;

Т- 365 кунга тенг вақт негизи;

N- сўндиришгача олган кунлар сони.

I- фойда солиқ тўлови (бир сонидан бошлаб улуш ҳисобида).

Имтиёзли солиқ тизими қисқа муддатли давлат облигациялари бўйича даромадликни оттиради.

Ғазна мажбуриятларининг даромадлиги жорий курс асосида қуйидаги тенглама бўйича ҳисоблаб чиқилади:

L- ғазна мажбуриятининг жорий курси;

N- номинал қиймат;

Т- муомала муддати;

р- фоиз даромади миқдори.

Молиявий қўйилмалар билан боғлиқ ҳар бир амалиёт бўйича даромадлик аниқланганидан кейин маълум давр мобайнидаги олинган даромадларнинг умумий ҳажмини ҳисоблаб чиқиш зарур ва уни инвестицион сарф-харажатлар ҳажмига тенг миқдорга камайтириш шарт. Инвестицион даромад қуйидаги тенглама бўйича ҳисоблаб чиқилиши мумкин:

Z- инвестицион даромад;

Р- к давридаги тушумлар;

Е- t давридаги молиявий қўйилмалар билан боғлиқ сарф-харажатлар;

Р- молиявий қўйилмалр бўйича фоиз тўлови миқдори;

к=1,..., п- инвестицион давр давомийлиги;

t=1,..., - инвестицион қўйилмалар ўзини-ўзи қоплаши давомийлиги.

Молиявий қўйилмалар ижобий ва салбий натижа бериши мумкин. Юқоридаги тенглама бўйича бажарилган ҳисоб-китоблар якуний молиявий натижани равшанлаштиришга ва қимматли қоғозлар тўпламини янгилашга оид ўз вақтида чора кўришга имконият яратади. Корхоналарнинг айланувдан ташқари активлари, шу ҳисобда асосий воситалар ва номоддий активлар, сармоя ва молия қўйилмалари қиймат баҳосига молиявий менежментнинг фаол таъсир кўрсатиши пул айланувчи мувозанатли бўлиши мақсадига хизмат қилади.

ҚАЙТАРИШ УЧУН АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

Молиявий ахборот Асосий воситалар Асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши

Дастлабки қиймат Тиклаш қиймати Қолдиқ қиймати Йўқлама қиймати Тугатиш қиймати

Амортизациянинг индексацияси

Тезкор амортизация Тузилма ислоҳоти Бозор қиймати Инвестицион солиқ кредити Асосий воситалар янгиланиши Асосий воситалар самараси-Жамғарма самараси Жамғарма сиғими Жамғарма таъминланганлиги Сармоя қўйилмалари Узоқ муддатли инвестициялар.

Сармоя қўйилмаларининг лимитлари

Пудрат услубидаги қурилиш

Хўжалик услубидаги қурилиш Молиявий қўйилмалар Акциялар курси Облигация даромадлиги Жойлаш тўлови Дисконт Вексел ҳисоби даромадлиги Инвестицион даромад

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Молиявий ахборотни тарқатиш йўллари қандай ишлайди?

2. Қурилиши тугалланган объектларнинг йўқлама қиймати нималар киради?

3. Нима учун асосий воситалар вақти-вақти билан қайта баҳоланади?

4. Тикланиш қиймати қандай аниқланади?

5. Тезкор амортизация қандай афзалликлар беради?

6. Асосий жамғармаларни қайта баҳолаш амали актив ва пассивлар тузилмасига қандай таъсир кўрсатади?

7. Объектнинг бозор қиймати нимани билдиради?

8. Корхоналар қандай ҳолатларда инвестицион солиқ кредитини олишлари мумкин?

9. Асосий жамғармаларни янгилаш тезлигини қайси омиллар белгилайди?

10. Асосий жамғармалардан фойдаланиш самараси қайси кўрсаткичлар орқали баҳоланади ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги.

11. Тадбиркорлик тузилмасини ривожлантириш ва иқтисодиёт тузилмасини ислоҳот қилишда молиявий қўйилмаларнинг ўрни.

12. Бугунги кунда сармоя қўйилмалари қандай молиявий манбаалар ҳисобига амалга оширилаяпти ва сармоя қўйилмалари тузилмасида қандай ўзгаришлар рўй беряпти?

13. Қандай шарт-шароитда сармоя қўйилмаларини молиялаш учун беғараз бюджет пул ажратмалари ва бюджет пул ажратмаларқ ва бюджет қарз пуллари берилади?

14. Сармоя қўйилмаларида қандай харажатлар иштирок этади?

15. Мукаммал қурилишларни амалга ошириш усулублари, уларнинг қиёслама афзалликлари:

16. Катта сармоя сарфларини талаб этувчи ишла, ни бажаришда қандай молиявий ҳужжатлар қўлланади?

17. Молиявий қўйилмаларни сармоя қўйилмаларидан фарқловчи хусусиятлар нимадан иборат?

18. Турли қимматли қоғозлар қийматини баҳолаш юзасидан ўтказилган таҳлил ишлари нимани билдиради?

19. Нима учун қайд ҳужжатларида узоқ муддатли ва қисқа муддатли молиявий қўйилмалар алоҳида акс эттирилади?

20. Акциялар даромадлиги қандай баҳоланади?

21. Облигация даромадлиги қандай аниқланади?

22. Векселлар ҳисобини юритиш амалиёти қандай даромадликка эга?

23. Давлат қимматли қоғозлари даромадлигига қандай омиллар таъсир кўрсатади?

24. Тадбиркорлик тузилмасининг молиявий қўйилмалари *билан боғлиқ инвестицион даромадлик қандай ҳисоб қилинади?*

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУСИ

Асосий воситалар қийматини баҳолаш шаклларининг мазмуни ва вазифаси;

Асосий воситаларни қайта баҳолаш: тартиби, сабаблари, натижалар;

Асосий воситалар самарадорлиги;

Сармоя қўйилмалари— асосий жамғармаларни тиклаш шакли сифатида;

Молиявий қўйилмалар ва уларнинг самарадорлиги.

ХУЛОСА

1. Молиявий ахборотлардан мажмуавий тусда фойдаланиш ёрдамида такрор ишлаб чиқаришда иштирок этувчи воситаларнинг йиғма қийматини баҳолаш имкониятига эришилади.

2. Асосий воситаларнинг қийматини баҳолаш амаллари қуйидаги шаклларга эга: дастлабки ёки йўқлама қиймати бўйича тиклаш, қолдиқ, бозор, лугатиш қиймати бўйича.

3. Йўқлама қиймати бўйича асосий воситалар қийматини *баҳолаш амалиёти нарх-наво*, солиқ, иш ва хизмат қиймати-даги рўй бераётган ўзгаришларни акс эттирмайди, шунинг учун *уни маълум санадаги тиклаш қиймати бўйича қайта* ҳисоблаш зарур.

4. Асосий воситаларни қайта баҳолашдан кўзланган мақсад — асосий активларни янгилаш учун зарур пул жамғармаларини шакллаш, шароит яратиш.

5. Асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши ўз-ўзидан низомий сармоянинг ортишига олиб келмайди, шунинг учун

унинг натижалари қўшимча сармоя ва ижтимоий доира (ижтимоий доира мулкини қайта баҳолаш) жамғармаси таркибида акс эттирилади.

6. Тезкор амортизация механизмини қўллаш ҳуқуқи корхоналарга илғор жиҳоз-ускуна ва технологияларни тадбиқ этиш учун қўшимча молиявий маблағ манбааларини жамлаш имкониятини беради.

7. Инвестицион солиқ кредити бу — солиқ идоралари томонидан кредит келишуви асосида кичик корхоналарга тақдим этилувчи солиқ тўловчи муддатининг узайтириб берилишидир.

Қарз олувчи томонидан қопланаётган солиқ кредити миқдорини ҳисоблашда инқироз даражаси ҳисобга олинади. Инқироз даражасининг юқорилиги сабабидан ушбу кредитнинг кенг қўлланиши чекланади.

8. Илгаридан танлаб олинган шаклда ва таркибда асосий жамғармаларнинг такрор ишлаб чиқаришнини сармоя қўйилмалари таъминлаб беради. Сармоя қўйилмалари узоқ муддатли сарф-харажатлар қаторига киради. Сармоя жойлаштиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган услуби ҳисобланиши молиявий қўйилмалар сармоя қўйилмаларига нисбатан рақобат яратади. Молиявий қўйилмалар даромадлиги сармоя қўйилмалари даромадлигидан юқори бўлгани ҳолатида чинакам инвестицияларнинг ўсиш суръати қонуний тарзда қисқариб боради.

9. Сармоя қўйилмаларини бюджетдан молиялаш ишлари беғараз пул ажратмалари ва имтиёзли кредитлар шаклида амалга оширилади. Бюджетда тақчиллик сезилгани ҳолатида ушбу тадбирлар давлат ички ва ташқи қарздорлигининг ўсиб боришига олиб келади.

10. Молиявий қўйилмалар доимо даромадлик ва ликвидлик ҳамда таваккалчилик хатари ва инқироз даражасига қараб баҳоланади. Одатда, молиявий қўйилмалардан кўриш мумкин бўлган энг юқори даромадни биржа ва биржадан ташқари бозорлардаги олиб-сотарлик амалиётлари келтиради. Тадбиркорлик тузилманинг ўзини-ўзи молиялаш даражаси юқори бўлганлиги ҳолатидагина молиявий қўйилмаларнинг қимматли қоғозлар учун сарфлаб банд қилиб қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

11. АЙЛАНМА АКТИВЛАРНИНГ ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШ

Ушбу бобда қуйидагилар ўрганилади:

айланма маблағларни баҳолаш учун қўлланаётган усулларнинг афзалликлари ва камчиликлари;

жорий молиялаш тамойиллари;

айланма маблағларга вақт омилининг таъсир кўрсатиши;

ҳисоб-китоб шакллари ва уларни қўллаш учун хизмат қилувчи асослар;

касса амалиётларини мувофиқлаштириш;

банклар ўртасидаги ўзаро алоқалар ҳисоб-китоб ташкил этилишига таъсир кўрсатиши;

пул айланувида дебиторлик ва кредиторлик қарзлардан фойдаланиш;

11.1. АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРНИ БАҲОЛАШ ШАКЛЛАРИ ВА ТАРТИБИ

Тадбиркорлик фаолиятининг молиявий таъминланишини *бошқариш жараёнида корхона ва тижорат ташкилотларининг* айланма активлар қиймат йиғиндисини баҳолаш ишлари катта аҳамиятга эгадир.

Бунда қуйидагилар баҳоланади:

мол-моддий қимматликлар заҳираси;

тугалланмаган ишлаб чиқариш;

ишлаб чиқариш ва фойдаланиш чиқим-харажатлари шаклидаги жорий сарф-харажатлар;

муомаладаги жорий ҳисоб-китоблар ва пул маблағлари;

меҳнат воситалари сифатида қўлланаётган ва айланувдан ташқари активлар қаторига кирмаган моддий-буюм қимматликлар.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи айланма активлар қиймат йиғиндисини баҳолашда мол-моддий қимматликларни баҳолаш ишлари асосий аҳамиятга эгадир. Хо-

машё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёнилги, харид қилиб олинган ярим тайёр ва бутловчи буюмлар, эҳтиёж қисмлар, бўш идишлар ҳақиқий таннархи бўйича баҳоланади.

Ҳақиқий таннарх қуйидагилардан иборатдир: моддий маблағ манбаларини, шу ҳисобда таъминотчи томонидан тақдим этилувчи кредит ҳисобига харид қилиш учун фоиз тўлови харажатлари; устама ёки қўшилган нарх; таъминловчи, ташқи иқтисодий ва бошқа ташкилотларга тўланган хизмат ҳақи: товар биржалари хизматининг қиймати; божхона тўловлари; чет ташкилотлар томонидан амалга оширилган етказиб бериш ва сақлаш ишлари ҳамда транспорт харажатлари.

Моддий маблағ манбаларининг ҳақиқий таннархи бир турдаги хомашё, материаллар ва ҳоказолар бўйича ҳам анча катта миқдорда тебралиб туриши мумкин. Бунинг сабаби — нархнаво, кўрсатилган хизматлар қиймати, транспорт сарфлари ва таннархни ташкил этувчи бошқа харажатлар ёки фойдаланиш чиқим-харажатларининг ўзгариб туришидадир. Шунинг учун маълум санага кўра корхона ихтиёридаги мавжуд заҳираларни баҳолашда қуйидаги услубларнинг биридан фойдаланиш зарур:

жорий нархларда баҳолаш;

моддий маблағларнинг ҳақиқий харид нархи бўйича баҳолаш;

ўртача ҳақиқий харид нархи бўйича баҳолаш.

Корхона томонидан танланган моддий маблағ заҳиралари ни баҳолаш услуби нафақат ишлаб чиқариш ва фойдаланиш чиқимларининг ҳажмини ёки таннархни, балки фойдани ҳам аниқлаб беради ва демак тўланаётган солиқлар миқдорига таъсир кўрсатади.

Жорий нархларда баҳолаш— ишлаб чиқаришга сарфланаётган заҳиралар охирги харид қилиб олинган маблағларнинг ҳақиқий қиймати бўйича, давр сўнгидаги заҳиралар қолдиғи эса биринчи харид қилинган маблағларнинг ҳақиқий таннархи бўйича баҳоланишини билдиради. Ушбу услуб жаҳон тажрибасида ЛИФО услуби деб аталади.

Ҳақиқий харид нархи бўйича баҳолашда моддий маблағлар корхонага қабул қилинган тартибида ҳисобдан чиқариб юборилиши кўзланади ва биринчи харид сарф-харажатлари сотиб юборилган маҳсулот таннархида акс эттирилади. Ушбу

сарф-харажатлар миқдори паст бўлгани ҳолатида, яъни моддий маблағлар омборда бўлган вақти мобайнида ишлаб чиқаришдаги нархлар, хизмат қиймати, транспорт ҳақи ортган бўлса, маҳсулот чиқариш санасига нарх ўрнатган корхона қўшимча ютуққа эришади. Давр охирида заҳиралар қолдиғи охирги харид қилинган маблағларнинг ҳақиқий таннархи бўйича баҳоланади. Ушбу услуб жаҳон тажрибасида ФИФО услуби деб аталади.

ЛИФО услубида фойдани паст қилиб кўрсатиш имконияти бор. ФИФО услубида эса, айниқса инқироз шарт-шароитида фойда анча юқори кўрсатилган бўлади. Ушбу услубларни қўллашда амалиётларнинг линеаризацияси талаб этилади, зеро моддий маблағлар нафақат турлари бўйича, балки саналар ва етказиб берилган тўлламлари бўйича баҳоланади.

Ўртача ҳақиқий харид нархи бўйича баҳолашда ўрта вазнли нархни ҳисоблаб чиқиш зарурдир. Бунда бир турдаги моддий маблағ заҳираларининг умумий қиймати қайд этилган ушбу маблағ бирлигининг сонига бўлинади. Мазкур ҳисоб-китоб техникаси ЛИФО ёки ФИФО услубларидан анча соддадир.

Тайёр маҳсулот қиймати ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи бўйича баҳоланади. Ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи қуйидагилардан ташкил топади: ишлаб чиқариш жараёнида асосий воситалар. хомашё, материаллар, ёнилғи, электр қуввати, меҳнат манбааларининг ишлатилиши билан боғлиқ ёки сарф-харажат моддалари бўйича тўғридан-тўғри сарфланган харажатлар.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш қуйидагича баҳоланади: оммавий ва қаторасига ишлаб чиқаришда меъёрий ишлаб чиқариш таннархи ёки тўғридан-тўғри сарф-харажат моддалари бўйича ҳамда хомашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар қиймати бўйича; бир маротабали маҳсулот ишлаб чиқаришда эса ҳақиқий ишлаб чиқариш харажатлари бўйича.

Савдо, таъминот, сотув корхоналаридаги мол-маҳсулотлар чакана ёки сотув нархлари бўйича ёки харид қиймати бўйича баҳоланади. Харид қиймати ва чакана нарх ўртасидаги нисбат савдо корхоналарининг пул айланувида муҳим ўрин эгаллайди. Савдо устамаси (чегирими) корхона мулк солиғи бўйича солиққа тортишувчи негизни ҳисоблаб аниқлашда товар

қийматидан чиқариб ташланиши шарт.

Қўшилган қиймат солиғини ғўлаш учун солиққа тортилувчи негиз сифатидаги савдо устамаси фақатгина чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ҳамда мол-маҳсулот ким ошди савдоси орқали сотилганида ва аҳоли билан воситачилик савдоси амалга оширилганида қўлланади.

Чакана савдо, умумий овқатланиш, савдо ва таъминот корхоналари, улгуржи Омборлар учун сотилмаган мол-маҳсулот қолдиқларига доир ҳисоб-китоб қилинувчи савдо устамасининг баҳоланадиган миқдори катта аҳамият касб этади. Сотилмаган мол-маҳсулот савдо устамасининг миқдори одатда ой аввалидаги мол-маҳсулот қолдиқларига оид устама миқдор ва ой мобайнида қабул қилинган мол миқдори билан бир ой давомида сотилган ва ой охиридаги мол-маҳсулот қолдиғи миқдорига нисбатан ҳисобланган фоиз бўйича аниқланади.

Молиявий менежмент сарф-харажатларни молиялаш асосига қуйидаги тамойилларни киритади:

айрим турдаги жорий харажатларга оид оқилона тарзда маблағ ажратиш;

юқори рентабелликни таъминлашга имконият берувчи пул маблағ сарфларининг самарадорлиги;

молиялаш ишлари юзасидан назорат, шу ҳисобда ишлаб чиқариш ва фойдаланиш чиқимларига у ёки бу моддаларга харажатларнинг тўғри киритилиши юзасидан.

Сўнгги йилларда сарф-харажатларнинг ортиб бориши ва улар таркибининг кенгайиб бориши кузатилмоқда. Мол маҳсулот таннархининг ўсишига қуйидагилар олиб келади: хомашё, материаллар, бутловчи қисмлар, ёнилғи, электр қувватининг қимматлашуви; транспортда юк ташиш учун йўлкира ҳақининг ошиши, реклама харажатларининг ортиши, тақлимот харажатларининг ортиши; қайта баҳолаш оқибатида ва индексациялаш коэффициентининг жорий этилиши туфайли асосий воситаларни тўлиқ тиклаш учун сарфланган амортизация ажратмалари миқдорининг ортиши.

Ишлаб чиқариш ва фойдаланиш чиқим харажатларининг пасайишини таъминловчи омиллар молиявий менежер учун алоҳида эътиборлидир. Жорий сарф-харажатлар бошқарилиши молиявий менежер томонидан ишлаб чиқариш сарф-харажатлари ҳамда ишлаб чиқариш ва фойдаланиш чиқим-хара-

жатлари ҳисоб-китобининг ижро этилиши юзасидан назорат олиб бориш ва уларни ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади. Ушбу молиявий маълумотлар нафақат умумий сарф-харажатлар даражаси ва уларнинг динамикасини назорат қилишга, балки таркибий бўлинмалар ва филиаллар бўйича қиймат баҳосини таққослашга имконият беради. Сарф-харажатлар ҳисоб-китобининг аҳамияти шундан иборатки, улар орқали корхона бўйича яхлит ва бўлинмалари бўйича алоҳида ўз харажатларини қоплаш даражасини аниқлаш имкониятига эга бўлиши мумкин.

Сарф-харажатлар ҳисоб-китобини ишлаб чиқишда мол-маҳсулот бирлигининг бозор нархи аниқланади, улгуржи ва чакана нархларни ҳисоблаб чиқиш негизи барпо этилади, мол-маҳсулот ҳаракатини оқилона қилиш ва янги технологияларни тадбиқ этиш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш сарф-харажатларини қисқартириш имконияти ўрнатилади, фойда кўриш учун асос солинади. Корхонанинг айланма маблағлардаги эҳтиёжини, мол-маҳсулот сотиш ҳажмини ва кўрилиши мумкин бўлган фойда миқдорини аниқлаш учун ҳам сарф-харажатлар ҳисоб-китобини муваффақият билан қўллаш мумкин.

Корхона айланма активлари қиймат йиғиндисининг баҳоланиши жараёнидаги унсурлардан бири *ушбуларнинг* меъёрланишидир. Айланма маблағларга оид меъёрлар молиявий менежер эътиборидаги энг ўзгарувчан жорий молиявий фаолият кўрсаткичлари қаторига киради. Меъёрдан ошиқча бўлган мол-моддий қимматликлар заҳираси айланувдаги пул маблағларини банд қилади ва корхонанинг моддий-техник таъминланишида камчиликлар мавжудлигидан, ҳамда ишлаб чиқариш ва мол-маҳсулот сотиш жараёнидаги нотекисликдан далолат беради. Меъёрларнинг нотўлиқлиги эса ишлаб чиқариш ва мол сотишда узилиш пайдо бўлишига олиб келади.

Айланма маблағларнинг меъёрланиши жорий молиявий менежментга тегишлидир ва кўп жиҳатдан уларнинг молиялаш манбаалари ни аниқлаб беради. Ушбу манбааларни топиш ва жалб этиш вазифаси молиявий режалаштириш соҳасига таллуқлидир. Бундай манбаалар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: ўз маблағлари ва уларга тенглаштирилган айланма маблағлар; кредиторлик қарз; банк ссудалари; жалб этил-

ган бошқа маблағлар. Ўз айланма маблағлар корхона низомий сармоясининг бир қисмидир. Корхона фаолият кўрсатиши жараёнида уларнинг қиймат баҳоси ортиб боради. Ўз айланма маблағларнинг ўсиши тақсимланмаган фойда, муассислар ёки иштирокчиларнинг қўшимча бадаллари, қимматли қоғозлар эмиссияси ҳисобига молияланади.

Мазкур масалалар директорлар кенгашининг тақдимотига кўра акциядорлар йиғилиши томонидан ҳал этилади.

Молиявий менежер ўз айланма маблағлар ҳажмининг кенгайишини ишлаб чиқариш ва мол-маҳсулот сотиш ҳажмининг ортиб борищи ҳамда маблағ айланувининг тезлигига боғлайди. Бундай боғлиқлик бўлмагани айланувдаги маблағларнинг нооқилона сарфланиши ва «еб тугатилишига» олиб келади.

11.2. АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Айланма активлар қиймат йиғинди баҳосини бошқариш ишининг самарасини баҳолаш мезони сифатида *вақт омили* хизмат қилади. Айланма активлар бир шаклда (пул ёки товар шаклида) қанча кўп туриб қолса, қолган шароитлар тенглигида уларнинг ишлаш самараси шунча бўлади ва аксинча. Айланма маблағлар қанчалик интенсив ишлатилишини сифатловчи кўрсаткич бу — айланув тезлигидир.

Айланув тезлигининг кўрсаткичи айниқса муомала соҳаси, шу ҳисобда савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат ҳамда воситачи- тижорат ташкилотлари учун муҳим ўринга эгадир.

Айланма маблағларнинг кунларда ҳисобланган бир маротабали айланиш давомийлиги айланув тезлигига оид энг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб, у қуйидаги тенглама бўйича ҳисоб қилинади:

Айланиш тезлиги (айланма маблағларнинг ўртача миқдори) х (ҳисобот даври) ҳисобот давридаги сотув ҳажми.

Кунларда ҳисоб қилинган айланиш тезлиги мазкур корхонанинг тўла маблағ айланувидаги барча босқичлардан айланма маблағларнинг қанча вақтда ўтишини кузатиш имкониятини беради. Айланув тезлиги қанча кам кундан иборат бўлса,

молиявий маблағ сарфлари шунча тежамкор бўлади. Айланув тезлиги юқори бўлгани ҳолатида хомашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва шу кабиларни етказиб беришда узилишлар ва пул тўламаслик хавфи ортади. Айланув тезлиги шунингдек, маълум вақт оралиғида айланма маблағлар бажарган айланишлар сонида ҳам ўлчанади:

Айланув тезлиги ҳисобот давридаги сотув ҳажми;

ҳисобот давридаги айланма маблағларнинг ўртача миқдори.

Айланув тезлиги коэффициентларини йиллар бўйича динамикада солиштириш орқали айланма маблағ сарфланишидаги самарадорлик қай томон ўзгараётганлигини билиш мумкин. Айланма маблағлар бажараётган айланувлар сони ортиб бораётган ёки барқарор турган бўлса, демак корхона текис ишлаяпти ва пул маблағларидан оқилона фойдаланяпти. Кўриб чиқилаётган даврда бажарилган айланувлар сонининг қисқарганлиги корхона ривожланиши суръатларининг пасайиб кетаётганлигидан ва молиявий аҳволининг яхши эмаслигидан далолат беради.

Айланма маблағ айланувининг тезлашиши уларнинг маблағ айланувидан абсолют ва нисбий озод бўлишига кўмаклашади. Абсолют озод бўлиш деганда — маҳсулот сотиш ҳажми кенгайгани ҳолатида ўтган йилга нисбатан жорий йилдаги айланма маблағлар миқдорининг қисқаришига тушиниладн.

Нисбий озод бўлиш — сотув ҳажмининг ўсиш суръатлари айланма маблағлар ўсиши суръатларидан илгарилаб кетганида ўрин топади. Бундай вазиятда кам ҳажмдаги айланма маблағлар ёрдамида катта миқдордаги сотув ҳажми таъминланади. Инқироз юқорилиги туфайли умумий тўлов айлануви ўсиб кетиши муносабати билан айланма маблағлар абсолют озод бўла олмайди, шунинг учун маблағларни нисбий озод қилишга шарт-шароитлар яратиш ва бу мақсадда таҳлил олиб бориш ишларига алоҳида эътибор ажратиш зарур.

Молиявий менежер очиқ кредит йўналишларидан самарали фойдалана олиши учун хизмат кўрсатаётган банк ишончини қозониши шарт.

11.3. НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР

Мол-маҳсулот сотуви молиявий натижаларни аниқлашга ва меҳнат натижалари қиймат баҳосининг бозор талабларига мувофиқлигини тан олишга имконият беради. Мол-маҳсулот сотуви, кўрсатилган хизмат ва бажарилган ишлар учун тушган пул миқдори ушбуларга оид тўлов амалга оширилгани ёки юк жўнатилган ва тўлов ҳужжатлари тақдим этилгани асосида аниқланади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишда мол-маҳсулот учун банк муассасасига маблағ келиб тушгани, нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишда эса пул маблағларининг кассага тушганлиги асосида тўлов амалга оширилгани тан олинади.

Сотув бўйича тўлов ҳужжатлари расмийлаштирилиши шарт. Асосий тўлов ҳужжатлари қуйидагилардир: тўлов талабномаси, тўлов топшириқлари, чеклар, аккредитивлар, тўлов талабнома- топшириқлари.

Маҳсулот етказиб берувчи билан пул тўловчи ўртасидаги ҳисоб-китоблар шакли шартнома, келишув ёки бошқа ҳужжатлар асосида белгиланади. Корхоналар ўзаро келишув асосида банк иштирокисиз ўзаро қарз суришишлари мумкин. Бунинг учун корхона томонидан банкка топшириқ ҳужжати ва ўзаро қарз миқдорига оид чек тақдим этилади. Етказиб берилган маҳсулот учун ўз вақтида тўлов бериш масъулиятини пул тўловчи ўз зиммасига олади. Етказиб берувчи билан харидор ўртасидаги шартномада тўлов ўз вақтида бажарилмагани учун жарима белгиланади.

Тўлов талабномаси маблағ олувчи томонидан ёзиб берилади. Унда мол-моддий қимматликлар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар учун маблағ олувчига маълум миқдордаги ҳақ тўлаш юзасидан пул тўловчига нисбатан талаб қўйилади. Пул тўловчи қуйидаги ҳолларда акцент тўловини рад этиши мумкин: талабнома буюртма берилмаган мол-маҳсулот учун тақдим этилганида юк нотўғри манзил бўйича жўнатилганида пул тўловчи билан келишилмаган ҳолда юк муддатидан илгари етказиб берилганида, мол-маҳсулотнинг сифатсизлиги расмий аён этилганида, маҳсулот кўрсатилган навга мос келмаганида, маҳсулот тегишлича белгиларга эга бўлмаганида,

келишилган нарх-наво қўйилмаганида, илгари пул тўланган маҳсулот учун талабнома тақдим этилганида, маҳсулот билан таъминланмаган талабнома тақдим этилганида; йўлда келаётган маҳсулот бошқа манзилга жўнатиб юборилганида.

Кўрсатиб ўтилган тартиббузарлик ҳоллари қисман ўринли бўлганида акцент тўловини ҳам қисман рад этиш мумкин. Тўлов талабномаси бўйича ҳақ тўлашни рад этганлик учун асос борлиги масъулияти пул тўловчининг зиммасига юклатилади. Акцент тўлови бўйича ҳақ тўлашни рад этишлик масаласига оид даъволарни банклар кўриб чиқмайдилар. Юзага чиққан барча келишмовчиликлар даъвогарлик тартибида ҳал этилади.



11.1 расм. Тўлов талабномаси орқали ҳисоб-китоб бажариш чизма тасвири.

Илгаридан акцент тўлаш тартибида бажарилган ҳисоб-китобларда талабнома бўйича тўлов акцент тўлаш муддати тугаганидан кейинги кунда амалга оширилади. Акцент тўлаш муддати уч иш куни миқдорида белгиланган бўлиб, ҳисоб-китоб ҳужжатлари банкка келиб тушган кун бунга кирмайди. Тўлов талабномаси орқали ҳисоб-китоб бажариш ишлари 11,1 расмдаги чизма тасвирда кўрсатилган бўлиб, бунда:

1-юк жўнатиш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш; 2,3,4 — тўлов талабномасининг ёзилиши ва мол етказиб берувчи билан мол олувчига хизмат кўрсатаётган банклар орқали ушбу талабноманинг пул тўловчига юборилиши: 5- тўлов талабномаси бўйича акцентни тўлаши ёки рад этиш;

6- харидорга хизмат кўрсатаётган банкка акцент тўлашни рад этганлиги ҳақида ариза тақдим этилиши; 7- мол етказиб берувчига хизмат кўрсатаётган банкка акцентланган тўлов талабномасининг юборилиши ва мол етказиб берувчининг ҳисоб рақамига маблағларнинг ўтказилиши (ҳисоб рақамда маблағ йўқлиги ҳолатида тўлов талабномасининг 2-сон картотекага киритиб қўйилиши): 8,9 — мол етказиб берувчининг ҳисоб-китоб (жорий ҳисоб) варақасига маблағларни қўшиш.

Тўлов топшириқлари ҳисоб-китоблар тизимида катта аҳамиятга эга. Тўлов топшириғи бу— корхона ўз ҳисоб рақамидан маълум пул миқдорини ўтказиб бериш ҳақида хизмат кўрсатаётган банкига берган топшириғидир. Топшириқ ёзиб берилган кунидан сўнг ўн кун мобайнида амал қилади. Банк билан пул тўловчи ўртасида бошқа шартлашув йўқлиги ҳолатида топшириқ пул тўловчининг ҳисоб рақамида маблағ мавжуд бўлганидагина банк томонидан ижро этиш учун қабул қилинади. Мол етказиб берувчи ва харидор ўртасида доимий бир текисдаги таъминот мавжудлигида тўлов топшириқларидан фойдаланиб шартномага асосан режали тўловларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мол етказиб берувчи билан истеъмолчи ўртасида тузилган шартномада муддатли, муддатидан илгари, муддати узайтириб берилган тўлов топшириқларининг қўлланиши кўрсатилган бўлиши мумкин. Муддатли тўловга қуйидагилар киради: мол юклаб жўнатилганидан илгари ёки юклаб жўнатилганидан сўнг, яъни тўғридан-тўғри акцентлаш орқали бўнак тўловини бериш ҳамда йирик келишувлардаги қисман тўловлар. Муд-

датидан илгари берилувчи ва муддати узайтириб берилган тўловлар шартномада кўрсатилиши шарт бўлиб, улар томонларнинг молиявий ахволига зиён етказмаган ҳолатларидагина қўлланади. Тўлов топшириқлари орқали ҳисоб-китоб бажариш ишларининг чизма тасвири 11.2 расмда келтирилган. Бунда: 1-мол юклаб жўнатиш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш; 2- шартнома шартларига кўра пул тўловчи талонидан тўлов топшириғининг ёзиб берилиши (бўнак тўлови, тўғридан-тўғри акцент, қисман тўловлар):

3- харидорга хизмат кўрсатаётган банкка.



11.2 расм. Тўлов топшириғи орқали ҳисоб-китоб бажариш чизма тасвири.

Тўлов топшириғининг тақдим этилиши (ёзиб берилганидан сўнг 10 кун мобайнида);

4- пул тўловчига хизмат кўрсатаётган банкдаги ҳисоб рақамдан мол етказиб берувчига хизмат кўрсатаётган банкдаги ҳисоб рақамга маблағларнинг ўтказиб берилиши;

5- пул тўловчининг ҳисоб-китоб (жорий ҳисоб) рақамидан маблағлар бериб юборилгани ҳақида кўчирма; 6-мол етказиб берувчининг ҳисоб-китоб (жорий ҳисоб) рақамига маблағ қўшилгани ҳақида кўчирма.

Ҳозирги кунда умумий тўлов муомаласида чекларнинг салмоғи бир неча фоиздан иборат бўлганига қарамасдан, улар ҳисоб-китоб ишларининг энг истиқболи шакли сифатида тан олиниши лозим. Чеклар чек берувчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан таъминлангани муҳим аҳамият касб этади. *Таъминлаш* воситаси сифатида қўйидаги маблағлар хизмат қилиши мумкин: чек берувчи томонидан алоҳида ҳисоб рақамда депонент қилинган маблағлар; чек берувчи билан банк ўртасидаги келишувга мувофиқ банк томонидан чек беришда кафолатланган миқдордан юқори бўлмаган чек берувчининг жорий ёки ҳисоб-китоб рақамидаги маблағлари.

Бунда банк кафолати қуйидаги мазмунга эгадир: чек берувчининг ҳисоб рақамида вақтинча маблағ йўқлиги ҳолатида банк ўз маблағлари ҳисобига чек бўйича пул тўлайди. Одатда банк кафолати чекланган бўлади. Ҳисоб-китоб чеклари бўйича банк томонидан лимит ўрнатилади ва шу лимит чегарасида банк чек бўйича пул тўланишини кафолатлайди. Шунинг учун мол етказиб берувчи корхона тўлов учун қабул қилаётган чекларнинг миқдори чекланган доирадан ортиқча эмаслигига ишонч хосил қилиши керак бўлади.

Корхона қабул қилган чекларни индоссамент қила олмайди, яъни бошқа юридик шахс эгалигига топшириши мумкин эмас. Шунингдек, *индоссамент воситасида чек берувчи* томонидан мол етказиб берувчига чекларнинг берилиши ҳам таъқиқланади. Тўлов муомаласида чекларнинг қўлланиши уларнинг муомалада юриш ва ёзиб бериш шартлари бузилишидан ҳамда сохталаштириш хавфидан юқори даражада *ҳимоялангган* бўлишини талаб қилади. Чеклар ҳисоб-китобларни анча тезлаштиради ва тўлов муомаласини нормаллаштиришга имкон беради, шунинг учун улар жуда маъқулдир.

Чеклар қимматли қоғоз ҳисобланади, шунинг учун жисмоний шахслар ўртасида чек билан ҳисоб-китоб қилиш таъқиқланади. Бироқ чеклардан юридик шахслар ҳам, жисмоний шахслар ҳам фойдаланиши мумкин. Чек дафтарчасини олиш учун корхона томонидан банкка ариза тақдим этилади. Аризага корхона ҳисоб рақами бўйича амалиёт бажариш учун имзо чекиш ҳуқуқига эга шахсларнинг имзолари чекилади ва муҳр босилади. Чек берувчи томонидан алоҳида ҳисоб рақамга маблағларни депонент қилиш зарурати туғилгани ҳолатида корхона ариза билан биргаликда чек берувчининг алоҳида шахсий ҳисоб рақамига маблағ ўтказиш ҳақида тўлов топшириғини тақдим этади.

Чек 10 кун муддатида чек қабул қилувчи томонидан тўлов учун тақдим қилиниши шарт.

Банк чек билан биргаликда мижозга шахсни танитиб берувчи ёки чек варақасини беради. Чек варақаси ҳар бир ёзиб берилган чек бўйича чек берувчи шахсни танитиб беришга ёрдам қилади. Чек варақасининг юз тарафида чеклар эгаси ҳақида маълумот кўрсатилади, хусусан: чек ёзиб берган банкнинг номи ва манзили, чек дафтарчасининг тартиб рақами, юридик ёки жисмоний шахснинг исми, чек берувчининг имзоси, чек берувчи жисмоний шахснинг паспорт маълумотлари. Чек варақасининг тескари тарафида қуйидагича ёзув жойлаштирилади: «Қуйидаги шартларга риоя этилгани ҳолатида бизга трассат тартибида берилган чек бўйича пул тўланишини кафолатлаймиз» ва бундан кейин мазкур шартлар ҳисоблаб ўтилади: чек ёзиб берилиши мумкин бўлган доирадаги энг юқори пул миқдори; чек берувчининг имзоси чек варақасидаги имзо намунасига мувофиқлиги; чек берувчининг ҳисоб рақамига тегишли тартиб рақамлар чек дафтарчасида кўрсатилган тартиб рақамларга мувофиқлиги ва бошқалар. Чек бўйича доимо унда кўрсатилган тўлиқ миқдор ҳажмида пул тўланади ва бу учун хизмат ҳақи олинмайди.

Чек берувчи ва чек сақловчиларга хизмат кўрсатаётган банклар ўзаро вакиллик муносабатда бўлгандари ёки бир банкнинг филиаллари эканлиги ҳолатида пули тўланган чекларга оид ҳисоб-китоблар бевосита банклар томонидан амалга оширилади. Вакиллик алоқалар йўқлигида чек сақловчига хизмат кўрсатаётган банк пул олиш учун чекни ҳисоб-китоб-касса

марказига топширади. Банк ёки чек сақловчи шахс чеклар рўйхатини тузади, зеро чекнинг асл нусхаси чек сақловчининг банкига хизмат кўрсатаётган ҳисоб-китоб-касса марказида сақланади.

Мол етказиб берувчининг банкига хизмат кўрсатаётган ҳисоб-китоб-касса маркази чеклар рўйхатининг биринчи ва иккинчи нусхаларини дебет авизоси билан биргаликда чек берувчининг банкига хизмат кўрсатаётган ҳисоб-китоб-касса марказига жўнатади. Пул тўловчига хизмат кўрсатаётган ҳисоб-китоб-касса маркази дебет авизоси билан биргаликда берилган чеклар рўйхатига асосланиб пул тўловчининг банкдаги ҳисоб рақамидан дарҳол маблағларни чиқариб юборади. Пул тўловчига хизмат кўрсатаётган банк ҳисоб-китоб-касса марказидан олинган чеклар рўйхатига асосланиб чек берувчининг ҳисоб рақамидан маблағларни чиқариб юборади.

Чеклар рўйхатида қуйидаги маълумотлар бўлади: пул тўловчига хизмат кўрсатаётган банкнинг номи ва зарур бўлган ҳолларда банк номи ҳамда тартиб рақами; чек берувчининг ҳисоб рақами, чек миқдори, чекнинг тартиб рақами.

Тўлов учун чек қабул қилган молиявий менежер қуйидагиларни текшириб олиши лозим: чек миқдорининг кўрсатилган энг кўп доирадаги пул миқдорига мувофиқ келиши, чек берувчининг ҳисоб рақами чекдаги ва чек варақасидаги рақамларга мослиги, паспорт маълумотларини.

Тўлов учун қабул қилинган чекда мол етказиб берувчининг имзоси қўйилади ва тўртбурчак муҳр имзоси босилади, шундан сўнг чек тўлов учун банкка топширилади. Чек воситасида ҳисоб-китоб қилиш ишларининг чизма тасвири 11.3 расмда келтирилган. Бу ерда 1— чек дафтарчасини олиш учун харидор томонидан ариза берилиши ва маблағларни депонентлаш учун тўлов топширилиши; 2— чек берувчининг ҳисоб-китоб (жорий) ҳисоб рақамидан шахсий ҳисоб рақамига депонентланган пул миқдорининг қўшиб қўйилиши;

3— кўрсатилган шартларга риоя этилган ҳолда банкка трассат қилинган ва чек тўлови бўйича кафолат берилган чек варақаси ва чек дафтарчасининг олиниши; 4— мол маҳсулот жўнатилиши, иш бажарилиши, хизмат кўрсатилиши; 5— мол етказиб берувчига чекнинг топширилиши; 6— мол етказиб берувчи томонидан унга хизмат кўрсатаётган банкка чекнинг



11.3 расм. Чек билан ҳисоб-китоб қилиш чизма тасвири.

тақдим этилиши ва чеклар рўйхатининг тузилиши; 7— мол етказиб берувчига хизмат кўрсатаётган банк томонидан ҳисоб-китоб-касса марказига чекнинг топширилиши (пул тўловчига хизмат кўрсатаётган банк билан вакиллик алоқалари йўқлиги ҳолатида) ва чек бўйича ҳақ тўлаш; 8— мол етказиб берувчининг банкига хизмат кўрсатаётган ҳисоб-китоб-касса маркази томонидан пул тўловчининг банкига хизмат кўрсатаётган ҳисоб-китоб-касса марказига чеклар рўйхатини ва дебет авизосининг жўнатилиши; 9— пул тўловчининг банкига хизмат кўрсатаётган ҳисоб-китоб-касса маркази томонидан пул тўловчининг ҳисоб рақамидан маблағларнинг чиқариб юборилиши ва чеклар рўйхатининг унга топширилиши; 10— пул тўловчининг банки томонидан ҳисоб-китоб-касса марказидан олинган чеклар рўйхатига асосланиб чек берувчининг ҳисоб рақамидан депонентланган маблағларнинг чиқариб юборилиши; 11— пул тўловчининг банкига хизмат кўрсатаётган ҳисоб-китоб-касса маркази томонидан мол етказиб берувчининг банкдаги ҳисоб рақамига маблағ ўтказиб берилиши; 12— мол етказиб берувчига хизмат кўрсатаётган ҳисоб-китоб-касса маркази томонидан мол етказиб берувчининг банкдаги ҳисоб рақамига маблағ қўшиб ёзилиши; 13—маблағ келиб тушганлиги ҳақида мол етказиб берувчининг ҳисоб-китоб (жорий) ҳисоб рақамидан кўчирма берилиши; 14— маблағ чиқариб юборилгани ҳақида чек берувчининг ҳисоб-китоб (жорий) ҳисоб рақамидан кўчирма берилиши.

Тўлов талабнома- топшириқлари орқали ҳисоб-китоб қилиш ишлари ўзига хос афзалликларга эга. Уларнинг алоҳида хусуситлари қуйидагилардан иборатки, мол етказиб берувчининг харидорга нисбатан шартнома асосида етказиб берилган маҳсулот, мол, хизмат бўйича қиймат ҳақини тўлаш юзасидаги талаби учун мол етказиб берувчига хизмат кўрсатаётган банк томонидан пул тўловчига хизмат кўрсатаётган банкка юборилган ҳисоб-китоб ва юк жўнатиш ҳужжатлари асос бўлиб хизмат қилади.

Мол етказиб берувчининг манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида пул тўловчига бериладиган юк ҳужжатлари етказиб берилган юк учун ўз вақтида ҳақ тўланишига боғлиқ равишда топширилади. Харидорнинг банки пул тўловчига мол етказиб берувчидан олинган талабнома— топшириқни беради



11.4 расм. Тўлов талабнома— топшириқлари орқали ҳисоб-китоб қилиш ишларининг чизма тасвири.

холос, юк ҳужжатлари эса пул тўловчининг ҳисоб рақамига *тегишли картотекада қолдирилади. Тўлов талабнома— топшириғи* бўйича қисман ёки тўлиқ ҳақ тўлашга розилик, билдирилгани ҳолатидагина банк пул тўловчининг ҳисоб рақамидан маблағларни чиқариб юборади ва мол учун тўлов ишларини бажаришга қабул қилинганлиги тўғрисидаги тилхат сифатида юк ҳужжатларини пул тўловчига қайтариб беради. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, тўлов талабнома— топшириқлари орқали ҳисоб-китоб бажариш ишлари ҳисоб-китоб амалиётларини тезлаштира олмайди, лекин мол етказиб берувчига маълум афзалликлар яратади. Ушбу шаклни, аввалгидек, пул тўловчининг масъулиятини ошириш, ҳужжат муомаласини тезлаштириш, тўловни рад этиш шартларини тартибга келтириш, молиявий жазо чораларни қўллаш борасида янада мукаммаллаштириш лозим бўлади.

Тўлов талабнома- топшириқлари орқали ҳисоб-китоб қилиш ишларининг чизма тасвири 11,4 расмда келтирилган. Бу ерда: 1— мол етказиб борувчи билан мол олувчи ўртасида тузилган шартномага асосан мол жўнатилиши, иш бажарилиши, хизмат кўрсатилиши: 2,3,4— мол етказиб берувчи томонидан тўлов талабнома—топшириғининг ёзиб берилиши ва мол етказиб берувчи ҳамда мол олувчига хизмат кўрсатаётган банклар орқали пул тўловчига юборилиши; 5— харидорга хизмат кўрсатаётган банкдаги 1-сонли картотекада юк ҳужжатларининг сақланиши; 6—харидор томонидан унга хизмат кўрсатаётган банкка акцептланган тўлов талабнома топшириғининг тақдим этлиши; 7— пул тўловчига хизмат кўрсатаётган банк томонидан мол етказиб берувчига хизмат кўрсатаётган банкка акцептланган тўлов талабнома— топшириғининг жўнатилиши ва мол етказиб берувчининг ҳисоб рақамига маблағ ўтказиб берилиши; 8— ҳисоб-китоб (жорий) ҳисоб рақамига маблағ қўшиб қўйилгани тўғрисида мол етказиб берувчига хабарнома берилиши; 9— юк ҳужжатлари ва акцептланган тўлов талабнома— топшириғи учини нусхасининг пул тўловчига топширилиши.

Айрим молиявий амалиётларни бажаришда турлича ҳисоб-китоб шаклларини қўллаш хусусиятлари намоён бўлади. Масалан мол етказиб берувчи томонидан юклаб жўнатилмаган молмаҳсулот, бажарилмаган иш ва кўрсатилган хизматлар учун

олдиндан ҳақ тўлаш кўринишидан пул тўловчининг топшириқлари бўйича маблағ ўтказиши билан боғлиқ ҳолда вужудга келган қарздорликни қайтариш учун мол етказиб берувчи ҳамда иш ва хизмат ижрочиларининг тўлов топшириқлари бўлиши шарт. Бошқа сўз билан айтганда дебиторлик қарз мавжуд бўлгани ҳолатида корхона тўлов талабномаларни ёки талабнома—топшириқларни қўллаб ушбу қарздорликни ундириб олишга ҳақи йўқ.

Пул тўловчидан банкка келаётган тўлов талабнома— топшириқлари, тўлов талабномалари бўйича харидор томонидан фақат дастлабки акцепт тартибида ҳақ тўланади. Қолаверса ушбу ҳисоб-китоб ҳужжатлари пул тўловчидан акцепт олинганига қадар бўлган пайтгача 1-сонли картотекага («Ҳисоб-китоб ҳужжатлари, тўлов учун акцептланиши лозим бўлган ҳужжатлар балансдан ташқари ҳисоб рақамга тегишли картотекага) жойлаштирилади.

Акцепт муддати уч ишкунидан ташкил топади. Шартномага риоя этилмаганлиги ҳолатида пул тўловчи тўлов талабномаларини акцептлашдан бош тортишга ҳақли бўлади ва шартноманинг тегишли бандини кўрсатган ҳолатда бир тортишлик сабабини аризада кўрсатиши шарт. Тўлов талабномаларини акцептлашдан бош тортишлик важи белгиланган муддатда олинмагани холатида тўлов талабномалари акцептланган ҳисобланади ва пул тўловчи томонидан улар бўйича ҳақ тўланиши шарт.

Тўлов талабномалари орқали ҳисоб-китоб қилишда акцептлашдан бош тортишлик важи белгиланган шаклдаги ариза билан расмийлаштирилади.

Тўлов талабнома-топшириқлари орқали ҳисоб-китоб қилишда пул тўловчининг ҳақ тўлашга берган розилиги ҳисоб-китоб ёки жорий ҳисоб рақамидан фойдаланишга ваколатли бўлган шахсларнинг имзолари билан расмийлаштирилади ва муҳр изи босилади.

Тўлов талабнома-топшириқларининг бир нусхаси назорат учун 1-сонли картотекага жойлаштирилади. Банк томонидан уч иш куни мобайнида тўлов талабнома-топшириқлари бўйича тўловчининг акцепти олинмагани ҳолатида улар мол етказиб берувчининг банкига қайтариб жўнатилади ва ҳисоб-китоб ҳужжатлари акцептланмагани кўрсатиб ўтилади. Акцепт-



11.5 расм. Аккредитив орқали ҳисоб-китоб қилиш ишларининг чизма тасвири.

дан бош тортишлик важи асосланганн юзасидаги масъулият пул тўловчиларнинг зиммасига юклатилади.

Баъзи ҳолларда мол етказиб берувчи билан пул тўловчи ўртасидаги ҳисоб-китоб ишлари учун аккредитивлар қўлланади.

Аккредитив бу— банк томонидан мижознинг топшириғига кўра шартнома бўйича Контрагентнинг фойдасини кўзлаб бериладиган шартли пул мажбуриятидир.

Молиявий менежер тўловларни тезлатиш, хоҳланмаган қарздорликларни камайтириш, битимига риоя этилмаганида мол етказиб берувчиларга таъсир кўрсатиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб шаклларини танлашга ўз таъсирини ўтказади.

Аккредитив орқали ҳисоб-китоб қилиш ишларининг чизма тасвири 11,5 расмда келтирилган. Бу ерда: 1— мол юклаб жўнатишга тайёр эканлиги ҳақида харидорнинг хабардор этилиши; 2— харидор томонидан ўзига хизмат кўрсатаётган банкка аккредитив очиш тўғрисида ариза берилиши;

3— пул тўловчига хизмат кўрсатаётган банкда «Тўловга қабул қилинган аккредитивлар» балансдан ташқари ҳисоб рақамининг очилиши; 4— аккредитив бўйича тўлов бажариш учун мол етказиб берувчига хизмат кўрсатаётган банкка маблағ ўтказилиши; 5— мол етказиб берувчига хизмат кўрсатаётган банкда «Аккредитивлар» баланс ҳисоб рақамининг очилиши; 6— аккредитив очилгани ҳақида мол етказиб берувчининг хабардор этилиши; 7— мол юклаб жўнатилиши; 8— чеклар рўйхатининг ёзиб берилиши; 9— мол етказиб берувчи хизмат кўрсатаётган банкка аккредитив шартларида кўзланган чеклар рўйхати, юк жўнатиш ва бошқа ҳужжатларнинг тақдим этилиши; 10— мол етказиб берувчи томонидан аккредитив шартларига риоя этилиши ва чеклар рўйхатининг тўғри расмийлаштирилиши юзасидан мол етказиб берувчига хизмат кўрсатаётган банк томонидан текшириш ўтказилиши; 11— мол етказиб берувчига хизмат кўрсатаётган банк томонидан мол етказиб берувчининг ҳисоб рақамига маблағ ўтказилиши ва чеклар рўйхати бўйича тўлов бажарилиши; 12— мол- транспорт ҳужжатларининг пул тўловига хизмат кўрсатаётган банкка топширилиши; 13— «Тўлов учун қабул қилинган аккредитивлар» ҳисоб рақамидан депонетланган пул миқдори ҳисо-

бига маблағ чиқариб юборилиши; 14— мол олувчига хизмат кўрсатаётган банк томонидан пули тўланган ҳисоб рақамлар рўйхатининг пул тўловчига топширилиши.

11.4. КАССА АМАЛИЁТЛАРИ

Касса амалиётлари нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишда қўлланади.

Нақд пул билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун ҳар бир корхонада касса мавжуд бўлиши ва белгиланган шаклда касса дафтари юритилиши шарт. Аҳоли билан ҳисоб-китоб қилишда нақд пулларни қабул қилиши ишлари назораткасса машиналари воситасида бажарилиши шарт. Корхоналар томонидан банклардан олинган нақд пуллар чекда кўрсатилган мақсадларга сарфланиши мумкин. Корхоналарнинг кассаларида корхона раҳбари билан келишилган ҳолда банк томонидан ўрнатилган лимит чегарасида нақд пул сақланиши мумкин. Зарурат туғилганида касса лимитлари қайта кўриб чиқилади. Ўрнатилган лимитдан ошиқча бўлган кассадаги нақд пул қолдиклари корхона томонидан унга хизмат қилаётган банкка шу банк билан келишилган холда белгиланган тартибда ва муддатларда топширилиши шарт.

Бугунги кунда қуйидаги келтирилган нақд пулларни инкассация қилиш услублари белгиланган: кундузги ва кечки банк кассалари орқали; кейинчалик банк кассаларига топшириш учун корхоналар қошидаги бирлашган кассаларга инкассаторлар ёрдамида пулларни тўплаш орқали; шартнома асосида алоқа корхоналари орқали банкдаги ҳисоб рақамларга пул ўтказиш.

Доимий пул тушумига эга бўлган корхоналар банк билан келишилган тарзда тушумларини ахолида кишлоқ хўжалик маҳсулотлари, бўш идиш, ва мол-маҳсулот сотиб олиш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш учун сарфлашлари мумкин. Бўлгуси сарф-харажатлар амалга оширилишигача бўлган вақтда корхоналар ўз кассасида белгиланган лимитдан ортиқча нақд пулларни сақлаш ҳуқуқига эга эмаслар. Корхоналар ўз кассаларидаги лимитдан ортиқча нақд пулларни меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий суғурта бўйича ёрдам пулларини ва стипендия тўлаш

учун уч иш кунидан ортиқ бўлмаган вақт мобайнида сақлашга ҳақлидирлар.

Корхона кассасидаги нақд пуллар корхона раҳбари томонидан белгиланган миқдорларда ва муддатларда ҳисобот бериш шарти билан хўжалик — амалиёт харажатлари учун берилади. Ҳисобот бериш шарти билан пул олган шахслар пул берилган муддат тугаганидан кейинги уч иш кунидан кеч бўлмаган вақт ичида корхона бухгалтериясига сарфланган пуллар юзасидан ҳисобот тақдим этишлари ва буткул ҳисобкитоб қилишлари шарт. Ҳисоботдор шахс илгари берилганбўнак пуллари бўйича тўлиқ ҳисобот қилганидан кейингина ҳисобот бериш шарти билан кассадан нақд пул олиши мумкин. Ҳисобот бериш шарти билан олинган пуллар бир шахсдан иккинчи шахсга бериб юборилиши мумкин эмас.

Нақд пуллар корхона бош бухгалтери имзолаган кирим касса ордерлари бўйича корхона кассасига қабул қилинади. Пул қабул қилинганн тўғрисида кирим касса ордерига тегишли квитанция берилади.

Чиқим касса ордерига тегишли зарур маълумотлар ёзилган тўртбурчак муҳр билан тегишлича расмийлаштирилган ва корхона раҳбари ҳамда бош бухгалтери томонидан имзоланган чиқим касса ордерлари, тўлов қайдномалари, ариза ёки ҳисобварақалари бўйича корхона кассасидан нақд пуллар берилади.

Меҳнат учун ҳақ, ижтимоий суғурта бўйича тўловлар ва стипендиялар ҳар бир пул олувчига чиқим касса ордери тузилмасдан тўлов қайдномалари бўйича бериб юборилади.

Кирим ва чиқим касса ордерлари ёки уларнинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатлар кассага топширишдан олдин махсус қайд-дафтарга қайд қилинади, тўлов қайдномалари бўйича расмийлаштирилган чиқим касса ордерлари эса бериб юборилганидан сўнг қайд қилинади. Барча нақд пул тушумлари ва чиқимлари касса дафтарида акс эттирилади.

Корхонада касса амалиётларини юритиш тартибига риоя этилаётгани юзасидан банклар мунтазам текшириш ўтказадилар. Бунда қуйидагилар назорат этилади:

— касса дафтарини юритиш тартиби;

— кассадаги банкдан олинган нақд пулларнинг тўлиқ кирим этилгани (хўжалик фаолияти натижасида олинган пуллар-

нинг корхона кассасига тўлиқ кирим этилгани солиқ қонунчилигига риоя этилиши юзасидан солиқ ташкилотлари ўтказадиган текширишлар жараёнида назорат қилинади);

— банкдан олинган нақд пулларнинг қайси мақсадларга сарфланаётгани;

— тушум пулларининг сарфланиши;

— касса қолдиқлари лимитига, нақд пулларни топшириш муддатлари ва тартибига риоя этилаётгани; муддатида берилмаган пулларнинг ўз вақтида банкка қайтарилиши.

Касса қолдиғи лимити қуйидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинади: охирги уч ойда кутилаётган ёки ҳақиқатдаги нақд пул тушумининг ҳажми; ўртача кунлик тушум; ўртача соатлик тушум; меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий-меҳнат тўловларидан ташқари охирги уч ойдаги нақд пул тўловлари; ўртача кунлик сарф-харажатлар; кунларда ҳисобланган тушум топшириш муддати; корхонанинг иш соатлари; тушумни инкассация қилиш вақти. Ушбу маълумотлар хизмат кўрсатувчи банкка тақдим этилади.

11.5. ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ТАШКИЛЛАШ

Амалдаги қонунчиликка кўра корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китоблар тижорат банклари ва бошқа кредит муассасалари томонидан амалга оширилади. Аксарият холларда пул тўловчи ва пул олувчиларга турли-бўлак тижорат банклари хизмат кўрсатганлиги муносабати билан банклар ўртасидаги ўзаро алоқалар табиати ўзгача аҳамият касб этади.

Ҳисоб-китоб ишларини бажариш учун ҳар бир банк муассасасига Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)да тегишли баланс ҳисоб рақамида вакиллик ҳисоб рақами очиб берилади. Ҳисоб-китобларни ташкиллаш юзасидаги ўзаро муносабатлар тартиби банк билан ҲККМ ўртасида тузилган вакиллик муносабатлари ҳақидаги қонунчилик ва меъёрий шартномалар орқали мувофиқлаштирилади. Бир банкнинг мижозлари ўртасидаги ҳисоб-китоблар вакиллик ҳисоб рақамини четлаб мижоз ҳисоб рақамидан маблағларни чиқариб юбориш ёки унга маблағ қўшиш орқали амалга оширилади.

Вакиллик ҳисоб рақамларининг қушимча пул билан таъминланиши банк муассасаси номига келаётган маблағларнинг ушбу ҳисоб рақамларга қўшилиши ва банкларароо кредитлар ҳисобига амалга оширилади. Вакиллик ҳисоб рақами бўйича дебет қолдиғи вужудга келиши холатларида тижорат банки ҳар кунлик дебет қолдиғи миқдорига қўшиб ҳисобга киритилувчи фоизларни тўлайди.

Банк муассасалари ўртасидаги ҳисоб-китоблар уларнинг ҲККМда очилган вакиллик ҳисоб рақамларида акс эттирилади. Тижорат банклари томонидан бажарилган амалиётлар бўйича ҲККМ лар ўртасидаги ҳисоб-китоблар ҳамда ҲККМ ларнинг ўз амалиётлари филиалларароо маблағ айлануви ҳисоб рақами орқали амалга оширилади. Филиалларароо ҳисоб-китоблар филиалларароо маблағ айлануви (ФМА) бўйича авизо воситасида амалга оширилади.

Клиринг бу — ўзаро талаб ва мажбуриятларга кўра қарз суришиш амалиётига асосланган нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимидир. Ўзаро қарз суришиш борасида банклар билан бир қаторда амалиёт бажариши мумкин бўлган клиринг муассасалари амалдаги қонунчиликда кўзланган турли ташкилий — ҳуқуқий шаклларда барпо этилади ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг лицензияси асосида фаолият кўрсатадилар.

Клиринг муассасалари воситасида бир қатор муҳим муаммолар ҳал этилади, хусусан:

— банклар ўртасидаги ҳисоб-китоб ишларини тезлатиш ва оптималлаштириш;

— вексел муолмаласини ва кредит варақаларини ривожлантириш;

— бўш пул маблағларидан энг самарали тарзда фойдаланиш;

— илғор технологияларни тадбиқ этиш;

— замонавий банк ахборот инфратузилмасини барпо этиш;

— маълумотларни берухсат олиш, ишлатиш, бузиб кўрсатиш, сохталаштириш, сақлашдан ишончли ҳимоялаш;

— маълумотлар ишончлиги юзасидан назорат.

КЛИРИНГНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ ТАЪМИНЛОВЧИ АМАЛИЁТЛАР қаторига қуйидагилар киради:

— мижозларнинг ҳисоб-китоб ҳужжатларини электрон шаклда қабул қилиш;

— магнитли маълумот ташувчи воситалардаги ҳисоб-китоб ҳужжатларини ўқиш ва улар билан ишлаш;

— пул тўловчи ва пул олучиларнинг банклари ҳақиқатда мавжудлиги тўғрисида клиринг муассасасида маълумот борлиги ва қабул этилаётган ҳисоб-китоб ҳужжатларининг шу маълумотларга мувофиқлиги юзасидан назорат ишлари;

— пул тўловчининг банк ҳисоб рақамида аризадаги кўрсатилган тўлов пул миқдорининг мавжудлигини назорат қилиш;

— клиринг муассасаси мижозлари учун ҳисоб рақамлар очиш ва жорий қилиш;

— дастлабки ва якуний ҳисоб-китоб ҳужжатларини тегишли ҳисоб рақамга ўтказиш ва жўнатиш учун саралаш;

— ўзаро тўловларни бажарган холда мижозларнинг ҳисоб рақамлари бўйича ҳисоб-китоб ҳужжатларини жўнатиш, жамлама авизоларни шакллаш;

— валюта курсини қайта ҳисоблаш;

— мижозларнинг ҳисоб рақамлари бўйича кўчирмалар тайёрлаш ва уларни мижозларга ҳамда вакил банкларга тарқатиш;

— амалиёт куни якунланганидан сўнг баланс тузиш;

— ҳисобот ҳужжатларини Марказий Банк муассасаларига топшириш.

Клиринг муассасалари бир қатор банк амалиётларини бажарадилар, хусусан:

— омонатга пул жалб қилиш ва кредит бериш;

— мижозлар ва вакил банклар учун ҳисоб рақамлар очиш ҳамда уларни юритиш;

— мижозлар ва вакил банкларнинг топшириқларига кўра ҳисоб-китоб бажариш;

— брокерлик ва консалтинг хизмат кўрсатиш;

— факторинг амалиётларини бажариш, шу ҳисобда мол-маҳсулот етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш юзасидан талаб қўйиш ҳуқуқига эгалик қилиш, талаб ижроси борасидаги таваккалчилик хавфини кўтариш ва уларни инкассация қилиш ҳамда мол-маҳсулот харакати юзасидан назорат олиб бориш;

— лизинг амалиётлари;

— траст амалиётлари.

Молиявий менежер банкнинг мустаҳкам ўрни, мижозлар таркиби, ривожланиш стратегияси, мамлакат ичида ва ташқарисида вакиллик алоқалар мавжудлигига қараб ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб рақамларни очиш учун банк танлайди.

11.6. ЖОРИЙ ҚАРЗДОРЛИК

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилинганида мол-маҳсулот юклаб жўнатиш ва ҳақини тўлаш амаллари бир вақтда бажарилмаслиги тажрибадан кўриниб турибди. Бунинг оқибатида дебиторлик ва кредиторлик қарзлар вужудга келади. Хўжалик-молиявий фаолият натижасида ушбу қарздорликларнинг қисман пайдо бўлиши муқаррар бўлиб, биринчи навбатда бу тарров ва бўнак тўловларидир, лекин тўлов-ҳисоб китоб интизомининг бузилиши ҳам бунга сабаб бўлиши мумкин.

Дебиторлик қарз муддатида ҳақ тўламаслик, камомад, ўғирлик ёки ортиқча сарф, қимматликлар исроф этилиши натижасида вужудга келади. Юклаб жўнатилган маҳсулот, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб бўйича вақтида ҳақ-тўламаслик холлари охирги пайтларда кескин кўпайди. Бунинг оқибатида маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар айланувидаги маблағларининг катта қисмини ноаниқ вақтга маблағ айланувидан четда қолдирадилар.

Шу туфайли гумон остидаги қарзларга оид маблағ заҳиралари катта аҳамият касб эта бошлади. Ушбу заҳиралар баланс фойдаси ҳисобига шаклланади. Илгари гумонли деб тан олинган ва талаб қилиб олинмаган қарзлар корхона балансидан чиқариб юборилганида барпо этилган маблағ заҳираларининг ҳажми шунга мувофиқ миқдорда дебиторлар билан ҳисоб-китобларни қайд этиш ҳисоб рақамига боғлиқ тарзда камайтирилади. Гумонли қарзларга оид заҳирадаги сарфланган пул миқдорлари ушбу заҳира барпо этилгандан кейинги йилнинг фойдасига қўшилганида тегишли равишда заҳира миқдори камаяди ва солиққа тортилмайдиган фойда ҳажми ортади.

Гумонли қарзларга оид ташкил этилган маблағ заҳираси мол-маҳсулот, иш ва хизматларни сотишга доир бўнак тариқасида берилган айланма маблағларни тўлдириш манбаси си-

фатида хизмат қилади. Белгиланган муддатида қоплаңмаган ва юридик жиҳатдан тўла ҳуқуқли мажбурият ҳамда кафолат билан таъминланмаган дебиторлик қарзлар гумонли қарз қаторида кўрилади. *Дебитор томонидан бир йил мобайнида* қайтарилмаган қарзлар корхонанинг молиявий натижасига киритилади.

Молиявий менежер ҳар бир гумонли қарзга доир дебиторлик қарзни таҳлил қилади ва бунда қарздорнинг тўлов қобилиятини ҳамда унинг молиявий ахволини ҳисобга олади. Молиявий менежер заҳира жамғармасининг ҳажмини гумонли қарздорлик улушига мувофиқ бўлган миқдорга нисбатан белгилаб олинган фоиз шаклида ёки ҳар бир қарздорлик бўйича пул ажратмалари шаклида аниқлаб олади. Ушбу жамғармага солиққа тортилганидан олдинги фойда йўлланганги муносабати билан гумонли қарзларга оид маблағ заҳирасининг шаклланиши юзасидан назорат олиб бориш зарур.

Ҳар бир корхона муддатида тўланмаган дебиторлик қарз юзасидан ҳисоб юритиши ва ҳар чорақда дебитор-корхоналар рўйхатини тузиб, балансга илова тариқасида солиқ идоралари*га топшириши шарт.*

Ҳақдор корхона муддатида тўланмаган дебиторлик қарз ҳажмидан ортиқ бўлмаган боқиманда̀лик қарз миқдорига тенг ҳажмда бюджет тўловларини дебитордан ундириш учун солиқ идорасига ариза беради ва муддатида тўланмаган дебит рлик қарз юзасидан текширик тузилган далолатномани тақдим қилади.

Ҳақдор корхона дебитор корхона номига хабарнома жўнатиши шарт. Ушбу хабарномада муддатида тўланмаган дебиторлик қарз ҳисобига бюджет тўловлари учун боқиманда̀лик қарз ундирилиши айтиб ўтилади ва ундирилаётган пул миқдори муддатида тўланмаган дебиторлик қарз пайдо бўлишига оид ҳужжатнинг тартиб рақами ва санаси, қарздорлик тури кўрсатилади.

Ҳақдор корхона рўйхатга олинган жойдаги солиқ идоралари дебитор корхонанинг муддатида тўланмаган қарздорлик ҳисобига ҳақдор корхонага тегишли бюджет тўловлари бўйича ҳисоб-китоб қилиш имкониятларини ўрганиб чиқадилар ва вақтида пул ўтказилмагани учун қўшиб ҳисобланган жарима ҳамда пеняларни ўз ичига киритган бюджет тўловлари бўйи-

ча боқимондалик қарз ҳажмида ҳақдор корхона фойдасига мажбурий тартибда пул ундириб олишини юзасидан инкассо топшириғини ёзиб берадилар. Солиқ идораси инкассо топшириғининг барча нусхаларини мустақил равишда дебитор-корхона жойлашган ердаги солиқ идорасига етказиб беради ва ушбу топшириқ дебитор корхонага хизмат кўрсатаётган банкка тақдим этилади.

Қабул қилинган инкассо топшириғи банк томонидан махсус қайд дафтарда қайд этилади. Ёзувда топшириқнинг тартиб рақами ва санаси, қабул қилиш санаси, пул миқдори, ҳужжатни тузган солиқ идорасининг номи кўрсатилади ва банк бош бухгалтери ёки ўринбосари томонидан имзоланади.

Банк инкассо топшириғини қабул қилган кунидан кейинги бир иш кунидан кечикмаган муддатда дебитор корхонанинг ҳисоб-китоб (жорий) ҳисоб рақамида маблағ мавжудлиги холатида кўрсатилган пул миқдорини ҳисобдан чиқариб юбориши шарт. Ҳисоб-китоб рақамида маблағ йўқлиги холатида инкассо топшириғи «муддатида пули тўланмаган ҳужжатлар» *номли картотекага киритилади ва тўлов аниқ белгиланган муддат навбатида мажбурий тартибда амалга оширилади.* Солиқ идорасининг инкассо топшириғи банк айби билан ижро этилмагани холатида жазо чоралари қўлланилади.

Кредиторлик қарз аксарият холатларда мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоб бажаришда вужудга келади ва корхонага тегишли бўлмаган, лекин бирор-бир сабабли маблағ айланувига кириб қолган маблағлардан хўжалик-молиявий фаолиятда фойдаланишни билдиради. Кредиторлик қарз қуйидаги йўналишлар бўйича таҳлил этилса мақсадга мувофиқ бўлади:

— *акцептланган ёки тўлов муддати келмаган бошқа ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича;*

— мол етказиб берувчилар муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича;

— мол-маҳсулот бўйича;

— бюджет билан ҳисоб-китоблар бўйича;

— ўзаро талаб суришиш тартибидаги ҳисоб-китоблар бўйича;

— рўйхатланмасдан жўнатилган юк бўйича;

— тўлов муддати келмаган векселлар бўйича;

— муддатида тўлов берилмаган векселлар бўйича;
— олинган кредит бўйича.

Охирги пайтда кредиторлик қарз ҳажми кескин ортиб кетди. Ушбу холат умумий дебиторлик қарз кўпайиб бораётгани ва ҳисоб-китобларда маблағ айланувн анча секинлашгани шароитида кузатилмоқда. Амалга оширилган ўзаро қарз. Суришиш тадбирлари вақтинчалик вазиятни барқарорлаштирди, лекин қарздорлик пайдо бўлиши сабабларини бартараф этмади. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, тўловлар ва ҳисоб-китоб тизими иқтисодиётдаги, ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотиш жабҳаларидаги танг ахволни холисона акс эттиради.

Кредиторлик қарз корхоналарнинг қисқа муддатли мажбуриятлари қаторига киради. Айланма маблағлар ва қисқа муддатли мажбуриятлар ўртасидаги нисбат айланма маблағларни қоплаш коэффициентини ташкил қилади:

Кк = айланма маблағларнинг ўртача миқдори қисқа муддатли мажбуриятлар

Ушбу нисбат мол-моддий захиралари ва бозори чаққон қимматли қоғозлари кўп бўлмаган корхонада катта айланма маблағлар ва мол-моддий захираларга эга бўлган корхонадан кўра анча паст бўлиши мумкин.

Банк тизимининг, шу жумладан ҳисоб-китоб-касса марказлари, вексел муомаласи ривожланиши, клиринг хизмати тизими, узоқ муддатли инвестицияларни рағбатлаш, банклар сармоясидан унумли фойдаланиш ишларининг янада ислоҳ қилиниши бошқарилмайдиган қарздорликлар вужудга келиши сабабларини бартараф этишга кўмаклашади.

Айланувдан ташқари ва айланувдаги активлар йиғинди қийматининг баҳоланишига оид олиб борилган текширишлар шуни кўрсатадики, ушбу баҳо юқори харакатчанлик сифатига эга бўлиб, кескин тебраниши ҳам мумкин. Шу билан бир вақтда бу баҳо нафақат молиявий менежментнинг ички холатини, балки ташқи омиллар (қайта баҳолаш, индексация, ҳисоб-китоб шакллари, сарф-харажатларни қайд қилиш тартиби, фойдаланиш чиқимлари таркиби ва шу кабилар) таъсирини акс эттиради.

Корхона пул айланувнинг бошқарилишини молиявий таҳлил қилиш ишлари айланувидан ташқари ва айланувидаги активлар қиймат йиғинди баҳосининг шаклланишига оид қону-

ниятларни аниқлашга ёрдам беради. Келгуси бобда шу ҳақда гапирилади.

ҚАЙТАРИШ УЧУН АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

Айланма маблағлар
Ҳақиқий таннарх
ЛИФО услуби
Айланув тезлиги
ФИФО услуби
Ишлаб чиқариш таннархи
Савдо устамаси
Ишлаб чиқариш чиқимлари
Сотув тушуми
Баланс тузилмаси
Фойдаланиш чиқимлари
Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар
Касса амалиётлари
Тўлов талабнома-топшириғи
Чек
Тўловлар навбати
Кредиторлик қарз
Тўлов талабномаси
Тўлов топшириғи
Аккредитив
Дебиторлик қарз
Айланма маблағларни меъёрлаш

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Моддий манбаларнинг ҳақиқий таннархи қандай ҳисоб-китоб қилинади?

2. Айланма маблағларни баҳолашга оид ФИФО ва ЛИФО услубларининг қўлланиши билан қандай солиқ ва бошқа молиявий афзалликлар боғлиқ?

3. Савдо устамасининг катталиги қайси омиллар ёрдамида аниқланади?

4. Мол-маҳсулот таннархига оид қандай ўзгаришлар рўй бермоқда?

5. Айланма маблағларни меъёрлаш ишларидан қандай мақсад кўзланади?

6. Мол-маҳсулот етказиб бериш шартномасида қандай шартлар айтиб ўтилади?

7. Муддати аниқ кўрсатилган навбатли тўлов мазмуни нимадан иборат ва тўлов ҳужжатлари бўйича ҳисоб-китоб рақамидан тўлов ўтказишда қандай истисноларберилади?

8. Тўлов топшириқлари орқали ҳисоб-китоб қилиш хусусиятлари?

9, Чек билан ҳисоб-китоб қилиш амалиётининг истиқболлари.

10. Тўлов талабномаси воситасида ҳақ тўлаш.

11. Тўлов талабномаси ва тўлов талабнома топшириғи воситасида ҳисоб-китоб қилиш амалиётлари ўртасида қандай фарқ бор?

12. Аккредитив шаклидаги ҳисоб-китобларнинг афзаллиги ва ушбу шакл халқаро савдо-сотиқда нима учун кенг қўлланмоқда?

13. Нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишга нисбатан қандай талаблар қўйилади?

14. Банкларароо ҳисоб-китобларда ҲККМ ларнинг ўрни.

15. Нима сабабдан клиринг муассасалари ўзаро ҳисоб-китобларнинг тезлашувига кўмаклашади?

16. Гумонли қарзларга оид маблағ заҳиралари қай тарзда шаклланади ва сарфланади?

17. Ҳақдор фойдасига дебитордан пул ундириб олиш механизми нимадан иборат?

18. Кредиторлик қарз пайдо бўлиши сабабларини айтиб ўтинг.

19. Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги қандай баҳоланади? Иммобилизация нима?

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУСИ

— Айланма маблағларнинг унсурлар бўйича қиймат баҳоси.

— Нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари, қўллаш шарт-шароитлари, расмийлаштириш тартиби.

— Касса амалиётларини мувофиқлаштириш.

— Ҳисоб-китобларни ташкиллашда банкларнинг ўрни.

— Жорий қарздорликни бошқариш.

ХУЛОСА

1. Айланма маблағларнинг таркиби турли унсурлардан иборат бўлганлиги учун уларнинг қиймат йиғинди баҳоси унсурлар бўйича ҳисоб-китоб қилинади. Асосий баҳолаш кўрсаткичи — таннарх.

2. Молиявий натижаларни аниқлаш ва меҳнат натижаси қиймат баҳосининг эгтималлигини таъ олиш ишлари мол-маҳсулот, иш, хизматларни сотиш ва улар учун ҳақ тўлаш орқали амалга оширилади.

3. Ҳужжат муомаласи ва пул харакати тезлигини мол етказиб берувчи ва пул тўловчи ўртасидаги ҳисоб-китоб шакли белгилайди. Ҳисоб-китоб шакли мол-маҳсулот етказиб бериш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш ҳақидаги шартномада белгиланади. Хизматидан фойдаланиш учун банкни танлашда корхоналар барқарорлик ва ишончлилик тамойилларига асосланиб ҳамда бошқа банклар билан вакиллик алоқалар мавжудлигига қараб иш тутишлари лозим.

4. Корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзи жоиз бўлган чегара доирасидан чиқмаслиги зарур. Гумонли дебиторлик қарз ва муддатида тўланмаган кредиторлик қарз мавжудлиги мол етказиб берувчилар ва мижозлар томонидан молиявий ҳамда тўлов интизомига риоя этилмаётганидан далолат беради. Бинобарин салбий оқибатларни бартараф этиш учун зудлик билан тегишли чоралар кўрилиши лозим.

5. Айланма маблағлар муомаласининг тезлашуви уларнинг айланувдан буткул ва нисбатан холис бўлишига кўмаклашади. Муомала айланувининг секинлашуви эса айланма маблағлар иммобилизациясига олиб келади ва қарзга олинган ҳамда жалб этилган сармоянинг молиялаш манбаларидаги ҳиссасини орттиради.

12. ПУЛ САРМОЯСИ РЕЖАЛАШТИРИШ, ОПТИМАЛЛАШТИРИШ, ТАҲЛИЛ

Ушбу бобда қуйидагилар урганилади:

— савдо-воситачилик келишувлар диверсификациясининг сабаби нимада;

— режа асосида молиялашни таъминлаш;

— тўлов календари нима учун мўлжалланган;

— молиявий режа ва текширув балансининг мазмуни;

— ўз сармоянинг мувофиқлаштирилиши;

— сармоя тузилмасини оптималлаштиришга оид математик услублар;

— пул оқимларининг кўринишлари;

— молиявий аҳволга оид таҳлил кўрсаткичлари.

12.1. КЕЛИШУВЛАР МОЛИЯВИЙ НАТИЖАСИ

Айланувдан ташқари ва айланувдаги активлар қиймат йиғинди баҳосини ҳамда сармоя тузилмасини бошқаришдаги ўзаро алоқадорлик самараси тадбиркорлик фаолият молиявий натижалари орқали шаклланади. Сармоя тузилмаси, асосан, жамланган фойда ва жорий жамлаш меъёрларининг ҳажмига боғлиқдир.

Фойда — тадбиркорлик фаолиятининг асл мақсадидир, шунинг учун ҳам фойданинг ҳар бир тури ўз жамлаш меъёрларига эга бўлади. Фойданинг асосий манбаасини мол-маҳсулот, иш ва хизматларни сотишга оид келишувлар ташкил қилади. Бундай келишувлар бевосита маҳсулот ишлаб чиқарувчилар томонидан ҳам, воситачилар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ҳар бир тадбиркор ҳамда ишчи-ходимнинг келишув натижалари ва фойда кўрилишидаги шахсий манфаатдорлиги катта аҳамият касб этади. Шахсий манфаатдорлик ваколат доирасида ташаббускорлик билан харакат қилишга ва масала ечимини топишга ундайди. Бозор иқтисодиёти ушбу манфаатдорликни мулкдорлик муносабатлари билан боғлиқ тарзда меҳ-

нат натижаларининг турлича баҳоланишидан келтириб чиқаради, режа асосидаги иқтисодиёт эса жамият ва меҳнат жамоаси олдидаги юксак ижтимоий масъулиятни яратиш орқали бунга эришади.

Ўтмишдаги иқтисодий адабиёт манбааларидан турли соҳа ва фаолият жабҳаларида фойда кўришдаги шахсий манфаатдорлик мавжудлигига оид самарали амал қилган тизимлар яратилганлигига кўплаб мисоллар топишимиз мумкин. Йирик савдо-ишлаб чиқариш корхоналари томонидан сотув доирасини кенгайтириш мақсадида агентликлар тармоғининг яратилиши бунга ёрқин мисол бўлиб хизмат қилади.

Одатда шахсий манфаатдорлик ва ташаббус савдо-воситачилик амалиётларининг ҳуқуқий жиҳатдан аниқ-равшан мувофиқлаштирилишига ва келишувларнинг амалга оширилиши борасидаги маълум молиявий механизмига асосланади.

Молиялаш тартиби, шартлари ва шакллари кўп жиҳатдан сотувчи ва харидор ўртасида тузилаётган шартномага боғлиқ бўлади. Шартномани тузиш учун томонлардан бири оферта (шартнома тузиш таклифи) жўнатиши ва томонларнинг иккинчиси уни акцептлаши (таклифни қабул қилиши) зарур.

Оферта жўнатган шахс унинг акцептини олгани пайтидан бошлаб шартнома тузилган деб ҳисобланади.

Қонунга мувофиқ равишда шартномани тузиш учун мулк топшириш зарурлиги ҳолатида мулк топширилган пайтдан бошлаб шартнома тузилган деб ҳисобланади.

Давлат томонидан рўйхатга олиниши лозим бўлган шартномалар рўйхатга олинган пайтдан бошлаб тузилган деб ҳисобланади.

Қуйидаги кўрсаткичлар бўйича келишиб олиш талаб қилинади: нарх, етказиб бериш муддати, етказиб бериш даври, бўнак тўловларининг ҳажми ва муддатлари, фоиз тўлови даражаси, қарздорликни узиш услуби ва муддатлари.

Биржа савдосини ривожлантириш муаммоси сўнгги вақтда долзарб бўлиб келмоқда.

Қуйида энг кенг тарқалган биржа битим турлари келтирилган:

— чиндан мавжуд мол-маҳсулотга оид ҳуқуқ ва мажбуриятлар чинг ўзаро топширилиши;

— етказиб бериш муддатлари узайтириб берилган чиндан

мавжуд мол-маҳсулотга оид ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўзаро топширилиши;

— форвард битимлар;

— биржа мол-маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги намунавий шартномаларга оид ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўзаро топширилиши — фьючерс битимлар;

— биржа мол-маҳсулотлари ёки биржа мол-маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги шартномаларга оид ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг келажакда топширилиши борасидаги ҳуқуқни бериб юбориш — опсион битимлар.

Чинакам мавжуд мол-маҳсулот бўйича тузилган битим ва фьючерс битимларга оид молиявий ишларида катта фарқ бор. Чинакам мол-маҳсулот билан боғлиқ шартномалар қуйидагича тарзда тузилиши мумкин: шартнома имзоланган пайтда бозордаги мавжуд нарх бўйича бажарилган ҳисоб-китоб бўйича; мол-маҳсулот етказиб берилган пайтда бозордаги мавжуд нарх бўйича; маълум биржа даври учун мазкур биржада эълон қилинган маълумот кўринишидаги белгиланган нарх бўйича.

Фьючерс битимлар, асосан чиндан мавжуд мол-маҳсулотлари сотиб олиш мақсадида эмас, балки мол-маҳсулотни рўй бериши мумкин бўлган салбий нарх ўзгаришидан суғурталаш ёки битим тугатилганидан сўнг муддат бўйича ўзгариган нархдаги фарқни олиш учун тузилади.

Фойда олиш тартиби амалга оширилган биржа битимларининг хусусиятларига боғлиқ бўлади. Биржа битимлари воситачи томонидан ўз ҳисобига ёки ўз номидан мижоз ҳисобига ва мижоз номидан ҳамда мижоз ҳисобига — брокерлик фаолият кўринишида амалга оширилиши мумкин.

Келгусида биржада қайта сотиш мақсадида биржа воситачилари томонидан ўз номидан ва ўз ҳисобига амалга оширилувчи — дилерлик фаолият кўринишидаги битимлар фаол қўлланиб келинмоқда.

Биржанинг алоҳида хусусияти шундан иборатки, биржа савдосидаги мол-маҳсулот учун нарх-наво даражаси ва чегарасини ҳамда биржа келишувида иштирок этгани учун биржа воситачиси олиши лозим бўлган ҳақ миқдорини ўрнатишга биржа ҳақли эмасдир. Биржа фақат қуйидагиларни белгилайди: биржа воситачиси томонидан олинган хизмат ҳақидан биржа фойдасига ўтказилувчи пул ажратмалари ҳажмини ҳамда

мижозларга кўрсатилган хизмат учун биржа аъзолари ва биржа савдосининг бошқа иштирокчиларидан биржа фойдасига ундириб олинувчи пул йиғимлари, тариф ва бошқа тўловларни.

Маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар ва биржа воситачилари ўртасида ўзаро алоқа ўрнатиш вазифаси биржа савдоси учун энг мураккаб муаммодир. Молиявий менежментнинг ривожланиши ушбу алоқаларни узоқ муддатли ва барқарор изга қўйишни, рақобатчиликни ҳамда мол-маҳсулотга бўлган талаб ва таклифнинг мўътадиллигини таъминлашга имконият яратади.

Биржа савдосининг салмоғи кам бўлишига қарамасдан, бу ердаги фойда меъёри чакана савдо, шу ҳисобда улгуржи бўғимдаги шу каби кўрсаткичдан кўра бир неча баробар юқоридир. Кўрилган фойда биржаларнинг моддий-техника негизини ривожлантиришга сарфланади, бу эса шубҳасиз муҳим ва долзарбдир. Ушбу хусусда биржалар корхоналарнинг чакана ва улгуржи тармоқларига нисбатан яхшироқ вазиятда туради.

Молиявий менежер кўзланаётган молиявий натижалар, тўлов ҳужжатларига доир ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ва тўла меъёрда бажарилиши, шерикнинг ишончли эканлигига қараб қандай шаклдаги келишув танланишига таъсир кўрсатади.

12.2. МОЛИЯВИЙ РЕЖАЛАШ

Фойда кўриш омили унинг тақсимланиши ва келгусида сарфланишига асос бўлиб хизмат қилади. *Фойда тақсимлоши* молиявий режада ва пул маблаг жамғармаларининг ташкил этилиши ва сарфланиши юзасидаги харажатлар ҳисоб-китобида акс эттирилади. Кўп сонли ички ва ташқи омиллар таъсирини ҳисобга олган холатда харакатдаги кўрсатилган фойда тақсимлаш ва сарфлаш жараёни молиявий менежмент доирасида таҳлил этилади ва назорат қилинади.

Молиявий режа жаҳон тажрибасида бизнес-режанинг энг муҳим унсуридир. Молиявий режа аниқ инвестиция лойиҳалари ва дастурларини асослаш учун ҳам, жорий стратегик молиявий фаолиятни бошқариш учун ҳам тузилади.

Молиявий режанинг мазмунини: айрим кўрсаткичлар бўйича топшириқ сифатида ва корхона ривожланишига оид кўрсаткичларнинг мавжуд маблағ манбаалари билан ўзаро боғлиқлигини, такрор ишлаб чиқаришда иштирок этаётган маблағларнинг йиғинди қиймат баҳоси билан сарфланилмаган пул сармоясининг ўзаро муомаласини таъминловчи молиявий ҳужжат сифатида таърифласа бўлади.

Молиявий режалашнинг *асосий вазифаси* — мўътадил такрор ишлаб чиқариш жараёнини зарур молиялаш манбалари билан таъминлашдир. Қолаверса, мақсадли молиялаш манбаалари, уларнинг шаклланиши ва сарфланиши улкан аҳамият касб этади.

Иккинчи вазифа — акциядорлар ва бошқа инвесторларнинг манфаатларига риоя этиш. Инвестиция лойиҳасининг муфассал молиявий асосидан иборат бўлган бизнес-режа инвесторлар учун сармоя сарфлашга рағбат берувчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

Учинчи вазифа — бюджет, нобюджет жамғармалар, банклар ва бошқа кредиторлар олдидаги мажбуриятларнинг бажарилиши борасидаги кафолат. Маълум корхона учун оптимал бўлган сармоя тузилмаси энг юқори даражада фойда келтиради ва бюджет тўловлари бўйича белгиланган ҳажмда ҳақ тўланишини юқори даражада таъминлайди.

Тўртинчи вазифа — фойда ва бошқа даромад, шу ҳисобда сотувдан ташқари даромадларни самарали сарфлаш мақсадида маблағларни сафарбар қилиш ва заҳираларни аниқлаш.

Бешинчи вазифа — корхонанинг молиявий аҳволи, тўлов ва кредит қобилияти юзасидан сўм орқали назорат ўрнатиш.

Молиявий менежер даромад ва харажатлар балансини, турли манбалар ҳисобига молиявий маблағлар тушумига оид режани бошқариш ҳамда маблағ сарфланишини тартибга солиш орқали маолияни режалайди. Жорий ва стратегик молиявий режалаш холатини баҳолаш учун молиявий менежер қуйидагиларни аниқлайди ва тартибга келтиради:

— режалаш объектлари ва шаклларини аниқлаб олади;

— ташкилланган мақсадли жамғармалар ва бошқа молиявий манбаалар таркибини мувофиқлаштиради;

— молиявий режаларни ишлаб чиқиш тартибини ўрнатади.

Стратегик молиявий режа кенгайган такрор ишлаб чиқаришнинг энг муҳим кўрсаткичларини, мутаносибликларини ва суръатларини аниқлаб беради; мақсадли кўрсатмалар, стратегик инвестициялар ва кўзланаётган жамламаларни амалга ошириш асосий шакли сифатида хизмат қилади. Мазкур режа корхонанинг ТИЖОРАТ СИРИни ташкил этади.

Жорий молиявий режалар истиқболга мўлжалланган режаларни равшанлаштириш ва деталлаштириш асосида ишлаб чиқилади. Ҳар бир турдаги пул сарфларининг молиялаш манбааси билан боғлиқлиги ўрнатилади. Бунинг учун одатда пул маблағ жамғармаларини шакллаш ва сарфлаш *харажат ҳисоб-китобидан* фойдаланилади. Ушбу ҳужжатлар энг муҳим *тадбирларни молиялаш жараёни юзасидан назорат ўрнатиш*, жамғармаларни тўлдириш учун энг маъқул манбааларни ва ўз маблағ сарфларига оид энг маъқул тузилмани танлаш учун зарур бўлади.

Молиявий режалаш жараёнида ҳар бир турдаги пул сарфлари ёки ажратмаларининг молиялаш манбааларига боғлиқлиги якуний тарзда ўрнатилади. бунинг учун молиявий режага оид *текширув (шахмат) жадвали* тузилади. Ушбу жадвалда молиявий маблағлар ёки уларга тенглаштирилган маблағларнинг сарфлаш йўналиши тик қаторда, узунасига эса молиялаш манбаалари, яъни молиявий маблағ манбаалари ва уларга тенглаштирилган маблағлар кўрсатилади. Бундай жадвал молиявий маблағларнинг мақсадли сарфланаётганлигини аниқлаш, даромад ва сарф-харажатларни баддалар бўйича мувозанатга келтириш, пул маблағ жамғармаларини шакллаш заҳираларини аниқлашга имконият яратади.

Жадалкор молиявий режалашдан кўзланган мақсад — *тўлов календарини* тузиш ва ижро этишдир. Тўлов календари молиявий ҳужжат ҳисобланиб, унда тадбиркорлик тузилмасининг жадалкор пул айланувн батафсил акс эттирилади. жами маблағ айланувн корхонанинг банкдаги ҳисоб-китоб, жорий, валюта, ссуда ва бошқа ҳисоб рақамлари орқали ўтишини инобатга олиб тўлов календарида пул маблағларининг харакати уларнинг келиб тушиши ва сарфланиши бўйича кўрсатилади. Банк ва кредит муассасалари томонидан ҳисоб-китоб рақамининг холати тўғрисида тақдим этилган кўчирмалар бу борадаги ахборот манбааси сифатида хизмат қилади.

Тўлов календари молиявий менежерга жадалкор молиялашни ва ҳисоб-китоб ҳамда тўлов мажбуриятларининг бажарилишини таъминлашга, тадбиркорлик тузилмасининг тўлов қобилиятига ва активларнинг ликвидлигига оид рўй бераётган ўзгаришларни қайд этишга имконият яратади.

Унинг ёрдамида ўз маблағларининг холатини кузатиб бориш мумкин. Шунингдек, ушбу календар қарзга олинган ва бошқа жалб этилган сармоялар кўринишидаги маблағлардан фойдаланиш заруратини кўрсатади. Тўлов календарини тузиш ва ундан фойдаланиш амаллари молиявий менежментга тегишли тақсимлаш ва назорат ўрнатиш вазифаларининг амалда бажарилишини кўрсатади.

Ушбу календарга асосан кундалик эҳтиёж учун маблағ сарфланиши назорат қилинади. Бундай назорат молиявий қийинчиликлар пайдо бўлганида айниқса катта аҳамиятга эга бўлади.

Ҳар чоракда кундалик эҳтиёжларга ҳар кунлик бериладиган маблағ меъёрини аниқлаб олиш учун юридик шахслар томонидан чоракли ҳисоботдан кейинги ойнинг 10-санасигача ҳисоб-китоб рақами жойлашган ердаги хизмат кўрсатаётган банкка ўтган чоракда сотилган маҳсулотдан тушган маблағлар ҳақида маълумот тақдим этилади. Тушум таркибига кирувчи ва бадал тариқасида бюджетга ўтаётган маҳсулот, иш, хизматлар сотувидан олиниши лозим бўлган қўшимча қиймат солиғи ва махсус солиқ кундалик эҳтиёж маблағлари миқдоридан чиқариб юборилади. Ҳар кунлик тушаётган ўртача маблағ миқдори қуйидагича аниқланади:

ўтган чоракдаги пул тушум миқдорлари ўша даврдаги иш кунларига бўлинади.

Кундалик эҳтиёж маблағлари мижознинг аризасига аоссан банк томонидан берилади. Ҳисоб-китоб (жорий) ҳисоб рақамда кундалик эҳтиёж сарфлари учун маблағ қолдириш даврийлиги ҳам мижознинг ёзма аризасига биноан ўрнатилади.

Жорий пул тушумларидан қатъий назар белгиланган даврийлик бўйича эртасигаёқ кундалик эҳтиёжлар ҳисобига пул ўтказиш мақсадида маблағлар юридик шахснинг ҳисоб рақамига олдинги даврда тушган пул миқдорларидан қолдириб олиниши мумкин.

Кундалик эҳтиёж учун олинган мабалғларни қай мақсадга

йўналтиришни корхона раҳбари мустақил ҳал қилади. Ўтган кун мобайнида юридик шахснинг ҳисоб рақамига етарли даражада пул тушмаган бўлса ва мавжуд қолдиқ миқдори кундалик эҳтиёж учун ҳар кунлик тўланиши лозим бўлган пул миқдоридан кам бўлганида тўлов илгари қолдирилган маблағларни ҳисобга олган ҳолда жорий кундаги энг сўнгги пул тушумлари ҳисобига амалга оширилади.

Бунинг натижасида корхоналар бюджет билан муомала мувофиқлашгача қадар юзага чиқиши мумкин бўлган ҳисоб-китоб ва тўловлар учун заҳирага эга бўлиш имкониятига эришадилар.

Корхоналарга кундалик эҳтиёж ҳисобига нақд пуллар берилади. бироқ ушбу нақд пуллар фақатгина амалдаги меъёрий ҳужжатларда кўзланган мақсад ва белгиланган чегараларда берилади.

Кундалик эҳтиёж учун ҳисоб-китоб рақамда қолдирилган маблағлар банкка ҳисоб-китоб ҳужжатларини тақдим этиш орқали ёки белгиланган тўлов навбатидан қатъий назар, картотекадаги ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича ҳақ тўланганги тўғрисида ёзма ариза бериш орқали ишлатилади. Амалиёт куни якунига кўра сарфланмасдан қолган кундалик эҳтиёж маблағлари уларнинг ҳисоб рақамда қолдирилишига оид белгиланган даврийликдан келиб чиққан холда ҳисоб-китоб рақамига тушган эътирозлар бўйича ҳақ тўлаш учун ишлатилади.

Тўлов календари жорий молиявий режани аниқлаштиради ва деталлаштиради, унинг кўрсаткичларини янада аниқ қилиб беради; тадбиркорлик тизилмасидаги молиявий манбаларнинг самарали сарфланиши даражасини кўтариш учун мавжуд барча заҳираларни ишлатишга имконият яратади; таҳлил этилаётган даврдаги тўлов ва ҳисоб-китоблар холати ҳақида тўлиқ тасаввур беради. Мазкур календар ёрдамида сарф-харажатлар, ишлаб-чиқариш ва фойдаланиш чиқимларига оид ҳисоб-китоблар тузилиши, ҳар бир тузилмавий бўлинма ва филиаллар томонидан маҳсулот ишлаб чиқилиши ва сотилиши, ўз харажатларини қоплаш ва рентабеллик даражаси назорат этилади.

Тўлов календарини тузишда молиявий менежер хизмати бухгалтерлик хизмати билан яқиндан алоқада бўлади. Бухгалтерия тадбиркорлик тузилмасининг ҳисоб рақами бўйича ба-

жарилган амалиётлар, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар, муддатли ва муддатида қайтарилмаган ссудалар холати, солиқ тўловлари, мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар ва шу кабилар тўғрисида маълумот тўплаб берилишини таъминлайди.

Чоракли тўлов календарлари ўзаро қиёсланади ва тадбиркорлик тузилмаси фаолиятидаги муаммолар ва мойилликлар аниқланади. Таҳлил натижаларидан навбатдаги жорий молиявий режани тузишда фойдаланилади.

Тўлов календари, жорий молиявий режа, молиявий режага тегишли текширув (шахмат) жадвалини тузиш чизма тасвирлари 12.1 - 12.3 - жадвалларда келтирилган.

12.1 - жадвал. 199__ йил ___ чораги учун тўлов календари.

№	Моддалар	режа	ҳисобот	фарқ (+-)
	Сарф харажатлар			
1.	Кундалик эҳтиёжлар.			
2.	Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар.			
3.	Бюджет тўловлари:			
	фойда солиғи			
	мулк солиғи			
	қўшимча қиймат солиғи			
	маҳсус солиқ			
	акциз			
	автомобил йўл солиғи			
	транспорт восита эгаларидан ундирилувчи солиқ			
	транспорт солиғи			
	уй-жой жамғармаси ва ижтимоий-маданий соҳа объектларини тутиш учун ундирилувчи солиқ			
	таълимот муассасаларининг эҳтиёжини қондириш учун ундирилувчи солиқ			
	реклама солиғи			
	ер солиғи			
	иқтисодий жарималар			
	бошқа солиқлар ва пул йиғимлари			

4. Ижтимоий суғурталаш жамғармасига тўловлар.
5. Мажбурий тиббий суғурталаш федерал ва худудий жамғармаларига бадаллар.
6. Нафақа жамғармасига бадаллар.
7. Аҳолини иш билан таъминлаш давлат жамғармасига тўловлар.
8. Мол-моддий қимматликлар учун ҳисоб бўйича ҳақ тўлаш.
9. Муддатида қайтарилмаган кредиторлик қарз.
10. Мукаммал қурилиш ишлари учун пудратчилар ҳисоби бўйича ҳақ тўлаш.
11. Муддатида қайтарилмаган банк ссудаларини қоплаш.
12. Муддатли банк ссудаларини қоплаш.
13. Кредит учун фоиз тўлаш.
14. Мол етказиб берувчиларга ва пудратчиларга берилган бўнак тўловлари.
15. Ижара ҳақи.
16. Ўзига қарашли корхоналарга ҳақ тўлаш.
17. Қабул қилинган векселлар бўйича ҳақ тўлаш.
18. Қимматли қоғозлар учун ҳақ тўлаш.
19. Дивиденд ва фоиз тўловлари.
20. Бошқа сарф-харажатлар.

Жами

ТУШУМЛАР

1. Асосий фаолиятга оид маҳсулот, иш, хизматларни сотиш.
2. Бошқа турдаги фаолиятга оид маҳсулот, иш, хизматларни сотиш.
3. Қимматли қоғоз ва валюта сотиш.
4. Муддатида тўланмаган дебиторлик қарз тушумлари.
5. Мол-моддий қимматликлар учун берилган кредит.
6. Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнак.
7. Ижара учун тўланган ҳақ.
8. Беғараз молиявий ёрдам тушуми.
9. Мақсадли тушумлар.
10. Низомий сармоя ҳақини тўлаш учун тушган маблағлар.
11. Бошқа тушумлар.

Жами тушумлар.
Тушумларнинг сарф-харажатлардан ортиқлиги.
Сарф-харажатларнинг тушумлардан ортиқлиги.

12.2-жадвал. 199__ йил молиявий режаси

№	Кўрсаткичлар	пул йиғиндиси

ДАРОМАД ВА МАБЛАҒ ТУШУМЛАРИ

1. Сотувдан кўрилган фойда.
2. Бошқа сотувлардан кўрилган фойда.
3. Сотувлардан ташқари амалиётлардан кўрилган даромад.
4. Чет эл валютасида бажарилган амалиётларда пул нисбатидаги фарқдан кўрилган даромадлар.
5. Қўшиб ҳисобланган амортизация.
6. Узоқ муддатли кредитлар.
7. Узоқ муддатли қарз пуллари.
8. Айланма маблағларни тўлдириш учун берилган ссудалар
9. Лизинг бўйича берилган мулк қийматидан ортиқча миқдордаги ижара ҳақи.
10. Мақсадли молиялаш ва бюджетдан берилган пул тушумлари.
11. Мақсадли молиялаш ва нобюджет жамғармаларидан тушган пуллар.
12. Беғараз молиявий ёрдам.
13. Бошқа даромад ва тушумлар.

Жами даромад:

САРФ-ХАРАЖАТЛАР ВА МАБЛАЯ АЖРАТМАЛАРИ

1. Бюджет тўловлари.
2. Ҳаҳира жамғармаларига ажратмалар.
3. Жамлаш жамғармасига ажратмалар.
4. Истеъмол жамғармасига ажратмалар.
5. Ижтимоий соҳа жамғармасига ажратмалар.
6. Хайрия ажратмалари.

7. Тўланган дивидендлар.
8. Узоқ муддатли инвестициялар.
9. Узоқ муддатли молиявий сарфлар.
10. Узоқ муддатли ссудаларни қоплаш ва улар бўйича фоиз тўлаш.
11. Айланма маблағларни тўлдириш.
12. Айланма маблағларни тўлдириш учун олинган ссудани қоплаш.
13. Мол-маҳсулот арзонлашуви.
14. Бўлажак сарфлар ва тўловлар учун заҳира.
15. Гумонли қарзлар учун заҳира.
16. Қимматли қоғозларга сарфланган маблағларнинг баҳосизланиши учун заҳира.
17. Бошқа сарфлар ва ажратмалар.

Жами сарфлар:

12.3 - жадвал. Текширув (шахмат) жадвали

Сарф харакатлар	
1. Бюджет тўловлари	сотувдан кўрилган фойда
2. Захира жамғармаларига ажратмалар	бошқа сотувлардан кўрилган фойда
3. Жамғарма жамғармасига ажратмалар	сотувдан ташқари амалиётлардан кўрилган даромад
4. Истеъмол жамғармасига ажратмалар	чет эл валютасидаги амалиётларда пул нисбатдан кўрилган даромад
5. Иштирокчи сўз жамғармасига ажрат	қўшиб ҳисобланган амор тизасия
6. Хайрия ажратмалари	узоқ муддатли кредитлар
7. Тўланган фоизлар	узоқ муддатли қарз пуллари
8. Узоқ муддатли инвестициялар	айланма маблағларни тўлдириш учун берилган ссудалар
9. Узоқ муддатли молиявий сарфлар	лизинг бўйича берилган мулк қиймати- дан ортиқча миқдордаги ижара ҳақи
10. Узоқ муддатли ссудаларни қоплаш ва улар бўйича фоиз тўлаш	мақсадли молиялаш ва бюджетдан берилган пуллар
11. Айланма маблағларни тўлдириш	мақсадли молиялаш ва набюджет жамғармалардан берилган пуллар
12. Мол-мулкнинг арзонлашуви	бегароз молиявий ёрдам
13. Бўлажак сарфлар ва қийматли ҳоналар бўйича тўлов сарфлари	бошқа даромад ва тушумлар
14. Бошқа сарф ва зиёнкорликлар	Жами даромад
Жами сарфлар	

12.3. ЎЗ САРМОЯСИ

Ўз сармоясини бошқариш — фойда, муассислар ва иштирокчиларнинг бадаллари, бошқа даромадлар ҳамда улардан фойдаланиш ҳисобига мақсадли молиялаш манбааларини шакллаш ишларидан ташкил топади.

Молиявий менежер корхонада барпо этилаётган пул маблағ жамғармаларининг таркиби ва тузилмасини белгилайди ҳамда уларни сарфлаш борасида мақсадли йўналишларини аниқлайди.

Пул маблағ жамғармаларининг бир қатори қонун талабларига биноан ташкил этилади, бошқа бирлари эса муассислар қаторига ва корхонанинг ҳисоб юритиш сиёсатига боғлиқ бўлади.

Хўжалик жамиятлари ва ўртоқликларнинг таъсис ҳужжатларида мажбурий тартибда низомий жамғарма (сармоя) ва заҳира жамғармасининг ташкил этилиши кўзланади.

Низомий сармоя мавжудлиги такрор ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этаётган пул маблағлари ва корхонанинг ўз сармояси ҳажми ўртасидаги асосий боғлиқликни аниқлаш имкониятини беради.

Бироқ охирги пайтларда низомий сармоя борган сари кўпроқ мустақил аҳамиятга эга бўлиб, айланувдан ташқари ва айланувдаги активларнинг йиғинди қиймат баҳосидан узоқлашган ва пул айланувининг асл миқёсини акс эттирмайди. Ушбу вазият кўп жиҳатидан инқироз жараёни ва қўшимча сармоя таркибида акс эттирилувчи асосий воситаларнинг вақти-вақти билан қайта баҳолакишига боғлиқдир.

Низомий сармоянн энг маъқул ҳажмда сақлаб туриш корхона ва тижорат ташкилотларининг эмиссион фаолиятини мувофиқлаштириш учун долзарб аҳамиятга эгадир. Эмиссия мунтазам табиатга эга бўлиб пул сармоя тузилмаси мустаҳкам шаклга келганидаги истиқболда низомий сармоянн бўйҳатга олиш орқали унинг ҳажмини белгилаш заруратидан воз кечса бўлади.

Заҳира жамғармаси акциядорлик жамиятлари ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар томонидан ташкил этилади. Унинг ҳажми низомий сармоянинг 10-25 фоизи билан чегараланади. Кўпинча, заҳира жамғармасига ажратилган

маблағлар соф фойданинг 5 фоизидан иборат бўлади. Заҳира сармоясини ялпи ва соф фойда ҳисобига шакллаш мумкин. Ялпи фойда ҳисобига ташкил қилинган заҳира жамғармаси қатъий мақсад учун мўлжалланган бўлиши шарт ва солиқ идоралари томонидан назорат этилади. Ушбу жамғарма асосан икки йўналиш бўйича ишлатилади: ўзга молиялаш манбаалари йўқ бўлгани холатида зарарларни қоплаш ва имтиёзли акция, облигациялар бўйича дивиденд тўлаш учун. Соф фойда ҳисобига ташкил қилинган заҳира жамғармаси сарф-харажатлар ҳисоб-китобида молияланиши кўзланган турли мақсадларда ишлатилиши мумкин. Заҳира сармояси ўз сармоя ҳажмини кенгайтиради, шу ҳисобда солиқ имтиёзлари ҳисобига.

Тижорат ташкилотларининг таъсис ҳужжатларида жамлаш, истеъмол жамғармалари ва бошқа пул жамғармаларини шакл-лаш ишлари кўзланган бўлиши мумкин. Бу холда уларнинг ташкил этилиши шарт бўлади. Ёхуд ушбу мақсадли жамғармаларга фойдани йўллаш тўғрисидаги қарор директорлар кенгашининг тақдимномасига кўра акциядорлар йиғилишида қабул этилади.

Ўз сармоясига оид харакатдаги ўзгаришлар жалб этилган ва қарзга олинган сармоя ҳажмига ҳал этувчи таъсир кўрсатади. Молиявий фаолиятни амалга ошириш, пул айланувини таъминлаш, иқтисодий юксалиш учун шароит яратишга етарли пул сармоясининг мавжудлиги асосий муаммолардан биридир. Ўз айланма сармоясининг жами пул сармоясига нисбатан тез суръатларда ўсиши молиявий аҳвол барқарорлиги ўсиб бораётгани ва сотув ҳажмини кенгайтириш имконияти мавжудлигини кўрсатади.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, ўз айланма сармоясининг жами пул сармоясига нисбатан икки баробардан ортиқ суръат билан ўсиб бораётгани ўз айланма сармоясига ортиғи билан эгалик қилиш имкониятини беради, ушбу кўрсатиб ўтилган кўрсаткичлар ўртасидаги нисбат кам бўлганлиги холатида эса аксинча ўз айланма маблағларида етишмовчилик сезилади.

Бунинг оқибатида ўз айланма сармояси билан заҳиралар ва сарф-харажатлар қиймат баҳоси ўртасидаги мутаносиблик даражаси пасайиб кетади. Юқоридаги кўрсаткичлар ва корхо-

нанинг жами пул сармоясидаги низомий сармоянинг улуши ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд.

Ўз айланма сармоясининг ахволи акциядорлик жамиятнинг айланма актив қиймат йиғинди баҳоси ва жалб этилган сармояси ўртасидаги мутаносибликни сифатловчи умумлашган ликвидлик коэффициентида аксини топади.

12.4. САРМОЯ ТУЗИЛМАСИНИ ОПТИМАЛ ХОЛАТГА КЕЛТИРИШ

Ўз сармоясини бошқариш қонуниятларини ҳамда оптимал ҳажмини аниқлаш услубий жиҳатларини харакатдаги жараёнларни моделлаштириш шаклида ўрганамиз.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи маблағлар йиғинди қиймат баҳосини А билан белгилаймиз, ўз сармоясини РІ билан белгилаймиз. А ва РІ кўрсаткичлари ўзаро бир-бири билан боғлиқ, лекин ушбу боғлиқлик бирор-бир вазифа бажармайди. Ушбу кўрсаткичлар тасодифий кўрсаткичлар тизимига мансуб (зеро ўзгаришлар кўп сонли ташқи омилларга боғлиқ бўлади ва уларни ҳар доим ҳам қайд этиш имконияти йўқ) ва уларда қисман ифодаланган нисбий боғлиқлик мавжуд. А ва РІ кўрсаткичларининг бири ўзгарганда иккинчиси ҳам ўзгаради, қолаверса ўртадаги боғлиқлик ижобий бўлиши эҳтимоли юқоридир, яъни кўрсаткичларнинг бири пасайса ёки ўсиб кетса, иккинчиси ҳам худди шундай ўзгаради. Бу кўрсаткичлар вақт мобайнида доимо ўзгариб туришини ҳисобга олиб уларни харакатда ўрганиш зарур.

А ва РІ кўрсаткичларининг маълум бир вақт (масалан бир йил) давомида жами корхоналар бўйича ўзгаришини ўрганиб чиқайлик. Кўрсаткичларни таққослаш учун уларнинг ҳар бирини $t=0$ бўлганида Аі миқдорига бўлиб чиқамиз, яъни Аі /t/ ва тегишли чизма жадвал тузамиз (12.1, 12.2 - расмлар).

Умумий холатларда ушбу Аі /t/ : Аі/t/ ва РІі /t/ : Аі /t/чизмалар тўғри чизиқ кўринишда бўлади деб, аниқ айтсак бўлади. Энг оддий холатда боғлиқлик қуйидагича бўлади:

$$\frac{A_i(t)}{A_i(t_0)} = \frac{A_i(t_0)}{A_i(t_0)} + \frac{A_i(t_m) - A_i(t_0)}{A_i(t_0)(t_m - t_0)} \times t$$



12.1. - расм



12.2 - расм

$$\frac{PI(t)}{A_i(t_0)} = \frac{PI_i(t_0)}{A_i(t_0)} + \frac{PI_i(t_m) - PI_i(t_0)}{A_i(t_0)(t_m - t_0)} \times t$$

ёки қуйидагича белгилаб:

$$KA_i = \frac{A_i(t_m) - A_i(t_0)}{t_m - t_0}; \quad KPI_i = \frac{PI_i(t_m) - PI_i(t_0)}{t_m - t_0}$$

қуйидагини хосил қиламиз:

$$\frac{A_i(t)}{A_i(t_0)} = \frac{A_i(t_0)}{A_i(t_0)} + \frac{KA_i}{A_i(t_0)} \times t;$$

$$\frac{PI_i(t)}{A_i(t_0)} = \frac{PI_i(t_0)}{A_i(t_0)} + \frac{KPI_i}{A_i(t_0)} \times t;$$

F = Pi/A тенгламани киритамиз ва PI ни A орқали ифодалаймиз; A ва PI ўзаро t орқали боғланади:

$$\frac{A_i(t) - A_i(t_0)}{KA_i} = \frac{PI_i(t) - PI_i(t_0)}{KPI_i};$$

$$PI_i(t) = [A_i(t) - A_i(t_0)] \times \frac{KPI}{KA_i} \times PI_i(t_0)$$

унда

$$F_i = \frac{KPI_i}{KA_i} + \left[PI_i(t_0) - A_i(t_0) \frac{KPI_i}{KA_i} \right] \times \frac{I}{A_i(t)}$$

ёки танланган миқёсни сақлаб қолиш учун

$$F_i = \underbrace{\frac{KPI_i}{KA_i}}_{\text{const}} + \frac{PI_i(t_0) - A_i(t_0)\frac{KPI_i}{KA_i}}{\underbrace{A_i(t_0)}_{\text{const}}} \times \frac{I}{A_i(t):A_i(t_0)}$$

Fi билан Ai (t) : Ai (t) ўртасидаги боғлиқлик 12.3 - расмда кўрсатилган.



12.3 - расм.

Расмдаги узиқ чизиқлар оддий бўлмаган вазиятларни билдиради, бунда $KPI_i > KA_i$ қачонки, KPI_i ва KA_i турлича белгиларга эга бўлганида ва $KA_i > 0$ бўлса ҳамда бошқа холларда.

12.3 - расмда келтирилган чизмалар гиперболалар оиласига мансуб бўлиб, оддий бўлмаган вазиятларни ҳисобга олмаганимизда уларнинг ҳар бири $0<KPI_i / KA_i$ 1 чегарасидаги KPI_i/KA_i асимтомаларига интилади. Бу эса табиий холдир, чунки статистика старли даражада бўлганида $KPI_i>KA_i$ холлари аксариятни ташкил этади, $KPI_i>KA_i$ холлари эса жуда кам учрайди ва улар қисқа муддатлидир.

Расмда тасвирланган гиперболалар оиласи *Ai(t):Ai(t)* ва *PIi(t):Ai(t)* боғлиқларини сунъий йўл билан чизиқ ифодасида кўрсатиш орқали хосил қилинган. Ушбу амалиёт *Ai* ва *PIi* ўртасидаги ўзаро асосий таъсирни кузатиш учун бажарилган. Ҳар бир маълум вазият учун бу — гиперболик чизиққа яқин ва *PIi* нинг *Ai(t)* га нисбатан ўсишини кўрсатувчи асимптомага эга бўлган чизма тенгликдир.

Fi=PIi:Ai чизма тенгликлар аслида қуйидагича кўринишга эга бўлади (12.4 - расм)



12.4 - расм.

Умумий холларда *F=PI:A* чизма тенглиги Fi = PIi : Ai чизма тенглигининг математик мўжалидир. Чизма тасвирлар ЭҲМ ёрдамида тузилади, сон ифоласининг эса оналик негизи кўринишида ёзиш мақсадга мувофиқ бўлади:

$$\begin{vmatrix} F_{11} \cdots\cdots F_{1L} \cdots\cdots F_{1K} \\ F_{i1} \cdots\cdots F_{iL} \cdots\cdots F_{iK} \\ F_{n1} \cdots\cdots F_{nL} \cdots\cdots F_{nK} \end{vmatrix}$$

бу ерда *Fil i* чизиқнинг *L* кесмасидаги сон ифодаси.

mF чизма тасвирини тузиш учун оналик негизи қуйидагича бўлади:

$$\left| \overline{m}F_1 \cdots\cdots \overline{m}F_L \cdots\cdots \overline{m}F_K \right|$$

бу ерда $\overline{m}F_l = \dfrac{\sum_{i=1}^{i=n} Fil}{\Pi}$

Энди ўрта квадратлик учун оналик негизини чиқарса бўлади:

$$\left| \overline{G}F_1 \cdots\cdots \overline{G}F_L \cdots\cdots \overline{G}F_K \right|$$

бу ерда $\overline{G}F_L = \sqrt{\dfrac{\sum_{i=1}^{i=n} |Fil_{iL} - \overline{m}F_L|^2}{\Pi - 1}}$

Энди mF ва gF ифодаларининг ўртача миқдорини топамиз ва корхонанинг такрор ишлаб чиқариш жараёнлари ҳамда пул айлануви холати юзасидаги умумий баҳони чиқарамиз:

$$\overline{m}F = \frac{\sum_{i=1}^{i=k} \overline{m}F_2}{k} \qquad \overline{G}F = \frac{\sum_{i=1}^{i=k} \overline{G}F_2}{k}$$

Юқорида айтиб ўтилганидек. А ва PI кўрсаткичларининг ўзгариши кўп сонли ташқи омилларга боғлиқдир. Шунинг учун тақсимлаш қонунини нормал деб ҳисобласа бўлади. Нормал тақсимлаш зичлигини намоён қуйидагича кўринишда бўлади:

$$s/F/ = \frac{1}{GF\sqrt{2\pi}} \exp\left[\frac{/F - mF/^2}{2GF}\right]$$

Унинг чизма тасвири 12.5-расмда келтирилган бўлиб, гумбазсимон Гаусс синиқ чизигидан иборат ва F=mF унинг энг юқори нуқтасидир.

Барча тафовутларнинг 68,3 фоизи — GF ва GF оралиғига тўғри келади, — 2GF ва 2GF оралиғида эса 95,4 фоиз тафовутлар жойлашади. Ўрганилаётган вазиятимиз учун — GF ва GF оралиғи билан чеклансак етарли бўлади. Ушбу вазиятда тадбиркор ва молиявий менежер молиялаш тўғрисида қарор қабул қиладилар.



12.5-расм.



12.6-расм.

Келтирилган 12.6- расмдаги чизмадан шу нарса аён бўляптики, қандайдир сабабга кўра корхонанинг жами пул айланувида қарзга олинган (FII) ва жалб қилинган (PIII) сармоя улуши каттадир. F дан келиб чиқувчи PI нинг ўсиш суръати А билан ифодаланган такрор ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи маблағларнинг жами қиймат баҳоси ўсиш суръатидан яққол орқада қолмоқда.

Балки PI даги низомий сармоя улуши камдир ёки нарх ўсгани ва айланувдан ташқари ҳамда айланувдаги активлар қайта баҳоланганида низомий сармоя ўзгармасдан қолгандир ва шунинг учун жалб этилган ҳамда қарзга олинган (PII ва PIII) сармоя улуши ўсиб кетган.

Текшириш натижасида хулоса қилиб айтиш мумкинки, оптималлаш вазифаси PII ва PIII ларнинг жами пул сармоядаги улушини қисқартиришдан иборатдир ва 12.7 -расмда бунинг исботи кўрсатилган.



12.7-расм.

Кўриб чиқилаётган вазият одатдагидан ўзгача бўлганлиги холатида 12.7 —расмдаги чизма текис шаклга эмас, балки 12.8 — расмда тасвирланган шаклга эга бўлиши мумкин.



12.8 - расм.

Ушбу чизмада юқоридаги таҳлил этилган қонуниятлар келтирилган. Чизмани ўрганиш натижасида кўриб чиқилаётган вақт оралиғида нималар содир этилгани тўғрисида ахборотга эга бўламиз. Бу давр мобайнида PI:A нинг режали ўсиши ва кичик четланишлар рўй берди. II ва III- давр мобайнида ўз сармоя (PI) улуши кескин тушиб кетган ва табиийки, жалб қилинган ҳамда қарзга олинган (PII ва PIII) сармоя улуши ўсган, шунингдек катта четланишлар пайдо бўлган.

Эҳтимол харидорларга таклиф қилинган маҳсулотга талаб пасайиб кетган, харидоргирлик қобилиятига инқироз таъсири кучайиб кетгандир ва бу PI улушидаги фойда ҳажмининг қисқаришга олиб келган. Катта четланишлар корхонанинг турли шарт-шароитлардаги вазиятини кўрсатади, муҳими эса ушбу четланишлар уларнинг бошқариш тизимларига таъсир кўрсатаётган омилларга турлича муносабатда бўлишига боғлиқдир. III-IV- оралиқларда корхонанинг таъсирларга муносабати кўринади — PI улуши яққол ўсган ва четланишлар қисқарган.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этаётган маблағлар қиймат йиғинди баҳосини ва сарчоя тузилмасини бошқариш амалининг вазифаси айнан шундан иборатки, тўплаб олинган маълумотлар асосида стратегик жиҳатдан тўғри қарор қабул қилишдир. Пул сармоялари йиғиндиси доимий таҳлил асосида бошқарилиши шарт. Келтирилган вазиятда молиявий фаолликнинг яққол сустлашишга мойиллигини кузатдик. Бу вақтда корхоналарнинг бир қисми маҳсулот чиқариш ва мол айланувчи ҳажмини ўстирмаган, маҳсулот заҳираларини кўпайтирмаган, қолаверса жамланган маблағлар чинакам ва тўпламли инвестицияларга йўналтирилиши мумкин эди.

Айнан шу корхоналар чизмадаги қуйи четланишларга сабабчи бўладилар. Бошқа қатор корхоналар эса истеъмолчилик бозоридаги вазиятни илгаридан баҳолаб талаби кам маҳсулот турларини янгилаган, мол захираларини яратган, шартнома ва битим шартларини ўзгартирганлар. Бу корхоналар тепа четланишларга сабабчи бўладилар.

Демак, вужудга келган вазиятнинг атрофлича таҳлили ва кенг, холисона маълумотлар негизи корхонадаги такрор ишлаб чиқариш жараёнларини ва пул сармоя йиғиндисини бошқариш жараёнида тўғри қарорлар қабул қилиш учун молиявий менежерга асос бўлиб хизмат қилади.

12.5. ПУЛ ОҚИМЛАРИНИ ТАХМИНИЙ ЯСАШ

Корхона пул сармояси ва такрор ишлаб чиқаришда иштирок этаётган маблағлар қиймат йиғинди баҳосини ўрганишда давом этишимиз учун уларнинг ***тизимли харакатдаги кўринишини ясаймиз.***

Ушбу кўриниши даражалардан, такрор ишлаб чиқаришда иштирок этаётган маблағлар оқимидан ва сармоя оқимларидан ташкил топади. Тизимнинг тинчликдаги холати даражалар орқали белгиланади. Даражаларнинг ўрни ва сармоя оқтилари эса такрор ишлаб чиқаришда иштирок этаётган маблағлар оқимини бошқариш юзасидаги қарорларни кўрсатадилар.

даражалар орқали тизимнинг тинчликдаги холати тавсифланади ва улар оддий пул айланувн тенгламалари воситасида

кўрсатилади. Оқимлар эса даражаларнинг мазмунини ўзгартирадилар ва холатнинг ўзгаришига сабабчи бўладилар. Оқимларни тенглаштириш бу— тадбиркор ва менежерлар томонидан (онгли равишда ва фаҳм-фаросат орқали) турли омилларни тушуниш ва баҳолаш оқибатидир. Демак, даражалар тўғрисидаги маълумотлар қабул қилиш учун қандай қарор танланишига таъсир кўрсатади, қолаверса молиявий менежернинг шахсий сифатларини акс эттиради.

Энди асл оқимлар ва шартли оқимлар тушунчасини киритамиз. Оқим бу даражанинг ҳақиқатда тўлишига олиб келувчи тўла маънодаги чинакам оқимдир. Шартли оқим эса оқимнинг барча сифатларига эга, лекин бунда ҳақиқатда маблағ кўчиши эмас, балки даражалар мазмунинг ўзгариши рўй беради холос. Шартли оқим тушунчаси такрор ишлаб чиқаришда иштирок этаётган маблағлар қиймат йиғинди баҳоси ва пул сармоя йиғиндиси ўртасида мувозанат хосил қилиш учун зарурдир.

Энди такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаб берувчи маблағ қиймат йиғинди баҳоси ва пул сармоя йиғиндисига хос кўринишларни ясаймиз.

12.9- расмдаги кўринишда шартли оқимлар хали кузатилмайди, бу кўринишни тартибли холат деб белгилаймиз. Сўнг кейинги *12.10- расмдаги кўринишга ўтамиз*, бунда шартли оқимларни кузатамиз ва 1 тартибли холат деб белгилаймиз. Ушбу кўринишнинг одатдаги холати P=A ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, ташқаридан кирган барча оқимлар шартли бўла олмайди. Шартли оқимнинг мисолини келтирайлик: В *кўриниш 1- холатдадир ва чап тарафдан оқим пайдо бўлди*, яъни мол етказиб берувчидан бир қанча вақт давомида ҳақи тўланмайдиган маҳсулотлар қабул қилиняпти, бу эса корхонада кредиторлик қарз пайдо бўлганини билдиради. А объекти А 1 холатига ўтади, бинобарин А 1 дан Р га томон шартли *оқим юзага келади. Ўз навбатида Р Р 1 холатига ўтади ва одат*даги холат тенглиги тикланади, яъни Р1=А1— тизим В1 мувозанат холатига ўтади.

Кўринишни йириклаштирамиз ва унга PI, PII, PIII, AI, AII, AIII унсурларини киритамиз.



12.9- расм.



12.10- расм.



12.11- расм.

Натижада 12.11- расмдаги кўринишни хосил қиламиз ва уни 2- тартибдаги холат деб белгилаймиз.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этувчи маблағ қиймат йиғинди баҳоси ва пул сармоя йиғиндиси унсурларини иккита аналик негиз устунлари сифатида акс эттириш мумкин:

$$\begin{vmatrix} P_1 \\ P_2 \\ P_3 \end{vmatrix} \quad \text{ва} \quad \begin{vmatrix} A_1 \\ A_2 \\ A_3 \end{vmatrix}$$

Тинчликдаги одатий холат тенгламаси қуйидагича шаклга эга бўлади:

$$\sum_{i=1}^{3} P_i = \sum_{i=1}^{3} A_i$$

Ёзув учун оналик негизи шаклини қўллаш маъқулдир, чунки умумий кўринишдаги оналик негизининг биргина ёзуви ЭҲМ нинг ёдига турли тизимларнинг тинчликдаги холатларини киритиш ва исталган пайтда амалиёт бажариш ёки тахлил ишларини олиб бориш учун уларни чақириб олиш имкониятини беради. Бундай ёзувнинг афзаллик томонлари янада юқори тартибдаги кўринишларни ўрганишда аён бўлади. *Мисол тариқасида 3- тартибдаги кўринишни оламиз.* (12.12- расм).

Корхона маблағларининг қиймат йиғинди баҳоси ва пул сармоя йиғиндиси эндиликда икки ўлчамли оналик негизи шаклида ёзилади:

$$\begin{vmatrix} P_{11} P_{12} P_{13} \dots P_1 \dots P_1 \\ P_{21} P_{22} P_{23} \dots P_2 \dots P_2 \\ P_{31} P_{32} P_{33} \dots P_3 \dots P_3 \end{vmatrix} \quad \text{ва} \quad \begin{vmatrix} A_{11} A_{12} A_{13} \dots A_1 \dots A_1 \\ A_{21} A_{22} A_{23} \dots A_2 \dots A_2 \\ A_{31} A_{32} A_{33} \dots A_3 \dots A_3 \end{vmatrix}$$

бу ерда қаторлар — такрор ишлаб чиқаришда иштирок этаётган тегишли маблағ қиймат баҳоси ва уларнинг молиялаш

манбаалари бўлиб, m кўрсаткичи энг узун қатордаги энг кўп унсурлар сони бўйича танлаб олинади ва бундай вазиятда қолган қаторлардаги бир қисм унсурлар нолга тенг бўлиб қолади. Ушбу кўринишни учун тинчликдаги одатий холат тенгламаси қуйидагига шаклга эга бўлади:

$$\sum_{i=1}^{3}\sum_{j=1}^{m} P_{ij} = \sum_{i=1}^{3}\sum_{j=1}^{m} A_{ij}$$

Бир қатордаги унсурларни қўшиш орқали тегишли маблағ қиймат баҳоси ва пул сармояси кўрсаткичларини хосил қиламиз (илгари ёзилган оналик негиз устунлари): $P_i = \sum_{j=1}^{m} P_{ij}$ ва

$A_i = \sum_{j=1}^{m} A_{ij}$



12.12- расм.

Энг маъқул холатга келтириш вазифасига оид қабул қилинган қарорларга мувофиқ тадбиркорлик фаолиятининг молиявий таъминланиши тўғрилаб тузатилганидан кейинги 12.3 ва

12.7 - расмлардаги чизмалари ва кўринишларига қайтайлик. Энг маъқул холатга яқин бўлган чизмали корхонани танлаб оламиз ва F/A/ кўламига ўтамиз. (12.13- расм).



12.13- расм.

Ушбу холатда 0 тартибдаги кўриниш қуйидаги шаклга эга бўлади:



12.14- расм.

Мазкур холатда ўрганилаётган вақт оралиғидаги оқимлмар тинчлик холатида ёки унга тенг холатда бўлиб, даражалар тутаносиб тарзда қўшилмоқда. Маблағларнинг қийма йиғинди баҳоси ва пул сармоя йиғиндисининг қўшилиш тенгламаси қуйидагича бўлади:

$$K_A t = \sum_{x=1}^{x=S} I \quad ва \quad t - \sum_{g=1}^{g=f} I \quad чиқ \ gt$$

Энг катта қўшилиш бераётган асосий оқим қуйидагича шаклга эга:

$$I\ кир.\ PI=KI$$

Оқимлар доимо ҳам тинчлик холатида бўлавермайдилар, умумий холда бу I=f(t) га тенг, маблағларнинг қиймат йиғинди баҳоси ва пул сармоя йиғиндисининг қўшилиши эса t бош— t ох. оралиғида оқим ясайди:

$$\Delta = \int_{t_{бош}}^{t_{ох}} f(t)dt$$

Ушбу холатни қуйидаги чизма орқали тасвирласа бўлади:



12.15- расм.

Молиявий менежер ахборот оқимига асосланиб талаб пасайишини, сотув ҳажми ва маҳсулот заҳиралари кўламининг қисқаришини тахмин қилади. Сотилаётган маҳсулот нафақат мода мезонларини қониқтира олмайди, балки маънавий жиҳатдан ҳам эскирадми. Уларга бўлган талаб буткул йўқолади, лекин қандайдир вақт давомида талаб сақданиб туради ва реклама ёрдамида хаттоки бир мунча кучайиб ҳам кетиши мумкин.

Бундай вазиятдан чиқиб кетиш йўли битта— маҳсулот тур-

ларини янгилаш, маблағ сарфларини диверсификациялаш, янги таъминотчилар ва сотув бозорини топишдир. Бироқ ушбу *вазифаларни бажариш учун корхонанинг ўз маблағлари* камлик қилади ва қарзга олинган сармояни жалб этишга тўғри келади. Бу холда кирувчи оқимлар қаторида яна бир кучлиси пайдо бўлади. Уни I кир. R билан белгилаймиз. Ушбу оқим айланма маблағларни кескин кўпайтиради ва баланс мувозанатини ҳамда нормал молиявий ахволни сақлаб туриш учун шартли оқимни пайдо қилади.

Бу вазият 12.16- расмда тасвирланган.



12.16- расм.

Ахборот оқимлари ва даражалар холатига боғлиқ тарзда I кир. R(t) чизмаси турли шаклга эга бўлиши мумкин, аммо кредит берилгани вазиятида ва жараён тўлиқ бошқарилганида ушбу чизма қуйидагича бўлиши эҳтимоли юқоридир:

мисол учун 12.17- расмдаги кўриниш қабул қилинганида ва қолган оқимлар ўзгармас бўлгани холатида E/A/ чизмаси 12.18- расмда тасвирланган кўринишга эга бўлади.



12.17- расм.



12.18- расм.

Қилинган харакатлар тез фурсатда фойданинг кескин ўсишини таъминлай олмаган холатида ушбу танланган шаклни энг яхши деб ҳисоблаб бўлмайди. Лекин янги маҳсулот бозорда талаб қозонса, сотув устиворлиги ҳисобига бошланғич босқичда энг юқори фойдага эришса бўлади. Бу холда чизма 12.19-расмдаги кўринишга эга бўлади:



12.19- расм.

Яъни энг юқори фойдага фақат бошланишда эришса бўлади, кейин эса фойда анча равонлик билан ўсиши мумкин.

Айланма маблағларининг тўла айланиш даври қисқа бўлган корхоналар учун 12.17- расмда тасвирланган 1-тартибдаги шакл тўғри келади. Маблағ айлануви даври узоқроқ бўлган ва фаолияти суст корхоналар учун шу расмдаги 3-шакл энг маъқулдир, бу холда F/A/ 12.20 - расмдаги шаклга эга бўлади.



12.20- расм.

12.18- ва 12.20- расмлардаги чизмаларни қиёслаш натижасида бир томондан фойда, сотув ҳажми, айланма маблағларнинг айланиш даври ва иккинчи томондан талаб, нарх-наво даражаси ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш имконияти пайдо бўлади. Ўз сармоянинг ўсиш суръати сотув ҳажми ва тўлов муомаласи тез ўсиб бораётган пайтдаги пул сармоя йиғиндиси ўсиш суръатига нисбатан паст ёки тенг бўлганида ҳақиқатда мавжуд ўз айланма сармояси ва унга бўлган чинакам эҳтиёж ўртасидаги масофа узоқлашиб боради. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, инқироз биринчидан: ўз сармоянинг қадрсизланишига, иккинчидан эса: ушбу жараённинг иқтисодий ривожланиш имкониятларига ва сотув ҳажмининг ўсишига оид салбий таъсирнинг кўчайишга олиб келади.

Савдо ва истеъмол молларини ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари учун ўз айланма сармоялари маблағ жамлашда устивор манбаалар ҳисобланганини назарда тутсак, бундай қадрсизланиш оқибатида маҳсулот заҳиралари қисқаради, инвестицион фаоллик пасаяди, ишчиларнинг ижтимоий аҳволи ёмонлашади.

Умумий фойда сарф-харажатларга нисбатан секин ўсганлиги ва демак, жамламалар ички ривожланиш доирасидаги инвестициялар учун етарли бўлмагани ҳамда ўз-ўзини молиялаш тамойилини амалга ошириш учун асос ярата олмагани оқибатида ўз айланма сармоянинг ўсиш суръати пасайиб кетади. Ушбу муаммонинг ечими фойда ўсиши учун, шу ҳисобда инқироз суръатларини пасайтириш, сарф-харажатларни қисқартириш, инвесторлардан асл маънода пул жалб қилиш орқали низомий сармояни кўпайтириш, мақсадли эмиссия фаолиятини амалга ошириш учун шароит яратиб беради.

Такрор ишлаб чиқаришда иштирок этувчи маблағлар қиймат йиғинди баҳоси ва пул сармоясининг ҳаракатдаги тизимли таклиф қилинган кўринишини таҳлил этиш ишлари корхона молиявий фаолиятини бошқариш жараёнида амалга оширилувчи ишланмаларнинг ажралмас қисмидир. Ушбу таҳлил ишлари ёрдамида молиялаш манбаалари холатига оид ўзгаришларни тахмин қилиш, молиявий менежмент консепсияси доирасида пул сармоя тузилмасига оид энг маъқул кўринишни танлаб олиш имконияти яралади.

Айланувдан ташқари ва айланувдаги активлар қиймат йиғинди баҳосини ва сармоя тузилмасини бошқариш ишлари билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг ечими нафақат корхонанинг молиявий ахволини барқарорлаштириш, балки ўзаро ҳисоб-китобларни яхшилаш, таъминотчилар олдидаги масъулиятни ошириш, меҳнат унумдорлигини кўтариш ва сарф-харажатларни қисқартириш учун чинакам шароит яратишга имконият беради. бунинг натижасида иқтисодий ривожланишга тўсқинлик қилувчи энг кучли омиллардан бири инқироз ва *стангасия* бартараф этилади.

12.6. МОЛИЯВИЙ АҲВОЛ ТАҲЛИЛИ

Молиявий аҳволни таҳлил қилиш учун бухгалтерлик ва статистик ҳисоботлардаги маълумотларга асосланган ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Ҳисоб-китоб этилаётган кўрсаткичлар дастлабки маълумотлар ишончлигига асосланиб баҳоланади.

Молиявий менежер шундай кўрсаткичларни танлаб олиши лозимки, уларга асосланиб у етарлича аниқ даражада корхонанинг жорий ва стратегик имкониятларини аниқлашга эриша билиши зарур. Ўтказилган текширишлар натижасида биз асосий воситалар, айланма маблағлар, молиявий сарфлар, тиклаш харажатлари, тўлов қобилиятининг йўқолишини сифатловчи кўрсаткичларни ўрганиб бордик.

Молиялаш манбаларининг тузилмасини таҳлил қилиш ишлари молиявий менежмент учун алоҳида аҳамият касб этади.

Асосий баҳолаш кўрсаткичлари кўриб чиқайлик. Аввалдамбор бу— ***мустақиллик коэффициентидир.*** У қуйидаги тенглама бўйича аниқланади:

$$K_m = \frac{\text{ўз молиялаш манбаалари}}{\text{нетто- баланс якуни}}$$

Агар ушбу кўрсаткич хосиласи 50 фоиздан ортиқ бўлса, демак корхона оддий ва кенгайган такрор ишлаб чиқаришни молиялаш учун етарлича ўз маблағларига эга бўлади.

Навбатдаги кўрсаткич бу — ***молиявий барқарорлик коэффициенти.*** У қуйидаги тенглама бўйича топилади:

$$K_{м} = \frac{\text{ўз молиялаш манбаалари} + \text{узоқ муддатли кредитлар ва қарз пуллари} + \text{мақсад молиялаш}}{\text{нетто} - \text{баланс якуни}}$$

Молиявий барқарорлик коэффициентини аниқлашда молиялаш манбаалари таркибидаги ўз маблағлар билан бир қаторда узоқ муддатли банк кредитлари ва қарз пуллари, шу ҳисобда облигация заёмлари, шунингдек мақсадли молиялаш ва тушумлар, шу ҳисобда бюджет пул ажратмалари ва беғараз молиявий ёрдам ҳисобга киритилади ва айнан шу билан у молиявий мустақиллик коэффициентидан фарқ қилади.

Молиялаш коэффициенти ўз молиялаш манбаалари ва қарзга олинган молиялаш манбаалари ўртасидаги нисбатни кўрсатади ва қуйидаги тенглама бўйича топилади:

$$K_{мол.} = \frac{\text{ўз молиялаш манбаалари}}{\text{узоқ муддатли кредитлар ва қарз пуллари} + \text{қисқа муддатли кредитлар ва қарз пуллари}}$$

Молиялаш коэффициенти 1 дан ортиқ бўлса, демак корхонада ўз-ўзини молиялаш тамойили амал қилмоқда.

Инвестициялаш коэффициенти асосий воситалар ва бошқа айланувдан ташқари активларни кўпайтиришга йўналтирилган молиявий маблағ манбааларининг улушини таҳлил қилиб бориш имкониятини беради. Бунда молиялаш манбаалари таркибида ўз молиявий маблағ манбааларини ҳам, узоқ муддатли кредит ва қарз пулларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Ҳисобкитоб қуйидаги тенглама бўйича қилинади:

$$K_{и} = \frac{\text{ўз молиялаш манбаадари} + \text{ўзоқ муддатли кредит ва қарз пуллари}}{\text{асосий воситалар} + \text{бошқа айланувдан ташқари активлар}}$$

Низомий сармоя ва ўз молиялаш манбааларининг ҳажми ўртасидаги нисбат катта аҳамиятга эгадир. Харакатда ушбу кўрсаткич анча пасайиб бораётган бўлса, демак корхона ўз фойдасини пулга айлантириши ёки катта дивидендларни тўлаб юбориши лозим бўлади. Корхонанинг ўз маблағ манбаалари-

даги ***аксиядорлар (пайчилар) иштироки коэффициенти*** қуйидаги тенглама бўйича аниқланади:

$$K_{а} = \frac{\text{низомий сармоя}}{\text{ўз сармояси}}$$

Жами молиялаш манбаларидаги ***аксиядорлик ёки пайчилик сармоясининг иштирок этиш коэффициенти*** қуйидаги тенглама бўйича аниқланади:

$$K_{а}^{0} = \frac{\text{низомий сармоя}}{\text{ўз сармояси}}$$

Йиғинди пул сармоясининг 1000 сўмига низомий сармоянинг бир неча сўми тенг келгани холатида қиймат ифодасидаги аксиядорлик ёки пайчилик мулки корхонанинг жами пул айланувн қийматидан анча ортда бўлади ва демак аксиядорлар катта дивидендларга ва фойданинг пулга айлантирилишига умид қила олмайдилар.

Жалб этилган сармоя ва корхонанинг ўз сармояси ўртасидаги нисбат корхонанинг жорий ҳисоб-китоблар ва мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилиши қисмдаги имкониятларини кўрсатади. Жалб этилган сармоя таркибига: кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ва харидор ҳамда буюртмачилардан олинган бўнак тўловлари киради. Ўз сармоянинг 1 пул бирлигига тўғри келадиган ***жалб этилган сармоя коэффициенти*** қуйидаги тенглама бўйича аниқланади:

$$K_{ж} = \frac{\text{жалб этилган сармоя}}{\text{ўз сармояси}}$$

Узоқ муддатли кредитлар ва қарзга олинган пулларни қайтариб бериш молиявий имкониятларини баҳолаш учун ***узоқ муддатли кредит қўйилмалари коэффициенти*** аниқланади. У қуйидаги тенглама бўйича ҳисоб-китоб қилинади:

$$K_{к} = \frac{\text{узоқ муддатли кредитлар ва қарз пуллари}}{\text{ўз сармояси}}$$

Фаолият турлари ва маблағ қўйилма йўналишлари бўйича корхонанинг рентабеллиги ёки даромадлиги бир қатор кўрсаткичлар йиғиндиси орқали баҳоланади. Рентабелликнинг асосий кўрсаткичларини кўриб чиқайлик.

Сотиш ишларининг рентабеллиги қуйидаги тенглама бўйича аниқланади:

$$P_c = \frac{\text{баланс бўйича фойда}}{\text{сотув ҳажми}} \text{ ёки } \frac{\text{Соф фойда}}{\text{сотув ҳажми}}$$

Активлар рентабеллиги қуйидагича аниқланади:

$$P_a = \frac{\text{баланс бўйи а фойда}}{\text{активларнинг ўртача йиғинди баҳоси}}$$

Жорий айланувдаги активлар рентабеллигини қуйидаги тенглама бўйича топиш мумкин:

$$P_{айл.} = \frac{\text{баланс бўйича фойда}}{\text{айланма активларнинг ўрта а йиғинди баҳоси}}$$

Ўз сармоя қўйилмаларининг рентабеллиги қуйидагича аниқланади:

$$P_к = \frac{\text{соф фойда}}{\text{асосий воситаларнинг ўртача йиғинди баҳоси}}$$

Инвестиция қилинган сармоя даромадлиги қуйидагича аниқланади:

$$P_{ин} = \frac{\text{ўз молиявий маблағ манбаларин}}{\text{нуқ сармоясининг ўртача йиғинди баҳоси}}$$

Ўз сармоя учун даромадлик меъёри қуйидагича аниқланади:

$$Д_c = \frac{\text{соф фойда}}{\text{ўз сармоянинг ўрта а йиғинди баҳоси}}$$

Аксиядорлик жамияти томонидан эмиссия қилинган ***бир дона оддий аксиянинг соф фойдаси*** қуйидагича топ..ади:

$$Д_a = \frac{\text{соф фойда}}{\text{муомаладаги оддий аксиялар сони}}$$

Дивиденд тўловлари меъёри қуйидагича аниқланади:

$$M_д = \frac{\text{оддий аксиялар бўйича дивидендлар миқдори}}{\text{оддий аксия бўйича соф фойда}}$$

Дивидендлар даромадлиги қуйидагича аниқланади:

$$Д_д = \frac{\text{оддий аксиялар бўйича дивидендлар миқдори}}{\text{аксиянинг бозор нархи}}$$

Кейин гуруҳдаги молиявий кўрсаткичлар такрор ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи маблағлар қиймат йиғин-

ди баҳосига оид таҳлил қаторига киради. Бу гуруҳдаги энг муҳим кўрсаткичлар қуйидагилардир: ликвидлик, тўлов қобилияти, харакатчанлик, қарз узиш, маблағ айланувн коэффициентларидир. Буларнинг айримларини юқоридаги бобларда кўриб чиққанмиз.

Абсолют ликвидлик коэффициенти энг юқори ликвидли активлар, яъни пул маблағларини ҳисобга олган холда аниқланади:

$$K_{а.л.} = \frac{\text{пул маблағлари}}{\text{ҳисоб-китоблар ва бошқа пассивлар} - \text{узоқ муддатли кредит ва қарз пуллари}}$$

Умумий тўлов қобилияти коэффициенти моддий ва номоддий активлар ҳисобига қопланувчи кредитлар ва қарз пуллари улушини белгилайди:

$$K_{у.т.қ.} = \frac{\text{асосий воситалар ва айланувдан ташқари бошқа активлар} + \text{заҳиралар ва сарф-харажатлар}}{\text{узоқ муддатли кредитлар ва қарз пуллари} + \text{қисқа муддатли кредитлар ва қарз пуллари}}$$

Харакатчанлик коэффициенти ўз сармояси ҳисобига шаклланувчи айланма сармоя улушини тавсифлайди:

$$K_{х} = \frac{\text{айланма активларнинг ўртача йиғинди баҳоси}}{\text{ўз маблағ манбаалари}}$$

Қайси соҳага қарашлигини, техник жиҳатда таъминлангани, заҳиралар холатини сифатлаб берувчи баланс активларининг тузилмаси молиявий таҳлил учун катта аҳамият касб этади.

Асосий сармоянинг улушли иштироки коэффициенти қуйидагича аниқланади:

$$K_{а.с.} = \frac{\text{асосий воситалар ва айланувдан ташқари бошқа активлар}}{\text{нетто- баланс якуни}}$$

Айланма сармоянинг улушли иштироки коэффициенти қуйидагича аниқланади:

$$K_{айл.с.} = \frac{\text{заҳиралар ва сарф-харажатлар}}{\text{нетто-баланс якуни}}$$

Пул сармоясининг улуши иштироки коэффициенти қуйидагига аниқланади:

$$K_{п.с.} = \frac{\text{пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва бошқа активлар}}{\text{нетто-баланс якуни}}$$

Баланс активлари тузилмасини бир соҳадаги бошқа корхона билан қиёслаш орқали таҳлил қилиш маъқулдир ва бунда ишлаб чиқариш жараёнининг хусусиятлари ҳисобга олиниши лозим.

Молиявий таҳлил учун кредиторлик ва дебиторлик қарзлар ўртасидаги нисбат, яъни муомаладан четда қолган ва жорий тўловлар бўйича молиялаш манбаси сифатида жалб этилган сармояларнинг холати катта аҳамиятга эгадир. Кўп холатларда улар ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик кузатилади. Таъминотчиларга пул тўламаслик холатлари кўпинча пул сармоясининг муомаладан четга чиқариб юборилиши билан боғлиқ бўлади.

Ушбу нисбат 1 га тенг бўлса, ҳисоб-китоблар холати нормал ҳисобланади. ***Жорий қарздорлик коэффициенти*** қуйидагича аниқланади:

$$K_{қарз.} = \frac{\text{ўртача дебиторлик қарз}}{\text{ўртача кредиторлик қарз}}$$

Жорий активлардаги дебиторлик қарз улуши муомаладан чиқариб юборилган маблағларнинг ишлаб чиқариш жараёнига ва ликвидли активлар ҳажмига таъсир кўрсатишини назорат қилиш имкониятини беради. ***Маблағларни муомаладан чеклаш коэффициенти*** қуйидагича топилади:

$$K = \frac{\text{ўрта а дебиторлик қарз}}{\text{заҳиралар ва сарф-харажатлар} + \text{пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва бошқа активлар}}$$

Юқори ликвидли активларнинг тўла айланиш даврини таҳлил қилиш учун қуйидаги тенглама қўлланади:

$$K_{айл.} = \frac{\text{сотув ҳажми}}{\text{заҳиралар ва сарф-харажатлар} + \text{пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва бошқа активлар}}$$

Активларнинг айланишга оид умумий коэффициент қуйидагича аниқланади:

$$K_{ум.айл.} = \frac{сотув\ ҳажми}{нетто\text{-}активларнинг\ йиғилди\ баҳоси}$$

Молиявий баҳолаш кўрсаткичларининг ўзгаришини мунтазам назорат қилиш ишлари қўлга киритилган натижалардан режалаш ва тахмин қилишда фойдаланиш имконнятини беради. Таҳлил этилпётган кўрсаткичларнинг энг маъқул тўплами мавжуд боғлиқликларни аниқлаш ва қонуниятларни белгилаш имконнятини ҳам яратадики, ушбуларнинг қайд қилиб борилиши молияни самарали бошқаришга шубхасиз кўмаклашади.

ҚАЙТАРИШ УЧУН АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

Савдо-воситачилик битимлари

Биржа савдоси
Фьючерс келишуви
Чинакам мол-маҳсулотга оид битим тузиш

Молиявий натижалар
Бизнес режа
Тезкор молиявий режалаш
Жорий молиявий режалаш
Стратегик молиявий режалаш

Молиявий режа
Харажатлар ҳисоб-китоби
Тўлов календари
Шахмат жадвали
Сармоя тузилмаси
Харакатдаги жараёнларга оид кўриниш ясаш
Тизимли харакатдаги кўринишни ясаш
Моиявий таҳлил
Пул оқими Рентабеллик

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Тадбиркорлик тузилмалари томонидан битимларнинг қайси турлари қўлланади ва нима учун?

2. Ўз сармоясини бошқариш тушунчасига нималар киради? Тадбиркорлик тузилмасининг ўз сармоясини бошқариш доирасида молиявий менежер олдига қандай мақсадлар қўйилади?

3. Низомий сармоянинг ўз сармоядаги ўрни ва низомий сармояни шакллаш зарурати нимадан келиб чиқади? Молиявий-менежер ўз тасарруфига кўра низомий сармояни, заҳира сармоясини, жамлаш ва истеъмол жамғармаларини кўпайтириш учун фойдани йўллаши мумкинми?

4. Молиялаш манбаалари тузилмасини таҳлил қилиш орқали нимага эришилади? Энг маъқул молиялаш тузилмаса қандай бўлади?

5. Нима учун молиявий режа бизнес-режанинг энг муҳим унсури ҳисобланади?

6. Жадалкор, жорий ва стратегик молиявий режалашлар ўртасидаги фарқ нимадан иборат?

7. Тўлов календари нима?

8. Молиявий режани қўллаш ёрдамида қандай муаммолар ечилади?

9. Нима учун ўз сармоясини бошқаришда математик нуқтан-назардан ясалган кўринишларни қўллаш маъқул?

10. Пул оқим кўринишларини ясаш тадбири қандай афзалликлар яратади?

11. Нима учун пул оқимларини бошқариш амали корхонанинг барқарор ишлаш омили ҳисобланади?

12. Такрор ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи маблағ қиймат йиғинди баҳоси ва пул сармоялари ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?

13. Баҳолаш кўрсаткичларининг молиявий аҳвол таҳлилидаги ўрни?

14. Молиялаш манбааларининг тузилмаси қандай кўрсаткичлар орқали тавсифланади?

15. Рентабеллик таҳлили нима учун керак? Нима учун рентабелликни турли кўрсаткичлар бўйича ҳисоб-китоб қилиб чиқиш зарур?

16. Такрор ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи маблағ қиймат йиғинди баҳосини қайси кўрсаткичлар ёрдамида таҳлил қилиш мумкин?

17. Молиявий аҳволга оид таҳлил натижаларига кўра молиявий менежер қандай қарорлар қабул қила олади?

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУСИ

Молиявий режалаш вазифаси, шакллари, объектлари.
Ўз сармоясини шакллаш.
Сармоя тузилмасини бошқариш. Оптимизасиянинг вазифаси.
Пул оқим кўринишларини ясаш.
Молиявий аҳвол таҳлилига оид йўналишлар.

ХУЛОСА

1. Молиявий натижалар айланувдан ташқари ва айланувдаги активлар қиймати йиғинди баҳосини бошқариш ва сармоя тузилмасини бошқариш тадбирлари ўртасидаги ўзаро алоқанинг самарадорлигига боғлиқдир. Сармоя тузилмаси биринчи навбатда *жамланган фойдага ва жорий жамлаш меъёрларига* боғлиқ.

2. Молиявий режа бир вақтнинг ўзидаёқ ҳам алоҳида кўрсаткичлар бўйича топшириқ вазифасини, ҳам тадбиркорлик тузилмаси ривожланиш кўрсаткичларининг мавжуд маблағ *манбаалари билан ўзаро боғлиқлигини*, такрор ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи маблағ қиймат йиғинди баҳоси ва фойдаланишда[illegible] пул сармоянинг ўзаро алоқасини таъминловчи ҳужжат вазифасини бажаради.

3. Стратегик молиявий режа кенгайган такрор ишлаб чиқаришга *оид энг муҳим кўрсаткичлар, мутаносибликлар, суръатларни* белгилайди; Мақсадли кўрсатмалар, стратегик инвестициялар, мўлжалдаги жамламаларни амалга оширишда энг асосий шакл вазифасини бажаради. Жорий ва жадалкор молиявий режалар стратегик молиявий режаларга асосланиб тузилади ва *уларнинг маъносини равшанлантириб бе[illegible]ди.*

4. Молиявий менежмент тадбиркорлик тузилмаларида ташкил этилаётган пул маблағ жамғармаларининг тузилмаси ва таркибини белгилайди, шунингдек муассислар ёки тижорат ташкилот иштирокчилари мажлисида тасдиқланиши лозим *бўлган мақсадли сарфлаш йўналишларини ўрнатади.*

5. Такрор ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи пул маблағларининг ҳажми ва корхонанинг ўз сармояси ўртасидаги асосий боғлиқлик низомий сармоя орқали ўрнатилади. Ипқороз даражасининг юқорилигини ва асосий жамғармаларнинг даврий тарзда қайта баҳоланиб туришини ҳисобга олсак, низомий сармояни энг маъқул ҳажмда сақлаб туриш тадбирининг долзарблиги аён бўлади.

6. Пул сармоя йиғиндисига нисбатан ўз айланма сармоянинг ўсиш суръати юқори бўлганлиги тадбиркорлик тизимаси молиявий аҳволининг барқарорлиги ўсганидан далолат беради ва сотув ҳажми ижониятларининг анча кўпайганлигини кўрсатади.

ЯКУНИЙ ХУЛОСА

Сармоялар бозори шаклланаётгани шароитида тадбиркорлик фаолиятини молиялаш шакл ва услублари, тамойиллари, шарт-шароитларига янги нуқтаи назардан қараш ҳамда молиявий менежментнинг хусусийлаштиришга, қўйилмалар диверсификасиясига, молиявий амалиётларга кўрсатаётган таъсирининг натижаларини янада чуқур ва холисона баҳолаш имкониятини берувчи тушунчалар ва меъзонлардан фойдаланиш зарур.

Тадбиркорлик тузилмаларида молиявий менежментнинг қўлланиши молиявий ишларни ташкиллаш ва молиялашни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш ва сотув ҳажмини кенгайтириш, фойдани кўпайтириш, сарф-харажатларни қисқартириш, активлар ликвидлигини кўтариш, моддий ва молиявий маблағларни мувозанатда сақлаш тадбирларини таъминловчи сармоя тузилмасини энг маъқул шаклга келтириш амалларига оид жуда катта имкониятларни кўрсатиб беради.

Тадбиркорлик тузилмаси ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда такрор ишлаб чиқариш жараёнлари, хусусийлаштириш тадбирлари, солиқ тизими, ҳисоб-китоблар, банк ва тижорат кредитлари, эмиссия фаолиятига оид давлат томонидан мувофиқлаш қонуний ва меъёрий негизини шакллантиришдаги ғояларни баҳолаб билиш тадбири муҳим аҳамият касб этади.

Бозор ислоҳотлари тадбиркорлик тузилмаларида фойда ва ликвидлик ортиши, сармоянинг самарали сарфланишида барча бўлинма ва хизматларнинг манфаатдорлигини таъминлаб берувчи ундаги механизмининг ташкил этилишини талаб қилади. Ундаги сабабларининг ҳар бири мулкдорлар, тадбиркорлар, менежерлар, аксиядорлар, ишчиларнинг манфаатларини уюштириш ва шахсийлаштиришга асосланган ишлаб чиқариш, тижорат, ижтимоий ва бошқа турдаги интеграсия учун очиқ бўлган тизим шаклида бўлиши зарур.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

♦ Молиявий менежмент тадбиркорлик тузилмасининг кўлами ҳамда устивор йўналишларини белгилаб берувчи молиявий таъминотни бошқариш самарали шаклидир. Жамият иқтисодий негизидаги мулкдорчилик муносабатларига оид ислоҳотлар шу китобда ўрганиб чиқилган молиявий менежмент концепциясининг асосини ташкил этади. Фақат шундай ислоҳотларгина умумдавлат молияси ва тадбиркорлик тузилмалари молияси ўртасида аниқ чегара ўрнатилишини таъминлаб бера олади. Молиявий менежмент амал қилиш учун қуйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлиши шарт: хусусий мулкчилик унсурларига асосланган тадбиркорлик; тадбиркорлик фаолиятига оид ўз-ўзини молиялаш; бозор ислоҳоти; меҳнати, мол-маҳсулот, сармоя бозорлари; тадбиркорлик фаолиятининг аниқ тартибда давлат томонидан мувофиқлаштирилиши.

Молиявий менежмент ва мулкчилик муносабатлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик қуйидагиларда намоён бўлади: мулкдор ёки мулкдор томонидан мулкни бошқаришга ваколотли этилган шахслар қонун доирасида ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ юридик шахсни ташкил этиш масаласини ҳал қиладилар, унинг мақсади ва ривожланиш стратегиясини белгилайдилар, мулкнинг самарали ишлатилиши ва бут сақланиши юзасидан назорат олиб борадилар, молиявий маблағ манбааларидан ўз ихтиёрларига кўра фойдаланадилар ва мустақил молиявий сиёсат олиб борадилар.

♦ Мулкдор ва тадбиркор томонидан молиявий менежерга нисбатан қўйиладиган асосий талаб бу — молиявий концепсия негизини ишлаб чиқишдир. Умумий концептуал нуқтаи назар қуйидагилардан иборат: кўзланган мақсадларга эришиш, пул айланувини самарали бошқариш, белгиланган мутаносибликда пул маблағ жамғармаларини шакллаш, молиявий маблағ манбааларини мақсадли сарфлаш тадбирларини таъминловчи молиявий ривожланиш стратегиясини белгилаш. Эътиборингизга тақдим этилган концепсияда молиявий менежер ўз мазмунига кўра сармоя харакати, жорий фойда, жамғармалар ва инвестисияларга таъмирини ўтказувчи мулкдор наъмунасидир.

♦ Молиявий менежер тадбиркорлик тузилмаси умумий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда асосий ўрин эгаллайди, чунки у молиялаш имкониятларини, бўлажак фойдани, сармоялар бозоридаги аҳволни чинакам баҳолаб бериши мумкин.

♦ *Молиявий менежер ўз фаолияти доирасида турли бошқарувчи* субъектлардан, шу ҳисобда мулкдор ва тадбиркорлар, давлат ҳокимлик ва бошқариш идоралари, молия- кредит муассасалари томонидан қўйилган бошқаришлик қарорлар оқимининг таъсири остида бўлган объектлар билан ишлайди.

♦ Айланувдан ташқари, айланувдаги ва молиявий активларнинг иқтисодий мустақиллиги уларнинг муомала айланувини алоҳида олинган тадбиркорлик тузилмаси доирасида бошқариш заруратига олиб келади. Тижорат ташкилотлари ўз фаолиятларини сармоя ўстиришга йўналтирадилар. Сармоя ўсиши эса ўз молиявий маблағ манбаалари ва асосан фойда ҳисобига, шунингдек қўшимча аксия ва облигацияларни чиқариш, қарзга олинган ва бошқа жалб этилган сармоя ҳисобига амалга ошиши мумкин.

♦ Молиявий менежернинг вазифаси — такрор ишлаб чиқариш жараёнини ва инвестицион фаолликни таъминлаб берувчи энг қулай шакл ва молиялаш манбаасини танлаб олишдан *иборатдир. Бу тадбирлар натижасида шароитга қараб* ўзгарувчан бошқариш тамойилини амалга ошириш имконияти туғилади.

♦ Низомий сармоя, заҳира сармояси, истеъмол жамғармаси ва маблағ жамлаш жамғармаси молиявий менежер томонидан алоҳида эътиборга олинади, чунки тақсимлаш жараёнларининг самараси айнан шу маблағларга боғлиқдир.

Молиявий менежмент фойдани тақсимлаш, унинг такрор ишлаб чиқариш ва узоқ муддатли сармоя сарфларини рағбатлашдаги ўрни ва аҳамияти доирасидаги тадбиркорлик тузилмасининг спёсатини белгилайди.

♦ Бошқариш тизимидаги доимий ўзгаришлар ва янгиликлар молиявий менежерларнинг шунга мос равишда амал қилишларини талаб этади. Тадбиркорлик стратегиясини ишлаб чиқиш амали юқори иқтисодий фойда келтириши мумкин

бўлган жабҳаларга молиявий маблағ манбааларини жамланган холда йўналтириш имкониятини беради.

Молиялаш тартибини, ички ҳисобот тизимини, рағбатлашни белгиловчи ҳамда бошқариш тузилмасининг турли даражаларидаги молиявий менежерларнинг вазифаларини тартибга келтирувчи бўлимларга ажратиб бошқариш тизими тадбиркорлик тузилмаси учун катта аҳамиятга эгадир.

♦ Молиявий менежментнинг асосий тамойили — фойда кўриш имкониятларини ва тадбиркорлик фаолиятининг турли жабҳаларига пул маблағларини бўнак тарзида сарфлаш таваккалчилик хавфидан қутилиш имкониятларини тенглаштиришдан иборатдир. Муаммолар ечимига йўналтирилган бошқариш тамойили ва шу ҳисобда илгарилаб бошқариш амали кенгайган ишлаб чиқариш ҳамда сотув ҳажмини кенгайтириш чегараларини аниқлайди, қарор қабул қилишда муқобил йўналиш ва шаклларнинг излаб топилишини таъминлайди, молтялашнинг янги манбаалари ва йўналишларини танлаб олишга кўмаклашади.

♦ Молиявий менежментнинг сифати, авваламбор, сармоялар бозоридаги стратегик рақобатчилик устиворликларига боғлиқ ҳолда баҳоланади. Стратегик молиявий менежментнинг фарқловчи хусусияти ва муваффақиятлиги мезони кўрилган даромад ва сарфланган харажатлар ўлчовдошлигида эмас, балки тадбиркорлик тузилмаси томонидан назорат этилаётган ҳамда маблағ жамлаш ва инвестицияларни таъминлайдиган такрор ишлаб чиқариш жараёнига хизмат қилувчи сармоянинг ҳажмидадир. Шароитга қараб ўзгариш ва мослашувчанлик хусусиятлари стратегик молиявий менежментнинг энг муҳим унсурлари бўлиб, рўй бераётган ўзгаришларга жавобан тезлик билан чора кўриш, корхона стратегиясига ўзгартишлар киритиш ва самарасиз молиялаш услубларидан қутулиш имкониятини беради.

♦ Жорий молиявий менежментда тижоратчилик ташаббусини ва меҳнат унумдорлигини рағбатлаш ҳамда ишлаб чиқариш ва фойдаланиш чиқим-харажатларини оқилона даражага келтириш тадбирларига катта эътибор ажратилади. Стратегик молиявий менежмент рағбатлаш тадбирларини фикран четлаб ўтади, сарф-харажатларни фақат харажатини қоплаш

омили, сармоя сарфларини эса келгуси фойда нуқтаи назаридан кўриб чиқади. Жорий молиявий менежмент фаолияти ўз харажатларининг қопланишини таъминловчи ички молиялаш манбаларига асосланади. Жорий молиявий менежмент учун корхона тасарруфидаги мавжуд пул маблағларининг маълум вақт оралиғида самарали ишлатилиши асосий аҳамиятга эгадир. Стратегик молиявий менежмент бизнеснинг энг истиқболли жабҳаларига йўналтириш ёки фаолият кўламини кенгайтириш мақсадида сармоя жамлаш ёки молиявий маблағ манбаларини қайта тақсимлаш йўлларини излаб топади.

♦ Молиявий менежментда тўпламли стратегияга алоҳида ўрин ажратилади. У ўз ичига қуйидаги тадбирларни киритади: сармоя ва маблағ манбааларини жойлаштириш, синергизм таъсиридан фойдаланиш, тадбиркорлик тузилмаларини сотиб юбориш ёки харид қилиш.

Тўпламли стратегия амал қилаётган корхонага нисбатан ташқи омил сифатида таъсир кўрсатади. Ички молиявий менежмент, шу ҳисобда ички молиявий стратегия тўпламли стратегиядан фарқ қилади. Ушбу мухторлик умумий молиявий менежмент доирасида бартараф этилади ва ягона молиявий сиёсат амалга оширилади. Ички молиявий менежмент корхонанинг рақобатбардошлигини таъминлайди. Тўпламли стратегия сармоя қўйилган ташқи объектлар ҳисобига жамламаларни ўстириш учун шароит яратиб беради. Ички молиявий менежментнинг вазифаси —қўйилган мақсадларга эришиш учун маблағ манбаларининг самарали сарфланишини ва уйғунлаштирилишини таъминлашдан иборатдир. Тўпламли стратегиянинг вазифаси — самарали ташқи инвестициялар тузилмасини яратиш.

Тўпламли стратегия молиявий менежментнинг ички стратегиясига тобе бўлиб, юридик шахслар томонидан кесишган тарзда аксияларга эгалик қилиш ҳолатига олиб келади. Бунда бошқариш, ривожланиш стратегияси, инвестицияларга оид қарорлар юзасидан бирлашган назорат олиб бориш ишлари биринчи қатордан жой эгаллайди. Аксияларга эгалик қилишнинг бундай шакли барқарор бозор нархи нисбатини, иш соҳасидаги ҳамкорликни, уйғун молиявий сиёсатни сақлаб қолишга кўмаклашади.

♦ Тадбиркорлик фаолият молиявий таъминотининг диверсификасияси молия-кредит муносабатлари ва сармоя бозори инфратузилмасининг ривожланишидан далолат берувчи асосий кўрсаткичларнинг биридир. Диверсификасия сармоя жалб қилиш йўналишларини анча кенгайтиради, сармоялар ва молиявий хизмат бозорида рақабатни юзага келтиради.

♦ Тадбиркорликни молиявий таъминлаш юзасидаги бошқариш ишларининг қониқарсизлиги корхона ва тижорат ташкилотларини банкротликка олиб келади. Банкротлик — рақобатли бозор муҳитининг узвий қисмидир. Банкротлик бўлмаса, рақобат ҳам бўлиши мумкин эмас. Қайта ташкиллаш шаклини танлаш, кредиторларининг талабларини қондириш, санация ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирлар молиявий менежер зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Ишбулар қаторига қуйидагилар киради: молиявий ёрдам жалб қилиш шакллари ва манбааларига оид имкониятларни белгилаш, биринчи навбатда молияланувчи объектларни ва сармоя сарф қилиниш муддатларини аниқлаш, жорий харажатларни мумкин қадар қисқартириш, дебиторлик қарзларни ундириш учун чора кўриш, гаровга эгалик қилувчи ва имтиёзли кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш.

♦ Молиявий менежментнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнларига қаратилган таъсири корхона ва тижорат ташкилотларининг маблағ айланувида иштирок этувчи мабла. қиймат йиғинди баҳосини ва пул сармоя йиғиндисини бошқаришда ўз ифодасини топади.

♦ Молиявий менежментнинг вазифаси— айланувдан ташқари активлар юзасидаги таҳлил ва уларнинг харакатдаги ўзгаришига асосланиб сармоя қўйилмаларига оид энг устивор йўналишларни аниқлашдан иборатдир. Бу орқали илгаридан танлаб олинган шакл ва таркибда асосий воситаларнинг қайта ишлаб чиқарилиши таъминланади. Корхона ва тижорат ташкилотларида сармоя қўйилмаларига оид мақсадли молиялаш манбааларининг шу ҳисобда харажат қоплаш ва маблағ жамлаш жамғармаларининг ташкил қилиниши кенгайган такрор ишлаб чиқариш жараёнининг нормаллигини ҳамда танланган сиёсатнинг амалга оширилишини кафолатлайди.

Молиявий менежмент низомий сармоя ҳажмини энг маъқ-

ул даражага келтиради ва уни такрор ишлаб чиқаришда иштирок этувчи маблағ қиймат йиғинди баҳоси ҳамда жами пул айланувчи билан мувофиқлигини таъминлайди. Харакатдаги жараёнлар кўринишини ясаш амалга асосланган низомий сармояни шакллаш усуби катта афзалликларга эга. Тизимли харакатдаги турли даражалар бўйича ясалган кўринишлар айланувдан ташқари ва айланувдаги активлар қиймат оқими билан сармоя оқими ўртасидаги алоқани ва қонуниятларни аниқлашга, шунингдек сотув, мол-маҳсулот заҳиралари, сарф-харажат ва фойда ҳажмларига оид рўй бераётган ўзгаришларни назорат қилишга имконият беради.

ГЛОССАРИЙ

АККРЕДИТИВ — мижознинг топшириғига биноан шартномадаги контрагент фойдасига банк томонидан берилган шартли пул мажбурияти. Унга мувофиқ банк-эмитент тўлов бажариши ёки аккредитив шартларига риоя этган бошқа банкка ушбу ваколатни топшириши мумкин.

АКСИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — низомий сармоясини аксиялар воситасида шакллаган тижорат ташкилотларининг ташкилий — ҳуқуқий шакли.

АКСИЯ — аксиядорлик жамиятининг низомий сармоясига омонат пулини қўшганлигидан далолат берувчи ва дивиденд олиш ҳамда бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи қимматли қоғоз (оддий аксия).

АМОРТИЗАСИЯ — эскирган сари асосий воситалар қийматини ишлаб чиқарилаётган ва (ёки) сотилаётган маҳсулотга қўшиш: маҳсулот сотувидан олинган тушум ҳисобига ишлаб чиқариш ва фойдаланиш чиқим- харажатлари таркибида қопланувчи оддий такрор ишлаб чиқаришни молиялаш манбааси.

ИЖАРА МУНОСАБАТЛАРИ — хоналарни, жиҳоз-ускуналарни ва бошқа кўчмас мулкни шартнома асосида мулкий ёллаш шаклидаги пул муносабатлари.

БАЛАНС — корхона маблағларининг таркиби ва қиймат баҳоси (актив) ҳамда уларни қоплаш манбаалари (пассив) юзасидан ахборот берувчи бухгалтерлик ҳисобига оид асосий мажмуавий ҳужжат.

БАНКРОТЛИК — қарздор корхонанинг тўловга қобилиятсизлигини тан олиш жараёни.

ВЕКСЕЛ — мол-маҳсулот харакати учун хизмат қилувчи

тижорат кредити тақдим этилгани ҳақида гувоҳ берувчи қимматли қоғоз, тўлов ҳужжати; имзо чекувчи шахс томонидан кўрсатилган пул миқдорини маълум муддатда тўлаш тўғрисидаги ёзма қарздорлик мажбурияти.

ВЕНЧУР МОЛИЯЛАШ — янгилик киритиш борасидаги фаолиятни молиявий маблағ билан таъминлаш; илмий-техник изланишларни молиялаш.

МУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАР — маълум буюмлар, мулк, шу ҳисобда кўчар ва кўчмас мулк ҳамда ерга эгалик қилиш ҳуқуқи.

ТАШҚИ ЎСИШ — фаолият кўрсатаётган корхоналарга янги корхоналарнинг қўшилиши.

ИСКИ ЎСИШ — ўз моддий - техник негизини ривожлантириш орқали амалдаги ишлаб чиқаришни кенгайтириш.

ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ — сармоя айланувчи иштирокида узлуксиз такрорланувчи ишлаб чиқариш жараёни.

МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТНИНГ ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВАЗИФАСИ — оддий ва кенгайган такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги сармоя айланувининг барча босқичларида моддий ва молиявий маблағ харакатининг мувозанатини таъминлаш.

КАФОЛАТ МАЖБУРИЯТИ ЁКИ КАФИЛЛИК — банк ссудасини таъминлаш шакли.

ДАВЛАТ ТОМОНИДАН МУВОФИҚЛАШ — корхонага ташқаридан таъсир кўрсатиш тизимининг қонуний расмийлаштирилган шакли.

ДАВЛАТНИНГ ИЧКИ ҚАРЗИ — давлатнинг ички кредиторлар олдидаги давлат мулки билан кафолатланган қарздорлик мажбуриятлари.

ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗ — олинадиган пул ҳисоб миқдори:

кредит тарзида берилган маҳсулот, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат натижасида юзага келган вақтинча айланувдан маблағларни четлатиш шакли.

ДЕВАЛВАСИЯ —расмий валюта пул нисбатини чет эл валюталарига нисбатан пасайиши.

ДЕМОНОПОЛИЗАСИЯ — мол-маҳсулот бозорларининг ривожланишига ва рақобатчилик муҳитининг яратилишига кўмаклашиш, маълум мол-маҳсулот бозорида айрим корхоналар яккахонлик қилишлари билан боғлиқ вазиятнинг олдини олиш.

ДЕПОЗИТАР ФАОЛИЯТ — қимматли қоғозларни сақлаш, шунингдек эмитентларнинг қимматли қоғозларга сид ҳуқуқларини қайд қилиш борасида хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фаолият.

ҚАРШИ МУВОФИҚЛАШ — корхонага ташқаридан кўрсатилаётган таъсирни кучсизлантириш учун қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси.

АКСИЯДОРЛАР РЎЙХАТИНИНГ ЭГАСИ — аксиядорлар рўйхатини юритиш ва сақлаш юзасидаги фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс:

ДИВЕРСИФИКАСИЯ — кўп тармоқли ишлаб чиқаришни ёки қимматли қоғозлар тўпламини ташкил қилишга қаратилган стратегик йўналиш.

АЙРИЛГАН ҲОЛАТДА БЎЛИМЛАРГА АЖРАТИБ

БОШҚАРИШ — йирик тижорат ташкилотларининг ташкилий тузилмаси. Ушбу тузилманинг унчурлари ва яхлит бўлинмалари мол-маҳсулот ёки хизмат турлари, истеъмолчилар гуруҳи, фаолият ҳудудлари бўйича ажратилади.

ИЖАРА ШАРТНОМАСИ — тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида муддатли асосда ва қайтариш

шарти билан мулкдан фойдаланиш ҳамда унга эгалик қилиш шартномаси.

УЗОҚ МУДДАТЛИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЙИЛМАЛАР — корхона ва тижорат ташилотларининг низомий сармоясига сарфланувчи узоқ вақт мобайнига мўлжалланган молиявий қўйилмалар, узоқ муддатли қарзлар.

ДАРОМАДЛИК — кўрилган даромаднинг асос қилиб олинган кўрсаткичга бўлган нисбатини тавсифловчи таққослаш миқдори.

ҚАРЗГА ОЛИНГАН САРМОЯ — кредит шартномаси асосида корхоналар томонидан ўз пул айланувида ишлатилувчи банкларнинг сармояси.

ГАРОВ — мажбуриятлар, шу ҳисобда қарзга пул олиш шартномасининг ижросини таъминлаш услуби.

САРФ- ХАРАЖАТЛАР — маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иш бажариш ва уларни сотиш билан боғлиқ нақд пул ва нақд пулсиз шаклдаги тўловлар йиғиндиси.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ФОЙДАЛАНИШ ЧИҚИМ- ХАРАЖАТЛАРИ — мол ишлаб чиқариш ва сотишга сарфланган пул харажатлари йиғиндиси.

ИНВЕСТИСИЯЛАР — сармоянинг кўпайишини, ишлаб чиқаришнинг кенгайишини ва такомиллашувини таъминловчи маблағ манбааларидан жамланган тарзда фойдаланиш.

ИНВЕСТИЦИОН СОЛИҚ КРЕДИТИ — инвестицион фаолликни рағбатлаш ва асосий воситаларни янгилаш мақсадида солиқ идоралари билан тузилган кредит келишуви асосида корхоналарга солиқ тўлаш муддатини чўзиб бериш.

ИНВЕСТИЦИОН ЖАМҒАРМАЛАР — бошқа эмитентларнинг қимматли қоғозларига ўз аксия ва инвестициялари ... эмиссия қилган, қимматли қоғозлар билан савдо қилувчи, ин-

инвестицион қимматли қоғозларга эгалик қилувчи молиявий институтлар ва қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари.

ЯНГИЛИК КИРИТИШ ФАОЛИЯТИ — ташкиллаш, бошқариш, молиялашга оид янги шаклларни қўллашга асосланган фаолият.

ИПОТЕКА — бевосита ер билан боғлиқ объектлар, корхоналар, қурилмалар, бинолар, иншоотлар гарови.

ҒАЗНАЧИЛИК ТАРЗИДА СОЛИҚДАН ОЗОД ЭТИШ — тўланиши лозим бўлган федерал солиқларининг бюджет қарздорлиги ҳисобига қопланиши учун ҳуқуқ берувчи ҳужжат.

САРМОЯ ҚЎЙИЛМАЛАРИ — илгаридан танлаб олинган шаклда ва таркибда асосий воситаларнинг кенгайган такрор ишлаб чиқаришини таъминловчи узоқ муддатли сарф-харажатлар.

МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТНИНГ СИФАТИ — сармоя ва қимматли қоғозлар бозорида стратегик рақобат афзалликлари.

КЕЙНСИАНСТВО — экспансионистга молия — кредит сиёсати ва иқтисодий ўсишни давлат томонидан мувофиқлашга асосланган молиявий консепсия.

МУЛКНИ БОШҚАРИШ ҚЎМИТАСИ — хусусийлаштириш ва тижоратлаштиришни таъминловчи давлат бошқариш идоралари.

ТИЖОРАТЛАШТИРИШ — корхоналарни акциядорлаштириш жараёни, кейинчалик акциядорлаштириш шарти билан тузулмавий бўлинмаларни ажратиб чиқариш, тармоқ ва тобе идорларнинг бошқариш тузилмасидан ажралиб чиқиш.

ТИЖОРАТ КРЕДИТИ — тўлов муддати кечиктириб берилганида мол-маҳсулот шаклидаги кредит: вексел воситасида расмийлаштирилган қарз мажбурияти.

РАҚОБАТ АФЗАЛЛИКЛАРИ — маълум мол-маҳсулот бозорига мувофиқлиги ёки (ва) юқори рақобатбардошлиқдан далолат берувчи омиллар йиғиндиси.

ТАДБИРКОРЛИҚ ФАОЛИЯТИНИ ЮРИТИШ БИТИМИ — мулкдор ва тадбиркор ўртасида тузилган муддатли меҳнат шартномаси.

МОЛИЯВИЙ МЕНЕЭМЕНТНИНГ НАЗОРАТ ЮРИТИШ ВАЗИФАСИ — чинакам пул айланувчи устидан сўм воситасида назорат юритиш.

ҚИСҚА МУДДАТЛИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЙИЛМАЛАР — қисқа муддатга мўлжалланган ва юқори ликвидли қимматли қоғозлар, шу ҳисобда қисқа муддатли ва ғазначилик давлат мажбуриятлари, облигациялар, аксиялар, депозитли сертификатлар, қисқа муддатли векселларга сарфланган молиявий қўйилмалар, бошқа корхоналарга кўрсатилган вақтинчалик молиявий ёрдам.

КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗ — мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоб қилишда юзага келган қарздорлик; корхона пул айланувида кредиторларнинг маблағларидан вақтинча фойдаланиш.

ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИДАГИ ТАНГЛИК — нақд пул ва пулсиз маблағлар танқислиги туфайли юзага келувчи корхоналар ўртасидаги ўзаро пул тўламаслик ҳолатлари.

АКСИЯ ПУЛ НИСБАТИ (КУРС) — аксияни харид қилиш ва сотиб юбориш нархи: аксия бўйича даромад ва кафолатланган даромадга оид солиштирма катталик.

ОБЛИГАЦИЯ ПУЛ НИСБАТИ (КУРС) — облигацияни сотиб юбориш ва харид қилиш нарзи; даромадликка оид солиштирма катталик.

НАРХ-НАВО ЭРКИНЛАШУВИ — нарх-навони эркин тара-

да юзага келтириш ва бу борада давлат назоратини чеклаш сиёсати; таклиф ва талабга қараб нарх-навони шакллаш:

ЛИЗИНГ — узоқ муддатли ижара тарзида харидни узоқ муддатга кредитлаш шакли.

ЛИКВИДЛИК — корхона активларининг тез ва зарарсиз қиймат шаклини ўзгартириш имкониятлари.

ЛИФО УСЛУБИ — охирги навбатда етказиб берилган мол-маҳсулот нархи бўйича мол-моддий қимматликлар юзасидан бухгалтерлик ҳисоб юритиш услуби.

КИЧИК БИЗНЕС — чекланган доирадаги шахслар томонидан амалга оширилган бизнес.

МАРКЕТИНГ — мол-маҳсулотга оид ишланмаларни, ишлаб-чиқаришни, сотувни бошқариш ҳамда ташкиллаш консепсияси: корхонанинг манфаатларини кўзлаб бозорни ўрганиш ва ундан фойдаланишга асосланган фаолият тури.

МЕНЕЖМЕНТ — корхона ва тижорат ташкилотлари юритаётган тадбиркорлик фаолияти воситасида ва доирасида ижтимоий — иқтисодий жараёнларни бошқариш шакли; бошқариш тузилмасини ташкилий шакллаш.

МОНЕТАРИЗМ — рестриктив молия-кредит сиёсатига ва бошқарилмайдиган эркин бозорга асосланган молиявий консепсия.

ЖАМЛАМА — фойдали инвестициялар натижасида сармоянинг ўсиши.

АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРНИ ШАКЛЛАШ — тадбиркорлик фаолиятини ташкиллаш учун корхонага доимо зарур бўлган пул маблағларининг энг кам ҳажмини ҳисоб-китоб орқали белгилаш жараёни.

ОБЛИГАСИЯ — номинал қийматига нисбатан ўрнатилган

қатъий фоиз шаклида даромад келтирувчи қимматли қоғоз; кафолатланган даромад келтирувчи эмитент корхонанинг қарз мажбурияти.

ЖАМҒАРМАЛАРНИ ЯНҒИЛАШ — илгариги ёки тубан янги технологик ва техник асосда жамғармаларни йўқотиш ва янгилаш жараёни.

МАБЛАҒЛАРНИНГ ТЎЛА АЙЛАНИШИ — асосини вақт омили ташкил этган айланма маблағлардан фойдаланиш самарасига оид нисбий кўрсаткич.

АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАР — ишлаб чиқариш заҳиралари, тайёр маҳсулот, тугалланмаган ишлаб чиқариш, кам қимматли ва тез эскирувчи буюмлар учун бўлак тариқасида берилган маблағлар.

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ — низомий сармояни шакллашда муассислернинг омонатлари ҳисобига улушли иштирок этиш асосидаги тижорат ташкилотларининг ташкилий — ҳуқуқий шакли.

МАЖБУРИЯТ ҲУҚУҚЛАРИ — мажбурият иштирокчилари ҳисобланган юридик ва жисомний шахсларнинг қонунда белгиланган, шу ҳисобда шартномада кўрсатилган асосдаги ҳуқуқлари.

АМАЛИЙ БОШҚАРИШ — мулкдор томонидан молияланувчи корхонанинг мулкини бошқариш.

МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ — ходимларга пул ёки маҳсулот билан ҳақ тўлаш.

ОПСИОН — белгиланган муддат мобайнида аксияни қатъий нарх бўйича сотиб юбориш ёки харид қилиш ҳуқуқи.

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР — меҳнат воситаси ҳисобланган жами моддий — буюм қимматликлар учун сарфланган маблағлар.

ЖАМҒАРМАЛАРНИ БАҲОЛАШ — бухгалтерлик ҳисоб юритишда қўлланувчи жамғармаларнинг қиймат ифодаси.

САРМОЯНИ БОШҚА ЖАБҲАГА ЙЎНАЛТИРИШ — фаолиятнинг бир жабҳасига оид молиялашни тўхтатиш ва янги жабҳаларни молиялаш.

ЖАМҒАРМАЛАРНИ ҚАЙТА БАҲОЛАШ — такрор ишлаб чиқариш шарт-шароитларини келтириб чиқарувчи нарх-наво ва бошқа омиллар таъсирида жамғарманинг қиймат баҳосини ўзгартириш.

РЕЖАЛАШ — танланган бошқариш объекти доирасидаги турли маблағ манбааларининг мувозанатли алоқасини таъминловчи ҳамда ўсиш суръати мутаносиблигини ўрнатувчи жараён.

ТЎЛОВ ТОПШИРИҒИ — пул тўловчининг ҳисобрақамидан пул қабул қилувчининг ҳисобрақамига маълум пул миқдорини ўтказиб бериш ҳақида банкка берилган кўрсатмадан иборат бўлган пул тўловчи томонидан ёзиб бериладиган ҳисоб-китоб ҳужжати; мол билан ёки молсиз бажариладиган амалиётларда ҳамда бўнак тўловларида қўлланади.

ТЎЛОВ ТАЛАБНОМАСИ — амалиёт бажарилганидан далолат берувчи ҳужжат асосида пул тўловчидан тегишли пул миқдорини қабул қилиб олиш ҳақида банкка берилган кўрсатмадан иборат бўлган ва мол етказиб берувчи томонидан ёзиб бериладиган ҳисоб-китоб ҳужжати.

ТЎЛОВ ТАЛАБНОМА - ТОПШИРИҒИ — пул тўловчига хизмат кўрсатаётган банкка жўнатилган ҳисоб-китоб ва юк ҳужжатларига асосан шартнома бўйича етказиб берилган маҳсулот, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизмат учун харидор томонидан ҳақ тўлашни талаб қилувчи мол етказиб берувчи ёзиб берган ҳисоб-китоб ҳужжати.

ТЎЛИҚ ШИРКАТ — тўлиқ шерик-иштирокчиларнинг умумий кафилликларига асосланган тижорат ташкилотининг ташкилий- ҳуқуқий шакли.

ТЎЛА ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ — мулкка эгалик қилиш, тасарруф этиш ва фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш шакли. Мулкдорлик ҳуқуқи воситасида тартибга солинади.

ТЎПЛАМ — маълум санага кўра корхона эгалигидаги қимматли қоғозлар йиғиндиси; молиявий қўйилмалар натижаси.

ТЎПЛАМ СИЁСАТИ — сармоя ва маблағларни жойлаш, синергизм таъсиридан фойдаланиш, корхона ёки тадбиркорлик тузилмасини сотиб юбориш ёки харид қилиш.

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ — фойда олиш мақсадида бозор эҳтиёжларига қаратилган хўжалик субъектининг ташаббусли, мустақил фаолияти.

ТАДБИРКОРЛИК ТУЗИЛМАСИ — тадбиркорлик уюшмаси таркибидаги ёки мустақил тарзда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ўз харажатларини қопловчи ёки ўзўзини молияловчи тизим.

ФОЙДАЛИК — баҳолаш кўрсаткичларининг бирида ифодаланган фойда улушини сифатловчи солиштирма кўрсаткич.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ — юридик ва жисмоний шахслар томонидан давлат ва маҳаллий бошқариш идораларидан корхоналарни, уларнинг бўлинмаларини, активларини, қимматли қоғозларини ва бошқа мулкни хусусий эгаликка сотиб олиш.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ — давлатга қарашли ва давлат корхоналарида ташкил этилувчи ҳамда ходимларнинг шахсий ҳисобрақамлари бўйича тақсимланадиган хусусийлаштиришни мақсадли молиялаш манбааси.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЧЕКИ (ваучер) — беғараз тақсимланадиган мулкда ўз улушига эгалик қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги давлат гувоҳномаси.

БОШҚАРИШ ТАМОЙИЛИ — маълум бир тадбиркорлик тузилмасининг барқарор мақсадли йўналишини барпо этувчи консепсия.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ШИРКАТИ — мулкни бирлаштириш ва шахсий меҳнат иштирокида тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун аъзо бўлиш тарзида аъзоларнинг ихтиёрий бирлашувларига асосланган корхонанинг ташкилий — ҳуқуқий шакли.

ЭМИССИЯ РЎЙХАТИ — давлат ҳокимлик ва бошқариш идораларида қайд этилиши шарт бўлган қимматли қоғозлар чиқаруви ҳақидаги ахборот.

МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТНИНГ ТАҚСИМЛАШ ВАЗИФАСИ — белгиланган сармоя тузилмасини сақлаб туриш мақсадида пул маблағ жамғармаларини шакллаш ва уларда фойдаланиш жараёни.

ҲИСОБ КИТОБЛАР — пул айланувининг нақд пулсиз шакли.

ЧИНАКАМ ПУЛ АЙЛАНУВИ — қиймат харакатини юзага келтирувчи ва пул тўловлари ҳамда ҳисоб-китоблар оқими иштирокидаги иқтисодий жараён.

АКСИЯДОРЛАР РЎЙХАТИ — аксиядорлик жамияти ва аксиядорлар ҳақидаги ёзувлар тизими шаклида мавжуд бўлган маълумотлар йиғиндиси.

ТАЪМИРЛАШ ЖАМҒАРМАСИ — асосий воситаларга оид оддий таъмир ишлаб чиқаришни молиялаш мақсадли манбаси.

РЕСТРИКТИВ ЧОРА-ТАДБИРЛАР — аҳолининг харид

қобилиятини камайтириш, бюджет тақчиллигини қисқартириш, инқироз даражасини пасайтириш, ишлаб чиқаришни чеклашга қаратилган чора-тадбирлар йиғиндиси.

САРМОЯЛАР БОЗОРИ — пул маблағ манбаалари ва тўлов воситалари оқимини бошқариш ҳамда даромад келтирувчи ва эмитентлар билан инвесторларни бирлаштирувчи механизм.

ЎЗ ХАРАЖАТИНИ ҚОПЛАШ — кўрилган даромад ҳисобига жорий сарф-харажатларнинг қопланишини таъминловчи молиялаш услуби.

ЎЗ-ЎЗИНИ МОЛИЯЛАШ — кенгайган такрор ишлаб чиқаришни молиялаш учун етарлича сармоя жамлаш мақсадида корхонанинг пул маблағ жамғармаларини бошқариш молиявий стратегияси.

КОРХОНАНИ САНАСИЯЛАШ — корхонанинг молиявий аҳволини соғлотлаштириш ва банкротликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар йиғиндиси.

ТАННАРХ — маҳсулот, иш, хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш учун сарфланган жорий харажатларнинг пул ифодаси.

ХАРАжатлар ҳисоб-китоби кўзланган мақсадда пул маблағларини ташкил этиш ва уларнинг тегишлича сарфланиши ҳақида маълумот берувчи молиявий ҳужжат.

МУЛКДОРЛИК — мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш борасида юзага келувчи ҳуқуқ муносабатлари.

ИХТИСОСЛАШГАН КИМ ОШДИ САВДОСИ- очиқ савдода аксияларни сотиш услуби, бунда барча ғолиблар аксияларни ягона нарх бўйича оладилар.

СТРАТЕГИК МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТ — сармоя тарки-

би ва тузилмасида рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришларни олдиндан билишга имконият берувчи ва сармоя бошқариш соҳасида узоқ муддатли истиқболли қарорларни амалга ошириш учун қаратилган фаолият жабҳаси; кенгайган такрор ишлаб чиқаришни молиялаш жараёнини бошқариш шакли.

ЯНГИЛАШ СТРАТЕГИЯСИ — иқтисодиётда барқарор ва мақсадли ўзгаришларни таъминловчи ислоҳотларни амалга ошириш вазифаларини ва мақсадларини шакллаш.

ЖОРИЙ МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТ — тадбиркорликни жорий тарзда молиявий таъминлашга қаратилган фаолият жабҳаси: пул маблағ жамғармаларини шакллаш ва улардан фойдаланиш ҳамда жорий тўловларни ва ҳисоб-китобларни бажариш жараёнини бошқариш шакли.

ИШОНЧ АСОСИДАГИ ШИРКАТ (КОММАНДАНТ ШИРКАТ) — тўлиқ шерик ва коммандист бўлган иштирокчилар ўртасида тузилган шартнома асосидаги тижорат ташкилотининг ташкилий — ҳуқуқий шакли.

САВДО УСТАМАСИ — мол-маҳсулот чакана нархининг бир қисми: чакана савдо корхоналарига жорий харажатларни қоплаш ва фойда кўриш имкониятини беради.

ТРАСТ АМАЛИЁТЛАРИ — юридик ва жисмоний шахсларнинг қимматли қоғозларини ва мулкларини ишончнома асосида бошқариш билан боғлиқ ишонч амалиётлари.

ФАКТОРИНГ АМАЛИЁТЛАРИ — етказиб берилган мол-маҳсулот, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун пул тўловчидан ҳақ олиш ҳуқуқини мол етказиб берувчидан сотиб олиш билан боғлиқ амалиётлар; дебиторлик қарзларни инкассасия қилиш, кредитлаш ва фактор-фирманинг кафолат мажбуриятидан ташкил топади.

МОЛИЯВИЙ АХБОРОТ — аниқ фойдаланувчилар учун мўлжалланган бўлиб қарор қабул қилиш учун тузилган молиявий кўрсаткичлар тизими.

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ — молиявий кўрсаткичлар тўғрисида маълумот берувчи ҳужжатлар йиғиндиси.

МОЛИЯВИЙ СТРАТЕГИЯ — истиқболдаги молиявий мақсадларга эришиш учун қаратилган чоратадбирлар йиғиндиси.

ТАДБИРКОРЛИКНИ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ — корхона ва тижорат ташкилотларини молиялашга оид тамойиллар ва услублар, шакл ва шарт-шароитлар йиғиндиси.

МОЛИЯВИЙ РЕЖАЛАШ — молиявий маблағ манбаалари ва пул маблағ жамғармалари юзасидан режа тузиш.

МОЛИЯВИЙ КОНСЕПСИЯ — молиявий ва пул-кредит сиёсатига нисбатан нуқтаи назарлар тизими.

МОЛИЯВИЙ НАТИЖА — мол-маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда сармоялар бозордаги амалиётлар билан боғлиқ ҳолда молиявий маблағ ортириш жараёни.

МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖЕР — сармоя харакатига, жорий фойдага, инвестицияларга ва маблағ жамлашга ўз таъсирини ўтказувчи мулкдор намунаси.

МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТ — тадбиркорлик фаолиятини молиялаш жараёнларини бошқариш шакли.

МОЛИЯ — марказлашган ва марказлашмаган пул маблағ жамғармаларини ташкиллаш ва улардан фойдаланиш хусусида юзага келувчи пул муносабатлари йиғиндиси.

ФИФО УСЛУБИ — дастлаб етказиб берилган мол-маҳсулот нархи бўйича мол-моддий қиймаликларга доир бухгалтерлик ҳисобини юритиш услуби.

ХАРАЖАТЛАРНИ ҚОПЛАШ ЖАМҒАРМАСИ — моддий сарф-харажатларнинг қопланишни ва амортизасиянинг қўшиб ҳисобланишини таъминловчи оддий такрор ишлаб чиқаришни мақсадли молиялаш манбааси.

МУЛК ЖАМҒАРМАСИ — хусусийлаштирилаётган корхона, бўлинма, активлар, қимматли қоғозлар ва бошқа мулк сотувчиси томонидан тан олинадиган юридик шахс.

МАБЛАҒ ЖАМЛАШ ЖАМҒАРМАСИ — кенгайган такрор ишлаб чиқаришни мақсадли молиялаш манбааси.

МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ЖАМҒАРМАСИ — таннарх ҳисобига қўшилувчи меҳнат учун ҳақ тўлаш сарф-харажатларини, мукофот тўловларини мақсадли молиялаш манбааси.

ПУЛ МАБЛАҒ ЖАМҒАРМАЛАРИ — молиявий маблағ манбааларини мақсадли сарфлаш учун бирлаштириш.

ВАЗИФАСИГА ҚАРАБ БЎЛИМЛАРГА АЖРАТИБ БОШҚАРИШ — алоҳида бўлинмалар тамонидан бажарилаётган ишларнинг турига қараб, тегишли ҳолда тижорат ташкилотини ташкиллаш тури.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ — корхоналарнинг фаолиятини мувофиқлаш шакллари ва услублари тизими.

ШАХМАТ ЖАДВАЛИ — корхонанинг даромад ва сарф-харажатлар балансида акс эттирилган кўрсаткичлар ўртасидаги алоқаларни аниқлашга имконият берувчи текшириш жадвали.

ЭКСПАНСИОНИСТЛИК ЧОРА ТАДБИРЛАР — аҳолининг харид қобилиятини, давлат сарф-харажатларини, муомладаги пул ҳажмини, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, солиқларни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар.

ЭМИССИЯ ФАОЛИЯТИ — қимматли қоғозларни муомалага чақириш ва муомаладан олиб қўйиш ишларини ташкиллаш билан боғлиқ фаолият.

ЮРИДИК ШАХС — айримликда мавжуд мулкка эгалик қилувчи, уни хўжалик юритиш ёки амаллий тарзда бошқарувчи ҳамда ўз мажбуриятлари бўйича шу мулк билан жавоб берувчи, мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни сотиб олувчи ва амалга оширувчи, вазифа бажарувчи, суд олдида даъвогар ва жавобгар бўлувчи ташкилот.

Мундарижа

Кириш ____ 3

1. Молиявий менежментнинг концептуал жиҳатлари ____ 10

Молиявий менежмент ўз вазифасини бажариш учун зарур бўлган шарт-шароитлар ____ 34

2 Молиявий менежмент вазифалари, тамойиллари ва аҳамияти ____ 57

3. Молиявий менежментни ташкиллаш ____ 95

II. қисм. Тадбиркорликнинг молиявий таъминлашини бошқариш ____ 137

4. Тадбиркорликни молиявий таъминлаш шакллари ва услублари ____ 137

5. Хусусийлаштиришнинг молиявий жиҳатлари ____ 153

6. Давлат молия - кредит сиёсати ____ 167

7. Жамғариш,инвестициялар, эмиссия ____ 181

8. Молиявий таъминот манбалари ____ 217

9. Банкротлар ____ 243

III. қисм. Корхона пул айланувини бошқариш ____ 259

10. Айланувдан ташқаридаги активлар қийматини баҳолаш ____ 259

11. Айланма активларнинг қийматини баҳолаш ____ 289

12. Пул сармояси ривожлантириш, оптималлаштириш, таҳлил ____ 322

Якуний хулоса ____ 367

Умумий хулоса ____ 368

Р —— Подписано в печать

Формат: 60x84/16 Объём: 24,5 п.л.

Тираж: 1000 Заказ: 1415

ТИПОГРАФИЯ ОПЕРАТИВНОЙ ПЕЧАТИ

Ташкент — 700200 пр. Радиальный, 10.